ISSN 2091-5659

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 20

2026 йил 18 - 23 май

Расмий нашр

Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ БЎЛИМ

488. «Қўриқлаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 19 майдаги ЎРҚ-1146-сон Қонуни

489. «Ўзбекистон Республикасининг Янги тараққиёт банки тўғрисидаги Битимга (Форталеза, 2014 йил 15 июль) қўшилиши ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 21 майдаги ЎРҚ-1147-сон Қонуни

ИККИНЧИ БЎЛИМ

490. «Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 19 майдаги ПФ-95-сон Фармони

491. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 19 майдаги ПҚ-192-сон қарори

492. «Фитосанитария тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш жараёнларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 20 майдаги ПҚ-193-сон қарори

493. «Муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 20 майдаги ПҚ-194-сон қарори

494. «Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 21 майдаги ПҚ-196-сон қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

495. «Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили олимпиадасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 18 майдаги 250-сон қарори

496. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божидан озод этиладиган ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда заргарлик саноатида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва сарфлов воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 18 майдаги 251-сон қарори

497. «Ўзбекистон Республикасида гидрометеорология хизмати инфратузилмасини ривожлантириш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, фуқаро авиацияси ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини метеорологик таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 18 майдаги 252-сон қарори

498. «Солиқ базасини товарларнинг бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш орқали тенг рақобат муҳитини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 18 майдаги 253-сон қарори

499. «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида онлайн назорат-касса техникасидан фойдаланишни оммалаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 18 майдаги 254-сон қарори

500. «Ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтириш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 18 майдаги 255-сон қарори

501. «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда оилавий маслаҳат хизматларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 19 майдаги 257-сон қарори

502. «Вазирлар Маҳкамасининг «Сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2022 йил 1 ноябрдаги 631-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 19 майдаги 258-сон қарори

503. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 20 майдаги 260-сон қарори

504. «Чирчиқ шаҳрида қаровсиз ҳайвонларни тутиш ва сақлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 20 майдаги 265-сон қарори

505. «Божхона ҳудудида қайта ишланган тайёр маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва улар бўйича божхона тўловларини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 21 майдаги 266-сон қарори

506. «Қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 21 майдаги 267-сон қарори

507. «Чет эл фуқароларига махсус солиқ режимини тақдим этиш бўйича маъмурий регламентни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 21 майдаги 270-сон қарори

508. «Руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат муассасаларини такомиллаштириш ва янги ижтимоий хизматларни ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 21 майдаги 271-сон қарори

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

509. “Rieltorlik tashkilotlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi, O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 18-may ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2257-7-son)*

510. “Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 18 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3545-1-сон)*

511. “O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 18-may ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3834-son)*

512. “Davlat organlari va tashkilotlarining korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalari xodimlarining malakasini oshirish, ularni stajirovka va attestatsiyadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 18-may ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3835-son)*

513. “Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 18 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3836-сон)*

514. “«Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари»га (ЎзР АҚ-160) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-10-сон)*

515. “Havo transportida yuk tashish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi Fuqaro aviatsiyasi agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-may ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2552-1-son)*

516. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига «Чақириққача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2995-3-сон)*

517. “Davlat ilmiy dasturlari doirasida yaratilgan intellektual mulk huquqlari (patentlar)ni xorijda ro‘yxatdan o‘tkazish va qo‘llab-quvvatlash xarajatlarini to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-may ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3034-2-son)*

518. “Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3632-2-сон)*

519. “O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-may ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3837-son)*



БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ

QMMB: 03/26/1146/0514-son
20.05.2026-y.

20 (1248)-son
488-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Qўриқлаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 20 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 7 апрелда маъқулланган

Мамлакатимизда қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, бошқа объектларни тажовузлардан ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилиб, қўриқлаш фаолияти соҳасидаги аксарият ваколатлар ва вазифалар ушбу департаментга ўтказилганлиги қонунчиликни ўзаро мувофиқлаштириш заруриятини юзага келтирди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ваколатларини аниқ белгилашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштиришга, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини ҳамда бошқа объектларни тажовузлардан ҳимоя қилиш ишлари самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил,

QMMB: 03/26/1146/0514-son
20.05.2026-y.

№ 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9,171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829,

QMMB: 03/26/1146/0514-son
20.05.2026-y.

831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар, № 4, 517, 521-моддалар, № 5, 643, 644-моддалар, № 6, 729-модда, № 7, 828, 829, 832-моддалар, № 8, 968, 971-моддалар, № 11, 1233, 1236, 1237-моддалар, № 12, 1322, 1327, 1328, 1329-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **248-модданинг**:

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **2^1-банд** билан тўлдирилсин:

«2^1) ушбу Кодекснинг 56^1, 63-моддаларида, 72-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида (сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларда сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, сув объектларига оқова сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузишга оид қисмида, бундан ер ости сувларига доир ҳуқуқбузарликлар мустасно), 79-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида, 88-моддасида (бундан битум эритиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик мустасно), 90-моддасининг биринчи қисмида, 91-моддасида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 91^1-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 91^2, 161-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188^2, 192-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги қўриқлаш хизматлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) ҳузуридаги қўриқлаш хизматлари (бўлинмалари) бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари»;

тўртинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ушбу Кодекснинг 61-моддасида, 79-моддасининг учинчи қисмида, 90-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 90^1-моддасида, 91^1-моддасининг тўртинчи қисмида, 183, 184^2,184^3, 185-моддаларида, 185^1-моддасида (бундан божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар мустасно), 185^2, 185^3, 186-моддаларида, 187-моддасининг иккинчи қисмида, 188^1, 188^3, 189, 189^1, 191, 194, 195, 210^1-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар

QMMB: 03/26/1146/0514-son
20.05.2026-y.

аниқланган тақдирда, ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш хизматларининг (бўлинмаларининг) мансабдор шахслари»;

бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) **248[1]-модда иккинчи қисмининг бешинчи – саккизинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **бешинчи**, **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, суриштирув бўлимлари бошлиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Муҳим давлат объектларини қўриқлаш бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Муҳим давлат объектларини қўриқлаш бошқармаси батальонлари командирлари ва уларнинг ўринбосарлари»;

3) **284-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларига, бошқа мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчилари (ходимлари), ички ишлар органлари ходимлари ёки ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаси ишчилари ва хизматчилари томонидан ҳуқуқбузарликка барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига, ички ишлар органларига ёки ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмасининг хизмат биносига ушлаб келтирилиши мумкин»;

4) **287-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги** «210» рақами «210-моддаларида, 210[1]-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган **«Ички ишлар органлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–407-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 588, 591-моддалар, № 10, 674-модда, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 466-модда, № 6, 570-модда, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 7, 537-модда; 2024 йил, № 3, 244-модда, № 9, 958, 964-моддалар, № 11, 1291-модда; 2025 йил, № 12, 1329-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **13-модданинг**:

биринчи қисми «жазони ижро этиш муассасалари» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги

QMMB: 03/26/1146/0514-son
20.05.2026-y.

Қўриқлаш департаменти ва унинг бўлинмалари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органлари тизимига ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари учун қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланадиган қоровул қўшинлари ҳам киради»;

2) **16-модда биринчи қисмининг**:

қирқ учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қўриқланиши лозим бўлган давлат объектларини, ўта муҳим ва тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, савдо, хизмат кўрсатиш, кўнгилочар объектларни ҳамда қурилиш объектларини қўриқлашни амалга ошириши»;

эллик биринчи хатбошисидаги «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» деган сўзлар «қўриқлаш фаолияти, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **17-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **ўттиз саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қўриқланиши лозим бўлган давлат объектларини, ўта муҳим ва тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, савдо, хизмат кўрсатиш, кўнгилочар объектларни ҳамда қурилиш объектларини улар билан тузилган шартномалар асосида қўриқлаш»;

ўттиз саккизинчи – қирқ иккинчи хатбошилари тегишинча **ўттиз тўққизинчи – қирқ учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўттиз тўққизинчи хатбошисидаги «тегишли ташкилотларда» деган сўзлар «идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларида ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларида назорат текширувларини ўтказиш, тегишли ташкилотларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган **«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710-модда, № 11, 921, 923-моддалар; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819-модда, № 9, 957, 958-моддалар; 2025 йил, № 1, 3, 6-моддалар, № 2, 189, 197-моддалар, № 3, 376-модда, № 4, 519, 520, 521-моддалар, № 5, 644, 645-моддалар, № 10, 1155-модда, № 11, 1237-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

QMMB: 03/26/1146/0514-son
20.05.2026-y.

1) **2-ilova 120-pozitsiyasining «Ruxsat etish tartib-taomillari soxasidagi vakolatli organlar»** deган **ustunidagi** «Milliy gvardiyasi» deган sўzlar «Ichki ishlar vazirligi» deган sўzlar bilan almashtirilsin;

2) **3-ilova 15-pozitsiyasining «Xabardor qilish tartib-taomillari soxasidagi vakolatli organlar»** deган **ustunidagi** «Milliy gvardiyasi» deган sўzlar «Ichki ishlar vazirligi» deган sўzlar bilan almashtirilsin.

4-modda. Ўzbekiston Respublikasining 2022 yil 15 iyunda qabul qilingan **«Qўriqlash faolияti tўғrisida»**gi ЎRQ–778-sonli Qonunига (Ўzbekiston Respublikasi Oliy Mazhlisi palatalarining Axborotnomasi, 2022 yil, № 6, 573-modda; 2024 yil, № 11, 1291-modda) quyidagi ўzgartirishlar va qўshimcha kiritilsin:

1) **3-modданing**:

ikkinchi xatboshisidagi «Milliy gvardiyasining shartnoma asosida davlat va xўzalik boshqaruvi organlarining» deган sўzlar «Ichki ishlar vazirligining shartnoma asosida davlat organlarining» deган sўzlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshisidagi «Milliy gvardiyasining ўta muxim xamda toifalanган obyektlarni» deган sўzlar «Ichki ishlar vazirligining ўta muxim va toifalanган obyektlarni» deган sўzlar bilan almashtirilsin;

2) **7-modda birinchi qismining**:

ikkinchi xatboshisidagi «Milliy gvardiyasi» deган sўzlar «Ichki ishlar vazirligi» deган sўzlar bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshisidagi «Milliy gvardiyasi» deган sўzlar «Ichki ishlar vazirligi» deган sўzlar bilan almashtirilsin;

3) quyidagi mazmundagi **7^1-modda** bilan tўldirilsin:

«7^1-modda. Ўzbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining qўriqlash faolияti soxasidagi vakolatlari

Ўzbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi:

qўriqlash faolияti soxasidagi davlat siёsatini amalga oshiradi;

Ўzbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tomonidan kўrsatiladigan qўriqlash xizmatlari uchun tariflarni tasdiqlaydi;

qўriqlaniши lozim bўlgan davlat obyektlari, ўta muxim va toifalanган obyektlar, shuningdek savdo, xizmat kўrsatish, kўngilochar, qurilish obyektlarida va boshqa obyektlarda Ўzbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi xuzuridagi Qўriqlash departamenti tomonidan qўriqlash xizmatlarini kўrsatish tartibini tasdiqlaydi xamda qўriqlash faolиятini amalga oshiradi;

qўriqlash vositalarining va tizimlarining qўllanilishi soxasida yagona texnik siёsat yuritilishini, ulardan foydalanilishi ustidan

QMMB: 03/26/1146/0514-son
20.05.2026-y.

самарали назоратни, шунингдек қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг миқёсда жорий этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ҳамда идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчилари ва хизматчиларининг формали кийим-боши ҳамда фарқловчи белгилари намуналарини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қўриқлаш хизматларини кўрсатиш бўйича шартномаларнинг намунавий шаклини тасдиқлайди;

саф бўлинмалари, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари томонидан қўриқлашнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда қўриқлаш хизматларини, шунингдек қўриқлаш-техник хизматларни кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментига қўриқлаш учун топширилган объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талаблари, тартиби ҳамда шартларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни бажариш учун рухсатномалар беради;

қўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабардор қилиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

қўриқланадиган объектлар ҳудудида жамоат тартибини сақлайди, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади ва уларга чек қўяди;

ўзгалар мол-мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини амалга оширади;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан қўлланилишига рухсат этилган махсус воситаларни олиш, транспортда ташиш, сақлаш, ҳисобга олиш, таъмирлаш ва йўқ қилиш қоидаларини тасдиқлайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчилари ва хизматчиларининг хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, ахлоқий-руҳий ҳамда жисмоний тайёргарлигини амалга ошириш тартибини белгилайди;

QMMB: 03/26/1146/0514-son
20.05.2026-y.

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари нарядлари томонидан хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги тавсияларни ишлаб чиқади;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчилари ва хизматчиларининг бошланғич тайёргарлигини ҳамда уларнинг малакаси оширилишини шартнома асосида таъминлайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг фаолияти ташкил этилишини назорат қилади, шунингдек давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларининг ушбу бўлинмалар томонидан қўриқланадиган объектларида қўриқланиш, назорат-ўтказиш режими, қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозланганлик ҳолатини текширади (икки йилда бир марта);

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг кўп сонини белгилайди;

қўриқлаш фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

қўриқлаш фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

4) **8-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси:

қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан кўрсатиладиган қўриқлаш хизматлари учун тарифларни тасдиқлайди;

давлат объектларини, ўта муҳим ва тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, шунингдек хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини қўриқлашни амалга оширади;

қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқлаш хизматларини кўрсатиш бўйича шартномаларнинг намунавий шаклини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмаларига қўриқлаш учун топширилган объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талаблари, тартиби ҳамда шартларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмаларига қўриқлаш учун топширилган объектлар ҳудудида жамоат

QMMB: 03/26/1146/0514-son
20.05.2026-y.

тартибини сақлайди, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади ва уларга чек қўяди;

қўриқлаш фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

қўриқлаш фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

5) **11-модданинг**:

биринчи қисмидаги «Миллий гвардияси» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Миллий гвардияси» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Миллий гвардиясининг» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **12-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Миллий гвардиясининг» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **13-модданинг**:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқланиши лозим бўлган объектларда»;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қўриқланиши лозим бўлган объектларда, қонунчиликда белгиланадиган транспортда ташиладиган юкларни ва бошқа объектларни қўриқлаш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича»;

8) **21-модданинг**:

учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ва Миллий гвардиясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **29-модданинг матнидаги** «Миллий гвардияси» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

QMMB: 03/26/1146/0514-son
20.05.2026-y.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2026 йил 19 май
№ ЎРҚ–1146

QMMB: 03/26/1147/0524-son
21.05.2026-y.

20 (1248)-son
489-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг Янги тараққиёт банки тўғрисидаги Битимга (Форталеза, 2014 йил 15 июль) қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 21 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 19 майда маъқулланган

Янги тараққиёт банки тўғрисидаги Битимга (Форталеза, 2014 йил 15 июль) қўшилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2026 йил 21 май
№ ЎРҚ–1147



ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

20 (1248)-сон
490-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2026 yil « 19 » май ПФ–95 -son

Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилигини замонавий босқичга олиб чиқиш, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан трансформация қилиш, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш, солиқ назоратининг самарадорлигини кучайтириш ҳамда солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган **асосий мақсадлар** этиб белгилансин:

(а) 2030 йилга қадар:

(i) Жаҳон банкининг “Business ready” рейтингида солиқ йўналиши бўйича **биринчи даражага чиқиш**;

(ii) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устуворлиги принципини қўллаш орқали солиқларни ихтиёрий тўлаш улушини **98 фоизга етказиш**;

(iii) солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва юқори хавфларни **икки баробар камайтириш**;

(iv) жами солиқ тушумлари миқдорини **икки баробарга ошириш**;

(б) солиқ хизматларини яхшилаш ва солиқ тўловчиларнинг солиқ органларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

II. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишлари

2. Қуйидагилар солиқ маъмуриятчилиги ва солиқ органлари фаолиятини ривожлантиришнинг **асосий устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

(а) солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларга **жаҳон стандартлари талаблари даражасида хизмат кўрсатиш** ва солиқ хизматларидан фойдаланиш учун қулай шарт-шароит яратиш;

(б) тадбиркорлик субъектлари ўртасида **соғлом рақобат муҳитини шакллантириш** мақсадида солиқ хавфларини бошқаришда "Compliance risk management" (CRM) тизимини янада такомиллаштириш;

(в) рақамлаштириш ва инновацион ечимлар орқали сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш ҳамда солиқ тўловчиларга **молиявий** ва **маъмурий юкни камайтириш**;

(г) солиқ органларида **ўрта** ва **узоқ муддатга** мўлжалланган **кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш** ва амалга ошириш.

3. 2026–2030 йилларда солиқ маъмуриятчилиги ва солиқ органлари фаолиятини ривожлантириш бўйича "йўл харитаси" **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

III. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишда замонавий ёндашувларни жорий этиш

4. Белгилансинки:

(а) 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

(i) текширувдан олдинги таҳлил доирасида аниқланган тафовутлар бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёки асословчи ҳужжатларни **тақдим этиш мажбурияти бекор қилинади**;

(ii) солиқ хавфи ўрта бўлган солиқ тўловчиларга аниқланган хавфлар тўғрисида **хабарнома юбориш тизими** жорий этилади. Бунда аниқланган камчиликлар бир ой ичида бартараф этилган тақдирда, **солиқ текширувлари ўтказилмайди**;

(iii) янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига уларнинг ихтиёрига кўра дастлабки **6 ой давомида** солиқ ва молиявий **ҳисоботларни юбориш хизмати** "Soliq-servis" АЖ томонидан **бепул амалга оширилади**;

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

(iv) туман фермерлари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари **амалдаги молиялаштириш тартиби** ва **моддий-техника базасини сақлаб қолган ҳолда** “Soliq-servis” АЖ тасарруфига ўтказилади;

(б) 2026 йил 1 августдан бошлаб **солиқ органларининг мижозларга йўналтирилганлик индекси** жорий этилади. Бунда солиқ тўловчилар томонидан:

(i) солиқ хизматларидан фойдаланиш имконияти ва қулайлиги, шунингдек, солиқ органлари томонидан **кўрсатиладиган хизматлар сифатини**;

(ii) солиқ мажбуриятларини бажариш учун сарфланадиган вақт ҳамда солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳамкорлиги даражасини **баҳолаш имконияти** яратилади;

(в) 2027 йил 1 январдан бошлаб:

(i) якуний истеъмолчиларга реализация қилинадиган нефть ва газ маҳсулотлари бўйича **акциз солиғи** ва норуда қурилиш материаллари бўйича **ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ**, қишлоқ хўжалиги ерлари учун **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ** ҳисоботлари **проактив тартибда** шакллантирилади;

(ii) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича солиқ ваколатли органларнинг солиқ органларига тақдим этган маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботини тақдим этиш **мажбурияти бекор қилинади**;

(iii) жисмоний шахсларнинг **ипотека кредитларини** қоплашга йўналтирилган даромадлари бўйича **солиқ имтиёзларини қўллаш** идоралараро ахборот тизими маълумотлари асосида **проактив тартибда** амалга оширилади. Бунда имтиёз қўллаш натижасида юзага келган ортиқча сумма жисмоний шахснинг мурожаатига асосан **10 иш** куни ичида қайтарилади.

5. Белгилансинки, қуйидаги солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилиги, солиқ ҳисобини юритиш ва назорати тегишинча **туманлар (шаҳарлар) солиқ инспекцияларида амалга оширилади**, бундан йирик солиқ тўловчилар мустасно:

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

(а) **2026 йил 1 июлдан** бошлаб бозорлар ва савдо комплекслари, шунингдек, савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар;

(б) **2027 йил 1 январдан** бошлаб барча солиқ тўловчилар.

IV. Солиқ хавфларини бошқариш тизимини такомиллаштириш

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) **2027 йил 1 январдан** бошлаб солиқ хавфи даражаси паст бўлган солиқ тўловчиларга ноль даражали солиқ ставкасини қўллаш ва кўчмас мулклар хариди ҳисобидан ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммасини қоплаш (қайтариш) **3 кун муддатда автоматлаштирилган тарзда** амалга оширилади. Бунда солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини тезлаштирилган тарзда қоплашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади;

(б) қарз (молиявий ёрдам) ва омборда омонат сақлаш шартномалари солиқ органларида ҳисобга қўйилади.

7. Солиқ қўмитаси:

(а) **2026 йил 1 сентябрга қадар** солиқ органларининг бизнес жараёнларини хавфларни бошқариш бўйича **халқаро стандартларга** (ISO 22301 ва ISO 31000) мувофиқлаштирсин;

(б) **2026 йил 1 ноябрга қадар** Халқаро валюта жамғармаси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти тавсиялари ҳамда халқаро стандартларга асосан солиқ тўловчиларнинг солиқ хавфларини олдиндан бартараф этишга қаратилган "**Хавфларни тоифалаш** (Risk Differentiation Framework)" ва "**Хавфларни кўриб чиқиш** (Risk Review)" ахборот тизимларини ишлаб чиқсин. Бунда:

(i) **2027 йил 1 январдан** бошлаб **кимё саноати** соҳасида фаолият юритаётган йирик солиқ тўловчиларга нисбатан;

(ii) **2027 йил 1 июлдан** бошлаб барча йирик солиқ тўловчиларга нисбатан жорий этилсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2026 йил 1 июлдан бошлаб** давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари балансидаги нотурар жой объектларини ижарага бериш фақат "E-auksion" электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади.

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

V. Йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш

9. **2026 йил 1 июлдан** бошлаб солиқ тўловчиларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки:

(а) **2027 йилдан 1 январдан** бошлаб аввалги йилнинг 1 июль ҳолатига кетма-кет келадиган охирги ўн икки ойлик давр бўйича Давлат бюджетига тўланган солиқлар, йиғимлар ва давлат божи, шунингдек, солиқ бўлмаган **тўловлари** ҳажми базавий ҳисоблаш миқдорининг **500 минг бараваридан ортиқ** бўлган корхоналар ва тижорат банклари йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи **ўта йирик солиқ тўловчилар** деб эътироф этилади ҳамда уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади;

(б) ўта йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилиги йирик солиқ тўловчилар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **2026 йил 15 июлга** қадар Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси ва ҳудудий солиқ органлари маъмуриятчилигидаги корхоналар рўйхатининг ўзгариши муносабати билан 2026 йил учун Давлат бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткичларини уларга белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритган ҳолда қайта тасдиқласин. Прогноз кўрсаткичларини қайта тасдиқлашда солиқ тўловчилар кесимида даромадлар режасини ишлаб чиқиш учун фойдаланилган чораклик кўрсаткичларга ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ушбу Фармоннинг 11-бандига мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб, **уч иш куни ичида** туман (шаҳар) прогноз кўрсаткичларини қайта тасдиқласин.

VI. Солиқ органларида кадрлар салоҳиятини ошириш ва ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш

13. Белгилансинки:

(а) **2026/2027 ўқув йилидан** бошлаб бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида кадрлар тайёрлаш, шунингдек, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида Солиқ қўмитаси ҳузурида **Солиқ олий мактаби** ҳамда унинг таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Малака ошириш ва компетенцияларни ривожлантириш маркази** ҳамда **Солиққа оид тадқиқотлар маркази** ташкил этилади;

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

(б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги балансида бўлган Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли кўчаси 3 ва 3а-уй манзилларидаги бино ва иншоотлар оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Солиқ олий мактабига бепул ўтказиб берилади. Бунда Туркий давлатлар халқаро университети томонидан ушбу бино ва иншоотлардан текин фойдаланиш ҳуқуқи сақлаб қолинади;

(в) 2026 йил 1 июндан бошлаб:

(i) 3-иловага мувофиқ халқаро малака даражалари ва (ёки) сертификатларига эга бўлган барча даражадаги солиқ хизмати ходимларига ҳар ойлик иш ҳақига қўшимча равишда лавозим маошининг **100 фоизи миқдорида устама ҳақи** тўланади. Бунда ушбу устама ҳақи тўловлари Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси (кейинги ўринларда – Махсус жамғарма) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

(ii) солиқ хизмати ходимларига кўп йил ишлаганлик учун тўланадиган ҳар ойлик устама миқдори **4-иловага** мувофиқ 150 фоизгача оширилади;

(г) солиқларни тўлаш муддатини бузганлик учун пенялар, шу жумладан, давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган текширувлар натижасида қўшимча ундирилган суммалар бўйича пенялар ҳамда солиқ қонунчилигини бузганлик учун қўлланган молиявий жазо чоралари суммаларининг Махсус жамғармани шакллантиришга йўналтириладиган қисми 40 фоиз этиб белгиланади;

(д) 2027 йил 1 январдан бошлаб солиқ соҳасида алоҳида ташаббус кўрсатган, солиқ тизими ривожига ҳисса қўшган шахсларни рағбатлантириш мақсадида “**Солиқ хизмати фидойиси**” кўкрак нишони таъсис этилади.

14. Солиқ қўмитаси:

(а) икки ой муддатда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда Солиқ олий мактаби фаолиятини йўлга қўйиш, солиқ соҳасида **таълим**, **илм-фан** ва **амалиётни** ўзаро интеграцияловчи **кадрлар тайёрлаш** тизимини жорий этиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

(б) Бошқарув самарадорлиги агентлиги билан биргаликда **2027 йил 1 январга қадар** инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқаришда меритократия тамойилига асосланган **Инсон ресурслари салоҳиятини ошириш** (HR Capacity Development) стратегиясини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

15. Солиқ қўмитасининг ташкилий тузилмаси **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин. Бунда Солиқ қўмитасининг ташкилий тузилмасига киритилган ташкилотлар давлат мулки бўлган бино ва иншоотларга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

VII. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

16. Мазкур Фармонда назарда тутилган солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришда янги инструментларни жорий этиш билан боғлиқ дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва техник имкониятларни яратиш харажатлари Солиқ қўмитасининг Махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **6-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Солиқ қўмитаси **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Солиқ қўмитаси раиси Ф.Ж. Пулатов белгилансин.

20. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 майдаги ПФ–95-сон Фармонига
1-илова

2026–2030 йилларда солиқ маъмуриятчилиги ва солиқ органлари фаолиятини ривожлантириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишда замонавий ёндашувларни жорий этиш					
1.	Солиқ тўловчиларнинг мижозга йўналтирилганлик индексини жорий этиш.	1. Солиқ тўловчиларнинг мижозга йўналтирилганлик индексини аниқлаш методологиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Солиқ органларининг мижозга йўналтирилганлик индексини ҳисоблаш натижаларини расмий веб-сайтда эълон қилиб бориш.	Идоравий ҳужжат Амалий чора-тадбирлар	2026 йил август Ҳар ойнинг 20-санасига қадар	Солиқ қўмитаси
2.	Солиқ органларига нисбатан жамоатчилик ишончини ўрганиш.	1. Жамоатчилик ишончини ўрганиш бўйича сўров ўтказиб бориш тизимини жорий этиш. 2. Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровлар натижаларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.	Амалий чора-тадбирлар Режа-жадвал	2026 йил июль 2026 йил декабрь	Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
3.	Солиқ тўловчилар реестри маълумотлари яхлитлигини ҳамда тўғрилигини таъминлаш.	1. Солиқ тўловчилар реестрини хатловдан ўтказиб бориш. 2. Солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш маълумотлар базасида солиқ маъмуриятчилигидаги асосий ўлчовлар (фаолият тури, фаолият жойи, алоқа маълумотлари, фаоллик ҳолати ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотларни баҳолашдан ўтказиш, бошқарув ёки ички аудит ҳисоботларини тайёрлаш.	Амалий чора-тадбирлар	Ҳар чоракда	Солиқ қўмитаси

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
4.	Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва ҳуқуқбузарларга қўлланган чоралар юзасидан турли вазиятларга доир солиқ қўлланмаларини ишлаб чиқиш.	Солиқ тўловчиларда энг кўп аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва ҳуқуқбузарларга қўлланган чоралар юзасидан турли вазиятларга доир солиқ қўлланмаларини ишлаб чиқиш, статистик-таҳлилий маълумотлар, мавжуд хавф-хатарлар ҳамда солиқ маъмуриятчилигидаги камчиликларни расмий саҳифаларда эълон қилиб бориш.	Амалий чора-тадбирлар	Ҳар чоракда	Солиқ қўмитаси
5.	Жисмоний шахсларнинг ипотека кредитларини қоплашга йўналтирилган даромадлари бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини соддалаштириш.	1. Жисмоний шахсларнинг ипотека кредитлари ва уларни қоплашга доир маълумотларни олиш юзасидан идоралараро ахборот алмашинувини йўлга қўйиш. 2. Жисмоний шахсларнинг ипотека кредитларини қоплашга йўналтирилган даромадлари бўйича солиқ имтиёзларини қўллашни идоралараро ахборот тизими маълумотлари асосида проактив тартибда амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил октябрь 2026 йил август	Солиқ қўмитаси, Марказий банк, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Қўшилган қиймат солиғини юридик шахснинг ҳар бир алоҳида бўлинмаси жойлашган жой бўйича бюджетга тўлаш тартибини жорий этиш.	Қурилиш корхоналари томонидан солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойдан бошқа жойда бажарилган ишлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ушбу корхонанинг алоҳида бўлинмаси жойлашган жой бўйича тўлаш тартибини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил июнь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси
7.	“Soliq-servis” АЖ томонидан фермер хўжаликларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини жорий этиш.	“Soliq-servis” АЖ томонидан фермер хўжаликларига бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш хизматларини кўрсатиш тартибини белгилаш, бунда фермер хўжалигининг банк ҳисобварағидаги пул маблағлари фермер хўжалиги раҳбари томонидан бошқарилишини назарда тутиш.	Идоравий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июль	Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
8.	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ёки уларни чакана сотиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш.	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ёки уларни чакана сотиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтаришда 2026 йилнинг январь-февраль ойлари учун тақдим этилган солиқ ҳисоботига мувофиқ ҳисобланган солиқ суммаси 2026 йил 25 майга қадар тўлиқ тўланганда, ушбу даврлар учун солиқни қайтариб бериш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил 1 июнь	Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
II. Солиқ хатарларини бошқаришда “Compliance risk management” (CRM) тизимини янада такомиллаштириш ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш					
9.	Солиқ хатарларини бошқаришда “Compliance risk management” (CRM) тизимини такомиллаштириб бориш.	1. Хавфларни баҳолаш методологияларини такомиллаштириш, маълумотларни таҳлил қилиш имкониятларини яхшилаш ва юқори даражадаги хавфларни бартараф этиш бўйича йиллик режани тасдиқлаш. 2. Халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда солиқ маъмуриятчилиги хавфларини бошқариш тизими бўйича таклиф ва хулосаларни олиш. 3. Солиқ текширувларини ўтказувчи ходимлар малакасини ошириб бориш ҳамда солиқ аудитини ўтказувчи юқори малакали ходимлар сонини босқичма-босқич 2000 тагача етказиш.	Амалий чора-тадбирлар Режа-жадвал	Ҳар йили декабрь 2027 йил март 2026–2030 йиллар	Солиқ қўмитаси

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
10.	Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш ҳолатларининг олдини олиш.	Солиқ органлари ходимлари томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш ҳолатлари аниқланганда сайёр солиқ текширувини ўтказишга асос бўлишини белгилаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил август	Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
11.	Шартномаларни ҳисобга қўйиш тартибини соддалаштириш.	Қарз (молиявий ёрдам) ва омборда омонат сақлаш шартномаларини солиқ органларида электрон тарзда ҳисобга қўйиш тартибини белгилаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил сентябрь	Солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги
12.	Хавфларни автоматлаштирилган таҳлил қилиш модулини баҳолаш.	1. Хавфларни автоматлаштирилган таҳлил қилиш модули самарадорлигини баҳолаш асосида солиқ тўловчиларнинг хатти-ҳаракатларини башорат қилиш ва солиқ маъмуриятчилигидаги хавфларни аниқлашни таъминлаш. 2. “Солиқ хавфини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш” автоматлаштирилган дастурини (CRM) Халқаро валюта жамғармаси (IMF) ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) экспертларини жалб этган ҳолда мустақил ташқи экспертизадан ўтказиш. 3. Экспертиза хулосаси асосида ушбу дастурни такомиллаштириш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил октябрь 2026 йил декабрь 2027 йил март	Солиқ қўмитаси
13.	Солиқ маъмуриятчилигини яхшилашга қаратилган кенг қамровли режалар (Compliance Improvement Plan) ишлаб чиқиш.	Яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ва унга қарши курашиш, бизнесни соядан чиқаришга қаратилган кенг қамровли режаларни ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил июль	Солиқ қўмитаси

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
14.	Солиқ бўшлиқларини аниқлаш (Revenue Administration Gap) тизимини жорий этиш.	1. Замонавий таҳлилий усуллардан фойдаланган ҳолда солиқдан қочиш усулларини ҳар томонлама баҳолашни амалга ошириш учун солиқ бўшлиқларини аниқлаш дастурини амалга ошириш. 2. Солиқдан қочиш механизмларини ва тушум йўқотишларини аниқлаш учун таҳлилий маълумотлардан фойдаланадиган солиқ бўшлиғини ўрганиш дастурини (пастдан юқорига) жорий этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2028 йил январь 2029 йил январь	Солиқ қўмитаси
15.	Солиқ аудитини ўтказиш тартибини такомиллаштириш.	1. Солиқ аудити миллий режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Солиқ аудитини ўтказиш билан боғлиқ маълумотлар базаси тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш орқали натижадорлигини ошириш. 3. Соҳалар, ҳудудлар ҳамда солиқ турлари кесимида юқори хавфларни ва бюджетга потенциал тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлаш, солиқ назорати тадбирлари натижадорлигини ошириш ҳамда хавфларни пасайтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилаш. 4. Тасодифий аудит ҳолатларини танлаш услубиётини ишлаб чиқиш, аниқ мезонлар ва тартибларни белгилаш. 5. Солиқ аудити жараёнларини рақамлаштириш.	Амалий чора-тадбирлар Ички идоравий ҳужжат Амалий чора-тадбирлар	Ҳар йили декабрь Ҳар чоракда Ҳар чоракда 2026 йил август 2027 йил январь	Солиқ қўмитаси

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
16.	Солиқ маъмуриятчилигида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари бўйича давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш.	Давлат-хусусий шериклик шартномалари асосида солиқ хавфи юқори бўлган соҳаларда солиқ базасини яшириш ҳолатларини автоматик равишда аниқлашни таъминлайдиган сунъий интеллект технологияларига асосланган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил июль	Солиқ қўмитаси
17.	Реализация қилинган товарлар (хизматлар) учун тўловларни жисмоний шахснинг банк карталарига қабул қилиш орқали солиқ базасини яшириш ҳолатларининг олдини олиш.	Жисмоний шахсдан бошқа жисмоний шахснинг банк карталарига (бундан яқин қариндошлар мустасно) календарь ой давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараварига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада маблағлар бир ёки бир нечта банк карталаридан ёхуд электрон ҳамёнлардан келиб тушганда солиқ органларига маълумот тақдим этиш тартибини ишлаб чиқиш. Бунда маблағларни қабул қилиб олган жисмоний шахслар томонидан жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларацияни мажбурий тарзда тақдим этиш тартибини белгилаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июль	Солиқ қўмитаси, Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
18.	Қўшилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммасини қоплаш (қайтариш) тартибини автоматлаштириш.	1. Солиқ хавфи даражаси паст бўлган солиқ тўловчиларга ноль даражали солиқ ставкасини қўллаш ва кўчмас мулклар хариди ҳисобидан ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммасини 3 кун муддатда автоматлаштирилган тарзда қоплаш (қайтариш) тартибини жорий қилиш. 2. Қўшилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммасини қоплаш (қайтариш) тартибини тўлиқ автоматлаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Амалий чора-тадбирлар	2026 йил август 2027 йил июнь	Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
III. Рақамлаштириш ва инновацион ечимлар орқали самарадорликни ошириш ҳамда солиқ тўловчиларга молиявий ва маъмурий юкни камайтириш					
19.	Маълумотларни бошқариш ва хавфсизликни кучайтириш бўйича Солиқ қўмитаси ходимларининг малакасини ошириш.	Маълумотларнинг ишончли муҳофазасини таъминлаш (шифрлаш ва кўп омилли аутентификация усулларини жорий этиш), киберхавфсизликка доир мунтазам аудит текширувларини амалга ошириш, хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этиш ҳамда Солиқ қўмитаси ахборот хавфсизлиги ходимлари учун инновацион ечимларни ўрганишга қаратилган ўқув тренингларни ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил август	Солиқ қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги
20.	Солиқ органларининг ягона интеграциялашган ахборот-ресурс базасида йирик ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш жараёнларини такомиллаштириш.	1. Маълумотлар базасини босқичма-босқич транзакцион ва таҳлилий (аналитик) қисмларга ажратиш ҳамда солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ маълумотларни вазирлик ва идоралардан электрон тарзда тўғридан-тўғри олишни йўлга қўйиш. 2. Маълумотларни манбаларга қараб тоифалаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш имкониятини таъминлаш. 3. Йирик ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш имкониятларини жорий этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил ноябрь 2027 йил март 2028 йил апрель	Солиқ қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
21.	Солиқ маъмуриятчилигини яхшилашга қаратилган кенг қамровли режалар (Compliance Improvement Plan) ишлаб чиқиш.	Солиқ тизимининг самарадорлигини ошириш, бюджет тушумларини барқарор таъминлаш ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун қулай ва шаффоф муҳит яратиш имкониятига эга бўлган солиқ маъмуриятчилигини яхшилашга қаратилган кенг қамровли режаларни ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2027 йил январь	Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
22.	Солиқ органларининг маълумотлар базасини такомиллаштириш ва оптималлаштириш.	1. Солиқ органлари маълумотлар базасини фаолият йўналишларига кўра босқичма-босқич OLTP (онлайн транзакцияларни қайта ишлаш) ва OLAP (онлайн аналитик ишлов бериш) тизимларига ажратиш. 2. Таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва қайта ишлашни тезлаштириш орқали солиқ базасини кенгайтириш.	Амалий чора-тадбирлар	2028 йил сентябрь 2029 йил январь	Солиқ қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги
23.	Электр энергияси абонентларининг кадастр ҳужжатлари ва шахсий ҳисобрақамларини реал вақт режимида ўзаро мувофиқлаштириб бориш.	Электр энергияси маълумотлар базасини кадастр органлари маълумотлар базаси билан мувофиқлаштириш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил октябрь	Энергетика вазирлиги, Кадастр агентлиги, Солиқ қўмитаси
24.	Солиқсиз тушумлар устидан назоратни ташкил этиш ва уларнинг аниқ ҳисоби юритилишини таъминлаш.	1. Ваколатли давлат органи ва ташкилотлар томонидан ундириладиган солиқсиз тушумлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ органларига ҳисобот топшириш тартибини жорий этиш. 2. Солиқ қўмитасида умумий штат бирликлари доирасида солиқсиз тушумлар ва мажбурий тўловларни назорат қилиш бўйича алоҳида таркибий тузилма ташкил қилиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Амалий чора-тадбирлар	2026 йил декабрь Бир ой муддатда	Солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ қўмитаси
IV. Кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, инклюзивлик ва креатив фикрлаш тизимини жорий этиш, операцион хавфларни бартараф этиш ҳамда ходимларнинг компетенцияси ва иш самарадорлигини ошириш					
25.	Солиқ органлари учун махсус формали кийим-бош жорий қилиш.	Солиқ идоралари мансабдор шахслари учун янги формали кийим-бош ва фарқловчи белгиларни жорий этиш тўғрисида қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил июль	Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
26.	Солиқ соҳасида алоҳида ташаббус кўрсатган солиқ идоралари ходимларини рағбатлантириш мақсадида “Солиқ хизмати фидойиси” кўкрак нишонини таъсис этиш.	“Солиқ хизмати фидойиси” кўкрак нишонини таъсис этиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил август	Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
27.	Солиқ органларида меритократия тамойилига асосланган инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш механизмини жорий этиш.	1. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқаришда “Инсон ресурслари салоҳиятини ошириш” (HR Capacity Development) ва “Истеъдодларни бошқариш” (Talent Management) дастурларини ишлаб чиқиш. 2. Инсон ресурсларини шакллантиришда режалаштириш ва рекрутинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш. 3. Натижадорликка йўналтирилган “ROWE” тизими тамойили асосида ишлайдиган ҳамда KPI асосида баҳолаш имкониятига эга бўлган “Assessment” маркази фаолиятини йўлга қўйиш. 4. Олий ўқув юртларининг 4-курс талабалари ўртасида танлов ўтказиб, иқтидорли талабаларнинг тўлов контрактларини солиқ органларининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаш ва солиқ органларига ишга жалб қилиш механизмини яратиш.	Амалий чора - тадбирлар Идоравий ҳужжат	2026 йил июль Доимий	Солиқ қўмитаси, Бошқарув самарадорлиги агентлиги

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
28.	Коррупцияга қарши қонунчилик талаблари асосида норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш.	Коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ солиқ қонунчилигини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларда мавжуд коррупцион хавфларни бартараф этиш нуқтаи назаридан кўриб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш.	Таҳлилий маълумотнома	2026 йил июль	Солиқ қўмитаси, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги
29.	Солиқ хизмати органларида мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чораларини кўриш ҳамда ишчанлик муҳитини яхшилаш.	1. Солиқ хизмати органлари ходимлари ўртасида коррупцион ҳолатларнинг олди олинганлиги бўйича баҳолаш механизмини йўлга қўйиш. 2. Солиқ тўловчилар ва фуқароларга хизмат кўрсатишда учраётган маиший коррупция ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритишга тўсиқ бўлаётган бюрократик тўсиқлар рўйхатини ишлаб чиқиш орқали инсон омилини камайтириш ва соҳани рақамлаштириш ишларини олиб бориш. 3. Солиқ органларининг мавжуд функцияларини амалга ошириш жараёнларини автоматлаштириб бориш.	Амалий чора-тадбирлар Амалий чора-тадбирлар Амалий чора-тадбирлар	2026 йил июль Доимий Доимий	Солиқ қўмитаси

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 майдаги ПФ–95-сон Фармонига
2-илова

Солиқ тўловчиларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш МЕЗОНЛАРИ

1. Қуйидагилар йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилади:

(a) Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва давлат божи, шунингдек, солиқ бўлмаган тўловлар ҳажмидан қатъи назар:

(i) тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, товар-хомашё, валюта ва фонд биржалари, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

(ii) "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ, "Олмалиқ КМК" АЖ, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Ўзкимёсаноат" АЖ, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ, "Ўзавтосаноат" АК ҳамда уларнинг таъсисчилигидаги ташкилотлар;

(iii) Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғидан йўловчиларни ташиш мақсадларида фойдаланувчи, халқаро ҳаво алоқаларини амалга оширувчи ва уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар;

(iv) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахслари;

(v) маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган ташкилотлар;

(vi) углеводород хомашёси ва минерал ресурсларни қазиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар (бундан автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, электромобилларни қувватлантириш станциялари ва фаолият юритаётганига 2 йилдан кўп бўлмаган юридик шахслар мустасно), шунингдек, уларга товар (хизмат) етказиб берувчи чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари (бўлинмалари);

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

(vii) бир вақтнинг ўзида йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар томонидан устав фондида (устав капиталида) **20 фоиз** миқдорида ва ундан ортиқ улуш билан янги ташкил этилган ҳамда ўзаро ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштирган юридик шахслар, бундан нодавлат нотижорат ташкилотлар ва айланмадан олинадиган солиқни тўловчи корхоналар мустасно;

(б) бир вақтнинг ўзида Давлат бюджетига тўланган солиқлар, йиғимлар ва давлат божи, шунингдек, солиқ бўлмаган **тўловлари ҳажми** базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки юз қирқ минг бараваридан** ва **доимий ишчилар сони юз нафардан** кам бўлмаган юридик шахслар, бундан пахта-тўқимачилик кластерлари, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар, цемент ва қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда улгуржи ва чакана савдо корхоналари мустасно. Бунда:

(i) мазкур юридик шахслар 2026 йилда 1 апрель ҳолатига ҳамда келгуси йилларда 1 июль ҳолатига кетма-кет келадиган охирги ўн икки ойлик давр бўйича солиқ органлари ахборот тизимидаги кўрсаткичларга асосан аниқланади;

(ii) ушбу мезонга тўғри келадиган юридик шахслар **ҳар йили 1 январдан** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Солиқ қўмитаси томонидан йирик солиқ тўловчилар тоифасига ўтказилади.

2. Мазкур илованинг 1-банди “а” кичик бандида назарда тутилган мезонларга тўғри келадиган юридик шахслар ушбу мезонга тўғри келган йилдан кейинги йилнинг 1-санасидан (Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахслари солиқ органида ҳисобга қўйилган санадан) эътиборан йирик солиқ тўловчилар тоифасига ўтказилади.

3. Солиқ қўмитаси **2026 йил 1 июлга қадар** йирик солиқ тўловчиларнинг рўйхатини қайта шакллантирган ҳолда ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради, ушбу рўйхат ўзгарган тақдирда, янгилаб борилишини, шунингдек, рўйхатдаги ўзгаришлар бўйича солиқ тўловчиларни **бир иш куни ичида** солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилишни таъминлайди.

Изоҳ: Солиқ қўмитаси, зарур ҳолларда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу мезонларга ўзгартириш киритиши мумкин.

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 майдаги ПФ–95-сон Фармонига
3-илова

Солиқ хизмати ходимларининг ҳар ойлик иш ҳақига қўшимча устама ҳақи тўланадиган халқаро малака даражалари ва (ёки) сертификатлар РЎЙХАТИ

1. Сертификатланган ички аудитор (CIA)
2. Бошқарув ҳисоби бўйича халқаро профессионал квалификация (CIMA)
3. Сертификатланган глобал бошқарув бухгалтери (CGMA)
4. “Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA Membership)” халқаро сертификати ёки барча ACCA имтиҳонларини муваффақиятли тамомлаган ходим (F3 ва ундан юқори)
5. Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR) сертификати
6. “Молиявий риск менежери (FRM)” таваккалчиликни бошқаришга оид халқаро сертификати ёки барча (Part I – Part II) FRM имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ходим
7. Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)
8. Сертификатланган дипломли аудитор-бухгалтер (ACA)

Изоҳ:

1. *Мазкур рўйхатда келтирилган халқаро малака даражалари ва (ёки) сертификатлар амалда бўлган даврда устама тўланади.*
2. *Ушбу халқаро малака даражалари ва (ёки) сертификатлардан бир нечтаси мавжуд бўлган тақдирда, биттаси бўйича устама тўланади.*

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 майдаги ПФ–95-сон Фармонига
4-илова


Солиқ хизмати ходимларига кўп йил ишлаганлик учун тўланадиган ҳар ойлик устама миқдорлари

Т/р	Иш стажи	Рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда ҳар ойлик устама миқдорлари
1.	1 йилдан 3 йилгача	30 фоиз
2.	3 йилдан 5 йилгача	60 фоиз
3.	5 йилдан 10 йилгача	80 фоиз
4.	10 йилдан 15 йилгача	100 фоиз
5.	15 йилдан 20 йилгача	120 фоиз
6.	20 йилдан юқори	150 фоиз

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 19 майдаги ПФ–95-сон Фармонига
5-илова

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 майдаги ПФ–95-сон Фармонига
6-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–93-сон Фармонида:

(а) 3-бандниng “г” кичик банди “вакил” сўзидан кейин “ҳамда Солиқ қўмитаси” сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) 7-бандда:

(i) “в” кичик бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

(ii) “г” кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(в) 1-иловада:

(i) 4-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

4.	**Солиқ ва божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш йўналишида:**		
а)	Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) ва барча солиқ турлари бўйича мавжуд ортиқча тўлов суммасини қайтариш муддати.	Амалдаги муддат 2 баравар қисқартирилади	1 кун
б)	Божхона назоратини амалга оширишда қўлланиладиган хавфни бошқариш даражаси.	“яшил йўлак”	

”;

(ii) 5-позиция чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги “Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–68-сон Фармонида:

(а) 3-бандда:

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

(i) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. 2026 йил 1 июлдан бошлаб уч йил муддатга ҳуқуқий эксперимент тариқасида лотереяларни ташкил этиш, Интернет тармоғидаги ўйинлар ва букмекерлик фаолиятини солиққа тортишнинг қуйидаги тартиблари ўрнатилсин”;

(ii) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Агентлик Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2027 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига лотереяларни ташкил этиш, Интернет тармоғидаги ўйинлар ва букмекерлик фаолиятини солиққа тортиш механизмини белгилашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин”;

(б) 4-бандниng “б” кичик бандидан “Солиқ кодекси,” сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–138-сон Фармонининг 14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Солиқ қўмитаси:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда 2026 йил 1 июлдан 2027 йил 1 июлга қадар ҳуқуқий эксперимент доирасида Навоий вилоятида солиқлар бўйича тўловларни амалга ошириш, ортиқча тўлов ва қарздорлик суммаларини ягона ғазначилик ҳисобварағи орқали ўзаро ҳисобга олиш тизимини жорий қилсин;

(б) 2027 йил 1 сентябрга қадар ҳуқуқий эксперимент натижалари асосида ягона ғазначилик ҳисобварағини бошқа ҳудудларда жорий этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4389-сон қарорига 1-иловaнинг 4-бобида:

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

(а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 17,3 фоизга етказилади”;

(б) қуйидаги мазмундаги 15-банд билан тўлдирилсин:

“15. Фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасида уч ва ундан ортиқ йил фаолият кўрсатаётган субъектлар улуши 60 фоизга етказилади”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 июлдаги “Давлат органлари ходимларининг формали кийим-бош кийиб юриши тартибини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4394-сон қарорида:

(а) муқаддиманинг иккинчи хатбошисидаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 1-бандда биринчи хатбошидаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 2-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“солиқ органлари ходимлари”;

(г) 4-бандда:

(i) учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(ii) тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

(д) 5-бандниng биринчи хатбошисидаги “Давлат солиқ қўмитаси” сўзлари “Солиқ қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги “Кўчма савдо фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш ва савдо автомати орқали чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5136-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошиси “36 ой муддатга” сўзларидан кейин “, Қорақалпоғистон Республикасида эса 60 ой муддатга” сўзлари билан тўлдирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5168-сон қарори 6-бандининг иккинчи хатбошиси “бундан маъмурий жавобгарлик ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги,” сўзларидан кейин “солиқ текширувига оид,” сўзлари билан тўлдирилсин.

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги "Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–5252-сон қарори 1-бандининг "а" кичик банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва ушбу харидни солиқ органларининг махсус мобиль иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларнинг банк карталарига ой якуни билан харид суммасининг базавий ҳисоблаш миқдорининг 60 бараваридан ошмаган қисмидан 1 фоизи республика бюджетидан қайтарилади, бундан автомобиль сотиб олганлик учун, темир йўл ва авиа чипта хариди, коммунал ва алоқа хизмати учун тўлов ҳамда ўзини-ўзи банд қилган шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан рақамли платформаларда генерация қилинган махсус QR код орқали берилган харид чеклари мустасно".

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 декабрдаги "Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–439-сон қарорининг 7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"7. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги:

ер ости сувларидан фойдаланувчилар томонидан сув олиш иншоотларида ўрнатилган сувни ҳисобга олиш воситалари пломбаланиши, рўйхатга олиниши ва ишчи ҳолатининг мониторингини таъминлаб борсин;

Солиқ қўмитаси билан биргаликда ер ости сувларидан фойдаланувчилар томонидан сувни ҳисобга олиш воситаларисиз сув олинганида солиқ тўловини белгиланган солиқ ставкасининг беш баравари миқдорида ундириш чораларини кўрсин".

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги "Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–39-сон қарори 4-бандининг "а" кичик банди қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

QMMB: 06/26/95/0508-son
20.05.2026-y.

“Мазкур тартиб тадбиркорлик субъектини қайта ташкил этиш натижасида ҳуқуқий ворисда ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммасига нисбатан татбиқ этилмайди”.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 мартдаги “Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–96-сон қарорига 1-илованинг 10-позицияси “Амалга ошириш механизми” устуни 2-бандидаги “бюджет олдидаги” сўзлари “солиқ” сўзи билан алмаштирилсин.



QMMB: 07/26/192/0510-son
20.05.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil «19» май № ПҚ–192

Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ **қарор қиламан**:

1. 2023 йил 8 июнь куни Сочи шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган Хизматлар эркин савдоси, таъсис этиш, фаолият юритиш ҳамда инвестицияларни амалга ошириш тўғрисидаги битим тасдиқлансин.
2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.
3. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома юборсин.
4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.
5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil « 20 » май № ПҚ–193

Фитосанитария тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш жараёнларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида рақамлаштириш ва автоматлаштирилган хавфларни бошқариш тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари самарадорлигини ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар **асосий мақсадли кўрсаткичлар** этиб белгилансин:

(а) автоматлаштирилган хавфни бошқариш тизимини жорий қилиш ҳисобига **бир йилда ўртача**:

(i) карантин остидаги маҳсулотларнинг **бутлиги** (идентификация) **текширувлари сонини 30 фоизгача қисқартириш**;

(ii) олиб кирилаётган фитосанитар хавф даражаси ўрта товарлар назоратига **вақт сарфини ўртача 3 иш кунидан 1 иш кунига қисқартириш** ва хавф даражаси паст бўлган товарлар бўйича хавф профиллари асосида **автоматик равишда карантин кўриги далолатномасини расмийлаштириш;**

(iii) тадбиркорлик субъектларининг юкларини кўрик учун йўналтириладиган омборларда сақлаш харажатларини **60 миллиард сўмгача қисқартириш**;

(б) фитосанитария хавф даражаси қайта баҳоланган **119 та ТИФ ТН код остидаги товарларни** карантин остидаги маҳсулотлар рўйхатидан чиқариш;

(в) мева-сабзавот маҳсулотларини ҳудудлараро ташишда сунъий тўсиқларга чек қўйиш;

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

(г) мева-сабзавот маҳсулотлари экспортида жозибадорликни ошириш, маҳсулотларнинг хом узилиши ва сараланмаслигининг олдини олиш, сифатли қадоқлашга ўтиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги талабларига мослаштириш мақсадида карантин инспекторининг ички фитосанитария сертификатини расмийлаштиришдаги айрим функцияларини бажаришга кўмаклашувчи **жамоатчи инспектор фаолиятини** йўлга қўйиш.

II. Фитосанитария тартиб-таомилларини соддалаштириш

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) **томонидан 2026 йил 1 августдан** бошлаб карантин остидаги маҳсулотлар фитосанитария назоратини амалга оширишда **хавфларни бошқаришга асосланган танлаб олишнинг автоматлаштирилган механизми** (кейинги ўринларда – хавфларни бошқариш тизими) жорий қилинади. Бунда:

(i) алоҳида ёндашув асосида ҳар бир давлат ва товарнинг **карантин ва фитосанитар ҳолати таҳлил қилиниб,** хавфларни бошқариш тизимида карантин остидаги маҳсулотлар **доимий янгилаб туриладиган** хавфлар профили орқали фитосанитар назорат учун танлаб олинади;

(ii) хавфларни бошқариш тизими Қўмитанинг “E-Fitouz” ААТда шакллантирилади ҳамда Божхона қўмитасининг “Ягона дарча” БАТ билан тўғридан-тўғри интеграция қилинади ва амалиётга жорий қилиш бошланади;

(б) хавфларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва уни доимий техник қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

(в) карантин остидаги маҳсулотларни хавфларни бошқаришга асосланган танлаб олиш **қуйидаги асосий мезонларга мувофиқ амалга оширилади**:

(i) карантин остидаги маҳсулотларнинг зарарли организмларни ташувчанлик хусусиятидан келиб чиқиб **юқори**, **ўрта** ва **паст фитосанитар хавф даражаси**;

(ii) карантин остидаги маҳсулотдан **фойдаланиш мақсадлари** (экиш, истеъмол қилиш, қайта ишлаш ва бошқалар);

(iii) маҳсулот ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинаётган **давлатнинг фитосанитар ҳолати**;

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

(iv) маҳсулотга **ишлов берилганлик даражаси** (хом, ярим тайёр, қайта ишланган ва бошқалар);

(v) маҳсулот импорти назоратида карантин аҳамиятига эга зарарли организмларнинг аниқланганлик ҳолатлари;

(г) фитосанитар назорат ўтказишда хавфни бошқариш тизими фақат ҳужжатли текширувга йўналтирганда карантин остидаги маҳсулотлар учун берилган бир ариза асосида карантин кўриги далолатномаси **автоматик равишда** расмийлаштирилади. Бунда юк идентификация қилишга ва жисмоний назоратга йўналтирилмайди ва **юк эгасининг хоҳишига кўра** божхона омборларига жойлаштирилмасдан эркин муомалага чиқарилади;

(д) карантин остидаги маҳсулотларни фитосанитария назоратининг **хавф профиллари ва мезонларига асосланган хавфларни бошқариш тартиби** Қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

III. Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришдан экспортгача бўлган жараёнларни такомиллаштириш

3. Белгилансинки, **2026 йилнинг август ойидан** бошлаб синов тариқасида бир йил давомида **1-иловага** мувофиқ мева-сабзавотларга ихтисослашган туманларда маҳсулотларни етиштиришдан экспортгача бўлган занжирда фитосанитар назоратни амалга оширишда карантин инспекторининг ички фитосанитария сертификатини расмийлаштиришдаги айрим функцияларини бажаришга кўмаклашувчи **жамоатчи инспектор** фаолияти йўлга қўйилади. Бунда:

(а) жамоатчи инспекторликка талабгорлар “Edukarantin.uz” платформаси орқали **онлайн ўқув курсларида ўқитилади**;

(б) Қўмитада ташкил этиладиган танлов комиссияси хулосаси асосида онлайн ўқув курсларини тамомлаган талабгорлар билан Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилади;

(в) Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари билан шартнома тузган талабгорларга Қўмита томонидан **гувоҳнома,** Қўмитанинг **логотипи туширилган** нимча, бош кийим (кепка) ва махсус жиҳозлар берилади;

(г) жамоатчи инспекторлар фаолиятини Қўмитанинг ахборот тизими орқали баҳолаш тизими йўлга қўйилади;

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

(д) жамоатчи инспекторлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларидан (KPI) келиб чиққан ҳолда ушбу фаолият давом эттирилади;

(ж) жамоатчи инспекторлар фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бунда жамоатчи инспекторларнинг хулосаси асосида расмийлаштирилган ҳар бир **ички фитосанитария сертификати тўловининг Жамғармага йўналтириладиган қисмининг 50 фоизи** уларга тўлов сифатида йўналтирилади.

4. Шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ **2027 йил 1 январдан бошлаб** олиб кирилаётган фитосанитар хавфи юқори бўлган карантин остидаги уруғлик ва кўчат маҳсулотлари фитосанитар назоратдан ўтказилгунига қадар уларни сақлаш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлар (омборлар)га қўйилган фитосанитар талабларга мувофиқ бўлган жойларда сақланади, маҳсулотларни олиб кирган транспорт воситаларида божхона омборларига туширилмаган ҳолда вақтинча сақлаш бундан мустасно.

5. Белгилансинки, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда маҳсулот таркибидаги **пестицид ва нитрат қолдиқ миқдорларининг** импортчи давлатлар томонидан қўйилган талабларга мувофиқлигини аниқлашда маҳсулот етиштирилган экин майдони ҳамда ҳосил ҳажмидан келиб чиқиб аккредитациядан ўтган лабораторияларда текширилганлиги тўғрисидаги ижобий хулоса тақдим этилади ёки “Agroko‘makchi” мобиль иловасидаги “дала дафтари”га маҳсулотларни етиштириш давомида пестицидлардан фойдаланиш тўғрисидаги киритиб борилган маълумотлар инобатга олинади. Бунда:

(а) аккредитациядан ўтган лабораториялар ҳамда улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ва нархлари тўғрисидаги маълумотлар Қўмитанинг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади;

(б) маҳсулотлардан намуна олиш учун зарур бўлган сарфлаш материаллари ва намуналарни лабораторияларга етказиб бериш хизматлари хусусий сектордаги лабораториялар билан келишув асосида кўрсатилади ҳамда мазкур хизматларни кўрсатишда юзага келадиган ҳақиқий харажатлар лабораториялар томонидан белгиланган тартибда қопланади;

(в) мазкур банд ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2029 йил 1 январдан бошлаб** мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорти фақат **агрологистика марказлари** орқали амалга оширилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2029 йил 1 январга қадар ҳудудларда мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш, сақлаш, қадоқлаш ва экспорт қилишга ихтисослашган агрологистика марказлари ташкил қилинишини таъминласин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

8. Фитосанитария тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари йўналишида тадбиркорларга енгилликлар бериш бўйича “йўл харитаси” **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **3-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 апрелдаги “Ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–67-сон Фармонига мувофиқ:

(а) мажбурий тартибда фитосанитария сертификатланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатидан чиқариладиган айрим товарлар турлари белгиланган;

(б) мазкур йўналишда назорат ва рухсат этиш тартиб-таомилларини халқаро амалиётга мослаштириш чора-тадбирлари доирасида назорат остидаги товарлар рўйхатлари янгиланиши белгиланганлиги;

(в) Қўмита томонидан халқаро амалиётдан келиб чиқиб фитосанитария сертификатланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатидан чиқариладиган товарлар рўйхати шакллантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

11. Қўмита:

(а) 2026 йил 1 июлга қадар хавфларни бошқариш тизимини жорий қилиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқиб, **тасдиқласин**;

(б) 2026 йил 15 июлга қадар хавфларни бошқариш тизимини:

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

(i) Қўмитанинг “E-Fitouz” ААТда шакллантириш;

(ii) Божхона қўмитасининг “Ягона дарча” БАТ билан тўғридан-тўғри интеграция қилиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев белгилансин.

14. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 майдаги ПҚ–193-сон қарорига
1-илова

Синов тариқасида жамоатчи инспектор фаолияти йўлга қўйиладиган мева-сабзавот маҳсулотларига ихтисослашган туманлар РЎЙХАТИ

Т/р	Ҳудуд номи	Туман номи
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний тумани
2.	Андижон вилояти	Асака тумани
3.		Шаҳрихон тумани
4.	Бухоро вилояти	Ғиждувон тумани
5.		Вобкент тумани
6.	Жиззах вилояти	Ғаллаорол тумани
7.	Қашқадарё вилояти	Яккабоғ тумани
8.		Косон тумани
9.	Навоий вилояти	Хатирчи тумани
10.	Наманган вилояти	Тўрақўрғон тумани
11.		Чуст тумани
12.	Самарқанд вилояти	Ургут тумани
13.		Иштихон тумани
14.	Сирдарё вилояти	Боёвут тумани
15.	Сурхондарё вилояти	Денов тумани
16.		Шеробод тумани
17.	Тошкент вилояти	Паркент тумани
18.	Фарғона вилояти	Олтиариқ тумани
19.		Риштон тумани
20.	Хоразм вилояти	Боғот тумани

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 майдаги ПҚ–193-сон қарорига
2-илова

Фитосанитария тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари йўналишида тадбиркорларга енгилликлар бериш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермерлар, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва аҳоли томонидан **“Agroko‘makchi”** мобил иловасидаги электрон “**дала дафтари”ни** юритиш тизимини жорий этиш. Бунда қишлоқ хўжалиги фаолиятида **шаффофлик**ни таъминлаш, **ресурслар**дан самарали фойдаланиш ва **маҳсулот хавфсизлигини** ошириш.	1. Халқаро талабларга асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермерлар, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва аҳоли томонидан электрон **“дала дафтари”**ни юритиш бўйича график асосида ҳудудларда кўргазмали семинарлар ўтказиш. 2. Электрон **“дала дафтари”**га экин майдонларида амалга оширилган ишларини тизимли қайд этиб бораётган фермер, деҳқон, аҳоли ва томорқа хўжаликлари **рейтинги**ни юритиш.	2026 йил III чорак	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермерлари кенгаши, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Агросаноатни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
2.	Ҳудудларнинг мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига оид статистикаси юритилишини такомиллаштириш.	Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти статистикасини юритиш тартибини ишлаб чиқиш. Бунда мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт кўрсаткичлари бажарилишига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва туманлар (шаҳар) ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, инвестиция ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарлари Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси билан бирдек масъул ҳисобланади ҳамда экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларида (KPI) акс эттирилади.	2026 йил 1 июль	Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси
3.	Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчиларни импортчи давлатлар талаблари тўғрисидаги маълумот билан таъминлаш.	Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчиларни маҳсулот таркибидаги **пестицид ва нитрат қолдиқ миқдорларига** импортчи давлатлар томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотларни Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштириш ва доимий янгилаб бориш.	2026 йил 1 июлдан бошлаб	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси
4.	Сунъий интеллект асосида зараркунандаларнинг тарқалиш прогнози ёки зарар етказиш белгиларидан (симптомлар) келиб	1. Зараркунандаларнинг тарқалиш прогнози ёки зарар етказиш белгиларидан (симптомлар) келиб чиқиб, босқичма-босқич электрон маълумотларни шакллантириш.	2027–2028 йиллар	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси,

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	чиқиб, ердан фойдаланувчиларга тавсиялар бериш тизимини жорий этиш.	2. Зараркунандаларнинг ривожланиш, зарар етказиш, кўпайиш ва қишловга кетишига оид башоратларни ишлаб чиқиш. 3. Шакллантирилган маълумотлар асосида алгоритмлар орқали зараркунандаларни “Agroko‘makchi” мобил иловасида сунъий интеллект орқали таҳлил қилиш ва маслаҳат бериш тизимини жорий этиш.		Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, илмий-тадқиқот институтлари
5.	Хорижий давлатлар талабига мувофиқ экспортбоп экинлар учун сифатли уруғ тайёрлаш тизимини шакллантириш.	1. Ҳар бир ҳудудда мазкур ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос экспортбоп экинларни етиштириш учун талаб этиладиган экин турлари бўйича уруғларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ҳисоб-китобини шакллантириш. 2. Сифатли уруғлар ишлаб чиқариш учун инвесторларнинг инвестицияларини ва халқаро молия институтларининг грант маблағларини жалб этиш чораларини кўриш.	2026 йилдан бошлаб	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
6.	Ички фитосанитария сертификатини расмийлаштиришда жамоатчи инспектор фаолиятини амалга ошириш тизимини жорий этиш.	Ички фитосанитария сертификатини расмийлаштиришда карантин инспекторининг айрим функцияларини бажаришга кўмаклашувчи жамоатчи инспектор фаолиятини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда: жамоатчи инспектор фаолиятини амалга оширувчи талабгорлар рўйхатини шакллантириш;	2026 йил 1 август	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		талабгорларни Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси томонидан ўқув курслар ташкил этиб, ўқитиш ва малакасини ошириш, уларга сертификат бериш ҳамда ички фитосанитария сертификатини расмийлаштириш учун хулоса бериш бўйича ишончномалар (Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси раҳбари томонидан махсус гувоҳнома), QR кодли кийим-бош (нимча, логотипли кепка) бериш; ҳар бир расмийлаштирилган ички фитосанитария сертификати учун Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасини ривожлантириш жамғармасига ўтказилган тўлов суммасининг 50 фоизгача бўлган қисмини жамоатчи инспекторга тўлаб беришни назарда тутиш.		
7.	“Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ихтисослашган нуфузли халқаро кўргазма ва ярмаркаларда экспортчи корхоналарнинг иштирокини таъминлаш мақсадида миллий стендларни жозибадор локацияларда жойлаштириш ҳамда кўргазмаларда корхоналарнинг самарали иштирок этишига кўмаклашиш.	1. Кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш учун мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи салоҳиятли корхоналар рўйхатини шакллантириш. 2. Кўргазма ва ярмаркалар ўтказиладиган санадан камида бир ой олдин корхоналар вакиллари учун халқаро кўргазмаларда самарали иштирок этиш бўйича Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси томонидан қисқа ўқув семинар ташкил этиш.	Доимий	Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси, “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				қўмитаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
8.	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.	1. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларини қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда грантлар ҳисобидан асбоблар, техник воситалар ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш, шу жумладан: серверлар, коммуникация ва тармоқ ускуналари; дастурий таъминот; сунъий интеллект моделлари учун видеокарталар (GPU); замонавий компьютерлар; скутерлар; радио алоқа воситалари; планшетлар; лаборатория воситалари; кинологларни ташиш учун Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари учун 2 та махсус автотранспорт воситаси. 2. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси марказий аппаратига грантлар ҳисобидан 1 дона микроавтобус харид қилиш	2026–2027 йиллар	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		ва ундан белгиланган тартибда фойдаланиш.		
9.	Мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарғиботини ташкил этган ҳолда уларнинг экспорт ҳажмини оширишга кўмаклашиш.	1. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари томонидан хорижий импортчи корхоналар, дистрибьюторлар, савдо тармоқлари вакилларидан иборат делегацияни шакллантириб, Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш. Бунда: делегация таркиби ва ташриф вақти бўйича маълумотлар камида 10 кун олдин Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасининг марказий экспорт штабига тақдим этилади; Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасининг марказий экспорт штаби делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи дастурини ишлаб чиқади ҳамда мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи корхоналар билан учрашув ташкил этади. 2. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарида экспортчи корхоналарга хорижий давлатларда тез кўмак бериш бўйича “call марказ”ларни ташкил этиш. 3. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари доимий тарзда хорижий давлатларда фаолият юритаётган маҳсулотлар экспортида ҳужжатлар	2026 йилда 2026 йил август Доимий	Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги, “Uzbekistan Airports” АЖ, Савдо-саноат палатаси, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси, Озиқ-овқат саноати уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		расмийлаштируви билан шуғулланувчи брокерлар рўйхатини ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари импорти учун хорижий давлатларда ўрнатилган талаб, нотариф чоралар бўйича маълумотларни Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасининг марказий экспорт штабига тақдим этиш.		
10.	Божхона қўмитаси ва Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси ахборот тизимлари интеграциясини янада такомиллаштириш.	1. “Ягона дарча” божхона ахборот тизимида реэкспорт учун фитосанитария сертификатини расмийлаштириш имкониятини йўлга қўйиш. 2. “Ягона дарча” божхона ахборот тизимида экспорт учун фитосанитария сертификатининг электрон аризасини тўлдиришда барча маълумотлар Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасининг “E-fito.uz” ахборот тизимида мавжуд бўлган ички фитосанитария сертификати рақами орқали (экспортчи номи, унинг манзили ва бошқа маълумотлари, импортёр номи, унинг манзили ва давлати, маркировкаси, шартнома рақами ва санаси, маҳсулот номи, миқдори, етиштирилган/ишлаб чиқарилган ҳудуд ва бошқа зарур маълумотлари) автоматик тўлдирилишини таъминлаш.	Бир ой муддатда Доимий	Божхона қўмитаси, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 20 майдаги ПҚ–193-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва уларни экспорт қилувчи тадбиркорлар билан ўтказилган мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–146-сон қарорига 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ихтисослаштирилган нуфузли халқаро кўргазма ва ярмаркалар
РЎЙХАТИ

Т/р	Халқаро кўргазма номи	Ўтказиладиган жойи	Кўргазма мавзуси
1.	“Gulfood”	Дубай (БАА)	Озиқ-овқат ва ичимликлар кўргазмаси
2.	“SIAL”	Париж (Франция)	Қишлоқ хўжалиги кўргазмаси
3.	“Tutto Food”	Милан (Италия)	Озиқ-овқат ва ичимликлар, истеъмол товарлари кўргазмаси
4.	“Food Istanbul”	Истанбул (Туркия)	Озиқ-овқат кўргазмаси
5.	“World Food Moscow”	Москва (Россия)	Озиқ-овқат кўргазмаси
6.	“Anuga”	Кёльн (Германия)	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси
7.	“IFE London”	Лондон (Буюк Британия)	Озиқ-овқат кўргазмаси
8.	“Fruit Logistika”	Берлин (Германия)	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси
9.	“Food and Drink Malaysia by SIAL”	Куала-Лумпур (Малайзия)	Озиқ-овқат кўргазмаси

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

10.	“Alimentaria Barcelona”	Барселона (Испания)	Озиқ-овқат кўргазмаси
11.	“Asia Fruit Logistika”	Гонконг (ХХР)	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси
12.	“Americas Food & Beverage Show”	Майами (АҚШ)	Озиқ-овқат кўргазмаси

”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–465-сон қарорининг 9-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Белгилансинки, мазкур штат бирликлари, истисно тариқасида, 2025–2027 йиллар учун жорий этилади ҳамда Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан сақланади”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–136-сон қарорига 6-илованинг 6-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

6.	1. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси марказий аппаратида ташкил этилган Марказий экспорт штаби фаолиятини 2025–2028 йилларда давом эттириш. 2. Марказий экспорт штабига бириктирилган хорижий тилларни ўзлаштирган фаол ёшларнинг иш ҳақи, республика ҳудудига ва хорижий хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларини қоплашга Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасини ривожлантириш	2025–2028 йиллар	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

	жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратиш.		

”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 16 сентябрдаги “Республиканинг ҳудуд, соҳа ва тармоқларида рақамли технологиялар жорий этилишини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–286-сон қарорига 4-илованинг 44 ва 45-позициялари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ва ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 65-сон қарорида:

(а) Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар учун карантин рухсатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

(i) 21-бандидаги “30 кунгача узайтирилади” сўзларидан кейин “, бир календарь йилга карантин рухсатномаси берилган ҳоллар бундан мустасно” сўзлари билан тўлдирилсин;

(ii) 2-илованинг 11-позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“

11.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:	Фитосанитария хавфлилиги даражаси юқори ва ўрта бўлган карантин остидаги маҳсулотларга карантин рухсатномаси 30 кун муддатга берилади. Айнан бир хил маҳсулотларга бир ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида фитосанитария хавфлилиги даражаси паст бўлган карантин остидаги маҳсулотларга карантин рухсатномаси бир йилдан ошмаган муддатга бир маротаба берилади.

”;

(б) Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар учун фитосанитария сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илованинг 7-позициясидаги “ўн фоизи” сўзлари “йигирма фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин”.

QMMB: 07/26/193/0519-son
21.05.2026-y.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 майдаги 325-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, қўмиталар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларининг 30-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

30.	Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси	Қуйидагилардан:	
		импорт ва транзит карантин рухсатномалари, транспорт бирлигини очиш ва карантин кўриги далолатномаси расмийлаштирилишидан олинадиган тўловлар	70
		лаборатория таҳлиллари хизмати учун олинадиган тўловлар	100
		зарарсизлантириш (фумигация) ишларини ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинадиган тўловлар	100
		кимёвий ва биологик ҳимоя воситаларининг биологик самарадорлиги бўйича ўтказиладиган синовлар учун олинадиган тўловлар	70
		халқаро, ички ва реэкспорт фитосанитария сертификатлари расмийлаштирилишидан олинадиган тўловлар	100
		қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тушган тушумлар	100

”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil «20» май № ПҚ–194

Муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида “Инсон қадри учун, инсон бахти учун”, деган эзгу ғояни чуқур қарор топтиришда барча миллий ва диний қадриятларимиз қатори инсонпарварлик, саховат, шукроналик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этган муборак Қурбон ҳайити ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимизда ижтимоий давлат барпо этиш, юртдошларимиз ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, ҳеч кимни меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслик борасида бу байрамнинг безавол анъаналари биз учун куч-ғайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Қурбон ҳайитини ана шу жараёнларга мос ҳолда муносиб нишонлаш, юртимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2026 йилда муборак Қурбон ҳайитининг биринчи куни 27 май – чоршанба кунига тўғри келиши ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда **27 май Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин**.

2. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

(a) Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ, **Қурбон ҳайитнинг биринчи куни ишланмайдиган байрам куни** сифатида белгиланган;

(б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 декабрдаги “2026 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ–257-сон Фармони билан қуйидагилар **қўшимча дам олиш куни** сифатида белгилангани:

(i) иш ҳафтасининг туридан қатъий назар барча ходимлар учун 2026 йилнинг **28 май – пайшанба, 29 май – жума** кунлари;

(ii) **олти кунлик** иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун **30 май – шанба** куни.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Қурбон ҳайитини халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда, кўтаринки кайфиятда ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

20 (1248)-сон
494-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil « 21 » май № ПҚ–196

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида

Халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналик, саховат ва бағрикенглик каби эзгу фазилатларни мужассам этган муборак Қурбон ҳайитини муносиб нишонлаш, ушбу қутлуғ айёмда аҳолини давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда “Вақф” хайрия жамоат фондининг муборак Қурбон ҳайити муносабати билан **аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга** қаратилган қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(a) қуйидаги тоифадаги беморларнинг **тиббий текширувдан ўтиш, жарроҳлик амалиёти ва даволаш** харажатларини қоплаш:

(i) оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган **10 минг нафар болаларда жарроҳлик амалиётини** ўтказиш;

(ii) **2,3 минг нафар онкологик, гемотологик ва онкогематологик** ташхис қўйилган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, уларни даволаш ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш;

(iii) **камида 350 нафар беморларда** жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказиш;

(б) ижтимоий ҳимояга муҳтож қуйидаги болаларнинг омонат ҳисобварақларига **200 АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофотини** ўтказиш:

(i) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар (васийлик, ҳомийлик ва патронатдаги болалар);

(ii) Меҳрибонлик уйлари, оилавий болалар уйлари, кичик ҳажмли болалар уйлари ҳамда "SOS" болалар маҳалласи тарбияланувчилари;

(iii) Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ота-оналарнинг фарзандлари;

(iv) "Taskin Children's Hospice" болалар онкологик шифохонасида даволанаётган болалар;

(в) 500 та масжидда аҳоли учун қулай шароитлар яратиш мақсадида уларда замонавий таҳоратхоналар қуриш, реконструкция қилиш ёки таъмирлаш ҳамда жойлардаги қабристонларни обод қилиш.

2. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1-банди "а" кичик бандида назарда тутилган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, жарроҳлик ва даволаш амалиёти Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайдиган тиббиёт ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Бунда:

(а) беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, жарроҳлик ва даволаш амалиётини ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар доирасида донорларнинг харажатларини қоплаш кўзда тутилади;

(б) тиббиёт ташкилотлари томонидан даволаш тадбирлари тасдиқланган стандартлар ҳамда клиник протоколлар асосида ўтказилиши устидан назорат Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилади.

3. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирлар давлат мақсадли жамғармалари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ажратиладиган **690 млрд сўм** миқдоридаги маблағлар ҳисобидан **"Вақф" хайрия жамоат фонди орқали** молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ҳамда ушбу мақсадларда кўнгилли хайрия ҳашарларини ўтказиш;

(б) ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифалари учун эҳсон дастурхонларини ёзиш ҳамда зиёратгоҳлар ва диний таълим ташкилотларида қурбонлик тадбирларини ташкил этиш.

II. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

5. Муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш ва меҳр-саховат тадбирларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари раислигида ҳудудий кенгашлар (кейинги ўринларда – ҳудудий кенгашлар) ташкил этилсин ва уларнинг намунавий таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қуйидагилар ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган меҳр-саховат ва хайр-эҳсон тадбирларининг манзилли амалга оширилишини таъминлаш ҳамда ушбу йўналишда вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари ва туман (шаҳар) ҳокимларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

(б) юртимиздаги муқаддас қадамжолар, масжидлар ва қабристонларни обод қилиш ва аҳолида аждодлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш туйғуларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш;

(в) мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар доирасида юзага келаётган муаммоларни тезкор бартараф этиш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ “Вақф” хайрия жамоат фонди орқали тиббий текширув, жарроҳлик ва даволаш амалиёти харажатларини қоплаш қуйидаги тартибда молиялаштирилади:

(а) тиббий текширув, жарроҳлик ва даволаш амалиёти ўтказиладиган касалликлар рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади;

(б) беморларни тегишли тиббиёт ташкилотига йўллаш ва даволаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – “UZINFOCOM” МЧЖ билан биргаликда улар тўғрисидаги маълумотларни ахборот модулига киритиш орқали амалга оширилади;

(в) тиббий текширув, жарроҳлик ва даволаш амалиёти ўтказилган беморларга кўрсатилган хизматлар харажатларини қоплаш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан тақдим этилган маълумотномага асосан ушбу маълумотнома тақдим этилган вақтдан эътиборан **беш иш куни ичида** “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 17 февралдаги “Муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги ПҚ–67-сон қарори доирасида “Вақф” хайрия жамоат фондига Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланган касалликлар ва тиббиёт ташкилотлари рўйхатига мувофиқ даволаниш ёки жарроҳлик амалиётини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш ҳуқуқи берилсин.

9. Дин ишлари бўйича қўмита Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Агентлик билан биргаликда мазкур қарорда назарда тутилган Қурбон ҳайитини муносиб нишонлаш билан боғлиқ хайру саховат ва мурувват тадбирларининг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини ташкил қилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Диний-маърифий масалалар бўйича департаментининг бошлиғи М.М. Камилов ҳамда соғлиқни сақлаш вазири Э.Э. Адилов белгилансин.

12. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 21 майдаги ПҚ–196-сон қарорига
илова

Муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш ва меҳр-саховат тадбирларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

1.	Лавозими бўйича	–	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, *ҳудудий кенгаш раиси*
2.	Лавозими бўйича	–	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари
3.	Лавозими бўйича	–	Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари - оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи
4.	Лавозими бўйича	–	Ўзбекистон маҳаллари уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи
5.	Лавозими бўйича	–	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи
6.	Лавозими бўйича	–	Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти қозиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош имом-хатиблари
7.	Лавозими бўйича	–	Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

8. Лавозими бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи

9. Лавозими бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари

10. Лавозими бўйича – Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

11. Лавозими бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлигининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича котибияти мудирлари, *ҳудудий кенгаш котиби*





УЧИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/250/0494-son
18.05.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 18 » may № 250 Toshkent sh.

Alisher Navoiy nomidagi xalqaro o‘zbek tili olimpiadasini tashkil etish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Davlat tilini yanada rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2025 yil 20 oktyabrdagi PQ–308-son qarori ijrosini ta’minlash, shuningdek, xorijiy davlatlarda o‘zbek tilida ta’lim olayotgan o‘quvchilarning o‘zbek tiliga bo‘lgan qiziqishini va o‘zbek tilining xalqaro miqyosdagi nufuzini oshirish maqsadida Vazirlar Mahkamasi **qaror qiladi**:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025 yil 20 oktyabrdagi PQ–308-son qaroriga muvofiq:

Alisher Navoiy nomidagi xalqaro o‘zbek tili olimpiadasini (keyingi o‘rinlarda – xalqaro olimpiada) har yili o‘tkazib borish;

xalqaro olimpiada g‘oliblarini respublika oliy ta’lim tashkilotlarining “Filologiya va tillarni o‘qitish: o‘zbek tili va adabiyoti” ta’lim yo‘nalishiga umumiy qabul kvotasidan tashqari davlat granti asosida o‘qishga qabul qilish belgilangani ma’lumot uchun qabul qilinsin.

2. Quyidagilar:

Alisher Navoiy nomidagi xalqaro o‘zbek tili olimpiadasini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom **1-ilovaga** muvofiq;

Alisher Navoiy nomidagi xalqaro o‘zbek tili olimpiadasini tashkil etish va o‘tkazish bo‘yicha tashkiliy qo‘mita (keyingi o‘rinlarda – Tashkiliy qo‘mita) tarkibi **2-ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

3. Quyidagilar Tashkiliy qo‘mitaning asosiy vazifalari etib belgilansin:

xalqaro olimpiadani tashkil etish ishlarini muvofiqlashtirish;

xalqaro olimpiadaning dasturi va logotipini ishlab chiqish hamda g‘oliblarga beriladigan medallar eskizini tasdiqlash;

xalqaro olimpiadani tashkil etish va o‘tkazish bo‘yicha harajatlar smetasini tasdiqlash;

халқаро олимпиада ўтказиладиган жой, иштирокчиларни рўйхатга олиш ва халқаро олимпиадани ўтказиш муддатларини белгилаш;

маҳаллий ва халқаро экспертларни шартнома асосида жалб этган ҳолда, халқаро олимпиаданинг Ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияси таркибини тасдиқлаш;

халқаро олимпиадани ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича барча масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш.

4. Белгилансинки:

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг Фан олимпиадалари маркази Ташкилий қўмитанинг ишчи органи ҳисобланади;

халқаро олимпиадада 14-18 ёшдаги чет элда истиқомат қиладиган ватандошлар иштирок этади;

халқаро олимпиадада иштирок этадиган хорижий иштирокчилар ва жамоа раҳбарларини кутиб олиш, меҳмонхонага жойлаштириш, овқатлантириш, шаҳарда ҳаракатланиш учун транспорт воситаларидан фойдаланиш, экскурсиялар ташкил этиш, халқаро олимпиада иштирокчилари ва ғолибларига бериладиган сертификатлар, медаллар ва дипломлар, эсдалик совғаларини тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар “Ватандошлар” жамоат фонди, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

халқаро олимпиада ҳар йили октябрь ойига қадар ўтказилади ҳамда ғолиблар тантанали тарзда тақдирланади.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2026 йилдан** бошлаб халқаро олимпиадани ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳар йилги харажатлар сметасини Ташкилий қўмитага киритиб борсин;

Ҳакамлар ҳайъати томонидан халқаро олимпиада учун назорат материаллари базасини шакллантириш ҳамда экспертизадан ўтказишни ташкил этсин;

икки ой муддатда халқаро олимпиада иштирокчиларини рўйхатга олиш, халқаро олимпиада, тадбирлар ўтказиладиган ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа диққатга сазовор жойлари тўғрисида маълумотларни олиш имконини берувчи махсус платформани ишга туширсин;

халқаро олимпиадани ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларига маҳаллий ва хорижий волонтёрларни жалб этсин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги:

Ташкилий қўмита томонидан тақдим этилган халқаро олимпиада ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари ва консуллик муассасаларига етказган ҳолда, халқаро олимпиадани хорижий давлатларда тарғиб қилсин;

QMMB: 09/26/250/0494-son
18.05.2026-y.

халқаро олимпиадада иштирок этувчи ватандошлар учун Ўзбекистон Республикасига кириш визалари, консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирмасдан, заруратга кўра, И.Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда халқаро олимпиада жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/250/0494-son
18.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “18” майдаги 250-сон қарорига
1-илова

Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили олимпиадасини (кейинги ўринларда – халқаро олимпиада) ташкил этиш, ўтказиш ҳамда ғолибларни тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Халқаро олимпиадада 14-18 ёшдаги чет элда истиқомат қилувчи ватандош бўлган мактаб ўқувчилари якка тартибда ёки терма жамоа сифатида ўз хоҳишларига кўра, ихтиёрий равишда иштирок этади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

иштирокчи – мазкур Низомнинг 2-бандида белгиланган талабларга жавоб берувчи ва платформа орқали рўйхатдан ўтган ўқувчи ёки терма жамоа;

назорат материаллари – халқаро олимпиада давомида иштирокчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш учун ишлатиладиган ёзма иш ва тест топшириқлари тўплами;

баҳолаш мезони – халқаро олимпиада иштирокчиларининг натижаларини аниқлашда қўлланадиган талаблар ва кўрсаткичлар тизими;

платформа – Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг халқаро олимпиада иштирокчиларини рўйхатга олиш, маълумотларни қабул қилиш ва маълумот алмашишга мўлжалланган махсус электрон тизими.

4. Халқаро олимпиада ягона илмий-услубий ёндашув, адолатлилик, очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ўтказилади.

5. Халқаро олимпиада ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади.

2-боб. Халқаро олимпиаданинг мақсади ва асосий вазифалари

6. Халқаро олимпиаданинг мақсади хорижий давлатларда ўзбек тили ёки хорижий тилларда таълим олаётган мактаб ўқувчилари ўртасида ўзбек тилини ўрганишни кенг тарғиб қилиш ва хорижий давлатларда ўқувчиларнинг ўзбек тилини чуқур ўрганишга қизиқишларини оширишдан иборат.

7. Халқаро олимпиаданинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

хорижий давлатлардаги таълим ташкилотларида ўзбек тили фанини замонавий талаблар даражасида ўқитишга эришиш;

QMMB: 09/26/250/0494-son
18.05.2026-y.

хорижий давлатларда таълим олаётган ватандош мактаб ўқувчилари орасида ўзбек тилини ўрганишга бўлган иштиёқни ошириш ва рағбатлантириш;

хорижий давлатларда ўзбек тили фани ўқитилаётган таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва ўқувчиларнинг халқаро миқёсда билимини синовдан ўтказиш.

3-боб. Ташкилий қўмита

8. Халқаро олимпиаданинг белгиланган талаблар асосида ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг Фан олимпиадалари маркази (кейинги ўринларда – Марказ), “Ватандошлар” жамоат фонди (кейинги ўринларда – Фонд) ҳамда тегишли давлат ташкилотлари мутахассисларидан иборат таркибда тузиладиган Ташкилий қўмита томонидан таъминланади.

Марказ Ташкилий қўмитанинг ишчи органи ҳисобланади.

9. Қуйидагилар Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

халқаро олимпиадани ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

халқаро олимпиаданинг дастури ва логотипини ишлаб чиқиш ҳамда ғолибларга бериладиган медаллар эскизини тасдиқлаш;

халқаро олимпиадани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш;

халқаро олимпиада ўтказиладиган жой, иштирокчиларни рўйхатга олиш ва халқаро олимпиадани ўтказиш муддатларини белгилаш;

халқаро олимпиаданинг Ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияси таркибини тасдиқлаш;

халқаро олимпиадани ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича барча масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш.

Ташкилий қўмита халқаро олимпиадани юқори савияда ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

10. Марказ ва Фонд биргаликда Ташкилий қўмита томонидан белгиланган халқаро олимпиада бўлиб ўтадиган манзилларни (имтиҳон бўлиб ўтадиган жой ва меҳмонхоналар) тайёрлайди.

4-боб. Ҳакамлар ҳайъати

11. Халқаро олимпиада ғолибларини аниқлашда холислик, адолат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида хорижий ва маҳаллий малакали мутахассислардан иборат Ҳакамлар ҳайъати ташкил этилади ва унинг таркиби Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари орасидан ҳайъат раиси сайланади.

12. Ҳакамлар ҳайъатининг фаолияти Марказ томонидан мувофиқлаштирилади.

13. Ҳакамлар ҳайъати:

халқаро олимпиада жараёнида бериладиган назорат материалларини ишлаб чиқади ва экспертизадан ўтказади, топшириқларнинг мураккаблигига қўйиладиган талабларнинг даражасига мувофиқ бўлишини таъминлайди;

иштирокчилар томонидан бажарилган ишларни тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида текширади, баҳолайди ва ғолибларни аниқлайди;

иштирокчиларга халқаро олимпиаданинг тартиб-қоидалари тўғрисида тушунтириш беради;

халқаро олимпиаданинг бошланиши ва тугаш вақтини эълон қилади ҳамда халқаро олимпиада жараёнини назорат қилади;

халқаро олимпиада жараёнида белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмаган иштирокчиларни халқаро олимпиададан далолатнома тузиб, четлаштиради;

халқаро олимпиада якунлари юзасидан белгиланган тартибда қарорларни тайёрлайди ва расмийлаштиради;

халқаро олимпиада натижаларини халқаро олимпиада иштирокчилари ва жамоа раҳбарлари иштирокида эълон қилади;

халқаро олимпиада натижалари ҳақида Ташкилий қўмитага батафсил ҳисобот беради ва зарур ҳужжатларни тақдим этади.

14. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари халқаро олимпиада ғолибларини холисона аниқлашда ва назорат материалларининг махфийлигини таъминлашда шахсан жавобгар ҳисобланади.

5-боб. Халқаро олимпиадани ўтказиш

15. Ташкилий қўмита халқаро олимпиада бўлиб ўтадиган муддатлар ҳамда жойни белгилайди ва бу ҳақида эълон беради.

16. Халқаро олимпиада иштирокчилари платформа орқали рўйхатга олинади.

17. Рўйхатга олиш давомида иштирокчилар қуйидаги маълумотларни платформага юклайдилар:

халқаро олимпиадада иштирок этувчи ўқувчи ёки терма жамоа таркиби;

терма жамоа аъзолари ҳақида маълумотлар (туғилган кун, ой, йил, таълим ташкилоти, таълим тили, фуқаролиги);

иштирокчиларнинг шахсий эҳтиёжлари ҳақида маълумотлар (соғлиғи, овқатланиш ва бошқалар).

18. Халқаро олимпиада ҳар йили октябрь ойига қадар икки босқичда (тест топшириқлари ва ёзма иш шаклида) ўтказилади.

19. Халқаро олимпиадада иштирокчилар жамоавий ёки якка тартибда оффлайн ва онлайн шаклда иштирок этишлари мумкин.

20. Халқаро олимпиадада хорижий давлат терма жамоалари таркиби 6 нафаргача иштирокчи ва 1 нафар жамоа раҳбаридан иборат бўлади. Халқаро олимпиадада битта давлатдан 3 тагача терма жамоа иштирок этишига рухсат берилади.

21. Биринчи босқичда (тест) иштирокчилар умумий 50 балл билан баҳоланадиган 30 та тест топшириқларини 120 дақиқа ичида бажарадилар. Бунда:

тест топшириқларининг дастлабки 10 таси оддий қийинчилик даражасидаги ёпиқ тест бўлиб, ҳар бир тўғри жавоб учун 0,9 балл билан;

кейинги 10 таси ўрта қийинлик даражасидаги ёпиқ тест бўлиб, ҳар бир тўғри жавоб учун 1,5 балл билан;

қолган 10 таси юқори қийинлик даражасидаги ёпиқ тест бўлиб, ҳар бир тўғри жавоб учун 2,6 балл билан баҳоланади.

22. Иштирокчиларнинг тест топшириқларига берган жавоблар варағида битта саволга икки ва ундан ортиқ жавоблар тўғри деб белгиланган бўлса, уларнинг биронтаси ҳам инобатга олинмайди ҳамда ушбу саволнинг жавоби учун 0 балл қўйилади.

23. Иккинчи босқичда (ёзма иш) иштирокчилар Ҳакамлар ҳайъати томонидан тақдим этилган 5 тагача ёзма иш (эссе) мавзулари орасидан қуръа ташлаш йўли билан танланган битта мавзу асосида ижодий иш ёзадилар.

Ёзма иш бажариш учун 180 дақиқа вақт ажратилади ва умумий 50 балл билан баҳоланади.

24. Иккинчи босқичда иштирокчилар томонидан ёзилган ишлар мазкур Низомга 2-иловада келтирилган ёзма иш бўйича баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

25. Икки босқич якунларига кўра совринли ўринлар учун бир нечта иштирокчиларнинг баллари тенг бўлган тақдирда, ёзма иш (иккинчи босқич) бўйича кўп балл тўплаган иштирокчига устунлик берилади. Бунда:

ёзма иш бўйича баллар тенг бўлганда, тест топшириқларининг юқори қийинлик даражасидаги топшириқлар бўйича кўп балл тўплаган иштирокчига устунлик берилади;

кўзда тутилган барча ҳолатлар бўйича ғолиб ўринлар учун иштирокчиларнинг натижалари тенг бўлган тақдирда, Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча тест саволлари бериш орқали ғолиб аниқланади.

26. Халқаро олимпиада ўтказиладиган аудиториялар видеокузатув камералари билан жиҳозланади. Аудиторияда телефон ва турли алоқа воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари вакилларига халқаро олимпиада жараёнига халақит қилмаган ҳолда кузатишларига рухсат берилади.

27. Халқаро олимпиадада оффлайн иштирок этиш имконияти бўлмаган иштирокчилар қуйидаги талабларга жавоб берадиган жойларда халқаро олимпиадада иштирок этишлари мумкин:

тўлиқ овозли видеокузатув остидаги хонада жойлашиш;

халқаро олимпиада бўлиб ўтадиган муддатда мазкур хонанинг овозли видеокузатувларини онлайн шаклда марказлашган ҳолда халқаро олимпиада бўлиб ўтадиган манзилда узатилишини таъминлаш;

халқаро олимпиада жараёнлари якунлангандан сўнг иштирокчиларнинг бажарган ишларини видеокузатув остидаги хонанинг ўзида сканер қилиш ва Ташкилий қўмита томонидан белгиланган электрон манзилга юбориш.

28. Халқаро олимпиада ўтказиладиган жараёнда иштирокчиларнинг ўзаро гаплашиши, алоқа воситалари ва қўшимча манбалардан фойдаланиши тақиқланади.

Бундай ҳолатлар учун иштирокчи халқаро олимпиададан четлаштирилади, бажарган ишлари текширилмайди ва баҳоланмайди.

29. Халқаро олимпиада якунида иштирокчиларнинг тўплаган балларига кўра ғолиблар аниқланади ва ғолиблар улуши иштирокчиларнинг 60 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Халқаро олимпиада ғолибларига олтин, кумуш, бронза медаллари ҳамда тегишли диплом ва сертификатлар топширилади. Медаллар сони мос равишда 1:2:3 нисбатда бўлинади.

30. Ташкилий қўмита халқаро олимпиадага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ягона илмий-услубий ёндашувни таъминлайди.

6-боб. Апелляция комиссияси фаолиятини ташкил этиш

31. Апелляция комиссияси Ҳакамлар ҳайъати таркибига кирмаган уч нафаргача мутахассислардан иборат таркибда ташкил этилади.

32. Апелляция комиссияси томонидан халқаро олимпиада иштирокчиларининг аризалари халқаро олимпиада натижалари эълон қилинган куннинг ўзида қабул қилинади. Апелляция жараёнида Ҳакамлар ҳайъати аъзолари, иштирокчи ва жамоа раҳбари иштирок этиши мумкин.

33. Апелляцияга халқаро олимпиада иштирокчиларининг фақатгина ўзлари томонидан бажарилган ишларини қайта кўриб чиқиш бўйича аризалари қабул қилинади.

34. Апелляция комиссияси иштирокчилар аризаларини мазкур Низом талаблари ҳамда баҳолаш мезонлари асосида кўриб чиқади ва Ҳакамлар ҳайъати қарорини ўзгартириш, бекор қилиш ёки ўзгартиришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилади.

35. Апелляция комиссияси Ҳакамлар ҳайъати қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганда, ушбу қарор бўйича Ҳакамлар ҳайъатига изоҳ беради. Бунда Ҳакамлар ҳайъати қарори қайта тасдиқланади.

QMMB: 09/26/250/0494-son
18.05.2026-y.

36. Апелляция комиссияси томонидан қабул қилинган қарор ариза билан мурожаат этган иштирокчи, жамоа раҳбари ва Ҳакамлар ҳайъатига қарор қабул қилинган кунда эълон қилинади.

37. Ташкилий қўмита Ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияси қарорлари асосида шаклланган якуний натижаларни халқаро олимпиада бўлиб ўтган кунда эълон қилади.

7-боб. Халқаро олимпиада ғолибларини тақдирлаш ва молиялаштириш

38. Халқаро олимпиада иштирокчилари сертификатлар, ғолиб ва совриндорлари Ташкилий қўмита томонидан олтин, кумуш, бронза медаллари, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Бунда халқаро олимпиада ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчиларига ташкилотчилар ёки ҳомийлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари берилиши мумкин.

39. Халқаро олимпиадада олтин, кумуш, бронза медалларини қўлга киритган ғолиблар республика олий таълим ташкилотларининг “Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили ва адабиёти” бакалавриат таълим йўналишига умумий қабул квотасидан ташқари давлат гранти асосида ўқишга кириш бўйича имтиёздан уч йил мобайнида фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

40. Халқаро олимпиадада иштирок этадиган иштирокчилар ва терма жамоа раҳбарларини кутиб олиш, меҳмонхонага жойлаштириш, овқатлантириш, шаҳарда ҳаракатланиш учун транспорт воситаларидан фойдаланиш, экскурсиялар ташкил этиш, халқаро олимпиада иштирокчилари ва ғолибларига сертификатлар, медаллар ва дипломлар, эсдалик совғаларини тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар Фонд маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

41. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

42. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/250/0494-son
18.05.2026-y.

Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили
олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ташкилий қўмита	Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили олимпиадаси (кейинги ўринларда – халқаро олимпиада) Ҳакамлар ҳайъатини шакллантиради, халқаро олимпиада бўлиб ўтадиган муддатлар ҳамда жойни белгилайди ва бу ҳақида эълон беради.	Ҳар йили 1 майга қадар
2-босқич	Иштирокчилар (14-18 ёшдаги чет элда истиқомат қилувчи ватандош бўлган мактаб ўқувчилари)	Махсус платформада рўйхатдан ўтади.	Ҳар йили июль – август ойларида
3-босқич	Ҳакамлар ҳайъати	Халқаро олимпиада назорат материалларини тайёрлайди.	Ҳар йили 1 августга қадар
4-босқич	Фан олимпиадалари маркази, “Ватандошлар” жамоат фонди	Халқаро олимпиада бўлиб ўтадиган манзилларни (имтиҳон бўлиб ўтадиган жой ва меҳмонхоналар) тайёрлайди.	Ҳар йили 1 сентябрга қадар
5-босқич	Ташкилий қўмита, Фан олимпиадалари маркази, “Ватандошлар” жамоат фонди	Халқаро олимпиадани юқори савияда ташкил этади, ўтказади ва ғолибларни аниқлайди.	Ҳар йили октябрь ойига қадар

QMMB: 09/26/250/0494-son
18.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “18” майдаги 250-сон қарорига
2-илова

Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита
ТАРКИБИ

1. Э.Г. Каримова – мактабгача ва мактаб таълими вазири, *Ташкилий қўмита раиси*
2. О.Б. Саттаров – “Ватандошлар” жамоат фонди бошқаруви раиси, *Ташкилий қўмита ҳамраиси*
3. Э.Э. Адилов – соғлиқни сақлаш вазири
4. С.Б. Раджабов – олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари
5. Б.Ж. Аълоев – ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари
6. О.Р. Фазилкаримов – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
7. А.З. Саъдуллаев – Ёшлар ишлари агентлиги директори
8. Ш.С. Сирожиддинов – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори
9. С.Б. Шакирова – Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги директори
10. Т.Ю. Шерматов – Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг Фан олимпиадалари маркази директори, *Ташкилий қўмита котиби*

Изоҳ. *Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

QMMB: 09/26/250/0494-son
18.05.2026-y.

Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили
олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили олимпиадаси
иккинчи босқичи (ёзма иш) бўйича
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Т/р	4 балл	3 балл	2 балл	1 балл	0 балл
Топшириқ талабларининг бажарилганлиги					
1.	Эссе тўлиқ публицистик услубда ёзилган.	Айрим ўринларда публицистик услубдан чекинилган.	Эссе қисман публицистик услубда ёзилган.	Эссе тўлиқ бадиий услубида ёзилган.	Эссе тўлиқ сўзлашув услубида ёзилган.
2.	Вазият юзасидан ҳар иккала қараш ҳамда талабгорнинг шахсий қарашлари тўла ёритилган.	Вазият юзасидан ҳар иккала қараш ёритилган, талабгорнинг шахсий фикри ёритилмаган.	Вазият юзасидан қарашларнинг биттаси тўла ёритилган.	Вазият юзасидан қарашларнинг фақат биттаси қисман ёритилган.	Вазият юзасидан қарашлар ёритилмаган.
3.	Берилган вазият юзасидан ҳар иккала қарашлар ҳаётий мисоллар билан далилланган.	Фақат битта қараш далилланган.	Ҳар иккала қараш учун келтирилган айрим далиллар вазиятга мос эмас.	Ҳар иккала қараш учун келтирилган далиллар вазиятга мос эмас.	Ҳар иккала далилланмаган қараш.
Матн яхлитлиги (нутқ композицияси, нутқнинг мантиқийлиги)					
4.	Кириш, асосий қисм ва хулоса тўла ёритиб берилган. **Кириш** икки-уч жумладан иборат. Берилган вазият матни айнан кўчирилмаган. **Асосий қисм** камида учта хатбошидан иборат. **Хулоса** икки-уч жумладан иборат.	**Кириш** қисми мавжуд. **Асосий қисм** икки хатбошидан иборат, қисман ёритилган. **Хулоса** ёзилган, мезонга мос.	**Кириш** қисми мавжуд. **Асосий қисм** икки хатбошидан кам, мавзу етарлича ёритилмаган. **Хулоса** ёзилган, мезонга мос эмас.	**Кириш** қисмида берилган вазият. айнан кўчирилган. **Асосий қисм** икки хатбошидан кам, мавзу етарлича ёритилмаган. **Хулоса** ёзилмаган.	**Кириш** қисми ёзилмаган. **Асосий қисм** талабга мутлақо мос келмаган. **Хулоса** ёзилмаган.

QMMB: 09/26/250/0494-son
18.05.2026-y.

5.	Мантиқий-қурилиш (матн қисмлари ёки гап қурилиши)да хатолик кузатилмаган. Эссе хатбошиларга тўғри ажратилган.	Мантиқий-қурилиш (матн қисмлари ёки гап қурилиши)да ёки Эссени хатбошиларга ажратишда (1-2-ўринда) хатоликка йўл қўйилган.	Мантиқий-қурилиш (матн қисмлари ёки гап қурилиши)да ёки Эссени хатбошиларга ажратишда (3-4-ўринда) хатоликка йўл қўйилган.	Мантиқий-қурилиш (матн қисмлари ёки гап қурилиши)да ёки Эссени хатбошиларга ажратишда (5-6-ўринда) хатоликка йўл қўйилган.	Мантиқий-қурилиш матн қисмлари ёки гап қурилиши)да 7 ва ундан кўп ўринда хатоликка йўл қўйилган. Эссе хатбошиларга умуман ажратилмаган.
6.	Мантиқий-мазмуний изчилликка тўлиқ риоя қилинган. Фикрлар такрори кузатилмаган.	Фикрлар такрори учраган (1-2-ўринда), мантиқий-мазмуний изчиллик узилмаган.	Фикрлар такрори учраган (3-4-ўринда), мантиқий-мазмуний изчиллик бузилган.	Фикрлар такрори учраган (5-6-ўринда), мантиқий-мазмуний изчиллик бузилган.	Фикрлар такрори 7 ва ундан ортиқ ўринда учраган, мантиқий-мазмуний изчиллик бузилган.
Саводхонлик (нутқнинг тўғрилиги)					
7.	Имло билан боғлиқ хатолик умуман учрамаган.	Имло билан боғлиқ хатолик 1-2-ўринда учраган.	Имло билан боғлиқ хатолик 3-4-ўринда учраган.	Имло билан боғлиқ хатолик 5-6-ўринда учраган.	Имло билан боғлиқ хатолик 7 ва ундан ортиқ ўринда учраган.
8.	Пунктуацион хатолик умуман учрамаган.	Пунктуацион хатолик 1-2-ўринда учраган.	Пунктуацион хатолик 3-4-ўринда учраган.	Пунктуацион хатолик 5-6-ўринда учраган.	Пунктуацион хатолик 7 ва ундан ортиқ ўринда учраган.
Тил бирликлари услубияти (нутқнинг жўялилиги)					
9.	Қўшимча қўллаш билан боғлиқ хатолик умуман учрамаган.	Қўшимча қўллаш билан боғлиқ хатолик 1-2-ўринда учраган.	Қўшимча қўллаш билан боғлиқ хатолик 3-4-ўринда учраган.	Қўшимча қўллаш билан боғлиқ хатолик 5-6-ўринда учраган.	Қўшимча қўллаш билан боғлиқ хатолик 7 ва ундан ортиқ ўринда учраган.
10.	Сўз қўллаш билан боғлиқ услубий хатолик кузатилмаган.	Сўз қўллаш билан боғлиқ услубий хатолик 1-2-ўринда кузатилган	Сўз қўллаш билан боғлиқ услубий хатолик 3-4-ўринда кузатилган.	Сўз қўллаш билан боғлиқ услубий хатолик 5-6-ўринда кузатилган.	Сўз қўллаш билан боғлиқ услубий хатолик 7 ва ундан кўп ўринда кузатилган.
Луғат бойлиги (нутқнинг бойлиги, ифодалилиги ва софлиги)					
11.	Лексик хилма-хиллик кузатилган: тасвирий ифодалар, вазиятга мос махсус лексик бирликлар ва бошқа барқарор	Лексик хилма-хиллик кузатилмаган: тасвирий ифодалар, вазиятга мос махсус лексик бирликлар ва бошқа барқарор	Лексик хилма-хиллик кузатилган: тасвирий ифодалар, вазиятга мос махсус лексик бирликлар ва бошқа барқарор	Лексик хилма-хиллик кузатилмаган: тасвирий ифодалар, вазиятга мос махсус лексик бирликлар ва бошқа барқарор	Лексик хилма-хиллик кузатилмаган: тасвирий ифодалар, вазиятга мос махсус лексик бирликлар ва бошқа барқарор

QMMB: 09/26/250/0494-son
18.05.2026-y.

	бирикма (мақол, матал ҳикматли сўзлар ва ибора)лардан унумли фойдаланилган.	бирикмалардан айрим ўринларда фойдаланилган.	бирикмалардан фойдаланилган айрим ўринларда ноўрин фойдаланилган.	бирикмалардан ноўрин фойдаланилган.	бирикмалардан фойдаланилмаган.
12.	Ноўрин қўлланган шевага оид сўз ёки қўшимчалар, вульгаризм, варваризм, паразит сўзлар учрамайди.	Шевага оид сўз ёки қўшимчалар, вульгаризм, варваризм, паразит сўзларнинг қўлланишига оид хатоликлар 1-2-ўринда учраган, аммо услубий ғализлик юзага келмаган.	Шевага оид сўз ёки қўшимчалар, вульгаризм, варваризм, паразит сўзларнинг қўлланишига оид хатоликлар 3-4-ўринда учраган, услубий ғализлик юзага келган.	Шевага оид сўз ёки қўшимчалар, вульгаризм, варваризм, паразит сўзларнинг қўлланишига оид хатоликлар 5-6-ўринда учраган, услубий ғализлик юзага келган.	Шевага оид сўз ёки қўшимчалар, вульгаризм, варваризм, паразит сўзларнинг қўлланишига оид хатоликлар 7 ва ундан кўп ўринда учраган, услубий ғализлик юзага келган.
Ҳуснихат					
	2 балл	**1,5 балл**	**1 балл**	**0,5 балл**	**0 балл**
13.	Эссе ҳуснихат талабида ёзилган, тузатишлардан холи бўлса.	Эссе ҳуснихат талабида ёзилган, 1-2-ўринда тузатишлар мавжуд бўлса.	Эссе ҳуснихат талабида ёзилган, 3-4-ўринда тузатишлар мавжуд бўлса.	Эссе ҳуснихат талабига мос келмаса, 5-6-ўринда тузатишлар мавжуд бўлса.	Эссе ҳуснихат талабига мос келмаса, ёзув тушунарсиз, 7 ва ундан ортиқ тузатишлар мавжуд бўлса.
ЖАМИ: 50 балл					

Изоҳ. *Қуйидаги ҳолларда ёзма иш текширилмайди ва иштирокчи 4 балл билан баҳоланади:*

- эссе ёзилган, лекин мавзуга мос бўлмаса;

- эссенинг ҳажми 100 та сўздан кам бўлса;

- эссе бошқа манбадан кўчирилган бўлса.

Эссени ёзиш учун ажратиладиган умумий вақт – 180 дақиқа.

Эссе матни таркибий қисмлар кесимида: кириш 15-25 та сўз, асосий қисм 200 тагача сўз, хулоса 15-25 та сўз.

Эссе матнининг белгиланган сўз ҳажмидан ортиқ қисми баҳоланмайди (жумла якуни бундан мустасно).

Эссе ёзилмаган бўлса, 0 балл берилади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/251/0495-son
18.05.2026-y.

20 (1248)-son
496-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 18 » may № 251 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божидан озод этиладиган ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда заргарлик саноатида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва сарфлов воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Заргарлик саноатини янада ривожлантириш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 26 июндаги ПҚ–207-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 26 июндаги ПҚ–207-сон қарорига мувофиқ белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда заргарлик саноатида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва сарфлов воситалари **2028 йил 1 июлга қадар** божхона божидан озод этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божидан озод этиладиган ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда заргарлик саноатида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва сарфлов воситалари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * UMUMIY BO‘LIM 1

QMMB: 09/26/251/0495-son
18.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 18 ” майдаги 251-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божидан озод этиладиган ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда заргарлик саноатида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва сарфлов воситалари

РЎЙХАТИ*

Т/р	ТИФ ТН коди	ТИФ ТН бўйича номи
1.	1515191000	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ускуналарида ишлатиладиган зиғир мойи
2.	2520200000	Қайнатиладиган моделларга қуйиш учун кукун (қуйиш гипси боғловчилари)
3.	2710199800	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ускуналарида ишлатиладиган вакуум мойи (таркиби битумли жинслардан олинган 70 фоиз ҳажм ёки ундан юқори бўлган нефть ва нефть маҳсулотлари)
4.	3403990000	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ускуналарида ишлатиладиган вакуум мойи (таркибида асосий компонентлар сифатида 70 мас. фоиздан кўп бўлмаган воситалар ёки битумсимон жинслардан олинган нефть ва нефть маҳсулотлари)
5.	3404900001, 3404900009	Заргарлик буюмлари моделини қуйиш учун мўлжалланган мум
6.	3405901090	Олтин заргарлик буюмларини силлиқлаш воситалари (силлиқлаш пастаси)
7.	3506100000	Рангли заргарлик елими (A Glue)
8.	3506910009	АБ елим (AB Glue) / Шаффоф заргарлик елими (A Glue)
9.	3926909709	Ишлаб чиқариш жараёнида олтин йўқотилишининг олдини олиш учун мўлжалланган пластик пол панжаралари
10.	4008219000	Қолип учун мўлжалланган резина таглик д100, д120, д130 ўлчамли
11.	5806390000	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бошқа материаллардан тайёрланган ҳимоя тасма ва мато (иш вақтида қўлларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган)
12.	5903109009	Тўқима асосидаги ПВХ қопламали сунъий тери
13.	5911901000	Кигизли (вайлок) силлиқлаш ғилдираги
14.	5911909009	Техник мақсадли тўқимачилик маҳсулотлари, силлиқлаш ускунаси учун фильтрлар
15.	6116102000	Резина шимдирилган ёки қопланган қўлқоплар
16.	6804221200	Юқори частотали чиннидан силлиқлаш тоши, боғловчи моддаси синтетик смоладан бўлган
17.	6804223000	Юқори частотали чиннидан силлиқлаш тоши, боғловчи моддаси керамика материалларидан бўлган

QMMB: 09/26/251/0495-son
18.05.2026-y.

Т/р	ТИФ ТН коди	ТИФ ТН бўйича номи
18.	6804225000	Металлни силлиқлаш учун силлиқлаш ғилдираклари
19.	6805200000	Шлифовка қоғози (заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган)
20.	6815120000, 6815130000	Углерод толаларидан полотнолар, углерод толаларидан ясалган буюмлар
21.	6815190000	Графит таёқча
22.	6903100000	Қуйиш аппаратининг пастки қисмини изоляция қилиш учун таркибида 50 мас. фоиздан ортиқ эркин углерод мавжуд бўлган тигеллар
23.	6903901000, 6903909000	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган тигель остига қўйиладиган термоқистирма, графит тигель, графит шток
24.	6914100000	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган керамикадан ясалган чинни буюмлар (чинни стакан, чинни тигель, томчилаткич)
25.	7017900000	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган тешикли колба
26.	7326909807	Виброгалтовка барабан ва ускуналари учун шариклар (диаметри 0,2-3 мм)
27.	7419800000	Резина шаклларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган мисдан ясалган асосий қолип
28.	8207506000	Металлни қайта ишлаш учун металлга мўлжалланган бурғи
29.	8454200000	Заргарлик буюмлари учун ишлатиладиган қолиплар ва қуюв чўмичлари
30.	8480600000	Мум моделлари олиш учун мўлжалланган резина қолиплар
31.	8515110000	Заргарлик буюмларини пайвандлаш учун пайвандлагич

Изоҳ. *Импорт божхона божи бўйича имтиёзлар ушбу рўйхатга ТИФ ТН коди ва номлари киритилган янги асбоб-ускуналарга қўлланади ҳамда битта контрактга (шартномага) мувофиқ янги асбоб-ускуналар билан биргаликда етказиб бериш шарти билан ва ушбу асбоб-ускунанинг ажралмас қисми ҳисобланган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларга татбиқ қилинади.*

Янги асбоб-ускуна "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимига божхона расмийлаштируви вақтида ишлаб чиқарилганига уч йилдан кўп бўлмаган асбоб-ускуна.

Олиб кириладиган асбоб-ускуналарнинг ишлаб чиқарилган йилини тасдиқлаш учун "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимига божхона расмийлаштируви вақтида ишлаб чиқарувчи заводнинг асбоб-ускунанинг ишлаб чиқарилган йилини тасдиқловчи техник паспорти ёки ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқарилган ускуна, шу жумладан, ишлаб чиқарилган йили тўғрисидаги тегишли маълумотларни ўз ичига олган ҳужжати тақдим этилади.

** Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божидан озод этиладиган ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда заргарлик саноатида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва сарфлов воситалари рўйхати* ***2028 йил 1 июлга*** *қадар амал қилади.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/252/0496-son
18.05.2026-y.

20 (1248)-son
497-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 18 » may № 252 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасида гидрометеорология хизмати инфратузилмасини ривожлантириш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, фуқаро авиацияси ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини метеорологик таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2025 йил 30 январдаги ПФ–16-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, гидрометеорологик ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш ва тарқатишда замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш ҳамда фуқаро авиацияси ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини метеорологик таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

2027–2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг баланд тоғли ҳудудларида қор қопламларини мониторинг қилиш учун масофавий қор ўлчаш нуқталарини замонавий қор ўлчов ускуналари билан жиҳозлаш бўйича дастур **1-иловага** мувофиқ;

2026–2028 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аэропортларнинг автоматик авиация метеорология станцияларини модернизация қилиш бўйича дастур **2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида парвозлар хавфсизлигини гидрометеорологик таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги (кейинги ўринларда – Ўзгидромет):

ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ қор ўлчов ускуналари ҳамда аэропортларнинг автоматик авиация метеорология станцияларини модернизация қилиш учун зарур жиҳозлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилинишини ҳамда ўрнатилишини таъминласин;

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда қор ўлчов ускуналаридан олинган маълумотларни телекоммуникация тармоқлари ҳамда йўлдош алоқа каналлари орқали ягона гидрометеорологик маълумотлар геоахборот мониторинг тизимига (кейинги ўринларда – мониторинг тизими) узатиш чораларини кўрсин;

қор ўлчов ускуналаридан олинган маълумотларни мониторинг тизимига интеграция қилиш орқали визуаллаштирган ҳолда, доимий равишда ўзининг расмий веб-сайтида реал вақт режимида эълон қилиб борсин;

“Uzbekistan Airports” АЖ билан биргаликда ушбу қарорга 2-иловага мувофиқ аэропортларни автоматик авиация метеорология станциялари билан жиҳозлаш, уларга сифатли хизмат кўрсатиш учун малакали мутахассисларни жалб қилиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш чораларини кўрсин;

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги “Ўзаэронавигация маркази” давлат унитар корхонаси билан биргаликда аэропортлар ҳудудидаги диспетчерлик марказлари билан ўзаро авиация маълумотлари алмашинувини тўлиқ рақамлаштириш орқали метеорологик маълумотларни узатишнинг ягона электрон тармоғини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Жаҳон метеорология ташкилоти (WMO) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ICAO) стандартлари ҳамда тавсиялари асосида аэропортлардаги ҳаво кемалари парвозларини сифатли метеорологик маълумотлар билан таъминласин.

3. Ўзгидромет ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ қор ўлчов ускуналари ҳамда аэропортларнинг автоматик авиация метеорология станцияларини модернизация қилиш учун зарур жиҳозларни харид қилиш ҳамда улар орқали олинган маълумотларни мониторинг тизимига узатиш билан боғлиқ харажатларни келгуси йилларга мўлжаланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида назарда тутиш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритсин.

4. “Uzbekistan Airports” АЖга:

Ўзгидрометнинг авиаметеорологик станцияларини хизмат хоналари, алоқа, мебель ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш;

аэропортларнинг метеорологик ускуналари ва алоқа воситалари белгиланган тартибда захира электр тармоғига уланишини ва синовдан ўтказилишини таъминлаш;

авиаметеорологик станцияларнинг ходимлари ҳамда Ўзгидрометнинг махсус автотранспорт воситалари аэропортлар ҳудудларига кириб-чиқиши учун белгиланган тартибда рухсатномаларни расмийлаштириш тавсия этилсин.

QMMB: 09/26/252/0496-son
18.05.2026-y.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/252/0496-son
18.05.2026-y.

20 (1248)-сон
497-модда

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 18 ” майдаги 252-сон қарорига
1-илова

2027–2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг баланд тоғли ҳудудларида қор қопламларини мониторинг қилиш учун масофавий қор ўлчаш нуқталарини замонавий қор ўлчов ускуналари билан жиҳозлаш бўйича

ДАСТУР

(млн сўмда)

Т/р	Ҳудуд номи	Дарё ҳавзаси	Масофавий қор ўлчаш нуқтасининг денгиз сатҳидан баландлиги			Жами харид қилинадиган қор ўлчов ускуналари		Шундан							
								2027 йил				2028 йил			
								Универсал қор ўлчов ускуналари жамланмаси		Қор баландлигини ўлчов ускунаси		Универсал қор ўлчов ускуналари жамланмаси		Қор баландлигини ўлчов ускунаси	
			0-2000 метргача	2001-3000 метргача	3001-4000 метргача	сони	қиймати	сони	қиймати	сони	қиймати	сони	қиймати	сони	қиймати
1.	Наманган вилояти	Чодак дарёси ҳавзаси		9	18	27	3 618,6	2	1 952,1	25	1 666,5				
2.	Сурхондарё вилояти	Тўпаланг дарёси ҳавзаси		7	2	9	3 328,0	3	2 928,1	6	399,9				
		Сангардак дарёси ҳавзаси		16	1	17	3 861,3					3	2 928,1	14	933,2
3.	Тошкент вилояти	Ойгаинг дарёси ҳавзаси		10	6	16	4 704,0	4	3 904,1	12	799,9				
		Пском дарёси ҳавзаси	2	15	14	31	8 432,0	7	6 832,2	24	1 599,8				
		Оқбулоқ дарёси ҳавзаси	1	5		6	2 218,7					2	1 952,1	4	266,6
		Оҳангарон дарёси ҳавзаси		9	9	18	4 837,3					4	3 904,1	14	933,2
Жами			**3**	**71**	**50**	**124**	**30 999,9**	**16**	**15 616,5**	**67**	**4 466,1**	**9**	**8 784,3**	**32**	**2 133,0**

QMMB: 09/26/252/0496-son
18.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 18 ” майдаги 252-сон қарорига
2-илова

2026–2028 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аэропортларнинг автоматик авиация метеорология станцияларини модернизация қилиш бўйича

ДАСТУР

(млн сўмда)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ўлчов бирлиги	2026–2028 йилларда		шундан					
			ускуна сони	умумий қиймати	2026 йилда		2027 йилда		2028 йилда	
					ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати
I.	Республика аэропортлари ҳудудида авиация метеостанцияларни модернизация қилиш, шу жумладан:	дона	14	204 318	5	87 318	4	52 000	5	65 000
II.	Автоматлаштирилган авиация метеостанцияси билан жиҳозлаш.	дона	14	157 318	5	69 818	4	39 000	5	48 500
III.	Учиш-қўниш йўлаги бўйлаб автоматлаштирилган авиация метеостанциясини ўрнатиш, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари *(электр энергияси, алоқа, интернет, захира генератори)* билан таъминлаш.			42 000		16 000		11 500		14 500
IV.	Техник топшириқ ҳужжатларини, шунингдек, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари.			5 000		1 500		1 500		2 000

QMMB: 09/26/252/0496-son
18.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар	Ўлчов бирлиги	2026-2028 йилларда		шундан					
			ускуна сони	умумий қиймати	2026 йилда		2027 йилда		2028 йилда	
					ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати
1. Қорақалпоғистон Республикаси										
1.1	“Нукус халқаро аэропорти” ҳудудида авиация метеостанциясини модернизация қилиш, шу жумладан:	дона	1	13 000					1	13 000
	Автоматлаштирилган авиация метеостанцияси билан жиҳозлаш.	дона	1	9 500					1	9 500
	Учиш-қўниш йўлаги бўйлаб автоматлаштирилган авиация метеостанциясини ўрнатиш, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари *(электр энергияси, алоқа, интернет, захира генератори)* билан таъминлаш.			3 000						3 000
	Техник топшириқ хужжатларини, шунингдек, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари.			500						500
2. Андижон вилояти										
2.1	“Андижон халқаро аэропорти” ҳудудида авиация метеостанциясини модернизация қилиш, шу жумладан:	дона	1	17 318	1	17 318				
	Автоматлаштирилган авиация метеостанцияси билан жиҳозлаш.	дона	1	13 818	1	13 818				
	Учиш-қўниш йўлаги бўйлаб автоматлаштирилган авиация метеостанциясини ўрнатиш, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари *(электр энергияси, алоқа, интернет, захира генератори)* билан таъминлаш.			3 000		3 000				

Т/р	Чора-тадбирлар	Ўлчов бирлиги	2026–2028 йилларда		шундан					
			ускуна сони	умумий қиймати	2026 йилда		2027 йилда		2028 йилда	
					ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати
	Техник топшириқ хужжатларини, шунингдек, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари.			500		500				
3. Бухоро вилояти										
3.1	“Янги Бухоро халқаро аэропорти” ҳудудида авиация метеостанциясини модернизация қилиш, шу жумладан:	дона	2	35 000	2	35 000				
	Автоматлаштирилган авиация метеостанцияси билан жиҳозлаш.	дона	2	28 000	2	28 000				
	Учиш-қўниш йўлаги бўйлаб автоматлаштирилган авиация метеостанциясини ўрнатиш, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари *(электр энергияси, алоқа, интернет, захира генератори)* билан таъминлаш.			6 500		6 500				
	Техник топшириқ хужжатларини, шунингдек, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари.			500		500				
4. Қашқадарё вилояти										
4.1	“Қарши халқаро аэропорти” ҳудудида авиация метеостанциясини модернизация қилиш, шу жумладан:	дона	1	13 000					1	13 000
	Автоматлаштирилган авиация метеостанцияси билан жиҳозлаш.	дона	1	9 500					1	9 500
	Учиш-қўниш йўлаги бўйлаб автоматлаштирилган авиация метеостанциясини ўрнатиш, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари *(электр энергияси, алоқа, интернет, захира генератори)* билан таъминлаш.			3 000						3 000

QMMB: 09/26/252/0496-son
18.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар	Ўлчов бирлиги	2026-2028 йилларда		шундан					
			ускуна сони	умумий қиймати	2026 йилда		2027 йилда		2028 йилда	
					ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати
	Техник топшириқ хужжатларини, шунингдек, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари.			500						500
5. Навоий вилояти										
5.1	“Навоий халқаро аэропорти” ҳудудида авиация метеостанциясини модернизация қилиш, шу жумладан:	дона	2	26 000					2	26 000
	Автоматлаштирилган авиация метеорология станцияси билан жиҳозлаш.	дона	2	20 000					2	20 000
	Учиш-қўниш йўлаги бўйлаб автоматлаштирилган авиация метеостанциясини ўрнатиш, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари *(электр энергияси, алоқа, интернет, захира генератори)* билан таъминлаш.			5 500						5 500
	Техник топшириқ хужжатларини, шунингдек, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари.			500						500
6. Наманган вилояти										
6.1	“Наманган халқаро аэропорти” ҳудудида авиация метеостанциясини модернизация қилиш, шу жумладан:	дона	1	13 000			1	13 000		
	Автоматлаштирилган авиация метеостанцияси билан жиҳозлаш.	дона	1	9 500			1	9 500		

T/r	Чора-тадбирлар	Ўлчов бирлиги	2026-2028 йилларда		шундан					
			ускуна сони	умумий қиймати	2026 йилда		2027 йилда		2028 йилда	
					ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати
	Учиш-қўниш йўлаги бўйлаб автоматлаштирилган авиация метеостанциясини ўрнатиш, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари *(электр энергияси, алоқа, интернет, захира генератори)* билан таъминлаш.			3 000				3 000		
	Техник топшириқ хужжатларини, шунингдек, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари.			500				500		
7. Сурхондарё вилояти										
7.1	“Термиз халқаро аэропорти” ҳудудида авиация метеостанциясини модернизация қилиш, шу жумладан:	дона	1	13 000			1	13 000		
	Автоматлаштирилган авиация метеостанцияси билан жиҳозлаш.	дона	1	9 500			1	9 500		
	Учиш-қўниш йўлаги бўйлаб автоматлаштирилган авиация метеостанциясини ўрнатиш, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари *(электр энергияси, алоқа, интернет, захира генератори)* билан таъминлаш.			3 000				3 000		
	Техник топшириқ хужжатларини, шунингдек, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари.			500				500		

QMMB: 09/26/252/0496-son
18.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар	Ўлчов бирлиги	2026-2028 йилларда		шундан					
			ускуна сони	умумий қиймати	2026 йилда		2027 йилда		2028 йилда	
					ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати
8. Фарғона вилояти										
8.1	“Фарғона халқаро аэропорти” ҳудудида авиация метеостанциясини модернизация қилиш, шу жумладан:	дона	1	13 000					1	13 000
	Автоматлаштирилган авиация метеостанцияси билан жиҳозлаш.	дона	1	9 500					1	9 500
	Учиш-қўниш йўлаги бўйлаб автоматлаштирилган авиация метеостанциясини ўрнатиш, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари *(электр энергияси, алоқа, интернет, захира генератори)* билан таъминлаш.			3 000						3 000
	Техник топшириқ хужжатларини, шунингдек, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари.			500						500
9. Хоразм вилояти										
9.1	“Урганч халқаро аэропорти” ҳудудида авиация метеостанциясини модернизация қилиш, шу жумладан:	дона	2	35 000	2	35 000				
	Автоматлаштирилган авиация метеостанцияси билан жиҳозлаш.	дона	2	28 000	2	28 000				
	Учиш-қўниш йўлаги бўйлаб автоматлаштирилган авиация метеостанциясини ўрнатиш, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари *(электр энергияси, алоқа, интернет, захира генератори)* билан таъминлаш.			6 500		6 500				

QMMB: 09/26/252/0496-son
18.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар	Ўлчов бирлиги	2026-2028 йилларда		шундан					
			ускуна сони	умумий қиймати	2026 йилда		2027 йилда		2028 йилда	
					ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати	ускуна сони	қиймати
	Техник топшириқ хужжатларини, шунингдек, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари.			500		500				
10. Тошкент шаҳри										
10.1	Ислом Каримов номидаги “Тошкент халқаро аэропорти” ҳудудида авиация метеостанциясини модернизация қилиш, шу жумладан:	дона	2	26 000			2	26 000		
	Асосий ва захира автоматлаштирилган авиация метеостанцияси билан жиҳозлаш.	дона	2	20 000			2	20 000		
	Учиш-қўниш йўлаги бўйлаб автоматлаштирилган авиация метеостанциясини ўрнатиш, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари *(электр энергияси, алоқа, интернет, захира генератори)* билан таъминлаш.			5 500				5 500		
	Техник топшириқ хужжатларини, шунингдек, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари.			500				500		

Изоҳ. *Ушбу дастурдаги ускуналарнинг қиймати реал вақтдаги нархдан келиб чиқиб ўзгариши мумкин.*

QMMB: 09/26/252/0496-son
18.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 18 ” майдаги 252-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикасида парвозлар хавфсизлигини гидрометеорологик таъминлаш бўйича ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Аэропортлардаги метеорологик ускуналарни модернизация қилиш					
1.	Андижон, Бухоро, Қарши, Навоий, Наманган, Нукус, Термиз, Урганч, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида жойлашган аэропортларда парвозлар хавфсизлигини таъминлаш учун автоматик метеорологик ускуналарни харид қилиш.	1. Техник-топшириқ, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни экспертизадан ўтказиш. 2. Автоматик метеорологик ускуналар харид қилиш бўйича тендер танловини ўтказиш. 3. Тендер танлови ғолиби билан белгиланган тартибда шартнома тузиш.	2026–2028 йиллар давомида	Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратилган маблағлар	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги (кейинги ўринларда – Ўзгидромет) *(Ш. Ҳабибуллаев)*
2.	Андижон, Бухоро, Қарши, Навоий, Наманган, Нукус, Термиз, Урганч, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида жойлашган аэропортларда ускуналарни ўрнатиш ва ишга тушириш.	1. Аэропортлар ҳудудида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда рухсатномаларни расмийлаштириш. 2. Аэропортларнинг учиш-қўниш йўлаги бўйлаб автоматик метеорологик ускуналар жойлаштириш учун ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш *(пойдевор ишлари, алоқа, интернет ва электр таъминоти линиялари, захира генератори билан таъминлаш).*	2026–2028 йиллар давомида	Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратилган маблағлар ҳамда Ўзгидрометнинг бюджет	Ўзгидромет *(Ш. Ҳабибуллаев),* “Uzbekistan Airports” АЖ *(Ж. Умарходжаев)*

QMMB: 09/26/252/0496-son
18.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. Автоматик метеорологик ускуналарни аэропортларнинг учиш-қўниш йўлаги бўйлаб ўрнатиш. 4. Ўрнатилган автоматик метеорологик ускуналарни дастлабки қиёслашдан ўтказиш. 5. Аэропортларда автоматик метеорологик ускуналарга хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш.		ва бюджетдан ташқари маблағлари	
II. Авиацияни метеорологик маълумотлар билан таъминлаш йўналишида халқаро ҳамкорлик қилиш					
3.	Авиацияни метеорологик маълумотлар билан таъминлаш йўналишида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидалари ва талабларини миллий миқёсда амалга ошириш бўйича Жаҳон метеорология ташкилоти (WMO) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ICAO) билан ҳамкорликни янада кенгайтириш.	1. Жаҳон метеорология ташкилоти (WMO) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ICAO) томонидан ташкил этилган халқаро семинарлар, конференциялар, тренинглар, ўқув курсларида мутахассислар иштирокини таъминлаш. 2. Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлатлараро об-ҳаво ўзгаришлари ривожланиши бўйича Тожикистон, Туркманистон ва Қирғиз республикаларининг авиация соҳасидаги ваколатли органлари билан ўзаро маълумот алмашиш ҳуқуқини берувчи “Парвоз даражасидаги хавфли об-ҳаво шароитлари ҳақида” (SIGMET) битим имзолаш. 3. Жаҳон метеорология ташкилоти (WMO) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ICAO) томонидан қабул қилинаётган халқаро-ҳуқуқий	2026–2028 йиллар давомида	Ўзгидрометнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Ўзгидромет *(Ш. Ҳабибуллаев)*

QMMB: 09/26/252/0496-son
18.05.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		ҳужжатлардаги ўзгаришларни имплементация қилган ҳолда амалиётда жорий этиш.			
4.	Паст баландликда парвозларни амалга оширувчи ҳаво кемаларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқ метеорологик қўллаб-қувватлаш.	1. Паст баландликда парвозларни амалга оширувчи ҳаво кемаларини метеорологик қўллаб-қувватлаш мақсадида авиаметеорологик станцияларнинг муҳандис-синоптиклари учун ўқув-қўлланма материалларини ишлаб чиқиш. 2. Муҳандис-синоптиклар учун “GAMET” минтақавий прогнозлари ва “AIRMET” маълумотлари тузиш ҳамда ҳаво кемалари экипажига етказиш бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш.	2026–2028 йиллар давомида	Ўзгидрометнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Ўзгидромет *(Ш. Ҳабибуллаев)*
III. Авиаметеорологик станциялар ходимларининг малакасини ошириш ва станциялар фаолиятини баҳолаш					
5.	Авиаметеорологик станцияларда фаолият кўрсатаётган муҳандис-синоптик ва техник-метеорологларнинг малакасини ошириш.	1. Авиаметеорологик станциялар кесимида малакаси ошириладиган ходимлар рўйхатини шакллантириш. 2. Ўзгидромет ҳузуридаги Гидрометеорология техникумида малака ошириш курсларини ташкил этиш.	2026–2028 йиллар давомида	Ўзгидрометнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Ўзгидромет *(Ш. Ҳабибуллаев)*
6.	Сифат менежменти тизими жорий этилган Андижон, Бухоро, Қарши, Навоий, Наманган, Нукус, Самарқанд, Термиз, Урганч, Фарғона ва Тошкент авиаметеорологик станциялар раҳбарларининг ISO: 9001 халқаро стандарти бўйича малакасини ошириш.	1. ISO: 9001 талабларига мувофиқ сифат менежменти тизими соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ўртасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш. 2. Тадқиқот натижалари асосида давлат харидларининг электрон платформасига эълон жойлаштириш, ғолиб ташкилотни аниқлаш ва шартнома тузиш.	2026–2028 йиллар давомида	Ўзгидрометнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Ўзгидромет *(Ш. Ҳабибуллаев)*

QMMB: 09/26/252/0496-son
18.05.2026-y.

T/r	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. Авиаметеорологик станциялар раҳбарларининг ISO: 9001 халқаро стандарти бўйича малакасини ошириш. 4. Малака ошириш курслари якуни бўйича сертификатлар бериш.			
7.	Авиаметеорологик станциялар фаолияти ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини услубий текширувдан ўтказиш.	1. Ўзгидрометнинг Авиацияни метеорологик таъминлаш бошқармаси ходимлари томонидан услубий текширувлар ўтказилишини таъминлаш. 2. Услубий текширувлар якуни бўйича ҳисобот ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш.	Режа-график асосида	Ўзгидрометнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Ўзгидромет *(Ш. Ҳабибуллаев)*
8.	Авиаметеорологик станцияларнинг фаолиятини ички аудитдан ўтказиш.	1. Аудиторлик сертификатига эга ходимлар томонидан авиаметеорологик станцияларни ички аудитдан ўтказиш. 2. Ички аудит якуни бўйича ҳисобот ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш.	Режа-график асосида	Ўзгидрометнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Ўзгидромет *(Ш. Ҳабибуллаев)*
9.	Авиацияни метеорологик таъминлаш тизимини ташқи аудитдан ўтказиш.	1. ISO: 9001 талабларига мувофиқ сифат менежменти тизими соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ўртасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш. 2. Тадқиқот натижалари бўйича давлат харидларининг электрон платформасига эълон жойлаштириш, ғолиб ташкилотни аниқлаш ва шартнома тузиш. 3. Ўзгидрометнинг Авиацияни метеорологик таъминлаш бошқармаси ҳамда авиаметеорологик станцияларни ташқи аудитдан ўтказиш. 4. Ташқи аудит якуни бўйича сертификатлар бериш.	Режа-график асосида	Ўзгидрометнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Ўзгидромет *(Ш. Ҳабибуллаев)*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/253/0497-son
19.05.2026-y.

20 (1248)-son
498-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 18 » may № 253 Toshkent sh.

Солиқ базасини товарларнинг бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш орқали тенг рақобат муҳитини яратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2024 йил 21 февралдаги ПФ–37-сон ва “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 10 декабрдаги ПФ–246-сон фармонлари ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси талабларига мувофиқ солиқ базасини бозор тамойиллари асосида аниқлаш, шунингдек, тенг рақобат муҳитини яратиш орқали инсофли солиқ тўловчилар ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 248-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, агар битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Солиқ базасини айрим товарларнинг бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

товарларнинг бозор нархини аниқлаш тартиби;

солиқ базасини товарларнинг бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш.

3. Белгилансинки, солиқ базасини товарларнинг бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш тартиби ушбу қарор кучга кирган санадан кейин тузилган битимларга нисбатан татбиқ этилади.

4. Солиқ қўмитаси:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” АЖ ва “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖ билан биргаликда **2026 йил 1 июлга** қадар давлат харидлари, биржа ва аукцион савдолари иштирокчилари томонидан тузилган шартномалар ҳамда уларнинг ижроси бўйича электрон ҳисобварақ-фактура маълумотларини (ҳар бир лот ва товарлар номенклатураси кесимида) реал вақт режимида ўзаро алмашиш бўйича ахборот тизимларини интеграция қилишни;

QMMB: 09/26/253/0497-son
19.05.2026-y.

б) товарларнинг бозор нархлари тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якуни бўйича **кейинги ойнинг 10-санасигача** ўз расмий веб-сайтида эълон қилиб борилишини;

в) “Солиқ-сервис” акциядорлик жамияти томонидан солиқ солиш мақсадида солиқ тўловчиларга бозор нархини аниқлаш бўйича бепул хизматлар кўрсатиш тизими жорий қилинишини;

г) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Солиқ қўмитаси раиси Ф.Ж. Пулатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/253/0497-son
19.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 18 ” майдаги 253-сон қарорига
илова

Солиқ базасини айрим товарларнинг бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (кейинги ўринларда – Солиқ кодекси) мувофиқ солиқ базасини кўчмас мулк объектлари ҳамда ёғоч маҳсулотларининг (кейинги ўринларда – товарлар) бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланади:

айнан ўхшаш товарлар – бир хил хусусиятли асосий белгиларга эга бўлган товарлар солиқ солиш мақсадида айнан ўхшаш товарлар деб эътироф этилади;

битим нархи – шартнома, электрон ҳисобварақ-фактура, онлайн назорат-касса техникаси чеклари ёки бошқа ҳисоб ҳужжатларида акс эттирилган нарх;

бир хил турдаги товарлар – айнан ўхшаш бўлмаган ҳолда, бир хил хусусиятларга эга бўлган ҳамда айни бир вазифани бажариш имкониятини берадиган ўхшаш таркибий қисмлардан иборат бўлган ва (ёки) тижорат жиҳатидан бир-бирининг ўрнини боса оладиган товарлар;

таққосланадиган бозор нархлари усули – товарларни айнан ўхшаш ёки бир хил турдаги товарлар бўйича тузилган битимлар тўғрисида ахборот мавжуд бўлганда, шундай товарлар билан қиёслашга асосланган баҳолаш усули;

товарларнинг бозор нархи – солиқ органлари томонидан солиқ базасини аниқлашда қўлланадиган ва эркин бозорда мустақил томонлар ўртасида шаклланадиган нарх;

ҳисоб ҳужжатлари – товарларни сотиш нархини тасдиқловчи шартнома, электрон ҳисобварақ-фактура, далолатнома, онлайн назорат-касса техникаси чеки ва бошқа ҳисоб ҳужжатлари.

3. Ушбу Низом талаблари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

Солиқ кодексига мувофиқ трансферт нархни белгилаш доирасида назорат қилинадиган битимларга;

нархлари давлат органлари томонидан тартибга солинадиган табиий монополия корхоналарининг товарларига;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига асосан арзонлаштирилган нархларда сотилган товарларга;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки чет давлат қонунчилигига мувофиқ ўтказилган биржа савдолари натижалари бўйича тузилган битимларга;

давлат томонидан қатъий нарх белгиланган битимларга.

QMMB: 09/26/253/0497-son
19.05.2026-y.

4. Ушбу Низом талаблари солиқ тўловчилар томонидан сотилган товарларнинг ҳисоб ҳужжатларида акс эттирилган нархи шундай товарлар бўйича аниқланган бозор нархидан 20 фоиздан паст ёки юқори бўлган ҳолатда қўлланади.

5. Ушбу Низом талаблари фақат солиқ солиш мақсадларида қўлланади, товарларни ҳақиқатда сотилган нархи эса бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

2-боб. Солиқ базасини товарларнинг бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш учун фойдаланадиган усул ва уни қўллаш тартиби

6. Солиқ базасини бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган ёғоч маҳсулотларига нисбатан татбиқ этилади.

7. Солиқ органлари солиқ базасини товарларнинг бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлашда таққосланадиган бозор нархлари усулидан фойдаланади.

8. Кўчмас мулк объектларининг бозор нархи кўчмас мулкни оммавий баҳолаш соҳасида махсус ваколатли орган томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш соҳасида махсус ваколатли орган томонидан бозор нархи аниқланмаган кўчмас мулк объектларининг бозор нархи солиқ органлари томонидан ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган тартибда аниқланади.

9. Таққосланадиган бозор нархлари усулида айнан ўхшаш ёки бир хил турдаги товарларни сотиш (харид қилиш) нархлари уларни сотиш бўйича тузилган шартномаларнинг, шунингдек, ҳақиқатда товарларни етказиб беришнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳудудларни (туман/шаҳар) ҳамда солиқ органларига маълум бўлган бошқа ахборотларни инобатга олган ҳолда қиёсланади.

10. Товарларнинг айнан ўхшашлигини аниқлашда бундай товарларнинг ташқи кўринишидаги арзимас фарқлар ҳисобга олинмаслиги мумкин ҳамда уларнинг физик хусусиятлари, сифати, мўлжалланган вазифаси, келиб чиққан мамлакати ва ишлаб чиқарувчиси, унинг бозордаги ишбилармонлик обрўси, фойдаланиладиган товар белгиси, шунингдек, Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогидаги идентификация кодлари ҳисобга олинади.

11. Товарларнинг бир турдалигини аниқлашда, уларнинг сифати, бозордаги мавқеи, товар белгиси, келиб чиққан мамлакати, шунингдек, Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогидаги позициялари ҳисобга олинади.

12. Ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган усул орқали солиқ базасини товарларнинг бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш учун солиқ органларида мавжуд электрон-ҳисобварақ фактура ва онлайн назорат-касса техникаси чеклари маълумотларидан фойдаланилади.

QMMB: 09/26/253/0497-son
19.05.2026-y.

13. Солиқ органлари солиқ базасини бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлашда қуйидаги маълумотлардан ҳам фойдаланиши мумкин:

нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими маълумотлари;

божхона тўловларини ҳисоблаш мақсадида фойдаланилган товарлар қиймати ҳақидаги маълумотлар;

биржа нархлари ва котировкалари тўғрисидаги маълумотлар;

аукцион ва давлат харидлари платформалари маълумотлари;

сотувчиларнинг нархномалари (прейскурант)даги маълумотлари;

оммавий ахборот воситаларидан ва интернет ресурсларидан олинган нарх тўғрисидаги маълумотлар;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда нархларни белгиловчи ваколатли органларнинг маълумотлари;

тижорат банклари томонидан гаровга олинган товарларни қайта баҳолаш маълумотлари;

баҳолаш фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ёки хорижий давлатлар қонунчилигига мувофиқ аниқланган объектларнинг бозор нархи тўғрисидаги маълумотлар.

14. Агар товарларнинг нархи кўрсатиб ўтилган манбаларда турлича бўлса, солиқ солиш мақсадларида уларнинг ўртача бозор нархи инобатга олинади.

Товарларнинг ўртача бозор нархи қуйидаги формула асосида аниқланади:

ўртача бозор нархи = $(X_1*Y_1+X_2*Y_2+...+X_n*Y_n) / (X_1+X_2+...+X_n)$, бунда:

$X_{1,2...n}$ – кун (ҳафта, ой) давомида ҳар бир битим бўйича реализация қилинган товарлар ҳажми;

$Y_{1,2....n}$ – кун (ҳафта, ой) давомида ҳар бир битим учун сотилган товарларнинг нархи.

3-боб. Биржа ва бошқа электрон платформалар орқали сотилган товарларнинг бозор нархини аниқлаш тартиби

15. Товарларнинг бозор нархи биржа савдоларида сотилаётган айнан ўхшаш (улар мавжуд бўлмаганда, бир турдаги) товарлар нархларидан келиб чиқиб аниқланади.

16. Тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича сотилган товарлар нархи сотиш санасидаги биржа савдоларида айнан ўхшаш (улар мавжуд бўлмаганда, бир турдаги) товарлар нархидан фарқ қилса, солиқ базасини аниқлашда биржа савдосида сотилган товарларнинг нархи (котировкаси) қўлланади.

17. Товарларни сотиш санасида биржа савдоларида айнан ўхшаш (улар мавжуд бўлмаганда, бир турдаги) товарлар сотилган тақдирда, солиқ базасини аниқлашда биржа савдоларида ҳафта мобайнида сотилган товарларнинг ўртача нархи, ҳафталик маълумот мавжуд бўлмаган ҳолларда, ойлик сотилган товарларнинг ўртача нархи (котировкаси) қўлланади.

18. Тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича сотилган товарларнинг бозор нархини биржа маълумотлари асосида аниқлашнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда, давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида тузилган битимларнинг нархидан келиб чиқиб, ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган тартибда аниқланади.

QMMB: 09/26/253/0497-son
19.05.2026-y.

19. Биржа ёки давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотлар асосида товарларнинг бозор нархини аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда, ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган манбалар маълумотларидан фойдаланилган ҳолда аниқланади.

20. Солиқ органлари товарларнинг бозор нархларини баҳолаш фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан ҳамда баҳолаш миллий стандартлари қоидаларидан фойдаланган ҳолда ҳам аниқлаши мумкин.

4-боб. Солиқ базасини товарларнинг бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш тартиби

21. Товарларни сотиш нархи солиқ солиш мақсадида қўлланадиган бозор нархидан паст эканлиги аниқланса, солиқ органлари томонидан қўлланадиган бозор нархи ва солиқ тўловчининг сотиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ бозор нархидан паст сотилган товарлар ҳажмига кўпайтирилади ҳамда ҳосил бўлган сумма солиқ базасига киритилади.

Бунда қўшимча ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси чегириладиган харажат сифатида эътироф этилади, Солиқ кодексининг 317-моддасига мувофиқ солиқ текширувлари натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар бундан мустасно.

22. Товарларни харид қилиш нархи солиқ органлари томонидан қўлланадиган бозор нархидан юқори эканлиги аниқланса, солиқ тўловчининг харид қилиш нархи ва солиқ органлари томонидан аниқланадиган бозор нархи ўртасидаги ижобий фарқ суммаси бўйича ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритилади.

23. Товарларнинг ушбу Низомда белгиланган тартибда аниқланган бозор нархидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига мувофиқ фойда солиғининг базасига тузатиш киритилади.

24. Агар бозор нархининг белгиланиши қўшилган қиймат солиғи суммаси ва фойда солиғи бўнак тўлови суммаларининг камайтирилишига олиб келган бўлса, солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғи ҳисоботи ва фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини ҳисоблаш учун маълумотномага мустақил равишда тузатишлар киритишга ҳақли.

25. Ушбу Низомда белгиланган тартибда аниқланган қўшимча солиқ базаси ва солиқ суммасига нисбатан Солиқ кодексида белгиланган молиявий жарималар қўлланилмайди.

26. Солиқ базасини айрим товарларнинг бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш ва солиқларни ҳисоблаш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шартли мисоллар асосида амалга оширилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

27. Солиқ тўловчи солиқ органлари томонидан солиқ солиш мақсадида аниқланган товарларнинг бозор нархидан норози бўлган тақдирда, товарларнинг бозор нархини аниқлаш бўйича бошқа мустақил баҳоловчини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

QMMB: 09/26/253/0497-son
19.05.2026-y.

28. Солиқ тўловчи битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қаратилмаганининг асосларини тақдим этиш орқали солиқ органларининг солиқ базасига тузатиш киритиш тўғрисидаги қарори юзасидан низолашишга ҳақли.

29. Солиқ органлари сайёр солиқ текширувини ўтказишда товарларнинг бозор нархини аниқлаш учун белгиланган тартибда назорат харидини амалга оширишга ҳақли.

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/253/0497-son
19.05.2026-y.

Солиқ базасини айрим товарларнинг
бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Солиқ базаси бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган ёғоч маҳсулотларининг РЎЙХАТИ

Т/р	Гуруҳ	Синф	Синф тавсифи	Маҳсулотнинг идентификация коди
1.	044	04403	Хом ёғоч	04403001002
2.				04403003002
3.				04403004001
4.				04403005001
5.				04403006001
6.		04406	Шпаллар	04406001001
7.				04406002001
8.				04406004001
9.		04407	Ёғоч	04407001001
10.				04407001002
11.				04407001003
12.				04407001004
13.				04407001005
14.				04407001006
15.				04407001011
16.				04407001012
17.				04407001013
18.				04407001014
19.				04407001015
20.				04407001016
21.				04407001017
22.				04407001018
23.				04407001019
24.				04407001020
25.				04407002001
26.				04407002002
27.				04407002003
28.				04407002004
29.				04407002005
30.				04407002006
31.				04407002007
32.				04407002008
33.				04407002010
34.				04407002011
35.				04407002012
36.				04407002013
37.				04407002014
38.				04407002015
39.				04407002016

QMMB: 09/26/253/0497-son
19.05.2026-y.

Т/р	Гуруҳ	Синф	Синф тавсифи	Маҳсулотнинг идентификация коди
40.				04407002101
41.				04407002102
42.				04407002103
43.				04407002104
44.				04407002105
45.				04407002106
46.				04407002107
47.		04408	Ёпиш чойшаблари	04408001001
48.		04409	Ёғоч	04409001002
49.				04409004002
50.				04409004003
51.		04410	Заррачалар тахтаси	04410001001
52.				04410001002
53.				04410002001
54.		04411	Эляф плиталари	04411001001
55.				04411001003
56.				04411001004
57.				04411001005
58.				04411001006
59.				04411002001
60.				04411002002
61.		04412	Елимланган фанер	04412001001
62.				04412001005
63.				04412001006
64.		04413	Сиқилган ёғоч	04413001001
65.		04418	Дурадгорлик ва дурадгорлик маҳсулотлари	04418001002
66.				04418001003
67.				04418001005
68.				04418001006
69.				04418003001
70.		04421	Бошқа ёғоч буюмлар	04421001006
71.				04421001026

QMMB: 09/26/253/0497-son
19.05.2026-y.

Солиқ базасини айрим товарларнинг
бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Солиқ базасини айрим товарларнинг бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш ва солиқларни ҳисоблашга доир ШАРТЛИ МИСОЛЛАР

1-мисол. Кўчмас мулкни сотиш бўйича бозор нархи асосида солиқни ҳисоблаш (таққосланадиган бозор нархи усули).

2025 йил *млн сўм*

Товар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Электрон ҳисобварақ-фактура бўйича сотиш нархи		Ўртача бозор нархи		Камайтириб кўрсатилган солиқ базаси (ҚҚСсиз)	ҚҚС	Фойда солиғи
			нарх	солиқ базаси	нарх	солиқ базаси			
Кўчмас мулк	$м^2$	216,04	1,07	231,2	6,1	1 317,8	970,2	116,4	128,1

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида жойлашган “А” МЧЖ томонидан 2025 йил 5 апрелда тузилган шартномага асосан 3-қаватда жойлашган, майдони **216,04 м²**дан иборат бўлган турар жой фуқаро “Н.Х”га **1 м²** учун **1,07 млн сўм**дан – **жами 231,2 млн сўмга** сотилгани тўғрисида нотариал идоралар томонидан шартнома тасдиқланган *(электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган)*.

Солиқ базасини товарларнинг бозор нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандида назарда тутилган формула асосида Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида жойлашган янги қурилган кўчмас мулк объектларининг 1 $м^2$ учун ўртача бозор нархи 2025 йил апрель ойида шакллантирилган электрон ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланиб аниқланганда, 1 $м^2$ учун **6,1 млн сўмни** ташкил этади.

Кўчмас мулкнинг ўртача бозор нархи ва сотиш нархи ўртасидаги фарқ 20 фоизлик оғишдан кўп *(6,1 - 1,07=4,7 (5,03/1,07)*100=470,1 фоиз > 20 фоиз)*.

Шундан келиб чиқиб, солиқ базаси товарларнинг **бозор нархи** асосида ҳисобланганда:

6,1 млн сўм * 216,04 $м^2$ = 1 317,8 млн сўмни ташкил қилади.

Корхона томонидан ҳисоботда кўрсатилган солиқ базаси:

1,07 млн сўм *(ЭҲФ бўйича)* * 216,04 $м^2$ = 231,2 млн сўмни ташкил қилади.

Бунда камайтириб кўрсатилган солиқ базаси:

1 317,8 млн сўм – 231,2 млн сўм = 1 086,6 млн сўмни ёки **ҚҚСсиз 970,2 млн сўмни** ташкил қилади.

QMMB: 09/26/253/0497-son
19.05.2026-y.

Камайтириб кўрсатилган тушумдан солиқлар қўшимча ҳисобланиши лозим:

ҚҚС = 970,2 млн сўм * 12 фоиз ставка = 116,4 млн сўм;

фойда солиғи = 853,8 млн сўм (970,2-116,4)*15 фоиз ставка = 128,1 млн сўм.

Жами 244,5 млн сўм қўшимча солиқ ҳисобланиши лозим.

2-мисол. Ёғоч маҳсулотини сотиш бўйича бозор нархи асосида солиқни ҳисоблаш (таққосланадиган бозор нархи усули).

Реализация қилинган товарнинг номи	Товар-хомашё биржа маълумоти бўйича товарнинг бозор нархи	Товарнинг ЭҲФдаги нархи	Сотилган товар ҳажми *(куб метр)*	Солиқ базаси *(бозор нархи бўйича, млн сўм)*	Солиқ базаси *(корхона ҳисоботи бўйича, млн сўм)*	Камайтириб кўрсатилган солиқ базаси, млн сўм	Қўшилган қиймат солиғи, млн сўм	Фойда солиғи, млн сўм
Ёғоч	4 200	2 000	1 000	4 200	2 000	1 964,3	235,7	259,3

Солиқ органлари маълумотлар базасида “А” корхона томонидан 1 000 куб метр ёғоч маҳсулотини “В” корхона билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб, бир куб метрини ҚҚС билан 2 000 минг сўмдан – жами 2 млрд сўмга сотилгани бўйича 2025 йил 10 апрель куни электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган.

Товар-хомашё биржаси маълумотлари ўрганилганда, 2025 йил 2 апрель куни “С” корхона томонидан ёғоч маҳсулотининг бир куб метрини 4 200 минг сўмдан *(ҚҚС билан)* 500 куб метр ёғоч маҳсулотини сотиш бўйича битим тузилгани маълум бўлди *(бунда агар худди шу турдаги товарни сотиш бўйича шу санада бир қанча битим тузилган бўлса, бозор нархи сифатида ушбу товарнинг ўртача нархи олинади).* Ёғоч маҳсулотининг бозор нархи ва сотиш нархи ўртасидаги фарқ 20 фоизлик оғишдан кўп *(4200-2000=2200, (2200/1000)*100=220 фоиз>20 фоиз).*

Юқоридагиларга асосан, “А” корхона томонидан бир куб метр ёғочни сотишдан тушган тушум ҳисоб ҳужжатларида 2 200 минг сўмга *(биржа нархи 4 200 минг сўм – ЭҲФ нархи 2 000 минг сўм)* камайтириб кўрсатилган.

Шундан келиб чиқиб, солиқ базаси товарларнинг **бозор нархи** *(биржа нархи)* асосида ҳисобланганда:

4 200 минг сўм *(ҚҚС билан биржа нархи)* * 1 000 куб метр = 4,2 млрд сўмни ташкил қилади.

Корхона томонидан ҳисоботда кўрсатилган солиқ базаси:

2 000 минг сўм *(ҚҚҚС билан ЭҲФ нархи)* * 1 000 куб метр = 2 млрд сўмни ташкил қилади.

Бундан камайтириб кўрсатилган солиқ базаси:

4,2 млрд сўм – 2 млрд сўм = 2,2 млрд сўмни ёки ҚҚСсиз **1,9 млрд сўмни** ташкил қилади.

Камайтириб кўрсатилган тушумдан солиқлар қўшимча ҳисобланди:

ҚҚС = 1,9 млрд сўм * 12 фоиз = **235,7** млн сўм;

фойда солиғи = (1,9 млрд сўм – 235,7 млн сўм) * 15 фоиз = **259,3** млн сўм.

QMMB: 09/26/253/0497-son
19.05.2026-y.

Жами 495 млн сўм қўшимча солиқ ҳисобланиши лозим.

Солиқ базасини битим нархи бозор нархидан юқори бўлган ҳолатларда таққосланадиган бозор нархи усулини қўллаган ҳолда аниқлаш бўйича

3-мисол. Ёғоч маҳсулоти хариди бўйича

Товар номи	Товарнинг қиймати (минг сўмда)		Харид қилинган товар ҳажми, куб метр	Корхона ҳисоботи бўйича харажатда ҳисобга олинган сумма, *млн сўм)*	Ташқи манба маълумотлари (бозор нархи) бўйича харажатда ҳисобга олиниши лозим, *(млн сўм)*	Ошириб кўрсатилган солиқ базаси	Ҳисобдан чиқарила-диган ҚҚС, *(млн сўм)*
	Товарнинг шартномадаги нархи, 1 куб метр учун	Ташқи манбалардан олинган маълумот бўйича нарх, 1 куб метр учун					
Ёғоч	6 000	4 200	1 000	6 000	4 200	1 800	192,8

Солиқ органларида мавжуд маълумотга асосан “А” корхона томонидан 2025 йил 6 ноябрда “В” корхона билан тузилган шартномага асосан Россия Федерациясининг “Росслес” жамиятида ишлаб чиқарилган “Ёғоч” маҳсулотини 1 куб метр учун 6,0 млн сўмдан (ҚҚС билан) келишилиб, 1000 куб метр товар жами 6 млрд сўмга харид қилинган.

Товар-хомашё биржасида (давлат харидлари ёки бошқа манбалар) 2025 йил 7 ноябрда тузилган битимга асосан “Росслес” жамиятида ишлаб чиқарилган “Ёғоч” маҳсулотининг нархи 1 куб метр учун 4,2 млн сўм (ҚҚС билан) эканлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Юқоридагиларга асосан “А” корхона томонидан 1000 куб метр ёғоч 1,8 млн сўмдан (6 млн сўм – 4,2 млн сўм) – жами 1,8 млрд сўмга оширилган нархда харид қилинган. Ушбу ҳолатда “А” корхона ҳисобга олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритиши ва **192,8 млн сўм** (1,8 млрд сўм * 12/112) ҚҚСни ҳисобдан чиқариши лозим бўлади.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/254/0498-son
19.05.2026-y.

20 (1248)-son
499-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20**26** yil «**18**» **may** № **254** Toshkent sh.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида онлайн назорат-касса техникасидан фойдаланишни оммалаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш, мазкур соҳаларда яширин иқтисодиётни қисқартиришда аҳоли фаоллигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг **2026 йил 1 июлдан бошлаб** Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудидаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида амалга оширилган харидлар бўйича назорат-касса техникаси орқали берилган чеклар асосида ютуқли ўйинларни ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида берилган назорат-касса техникаси чеклари асосида ютуқли ўйинлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси билан биргаликда ютуқли ўйинлар **ҳар ойда** ўтказиб борилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси **бир ой муддатда** “Солиқ” мобил иловасида “Ютуқли ўйинлар платформаси”ни ишга тушириб, унда ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар ютуқли ўйин ғолибларини инсон омилисиз аниқлаш имкониятини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда **бир ой муддатда** ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали кенг тушунтирилишини таъминласин.

QMMB: 09/26/254/0498-son
19.05.2026-y.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/254/0498-son
19.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 18 ” майдаги 254-сон қарорига
илова

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида берилган назорат-касса техникаси чеклари асосида ютуқли ўйинлар ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган жисмоний шахсларга назорат-касса техникаси орқали берилган чеклар асосида ютуқли ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

назорат-касса техникаси – фискал хотира билан жиҳозланган назорат-касса машиналари, фискал тўплагичлардаги фискал маълумотлар ёзиб олиниши ва сақланишини таъминловчи, фискал ҳужжатларни шакллантирувчи ҳамда уларнинг солиқ органларига фискал маълумотлар оператори орқали топширилишини, шунингдек, фискал ҳужжатлар назорат-касса техникасини қўллаш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ қоғозда чоп этилишини таъминловчи бошқа қурилмалар ҳамда дастурий-техник мажмуалар;

назорат-касса техникаси чеки – сотувчи ва харидор (мижоз) ўртасидаги товар сотиб олингани ёки хизмат кўрсатилганини тасдиқловчи, онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал касса дастурий таъминотини қўллаган ҳолда чоп этиладиган, QR-код, фискал белги ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа зарур маълумотлар акс эттирилган ҳужжат;

ютуқли ўйин – жисмоний шахслар ўртасида ютуқли ўйинларни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаси бўйича ютуқларни ғолибларга бериш жараёнини ўз ичига олган ҳуқуқий, ташкилий ва техник чора-тадбирлар йиғиндиси;

ютуқли ўйинни ташкил этиш комиссияси – Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда – Солиқ қўмитаси) раисининг буйруғи асосида ташкил этиладиган комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия);

ўйин иштирокчиси – Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган чакана савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш объектларида харидларни амалга ошириб, назорат-касса техникаси чекларини “Солиқ” мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахс;

ғолиб – “Солиқ” мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказилган назорат-касса техникаси чеклари орасидан тасодифий танлов асосида мукофотлаш мақсадида танлаб олинган жисмоний шахс.

QMMB: 09/26/254/0498-son
19.05.2026-y.

2-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

3. Ютуқли ўйиннинг қонунчиликка мувофиқ ўтказилганини назорат қилиш ҳамда ўйин ғолибларини мукофотлаш бўйича комиссия таркиби раис, унинг ўринбосари, комиссиянинг котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, 5 кишидан кам бўлмаслиги керак.

4. Комиссия таркибига келишув асосида ташкилотчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари киритилиши мумкин.

5. Комиссия қуйидаги ваколатларга эга:

комиссия аъзолари таркибидан комиссия раиси ва котибини сайлаш;

ютуқли ўйинни ўтказиш вақтини келишиш;

ютуқли ўйинни ўтказиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш чораларини кўриш;

ютуқли ўйин жараёни Солиқ қўмитасининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг телерадиоканалларида жонли эфирда узатилишини ташкил этиш;

ютуқли ўйинга барча харид чекларининг киритилганини текшириш;

ютуқли ўйин ўтказиш билан боғлиқ низоли ҳолатларни кўриб чиқиш;

ютуқли ўйин натижалари бўйича якуний қарор қабул қилиш.

6. Комиссия қарорлари оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва баённома шаклида расмийлаштирилади.

3-боб. Ўйинларни ўтказиш ҳамда ғолибларни мукофотлаш тартиби

7. Солиқ қўмитаси ютуқли ўйинларни ташкил этиш, харидлар учун рўйхатдан ўтказилган назорат-касса техникаси чекларини (кейинги ўринларда – харид чеклари) тасодифий танлаш ва ғолибларни аниқлаш бўйича ваколатга эга бўлган ўйин ташкилотчиси ҳисобланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда умумий овқатланиш соҳаларидаги тадбиркорлик субъектларида амалга оширилган харидлар бўйича назорат-касса техникаси чеклари ўртасида ютуқли ўйинлар ташкил этилади.

Бунда мазкур объектлардаги харид чекларини “Солиқ” мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказган ҳар бир жисмоний шахс бевосита ютуқли ўйин иштирокчисига айланади.

9. “Солиқ” мобил иловасида ҳар бир жисмоний шахсга рўйхатдан ўтказилган харид чекларининг ютуқли ўйинга киритилгани ҳақида маълумот бериб борилади.

QMMB: 09/26/254/0498-son
19.05.2026-y.

10. Харид чеклари “Солиқ” мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказилганда, харид чеки шакллантирилган ой учун ўйналадиган ютуқли ўйинда қатнашиш ҳуқуқини беради.

11. Ютуқли ўйин ҳар ойда Солиқ қўмитасининг “Солиқ” мобил иловасидаги “Ютуқли ўйинлар” платформаси орқали ўтказилади.

12. Танлов бир ой давомида иштирокчилар томонидан рўйхатдан ўтказилган харид чекларининг жамланмаси доирасида ўтказилиб, ғолиблар инсон омилисиз харид чекини тасодифий танлаб олиш асосида аниқланади.

13. Ютуқли ўйин платформасида рўйхатдан ўтказилган харид чеклари тўғрисидаги маълумотлар реал вақт режимида очиқ ҳамда шаффофлик принципи асосида тақдим этиб борилади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳар бир ютуқли ўйин ғолибига бош соврин сифатида автомашина тақдим этилади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги Комиссия билан келишган ҳолда, ўйин ғолибларига қўшимча совринларни ҳам бериши мумкин.

16. Ҳар ойнинг 10-санасида Комиссия томонидан танлов ғолибларини мукофотлаш тадбирлари ўтказилиб, ушбу жараёнлар ҳамда танлов ғолиблари тўғрисидаги маълумотлар Солиқ қўмитасининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ва ҳудудий телерадиоканалларда жонли эфирда узатилади.

17. Ғолиб сифатида аниқланган шахсларга ҳар ой якуни билан харид суммасининг бир фоизини қайтариб беришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

4-боб. Ютуқ фондини шакллантириш ва тақсимлаш

18. Ютуқли ўйинларни ўтказиш жараёнида ғолибларни мукофотлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг алоҳида ягона ғазна ҳисобварағида ютуқлар фонди шакллантирилади.

19. Ютуқлар фонди қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

2026 йил учун Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва Хоразм вилояти маҳаллий бюджети даромадларининг режадан орттириб бажарилган қисми;

2027 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

20. Ютуқлар фонди маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

21. Ютуқлар фондининг сарфланиши учун жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлигига юклатилади.

QMMB: 09/26/254/0498-son
19.05.2026-y.

5-боб. Якунловчи қоидалар

22. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавоб берадилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/255/0503-son
19.05.2026-y.

20 (1248)-son
500-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 18 » may № 255 Toshkent sh.

Ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтириш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 апрелдаги ПФ–113-сон Фармони ҳамда “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 27 февралдаги ПҚ–78-сон қарорига мувофиқ ер муносабатлари соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтириш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти** (кейинги ўринларда – Регламент) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат хизмати кўрсатилишини Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали ташкил этиш;

ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтириш бўйича давлат хизматини кўрсатишни рад этиш тартиби;

ариза берувчи томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда:**

Регламентга мувофиқ давлат хизматининг Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП орқали кўрсатилишини;

QMMB: 09/26/255/0503-son
19.05.2026-y.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда Кадастр агентлигининг ахборот тизимлари ЯИДХП билан ўзаро интеграция қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ушбу қарорга мувофиқ давлат хизмати кўрсатилишининг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатсин;

Регламентга мувофиқ давлат хизматини кўрсатиш тартибини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини қўлласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/255/0503-son
19.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “18” майдаги 255-сон қарорига
илова

Ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтириш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтириш бўйича ариза берган ижарачи ёки унинг ваколатли вакили;

ижарага берувчи – ер участкасини жисмоний ёки юридик шахсга ижарага берган туман (шаҳар) ҳокимлиги;

ижарачи – ер участкасини ижарага олган ва ундан ижара шартномасига мувофиқ фойдаланаётган жисмоний ёки юридик шахс;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси (кейинги ўринларда – ер участкаси) — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланиладиган ер участкалари (суғориладиган ва лалми ҳайдалма ерлар, бўз ерлар, кўп йиллик мевали-резавор дов-дарахтлар, токзорлар ва бошқа дарахтлар билан банд бўлган ерлар, яйлов ва пичанзорлар);

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаси (кейинги ўринларда – ер участкаси) – давлат мулки бўлган, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилмаган ёки ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган ер участкаси.

3. Ушбу Регламент туман (шаҳар) ҳокимлиги билан тузилган:

ер участкаси ижара шартномаларининг амал қилиш муддати тугаган жисмоний ёки юридик шахсларнинг фойдаланишида бўлган ер участкалари;

жисмоний ёки юридик шахсларга ижара ҳуқуқи асосида тегишли ер участкаларининг ижара шартномасини янги муддатга узайтиришга татбиқ этилади.

Бунда ижарага олувчи шартноманинг амал қилиш муддати тугагунига қадар уч ой ичида ушбу шартномани узайтириш тўғрисида электрон равишда ижарага берувчига мурожаат қилиши шарт.

QMMB: 09/26/255/0503-son
19.05.2026-y.

Ушбу Регламент ўрмон фонди, махсус иқтисодий зоналар, саноат зоналари ҳудудида жойлашган, давлат органлари томонидан ўзига доимий фойдаланиш асосида тегишли бўлган ер участкаларидан ижарага берилган ҳамда кўчма савдо объектлари учун ажратилган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Ер участкасининг ижара шартномаси ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ янги муддатга узайтирилади.

5. Ер участкасининг ижара шартномаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатга узайтирилади.

6. Ер участкасининг ижара шартномаси ер участкаси ижарачиси ёки унинг ишончли вакилининг мурожаатига асосан янги муддатга узайтирилади.

7. Ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтириш бўйича давлат хизматлари Давлат хизматлари марказлари, Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиали (кейинги ўринларда – филиал), Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда – бўлим), туман (шаҳар) солиқ инспекцияси ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида кўрсатилади.

2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш

8. Ариза берувчи ижара шартномаси муддатини янги муддатга узайтириш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

9. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари марказлари ходими – ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса мустақил равишда, ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради ҳамда давлат хизматларидан фойдаланиш учун тўлов тўлайди.

Ариза берувчи ихтиёрига кўра ер участкасининг ижара шартномаси муддатини янги муддатга узайтириш ва белгиланган тартибда кадастр паспортини олиш ҳамда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун бир вақтда (композит хизмат сифатида) ёки алоҳида мурожаат қилиши мумкин.

10. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

аввал расмийлаштирилган ер участкасининг ижара шартномаси;

QMMB: 09/26/255/0503-son
19.05.2026-y.

ер участкасининг ижарачиси номидан ҳаракат қилингани бўйича ишончнома (агар ижарачининг номидан бошқа шахс мурожаат қилса).

Давлат хизматлари маркази томонидан ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

11. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, ЭРИ, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

12. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, уни ариза берувчи тасдиқлагандан сўнг аризага илова қилинган ҳужжатлар реал вақт режимида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича филиалга ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари бўйича бўлимга, туман (шаҳар) солиқ инспекциясига электрон шаклда юборилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда филиал ва туман (шаҳар) солиқ инспекциясига “Рақамли ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилади.

13. Давлат хизматларини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, кўрсатилган хизматлар учун йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

14. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан ижара шартномаси имзолангунга қадар воз кечиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан воз кечганда, унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда ундирилган йиғим қайтарилмайди.

15. Давлат хизматлари кўрсатилгани учун тўлов тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

16. Тўловлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

10 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига (тўлов Ягона биллинг тизими орқали тўланганда);

10 фоизи – солиқ инспекцияси ҳисобварағига;

QMMB: 09/26/255/0503-son
19.05.2026-y.

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда туман (шаҳар) ҳокимликларининг шахсий ҳисобварағига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи – давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги "Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига;

10 фоизи – солиқ инспекцияси ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда туман (шаҳар) ҳокимликларининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

Тўловлар давлат хизматлари кўрсатилгани учун давлат божлари ва тўловлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими орқали тўланади.

17. Филиалга ва бўлимга сўровнома келиб тушган кунда автоматик тарзда ер участкасининг ижара шартномаси асосида ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ижарачи номига давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳамда ушбу кўчмас мулк бўйича ваколатли орган томонидан кўчмас мулк объектига тақиқ ёки хатлов қўйилгани ва сўровномалар мавжудлиги текширилади.

18. Туман (шаҳар) солиқ инспекцияси томонидан мол-мулк солиғи ҳамда ер участкасининг ижара тўловларидан қарздорлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслиги "Рақамли ҳукумат" тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали автоматик текширилади.

19. Филиал, бўлим ва туман (шаҳар) солиқ инспекциясининг маълумотлари "Рақамли ҳукумат" тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали ижарага берувчига юборилади.

20. Ижарага берувчи филиал, бўлим ва туман (шаҳар) солиқ инспекциясининг маълумотларини олганидан сўнг 10 иш кун ичида:

ер участкасидан мунтазам равишда фойдаланилмаётгани ёки ер участкасидан бошқа мақсадларда фойдаланилаётгани тўғрисида маълумот мавжудлигини текширади;

филиал, бўлим ва туман (шаҳар) солиқ инспекциясининг маълумотларини ўрганади;

ўрганиш натижалари бўйича ариза келишилгани ёки рад этилгани тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олган хабарномани шакллантиради ва уни Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига юборади.

QMMB: 09/26/255/0503-son
19.05.2026-y.

Келишув ҳеч қандай эслатма ва шартларсиз, тегишли масъул ходимнинг ЭРИси билан тасдиқланадиган розилик резолюцияси орқали амалга оширилади.

Келишув рад этилган тақдирда, ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтириш мумкин эмаслиги ҳақида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг аниқ нормасига асосланган сабаблар кўрсатилган хабарнома ижарага берувчи томонидан тайёрланади.

21. Қуйидагилар давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

ижара шартномаси асосида ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ариза берувчи номига давлат рўйхатидан ўтказилмагани;

ер участкаси ва унинг ижараси тўғрисидаги сўровномада кўрсатилган маълумотларнинг давлат реестридаги маълумотларга мувофиқ эмаслиги;

ер участкасидан бошқа мақсадларда фойдаланилаётгани;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан оқилона фойдаланилмагани;

белгиланган муддатлар мобайнида фойдаланилмагани тўғрисида маълумот мавжудлиги;

мол-мулк солиғи ҳамда ижара тўловларидан қарздорлик мавжудлиги;

давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўлов ўз вақтида ёки тўлиқ тўланмагани;

ижара шартномаси ариза берувчи томонидан белгиланган муддатда имзоланмагани;

сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилгани;

ушбу кўчмас мулк объектининг мансублиги масаласида низолар борлигидан далолат берувчи суд ҳужжатлари ва сўровномаларининг мавжудлиги;

ваколатли орган томонидан кўчмас мулк объектига тақиқ қўйилгани;

аризага илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асосларга кўра рад этиш қатъиян тақиқланади.

22. Агар ижарага берувчи томонидан ариза берувчининг ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтириш тўғрисидаги мурожаатига бир ой ичида жавоб берилмаса, ижара шартномаси автоматик тарзда янги муддатга узайтирилган ҳисобланади.

Бундай ҳолларда ижара шартномаси тизимда автоматик тарзда расмийлаштирилади ва электрон шаклда тасдиқланган шартнома ариза берувчига электрон тарзда юборилади.

QMMB: 09/26/255/0503-son
19.05.2026-y.

23. Ариза берувчи рад жавобини олган кундан бошлаб бир ой ичида давлат хизматини кўрсатиш учун тўловни тўламасдан, ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтиришни рад этиш учун асос бўлган камчиликларни бартараф этган ҳолда қайта ариза топширишга ҳақли.

Ушбу Регламентнинг 21-банди иккинчи хатбошисида белгиланган ҳолатлар аниқланганда ижара шартномасини янги муддатга узайтириш тўлиқ рад этилади ҳамда қайта ариза топшириш имконияти яратилмайди. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг аниқ нормасига асосланган сабаблар кўрсатилган хабарнома ижарага берувчи томонидан тайёрланади.

24. Ер участкасининг ижара шартномаси янги муддатга узайтириш учун келишилгани тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олган хабарнома шакллантирилгандан сўнг ижара шартномаси автоматик равишда Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда ЭРИ билан имзолаш учун тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳамда ариза берувчига электрон шаклда юборилади.

25. Ер участкасининг ижара шартномаси келиб тушгандан сўнг ижарага берувчи ва ариза берувчи 5 иш кунида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6 ва 24-моддаларига асосан ижара муддатини белгилаган ҳолда ер участкасининг ижара шартномасини имзолайди.

26. Ер участкасининг ижара шартномаси туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан имзолангандан сўнг автоматик тарзда ариза берувчига юборилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

27. Давлат хизматлари марказлари, филиал, бўлим, туман (шаҳар) солиқ инспекцияси ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган ариза берувчи ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

28. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг ушбу Регламент талаблари бажарилиши бўйича фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

29. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

30. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/255/0503-son
19.05.2026-y.

Ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Ер участкасининг ижара шартномасини янги муддатга узайтириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали мурожаат қилади. 2. Давлат хизматини кўрсатиш учун йиғимни тўлайди.	Заруратга кўра
2-босқич	Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП	Ариза берувчининг сўровномасини аризага илова қилинган ҳужжатлар билан Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиалига, туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимига, туман (шаҳар) солиқ инспекциясига ҳамда ижарага берувчига электрон шаклда юборади.	Реал вақт режимида
3-босқич	Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиали, Туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими	Сўровнома келиб тушган кунда автоматик тарзда ер участкаси ижара шартномаси асосида ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ижарачи номига давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳамда ушбу кўчмас мулк объекти бўйича ваколатли орган томонидан кўчмас мулк объектига тақиқ ёки хатлов қўйилгани ва сўровномаларнинг мавжудлигини текширади.	Автоматик тарзда
	Туман (шаҳар) солиқ инспекцияси	Мол-мулк солиғи ҳамда ер участкасининг ижара тўловларидан қарздорлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслигини “Рақамли ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали текширади.	Автоматик тарзда

QMMB: 09/26/255/0503-son
19.05.2026-y.

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
4-босқич	Ижарага берувчи	1. Филиал, бўлим ва туман (шаҳар) солиқ инспекциясининг маълумотларини олгандан сўнг қуйидагиларни ўрганади: ер участкасидан мунтазам равишда фойдаланилмаётгани тўғрисида маълумот мавжудлигини; филиал ва туман (шаҳар) солиқ инспекциясининг маълумотларини. 2. Ўрганиш натижалари бўйича ариза келишилгани ёки рад этилгани тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олган хабарномани шакллантиради ва уни Давлат хизматлари марказлари, ЯИДХП орқали ариза берувчига юборади.	10 иш куни ичида
5-босқич	Ижарага берувчи	Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6 ва 24-моддаларига асосан ер участкасининг ижара муддатини белгилаган ҳолда ижара шартномасини имзолайди.	5 иш куни
6-босқич	Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП	Ер участкасининг ижара шартномаси тарафлар томонидан имзолангандан сўнг уни автоматик тарзда ариза берувчига юборади.	Реал вақт режимида

QMMB: 09/26/255/0503-son
19.05.2026-y.

Ер участкасининг ижара шартномасини
янги муддатга узайтириш бўйича
давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова

_____ _____
(сана) (рақами)

Ер участкасининг ижара шартномасини
янги муддатга узайтириш бўйича
СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи – жисмоний шахс тўғрисида маълумот:

1. Ф.И.О.:	
2. Паспорт (ID-карта) маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами):	
3. Телефон рақами:	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

II. Ариза берувчи – юридик шахс тўғрисида маълумот:

1. Расмий номи (тўлиқ):	
2. Жойлашган манзили:	
3. Телефон рақами:	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

III. Ер участкалари тўғрисида маълумот:

1. Ер участкаларининг манзили (индекс, манзил, мўлжал):	
2. Ер участкаларининг кадастр рақами:	
3. Ер участкаларининг майдонлари (га):	
4. Аввалги ер ижара шартномаси (илова қилинади).	

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/257/0515-son
20.05.2026-y.

20 (1248)-son
501-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 19 » may № 257 Toshkent sh.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда оилавий маслаҳат хизматларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сон Фармонига мувофиқ, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқий ва психологик хизматлар кўрсатиш, ота-оналикка тайёрлаш таълим дастурлари орқали масъулиятли ота-оналик кўникмаларини шакллантириш ва оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари ҳузуридаги Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари негизида туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари тизимида юридик шахс бўлмаган **Оила ва хотин-қизлар масканларини** (кейинги ўринларда – масканлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Масканларнинг **асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

никоҳланувчи ёшлар, оиласида муаммоси бўлган, никоҳ қурганига 5 йил тўлмаган ҳамда оилавий ажрим билан боғлиқ низоли оилаларни **алоҳида дастурлар асосида ўқитиш**;

психологик, ҳуқуқий, медиатив, тиббий, менторлик йўналишларида **оилавий маслаҳат хизматларини кўрсатиш**;

ёшлар учун гиёҳвандлик, эрта туғруқ ва эрта никоҳнинг оқибатлари, ёт ғояларга қарши иммунитетни шакллантиришга қаратилган **ўқувлар ташкил этиш**;

никоҳланувчи ёшлар учун оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, шу жумладан, оиладаги низоларни зўравонликсиз ҳал этиш маданиятини шакллантириш масалалари бўйича “маиший зўравонликсиз бахтли оилавий ҳаётга тайёрлаш” махсус **курсларини ташкил этиш**;

профилактика ҳисобида турган аёлларга стресс, қўрқув ва ишончсизликни енгиш ҳамда ижтимоий **мослашув дастурларини ташкил этиш**;

оиласида муаммоси бўлган, никоҳ қурганига 5 йил тўлмаган оилалар учун оилавий муаммоларни бартараф этиш кўникмасини шакллантириш, бола психологияси, ота-оналикни ривожлантиришга қаратилган **таълим дастурларини амалга ошириш**;

оилавий ажрим билан боғлиқ, суд ва ФҲДЁ органларига ариза берган низоли оилалар билан алоҳида ишлаш, мулоқотни тиклашга қаратилган машғулотлар ўтказиш, оилавий ажримларнинг оқибатлари юзасидан **тушунтириш ишларини олиб бориш**;

миграциядан қайтган, оғир аҳволдаги аёлларнинг руҳий ва ҳиссий саломатлигини тиклаш, уларнинг жамиятга интеграция қилиниши юзасидан **кузатув ва қўллаб-қувватлаш дастурларини йўлга қўйиш**;

зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахслар учун зўравонлик ҳолатларининг салбий оқибатлари ва қонуний жавобгарлигини тушунтириш, **ҳиссиётларни бошқаришни ўргатиш**;

соғлом овқатланиш, нутрициология, диетология бўйича маслаҳатлар бериш, **спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш**;

лидер тадбиркорларни жалб қилган ҳолда, замонавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича хотин-қизларга **маслаҳатлар бериш**;

“Хавфсиз миграция”ни таъминлашда аёлларга кўмаклашиш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган даромадли касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш, **консалтинг хизматларини ташкил этиш**.

3. Белгилансинки, масканлар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари масканлар фаолиятини тарғиб қилади, оилалар ва хотин-қизларни масканларга йўналтиради;

туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари масканлар фаолиятини ташкил этиш, унинг иш режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва иш режанинг бажарилишини таъминлаш, малакали мутахассислар ва жамоатчилик вакилларини жалб этиш чораларини кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри оила ва хотин-қизлар бошқармалари масканларга умумий раҳбарлик қилади, уларнинг фаолият самарадорлигини таъминлайди, давлат ижтимоий буюртмаси доирасида лойиҳаларни жалб этади.

4. Қуйидагилар:

Оила ва хотин-қизлар масканларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси **1-иловага** мувофиқ;

Оила ва хотин-қизлар масканлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда масканларда аҳолига оилавий маслаҳат хизматлари кўрсатилишини ташкил этсин. Бунда:

масканларда аҳолига ҳуқуқий ва психологик хизматлар кўрсатиш учун зарур мутахассислар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этилади ва тегишли харажатлар "Аёллар дафтари" жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

жалб этилган мутахассисларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари татбиқ этилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

масканлар фаолиятини самарали ташкил қилишга кўмаклашсин ҳамда уларга тегишли мутахассисларнинг жалб этилишини назоратга олсин;

масканларни жойлаштириш учун мос бинолар ажратилишини таъминласин;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда масканларни компьютер техникаси, канцелярия ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш, биноларни сақлаш (коммунал хизматлар, жорий таъмирлаш ва бошқалар) билан боғлиқ харажатларни маҳаллий бюджет, "Аёллар дафтари" жамғармаси маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш чораларини кўрсин.

7. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда "Нуронийлар" жамғармаси билан биргаликда **бир ой муддатда**:

масканларга белгиланган вазифаларни сифатли ва тизимли амалга ошириш мақсадида малакали мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

масканларни қўлланмалар ва тарқатма материаллар, видеоролик ва соҳага оид бошқа тарғибот материаллари билан таъминласин;

вазирлик ва идораларнинг илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда соҳага доир дастурлар ва методологияларнинг ишлаб чиқилишини ташкиллаштирсин.

8. Масканлар фаолиятини тизимли ташкил этиш ва унда кўрсатилаётган хизматлар ҳамда ўтказилаётган машғулотлар сифатини ошириш мақсадида:

а) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги масканларда психолог маслаҳати ва психологик билимлар берилишини ташкил этишга ёрдамлашади;

б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги масканларда ўқувларни ташкил этишда малакали мутахассислар, профессор-ўқитувчиларни жалб қилади ҳамда талаба-ёшлар ўртасида масканлар фаолиятини тарғиб қилиш чораларини кўради;

в) Адлия вазирлиги:

масканларда ҳуқуқшунос маслаҳати ва ҳуқуқий билимлар берилишини ташкил этиш бўйича чоралар кўради;

ФҲДЁ органларига никоҳга ариза берган никоҳланувчи шахсларнинг ушбу масканларда ташкил этилаётган оилавий ҳаётга тайёрлаш курсларидаги иштирокини таъминлайди;

фаолияти оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оилавий муаммоларни бартараф этиш ва низоли оилалар билан ишлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, психологик ёрдамлар кўрсатишга қаратилган энг намунали нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамкорлик учун масканлар фаолияти билан таништириш чораларини кўради;

масканлар фаолиятини ҳуқуқий қўлланмалар ва тарқатма материаллар билан таъминлашга кўмаклашади;

г) Ички ишлар вазирлиги:

низоли оилалар билан ишлаш учун психологларни жалб қилади;

масканларда оилавий-маиший низолар билан боғлиқ муаммоли оилалар билан мақсадли ишларни ташкил этишга амалий ёрдам берилишини таъминлайди;

ҳимоя ордери олган ва профилактик ҳисобдаги хотин-қизлар билан реабилитация ишлари, тазйиқ ва зўравонлик содир этган ва содир этишга мойил бўлган шахслар билан коррекцион дастурни ўтказиш учун белгиланган тартибда мутахассисларни жалб қилади;

д) Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзи ва шу каби мавзулар бўйича методологик ва тарқатма материаллар, видеороликларни етказади, режа-график асосида репродуктив саломатлик асослари, эрта никоҳ ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи бўйича тушунтириш ишларини тизимли ташкил этади;

масканларда тиббий маслаҳат ва тиббий билимлар берилишини ташкил этиш бўйича чоралар кўради, ўқувларда тор соҳа мутахассислари иштирокини таъминлайди;

масканларда “Саломатлик хоналари” ҳамда “Она ва бола хоналари”ни ташкил этишга кўмаклашади;

е) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хотин-қизларни даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўқитиш бўйича масканлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди;

ж) Ёшлар ишлари агентлиги:

масканлар фаолиятини олий таълим ташкилотлари талабалари, никоҳ ёшига етган ёшлар орасида тарғиб қилади, ёшларни волонтёрлик, менторлик ва ижтимоий лойиҳалар орқали жалб қилиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этади;

QMMB: 09/26/257/0515-son
20.05.2026-y.

оила мавзусига бағишланган таъсирчан видеофильм, видеороликлар, инфографик лавҳалар медиатекасини ташкил этади, таъсирчан видеороликларни оммавий ахборот воситалари ва сайтларда намойиш этади, тарқатма материаллар билан таъминлайди;

з) “Нуроний” жамғармасига:

оила институтини мустаҳкамлаш, авлодлар ўртасида узвийликни таъминлаш, миллий қадриятлар ва урф-одатларни асрашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини масканлар билан ҳамкорликда амалга ошириш;

ёш оилаларга маънавий-маърифий маслаҳатлар бериш, оилавий низоларни бартараф этишга кўмаклашиш;

“Авлодлар мулоқоти”, “Оила мактаби” каби тадбирларни, маънавий-маърифий суҳбатлар ўтказишни ташкил этишда кўмаклашиш тавсия этилади.

9. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси **икки ой муддатда**:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Оила ва хотин-қизлар масканлари фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Б. Махкамова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/257/0515-son
20.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “19” майдаги 257-сон қарорига
1-илова

Оила ва хотин-қизлар масканларида амалга ошириладиган ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъуллар
1.	Никоҳланувчи шахслар учун оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича оилавий ҳаётга тайёрлаш ўқув курсларини ташкил этиш.	1. Масъул ташкилотларнинг таклифлари асосида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокими ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи (кейинги ўринларда – бошқарма бошлиғи) томонидан тасдиқлаш. 2. Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий турмуш психологияси, репродуктив саломатлик асослари, оила иқтисоди ва бюджети, ота-оналик ижобий кўникмалари, маънавий-ахлоқий қадриятлар бўйича ўқувларни ташкил қилиш. 3. Ўқувларда малакали мутахассисларнинг иштирокини таъминлаш.	Ҳар йили январь ойида Ҳар ҳафтада, режа-график асосида Режа-график асосида	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Ёшлар ишлари агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти, “Нуроний” жамғармаси *(келишувга асосан)*

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъуллар
		4. Ўқувларга никоҳланувчи шахсларни, ёш оилаларни ҳамда оиланинг бошқа аъзоларини жалб қилиш.	Режа-график асосида	
		5. Ўқувларда иштирок этган никоҳланувчи шахсларга сертификат бериш ва бу ҳақида маълумотни ФҲДЁ органларининг тегишли платформасига киритиш.	Ўқувлар якунлари бўйича	
2.	Оила аъзоларини оилавий муносабатларга тайёрлаш бўйича консультатив хизматларни ҳамда оилалар ва хотин-қизларга психологик, ҳуқуқий хизматларни кўрсатиш, миллий ва оилавий қадриятларни ёшлар онгига сингдириш.	1. Масъул ташкилотларнинг таклифлари асосида ўқув-тарғибот дастурини ишлаб чиқиш ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқлаш.	Ҳар йили январь ойида	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти
		2. Ўқувларни режа-график асосида ташкил этиш.	Ҳар ҳафтада, режа-график асосида	
		3. Ўқувларда малакали мутахассислар ва жамоатчилик вакилларининг иштирокини таъминлаш.		
		4. Оилалар ва хотин-қизларга индивидуал психологик ва ҳуқуқий хизматларни кўрсатиш.	Доимий	
		5. Миллий ва оилавий қадриятларни ёшлар онгига сингдириш бўйича медиаконтентлар тайёрлаш, ахборот-маърифий дастурларини амалга ошириш.	Доимий	

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъуллар
3.	Ота-оналикни ривожлантиришга қаратилган таълим дастурларини ташкил этиш, “Масъулиятли ота-оналик” лойиҳасини амалга ошириш.	1. Ота-оналикни ривожлантиришга қаратилган таълим дастурларини Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти томонидан масканларга етказиш ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқлаш. 2. Мазкур таълим дастурлари ҳамда “Масъулиятли ота-оналик” лойиҳасини ижрочиларга етказиш бўйича онлайн ва оффлайн семинарлар ташкил этиш. 3. Ўқувларни режа-график асосида ташкил этиш. 4. Ўқувларга маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари томонидан ота-оналарни жалб қилиш. 5. Малакали мутахассисларнинг иштирокини таъминлаш. 6. Ахборот ва медиа орқали ота-оналик ижобий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган тарғибот ишларини ташкил этиш.	Ҳар йили январь ойида 2026 йил июнь Ҳар ҳафта, режа-график асосида Доимий Доимий	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, “Нуроний” жамғармаси *(келишувга асосан)*
4.	Хотин-қизларни талаб юқори бўлган даромадли касб-ҳунарга белгиланган тартибда ўқитиш, менторлик орқали ўқув-семинарлар ташкил этиш, лидер тадбиркорларни жалб қилган ҳолда замонавий	1. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Камбағаллик ва меҳнат бозори тадқиқотлари институти томонидан ўқувлар намунавий режа-жадвалини ҳамда дастурини ишлаб чиқиш ва	Ҳар йили январь ойида	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Оила ва

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъуллар
	тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича маслаҳатлар бериш. “Хавфсиз миграция”ни таъминлаш бўйича аёлларга кўмаклашишда ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Оила ва хотин-қизлар қўмитасига тақдим қилиш. 2. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан дастур ва намунавий режа-жадвалларни ҳудудий бошқармаларига етказиш. 3. Замонавий усуллар асосида менторлик орқали ўқув-семинарлар ташкил этиш учун малакали мутахассислар бириктириш. 4. Ўқувларни режа-график асосида ташкил этиш. 5. Лидер тадбиркорларни аниқлаш ва уларни тажриба алмашиш учун ўқувларга жалб қилиш. 6. Иштирокчиларга меҳнат бозоридаги янгиликлар, трендлар ва имкониятлар ҳақида маълумот бериб бориш. 7. “Хавфсиз миграция”ни таъминлашда тил бўйича ўқув курсларини ташкил этишда кўмаклашиш.	Ҳар ҳафтада, режа-график асосида Доимий Доимий Режа-график асосида Режа-график асосида	хотин-қизлар қўмитаси, Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти, Савдо-саноат палатаси, Миграция агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
5.	Репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий консультациялар бериш.	1. Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича	2026 йил май-июнь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Спорт вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси,

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъуллар
		тадбирлар режаси ва дастурини ишлаб чиқиш ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитасига тақдим қилиш.		Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
		2. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан дастур ва намунавий режа-жадвалларни ҳудудий бошқармаларга етказиш.	Режа-график асосида	
		3. Репродуктив саломатлик ва соғлом турмуш тарзига оид методологик ва тарқатма материаллар ҳамда видеороликлар тайёрлаш.	Режа-график асосида	
		4. “Саломатлик”, “Она ва бола” хоналарини ташкил этиш.	2026 йил август	
		5. Репродуктив саломатлик асослари, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи бўйича тушунтириш ишлари ва тиббий консультацияларни олиб бориш.	Ҳар ҳафтада, режа-график асосида	
		6. Соғлом овқатланиш ва шахсий гигиена қоидалари, болаларни тўғри парвариш қилиш бўйича маслаҳатлар бериш.	Доимий	
		7. Спорт билан шуғулланиш имконияти мавжуд масканларда спорт-соғломлаштириш хизматларини амалга ошириш.	Доимий	

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъуллар
		8. Ўқувларни режа-график асосида ташкил этиш. 9. Малакали мутахассисларнинг иштирокини таъминлаш.		
6.	Низоли оилалар билан индивидуал ишлаш, медиатив хизматларни ташкил этиш.	1. Масъул ташкилотларнинг таклифлари асосида дастур ва режани ишлаб чиқиш ҳамда бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқлаш. 2. Низоли оилалар билан психологлар, ҳуқуқшунослар, нуронийлар, ибратли оилалар ва бошқа жамоатчилик вакилларини жалб қилган ҳолда алоҳида суҳбатлар ўтказиш. 3. Оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий низоларнинг олдини олиш бўйича видеороликлар, буклетлар ва бошқа тарқатма материаллар тайёрлаш ҳамда иштирокчиларга намойиш этиш ва тарқатиш. 4. Тарғибот ишларининг натижасини мониторинг қилиб бориш.	Ҳар йили январь ойида Ҳар ҳафтада, режа-график асосида Ҳар чоракда Режа-график асосида	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, “Нуроний” жамғармаси *(келишувга асосан)*
7.	Ижтимоий-маънавий кўмакка муҳтож хотин-қизлар билан алоҳида ишлаш, ёт ғоялар таъсирини олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказиш.	1. Масъул ташкилотларнинг таклифлари асосида ўтказиладиган суҳбатлар режаси ва тезисларни ишлаб чиқиш ҳамда бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқлаш.	2026 йил май-июнь	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” жамғармаси *(келишувга асосан)*,

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъуллар
		2. Ижтимоий-маънавий кўмакка муҳтож хотин-қизлар билан психологлар, нуронийлар, дин вакиллари, ибратли оилалар ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирокида алоҳида суҳбатлар ўтказиш. 3. Видеороликлар, буклетлар ва бошқа тарқатма материаллар тайёрлаш ва иштирокчиларга тақдим этиш. 4. Тарғибот ишларининг натижасини мониторинг қилиб бориш.	Ҳар ҳафтада, режа-график асосида Ҳар чоракда Режа-график асосида	Дин ишлари бўйича қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
8.	Ҳимоя ордери олган, “E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими ҳисобида турган хотин-қизларни ижтимоийлашувига кўмаклашиш, оила-турмуш доирасида тазйиқ ва зўравонлик содир этган, бунга мойил бўлган шахслар билан тузатиш дастурларини олиб боришда ҳамкорлик қилиш.	1. Масъул ташкилотларнинг таклифлари асосида режа ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқлаш. 2. Психологлар, ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари, нуронийлар, ибратли оилалар ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирокида тазйиқ ва зўравонлик содир этган, бунга мойил бўлган шахслар билан алоҳида суҳбатлар ўтказиш. 3. Тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ҳимоя ордери олган,	2026 йил май-июнь Ҳар ҳафтада, режа-график асосида Ҳар чоракда	Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси *(келишувга асосан)*, Дин ишлари бўйича қўмита, Қорақалпоғистон

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъуллар
		“E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими ҳисобида турган хотин-қизларнинг ижтимоийлашувига кўмаклашиш. 4. Хотин-қизларга, болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳамда оилавий-маиший зўравонликнинг салбий оқибатлари ва қонуний жазо чоралари тўғрисида видеороликлар, буклетлар ва бошқа тарқатма материаллар тайёрлаш ҳамда иштирокчиларга намойиш этиш ва тарқатиш. 5. Тарғибот ишларининг натижасини мониторинг қилиб бориш.	Режа-график асосида Доимий	Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

QMMB: 09/26/257/0515-son
20.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “19” майдаги 257-сон қарорига
2-илова

Оила ва хотин-қизлар масканлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) ҳисоблаш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Оила ва хотин-қизлар масканлари (кейинги ўринларда – масканлар) фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) ҳисоблаш тартибини белгилайди.

2. KPI тизими масканлар фаолиятини натижага йўналтирилган бошқарув асосида ташкил этиш, хизматлар қамрови ва сифати, таълим дастурлари ва оилавий маслаҳат хизматлари самарадорлиги ҳамда ижтимоий таъсирини баҳолаш мақсадида жорий этилади.

3. Мазкур Низом талаблари барча туман (шаҳар) масканлари учун мажбурий ҳисобланади.

4. KPI кўрсаткичлари қуйидаги тамойиллар асосида ҳисобланади:

холислик ва шаффофлик;

ўлчанувчанлик ва аниқлик;

таққослаш имконияти;

маълумотларнинг ҳаққонийлиги;

натижага йўналтирилганлик.

5. KPI ҳисоб-китоблари ҳар ой якунида амалга оширилади, ҳар чорак ва йил якунида таҳлил қилинади.

2-боб. Маълумотларни қабул қилиш манбалари

6. KPI ҳисоблашда қуйидаги расмий маълумотлар манба сифатида қабул қилинади:

ФҲДЁ органлари маълумотлари;

суд органлари маълумотлари;

ички ишлар органлари ва “E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими маълумотлари;

соғлиқни сақлаш органлари маълумотлари;

бандлик органлари маълумотлари;

масканнинг электрон ҳисобот базаси.

7. Маълумотларнинг тўғрилиги ва ўз вақтида киритилиши учун туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

KPI тизими 4 та асосий йўналиш бўйича 18 та кўрсаткични ўз ичига олади.

3-боб. Қамров кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш

8. Никоҳланувчи ёшларнинг маскан курсларида иштирок этиши:

$$\text{Қамров фоизи} = \frac{\text{Иштирок этган никоҳланувчилар}}{\text{Жами никоҳланувчилар}} \times 100.$$

9. Никоҳ қурганига беш йилгача бўлган ёш оилаларнинг ўқув дастурлари билан қамраб олиниши:

$$\text{Қамров фоизи} = \frac{\text{Жалб этилган ёш оилалар}}{\text{Жами ёш оилалар}} \times 100.$$

10. Низоли оилалар билан индивидуал ишлаш улуши:

$$\text{Самарадорлик фоизи} = \frac{\text{Индивидуал ишланган оилалар}}{\text{Жами низоли оилалар}} \times 100.$$

11. Ҳимоя ордери олган хотин-қизларнинг реабилитация дастурларига жалб этилганлиги:

$$\text{Реабилитация фоизи} = \frac{\text{Дастурга жалб этилганлар}}{\text{Жами ҳимоя ордери олганлар}} \times 100.$$

12. Миграциядан қайтган аёлларнинг психологик ва ижтимоий мослашув дастурлари билан қамраб олиниши:

$$\text{Қамров фоизи} = \frac{\text{Дастурда иштирок этганлар}}{\text{Жами қайтганлар}} \times 100.$$

4-боб. Сифат кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш

13. Фойдаланувчиларнинг хизматлардан қониқиш индекси:

$$\text{Қониқиш индекси} = \frac{\text{Иштирокчилар томонидан берилган баҳолар йиғиндиси}}{\text{Иштирокчилар умумий сони}} \times 100.$$

14. Жалб этилган мутахассисларнинг малака даражаси:

$$\text{Малака фоизи} = \frac{\text{Сертификатли мутахассислар}}{\text{Жами мутахассислар}} \times 100.$$

15. Методик ва тарқатма материаллар билан таъминланганлик даражаси:

$$\text{Таъминланганлик фоизи} = \frac{\text{Методик машғулотлар}}{\text{Жами машғулотлар}} \times 100.$$

16. Индивидуал иш натижасида ижобий ўзгариш қайд этилган ҳолатлар улуши:

$$\text{Самарадорлик фоизи} = \frac{\text{Ижобий натижа ҳолатлари}}{\text{Жами ишлар}} \times 100.$$

5-боб. Натижа (самарадорлик) кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш

17. Ҳудудда ажримлар сонининг йиллик камайиши:

$$\text{Камайиш фоизи} = \frac{\text{Ўтган йил} - \text{жорий йил}}{\text{Ўтган йил}} \times 100.$$

18. Такрорий мурожаатлар сонининг қисқариши:

$$\text{Камайиш фоизи} = \frac{\text{Ўтган давр} - \text{жорий давр}}{\text{Ўтган давр}} \times 100.$$

19. Эрта никоҳ ҳолатлари динамикаси:

$$\text{Камайиш фоизи} = \frac{\text{Ўтган йил} - \text{жорий йил}}{\text{Ўтган йил}} \times 100.$$

20. Оилавий зўравонлик ҳолатлари динамикаси:

$$\text{Камайиш фоизи} = \frac{\text{Ўтган йил} - \text{жорий йил}}{\text{Ўтган йил}} \times 100.$$

21. Маскан орқали касб-ҳунарга ўқитилиб, ишга жойлашган хотин-қизлар улуши:

$$\text{Самарадорлик фоизи} = \frac{\text{Ишга жойлашганлар}}{\text{Ўқитилганлар}} \times 100.$$

6-боб. Баҳолаш ва рейтинг тартиби

22. Ҳар бир KPI кўрсаткичи қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

90–100 фоиз – 5 балл;
75–89 фоиз – 4 балл;
60–74 фоиз – 3 балл;
40–59 фоиз – 2 балл;
40 фоиздан паст – 1 балл.

QMMB: 09/26/257/0515-son
20.05.2026-y.

23. Барча кўрсаткичлар бўйича ўртача балл аниқланади ва масканнинг йиллик рейтинги шакллантирилади.

24. KPI натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри оила ва хотин-қизлар бошқармалари томонидан умумлаштирилади ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан республика даражасида ягона электрон рейтинг шакллантирилади.

25. Рейтинг натижалари асосида:

намунали деб топилган масканлар рағбатлантирилади;

самарадорлиги паст масканлар бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Бунда масканларни намунали деб топиш ва рағбатлантириш Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

26. Нотўғри маълумот тақдим этиш, сунъий кўрсаткич шакллантириш ҳолатлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

27. Мазкур Низом масканлар фаолиятини натижага йўналтирилган, самарали ва ижтимоий таъсирчан бошқарув механизми асосида ташкил этишга хизмат қилади.

QMMB: 09/26/257/0515-son
20.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “19” майдаги 257-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги 820-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 974-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2022 йил 9 августдаги 438-сон қарорига 1-илованинг 68-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси фаолияти ҳамда “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 10 декабрдаги 833-сон қарорига илованинг 23-банди.



QMMB: 09/26/258/0511-son
20.05.2026-y.

20 (1248)-son
502-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2026 yil «19» may № 258 Toshkent sh.

Вазирлар Маҳкамасининг “Сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2022 йил 1 ноябрдаги 631-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Газланган ва газланмаган сувлар ҳамда ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалаш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш учун зарур техник имкониятлар тўлиқ яратилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 ноябрдаги 631-сон қарори билан тасдиқланган Сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш графиги 4.4 ва 5.2-позицияларидаги “2026 йил” сўзлари “2027 йил” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Солиқ қўмитаси:

Рақамли маркировкалаш ва кузатиш миллий ахборот тизими оператори билан биргаликда сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқарувчи, улгуржи ва чакана реализация қилувчи тадбиркорлик субъектлари ўртасида, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш механизмларининг амалда қўлланиши юзасидан кенг қамровли тушунтириш ишларини амалга оширсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI UMUMIY BO‘LIM 1

QMMB: 09/26/260/0516-son
20.05.2026-y.

20 (1248)-son
503-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 20 » may № 260 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–390-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, инновацион технологияларни ривожлантириш ҳамда стратегик аҳамиятга эга илмий йўналишларни барқарор молиялаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–390-сон қарорига мувофиқ:

а) илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ёш олимларни жалб қилиш ва стратегик аҳамиятга эга илмий йўналишларни барқарор молиялаштириш мақсадида Фанлар академияси жамғармаси ташкил этилиши белгиланган;

б) Фанлар академиясининг жамғармаси:

Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган 80 млрд сўм миқдоридаги маблағлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, хорижий ҳомийларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмак маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилиши назарда тутилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби;

Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш тартиби;

QMMB: 09/26/260/0516-son
20.05.2026-y.

Жамғарма маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш;

Фанлар академиясининг бошқарув аппарати ва Қорақалпоғистон бўлими ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 8 июндаги 366-сон қарорига **2-иловага** мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Фанлар академияси президенти Ш.А. Аюпов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/260/0516-son
20.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “20” майдаги 260-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, инновацион технологияларни ривожлантириш, ёш олимларни жалб қилиш ва стратегик аҳамиятга эга илмий йўналишларни барқарор молиялаштириш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, Жамғарма фаолиятини бошқариш, унинг маблағларини тақсимлаш, ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган Фанлар академиясининг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади ҳамда ушбу Низомда белгиланган мақсадлар учун сарфланади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби

3. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджетидан ҳар йили Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган трансфертларни қисқартириш ҳисобидан ажратиладиган 80 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, хорижий ҳомийларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмак маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

хориждаги иқтидорли ватандош олимларнинг Ўзбекистонга қайтиб келишини қўллаб-қувватлашга қаратилган реинтеграция грантларини ташкил этиш;

QMMB: 09/26/260/0516-son
20.05.2026-y.

таянч докторантлар учун номли стипендиялар ҳамда ёш тадқиқотчилар учун грантлар ва мукофотлар таъсис қилиш;

илмий тадқиқот жараёнларини рақамлаштиришни қўллаб-қувватлаш, маълумотларни сақлаш ва таҳлил қилиш учун инновацион ахборот технологияларини жорий этиш, рақамли архивлар ва маълумотлар базаларини ривожлантириш;

илмий асбоб-ускуналар, реагент, реактив, хомашё, сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмларни харид қилиш;

долзарб илмий тадқиқот натижаларига оид монография ва китоблар чоп этиш;

олимларнинг малакасини ошириш учун курслар, семинарлар ва тренинглар ташкил этиш;

академик алмашинув дастурларини ташкил этиш, халқаро илмий марказлар билан қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш ва чет эл мутахассисларини жалб қилиш;

Фанлар академияси ходимларини моддий рағбатлантириш ва хорижга хизмат сафарларига юбориш харажатларини қоплаш;

очиқ маърузалар ҳамда илмий анжуманлар ўтказиш, илмий-оммабоп адабиётлар нашр этиш, илмни тарғиб қилишда рақамли платформаларни ривожлантириш, илм-фанни оммалаштириш;

“Scopus”, “Web of science” ва бошқа маълумотлар базаларига обуна бўлиш харажатларини қоплаш ҳамда халқаро ташкилотларда вакиллик харажатларини молиялаштириш.

5. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси жамғармасининг кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) томонидан тасдиқланган Жамғарманинг даромад ва харажатлари йиллик параметрларига мувофиқ сарфланади.

6. Жамғарма маблағлари йўналтириладиган харажатларни молиялаштириш тартиби Кенгаш қарори билан тасдиқланади.

7. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

3-боб. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш тартиби

8. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш учун Кенгаш ташкил этилади.

9. Кенгаш аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

QMMB: 09/26/260/0516-son
20.05.2026-y.

10. Жамғарманинг маблағларини сарфлаш масалаларини ҳал этишда барча аъзоларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланади.

11. Кенгаш раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзолардан иборат бўлади.

12. Кенгаш Академия илмий ташкилотларининг 9 нафар директори ҳамда тегишли нодавлат нотижорат ташкилотларининг масъул ходимларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Кенгашнинг таркиби бир йилда бир марта Фанлар академияси президенти томонидан тасдиқланади.

13. Фанлар академияси президенти лавозимига кўра Кенгаш раиси ҳисобланади.

14. Кенгаш раиси:

Кенгаш мажлиси кун тартибини белгилайди ва тасдиқлайди;

Кенгаш қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Кенгаш аъзоларига юкланган вазифалар бажарилиши юзасидан уларнинг ишини мувофиқлаштиради.

15. Кенгаш аъзолари:

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этади;

долзарб масалалар бўйича Кенгашга таклифлар киритади;

Кенгаш томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича овоз беради.

16. Кенгаш аъзолари мажлисда шахсан қатнашадилар.

Бунда қатнашишнинг имкони бўлмаган тақдирда, Кенгаш аъзоси мажлиснинг кун тартиби бўйича ўз фикрини ёзма равишда тақдим этишга ҳақлидир.

17. Кенгаш котиби:

Кенгаш мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

мажлисни ўтказиш муддатлари ва жойини Кенгаш раиси билан келишади;

кун тартиби масалалари бўйича Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Кенгаш аъзолари ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг санаси, вақти, жойи ва кун тартиби лойиҳасидан хабардор қилади;

Кенгаш баённомаларини расмийлаштиради, тасдиқланган баённомаларни кенгаш аъзоларига ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларга юборади;

Кенгаш қарорлари бажарилиши мониторингини юритади.

18. Кенгаш котиби Кенгаш аъзоси ҳисобланади.

QMMB: 09/26/260/0516-son
20.05.2026-y.

19. Кенгаш ўз мажлисларини заруратга кўра, бироқ ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказади.

20. Кенгаш мажлисини Кенгаш раиси, у бўлмаган тақдирда эса, Кенгаш раиси ўринбосари бошқаради.

21. Кенгаш мажлиси унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда, ўтказилган ҳисобланади.

22. Мажлисни ўтказиш учун кворум ёки раис ва унинг ўринбосари бўлмаганда, Кенгаш мажлисини ўтказишнинг янги санаси эълон қилинади.

23. Кенгаш мажлисида кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятига кўра давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислари ҳамда илмий ташкилотларнинг ходимлари ҳам таклиф этилиши мумкин.

Кенгаш қарори Кенгашнинг мажлисда қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлган тақдирда, Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Жамғарманинг даромадлари ва харажатларининг йиллик молиявий режасини, шунингдек, Кенгаш маблағларидан фойдаланилишини тасдиқлаш масалалари бўйича қарорлар Кенгашнинг мажлисда қатнашган аъзоларининг учдан икки қисми овози билан қабул қилинади.

Кенгаш қарорлари Кенгаш мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Кенгаш мажлисининг баённомаси Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ҳамда Фанлар академияси президенти буйруғи асосида амалга оширилади.

Бунда Кенгаш мажлисининг баённомаси Фанлар академиясининг расмий веб-сайтида жойлаштирилгандан кейин унда назарда тутилган мақсадларга маблағлар ажратилишига рухсат берилади.

24. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳисобот йили якуни бўйича Жамғарма маблағларининг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш.

Академиянинг Жамғарма фаолиятини ташкил этиш бўлими Жамғарманинг ишчи органи ҳисобланади.

25. Ишчи орган қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Жамғарманинг даромадлари ва харажатларининг йиллик молиявий режасини ишлаб чиқади;

даромадлар ва харажатлар сметаларини тайёрлайди, шунингдек, уларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритади;

QMMB: 09/26/260/0516-son
20.05.2026-y.

Жамғарма тушумларини кўпайтириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

илмий ташкилотлар ҳамда Жамғармадан сақлаш харажатлари молиялаштириладиган ташкилотларнинг Жамғармадан маблағ ажратишга оид мурожаатларини умумлаштиради ва Кенгашда кўриб чиқиш учун материаллар тайёрлайди;

Жамғарманинг тушумлар манбалари бўйича даромадлари ҳамда асосий харажатлар йўналишларига асосан ҳисобини юритади;

ҳар йил якуни бўйича Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ҳамда Кенгашга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этади.

26. Ишчи орган Жамғарма фаолиятини ташкил этиш учун вазирлик ва идоралар ҳамда олий таълим ва илмий ташкилотлар вакилларидан иборат эксперт гуруҳ(лар)ини тузиши мумкин.

Эксперт гуруҳ(лар)и фаолиятини ташкил этиш тартиби Кенгаш қарори билан тасдиқланади.

Бунда эксперт гуруҳ(лар)ининг ҳар бир аъзосига йил якуни бўйича Жамғарма маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари доирасида бир марталик мукофот пули (барча солиқлар ушлаб қолинган ҳолда) берилади.

4-боб. Жамғарма маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартиби

27. Жамғарма маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда жорий хизмат кўрсатиш ишлари Академиянинг Жамғарма фаолиятини ташкил этиш бўлими томонидан амалга оширилади.

28. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар Фанлар академиясининг бюджетдан ташқари бошқа маблағларидан алоҳида юритилади.

29. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот Кенгаш томонидан кўриб чиқилади ҳамда ҳар йили 15 мартга қадар Фанлар академияси Президиуми мажлисида тасдиқланади.

30. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича тузилган шартномалар рўйхатлари Фанлар академиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

31. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш юзасидан давлат молиявий назорати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади.

QMMB: 09/26/260/0516-son
20.05.2026-y.

5-боб. Фанлар академиясининг бошқарув аппарати ва Қорақалпоғистон бўлими ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–390-сон қарорига 6-иловага асосан Жамғарма маблағлари ҳисобидан Фанлар академияси бошқарув аппарати ва Қорақалпоғистон бўлими ходимларининг лавозим маошига ойлик устамалар қуйидаги мақсадлар учун ва шаклларда тўланади:

а) лавозим маошига 200 фоизгача миқдорда ойлик рағбатлантириш устама;

б) лавозим маошига нисбатан кўп йиллик ишлаганлик учун қуйидаги ҳажмда ойлик устама тўловлари (хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлардан ташқари):

1 йилдан 3 йилгача – 0,3;

3 йилдан 5 йилгача – 0,6;

5 йилдан 10 йилгача – 0,8;

10 йилдан 15 йилгача – 1,0;

15 йилдан 20 йилгача – 1,2;

20 йилдан юқори – 1,5.

Бунда лавозим маошига нисбатан кўп йиллик ишлаганлик учун ойлик устама тўловлари коэффициентини ҳисоблашда мазкур ходимларнинг Фанлар академияси илмий ташкилотларидаги расмий меҳнат фаолияти даври ҳисобга олинади.

33. Фанлар академияси ходимларига ҳисобот даври учун (чораклик) мукофот пуллари лавозим маошига (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) нисбатан 200 фоиз миқдорда тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 208-моддаси биринчи қисмида белгиланган байрам кунлари муносабати билан Фанлар академияси ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн баравари миқдорида мукофот пуллари тўланади.

34. Бошқа ижтимоий, компенсация ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловларга бир марталик молиявий ёрдам шаклида Фанлар академияси Касаба уюшмасининг таклифига биноан маблағларнинг мавжудлигига қараб қуйидагилар киради:

а) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн баравари миқдоригача:

ходим никоҳдан ўтиши муносабати билан;

ходимлар ва уларнинг яқин қариндошлари (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари) касал бўлган тақдирда;

QMMB: 09/26/260/0516-son
20.05.2026-y.

ходим юбилей ёшига тўлганда (50, 60 ва 70 ёш) ва нафақага чиққанда;

б) базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравигача – куз мавсумида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишга.

35. Фанлар академияси бошқарув аппарати ва Қорақалпоғистон бўлими раҳбар ва ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устамалар ва чораклик рағбатлантиришлар миқдори қуйидагича белгиланади:

Фанлар академияси президентига – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан бир йиллик учун;

Фанлар академияси бошқарув аппарати ва Қорақалпоғистон бўлими раисига – Фанлар академияси президентининг буйруғига мувофиқ белгиланади.

Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими ходимларига Қорақалпоғистон бўлими раисининг буйруғига мувофиқ белгиланади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

36. Мазкур Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

37. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/260/0516-son
20.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “20” майдаги 260-сон қарорига
2-илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 8 июндаги 366-сон қарорига киритилаётган қўшимчалар

30-илованинг “Лавозим номи” устунида:

4-позиция “бош маркетолог, хорижий алоқалар бўйича бош мутахассис” сўзлари билан тўлдирилсин;

5-позиция “етакчи маркетолог, хорижий алоқалар бўйича етакчи мутахассис” сўзлари билан тўлдирилсин;

6-позиция “маркетолог, хорижий алоқалар бўйича мутахассис” сўзлари билан тўлдирилсин.



QMMB: 09/26/265/0526-son
22.05.2026-y.

20 (1248)-son
504-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 20 » may № 265 Toshkent sh.

Чирчиқ шаҳрида қаровсиз ҳайвонларни тутиш ва сақлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Қаровсиз ҳайвонларни тутиш, парваришлар ва сақлаш соҳасида замонавий ёндашувларни жорий қилиш, ушбу жараёнда жамоатчиликнинг фаол ёрдамидан фойдаланиш, ушбу ҳайвонларга нисбатан инсонпарвар муносабатда бўлиш принципларини кенг тарғиб этиш, ҳудудларда барча шароитларга эга янги типдаги питомникларни ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Чирчиқ шаҳридаги “Маърифат” МФЙ ҳудудида **қаровсиз қолган ҳайвонларни сақлаш питомниги** ташкил этилгани;

2024 йилдан бошлаб қаровсиз қолган ҳайвонларни сақлаш питомниги ташқи бошқарувга берилгани;

қаровсиз қолган ҳайвонларни сақлаш питомнигида асосан кўнгилли ишчилар (волонтёрлар) меҳнат қилаётгани ва доимий равишда **600 тадан 1 000 тагача ҳайвонлар** сақланаётгани;

бугунги кунда ташқи бошқарувчининг молиявий ҳолати барқарор эмаслиги, ҳомийлик маблағлари эса даврийлиги сабабли питомникни сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашда қийинчиликлар юзага келаётгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг:

Чирчиқ шаҳридаги “Маърифат” МФЙ ҳудудида жойлашган қаровсиз қолган ҳайвонларни сақлаш питомниги негизида замонавий ёндашувлар асосида **4 минг бош қаровсиз қолган ҳайвонларни сақлаш учун мўлжалланган янги питомникни** (кейинги ўринларда – питомник) қуриш ва жиҳозлаш;

питомникни лойиҳалаштириш, қуриш ва жиҳозлаш ишлари бўйича **буюртмачи функциясини** Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасига юклаш;

питомник ҳудудида ветеринария пунктлари, карантин зоналари ва изоляция хоналарини ташкил этиш;

QMMB: 09/26/265/0526-son
22.05.2026-y.

Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасининг **Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлими** (кейинги ўринларда – ҳайвонларни тутиш бўлими) штат бирликларини **амалдаги 2 нафардан 15 нафаргача ошириш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Ҳайвонларни тутиш бўлимига қуйидаги **қўшимча вазифалар юклансин**:

питомник фаолиятини ягона бошқарув тизими асосида ташкил этиш, қаровсиз ҳайвонларни тутиш, ташиш, вақтинча сақлаш ҳамда уларга ветеринария хизматларини кўрсатиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг уй ҳайвонларини парваришлаш, стерилизация, вакцинация қилиш ҳамда уларни чиплаш бўйича пулли хизматларни кўрсатиш;

питомник фаолиятини рақамлаштириш, ҳайвонларни ҳисобга олишнинг **ягона электрон реестрини юритиш**, ҳар бир ҳайвонга **идентификация воситаларини** жорий этиш;

қаровсиз ҳайвонлар сонини қисқартириш (крематорий, стерилизация, кострация ва бошқалар) бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари, волонтёрлар ва хайрия жамғармалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, хайрия маблағлари ва грантларни жалб этиш;

питомникнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, даромад ва харажатларнинг шаффоф ҳисобини юритиш, питомникни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш.

4. Белгилансинки, қуйидаги харажатлар:

2026 йилда питомникни қуриш, жиҳозлаш, унинг атрофини ободонлаштириш, фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, ҳайвонларни тутиш бўлимига ажратилган қўшимча 13 штат бирликларини сақлаш – **Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси** ҳисобидан;

ҳайвонларни тутиш бўлими учун 2 та махсус автотранспорт воситалари, кийим-кечак ва зарур тутиш анжомларини харид қилиш – **Чирчиқ шаҳри маҳаллий бюджети** ҳисобидан амалга оширилади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **бир ой муддатда** питомникни қуриш, жиҳозлаш, унинг атрофини ободонлаштириш, фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, ҳайвонларни тутиш бўлимига ажратилган қўшимча штат бирликларини сақлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасига **8 миллиард сўм** ажратсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **2027 йилдан бошлаб** питомникнинг фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, ҳайвонларни тутиш бўлимига ажратилган қўшимча штат бирликларини сақлаш учун зарур маблағлар Чирчиқ шаҳри маҳаллий бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

QMMB: 09/26/265/0526-son
22.05.2026-y.

6. Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасига ажратилган маблағлар ҳисобидан қурилиш соҳасида техник назорат қилувчи малакали мутахассисларни (консультантларни) тўғридан-тўғри шартномалар асосида вақтинчалик жалб қилишга рухсат берилсин.

7. Тошкент вилояти ҳокимлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси билан биргаликда:

2026 йил 1 ноябрга қадар питомникни қуриш, жиҳозлаш ва унинг атрофини ободонлаштириш чораларини кўрсин. Бунда питомник инфратузилмасини модернизация қилиш ва қўшимча даромад манбаларини яратиш мақсадида унинг ҳудудида зоотоварлар дўкони, ветеринария дорихонаси ва ўқув майдончаларини ташкил этсин;

питомник фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритсин ҳамда ҳайвонларни асраб олиш маданиятини тарғиб қилсин;

2028 йил якунига қадар питомникда пулли хизматлар турларини кўпайтириш орқали уни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Тошкент вилояти ҳокими З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/266/0523-son
21.05.2026-y.

20 (1248)-son
505-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 21 » may № 266 Toshkent sh.

Божхона ҳудудида қайта ишланган тайёр маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва улар бўйича божхона тўловларини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилиги ва ташқи савдо тартиботларини янада соддалаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 17 декабрдаги ПФ–250-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Божхона ҳудудида қайта ишланган тайёр маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва улар бўйича божхона тўловларини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия томонидан божхона ҳудудида қайта ишланган тайёр маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда божхона қиймати белгиланадиган ва улар бўйича алоҳида божхона тўловлари ҳисобланадиган товарлар рўйхатини шакллантириш;

ушбу Комиссия томонидан шакллантирилган рўйхат бўйича қайта ишланадиган маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда божхона божини ҳисоблаш тартиби.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **бир ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * UMUMIY BO‘LIM 1

QMMB: 09/26/266/0523-son
21.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “21” майдаги 266-сон қарорига
илова

Божхона ҳудудида қайта ишланган тайёр маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва улар бўйича божхона тўловларини ҳисоблаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом божхона ҳудудида қайта ишланган тайёр маҳсулотларни (кейинги ўринларда – қайта ишланган тайёр маҳсулотлар) эркин муомалага чиқаришда товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва улар бўйича божхона тўловларини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

2. Қайта ишланадиган маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда импорт божхона божи қайта ишлаш учун олиб кирилган хомашё ва материалларнинг божхона қийматидан ва (ёки) қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасига мувофиқ ишлатилган миқдоридан (сонидан) ҳисобланади.

3. Товарларни қайта ишлаш учун олиб кириладиган хомашё ва материалларни божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимидан сўнг эркин муомалага чиқаришда импорт божхона божи уларнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар, бож тарифи билан белгиланган ставкалар миқдорида қайта ишлаш маҳсулотидан ундирилади.

4. Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган божхона тўловларидан имтиёзлар қайта ишланадиган маҳсулотларига нисбатан қўлланади.

5. Ушбу Низом тажриба-синов тариқасида 2027 йил 1 мартга қадар амал қилади.

6. Божхона ҳудудида қайта ишланган тайёр маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда божхона божи мазкур Низомга иловага мувофиқ схема асосида ҳисобланади.

2-боб. Комиссия томонидан товарлар рўйхатини шакллантириш

7. Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) томонидан тайёр маҳсулотлар учун божхона божи суммасидан кўра уларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хомашё ва материаллар импорти учун ундириладиган божхона божи суммаси баландроқ ҳисобланадиган товарлар рўйхати (кейинги ўринларда – товарлар рўйхати) манфаатдор вазирлик ва идоралар таклифларига асосан шакллантирилади.

Ушбу жараёнда тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш мақсадида, улар томонидан шакллантирилган таклифлар Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги орқали Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссияга тақдим этилиши мумкин.

QMMB: 09/26/266/0523-son
21.05.2026-y.

Таклиф этилаётган товарлар бўйича республика ҳудудида ишлаб чиқариш салоҳияти мавжуд ёки ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштирилган бўлиши, қайта ишлаб чиқиш нормалари, ҳисоб-китоблари ҳамда технологик жараёнлари техник-иқтисодий асослар билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Мисол учун, 1 дона LED лампани тўғридан-тўғри импорт қилишда ва шу лампани ишлаб чиқариш учун компонентларни олиб киришда импорт божхона божи қуйидагича ҳисобланади (ставкалар ва қийматлар шартли):

1) тайёр LED лампани тўғридан-тўғри импорт қилишда:

божхона қиймати = 2 АҚШ доллари/дона;

божхона божи ставкаси = 5 фоиз;

импорт божхона божи ҳисоби: 2 × 5 фоиз = 0,10 АҚШ доллари;

2) LED лампани ишлаб чиқариш учун компонентларни импорт қилишда:

а) LED чип/модули:

божхона қиймати = 0,80 АҚШ доллари;

божхона божи ставкаси = 10 фоиз;

импорт божхона божи ҳисоби: 0,80 × 10 фоиз = 0,08 АҚШ доллари;

б) драйвер (электрон блок):

божхона қиймати = 0,50 АҚШ доллари;

божхона божи ставкаси = 10 фоиз;

импорт божхона божи ҳисоби: 0,50 × 10 фоиз = 0,05 АҚШ доллари;

в) корпус/радиатор:

божхона қиймати = 0,40 АҚШ доллари;

божхона божи ставкаси = 15 фоиз;

импорт божхона божи ҳисоби: 0,40 × 15 фоиз = 0,06 АҚШ доллари;

г) колба/диффузор:

божхона қиймати = 0,20 АҚШ доллари;

божхона божи ставкаси = 15 фоиз;

импорт божхона божи ҳисоби: 0,20 × 15 фоиз = 0,03 АҚШ доллари.

Жами импорт қилинган компонентлар божхона божи = 0,22 АҚШ доллари;

3) солиштириш (натижа):

тайёр маҳсулот импортида божхона божи: 0,10 АҚШ доллари;

компонентлар импортида жами божхона божи: 0,22 АҚШ доллари;

ўртадаги фарқ = 0,12 АҚШ доллари.

Мазкур мисолда LED лампани ишлаб чиқариш учун компонентларни импорт қилишда ундириладиган импорт божхона божи суммаси тайёр маҳсулотни тўғридан-тўғри импорт қилишда ундириладиган импорт божхона божи суммасидан юқори ҳисобланади.

QMMB: 09/26/266/0523-son
21.05.2026-y.

8. Комиссия томонидан 15 иш кунида киритилган таклифлар кўриб чиқилади, тайёр маҳсулотлар учун божхона божи суммасидан кўра уларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хомашё ва материаллар импорти учун ундириладиган божхона божи суммаси баландроқ ҳисобланадиган товарлар рўйхати ҳар ойнинг 5-санасига қадар Комиссия баёни билан тасдиқланади.

3-боб. Комиссия томонидан шакллантирилган рўйхат бўйича қайта ишланган тайёр маҳсулотни эркин муомалага чиқаришда божхона божини ҳисоблаш тартиби

9. Рўйхатдаги товарларни қайта ишлаш учун олиб кириладиган хомашё ва материалларни божхона ҳудудида қайта ишлангандан сўнг эркин муомалага чиқаришда божхона божи қайта ишлаш маҳсулотидан ҳисобланади ва ундирилади.

10. Импорт божхона божи қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$B = C \times D$

бунда:

B – ҳисобланадиган божхона божи суммаси;

C – олиб кирилган хомашё ёки материалнинг божхона қиймати (шартнома валютасида);

D – қайта ишланган тайёр маҳсулотларга нисбатан божхона божи ставкаси (%).

11. Рўйхат бўйича қайта ишланган тайёр маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда божхона тўловлари декларант ёки божхона брокери томонидан ҳисоб-китоб қилинади ва божхона декларациясининг тегишли графаларида белгиланган тартибда акс эттирилади.

12. Божхона органлари рўйхатдаги қайта ишланган маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда:

қайта ишланган тайёр маҳсулотларнинг божхона қиймати тўғри аниқлангани;

қўлланилган импорт божхона божи тўғри ҳисоблангани;

ҳисоб-китоблар мазкур Низом талабларига мувофиқ амалга оширилганини назорат қилади.

13. Рўйхат бўйича қайта ишланган тайёр маҳсулотларни эркин муомалага чиқариш декларацияси расмийлаштирилгандан сўнг эркин муомалага чиқарилган деб ҳисобланади.

4-боб. Якунловчи қоида

14. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

QMMB: 09/26/266/0523-son
21.05.2026

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

Божхона ҳудудида қайта ишланган тайёр маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва улар бўйича божхона тўловларини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Божхона ҳудудида қайта ишланган тайёр маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда божхона божини ҳисоблаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Манфаатдор вазирлик ва идоралар Тадбиркорлик субъектлари Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги орқали	Тайёр маҳсулотлар учун божхона божи суммасидан кўра уларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хомашё ва материаллар импорти учун ундириладиган божхона божи суммаси баландроқ ҳисобланадиган товарлар рўйхатига товарларни киритиш бўйича таклифларни Комиссияга юборади.	Доимий
2-босқич	Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия	Таклифлар Комиссия томонидан 15 иш кунида кўриб чиқилиб, маъқул деб топилган товарлар рўйхати Комиссия баёни билан тасдиқланади.	Ҳар ойнинг 5-санасида
3-босқич	Ваколатли шахс *(декларант ёки божхона брокери)*	Рўйхат бўйича қайта ишланган тайёр маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда божхона тўловларини ҳисоб-китоб қилиб, божхона декларациясининг тегишли графаларида белгиланган тартибда акс эттиради.	Қайта ишлаш учун берилган рухсатномада кўрсатилган муддат тугагунига қадар
4-босқич	Божхона органлари	Қуйидагиларни: қайта ишланган маҳсулотларнинг божхона қиймати тўғри аниқлангани; қўлланилган импорт божхона божи тўғри ҳисобланган; ҳисоб-китоблар мазкур Низом талабларига мувофиқ амалга оширилганини назорат қилади.	Қайта ишлаш маҳсулотини эркин муомалага чиқаришда

QMMB: 09/26/267/0525-son
22.05.2026-y.

20 (1248)-son
506-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 21 » may № 267 Toshkent sh.

Қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий бюджетлар ва бюджет ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш, бюджет интизомини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ–387-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни ўз ичига олган 2027–2029 йилларга мўлжалланган республикада мавжуд туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги қабристонларни сақлаш ва таъмирлаш дастури (кейинги ўринларда – Дастур), шу жумладан:

2027–2029 йилларда қабристонларнинг ҳимоя деворларини қуриш ҳамда кириш дарвозаларини ўрнатиш ва таъмирлаш параметрлари **1-иловага** мувофиқ;

2027–2029 йилларда қабристонларнинг бино ва иншоотлари ҳамда йўл ва йўлакларини қуриш ҳамда таъмирлаш параметрлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Дастурни **молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

қабристонларнинг ҳимоя деворларини қуриш ва кириш дарвозаларини ўрнатиш ва таъмирлаш – Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари;

қабристонларнинг бино ва иншоотлари ҳамда йўл ва йўлакларини қуриш ва таъмирлаш – ҳар бир қабристон учун очилган шахсий ҳисобварақларда шаклланган маблағлар, ҳомийлик ва хайр-эҳсон маблағлари, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари 2027 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетида **қабристонларнинг ҳимоя деворларини қуриш ҳамда кириш дарвозаларини ўрнатиш ва таъмирлаш** бўйича амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағларни бюджет параметрларида назарда тутсин.

QMMB: 09/26/267/0525-son
22.05.2026-y.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қабристонларни ободонлаштириш дастурларини амалга ошириш бўйича белгиланган тадбирлар рўйхати ҳар молия йилининг **15 мартига қадар** тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига киритилишини ҳамда тасдиқланган дастурлар асосида ишлар ташкил этилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорга мувофиқ қабристонларни сақлаш ва таъмирлаш ишлари учун режалаштирилган маблағларни бошқа йўналишларга қайта тақсимлаш қатъиян тақиқланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлигининг тўлов ташкилотлари томонидан тақдим этилаётган мобил иловалар орқали қабристонларни сақлаш ҳамда ободонлаштириш учун юридик ва жисмоний шахслар исталган қабристонга онлайн шаклда ихтиёрий хайр-эҳсонлар қилишининг соддалаштирилган тартибини (QR-кодлар орқали) йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари юридик ва жисмоний шахсларнинг хайр-эҳсон қилиш орқали келиб тушадиган маблағларини қабристонни сақлаш ва ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларга йўналтириш мақсадида **2026 йил 1 июлга** қадар:

туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларининг бюджетдан ташқари маблағларини ҳисобга олиш ва сарфлаш бўйича ҳар бир қабристон учун алоҳида шахсий ҳисобварақ очилишини;

ҳар бир қабристон учун очилган шахсий ҳисобварақларга ихтиёрий хайр-эҳсон қилувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг тўловларини қабул қилиш учун тегишли QR-кодлар жорий этилишини таъминласин.

Белгилансинки, тегишли қабристонлар учун очилган шахсий ҳисобварақларда шаклланадиган маблағлар фақат ушбу қабристонларни сақлаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади ва бошқа мақсадлар учун сарфланишига йўл қўйилмайди.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан биргаликда:

2026 йил 1 декабрга қадар барча маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари ҳамда қабристонларда қабристонларнинг ободонлаштириш дастурлари режаси ва QR-кодлар жойлаштирилган доскаларини ташкил этсин;

ҳар чоракда бир маротаба **“Ўтганларни хотирлаш – муқаддас қадрият”** шиори остида қабристонларни ободонлаштириш кунларини эълон қилиб, маҳаллий имомлар раҳнамолигида кенг қамровли ҳашар тадбирларини ташкил этиш чораларини кўриб борсин.

Бунда туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳашар учун зарур техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаб борсин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра **2026 йил 1 декабрдан** бошлаб маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан маҳалла ҳудудидаги қабристонни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга ошириш бўйича эҳтиёжидан келиб чиқиб тегишли Ободонлаштириш бошқармасига ёзма ёхуд электрон ариза киритиш амалиёти йўлга қўйилади.

QMMB: 09/26/267/0525-son
22.05.2026-y.

Бунда Ободонлаштириш бошқармаси маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан киритилган аризага кўра буюртмаларни ўрганиб чиқиб, киритилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари қабристонлар учун очилган шахсий ҳисобварақларида шаклланган маблағлар ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлайди.

10. Белгилансинки, туман (шаҳар) Ободонлаштириш бошқармаларига рақамлаштириш ва матбуот хизмати бўйича бош мутахассис лавозими ободонлаштириш соҳасида мавжуд штат бирликлари доирасида ажратилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига ушбу қарорнинг ижросини ташкил этиш ва қабристонларни ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ушбу қарорнинг бажарилишини самарали ташкил қилиш учун масъул ва шахсан жавобгар этиб белгилансин.

14. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/267/0525-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “21” майдаги 267-сон қарорига
1-илова

2027–2029 йилларда қабристонларнинг ҳимоя деворларини қуриш ҳамда кириш дарвозаларини ўрнатиш ва таъмирлаш ПАРАМЕТРЛАРИ

млн сўм

Т/р	Ҳудудлар номи	Жами талаб этиладиган маблағ	Ҳимоя деворларини қуриш ва таъмирлаш										Кириш дарвозаларини ўрнатиш ва таъмирлаш					
			Жами		шу жумладан:								Жами		шу жумладан:			
					ғиштли		қолипли бетон — панжара		темир панжара		3Д панжара (евро сетка)				таъмирталаб		янгидан ўрнатиладиган	
			метр	суммаси	метр	суммаси	метр	суммаси	метр	суммаси	метр	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
Республика бўйича жами:		**794 480**	**2 538 590**	**759 092**	518 151	168 407	894 571	241 531	526 992	184 456	598 876	164 698	**3 519**	**35 388**	1 911	15 288	1 608	20 100
	шу жумладан:																	
1	**Қорақалпоғистон Республикаси**	**116 598**	**326 274**	**112 340**	15 141	4 920	1 494	403	291 531	102 037	18 109	4 980	**364**	**4 258**	65	520	299	3 738
2	**Андижон вилояти**	**66 159**	**232 844**	**64 460**	7 619	2 478	177 717	47 982	12 445	4 357	35 064	9 643	**178**	**1 699**	117	936	61	763
3	**Бухоро вилояти**	**99 890**	**333 204**	**96 048**	48 992	15 923	28 499	7 695	28 108	9 839	227 605	62 591	**384**	**3 842**	213	1 704	171	2 138
4	**Жиззах вилояти**	**25 769**	**74 030**	**23 157**	42 562	13 834	17 396	4 696	10 085	3 530	3 987	1 097	**273**	**2 612**	178	1 424	95	1 188
5	**Қашқадарё вилояти**	**89 020**	**278 812**	**84 982**	120 200	39 064	30 754	8 304	32 686	11 441	95 171	26 173	**386**	**4 038**	175	1 400	211	2 638
6	**Навоий вилояти**	**32625,5**	**107 971**	**30 299**	3 671	1 194	15 874	4 289	6 664	2 332	81 762	22 484	**225**	**2 327**	108	864	117	1 463
7	**Наманган вилояти**	**57 050**	**175 967**	**54 686**	74 705	24 281	23 301	6 290	35 680	12 488	42 282	11 627	**233**	**2 364**	122	976	111	1 388
8	**Самарқанд вилояти**	**96 817**	**325 255**	**92 891**	49 936	16 230	246 287	66 497	29 032	10 164			**408**	**3 926**	261	2 088	147	1 838
9	**Сурхондарё вилояти**	**36 484**	**114 263**	**34 388**	15 510	5 042	9 990	2 697	29 784	10 425	58 979	16 224	**231**	**2 096**	176	1 408	55	688
10	**Сирдарё вилояти**	**27 717**	**88 911**	**27 189**	4 974	1 616	40 350	10 895	35 899	12 564	7 688	2 114	**53**	**528**	30	240	23	288
11	**Тошкент вилояти**	**63 521**	**212 568**	**59 691**	36 519	11 868	158 498	42 794	2 652	930	14 899	4 099	**373**	**3 830**	185	1 480	188	2 350
12	**Фарғона вилояти**	**47 549**	**145 562**	**45 425**	92 040	29 915	27 765	7 495	12 426	4 349	13 331	3 666	**221**	**2 124**	142	1 136	79	988
13	**Хоразм вилояти**	**34 977**	**121 979**	**33 227**	5 334	1 733	116 646	31 494					**190**	**1 750**	139	1 112	51	638
14	**Тошкент шаҳри**	**309**	**950**	**309**	950	309												
I.	**Қорақалпоғистон Республикаси**	**116 598**	**326 274**	**112 340**	**15 141**	**4 920**	**1 494**	**403**	**291 531**	**102 037**	**18 109**	**4 980**	**364**	**4 258**	**65**	**520**	**299**	**3 738**
1	Нукус шаҳри	**4 509**	**12 740**	**4 459**					12 740	4 459			**4**	**50**			4	50
2	Амударё тумани	**13 103**	**36 151**	**12 653**					36 151	12 653			**36**	**450**			36	450
3	Беруний тумани	**7 559**	**21 530**	**7 347**	7 530	2 447			14 000	4 900			**18**	**212**	3	24	15	188
4	Қонликўл тумани	**1 644**	**4 375**	**1 531**					4 375	1 531			**13**	**113**	11	88	2	25
5	Қораўзак тумани	**18 537**	**51 091**	**17 883**					51 091	17 883			**53**	**654**	2	16	51	638
6	Кегейли тумани	**17 188**	**47 270**	**16 544**					47 270	16 544			**54**	**644**	7	56	47	588
7	Қўнғирот тумани	**4 087**	**12 793**	**3 846**	68	22			4 331	1 515	8 395	2 309	**25**	**241**	16	128	9	113
8	Мўйноқ тумани	**1 283**	**3 810**	**1 213**			1 494	403	2 316	810			**7**	**70**	4	32	3	38
9	Нукус тумани	**1 380**	**3 943**	**1 380**					3 943	1 380								
10	Тахиатош тумани	**499**	**1 376**	**483**					1 376	483			**2**	**16**	2	16		
11	Тахтакўпир тумани	**10 492**	**28 107**	**9 838**					28 107	9 838			**53**	**654**	2	16	51	638
12	Тўрткўл тумани	**2 753**	**9 714**	**2 671**							9 714	2 671	**8**	**82**	4	32	4	50

QMMB: 09/26/267/0525-son
22.05.2026-y.

Т/р	Ҳудудлар номи	Жами талаб этиладиган маблағ	Ҳимоя деворларини қуриш ва таъмирлаш										Кириш дарвозаларини ўрнатиш ва таъмирлаш					
			Жами		шу жумладан:								Жами		шу жумладан:			
					ғиштли		қолипли бетон — панжара		темир панжара		3Д панжара (евро сетка)				таъмирталаб		янгидан ўрнатиладиган	
			метр	суммаси	метр	суммаси	метр	суммаси	метр	суммаси	метр	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
13	Хўжайли тумани	1 418	4 028	1 410					4 028	1 410			1	8	1	8		
14	Чимбой тумани	21 701	60 173	21 060					60 173	21 060			52	641	2	16	50	625
15	Шуманай тумани	2 901	8 087	2 831					8 087	2 831			7	70	4	32	3	38
16	Элликқалъа тумани	2 657	7 543	2 451	7 543	2 451							19	206	7	56	12	150
17	Бўзатов тумани	4 890	13 544	4 740					13 544	4 740			12	150			12	150
	2027 йил	38 187	107 077	36 810	3 798	1 234	400	108	95 679	33 488	7 199	1 980	117	1 377	19	152	98	1 225
1	Нукус шаҳри	1 021	2 880	1 008					2 880	1 008			1	13			1	13
2	Амударё тумани	4 588	12 679	4 438					12 679	4 438			12	150			12	150
3	Беруний тумани	1 572	4 450	1 501	2 250	731			2 200	770			6	71	1	8	5	63
4	Қонликўл тумани	384	1 029	360					1 029	360			3	24	3	24		
5	Қораўзак тумани	6 128	16 876	5 907					16 876	5 907			18	221	1	8	17	213
6	Кегейли тумани	5 651	15 564	5 447					15 564	5 447			17	204	2	16	15	188
7	Қўнғирот тумани	1 220	3 836	1 142					1 164	407	2 672	735	8	78	5	40	3	38
8	Мўйноқ тумани	417	1 201	388			400	108	801	280			3	29	2	16	1	13
9	Нукус тумани	481	1 374	481					1 374	481								
10	Тахиатош тумани	53	150	53					150	53								
11	Тахтакўпир тумани	3 578	9 613	3 365					9 613	3 365			17	213			17	213
12	Тўрткўл тумани	1 266	4 527	1 245							4 527	1 245	2	21	1	8	1	13
13	Хўжайли тумани	831	2 352	823					2 352	823			1	8	1	8		
14	Чимбой тумани	7 487	20 784	7 274					20 784	7 274			17	213			17	213
15	Шуманай тумани	809	2 250	788					2 250	788			2	21	1	8	1	13
16	Элликқалъа тумани	569	1 548	503	1 548	503							6	66	2	16	4	50
17	Бўзатов тумани	2 137	5 963	2 087					5 963	2 087			4	50			4	50
	2028 йил	39 173	109 501	37 739	5 201	1 690	494	133	98 258	34 391	5 548	1 525	123	1 434	23	184	100	1 250
1	Нукус шаҳри	2 540	7 220	2 527					7 220	2 527			1	13			1	13
2	Амударё тумани	4 338	11 966	4 188					11 966	4 188			12	150			12	150
3	Беруний тумани	1 997	5 650	1 926	2 050	666			3 600	1 260			6	71	1	8	5	63
4	Қонликўл тумани	448	1 152	403					1 152	403			5	45	4	32	1	13
5	Қораўзак тумани	6 198	17 076	5 977					17 076	5 977			18	221	1	8	17	213
6	Кегейли тумани	5 629	15 442	5 405					15 442	5 405			19	224	3	24	16	200
7	Қўнғирот тумани	1 426	4 488	1 348					1 527	534	2 961	814	8	78	5	40	3	38
8	Мўйноқ тумани	424	1 266	403			494	133	772	270			2	21	1	8	1	13
9	Нукус тумани	602	1 720	602					1 720	602								
10	Тахиатош тумани	322	896	314					896	314			1	8	1	8		
11	Тахтакўпир тумани	3 412	9 118	3 191					9 118	3 191			18	221	1	8	17	213
12	Тўрткўл тумани	732	2 587	711							2 587	711	2	21	1	8	1	13
13	Хўжайли тумани	191	545	191					545	191								

QMMB: 09/26/267/0525-son
22.05.2026-y.

Т/р	Ҳудудлар номи	Жами талаб этиладиган маблағ	Ҳимоя деворларини қуриш ва таъмирлаш										Кириш дарвозаларини ўрнатиш ва таъмирлаш					
			Жами		шу жумладан:								Жами		шу жумладан:			
					ғиштли		қолипли бетон — панжара		темир панжара		3Д панжара (евро сетка)				таъмирталаб		янгидан ўрнатиладиган	
			метр	суммаси	метр	суммаси	метр	суммаси	метр	суммаси	метр	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
14	Чимбой тумани	7 342	20 345	7 121					20 345	7 121			18	221	1	8	17	213
15	Шуманай тумани	1 062	2 950	1 033					2 950	1 033			3	29	2	16	1	13
16	Элликқалъа тумани	1 090	3 151	1 024	3 151	1 024							6	66	2	16	4	50
17	Бўзатов тумани	1 425	3 929	1 375					3 929	1 375			4	50			4	50
	2029 йил	**39 238**	**109 697**	**37 791**	**6 142**	**1 996**	**600**	**162**	**97 593**	**34 158**	**5 362**	**1 475**	**124**	**1 447**	**23**	**184**	**101**	**1 263**
1	Нукус шаҳри	949	2 640	924					2 640	924			2	25			2	25
2	Амударё тумани	4 177	11 506	4 027					11 506	4 027			12	150			12	150
3	Беруний тумани	3 991	11 430	3 920	3 230	1 050			8 200	2 870			6	71	1	8	5	63
4	Қонликўл тумани	813	2 194	768					2 194	768			5	45	4	32	1	13
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 10 январдаги 4-сон қарорида:

а) 1-илованинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Туман (шаҳар)лар ҳокимларининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида туман (шаҳар)лар ободонлаштириш бошқармалари бошлиғи ҳисобланади.

Бошқарма бошлиғи Ободонлаштириш бошқармасига оид ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун бошлиқнинг биринчи ўринбосарига ваколат бериши мумкин”;

б) 2 – 4-иловалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:


QMMB: 09/26/267/0525-son
22.05.2026-y.

“

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил
10 январдаги 4-сон қарорига
2-илова

Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар ободонлаштириш бошқармаларининг

НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ




Ходимларнинг чекланган сони:
бошқарув ходимлари (БХ) – 16 киши;
**) муҳандис-техник ходимлар (МТХ) 14 кишидан;*
ёрдамчи ходимлар – 7 киши.
***) фақат йўл таъмирлаш ишларига татбиқ этилади.*
****) бошқарув ходимларининг чекланган сонига кирмайди.*

Изоҳ. *Ишлаб чиқариш ходимлари сони бажариладиган ишлар ҳажмига кўра белгиланади.*

QMMB: 09/26/267/0525-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил
10 январдаги 4-сон қарорига
3-илова

Вилоятларга (Қорақалпоғистон Республикасида – республикага) бўйсунувчи шаҳар ва туманлар ободонлаштириш бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган сони:

бошқарув ходимлари (БХ) – 12 киши;

муҳандис-техник ходимлар (МТХ) – 4 киши;

ёрдамчи ходимлар – 6 киши.

**) фақат йўл таъмирлаш ишларига татбиқ этилади.*


***) бошқарув ходимларининг чекланган сонига кирмайди.*

Изоҳ. *Ишлаб чиқариш ходимлари сони бажариладиган ишлар ҳажмига кўра белгиланади.*

QMMB: 09/26/267/0525-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил
10 январдаги 4-сон қарорига
4-илова

Тошкент шаҳри туманлари ободонлаштириш бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган сони:

бошқарув ходимлари (БХ) – 17 киши;

**) муҳандис-техник ходимлар (МТХ) – 8 киши;*

ёрдамчи ходимлар – 7 киши;

***) фақат йўл таъмирлаш ишларига татбиқ этилади.*

****) бошқарув ходимларининг чекланган сонига кирмайди.*

Изоҳ. *Ишлаб чиқариш ходимлари сони бажариладиган ишлар ҳажмига кўра белгиланади*".

QMMB: 09/26/267/0525-son
22.05.2026-y.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий қисмини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва сақлаш департаментини ташкил этиш тўғрисида” 2016 йил 25 мартдаги 87-сонли қарорида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Шаҳрисабз шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Шаҳрисабз шаҳар Ободонлаштириш бошқармасини (кейинги ўринларда – Бошқарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин”;

б) 2-бандниng биринчи хатбошисидаги “Департаментнинг асосий” сўзлари “Бошқарманинг қўшимча” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

г) 4 ва 5-бандлар ҳамда қарорга 1–2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Белгилансинки, Шаҳрисабз шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг “Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 10 январдаги 4-сон қарорида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 ноябрдаги 695-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги “Тошшаҳарнур” давлат муассасаси ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-банди тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бир ходим ҳисобига чораклик мукофот миқдори тармоқ тариф сеткаси бўйича унинг тариф ставкаси (лавозим маоши) ҳамда узлуксиз иш стажининг бир ойлик қисмининг 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Дафн этиш ишларини ташкил этиш ва ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада самарали назорат қилиш механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 21 ноябрдаги 735-сон қарорининг 6 ва 7-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/270/0528-son
22.05.2026-y.

20 (1248)-son
507-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 21 » may № 270 Toshkent sh.

Чет эл фуқароларига махсус солиқ режимини тақдим этиш бўйича маъмурий регламентни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 4 октябрдаги ПФ–180-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Чет эл фуқароларига махсус солиқ режимини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомга **2-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Белгилансинки, чет эл фуқаролари томонидан махсус солиқ режимини олиш бўйича аризалар Давлат хизматлари марказлари, Электрон солиқ хизматлари портали ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига чет эл фуқароларига махсус солиқ режимини жорий этишни назарда тутувчи тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Солиқ қўмитаси раиси Ф.Ж. Пулатов ва ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * UMUMIY BO‘LIM 1

QMMB: 09/26/270/0528-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 21 ” майдаги 270-сон қарорига
1-илова

Чет эл фуқароларига махсус солиқ режимини тақдим этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 4 октябрдаги ПФ–180-сон Фармонига мувофиқ чет эл фуқароларига махсус солиқ режимини тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

махсус ваколатли крипто-биржа – Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган крипто-биржа;

махсус ваколатли тижорат банки – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган тижорат банки;

махсус солиқ режими – белгиланган шартларга жавоб берадиган чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадларини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилишни назарда тутувчи солиқ режими;

махсус солиқ режимининг солиқ резидентлари – махсус солиқ режими доирасида тегишли мақоми ўзига нисбатан белгиланган солиқ даври бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай кетма-кет ўн икки ойлик давр давомида жами ўттиз календарь кундан кўпроқ Ўзбекистон Республикасида ҳақиқатда бўлган ҳамда мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турар жой кўчмас мулк объектига эга бўлган чет эл фуқаролари;

махсус солиқ режими берилгани тўғрисида гувоҳнома – белгиланган шартларга жавоб берадиган чет эл фуқароларига махсус солиқ режими тақдим этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

Махсус солиқ режимини тақдим этиш комиссияси – чет эл фуқароларининг махсус солиқ режимини олиш бўйича мурожаатларига биноан махсус солиқ режимини тақдим этиш ёки тақдим этишни рад қилиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилувчи ваколатли органлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ;

Махсус солиқ режимини тақдим этиш комиссиясининг ишчи органи – Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси.

QMMB: 09/26/270/0528-son
22.05.2026-y.

2-боб. Чет эл фуқароларига махсус солиқ режимини тақдим этиш тартиби

3. Чет эл фуқароларига махсус солиқ режими ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида тақдим этилади.

4. Чет эл фуқароси махсус солиқ режимини тақдим этиш юзасидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки Электрон солиқ хизматлари портали орқали электрон шаклда ёхуд Давлат хизматлари марказларига шахсан ташриф буюрган ҳолда, Махсус солиқ режимини тақдим этиш комиссиясининг ишчи органига (кейинги ўринларда – Ишчи орган) ариза тақдим этади.

5. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

чет эл паспортининг нусхаси ;

Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатини тасдиқловчи ҳужжат (виза ёки бошқа ҳужжатлар).

Чет эл фуқароси аризада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текширади ҳамда имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (ЭРИ, дактилоскопия, электрон имзо, мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

6. Ишчи орган ариза тақдим этган чет эл фуқаросининг доимий яшашини (резидентлик) тасдиқлашда, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кунлари сонини ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ жадвал асосида ҳисоблайди.

7. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар Ишчи орган томонидан электрон хизмат орқали бир иш кунида Комиссияга тақдим этилади.

8. Ишчи орган чет эл фуқаросининг аризасини кўриб чиқиш жараёнида заруратга кўра тегишли маълумотларни олиш учун вазирлик ва идораларга сўров юбориши мумкин.

9. Комиссия чет эл фуқаросининг аризасини уч иш куни мобайнида кўриб чиқади ва махсус солиқ режимини тақдим этиш ёки тақдим этишни рад қилиш тўғрисида хулоса расмийлаштиради.

10. Комиссия томонидан чет эл фуқаросининг аризасини кўриб чиқиш жараёнида тегишли вазирлик ва идоралардан қўшимча маълумотларни олиш талаб этилса, аризани кўриб чиқиш муддати маълумот тақдим этилгунга қадар тўхтатиб турилади.

11. Ишчи орган Комиссиянинг аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича расмийлаштирилган хулосаси юзасидан бир иш куни мобайнида чет эл фуқаросининг шахсий кабинетига ёки электрон почта манзилига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ хабарнома юборади.

12. Махсус солиқ режимини олиш бўйича чет эл фуқароларининг аризаси қуйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинмаганда;

QMMB: 09/26/270/0528-son
22.05.2026-y.

чет эл фуқароси томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатлари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларига махсус чеклов қўйган давлатларнинг фуқаролари томонидан тақдим этилганда;

Ўзбекистон Республикасида бўлиши номақбул деб топилган чет эл фуқаролари томонидан тақдим этилганда.

13. Комиссиянинг махсус солиқ режими тақдим этилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосаси бўйича хабарномани олган чет эл фуқароси махсус ваколатли тижорат банкида банк ҳисобварағи ёки махсус ваколатли крипто-биржада крипто-ҳамён очади ҳамда 50 минг АҚШ доллари миқдорида махсус йиғимни тўлайди.

14. Комиссиянинг махсус солиқ режими тақдим этилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосаси бўйича хабарномани олган чет эл фуқаросининг вояга етган ҳар бир яқин қариндоши учун 10 минг АҚШ доллари миқдорида махсус йиғим тўланганда, чет эл фуқаросининг яқин қариндоши ҳам махсус солиқ режимининг солиқ резиденти деб эътироф этилади.

15. Махсус солиқ режими тақдим этилган чет эл фуқароларининг банк ҳисобварағи ёки крипто-ҳамёнига маблағлар махсус ваколатли тижорат банклари ёки крипто-биржалар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар ва хавф-хатарларни баҳолаш натижалари асосида кирим қилинади.

16. Чет эл фуқароси махсус ваколатли тижорат банкида банк ҳисобварағи ёки махсус ваколатли крипто-биржада крипто-ҳамён очганини ҳамда махсус йиғимни тўланганини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини электрон хизмат орқали Ишчи органга тақдим этади.

17. Ишчи орган чет эл фуқароси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида бир иш кунида ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ Махсус солиқ режими берилгани тўғрисидаги гувоҳномани чет эл фуқаросининг шахсий кабинетига ёки электрон почта манзилига юборади.

3-боб. Махсус солиқ режимининг амал қилиш муддати, уни узайтириш ва бекор қилиш тартиби

18. Махсус солиқ режими белгиланган талабларни бажарган чет эл фуқаролари ва уларнинг вояга етган яқин қариндошларига уларнинг аризасида кўрсатилган солиқ даври учун, бироқ беш йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

19. Чет эл фуқароларига тақдим этилган махсус солиқ режими қуйидаги ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилинади:

ушбу Низомнинг 12-банди учинчи – бешинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатлар бўйича маълумот келиб тушганда;

QMMB: 09/26/270/0528-son
22.05.2026-y.

суд қарори асосида махсус солиқ режими муддатидан олдин бекор қилинганда;

чет эл фуқароси вафот этганда.

20. Чет эл фуқароларига тақдим этилган махсус солиқ режими муддатидан олдин бекор қилинганда, Ишчи орган бир иш куни мобайнида чет эл фуқаросининг шахсий кабинетига ёки электрон почта манзилига хабарнома юборади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки – махсус ваколатли тижорат банклари, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги – махсус ваколатли крипто-биржалар рўйхатларини тасдиқлайди, уларни ўз расмий веб-сайтларида эълон қилади ва уларга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, уч иш куни ичида Ишчи органга тақдим этади.

22. Махсус солиқ режимини тақдим этишда ваколатли органлар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

23. Чет эл фуқароларининг даромадларини солиққа тортишнинг махсус солиқ режими юзасидан доимий мониторинг юритиш ва натижаларини таҳлил қилиб бориш Ишчи орган томонидан амалга оширилади.

24. Чет эл фуқаролари ваколатли органлар ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

25. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

QMMB: 09/26/270/0528-son
22.05.2026-y.

Чет эл фуқароларига махсус солиқ
режимини тақдим этиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режимини тақдим этиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Чет эл фуқаролари	ЯИДХП ёки Электрон солиқ хизматлари портали орқали электрон шаклда ёхуд Давлат хизматлари марказларига шахсан ташриф буюрган ҳолда Ишчи органга ариза тақдим этади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Ишчи орган	Чет эл фуқаросининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни электрон хизмат орқали Комиссияга тақдим этади.	Бир иш кунида
3-босқич	Ишчи орган	Тегишли маълумотларни олиш учун вазирлик ва идораларга сўров юборади.	Заруратга кўра
4-босқич	Комиссия	Чет эл фуқаросининг аризасини кўриб чиқади ва махсус солиқ режимини тақдим этиш ёки тақдим этишни рад қилиш тўғрисида хулоса расмийлаштиради.	Уч иш кунида
5-босқич	Ишчи орган	Комиссиянинг аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича расмийлаштирилган хулосаси юзасидан чет эл фуқаросининг шахсий кабинетига ёки электрон почта манзилига хабарнома юборади.	Бир иш кунида
6-босқич	Чет эл фуқаролари	Ишчи органнинг махсус солиқ режими тақдим этилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хабарномаси асосида махсус ваколатли тижорат банкида банк ҳисобварағи ёки махсус ваколатли крипто-биржада крипто-ҳамён очади ва белгиланган миқдордаги махсус йиғимни тўлайди.	Ўз хоҳишига кўра

QMMB: 09/26/270/0528-son
22.05.2026-y.

7-босқич	Чет эл фуқаролари	Махсус ваколатли тижорат банкида банк ҳисобварағи ёки махсус ваколатли крипто-биржада крипто-ҳамён очганини ҳамда махсус йиғимни тўланганини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини электрон хизмат орқали Ишчи органга тақдим этади.	Ўз хоҳишига кўра
8-босқич	Ишчи орган	Чет эл фуқароси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида Махсус солиқ режими берилгани тўғрисидаги гувоҳномани чет эл фуқаросининг шахсий кабинетига ёки электрон почта манзилига юборади.	Бир иш кунида

QMMB: 09/26/270/0528-son
22.05.2026-y.

Чет эл фуқароларига махсус солиқ
режимини тақдим этиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

Чет эл фуқароларининг доимий яшашини (резидентлик) тасдиқлаш ЖАДВАЛИ

Т/р	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган вақти	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиққан вақти	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кунлар сони
1.			
2.			
3.			
...			

QMMB: 09/26/270/0528-son
22.05.2026-y.

Чет эл фуқароларига махсус солиқ
режимини тақдим этиш тартиби
тўғрисидаги низом
3-илова

_____ га
фуқаро Ф.И.О.

ЖШШИР _____

_____
рўйхатга олинган манзили

ХАБАРНОМА

Ҳурматли _____ Сизнинг мурожаатингиз белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди. Комиссиянинг хулосасига кўра махсус солиқ режимининг тақдим этилиши мақсадга мувофиқ (ёки мувофиқ эмас) деб топилди.

Шунга асосан белгиланган миқдордаги махсус йиғимни тўлашингиз (ёки вояга етган ҳар бир қариндошингиз учун) ҳамда махсус ваколатли тижорат банкида банк ҳисобварағини ёки махсус ваколатли крипто-биржада крипто-ҳамён очишингиз сўралади.

Юқоридаги талаблар бажарилган тақдирда, Сизга махсус гувоҳнома тақдим этилади.

QR код

QMMB: 09/26/270/0528-son
22.05.2026-y.

Чет эл фуқароларига махсус солиқ
режимини тақдим этиш тартиби
тўғрисидаги низом
4-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

Махсус солиқ режими берилгани тўғрисида

Г У В О Ҳ Н О М А

№00000000 **20__йил "___"_____**

Комиссиянинг хулосасига асосан чет эл фуқароси_____га (ЖШШИР:_____, рўйхатдан ўтказилган манзили: _____) махсус солиқ режими тақдим этилди.

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати _____ йилгача.

QR код

QMMB: 09/26/270/0528-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 21 ” майдаги 270-сон қарорига
2-илова

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 17-банд қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Махсус солиқ режими берилгани тўғрисида гувоҳнома – махсус солиқ режими қўлланилган чет эл фуқаролари ва уларнинг яқин қариндошлари (ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-укалари ва опа-сингиллари, эри (хотини), фарзандлари, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, боболари, бувилари, неваралари, шунингдек, эрининг (хотинининг) ота-онаси) учун”;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 20^1-банд билан тўлдирилсин:

“20^1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этилган ва махсус йиғим тўлаган қуйидаги чет эл фуқаролари ва уларнинг яқин қариндошлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган жойи (уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жой кўчмас мулк объекти) бўйича ариза ва махсус солиқ режими берилгани тўғрисидаги гувоҳнома асосида бир иш кунида рўйхатдан ўтказилади:

бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет эл фуқаролари ва уларнинг яқин қариндошлари 5 йилгача, бироқ виза муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

Ўзбекистон Республикасига визасиз кириш режими белгиланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар фуқаролари ва уларнинг яқин қариндошлари 5 йилгача, аммо Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқмасдан туриб олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатга”.



QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

20 (1248)-son
508-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 21 » may № 271 Toshkent sh.

Руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат муассасаларини такомиллаштириш ва янги ижтимоий хизматларни ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2026 йил 27 апрелдаги ПФ–69-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2026 йил 27 апрелдаги ПФ–69-сон Фармонига мувофиқ:

а) болаларнинг ривожланишида кузатиладиган нуқсонларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида комплекс ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш, уларда ногиронликнинг олдини олиш ҳамда ногиронлиги бўлган болаларнинг муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлашга қаратилган “Эрта аралашув” хизмати йўлга қўйилиши, бунда “Эрта аралашув” хизмати эрта аралашув режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан юритиладиган махсус электрон реестрга киритилган нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатилиши;

б) мўътадил, оғир ва чуқур даражадаги ақлий заифлик ёки деменция ташхиси қўйилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун оилавий муҳитга яқин шаклдаги қуйидаги янги хизматлар кўрсатилиши жорий қилиниши:

“Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати;

уй шароитида қараб туриш хизмати;

кичик ҳажмли “Мадад” уйлари хизмати;

“Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизмати;

в) “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати, уй шароитида қараб туриш хизмати, кичик ҳажмли “Мадад” уйлари ва “Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизматлари давлат-хусусий шериклик битими асосида нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатилиши;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

г) ногиронлиги бўлган шахслар учун “Мурувват” интернат уйлари ногиронлиги бўлган шахслар учун “Ғамхўрлик” марказлари сифатида қайта номлангани;

д) Агентлик ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириш маркази ташкил этилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

а) руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган шахсларни мазкур қарор 1-бандининг “б” кичик бандида назарда тутилган хизматларга ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун “Ғамхўрлик” марказларига йўналтириш Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) ҳузурида ташкил этиладиган Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиялар (кейинги ўринларда – ИПТК) томонидан амалга оширилади. Бунда:

ИПТК таркиби Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳри бош бошқармасининг қўшма қарорига мувофиқ тасдиқланади;

ИПТКга Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотлардан жалб этилган мутахассисларга Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан ИПТК йиғилиши ўтказилган ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир баравари миқдорида ҳақ тўланади;

б) мазкур қарорда назарда тутилган ижтимоий хизматларни кўрсатувчи нодавлат ташкилотларнинг хизмат кўрсатишга жалб этиладиган ходимларининг Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказида (кейинги ўринларда – Малака ошириш маркази) 36 соатдан кам бўлмаган ўқув дастури асосида малака ошириши талаб этилади. Бунда:

малака ошириш курси Малака ошириш маркази томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ амалга оширилади;

нодавлат ташкилотларнинг биринчи марта ижтимоий хизматларни кўрсатиш жараёнига жалб этиладиган (ишга қабул қилинаётган) ходимлари икки ой ичида Малака ошириш марказида малака ошириши талаб этилади, бундан мазкур банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган ҳолат мустасно;

нодавлат ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш онлайн ёки оффлайн шаклда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги тўлов-шартнома асосида амалга оширилади;

малака ошириш курсини муваффақиятли якунлаган шахсларга амал қилиш муддати уч йил бўлган сертификат берилади;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

в) **2027 йил 1 апрелдан** бошлаб мазкур қарорда назарда тутилган ижтимоий хизматларни кўрсатиш жараёнига ходимлари белгиланган тартибда Малака ошириш марказида малака оширган ҳамда тегишли сертификат олган нодавлат ташкилотлар жалб этилади;

г) мазкур қарорга мувофиқ фуқароларга ижтимоий хизматларни кўрсатишда юбориладиган СМС-хабарнома харажатлари Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан қопланади;

д) ногиронлиги бўлган шахслар учун “Мурувват” интернат уйлари “Ғамхўрлик” марказлари сифатида ташкил этилгунга қадар уларга қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахслар тоифаси ва ташхисига кўра ушбу марказлардан чиқарилишига йўл қўйилмайди;

е) ногиронлиги бўлган болалар учун “Мурувват” интернат уйларида йўлга қўйилган кундузги парваришлаш гуруҳлари тарбияланувчилари **2027 йил 1 апрелга қадар** ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказлари хизматларидан фойдаланади.

Бунда кундузги парваришлаш гуруҳи хизматидан фойдаланувчи болаларни овқатлантириш билан боғлиқ харажатлари уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан қопланади;

ж) **2026 йил 1 июндан** бошлаб “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида деменция, Паркинсон ва Альцгеймер касаллиги ташхиси қўйилган махсус парваришга муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини кўрсатиш тўхтатилади. Бунда:

деменция, Паркинсон ва Альцгеймер касаллиги ташхиси қўйилган махсус парваришга муҳтож шахслар “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати билан қамраб олинади;

деменция, Паркинсон ва Альцгеймер касаллиги ташхиси қўйилган махсус парваришга муҳтож шахслар мазкур қарор кучга киргунга қадар уларга шакллантирилган ваучерда назарда тутилган хизматни кўрсатиш ҳажми доирасида кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматидан фойдаланиши мумкин;

з) Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириш маркази директори хизмат автотранспорт воситаси билан таъминланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ “Эрта аралашув” хизмати уч ёшгача бўлган қуйидаги болаларга кўрсатилади:

а) қуйидаги ташхислар бўйича ногиронлик белгиланган **туғилгандан бошлаб уч ёшгача** бўлган болаларга:

болдир ва товоннинг туғма йўқлиги (Q72.2);

товон ва товон панжаларининг туғма йўқлиги (Q72.3);

қўл панжа ва бармоқ(ларнинг) туғма йўқлиги (Q71.3);

билак ва қўл панжаларнинг туғма йўқлиги (Q71.2);

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

товоннинг борлиги ҳолда сон ва болдир туғма йўқлиги (Q72.1);

қўл панжаларнинг борлиги ҳолда елка ва билак суяклари(нинг) туғма йўқлиги (Q71.1);

қўл (қўллар)нинг туғма тўлиқ йўқлиги (Q71.0);

оёқ (оёқларнинг) туғма тўлиқ йўқлиги (Q72.0);

анофтальм (икки томонлама) (Q11);

сийдик пуфаги экстрофияси (Q64.1);

б) оилавий шифокор томонидан ривожланишида орқада қолиш хавфи мавжудлиги ҳақида хулоса берилган **бир ёшгача** бўлган болаларга;

в) Психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан ривожланишида орқада қолиш хавфи мавжудлиги ҳақида хулоса берилган **бир ёшдан уч ёшгача** бўлган болаларга.

4. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарор 3-бандининг “а” кичик бандида назарда тутилган ташхислар бўйича ногиронлик белгилари билан туғилган чақалоқларга ногиронлик белгилаш учун уларнинг ҳужжатлари туғруқ комплекслари томонидан **беш иш куни ичида** “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимининг “Тиббий-ижтимоий экспертиза” модули орқали Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига тақдим этилади ҳамда ногиронликни белгилаш туманлараро ва туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади.

5. Қуйидагилар:

“Эрта аралашув” хизмати кўрсатилишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиялар тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ;

Ногиронлиги бўлган шахслар учун “Ғамхўрлик” марказлари тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ;

Ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказлари тўғрисидаги низом **4-иловага** мувофиқ;

“Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом **5-иловага** мувофиқ;

Уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом **6-иловага** мувофиқ;

Кичик ҳажмли “Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом **7-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириш маркази ходимларининг штатлар жадвали **8-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

6. Ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, инклюзив жамиятни барпо этиш ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида Агентлик, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг **2026 йил 7–12 июнь кунлари** Самарқанд шаҳрида жойлашган Самарқанд туризм мажмуасида “Fikringni ber (Voice Up)” халқаро инклюзив ёшлар оромгоҳи (кейинги ўринларда – ёшлар оромгоҳи) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Белгилансинки, ёшлар оромгоҳини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

а) ёшлар оромгоҳида хорижий иштирокчиларнинг Ўзбекистон Республикасига келиб-кетиши, яшаш ва ички транспорт харажатлари, шунингдек, ёшлар оромгоҳи доирасида ўтказиладиган тадбирлар ва концерт дастурларини ташкил этиш (жой, зарур жиҳозлар ижараси, безатиш, санъаткорлар ва бошловчиларни жалб қилиш ва бошқалар) билан боғлиқ харажатлар – Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

б) ёшлар оромгоҳида маҳаллий иштирокчиларнинг иштироки билан боғлиқ транспорт, меҳмонхона ва бошқа харажатлари, шунингдек, маҳаллий ва хорижий иштирокчиларнинг овқатланишини ташкил этиш ҳамда уларни экипировка билан таъминлаш билан боғлиқ харажатлар – Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари;

в) ёшлар оромгоҳи иштирокчиларининг Самарқанд вилоятининг диққатга сазовор жойлари бўйлаб саёҳатини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, иштирокчилар учун маданий дастурлар, расмий қабуллар, биноларни тайёрлаш ва безатиш, уларни эсдалик совғалари билан тақдирлаш харажатлари Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Агентлик:

а) **икки ой муддатда** Рақамли технологиялар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда мазкур қарор билан жорий этилаётган ижтимоий хизматлардан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнларини кузатиб бориш имкониятини яратсин;

б) **2026 йил 1 ноябрга қадар** “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида мазкур қарор билан жорий этилаётган ижтимоий хизматларни кўрсатувчи нодавлат ташкилотларнинг хизматлари юзасидан **фуқаролар томонидан фикр билдириш** (feedback), **хизматлар сифатини баҳолаш** ҳамда ушбу **нодавлат ташкилотларнинг рейтингини юритиш** имкониятини яратсин;

в) Касбий таълимни ривожлантириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 ноябрга** қадар қуйидагилар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги таълим ташкилотлари, шу жумладан, малака ошириш марказларида нодавлат ташкилотларнинг ижтимоий хизматларни кўрсатиш жараёнига жалб этиладиган педагог ходимларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги таълим ташкилотлари, шу жумладан, малака ошириш марказларида нодавлат ташкилотларнинг ижтимоий хизматларни кўрсатиш жараёнига жалб этиладиган тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш.

9. Мазкур қарорда белгиланган тадбирларни молиялаштириш 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Агентликка ажратилган маблағлар ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари доирасида амалга оширилади, 2027 йилдан бошлаб эса бюджет қонунчилиги талабларига мувофиқ тақдим этилган бюджет сўровномаларига асосан Давлат бюджети ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси параметрларида назарда тутилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **9-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорлари **10-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “21” майдаги 271-сон қарорига
1-илова

“Эрта аралашув” хизмати кўрсатилишини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ногиронлик белгиланган ёки ривожланишида нуқсонлари мавжуд уч ёшгача бўлган болалар учун “Эрта аралашув” хизмати кўрсатилишини ташкил этиш, мониторинг ва назорат қилиш, молиялаштириш, шунингдек, мазкур хизматни кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ваучер – болаларнинг “Эрта аралашув” хизмати харажатларини қоплаш имконини берувчи ҳужжат;

нодавлат ташкилотлар – юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар;

“Эрта аралашув” ахборот модули – болалар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш, уларни “Эрта аралашув” хизматига йўналтириш, ваучер бериш, ундан фойдаланиш ва молиялаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш, шунингдек, “Эрта аралашув” хизматини кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар реестрини шакллантириш ва юритиш имкониятига эга бўлган “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимининг алоҳида таркибий қисми;

“Эрта аралашув” хизмати – ногиронлик белгиланган ёки ривожланишида нуқсонлари мавжуд уч ёшгача бўлган болалар (кейинги ўринларда – болалар)ни эрта аниқлаш, уларга ташхис қўйиш, коррекцион (тузатувчи) педагогик ёрдам ва реабилитация хизматларини ташкил этиш, соғлом ривожланишига кўмаклашиш ҳамда оиланинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда бола парвариши ва тарбиясида иштирок этувчи оила аъзоларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган комплекс ижтимоий хизматлар тизими;

эрта аралашув режаси – “Эрта аралашув” хизматига қабул қилинган болаларнинг ривожланишида орқада қолиш хавфини баҳолаш, уларнинг эҳтиёжларини инобатга олиш ва кўрсатиладиган хизматларнинг тавсифини ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатишнинг давомийлиги ва даврийлигини белгилаш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олувчи кўрсатмалар мажмуи;

ҳудудий бошқармалар – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари.

3. “Эрта аралашув” хизматининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

болаларнинг ривожланишида орқада қолиш даражасини баҳолаш ва комплекс жиҳатдан диагностика қилиш ҳамда эрта аралашув режасини ишлаб чиқиш;

болаларга эрта аралашув режасига мувофиқ уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан биргаликда ривожлантирувчи машғулотлар ҳамда абилитация ва реабилитация тадбирларини ўтказиш;

болаларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорлик қилиш, уларда болаларнинг ривожланиши юзасидан амалий кўникмаларни шакллантириш, шунингдек, боланинг оиласини психологик қўллаб-қувватлаш.

4. “Эрта аралашув” хизмати қуйидаги болаларга кўрсатилади:

а) қуйидаги ташхислар бўйича ногиронлик белгиланган туғилгандан бошлаб уч ёшгача бўлган болалар:

болдир ва товоннинг туғма йўқлиги (Q72.2);

товон ва товон панжаларининг туғма йўқлиги (Q72.3);

қўл панжа ва бармоқ(ларнинг) туғма йўқлиги (Q71.3);

билак ва қўл панжаларнинг туғма йўқлиги (Q71.2);

товоннинг борлиги ҳолда сон ва болдир туғма йўқлиги (Q72.1);

қўл панжаларнинг борлиги ҳолда елка ва билак суяклари(нинг) туғма йўқлиги (Q71.1);

қўл (қўллар)нинг туғма тўлиқ йўқлиги (Q71.0);

оёқ (оёқларнинг) туғма тўлиқ йўқлиги (Q72.0);

анофтальм (икки томонлама) (Q11);

сийдик пуфаги экстрофияси (Q64.1).

Бунда мазкур бандда назарда тутилган ташхислар бўйича ногиронлик белгилари билан туғилган чақалоқларга ногиронлик белгилаш учун уларнинг ҳужжатлари туғруқ комплекслари томонидан беш иш куни ичида “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимининг “Тиббий-ижтимоий экспертиза” модули орқали Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига тақдим этилади ҳамда ногиронлик туманлараро туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан белгиланади;

б) оилавий шифокор томонидан ривожланишида орқада қолиш хавфи мавжудлиги ҳақида хулоса берилган бир ёшгача бўлган болалар;

в) Психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан ривожланишида орқада қолиш хавфи мавжудлиги ҳақида хулоса берилган бир ёшдан уч ёшгача бўлган болалар.

5. Агентлик томонидан тасдиқланадиган “Эрта аралашув” хизматини кўрсатишга оид минимал талабларга мувофиқ “Эрта аралашув” хизмати доирасида нодавлат ташкилотлар томонидан қуйидаги ижтимоий хизматлар кўрсатилади:

боланинг ривожланишига кўмаклашиш;

абилитация ва реабилитация тадбирларини ўтказиш;

боланинг ривожланишини кузатиш ва мониторинг қилиш.

6. “Эрта аралашув” хизматига жалб этилган болаларнинг оилаларига “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази) томонидан психологик маслаҳат (консультация) бериш ва эмоционал қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ хизматлар бепул кўрсатилади.

7. Нодавлат ташкилотлар томонидан болаларга кўрсатиладиган “Эрта аралашув” хизматини кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма)дан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ваучер асосида субсидия шаклида қоплаб берилади.

8. “Эрта аралашув” хизмати кўрсатилишини ташкил этиш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. “Эрта аралашув” хизматини кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар реестрини шакллантириш ва юритиш

9. “Эрта аралашув” хизматини кўрсатиш истагини билдирган нодавлат ташкилотлар “Эрта аралашув” ахборот модулининг “Эрта аралашув” хизматини кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар электрон реестрига (кейинги ўринларда – электрон реестр) киритилади.

10. “Эрта аралашув” хизматини кўрсатиш истагини билдирган нодавлат ташкилотлар “Эрта аралашув” ахборот модулида қуйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда рўйхатдан ўтади:

якка тартибдаги тадбиркорлар учун биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-карта) маълумотлари;

юридик шахслар учун солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

жойлашган ери, банк ҳисобварағи ва банк реквизитлари, телефон рақами ҳамда электрон почта манзили;

“Эрта аралашув” хизматини кўрсатишга мўлжалланган бино-иншоотнинг мулк ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқ асосида унга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари (бино ва иншоот якка тартибдаги тадбиркорнинг турмуш ўртоғига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ҳолат бундан мустасно);

нодавлат ташкилотнинг “Эрта аралашув” хизматини кўрсатиш ҳудуди;

“Эрта аралашув” хизматини кўрсатиш учун даволовчи жисмоний тарбия йўриқчиси ва махсус педагогик маълумотга эга мутахассис (махсус педагог, дефектолог, логопед, тифлопедагог, сурдопедагог, олигофренопедагог) фаолияти йўлга қўйилганлиги тўғрисида маълумот;

“Эрта аралашув” хизматини кўрсатишга мўлжалланган бино ва иншоотда кун давомида болаларга хизмат кўрсатиш қуввати тўғрисида маълумот;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

индивидуал ва гуруҳли машғулотлар ўтказишни ташкил этиш учун хоналарнинг мавжудлиги ҳамда тегишли жиҳоз ва буюмлар билан таъминланганлиги (ҳар бир хонанинг камида 4 та фотосурати илова қилинади) тўғрисида маълумот.

Бунда мазкур бандниng тўққизинчи хатбошисида кўрсатилган хона, жиҳоз ва буюмларга қўйиладиган минимал талаблар (кейинги ўринларда – минимал талаблар) ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган оммавий офертага илова қилинади.

11. Нодавлат ташкилотлар “Эрта аралашув” ахборот модулига кирган ҳолда унда кўрсатилган оммавий оферта талаблари ва шартлари билан танишиб, ушбу ахборот модулидан фойдаланиш бўйича ўз розилигини билдириши ва электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаши талаб этилади.

Бунда нодавлат ташкилотлар рўйхатдан ўтганидан ҳамда оммавий офертани тасдиқлаганидан сўнг нодавлат ташкилотлар фаолият юритадиган жойдаги тегишли ҳудудий бошқармага “Эрта аралашув” ахборот модули орқали автоматик равишда хабарнома юборилади.

12. “Эрта аралашув” ахборот модули орқали хабарнома келиб тушганидан сўнг ҳудудий бошқарма бошлиғи томонидан таркиби тасдиқланадиган ишчи гуруҳ томонидан ўн кун ичида жойига чиққан ҳолда нодавлат ташкилотларнинг қуйидаги талабларга мувофиқлиги ўрганилади:

“Эрта аралашув” хизматини кўрсатиш учун даволовчи жисмоний тарбия йўриқчиси ва махсус педагогик маълумотга эга мутахассис (махсус педагог, дефектолог, логопед, тифлопедагог, сурдопедагог, олигофренопедагог) фаолияти йўлга қўйилганлиги;

индивидуал ва гуруҳли машғулотлар ўтказишни ташкил этиш учун хоналар, жиҳоз ва буюмларнинг мавжудлиги ҳамда минимал талабларга мувофиқлиги.

13. Ўрганиш натижаси бўйича ишчи гуруҳ томонидан нодавлат ташкилотларнинг “Эрта аралашув” хизматини кўрсатишга тайёр ёки тайёр эмаслиги бўйича хулоса тайёрланади ва шу кунинг ўзида “Эрта аралашув” ахборот модулига киритилиб, ҳудудий бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

14. Нодавлат ташкилотларнинг “Эрта аралашув” хизматини кўрсатишга тайёрлиги тўғрисидаги хулоса тасдиқланганидан сўнг, нодавлат ташкилот автоматик равишда электрон реестрга киритилади ва бу тўғрисида унинг электрон почта манзилига ёки мобиль телефон рақамига СМС-хабарнома юборилади.

15. Ишчи гуруҳ томонидан талабгор ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган талабларга мувофиқ келмаган тақдирда, нодавлат ташкилотни электрон реестрга киритиш рад этилади. Бунда нодавлат ташкилотларнинг электрон почта манзилига ёки мобиль телефон рақамига уни электрон реестрга киритиш рад этилганлигининг сабаблари кўрсатилган СМС-хабарнома юборилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

16. Электрон реестрга киритилган нодавлат ташкилотлар учун “Эрта аралашув” ахборот модулида улар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тегишли буюртмаларни қабул қилиш имконини берувчи шахсий кабинет очилади.

17. Нодавлат ташкилотларнинг “Эрта аралашув” хизматини кўрсатишда иштирок этувчи ходимлари Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказида мажбурий равишда уч йилда камида бир марта 36 соатдан кам бўлмаган ўқув дастури асосида онлайн ва (ёки) оффлайн шаклда малака оширади.

Бунда нодавлат ташкилотлар томонидан “Эрта аралашув” хизматини кўрсатиш учун биринчи марта жалб этиладиган (ишга қабул қилинаётган) ходимлари, истисно тариқасида, икки ой ичида малака ошириш курсидан ўтиши лозим.

18. Нодавлат ташкилотлар қуйидаги ҳолларда электрон реестрдан чиқарилади:

“Эрта аралашув” хизматини кўрсатишга оид минимал талабларга икки ёки ундан ортиқ маротаба номувофиқ бўлган хизматлар кўрсатилганда ёки бир йил давомида умуман хизмат кўрсатилмаганда. Бунда “Эрта аралашув” хизматини кўрсатишга оид минимал талабларга номувофиқ бўлган хизматлар кўрсатилганлиги биринчи марта аниқланган вақтда, ушбу ҳолат такроран содир этилган тақдирда, нодавлат ташкилотларга “Эрта аралашув” ахборот модули орқали электрон реестрдан чиқарилиши тўғрисида огоҳлантириш юборилади;

хизматдан фойдаланувчи боланинг маълумотини “Эрта аралашув” ахборот модулига киритган ҳолда унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) фотосурати ўрнига бошқа шахснинг фотосуратини ахборот модулига жойлаштириб, давомат белгилаб келинаётганлиги такроран аниқланганда;

нодавлат ташкилотнинг фаолияти тугатилганда.

3-боб. “Эрта аралашув” хизмати кўрсатилишини ташкил этиш

19. Нодавлат ташкилотлар электрон реестрга киритилгандан сўнг бир иш куни ичида “Эрта аралашув” хизмати тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни “Эрта аралашув” ахборот модулига жойлаштиради:

бино ва иншоотнинг манзили, хоналарнинг фотосуратлари;

хизмат кўрсатувчи ходимлар тўғрисидаги маълумот;

асосий фаолият йўналишлари ҳақидаги маълумот;

хизмат кўрсатиш қуввати ҳамда бўш ўринлар тўғрисидаги маълумот.

“Эрта аралашув” ахборот модулига киритилган маълумотлар нодавлат ташкилотлар томонидан, заруратга кўра янгилаб борилади.

20. Боланинг отаси ёки онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахс) (кейинги ўринларда – аризачи) “Эрта аралашув” хизматидан фойдаланиш учун “Инсон” марказига, Давлат хизматлари марказига ёки ижтимоий ходимга ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, “Инсон” маркази, Давлат

хизматлари марказининг масъул ходими ёки ижтимоий ходим аризачи номидан ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки “Ижтимоий карта” мобиль иловаси орқали мурожаат қилинганда – аризачи мустақил равишда мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

21. Сўровнома тўлдирилишида мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома, оилавий шифокор ва Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосалари “Эрта аралашув” ахборот модулида “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил равишда олинади ҳамда сўровномада автоматик тарзда шакллантирилади. Бунда:

ушбу маълумотлардан бири мавжуд бўлмаган ҳолларда сўровнома тасдиқланишига йўл қўйилмайди;

оилавий шифокорнинг хулосасини электрон равишда олиш имкони бўлмаганда, аризачидан сўраб олинади ҳамда сўровномага илова қилинади.

22. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг аризачи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон рақамли имзо, Face-ID, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди. Бунда аризачи томонидан сўровноманинг тасдиқланиши у ва болага тегишли шахсга доир маълумотларни олиш ҳамда ишлов беришга розиликни билдиради.

Аризачи ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобиль иловаси орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

23. Сўровномани кўриб чиққанлик учун тўлов ундирилмайди.

24. Сўровнома тасдиқлангандан сўнг бир иш куни ичида бола “Эрта аралашув” хизматидан фойдаланиши учун мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги электрон ваучер “Эрта аралашув” ахборот модули орқали шаклланади. Бунда:

ваучер шаклланганлиги тўғрисида аризачининг сўровномада кўрсатилган мобил телефонига СМС-хабарнома юбориш орқали;

сўровнома ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали қабул қилинган ҳолларда эса аризачининг ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобиль иловасидаги шахсий кабинети орқали хабардор қилинади.

25. Ушбу Низомнинг 4-банди “б” кичик бандида кўрсатилган оилавий шифокор хулосаси сўровномага илова қилинган ҳолда тақдим этилган ҳолларда мазкур сўровнома ҳамда унга илова қилинган ҳужжат “Инсон” маркази томонидан бир иш куни ичида кўриб чиқилади. Бунда:

сўровномага илова қилинган ҳужжатда камчиликлар аниқланмаганда, ушбу Низомнинг 24-бандига мувофиқ ваучер шаклланади;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

сўровномага илова қилинган ҳужжатда камчиликлар мавжудлиги аниқланганда, сўровнома рад этилади ҳамда бу тўғрисида аризачининг сўровномада кўрсатилган мобиль телефонига СМС-хабарнома ёки ЯИДХП ёки "Ижтимоий карта" мобиль иловасидаги шахсий кабинетига хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

26. Сўровнома унга илова қилинган ҳужжатдаги камчиликлар мавжудлиги сабабли рад этилганда, аризачи "Эрта аралашув" хизматидан фойдаланиш бўйича қайта мурожаат қилиши мумкин. Бунда мазкур мурожаатлар ушбу Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

27. Ваучер шаклланган сўнг ундан фойдаланиш муддати 6 ойни ташкил қилади. Бунда ваучернинг умумий фойдаланиш муддати давомида:

бола ёки унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)да узрли сабаблар (даволанишда, хизмат сафарида ва бошқалар) юзага келган ҳолларда, боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг "Инсон" марказига қилган мурожаатига асосан ваучердан фойдаланиш муддати тегишли мурожаатда кўрсатилган муддатга, бироқ ваучернинг умумий фойдаланиш муддатидан кўп бўлмаган муддатга вақтинчалик тўхтатилади;

узрли сабаблар бўйича ваучердан фойдаланиш муддатини вақтинчалик тўхтатиб туриш ёки унинг муддатини қайта тиклаш "Инсон" маркази томонидан "Эрта аралашув" ахборот модули орқали амалга оширилади.

28. Ваучер шаклланган санадан бошлаб боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) 30 кун ичида ваучердан фойдаланишни бошлаши лозим. Ушбу муддат ичида фойдаланилмаган ваучер ўз кучини йўқотади ва бекор қилинган ваучерлар рўйхатига киритилади.

Ваучер бекор қилинган ҳолларда, боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) "Эрта аралашув" хизматидан фойдаланиш бўйича қайта мурожаат қилиши мумкин. Бунда мазкур мурожаатлар ушбу Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

29. Боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) бевосита ўзи ёки ижтимоий ходим кўмагида ваучер асосида "Эрта аралашув" ахборот модули орқали электрон реестрга киритилган "Эрта аралашув" хизматини кўрсатувчи нодавлат ташкилотни танлайди ва буюртма беради.

Бунда битта ваучер асосида унинг фойдаланиш муддати давомида "Эрта аралашув" хизматини кўрсатувчи фақат битта нодавлат ташкилотга буюртма беришга йўл қўйилади.

30. Буюртма нодавлат ташкилотга "Эрта аралашув" ахборот модули орқали келиб тушгандан сўнг бир иш кунида қабул қилинади. Бунда:

нодавлат ташкилотнинг "Эрта аралашув" хизматини кўрсатиш учун бўш ўринлари мавжуд бўлмаган ҳолларда буюртма рад этилади;

боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг буюртмаси рад этилиши уларнинг такроран буюртма бериш ҳуқуқини чекламайди.

31. Буюртма нодавлат ташкилот томонидан қабул қилингандан сўнг ўн иш куни ичида боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан биргаликда “Эрта аралашув” хизматини кўрсатишга оид минимал талабларга мувофиқ боланинг эрта аралашув режаси ишлаб чиқилади.

32. Эрта аралашув режасига мувофиқ нодавлат ташкилот томонидан “Эрта аралашув” хизмати ваучернинг амал қилиш муддати давомида олти кунлик иш ҳафтасида 08:00 дан 18:00 гача бўлган вақт оралиғида кўрсатилади. Бунда тушлик вақти нодавлат ташкилот томонидан белгиланади.

33. Боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ваучернинг фойдаланиш муддати давомида хизмат кўрсатувчи нодавлат ташкилотни ўзгартириш бўйича “Инсон” марказига мурожаат қилиши мумкин.

34. “Инсон” марказига тегишли мурожаат келиб тушгандан сўнг беш иш куни ичида боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га ваучернинг фойдаланиш муддати давомида “Эрта аралашув” ахборот модули орқали бошқа нодавлат ташкилотни танлаш имконияти тақдим этилади ҳамда бу тўғрисида боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) уларнинг мобил телефонига СМС-хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

35. “Эрта аралашув” хизматини кўрсатиш қуйидаги асосларга кўра тугатилади:

ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг “Инсон” марказига қилган мурожаати;

ваучер муддатининг тугаши;

боланинг уч ёшга тўлиши;

боланинг вафот этиши;

боланинг ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ёки қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотларидаги ихтисослаштирилган ва инклюзив гуруҳга қабул қилиниши.

Ушбу банднинг учинчи–олтинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар юзага келганлиги “Эрта аралашув” ахборот модули томонидан ўрганиб борилади.

36. Мазкур Низомнинг 35-бандига мувофиқ “Эрта аралашув” хизматини кўрсатиш тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар “Эрта аралашув” ахборот модулида шакллантириб борилади.

Бунда “Эрта аралашув” хизмати тугатилган ҳар бир ҳолат бўйича тегишли нодавлат ташкилотлар бир иш куни ичида уларнинг Эрта аралашув” ахборот модулидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилиб борилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

4-боб. “Эрта аралашув” хизматидан фойдаланиш харажатларини ваучер асосида қоплаб бериш

37. Нодавлат ташкилотга у томонидан кўрсатилган “Эрта аралашув” хизмати харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан ваучернинг ҳақиқатда фойдаланилган қисми бўйича субсидия шаклида тўланади.

Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимлари орқали “Эрта аралашув” хизматидан фойдаланиш бўйича субсидия тўловлари ва унинг ҳисоби Жамғармада алоҳида очиладиган шахсий ғазна ҳисобварақларида юритилади.

38. Нодавлат ташкилотнинг тижорат банкидаги ҳисобварағига ўтказилган тўловлар ҳақидаги маълумотлар “Эрта аралашув” ахборот модулида шакллантириб борилади.

39. Ваучер бўйича кўрсатилган “Эрта аралашув” хизматининг ҳар бир соати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 13 фоизи миқдорида субсидия суммаси ажратилади.

Боланинг эрта аралашув хизматидан бир ҳафта давомида олти соатгача (бир кунда 2 соатгача, бир ойда 24 соатгача) фойдаланилган қисми ваучер асосида қоплаб берилади.

Бунда вилоятлар марказлари ва Нукус шаҳрида ташкил этилган эрта аралашув хизмати учун ажратиладиган субсидия миқдорини белгилашда 1,1 нисбатда, Тошкент шаҳрида эса 1,3 нисбатда кўпайтирувчи коэффициент қўлланади.

40. Боланинг эрта аралашув режасида кўрсатилган хизматларнинг ҳар бир ҳафта давомида уч кундан (бир кунда 2 соатдан) ошган қисми хизмат кўрсатувчи нодавлат ташкилот билан келишган ҳолда боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан қопланади.

41. Нодавлат ташкилот боланинг эрта аралашув режасига мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳақидаги маълумотларни ва ушбу хизматлардан ҳақиқатда фойдаланган боланинг давомати унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг биометрик маълумотларини хизмат кўрсатилган кунинг ўзида “Эрта аралашув” ахборот модулига киритган ҳолда аниқланади ҳамда ушбу маълумотлар асосида автоматик равишда ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ намунадаги буюртманома шаклланади.

Бунда нодавлат ташкилотнинг “Эрта аралашув” ахборот модулида рўйхатдан ўтиш вақтида кўрсатилган манзилидан (жойлашуви бўйича геолокацияси) бошқа жойда қайд этилган боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг биометрик маълумотлари ахборот модулида ҳисобга олинмайди.

42. “Эрта аралашув” хизмати кўрсатилган болаларнинг ҳақиқий давоматининг ҳисоби махсус қурилмалар ёрдамида жисмоний шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали юритилади.

43. Биометрик идентификация қилиш жараёни нодавлат ташкилотнинг раҳбари ёки ходимлари томонидан махсус қурилмалар ёрдамида ушбу ташкилотнинг жойлашуви (геолокацияси) ҳисобга олинган ҳолда хизмат кўрсатилган кунда 08:00 дан 18:00 га қадар амалга оширилади.

44. Махсус қурилмалардан Интернет жаҳон ахборот тармоғисиз (оффлайн режимда) фойдаланилган ҳолларда болаларнинг давомати бўйича қайд этилган маълумотлар нодавлат ташкилот томонидан ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмасдан Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган ҳолда (онлайн режимда) оффлайн режимда киритилган маълумотларни ахборот модулига узатилиши (янгиланиши) таъминланади.

“Эрта аралашув” ахборот модулига маълумотлар ўз вақтида тақдим этилмаганда, шу жумладан, ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган тартибда узатилиши (янгиланиши) таъминламаганда, нодавлат ташкилотга субсидия ҳисобланмайди ва тўланмайди.

45. “Эрта аралашув” ахборот модулида ҳисобланган субсидиянинг тўлов қайдномаси ва тўлов топшириқномаси ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар шакллантирилади ва Жамғарманинг махсус ғазна ҳисобварағидан икки иш куни ичида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимлари орқали нодавлат ташкилотнинг тижорат банкдаги ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

46. Нодавлат ташкилот болалар тўғрисидаги “Эрта аралашув” ахборот модулига киритилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги бўйича жавобгар ҳисобланади.

47. Нодавлат ташкилот томонидан бир боланинг маълумотлари “Эрта аралашув” ахборот модулига киритилиб, бола ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг фотосурати ўрнига бошқа шахснинг фотосурати ушбу ахборот модулига жойлаштирилганлиги ва унинг асосида давомат белгилаб келинаётганлиги аниқланганда, мазкур ҳолат аниқлангандан бошлаб ушбу бола учун субсидия ҳисобланмайди ва тўланмайди.

Бундай ҳолат такроран аниқланганда, ушбу нодавлат ташкилот ва унинг таъсисчиси электрон реестрдан чиқарилади ва қайта киритилмайди ҳамда ушбу таъсисчи таъсислигидаги бошқа нодавлат ташкилотлар электрон реестрга киритилмайди.

48. Техник ёки бошқа сабабларга кўра ҳисобот ойида “Эрта аралашув” ахборот модулида субсидиянинг ортиқча ёки кам ҳисобланганлиги аниқланганда, ҳисобот ойидан кейинги ойда ушбу субсидия тегишли суммалар қўшилган ёки камайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

49. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари натижасида нодавлат ташкилот томонидан болаларнинг давоматини “Эрта аралашув” ахборот модулига киритишнинг имконияти бўлмаган ҳолларда, ойлик давоматни белгилаш учун ахборот модулида қайд этилган болаларнинг сўнгги икки ҳафтадаги ўртача давомат кўрсаткичи асосида ҳисоб-китоб қилинади ва тўлаб берилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Бунда нодавлат ташкилот қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари юз берганлигини тасдиқловчи ваколатли орган томонидан бериладиган сертификатни тегишлилиги бўйича “Инсон” марказига тақдим этиши лозим.

50. Техник носозлик сабабли “Эрта аралашув” ахборот модулининг мобиль иловаси ёки махсус қурилмалар ёрдамида бола ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)ни биометрик идентификация қилиш имкони бўлмаган ҳолларда, нодавлат ташкилот мазкур ҳолат юзасидан дарҳол ўша ҳудуддаги “Инсон” марказини хабардор қилади.

Бунда болаларнинг бир ҳафтадан ортиқ бўлмаган муддатдаги давомати “Инсон” маркази томонидан тўлдириладиган болаларнинг қатнови далолатномаси асосида амалга оширилади.

51. “Инсон” маркази техник носозлик сабабли тўлдирилган болаларнинг қатнови далолатномасини ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмасдан “Эрта аралашув” ахборот модулига киритиш учун тегишли ҳудудий бошқармага тақдим этади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

52. Нодавлат ташкилотлар ва уларнинг ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан (меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам) “Эрта аралашув” хизматидан фойдаланувчиларнинг шахсига доир маълумотларининг сир сақланишини таъминлаши шарт.

53. Нодавлат ташкилотларнинг электрон реестрга киритилиши, ваучер шаклланиши, ваучерга мувофиқ хизматларнинг белгиланган талабларга мувофиқ кўрсатилиши Агентлик ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириш маркази ҳамда ҳудудий бошқармалар томонидан доимий мониторинг қилиб борилади.

54. Нодавлат ташкилотлар томонидан ушбу Низом талабларига риоя этилиши ҳар чоракда камида бир маротаба Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий инспекция ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари томонидан назорат қилиб борилади.

55. Ушбу Низомни қўллаш жараёнида юзага келган низоларни ҳал қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

56. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

“Эрта аралашув” хизмати кўрсатилишини
ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

“Эрта аралашув” хизмати кўрсатилишини ташкил этиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)	1. “Эрта аралашув” хизматидан фойдаланиш бўйича “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига, Давлат хизматлари марказига, ижтимоий ходимга мурожаат қилади. 2. Мустақил равишда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки “Ижтимоий карта” мобиль иловаси орқали сўровномани электрон тарзда тўлдиради.	Хоҳишига кўра
2-босқич	“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, Давлат хизматлари маркази, ижтимоий ходим	Боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) номидан сўровномани “Эрта аралашув” ахборот модулида электрон шаклда тўлдиради.	Мурожаат қилинган вақтда
3-босқич	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармаси	1. Бола тўғрисидаги маълумотлар ва тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаган тақдирда, боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га ваучер “Эрта аралашув” ахборот модули орқали автоматик тарзда шаклланади. 2. Ваучер шакллантирилгандан сўнг бу тўғрисида боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) хабардор қилинади.	Бир иш куни ичида Ваучер шаклланган куннинг ўзида
4-босқич	Боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)	Бевосита ўзи ёки ижтимоий ходим кўмагида ваучер орқали электрон реестрга киритилган хизмат кўрсатувчи нодавлат ташкилотни танлайди ҳамда “Эрта аралашув” ахборот модули орқали буюртма беради.	Ваучер шаклангандан бошлаб 30 кун ичида

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

5-босқич	Нодавлат ташкилот	1. “Эрта аралашув” ахборот модули орқали буюртмани қабул қилади. 2. Боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан биргаликда боланинг эрта аралашув режасини ишлаб чиқади. 3. Эрта аралашув режасига мувофиқ тегишли хизматларни кўрсатади.	Бир иш кунида Ўн иш кунида Ваучернинг амал қилиш муддати давомида

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

"Эрта аралашув" хизмати кўрсатилишини
ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

"Эрта аралашув" хизматидан фойдаланиш бўйича
СЎРОВНОМА

I. "Эрта аралашув" хизматидан фойдаланадиган бола тўғрисидаги маълумотлар	
1. Фамилияси, исми ва отасининг исми	
2. Туғилган санаси (кун, ой, йил)	
3. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома серияси ва рақами	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
5. Яшаш манзили	
6. "Эрта аралашув" хизматидан фойдаланиш учун асос бўлувчи қуйидаги ҳужжатлардан бирининг мавжудлиги: а) ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома б) оилавий шифокорнинг хулосаси* в) психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосаси	Автоматик тарзда шаклланади
II. "Эрта аралашув" хизматидан фойдаланиш истагини билдирган ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) тўғрисидаги маълумотлар	
1. Фамилияси, исми ва отасининг исми	
2. Туғилган санаси	
3. Паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (серияси ва рақами)	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
5. Яшаш манзили	
6. Телефон рақами	
7. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	

** Мазкур ҳужжатни "Рақамли ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил олиш имкони бўлмаганда, фуқародан тақдим қилиш талаб этилади.*

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

“Эрта аралашув” хизмати кўрсатилишини
ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

НАМУНА

“Эрта аралашув” хизмати харажатларини қоплаш имконини берувчи
ВАУЧЕР

№ _____

1. Боланинг Ф.И.О. _____

2. Боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома серияси ва рақами (ЖШШИР):_____ _____

3. Яшаш манзили _____

4. Бола ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг телефон рақами _____

5. “Эрта аралашув” хизматидан фойдаланиш учун асос бўлувчи ҳужжатлардан бири* _____

6. Ваучер шакллантирилган сана _____

7. Ваучер фойдаланиш муддати _____

**“Эрта аралашув” хизматидан фойдаланиш учун асос бўлувчи қуйидаги ҳужжатлардан бирининг мавжудлиги танланади:*

а) ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома

б) оилавий шифокорнинг хулосаси

в) Психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосаси

QR-код
(матрик штрихли код)

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

“Эрта аралашув” хизмати кўрсатилишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

НАМУНА

20___ йил _____ ойи учун “_____” “Эрта аралашув” хизмати кўрсатилган ҳар бир бола учун субсидия олишга
БУЮРТМАНОМА

Юридик шахс СТИРи, якка тартибдаги тадбиркор биометрик паспорт маълумотлари _____
Ҳудуд номи _____
Туман (шаҳар) номи _____
МФЙ номи _____
Уй рақами _____

Т/р	Бола тўғрисидаги маълумотлар			Ҳисобот ойида		
	Ф.И.О.	Туғилган санаси	Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома серияси ва рақами	Боланинг “Эрта аралашув” хизматига қатнаган кунлари сони	Субсидиянинг қатъий кунлик миқдори	Бола учун ажратиладиган ва тўланадиган субсидия суммаси (4 уст*5 уст)
а	*1*	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*
1.						
2.						
...						
	ЖАМИ:	**Х**	**Х**			

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “21” майдаги 271-сон қарорига
2-илова

Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиялар тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом руҳий ҳолати бузилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар (кейинги ўринларда – ногиронлиги бўлган шахслар)ни ижтимоий хизматларга йўналтириш бўйича ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссияларнинг мақсади, вазифалари ва фаолиятини ташкил этишни ҳамда ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувларни ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот модули – ногиронлиги бўлган шахсларни Ногиронлиги бўлган шахслар учун “Ғамхўрлик” марказлари (кейинги ўринларда – “Ғамхўрлик” маркази)га жойлаштириш, биридан иккинчисига ўтказиш, шунингдек, нодавлат ташкилотлар иштирокида ташкил этилган “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати, уй шароитида қараб туриш хизмати, кичик ҳажмли “Мадад” уйлари ҳамда “Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизматлари (кейинги ўринларда – муқобил ижтимоий хизматлар)га йўналтиришга доир маълумотларни ўзида акс эттириш, бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги маълумотлар базаси;

апелляция кенгаши – ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиянинг ногиронлиги бўлган шахсларни “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш ёки муқобил ижтимоий хизматларга йўналтиришга доир хулосаларини ўрганиш, ижтимоий-психиатрик-тиббий текширув натижалари бўйича шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда “Ғамхўрлик” марказларининг биридан иккинчисига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида Агентлик ҳузурида ташкил этиладиган коллегиал-маслаҳат органи;

Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссия (кейинги ўринларда – ИПТК) – ногиронлиги бўлган шахсларни “Ғамхўрлик” марказига жойлаштириш, шунингдек, муқобил ижтимоий хизматларга йўналтириш учун тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ҳамда уларни ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) ҳузурида ташкил этиладиган доимий асосда фаолият юритувчи коллегиал орган;

ижтимоий-психиатрик-тиббий текширув – ногиронлиги бўлган шахслар соғлиғининг умумий ҳолати ва ижтимоий, руҳий (психиатрия) аҳволини комплекс равишда ўрганиш, баҳолаш, кўрикдан ўтказиш ва текшириш жараёни;

нодавлат ташкилотлар – юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар.

3. ИПТК ўз фаолиятини холислик, шаффофлик, ошкоралик ва бамаслаҳат ишлаш тамойиллари асосида, юридик шахс мақомисиз, доимий фаолият кўрсатувчи коллегиал орган шаклида олиб боради.

2-боб. ИПТКнинг мақсад ва вазифалари

4. ИПТКнинг асосий мақсади ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий-психиатрик-тиббий жиҳатдан текширувдан ўтказиш ҳамда текширув натижалари бўйича уларни “Ғамхўрлик” марказлари ёки муқобил ижтимоий хизматларга йўналтириш учун хулоса бериш ҳисобланади.

5. ИПТК қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ногиронлиги бўлган шахсларни “Ғамхўрлик” марказлари ёки муқобил ижтимоий хизматларга йўналтириш учун тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ногиронлиги бўлган шахсларни уларнинг қонуний вакили иштирокида ижтимоий-психиатрик-тиббий жиҳатдан текширувдан ўтказади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғи ва руҳий ҳолатидаги бузилишларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганади;

диспансер кузатувида турган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ягона электрон реестри орқали ногиронлиги бўлган шахсларга қўйилган ташхиснинг ишончлилигини ўрганади;

“Ғамхўрлик” марказлари ёки кичик ҳажмли “Мадад” уйлари хизматига йўналтириладиган ногиронлиги бўлган шахс ва унинг оиласини ижтимоий ҳолати баҳолашдан ўтказилганлигини ўрганади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг парвариш ва қараб туришга бўлган эҳтиёжлари асосида уларни “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш, биридан иккинчисига ўтказиш, шунингдек, муқобил ижтимоий хизматларга йўналтириш учун хулоса беради.

ИПТК қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

3-боб. ИПТК фаолиятини ташкил этиш

6. ИПТК таркиби ҳудудий бошқармалар ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг (кейинги ўринларда – ССВ ҳудудий бўлинмалари) биргаликдаги қўшма қарори асосида ҳар йили 1 февралга қадар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ намунавий таркибда тузилади ва тасдиқланади.

7. ИПТКга ССВ ҳудудий бўлинмаларидан жалб қилинган мутахассисларга ИПТК йиғилиши ўтказилган ой учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдорида Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳудудий бошқармалар томонидан ҳақ тўланади.

8. ИПТКга раис – Агентлик ҳудудий бошқармасининг бошлиғи ўринбосари раҳбарлик қилади.

Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар филиаллари бош шифокор-психиатри ИПТК комиссия раисининг ўринбосари ҳисобланади.

9. ИПТК раиси:

ушбу Низомга мувофиқ ИПТК ишини ташкил этади ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилади;

ИПТК аъзоларига бажарилиши мажбурий бўлган топшириқлар беради ва уларни назорат қилади;

ИПТКнинг иш жадвалини тасдиқлайди;

ИПТК йиғилишини ўтказиш даврийлигини, вақти ва жойини белгилайди;

ИПТК фаолиятини такомиллаштириш бўйича Агентликка таклифларни киритади.

10. ИПТК раиси қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

ИПТК фаолиятини ушбу Низомга мувофиқ ташкил этиш;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлар ошкор этмаслигини таъминлаш;

ИПТК йиғилишларини ўтказишда ногиронлиги бўлган шахслар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш.

11. ИПТК йиғилишларида унинг барча аъзолари иштирок этиши шарт.

Бунда ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ намунавий таркибда тасдиқланган рўйхатдаги мутахассис иштирок эта олмаган тақдирда, ССВ ҳудудий бўлинмаси томонидан ушбу соҳадаги бошқа мутахассис ишончнома асосида юборилади. Бу ҳақда ИПТК камида беш кун олдин хабардор қилинади.

12. ИПТК йиғилиши натижалари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар билан боғлиқ маълумотлар махфий ҳисобланади. Бунда ногиронлиги бўлган шахслар қонуний вакилларининг розилигисиз ушбу маълумотларнинг бошқа шахсларга берилишига йўл қўйилмайди, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. ИПТК томонидан ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувларни ўтказиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний вакилларига ИПТК мутахассислари томонидан маслаҳатлар бериш бепул амалга оширилади.

14. ИПТК котиби ногиронлиги бўлган шахсларни текширувдан ўтказиш баённомаларининг асл нусхалари сақланишини таъминлайди.

4-боб. Ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтиш учун мурожаат қилиш ва ИПТКнинг хулосасини бериш тартиби

1-§. Мурожаатларни қабул қилиш ва ИПТКга юбориш

15. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний вакиллари (кейинги ўринларда – аризачи) ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказиш учун “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази), Давлат хизматлари марказига ёки ижтимоий ходимга ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, “Инсон” маркази ёки Давлат хизматлари марказининг масъул ходими ёхуд ижтимоий ходим аризачи номидан ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёхуд “Ижтимоий карта” мобиль иловаси орқали мурожаат қилинганда – аризачи мустақил равишда мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради. Бунда сўровнома тўлдирилишида аризачи томонидан қуйидаги ижтимоий хизматлардан бири танланиши лозим:

ногиронлиги бўлган шахсни “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматига йўналтириш;

ногиронлиги бўлган шахсни уй шароитида қараб туриш хизматига йўналтириш;

ногиронлиги бўлган шахсни “Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизматига йўналтириш;

ногиронлиги бўлган шахсни кичик ҳажмли “Мадад” уйи хизматига жойлаштириш;

ногиронлиги бўлган шахсни “Ғамхўрлик” марказига жойлаштириш.

Сўровномага танланган ижтимоий хизмат туридан келиб чиқиб, мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

16. Мазкур Низомнинг 15-бандига мувофиқ танланган ижтимоий хизматга қуйидаги тоифадаги шахслар қабул қилинади:

а) “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати бўйича қуйидаги ташхисларнинг бири қўйилган ногиронлиги бўлган шахслар:

мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71);

оғир даражадаги ақлий заифлик (F72);

чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73);

деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03);

б) уй шароитида қараб туриш хизмати бўйича қуйидаги ташхисларнинг бири қўйилган ногиронлиги бўлган шахслар:

деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03);

чуқур ақлий заифлик (F73);

в) “Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизмати бўйича қуйидаги ташхисларнинг бири қўйилган ногиронлиги бўлган шахслар:

мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71);

оғир даражадаги ақлий заифлик (F72);

чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73);

деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03);

г) кичик ҳажмли “Мадад” уйи хизмати бўйича қуйидаги ташхисларнинг бири қўйилган, шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси (Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича) 62 баллгача баҳоланган ногиронлиги бўлган шахслар:

мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71);

оғир даражадаги ақлий заифлик (F72);

чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73);

деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03);

д) “Ғамхўрлик” марказига жойлаштириш бўйича қуйидаги ташхисларнинг бири қўйилган ногиронлиги бўлган шахслар:

мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71);

оғир даражадаги ақлий заифлик (F72);

чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73);

деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03).

17. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг аризачи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон рақамли имзо, Face-ID, Mobile-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди. Бунда аризачи томонидан сўровноманинг тасдиқланиши у ва ногиронлиги бўлган шахсга тегишли шахсга доир маълумотларни олиш ва ишлов беришга розиликни билдиради.

Аризачи ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

18. Сўровномани кўриб чиққанлик учун тўлов ундирилмайди.

19. Сўровнома тасдиқлангандан сўнг унга илова қилинадиган ҳужжатлар билан бирга шу куннинг ўзида ахборот модули орқали “Инсон” марказига келиб тушади.

20. “Инсон” маркази сўровнома қабул қилиб олинганидан сўнг танланган ижтимоий хизматнинг туридан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга оширади:

1) ногиронлиги бўлган шахсни “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати, уй шароитида қараб туриш хизмати ёки “Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизматидан бирига йўналтириш бўйича:

а) бир иш кунида ногиронлиги бўлган шахс бўйича шакллантирилган ҳужжатларни ўрганади ҳамда рад этиш асослари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳамда ногиронлиги бўлган шахсга ногиронлик белгиланишидан аввал шахсларни кундалик ҳаётдаги фаоллиги ва иштироки (кейинги ўринларда – функционаллик) баҳолашдан ўтказилганлигини аниқлайди;

б) функционаллиги баҳолашдан ўтказилмаган ёки функционаллиги баҳолашдан ўтказилганига олти ойдан кўп муддат ўтган ногиронлиги бўлган шахсни Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг ногиронликни баҳолаш шкаласининг (WHODAS 2.0) маҳаллий шарт-шароитларига мослаштирилган мезонлари асосида беш иш куни ичида баҳолашдан ўтказади. Бунда функционалликни баҳолаш натижаларини ахборот модулида шакллантиради;

в) ногиронлиги бўлган шахс бўйича шакллантирилган ҳужжатларда рад этиш асослари аниқланмаган тақдирда, ногиронлиги бўлган шахс тўғрисидаги маълумот ва ҳужжатлари ҳамда функционалликни баҳолаш натижаларини бир иш куни ичида ИПТКга ахборот модули орқали юборади, бундан уй шароитида қараб туриш хизмати мустасно.

Бунда ногиронлиги бўлган шахснинг функционаллигини баҳолаш натижалари Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг ногиронликни баҳолаш шкаласи (WHODAS 2.0) бўйича 60 баллдан юқори бўлган тақдирда ушбу шахс уй шароитида қараб туриш хизматига йўналтирилиши мумкин бўлган шахс сифатида унинг маълумот ва ҳужжатлари бир иш куни ичида ИПТКга ахборот модули орқали юборилади;

г) ногиронлиги бўлган шахсларнинг маълумотлари ва ҳужжатлари ИПТКга юборилганлиги ёки сўровнома рад этилганлиги тўғрисида аризачини сўровномада кўрсатилган мобил алоқа воситасига СМС-хабарнома, ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали мурожаат қилинган тақдирда эса ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобил иловасидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилади;

2) ногиронлиги бўлган шахсларни кичик ҳажмли “Мадад” уйи хизматига жойлаштириш бўйича:

а) бир иш кунида ногиронлиги бўлган шахс бўйича шакллантирилган ҳужжатларни ўрганади ҳамда рад этиш асослари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳамда ногиронлиги бўлган шахсга ногиронлик белгиланишидан аввал шахсларни кундалик ҳаётдаги фаоллиги ва иштироки (кейинги ўринларда – функционаллик) баҳолашдан ўтказилганлигини аниқлайди;

б) функционаллиги баҳолашдан ўтказилмаган ёки функционаллиги баҳолашдан ўтказилганига олти ойдан кўп муддат ўтган ногиронлиги бўлган шахсни Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг ногиронликни баҳолаш шкаласининг (WHODAS 2.0) маҳаллий шарт-шароитларига мослаштирилган мезонлари асосида беш иш куни ичида баҳолашдан ўтказади. Бунда функционалликни баҳолаш натижаларини ахборот модулида шакллантиради;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

в) ногиронлиги бўлган шахс бўйича шакллантирилган ҳужжатларда рад этиш асослари аниқланмаганда ҳамда функционалликни баҳолаш натижаларини ахборот модулида шакллантирганидан сўнг беш иш куни мобайнида “Инсон” марказининг ходими, оилавий шифокор ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисидан иборат мультидисциплинар гуруҳ Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарори билан тасдиқланган Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни эътироф этиш, индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасини тасдиқлаш ва мониторинг қилишнинг маъмурий регламентига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси ва яшаш шароитларини баҳолайди, шунингдек, унинг натижалари тўғрисидаги хулосани ахборот модулига киритади;

г) ногиронлиги бўлган шахснинг ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси (Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича)нинг баҳолаш натижалари 62 баллгача бўлганда ногиронлиги бўлган шахс тўғрисидаги маълумот ва ҳужжатлар ҳамда функционалликни баҳолаш натижаларини бир иш куни ичида ИПТКга ахборот модули орқали юборади. Бунда ногиронлиги бўлган шахснинг ўзгалар парваришига муҳтожлик даражасининг баҳолаш натижаси 62 баллдан юқори бўлганда аризачининг сўровномасини рад этади;

д) ногиронлиги бўлган шахсларнинг маълумотлари ва ҳужжатлари ИПТКга юборилганлиги ёки сўровнома рад этилганлиги тўғрисида аризачини сўровномада кўрсатилган мобил алоқа воситасига СМС-хабарнома, ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали мурожаат қилинган тақдирда эса ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобил иловасидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилади;

3) ногиронлиги бўлган шахсни “Ғамхўрлик” марказига жойлаштириш бўйича:

а) бир иш кунида ногиронлиги бўлган шахс бўйича шакллантирилган ҳужжатларни ўрганади ҳамда рад этиш асослари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳамда ногиронлиги бўлган шахсга ногиронлик белгиланишидан аввал шахсларни кундалик ҳаётдаги фаоллиги ва иштироки (кейинги ўринларда – функционаллик) баҳолашдан ўтказилганлигини аниқлайди;

б) функционаллиги баҳолашдан ўтказилмаган ёки функционаллиги баҳолашдан ўтказилганига олти ойдан кўп муддат ўтган ногиронлиги бўлган шахсни Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг ногиронликни баҳолаш шкаласининг (WHODAS 2.0) маҳаллий шарт-шароитларига мослаштирилган мезонлари асосида беш иш куни ичида баҳолашдан ўтказади. Бунда функционалликни баҳолаш натижаларини ахборот модулида шакллантиради;

в) ногиронлиги бўлган шахс бўйича шакллантирилган ҳужжатларда рад этиш асослари аниқланмаганда ҳамда функционалликни баҳолаш натижаларини ахборот модулида шакллантирганидан сўнг ногиронлиги бўлган шахсларни “Ғамхўрлик” марказига навбатсиз ёки навбат асосида жойлаштириладиган шахслар тоифасига ажратади. Бунда:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

қуйидаги асосларнинг барчаси бир пайтнинг ўзида мавжуд бўлганда ногиронлиги бўлган шахсларни “Ғамхўрлик” марказига навбатсиз жойлаштириладиган шахслар тоифасига киритади:

ногиронлиги бўлган шахс ўзгалар парваришига муҳтож бўлганда;

ногиронлиги бўлган шахснинг оила аъзолари, шунингдек, яқин қариндошлари мавжуд бўлмаганда;

ногиронлиги бўлган шахснинг эгалигида турар жойи мавжуд бўлмаганда ёки яшаш учун яроқсиз ҳолатидаги тураржойда яшаётган бўлса.

Мазкур кичик бандниг учинчи–бешинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлмаган тақдирда ногиронлиги бўлган шахсларни “Ғамхўрлик” марказига навбат асосида жойлаштириладиган шахслар тоифасига киритади.

“Ғамхўрлик” марказига навбатсиз жойлаштириладиган шахслар тоифасига киритилган ногиронлиги бўлган шахслар учун мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ қўшимча ҳужжатларни беш иш куни ичида аризачидан талаб қилиб олади;

г) “Ғамхўрлик” марказига навбатсиз ёки навбат асосида жойлаштириладиган шахслар тоифасига ажратилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг маълумотлари ва ҳужжатлари ҳамда функционалликни баҳолаш натижаларини мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакллантирилганидан сўнг бир иш куни ичида ахборот модули орқали ИПТКга юборади;

д) ногиронлиги бўлган шахсларнинг маълумотлари ва ҳужжатлари ИПТКга юборилганлиги ёки сўровнома рад этилганлиги тўғрисида аризачини сўровномада кўрсатилган мобил алоқа воситасига СМС-хабарнома, ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали мурожаат қилинган тақдирда эса ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобил иловасидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилади.

21. Қуйидагилар ИПТК томонидан аризачининг сўровномасини рад этиш учун асос бўлади:

ногиронлиги бўлган шахс сўровномада танланган хизмат тури учун белгиланган ташхис ва тоифага мувофиқ бўлмаганда;

ушбу Низомга 3-иловага кўрсатилган маълумот ва ҳужжатлар илова қилинмаганда ёки уларда камчиликлар ва номувофиқликлар аниқланганда;

аризачи томонидан хизматдан фойдаланишни рад этиш тўғрисида ариза берилганда.

ИПТК томонидан аризачининг сўровномасини бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

22. Мазкур Низомнинг 21-бандида назарда тутилган асосларга кўра сўровнома рад этилган ҳолларда аризачи бу тўғрисида сўровномада кўрсатилган мобиль алоқа воситасига СМС-хабарнома, ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобиль иловаси орқали мурожаат қилинган тақдирда эса ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобиль иловасидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

2-§. Ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувини ўтказиш ва ИПТК хулосасини бериш

23. Ногиронлиги бўлган шахслар бўйича шакллантирилган маълумот ва ҳужжатлар ахборот модули орқали ИПТКга келиб тушгандан сўнг ИПТК котиби беш иш куни ичида ҳужжатларнинг тўлиқлигини ва тўғри расмийлаштирилганлигини ўрганади.

Ўрганиш натижаларига кўра ногиронлиги бўлган шахс бўйича шакллантирилган маълумот ва ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаган тақдирда, улар ахборот модули орқали қабул қилиб олинади ва ИПТКнинг навбатдаги йиғилишига киритилади.

Ногиронлиги бўлган шахс бўйича шакллантирилган маълумот ва ҳужжатларда камчиликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, улар камчиликлари кўрсатилган ҳолда "Инсон" марказига ахборот модули орқали қайтарилади.

Бунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг маълумот ва ҳужжатларидаги камчиликлар "Инсон" маркази томонидан аризачи билан биргаликда бартараф этилган ҳолда ИПТКга мазкур бобнинг 1-параграфида белгиланган тартибда юборилади.

24. ИПТК йиғилишлари ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказиладиган ногиронлиги бўлган шахслар сонидан қатъи назар, икки ойда камида бир марта ўтказилиши лозим.

25. ИПТК йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи белгилангандан сўнг ИПТК йиғилиши ўтказилишидан камида уч кун олдин ИПТК котиби ИПТК аъзоларини ахборот модули орқали, ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний вакилларини эса СМС-хабарнома, ЯИДХП ёки "Ижтимоий карта" мобиль иловаси орқали мурожаат қилинган тақдирда эса ЯИДХП ёки "Ижтимоий карта" мобиль иловасидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний вакиллари ИПТК йиғилиши белгиланган сана ва вақтда ногиронлиги бўлган шахсни ИПТК йиғилиши бўлиб ўтадиган жойга олиб келмаган тақдирда, уларнинг ҳужжатлари ИПТК йиғилиши ўтказилган кунинг эртасига ахборот модули орқали "Инсон" марказига қайтарилади ҳамда бу тўғрисида ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний вакили СМС-хабарнома, ЯИДХП ёки "Ижтимоий карта" мобиль иловаси орқали мурожаат қилинган тақдирда эса ЯИДХП ёки "Ижтимоий карта" мобил иловасидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

26. ИПТК йиғилишлари улар жойлашган биноларда, ҳудудларга чиқиб сайёр тартибда, шахс соғлигининг ҳолатига кўра ИПТКга келиш имкони бўлмаган ҳолатда шахснинг уйида ёки даволанишда бўлган тақдирда, стационарда ўтказилади.

Бунда ИПТК котиби “Инсон” маркази билан биргаликда мазкур Низомнинг 25-бандида белгиланган муддатда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳужжатлари, ҳолати ҳамда жойлашган ҳудудини ўрганиш орқали мазкур бандниng биринчи хатбошисига мувофиқ ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказиладиган ногиронлиги бўлган шахсларнинг рўйхатини шакллантиради.

27. Ижтимоий-психиатрик-тиббий текширув ногиронлиги бўлган шахс жойлашган ҳудуддаги ИПТК томонидан ИПТК аъзоларининг тўлиқ таркибида ўтказилади.

28. ИПТКнинг хулосалари коллегиал тартибда, аъзоларининг оддий кўпчилик овози асосида қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Бунда овозлар тенг бўлганда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

29. ИПТК томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказиш ногиронлиги бўлган шахслар бўйича шакллантирилган маълумот ва ҳужжатларни ўрганиш ҳамда шахсни кўрикдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

30. ИПТКнинг йиғилишида ногиронлиги бўлган шахслар уларнинг тиббий картасида кўрсатилган маълумотлар асосида ИПТКнинг ҳар бир мутахассиси томонидан якка тартибда ёки бир нечта мутахассислар томонидан бир вақтда ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказилади.

Бунда ижтимоий-психиатрик-тиббий текширув ўтказилишида Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг WHODAS саволномаси қўлланилади ҳамда “Инсон” маркази томонидан ўтказиладиган функционалликни баҳолаш натижалари ўрганилади.

31. ИПТК томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказишда уларнинг индивидуал хусусиятлари, тоифаси, ёши, жинси ва ижтимоий-психиатрик-тиббий ҳолати ҳамда ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ тиббий кўрсатмалар ҳисобга олиниши лозим.

32. Ижтимоий-психиатрик-тиббий текширув натижалари ИПТК баённомасида йиғилиш ўтказилган кунда расмийлаштирилади ҳамда унинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

ИПТК баённомаси имзолангандан сўнг ИПТК хулосаси уч иш кунида ахборот модулида расмийлаштирилади.

33. Ижтимоий-психиатрик-тиббий текширув натижалари бўйича ИПТК қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилади:

ногиронлиги бўлган шахсни сўровномада танланган ижтимоий хизматга йўналтириш;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

ногиронлиги бўлган шахсни сўровномада танланган хизматдан бошқа хизматга йўналтириш (бундан “Ғамхўрлик” маркази ёки кичик ҳажмли “Мадад” уйига жойлаштириш мустасно);

ногиронлиги бўлган шахсни ижтимоий хизматга йўналтиришни рад этиш.

34. ИПТК томонидан берилган хулосаларнинг тўғрилиги ҳамда асосланганлиги бўйича ИПТК аъзолари биргаликда жавобгар ҳисобланади.

35. ИПТК хулосасида қуйидагилар кўрсатилади:

ногиронлиги бўлган шахс ҳамда унинг қонуний вакилининг паспорт (идентификацияловчи ID-карта) маълумотлари;

ногиронлиги бўлган шахс ва (ёки) қонуний вакилларнинг яшаш манзили ҳақида маълумотлар;

ногиронлиги бўлган шахсга қўйилган ташхис (Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 шифрини кўрсатган ҳолда);

ногиронлиги бўлган шахсга тавсия этилган ижтимоий хизмат тури ва ижтимоий хизматдан фойдаланиш муддати.

ИПТК хулосасининг шакли Агентлик томонидан тасдиқланади.

36. Ногиронлиги бўлган шахсларни “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш, кичик ҳажмли “Мадад” уйи хизмати, “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати, уй шароитида қараб туриш хизмати ёки “Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизматларидан бирига йўналтиришга қаратилган ИПТК хулосаси расмийлаштирилганда мазкур хулоса бир иш куни ичида ахборот модули орқали ногиронлиги бўлган шахснинг яшаш манзилидаги “Инсон” марказига юборилади ҳамда бу тўғрисида ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний вакили СМС-хабарнома, ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобиль иловаси орқали мурожаат қилинган тақдирда эса ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобиль иловасидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

37. ИПТК йиғилишларида Агентлик ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг вакиллари овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиши мумкин.

38. Ногиронлиги бўлган шахсга тавсия этилган ижтимоий хизмат тури бўйича ижтимоий хизматдан фойдаланиш муддати тугаган ҳолларда уни ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказиш ушбу Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда амалга оширилади.

39. ИПТК хулосаларнинг тўғрилиги ва асослилиги Агентлик томонидан тузиладиган Апелляция кенгаши томонидан ўрганиб борилади.

40. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний вакили ИПТК хулосасидан норози бўлган тақдирда, у бир ой муддат ичида Апелляция кенгашига мурожаат қилиши мумкин.

41. Апелляция кенгашига шикоят тушган ҳолларда кейинги ўн иш кун мобайнида ногиронлиги бўлган шахсни қайта ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бунда:

қайта ижтимоий-психиатрик-тиббий текширув бошқа ҳудуддаги ИПТК аъзоларини жалб қилиш орқали амалга оширилади;

қайта ижтимоий-психиатрик-тиббий текширув натижалари бўйича хулоса ахборот модулига киритилади ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний вакили СМС-хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

42. ИПТК фаолияти устидан назорат Агентлик ва Ижтимоий инспекция томонидан амалга оширилади.

43. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Ижтимоий-психиатрик-тиббий
комиссиялар тўғрисидаги низомга
1-илова

Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссияларнинг НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

Лавозими бўйича – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари бошлиғининг ўринбосари – Ногиронлиги бўлган шахсларни функционаллигини баҳолаш шуъбаси мудири, *комиссия раиси*

Лавозими бўйича – Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри филиаллари шифокор-психиатри *(келишув асосида)*

Лавозими бўйича – Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри филиаллари шифокор-психиатри *(келишув асосида)*

Лавозими бўйича – невролог *(келишув асосида)*

Лавозими бўйича – терапевт *(келишув асосида)*

Лавозими бўйича – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармаларининг тегишли соҳавий таркибий бўлинмаси масъул ходими

Лавозими бўйича – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармаларининг тегишли соҳавий таркибий бўлинмаси масъул ходими *(ҳуқуқшунос)*

Лавозими бўйича – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармаларининг тегишли соҳавий таркибий бўлинмаси масъул ходими, *комиссия котиби*

Изоҳ. *1) комиссия котиби овоз бериш ҳуқуқига эга эмас;*
2) Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссияларнинг таркибига тегишли соҳа вакиллари ва мутахассислар жалб этилиши мумкин.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Ижтимоий-психиатрик-тиббий
комиссиялар тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

Ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтиш учун
СЎРОВНОМА

_____ _____
(сана) *(рақам)*

I. Ногиронлиги бўлган шахснинг қонуний вакили тўғрисида маълумотлар:	
1. Ф.И.О.	
2. Туғилган йили ва санаси	
3. Доимий рўйхатдан ўтган жойи	
4. Паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (серияси ва рақами)	
5. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
6. Электрон почта манзили *(мавжуд бўлганда)*	
7. Телефон рақами	
II. Ногиронлиги бўлган шахс тўғрисида маълумотлар:	
1. Ф.И.О.	
2. Туғилган йили ва санаси	
3. Доимий рўйхатдан ўтган жойи	
4. Вақтинчалик яшаш жойи*	
5. Паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (серияси ва рақами)	
6. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
7. Ижтимоий хизмат тури	Қуйидаги ижтимоий хизматлардан бири танланади: Ногиронлиги бўлган шахслар учун “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш; Кичик ҳажмли “Мадад” уйлари хизмати; “Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизмати; Уй шароитида қараб туриш хизмати; “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати.

** Агар ногиронлиги бўлган шахснинг доимий рўйхатдан ўтган жойи ва амалда яшайдиган жойи бошқа бўлса, ушбу позицияга ногиронлиги бўлган шахснинг амалда яшайдиган жойи тўғрисидаги маълумотлар киритилади.*

Шахсга доир маълумотлар мустақил равишда “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Ижтимоий-психиатрик-тиббий
комиссиялар тўғрисидаги низомга
3-илова

Ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтиш учун сўровномага илова қилинадиган ҳужжатлар
РЎЙХАТИ

I. Ногиронлиги бўлган шахслар учун “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш бўйича:*

1. Амбулатор-поликлиника муассасасининг бош врачи томонидан имзоланган беморнинг тиббий картасидан батафсил кўчирма (027-шакл), қуйидаги мутахассисларнинг хулосалари билан бирга:

беморнинг умумий ҳолати тўғрисида оилавий шифокорнинг хулосаси;

амбулатор-поликлиника муассасасининг психиатр хулосаси.

2. Касаллик тарихидан кўчирма (руҳий-асаб касалликлари шифохонанинг охирги 5 (беш) йил давомида даволанганлиги тўғрисида).

3. Ногиронлиги бўлган шахсга васий тайинлаш тўғрисидаги қарор.

4. Шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги суд қарори.

II. “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати ва уй шароитида қараб туриш хизмати бўйича:

1. Амбулатор-поликлиника муассасасининг бош врачи томонидан имзоланган беморнинг тиббий картасидан батафсил кўчирма (027-шакл), қуйидаги мутахассисларнинг хулосалари билан бирга:

беморнинг умумий ҳолати тўғрисида оилавий шифокорнинг хулосаси;

амбулатор-поликлиника муассасасининг психиатр хулосаси.

2. Касаллик тарихидан кўчирма (руҳий-асаб касалликлари шифохонанинг охирги 5 (беш) йил давомида даволанганлиги тўғрисида).

III. Кичик ҳажмли “Мадад” уйлари хизмати ва “Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизмати жойлаштириш бўйича:

1. Амбулатор-поликлиника муассасасининг бош врачи томонидан имзоланган беморнинг тиббий картасидан батафсил кўчирма (027-шакл), қуйидаги мутахассисларнинг хулосалари билан бирга:

беморнинг умумий ҳолати тўғрисида оилавий шифокорнинг хулосаси;

амбулатор-поликлиника муассасасининг психиатр хулосаси.

2. Касаллик тарихидан кўчирма (руҳий-асаб касалликлари шифохонанинг охирги 5 (беш) йил давомида даволанганлиги тўғрисида).

3. Қоннинг умумий таҳлили.

4. Сийдик умумий таҳлили.

5. Қоннинг PW (Вассерман реакцияси) таҳлили.

6. “B” ва “C” гепатитларнинг (HBcAг, HCB) маркерларини аниқловчи қон таҳлили.

7. Қоннинг ОИВ билан зарарланиши тўғрисида таҳлили (ОИТСга қарши кураш марказидан).

8. Кўкрак қафаси аъзоларининг флюорографияси (текширилувчининг фамилияси, исми шарифи ҳамда текширувнинг тартиб рақами ва ўтказилган сана кўрсатилади).

9. Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар филиаллари Тиббий-маслаҳат комиссияси хулосаси.

10. Силга қарши курашиш диспансери хулосаси.

11. Онкологик диспансер хулосаси.

12. Тери-таносил касалликлари диспансери хулосаси.

13. ОИТСга қарши кураш марказининг хулосаси.

14. Ногиронлиги бўлган шахсга васий тайинлаш тўғрисидаги қарор.

15. Шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги суд қарори.

Изоҳ.

** Ногиронлиги бўлган шахслар учун “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштиришда навбатсиз жойлаштириладиган ногиронлиги бўлган шахслар тоифасига киритилган ногиронлиги бўлган шахслар учун қуйидаги ҳужжатлар қўшимча равишда талаб қилинади:*

қоннинг умумий таҳлили;

сийдик умумий таҳлили;

қоннинг PW (Вассерман реакцияси) таҳлили;

“B” ва “C” гепатитларнинг (HBcAг, HCB) маркерларини аниқловчи қон таҳлили;

қоннинг ОИВ билан зарарланиши тўғрисида таҳлили (ОИТСга қарши кураш марказидан);

кўкрак қафаси аъзоларининг флюорографияси (текширилувчининг фамилияси, исми шарифи ҳамда текширувнинг тартиб рақами ва ўтказилган сана кўрсатилади);

Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар филиаллари Тиббий-маслаҳат комиссияси хулосаси;

силга қарши курашиш диспансери хулосаси;

онкологик диспансер хулосаси;

тери-таносил касалликлари диспансери хулосаси;

ОИТСга қарши кураш марказининг хулосаси;

ногиронлиги бўлган шахсга васий тайинлаш тўғрисидаги қарор;

шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги суд қарори.

*** Қуйидаги маълумот ва ҳужжатлар "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" ахборот тизимидан "Рақамли ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграцион платформаси орқали мустақил равишда олинади:*

ногиронлиги бўлган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар;

васийнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар;

пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжудлиги ҳақида маълумот;

ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома;

руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома;

васийга тегишли бўлган мол-мулк мавжудлиги;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг яқин қариндошлари ҳақидаги маълумотлар;

ногиронлиги бўлган шахсга васийлик белгилашга доир қарор.

Мазкур бандда назарда тутилган маълумотларни "Рақамли ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграцион платформасидан олиш имкони бўлмаганда тегишли ҳужжатлар аризачидан талаб қилиб олиниши мумкин.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Ижтимоий-психиатрик-тиббий
комиссиялар тўғрисидаги низомга
4-илова

Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссия хулосасини бериш учун асос бўладиган тиббий кўрсатмалар РЎЙХАТИ

Т/р	Ижтимоий хизматларнинг тури	Ногиронлиги бўлган шахсга қўйилган ташхис (Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10)	Қарши тиббий кўрсатмалар
1.	“Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш	1. Мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71). 2. Оғир даражадаги ақлий заифлик (F72). 3. Чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73). 4. Деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03).	1. Тез-тез, ҳар ойда 5 мартадан кўп тутқаноқ хуружлари содир бўладиган эпилепсия, серияли тутқаноқ хуружларига, эпилептик статусга, намозшомсимон онг хиралашиш ҳолатларига, дисфорияларга мойиллик. 2. Беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ва хулқий бузилишлар сабаб бўладиган руҳий касалликлар. 3. Жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги. 4. Юқумли тери ва соч касалликлари. 5. Ўткир юқумли касалликлар. 6. Салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари. 7. Таносил касалликлари.
2.	Кичик ҳажмли “Мадад” уйлари хизмати	1. Мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71). 2. Оғир даражадаги ақлий заифлик (F72). 3. Чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73). 4. Деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03).	1. Тез-тез, ҳар ойда 5 мартадан кўп тутқаноқ хуружлари содир бўладиган эпилепсия, серияли тутқаноқ хуружларига, эпилептик статусга, намозшомсимон онг хиралашиш ҳолатларига, дисфорияларга мойиллик. 2. Беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ва хулқий бузилишлар сабаб бўладиган руҳий касалликлар. 3. Жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги. 4. Юқумли тери ва соч касалликлари. 5. Ўткир юқумли касалликлар. 6. Салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари. 7. Таносил касалликлари.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Т/р	Ижтимоий хизматларнинг тури	Ногиронлиги бўлган шахсга қўйилган ташхис (Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10)	Қарши тиббий кўрсатмалар
3.	“Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизмати	1. Мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71). 2. Оғир даражадаги ақлий заифлик (F72). 3. Чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73). 4. Деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03).	1. Тез-тез, ҳар ойда 5 мартадан кўп тутқаноқ хуружлари содир бўладиган эпилепсия, серияли тутқаноқ хуружларига, эпилептик статусга, намозшомсимон онг хиралашиш ҳолатларига, дисфорияларга мойиллик. 2. Беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ва хулқий бузилишлар сабаб бўладиган руҳий касалликлар. 3. Жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги. 4. Юқумли тери ва соч касалликлари. 5. Ўткир юқумли касалликлар. 6. Салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари. 7. Таносил касалликлари.
4.	Уй шароитида қараб туриш хизмати	1. Деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03). 2. Чуқур ақлий заифлик (F73).	1. Шизофрения, шизотипик ва алаҳлашли бузилишлар. 2. Беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ва хулқий бузилишлар сабаб бўладиган руҳий касалликлар. 3. Ўткир юқумли касалликлар.
5.	“Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати	1. Мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71). 2. Оғир даражадаги ақлий заифлик (F72). 3. Чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73). 4. Деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03).	1. Тез-тез, ҳар ойда 5 мартадан кўп тутқаноқ хуружлари содир бўладиган эпилепсия, серияли тутқаноқ хуружларига, эпилептик статусга, намозшомсимон онг хиралашиш ҳолатларига, дисфорияларга мойиллик. 2. Беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ва хулқий бузилишлар сабаб бўладиган руҳий касалликлар. 3. Жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги. 4. Юқумли тери ва соч касалликлари. 5. Ўткир юқумли касалликлар. 6. Салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари. 7. Таносил касалликлари.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “21” майдаги 271-сон қарорига
3-илова

Ногиронлиги бўлган шахслар учун “Ғамхўрлик” марказлари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг руҳий ҳолати бузилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар (кейинги ўринларда – ногиронлиги бўлган шахслар) учун “Ғамхўрлик” марказлари (кейинги ўринларда – Марказ)нинг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Агентликнинг буйруқларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, ушбу Низомга, шунингдек ўз уставларига амал қилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

апелляция кенгаши – Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиянинг ногиронлиги бўлган шахсларни “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш ёки муқобил ижтимоий хизматларга йўналтиришга доир хулосаларини ўрганиш, ижтимоий-психиатрик-тиббий текширув натижалари бўйича шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда “Ғамхўрлик” марказларининг биридан иккинчисига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида Агентлик ҳузурида ташкил этиладиган коллегиал-маслаҳат органи;

ахборот модули – ногиронлиги бўлган шахсларни Марказларга жойлаштириш, шунингдек биридан иккинчисига ўтказиш, давлат хусусий шериклик асосида ташкил этилган кичик ҳажмли уйларда қараб туриш ва парваришлаш хизматига йўналтиришга доир маълумотларни ўзида акс эттириш, бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги маълумотлар базаси;

ихтисослаштирилган ижтимоий хизматлар – ногиронлиги бўлган шахсларга қараб туриш ва парваришлаш хизматларини кўрсатиш, уларнинг маиший, касбий ва коммуникатив кўникмаларини шакллантириш орқали нормал ҳаёт кечириш имкониятини яратиш ҳамда жамиятга ижтимоийлашувини йўлга қўйишга қаратилган ижтимоий реабилитация хизматлари;

Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссия – туман (шаҳар)лардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази) томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни Марказларга жойлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ҳамда

уларни ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказиш мақсадида Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) ҳузурида юридик шахс мақомисиз ташкил этиладиган доимий асосда фаолият юритувчи коллегиал орган;

оила аъзолари – ота-она, турмуш ўртоқ, фарзандлар ҳамда умумий рўзғор асосида бир уйда яшовчи бошқа шахслар.

4. Марказлар Агентлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан келишган ҳолда белгиланган тартибда ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

5. Марказлар тугатилганда улардаги ногиронлиги бўлган шахслар Агентлик томонидан апелляция кенгашининг қарори асосида бошқа Марказларга ўтказилади.

6. Марказлардаги ўринлар сони Агентлик томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мажбурий риоя этган ҳолда белгиланади.

7. Марказлар фаолияти Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) томонидан мувофиқлаштирилади.

8. Марказларнинг уставлари Агентлик томонидан тасдиқланади.

9. Марказлар ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган ижтимоий хизматлар кўрсатадиган давлат муассасалари ҳисобланади ҳамда давлат хизматлари марказларида рўйхатдан ўтказилади.

10. Марказлар эркаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида ташкил этилади. Эркаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида Марказлар ташкил этишнинг иложи бўлмаган ҳолларда, эркаклар ва аёлларни битта Марказда, лекин алоҳида корпусларда жойлаштиришга йўл қўйилади.

11. Марказларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, қуйидаги ташхислардан бири қўйилган ногиронлиги бўлган шахслар жойлаштирилади:

мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71);

оғир даражадаги ақлий заифлик (F72);

чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73);

деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03).

12. Ушбу Низомнинг 11-бандига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахсларни Марказларга жойлаштириш уларда қуйидаги қарши кўрсатмалар мавжуд бўлмаган тақдирда амалга оширилади:

тез-тез, ҳар ойда 5 мартадан кўп тутқаноқ хуружлари содир бўладиган эпилепсия, серияли тутқаноқ хуружларига, эпилептик статусга, намозшомсимон онг хиралашиш ҳолатларига, дисфорияларга мойиллик;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ва хулқий бузилишлар сабаб бўладиган руҳий касалликлар;

жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;

юқумли тери ва соч касалликлари;

ўткир юқумли касалликлар;

салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари;

таносил касалликлари.

13. Ногиронлиги бўлган шахслар Марказларга Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиянинг хулосаси асосида бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда жойлаштирилади.

2-боб. “Ғамхўрлик” марказларининг асосий вазифа ва функциялари

14. Қуйидагилар Марказларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт учун зарур бўлган эҳтиёжларини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий реабилитация (маиший, психологик, касбий, коммуникатив) қилиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг мустақил яшаши учун шарт-шароитларни яратиш ва жамиятга қўшилишига кўмаклашиш;

ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматларни кўрсатиш орқали уларнинг ҳаёт сифатини ошириш.

15. Марказлар уларга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажарадилар:

а) ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт учун зарур бўлган эҳтиёжларини таъминлаш соҳасида:

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига жавоб берадиган хавфсиз ва қулай шароит яратиш;

ҳаёт фаолияти ва асосий эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва шахсий гигиена воситалари, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;

соғлиғини сақлаш ва соғломлаштиришни ташкил этиш;

б) ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий реабилитация (маиший, психологик, касбий, коммуникатив) қилиш соҳасида:

жисмоний ва руҳий ҳолатни яхшилашга, шунингдек, ижтимоий реабилитация тадбирларини ўтказиш;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, уй хўжалигини юритиш, атрофдагилар билан мулоқот ва ўзаро муносабатда бўлиш, турмуш ва жамоат жойларида ўзини тутиш ва бошқариш кўникмаларига ўргатиш;

ижтимоий мослашувга қаратилган индивидуал имкониятлар ва эҳтиёжларга мувофиқ меҳнат фаолиятига жалб этиш;

маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан, концерт дастурларини ташкил этиш, ижодкорлик ва спорт билан шуғулланиш имкониятини яратиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш;

в) ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижросини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида бартараф қилиш ва Агентликка тегишли таклифлар киритиб бориш;

г) ногиронлиги бўлган шахсларнинг мустақил яшаши учун шарт-шароитларни яратиш ва жамиятга қўшилишига кўмаклашиш соҳасида:

ҳаётий кўникмаларини ривожлантириш ва мустақил ҳаётга тайёрлашни ташкил этиш;

қобилиятлари ва қизиқишлари бўйича мос келадиган машғулотларга жалб этиш;

қариндошлар ва яқинлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, кўнгиллилар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

д) ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматларни кўрсатиш орқали уларнинг ҳаёт сифатини ошириш соҳасида:

ҳар бир ногиронлиги бўлган шахслар учун уларнинг хусусиятлари, эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай ва тўсиқсиз муҳит яратиш;

ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш бўйича замонавий технологиялар ва иш усулларини жорий этиш, моддий-техник базани яхшилаш;

ходимларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш.

3-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларни “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш тартиби

16. Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссия томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилган ижтимоий-психиатрик-тиббий текширув натижаларига асосан ногиронлиги бўлган шахсларни Марказга жойлаштириш бўйича хулоса қилинган ҳолларда, Марказга жойлаштириладиган ногиронлиги бўлган шахснинг васийсига ўн беш иш куни ичида ногиронлиги бўлган

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

шахсни Марказга жойлаштириши лозимлиги тўғрисида сўровномада кўрсатилган мобил алоқа воситасига СМС-хабарнома юборилади.

17. Васий томонидан СМС-хабарнома қабул қилинганидан сўнг ўн беш иш куни ичида ногиронлиги бўлган шахс Марказга жойлаштирилмаган тақдирда, у учун банд қилинган бўш ўрин автоматик равишда бекор қилинади, мазкур Низомнинг 21-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

18. Ногиронлиги бўлган шахсларга Марказда ихтисослаштирилган ижтимоий хизматларни кўрсатиш мақсадида Марказ директори буйруғи билан ташкил этиладиган камида 5 нафар аъзодан, Марказнинг мутахассис ходимларидан иборат таркибда Ижтимоий-психологик комиссия (кейинги ўринларда – Ижтимоий-психологик комиссия) ташкил этилади.

19. Васий ногиронлиги бўлган шахсни мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланган муддат ичида Марказга жойлаштириш учун ташриф буюрганда Марказ томонидан ногиронлиги бўлган шахснинг соғлиғи ҳолати Ижтимоий-психологик комиссия томонидан бир иш кунида кўрикдан ўтказилади.

20. Ижтимоий-психологик комиссиянинг кўриги натижаларига асосан ногиронлиги бўлган шахс Марказга қабул қилинганидан сўнг кўпи билан 20 кун давомида кузатувга олинади ҳамда ушбу муддатдан кейин мазкур Низомнинг 12-бандида белгиланган қарши кўрсатмалар аниқланса, Ижтимоий-психологик комиссия томонидан бу тўғрисида хулоса расмийлаштирилади ҳамда унга мувофиқ Марказ директори томонидан ногиронлиги бўлган шахсни Марказдан чиқариш тўғрисида хулоса қилинади, бу тўғрисидаги маълумот ахборот модулига киритилади ҳамда васий сўровномада кўрсатилган мобил алоқа воситасига СМС-хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

21. Марказга қабул қилиш вақтида ногиронлиги бўлган шахсда юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган тақдирда, Марказ томонидан ушбу шахсни даволаш чоралари кўрилади. Бунда Марказга қабул қилиш рад этилишига йўл қўйилмайди ҳамда бўш ўриннинг банд қилинган муддати ушбу шахснинг даволаниш муддатига қадар узайтирилади ва у белгиланган тартибда даволаниб бўлгач Марказга жойлаштирилади.

4-боб. “Ғамхўрлик” марказларига қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахсларни биридан иккинчисига ўтказиш тартиби

22. Марказларга қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахсларни биридан иккинчисига ўтказиш тегишли Марказда бўш ўрин мавжуд бўлган тақдирда қуйидагилар асосида ушбу Низомда белгиланган тартибда апелляция кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилади:

васийнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилида камида олти ой мобайнида узлуксиз яшаётганлиги;

васий бошқа ҳудудга кўчиб ўтганда вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилида камида олти ой мобайнида узлуксиз яшаётганлиги.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Бунда мазкур бандниng иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича васийнинг яшаш жойи ўзгарганлиги “Инсон” маркази ижтимоий ходими томонидан далолатнома расмийлаштириш орқали тасдиқланиши лозим.

Марказларга қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахсларни биридан иккинчисига ўтказиш мазкур бандда назарда тутилган асослар тақдим этилмаган тақдирда рад этилади.

23. Марказга қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахсни биридан иккинчисига ўтказиш бўйича васий доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича “Инсон” марказига ташриф буюрган ҳолда мурожаат қилади.

“Инсон” марказининг масъул ходими ахборот модулида васийнинг мурожаати асосида мазкур Низомга иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани тўлдиради. Сўровномага мазкур Низомнинг 22-бандида назарда тутилган ногиронлиги бўлган шахсни биридан иккинчисига ўтказишга асос бўлган ҳужжатлар илова қилинади.

Сўровнома васий томонидан имзони идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан (электрон рақамли имзо, дактилоскопия, Face-ID, Mobile-ID ва бошқалар) тасдиқланади. Бунда васий томонидан сўровноманинг тасдиқланиши унга тегишли шахсга доир маълумотларни олиш ва ишлов беришга розиликни билдиради.

24. “Инсон” маркази томонидан икки иш куни ичида мазкур Низомнинг 23-бандига мувофиқ тўпланган электрон ҳужжатлар кўриб чиқиш учун ахборот модули орқали ҳудудий бошқармага юборилади. Бунда ҳудудий бошқарма бир иш куни ичида тўпланган электрон ҳужжатларни Апелляция кенгашига юборади.

25. Апелляция кенгаши келиб тушган электрон ҳужжатларни беш иш куни ичида кўриб чиқади ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

ногиронлиги бўлган шахсни Марказга ўтказиш тўғрисида;

ногиронлиги бўлган шахсни Марказга ўтказишни ушбу Низомнинг 22-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлмаганлиги сабабли рад этиш тўғрисида.

26. Апелляция кенгаши томонидан ногиронлиги бўлган шахсни Марказга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, котиб томонидан бир иш куни ичида ахборот модули орқали ногиронлиги бўлган шахснинг электрон ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилади. Бунда ногиронлиги бўлган шахс Марказга ўтказилган ҳисобланади. Бу тўғрисида васий сўровномада кўрсатилган мобил алоқа воситасига СМС-хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

Марказ ногиронлиги бўлган шахсни бошқа Марказга ўтказиш ҳақидаги Апелляция кенгашининг қарори рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида ногиронлиги бўлган шахсни зарур транспорт воситасида тиббиёт ходими кузатувида Апелляция кенгашининг қарорида кўрсатилган Марказга ўтказилишини ташкил этади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

27. Апелляция кенгаши томонидан ногиронлиги бўлган шахсни Марказга ўтказиш рад этилганда, унинг электрон ҳужжатлари камчиликлари кўрсатилган ҳолда ахборот модули орқали ҳудудий бошқармага қайтарилади ҳамда васий сўровномада кўрсатилган мобил алоқа воситасига СМС-хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

Бунда Марказга қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахсни биридан иккинчисига ўтказиш бўйича васий мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда умумий асосларда қайта мурожаат қилиш мумкин.

5-боб. “Ғамхўрлик” марказларида ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган ижтимоий хизматларни кўрсатиш тартиби

28. Марказларда ногиронлиги бўлган шахсларга ихтисослаштирилган ижтимоий хизматларни кўрсатишни белгиловчи стандартга мувофиқ уларнинг ҳар бири бўйича ишлаб чиқилган реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурига асосан хизматлар кўрсатилади.

29. Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури у Марказга қабул қилинганидан сўнг бир ой муддат ичида Ижтимоий-психологик комиссия томонидан ахборот модули орқали шакллантирилади.

30. Марказларда ихтисослаштирилган ижтимоий хизматлар ҳар бир ногиронлиги бўлган шахснинг соғлиги ҳолати ва индивидуал эҳтиёжларини инобатга олиб, қуйидаги бўлинмаларга ажратилган ҳолда ташкил этилади:

уй шароитига яқин муҳитда 6 нафаргача ногиронлиги бўлган шахслар учун мураббий кузатуви остида мустақил яшашга мўлжалланган жойлар (коттеж)дан иборат бўлинмалар;

узоқ муддатли парваришга муҳтож ётоқ ва эмакловчи ногиронлиги бўлган шахслар учун бўлинмалар;

доимий назорат талаб этиладиган ногиронлиги бўлган шахслар учун бўлинмалар.

31. Марказларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг қизиқиш ва қобилиятлари, ҳудуднинг ўзига хос хусусияти ҳамда бозордаги талаб ва таклифларни инобатга олган ҳолда эрготерапия (меҳнат) ва фаоллаштирувчи терапияни амалга оширишга қаратилган меҳнат терапиясини амалга оширишга қаратилган ижтимоий-меҳнат реабилитация хоналари, шунингдек, зарур анжомларга, асбоб-ускуналарга ва транспортга эга бўлган ёрдамчи хўжалик бўлинмалари ташкил этилади.

Бунда Марказларда меҳнат терапиясини амалга ошириш учун бевосита ёки тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали ижтимоий-меҳнат реабилитация лойиҳалари амалга оширилади.

32. Марказларда ижтимоий-меҳнат реабилитация лойиҳалари амалга оширилишида:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Марказларга тегишли кўчмас мулк объектлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига ижарага берилади;

ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқарилган (тайёрланган) товарлар шартнома асосида тўғридан тўғри реализация қилинади;

ижтимоий-меҳнат реабилитация лойиҳаларида иштирок этган ногиронлиги бўлган шахслар учун рағбатлантирувчи пул маблағлари тадбиркорлик субъектлари томонидан Марказларга шартномага мувофиқ тўлаб борилади;

ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқарилган (тайёрланган) товарларни реализация қилишдан тушган маблағлар Марказларнинг ихтиёрида қолдирилади. Бунда ушбу маблағларнинг камида 70 фоизи ижтимоий-меҳнат реабилитация лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур харажатларни молиялаштиришга, қолган қисми эса Марказларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

33. Ногиронлиги бўлган шахснинг Марказ ҳудудидан ташқарига чиқиши фақат Марказ директорининг рухсати билан амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахс ўзбошимчалик билан Марказ ташқарисига чиққан тақдирда, маъмурият ушбу ҳолат қайд этилган вақтда зудлик билан бу ҳақда ички ишлар органлари ва Агентликнинг ҳудудий бошқармаларига хабар қилади.

34. Ногиронлиги бўлган шахсга Марказ директорнинг розилиги асосида кўпи билан бир ой муддатга шифокорнинг хулосасини ҳисобга олган ҳолда Марказдан вақтинчалик кетишига рухсат берилади.

Бунда Марказ директори томонидан ногиронлиги бўлган шахснинг оила аъзоларидан ногиронлиги бўлган шахсни соғлиги ва ҳаёти хавфсизлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши ҳақида ёзма шаклда тилхат олинади.

35. Ногиронлиги бўлган шахсни оилага доимий қайтариш мақсадида Марказдан чиқариш васий ёки оила аъзолари ёхуд яқин қариндошларининг аризасига биноан, унга яшаш учун турар жой ва маиший шароитлар мавжуд бўлганда ҳудудий бошқарма бошлиғининг рухсати билан амалга оширилади.

36. Ногиронлиги бўлган шахс вафот этган тақдирда, бу ҳақидаги маълумотлар Марказ директори томонидан 24 соат ичида ахборот модулига киритилади ва ҳудудий бошқарма томонидан Агентликка хабар берилади.

Бунда вафот этган ногиронлиги бўлган шахсни дафн этиш билан боғлиқ харажатлар Марказларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар, шунингдек, оила аъзолари ва қариндошларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобига амалга оширилади.

37. Ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий ёрдам Марказнинг штатдаги тиббий ходимлари томонидан, шунингдек тиббий кўрсатмага мувофиқ тегишли соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан имтиёзли равишда кўрсатилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

6-боб. “Ғамхўрлик” марказларининг филиали сифатида кичик ҳажмли уйларни ташкил этиш ва уларга ногиронлиги бўлган шахсларни ўтказиш тартиби

38. Кичик ҳажмли уйлар Марказ муассислигида филиал шаклида Агентлик тизимидаги ташкилотлар балансида бўлган бино ва иншоотларида, янгидан харид қилинган уй-жойларда ёки ижара асосида олинган уй-жойларда Агентлик директорининг буйруғи асосида ташкил этилади.

39. Кичик ҳажмли уйларда 10-12 нафаргача ногиронлиги бўлган шахслар жойлаштирилишига йўл қўйилади.

40. Кичик ҳажмли уйларга бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда, ижтимоий-психологик комиссия томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғи, руҳий ҳолатидаги бузилишларини ўрганиш натижасига кўра Марказ директорининг буйруғи асосида Марказга жойлаштирилган ногиронлиги бўлган шахслар ўтказилади.

41. Кичик ҳажмли уйлар сақлаш харажатлари, шу жумладан, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

42. Кичик ҳажмли уйларни ташкил этиш учун уй-жойларни харид қилиш ва уларни ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда уй-жой учун ижара тўловлари Марказ ҳамда ижарага берувчи ўртасида тузилган ижара шартномасига асосан амалга оширилади.

43. Кичик ҳажмли уйларнинг штат бирликларини сақлаш, коммунал тўловлар, озиқ-овқат, товар-моддий бойликлар, жиҳозлар ва бошқа зарур харажатлар Марказ учун тузиладиган ва тасдиқланадиган харажатлар сметаси доирасида амалга оширилади.

44. Кичик ҳажмли уйларга жойлаштирилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг овқатланиши ва уй-жойларнинг коммунал тўловлари харажатларини қоплаш тегишли маблағларни Марказ директори томонидан тайинланган масъул ходим (кейинги ўринларда – масъул ходим) номига очилган банк картасига ўтказиш орқали амалга оширилади.

45. Кичик ҳажмли уйларга жойлаштирилган ҳар бир ногиронлиги бўлган шахсларнинг озиқ-овқат харажатлари учун бир кунга базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 фоизи миқдорида маблағ ажратилади. Кичик ҳажмли уй ходимлари ўзлари тайёрлаган овқатдан бепул овқатланади.

46. Ногиронлиги бўлган шахслар учун озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ҳафтасига камида бир марта (тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳафтасига камида икки марта) кичик ҳажмли уйларининг масъул ходими томонидан амалга оширилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

47. Ушбу Низомнинг 45-бандида назарда тутилган маблағларни ҳисоблашда Марказ томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга олдинги ой мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатни инобатга олган ҳолда кичик ҳажмли уйларнинг талабидан келиб чиқиб тўлаб берилади.

48. Маблағ ажратишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг овқатланишини ташкил этиш учун масъул ходимнинг банк картасидаги аввалги ойдан қолган қолдиқ маблағ миқдори инобатга олинади.

49. Маҳсулотлар чакана савдо ташкилотларидан харид қилганда тўлов чеклари сақлаб қўйилади, озиқ-овқат бозоридан нақд пулга харид қилинган маҳсулотлар учун эса масъул ходим томонидан далолатнома тузилади.

50. Озиқ-овқат маҳсулотларини ва бошқа товарларни ҳисобдан чиқариш кичик ҳажмли уйлар ходимлари томонидан тақдим этилган чеклар ва далолатномалар асосида, кичик ҳажмли уйлар муассисининг доимий ишлайдиган комиссияси томонидан амалга оширилади. Бунда доимий ишлайдиган комиссия таркиби кичик ҳажмли уйлар муассиси томонидан бир йилга белгиланади ва унинг буйруғи билан тасдиқланади.

51. Кичик ҳажмли уйларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш, шу жумладан уларга ажратилган маблағлардан фойдаланиш, ушбу жараёнда бюджет ва смета интизомига риоя қилиниши муассиснинг бухгалтерия ҳисоби хизмати томонидан амалга оширилади.

52. Кичик ҳажмли уйлар томонидан озиқ-овқат, кийим-кечак ва шахсий гигиена воситалари ва бошқа товарларни харид қилиш, бухгалтерия ҳисобида кирим ва чиқим қилиш тартиби қонунчиликка асосан амалга оширилади.

53. Кичик ҳажмли уйларнинг молия-хўжалик фаолияти ҳамда уларга ажратилган маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш муассис томонидан амалга оширилади.

7-боб. “Ғамхўрлик” марказларининг молия-хўжалик фаолияти

54. Марказларнинг хоналари техника хавфсизлиги қоидалари ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ жиҳозланади ва улардан фойдаланилади.

55. Марказлар фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

56. Марказлар томонидан уларга ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни сарфлаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

57. Марказлар белгиланган тартибда тасдиқланган ҳамда тегишли иқтисодиёт ва молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

58. Марказлар ва уларнинг филиали сифатида ташкил этилган кичик ҳажмли уйларнинг штатлар жадвали Агентлик томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланган намунавий штатларга мувофиқ тузилади.

59. Марказлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган молия ва статистика ҳисоботларини юритади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

60. Марказ фаолияти устидан назорат Агентлик ва Ижтимоий инспекция томонидан амалга оширилади.

61. Марказ ходимлари ва унга жойлаштирилган ёки унинг хизматларидан фойдаланаётган шахслар ўртасидаги муносабатлар Марказлар томонидан тасдиқланадиган ички тартиб-қоидалар билан тартибга солинади.

62. Ногиронлиги бўлган шахслар озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал, ашёвий таъминотнинг бошқа буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан Агентлик томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келишилган нормаларга мувофиқ таъминланади.

63. Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ногиронлиги бўлган шахсларни Марказларга жойлаштириш ҳамда уларни биридан иккинчисига ўтказиш жараёнида олинган шахсга доир маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

64. Ногиронлиги бўлган шахснинг номидан васий Марказларга жойлаштириш, ихтисослаштирилган ижтимоий хизматлардан фойдаланиш жараёнида Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва Марказлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

65. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун
“Ғамхўрлик” марказлари тўғрисидаги низомга
илова

НАМУНА

Ногиронлиги бўлган шахсларни бир “Ғамхўрлик” марказидан бошқасига ўтказиш бўйича
СЎРОВНОМА

_____ (сана) _____ (рақам)

I. Мурожаат қилувчи шахс тўғрисида маълумотлар:	
1. Ф.И.О.	
2. Туғилган йили ва санаси	
3. Доимий рўйхатдан ўтган жойи	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
5. Электрон почта манзили *(мавжуд бўлганда)*	
6. Телефон рақами	
7. Бир “Ғамхўрлик” марказидан бошқасига ўтказиш сўралаётган шахснинг жойлаштирилган “Ғамхўрлик” маркази *(номи ва манзили)*	
8. Ўтказиш учун асос	❑ қонуний вакилнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилига; ❑ бошқа ҳудудга кўчиб ўтганда вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилига.
9. Ўтказиш сўралаётган “Ғамхўрлик” маркази *(номи ва манзили)*	
II. “Ғамхўрлик” марказидан бошқасига ўтказиш сўралаётган шахс тўғрисида маълумотлар:	
1. Ф.И.О.	
2. Туғилган йили ва санаси	
3. Доимий рўйхатдан ўтган жойи	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
5. Электрон почта манзили *(мавжуд бўлганда)*	
6. Телефон рақами	

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “21” майдаги 271-сон қарорига
4-илова

Ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказлари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг руҳий ҳолати бузилган 3 ёшдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар (кейинги ўринларда – ногиронлиги бўлган болалар) учун “Ғамхўрлик” марказлари (кейинги ўринларда – Марказ)нинг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Агентликнинг буйруқларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, ушбу Низомга, шунингдек ўз уставларига амал қилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот модули – ногиронлиги бўлган болаларни Марказларга жойлаштириш, шунингдек биридан иккинчисига ўтказишга доир маълумотларни ўзида акс эттириш, бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги маълумотлар базаси;

апелляция кенгаши – Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиянинг ногиронлиги бўлган шахсларни “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш ёки муқобил ижтимоий хизматларга йўналтиришга доир хулосаларини ўрганиш, ижтимоий-психиатрик-тиббий текширув натижалари бўйича шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда “Ғамхўрлик” марказларининг биридан иккинчисига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида Агентлик ҳузурида ташкил этиладиган коллегиал-маслаҳат органи;

ихтисослаштирилган ижтимоий хизматлар – руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган болаларга қараб туриш ва парваришлаш хизматларини кўрсатиш, уларнинг маиший, касбий ва коммуникатив кўникмаларини шакллантириш орқали нормал ҳаёт кечириш имкониятини яратиш ҳамда жамиятга ижтимоийлашувини йўлга қўйишга қаратилган ижтимоий реабилитация хизматлари;

оила аъзолари – ота-она (фарзандликка олувчи), ака-ука ва опа-сингиллар;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Психологик-тиббий-педагогик комиссия – туғилганидан бошлаб 18 ёшгача бўлган узоқ муддат парваришга муҳтож болаларни уй шароитида қараб туриш хизматига йўналтириш учун тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ҳамда уларни психологик-тиббий-педагогик текширувдан ўтказиш мақсадида ҳудудий бошқарма ҳузурида юридик шахс мақомисиз ташкил этиладиган доимий асосда фаолият юритувчи коллегиал орган;

қонуний вакил – ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар.

4. Марказлар Агентлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан келишган ҳолда белгиланган тартибда ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

5. Марказлар тугатилганда улардаги ногиронлиги бўлган болалар Агентлик томонидан апелляция кенгашининг қарори асосида бошқа Марказларга ўтказилади.

6. Марказлардаги ўринлар сони Агентлик томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ белгиланади.

7. Марказлар фаолияти ҳудудий бошқармалар томонидан мувофиқлаштирилади.

8. Марказларнинг уставлари Агентлик томонидан тасдиқланади.

9. Марказлар ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган ижтимоий хизматлар кўрсатадиган давлат ижтимоий муассасалари ҳисобланади ҳамда давлат хизматлари марказларида рўйхатдан ўтказилади.

10. Марказларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқароларнинг ногиронлиги бўлган болаларида қуйидаги ташхислардан бири бўлганида қабул қилинади:

мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71);

оғир даражадаги ақлий заифлик (F72);

чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73).

11. Қуйидагилар Марказларга қабул қилишга қарши кўрсатмалар ҳисобланади:

тез-тез, ҳар ойда 5 мартадан кўп тутқаноқ хуружлари содир бўладиган эпилепсия, серияли тутқаноқ хуружларига, эпилептик статусга, намозшомсимон онг хиралашиш ҳолатларига, дисфорияларга мойиллик;

беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ва хулқий бузилишлар сабаб бўладиган руҳий касалликлар;

улар билан касалланганда болани умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқитиш мумкин бўлган ҳар қандай руҳий касалликлар;

жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;

юқумли тери ва соч касалликлари;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

ўткир юқумли касалликлар;

салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари;

таносил касалликлари.

12. Ногиронлиги бўлган болалар Марказларга психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосаси асосида бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда жойлаштирилади.

2-боб. “Ғамхўрлик” марказларининг асосий вазифа ва функциялари

13. Қуйидагилар Марказларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳаёт учун зарур бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, ижтимоий хизматларни кўрсатиш орқали жамиятга ижтимоийлашувини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий мослаштириш, уларга ўз қизиқишларидан келиб чиқиб касб-ҳунар ўргатиш;

ногиронлиги бўлган болаларни протез-ортопедия мосламалари, реабилитация қилишнинг техник воситалари, шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш;

маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан, концерт дастурларини ташкил этиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш.

14. Марказлар уларга юклатилган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажарадилар:

а) ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳаёт учун зарур бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, ижтимоий хизматларни кўрсатиш орқали жамиятга ижтимоийлашувини таъминлаш соҳасида:

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига жавоб берадиган хавфсиз ва қулай шароит яратиш;

қараб туриш ва парваришлаш, соғлиғини сақлаш ва соғломлаштиришни ташкил этиш;

ҳаёт фаолияти ва асосий эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмлар ва кийим-кечаклар билан таъминлаш;

қариндошлар ва яқинлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, кўнгиллилар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланишида ижтимоий динамикасида ўзгаришлар бўлган тарбияланувчиларни ўқитишда интеграцион ёндашувларни қўллаш мисолида жамиятга интеграция қилиш ҳамда уларни нодавлат ташкилотларнинг иштирокида бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкил этиш;

б) ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида бартараф қилади ва тегишли таклифларни Агентликка киритиб бориш;

в) ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий мослаштириш, уларга ўз қизиқишларидан келиб чиқиб касб-ҳунар ўргатиш соҳасида:

жисмоний ва руҳий ҳолатни яхшилашга, шунингдек, ижтимоий реабилитация тадбирларини ўтказиш;

ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, уй хўжалигини юритиш, атрофдагилар билан мулоқот қилиш ва ўзаро муносабатда бўлиш, турмуш ва жамоат жойларида ўзини тутиш ва бошқариш кўникмаларига ўргатиш;

ижтимоий мослашувга қаратилган индивидуал имкониятлар ва эҳтиёжларга мувофиқ касб-ҳунарга ўргатиш;

г) ногиронлиги бўлган болаларни протез-ортопедия мосламалари, реабилитация қилишнинг техник воситалари, шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш соҳасида:

тиббий кўрсатмага мувофиқ ногиронлиги бўлган болаларни протез-ортопедия мосламалари, реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш;

ногиронлиги бўлган болаларни эҳтиёжга мувофиқ шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш;

д) маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан, концерт дастурлари, ташкил этиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш соҳасида:

маданий-маърифий тадбирларни, шу жумладан, спорт тадбирларини ташкил қилиш;

турли кўрик-танловлар ва кўргазмалар ташкил этиш ҳамда ногиронлиги бўлган болалар иштироки натижасида келажакка умид, интилишларини орттириш ҳамда вақтларини сермазмун ўтишига шарт-шароит яратиш.

3-боб. Ногиронлиги бўлган болаларни “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш тартиби

15. Психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 январдаги 46-сон қарори билан тасдиқланган Психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ўтказилган текширув натижаларига асосан ногиронлиги бўлган болаларни Марказга жойлаштириш бўйича хулоса қилинган ҳолларда қонуний вакилга Марказга жойлаштириладиган ногиронлиги бўлган болани Марказга

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

жойлаштириши лозимлиги тўғрисида сўровномада кўрсатилган мобил алоқа воситасига СМС-хабарнома юборилади.

16. Қонуний вакил томонидан СМС-хабарнома қабул қилинганидан сўнг ўн беш иш куни ичида ногиронлиги бўлган бола Марказга жойлаштирилмаган тақдирда, у учун банд қилинган бўш ўрин автоматик равишда бекор қилинади, мазкур Низомнинг 20-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

17. Ногиронлиги бўлган болаларга ихтисослаштирилган ижтимоий хизматларни кўрсатиш мақсадида Марказ директори буйруғи билан ташкил этиладиган камида 5 нафар аъзодан, Марказнинг мутахассис ходимларидан иборат таркибда Ижтимоий-психологик комиссия (кейинги ўринларда – ижтимоий-психологик комиссия) ташкил этилади.

18. Қонуний вакил ногиронлиги бўлган болани мазкур Низомнинг 16-бандида белгиланган муддат ичида Марказга жойлаштириш учун ташриф буюрганда Марказ томонидан ногиронлиги бўлган боланинг соғлиғи ҳолати Ижтимоий-психологик комиссия томонидан бир иш кунида кўрикдан ўтказилади.

19. Ижтимоий-психологик комиссиянинг кўриги натижаларига асосан ногиронлиги бўлган бола Марказга қабул қилинганидан сўнг кўпи билан 20 кун давомида кузатувга олинади ҳамда ушбу муддатдан кейин мазкур Низомнинг 11-бандида белгиланган қарши кўрсатмалар аниқланса, Ижтимоий-психологик комиссия томонидан бу тўғрисида хулоса расмийлаштирилади ҳамда унга мувофиқ Марказ директори томонидан ногиронлиги бўлган шахсни Марказдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинади, бу тўғрисидаги маълумот ахборот модулига киритилади ҳамда қонуний вакил сўровномада кўрсатилган мобил алоқа воситасига СМС-хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

20. Марказга қабул қилиш вақтида ногиронлиги бўлган болада юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган тақдирда, Марказ томонидан ушбу болани даволаш чоралари кўрилади. Бунда Марказга қабул қилиш рад этилишига йўл қўйилмайди ҳамда бўш ўриннинг банд қилинган муддати ушбу боланинг даволаниш муддатига қадар узайтирилади ва у белгиланган тартибда даволаниб бўлгач Марказга жойлаштирилади.

21. Ногиронлиги бўлган болалар Марказларга жойлаштирилгандан сўнг, уларнинг жинси, жисмоний ҳолати, ақлий заифлик даражаси ҳамда ёши ҳисобга олинган ҳолда, қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

ётоқ ҳолатидаги гуруҳлар (ёши ва жинсидан қатъи назар, ҳаракатланиш функцияси кучли бузилган, ўзгалар парваришига муҳтож болалар);

эмакловчилар гуруҳлари (ёши ва жинсидан қатъи назар, ҳаракатланиш функцияси чекланган, ўзгалар парваришига муҳтож болалар);

аралаш гуруҳлар – 10 ёшгача бўлган болалар;

10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ва 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болалар учун алоҳида-алоҳида гуруҳлар.

Гуруҳлардаги болалар сони 5-6 нафардан иборат бўлади.

22. Марказларда барча ногиронлиги бўлган болалар, меҳнат кўникмаларини эгаллаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг интеллектуал ривожланишига мувофиқ улар меҳнатга тайёрлов гуруҳи ёки меҳнатга ўргатиш гуруҳига ажратилади. Бунда гуруҳлардаги болалар сони 5-6 нафардан иборат бўлади.

4-боб. “Ғамхўрлик” марказларига қабул қилинган ногиронлиги бўлган болаларни биридан иккинчисига ўтказиш тартиби

23. Марказларга қабул қилинган ногиронлиги бўлган болаларни биридан иккинчисига ўтказиш тегишли Марказда бўш ўрин мавжуд бўлган тақдирда қуйидагилар асосида ушбу Низомда белгиланган тартибда психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига мувофиқ ўтказилади:

қонуний вакилнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилида камида олти ой мобайнида узлуксиз яшаётганлиги;

қонуний вакил бошқа ҳудудга кўчиб ўтганда вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилида камида олти ой мобайнида узлуксиз яшаётганлиги.

Бунда мазкур банднинг иккинчи – учинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича қонуний вакилнинг яшаш жойи ўзгарганлиги факти “Инсон” маркази ижтимоий ходими томонидан далолатнома расмийлаштириш орқали асослантирилиши лозим.

Марказларга қабул қилинган ногиронлиги бўлган болаларни биридан иккинчисига ўтказиш мазкур бандда назарда тутилган асослар тақдим этилмаган тақдирда рад этилади.

24. Марказга қабул қилинган ногиронлиги бўлган болани биридан иккинчисига ўтказиш бўйича қонуний вакил “Инсон” марказига ташриф буюрган ҳолда мурожаат қилади.

“Инсон” марказининг масъул ходими ахборот модулида қонуний вакилнинг мурожаати асосида мазкур Низомга иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани тўлдиради. Сўровномага мазкур Низомнинг 23-бандида назарда тутилган ногиронлиги бўлган болани биридан иккинчисига ўтказишга асос бўлган ҳужжатлар илова қилинади.

Сўровнома қонуний вакил томонидан имзони идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан (электрон рақамли имзо, дактилоскопия, Face-ID, Mobile-ID ва бошқалар) тасдиқланади. Бунда қонуний вакил томонидан сўровноманинг тасдиқланиши унга тегишли шахсга доир маълумотларни олиш ва ишлов беришга розиликни билдиради.

25. “Инсон” маркази томонидан уч иш куни ичида мазкур Низомнинг 24-бандига мувофиқ тўпланган электрон ҳужжатлар кўриб чиқиш учун ахборот модули орқали психологик-тиббий-педагогик комиссияга юборилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

26. Психологик-тиббий-педагогик комиссия юборилган ногиронлиги бўлган болаларнинг электрон ҳужжатларини кўриб чиқади ва қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилади:

ногиронлиги бўлган болани Марказга ўтказиш тўғрисида;

ногиронлиги бўлган болани Марказга ўтказишни ушбу Низомнинг 23-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлмаганлиги сабабли рад этиш тўғрисида.

27. Психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан ногиронлиги бўлган болани Марказга ўтказиш тўғрисида хулоса қилинганда, котиб томонидан бир иш куни ичида ахборот модули орқали ногиронлиги бўлган боланинг электрон ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилади. Бунда ногиронлиги бўлган бола Марказга ўтказилган ҳисобланади. Бу тўғрисида қонуний вакил сўровномада кўрсатилган мобиль алоқа воситасига СМС-хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

28. Марказ ногиронлиги бўлган болани бошқа Марказга ўтказиш ҳақидаги Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосаси рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида ногиронлиги бўлган болани зарур транспорт воситасида тиббиёт ходими кузатувида Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасида кўрсатилган Марказга ўтказилишини ташкил этади.

29. Психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан ногиронлиги бўлган болани Марказга ўтказиш рад этилганда, унинг электрон ҳужжатлари камчиликлари кўрсатилган ҳолда ахборот модули орқали “Инсон” марказига қайтарилади ҳамда қонуний вакил сўровномада кўрсатилган мобил алоқа воситасига СМС-хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

Бунда Марказга қабул қилинган ногиронлиги бўлган болани биридан иккинчисига ўтказиш бўйича қонуний вакил мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда умумий асосларда қайта мурожаат қилиш мумкин.

5-боб. Марказларда ногиронлиги бўлган болалар учун тарбия-таълим жараёнини ташкил этиш тартиби

30. Марказга жойлаштирилган ногиронлиги бўлган болалар учун тарбия-таълим жараёни уларнинг индивидуал хусусиятлари, ёши, жинси, ривожланишидаги орқада қолиши, руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳисобга олган ҳолда якка тартибдаги махсус дастурлар асосида ташкил этилади.

31. Ногиронлиги бўлган болаларни якка тартибдаги махсус дастурлар бўйича ҳаётий кўникмаларга ўргатиш Марказ тарбиячилари томонидан, зарурат бўлганда эса, руҳий ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаб ва мактаб-интернатлари, шунингдек соғлиқни сақлаш, маданият, спорт муассасалари ва бошқа ташкилотлар педагогларини жалб этган ҳолда амалга оширилади.

Бунда таълимнинг ҳар бир босқичида ўқитиш ёши ва давомийлиги ижтимоий-психологик комиссия томонидан белгиланади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

32. Тарбия-таълим жараёнининг кун тартиби таълим, меҳнат, ҳордиқ ва турли тадбирларни уйғунлаштирган ҳолда ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳаёт фаолияти чекланганлик даражаси ҳисобга олиниб тузилади.

33. Ногиронлиги бўлган болаларнинг меҳнат тарбияси (меҳнат терапияси) ўқитишни меҳнат кўникмаларига эга бўлиш билан уйғунлаштириш асосида ушбу Марказнинг Ижтимоий-психологик комиссияси томонидан тузилган ногиронлиги бўлган болани ривожлантириш ва реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ, тиббий кўрсаткичлар ва педагогик тавсияларни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида амалга оширилади.

6-боб. Марказларда ногиронлиги бўлган болаларнинг бўлиш қоидалари

34. Марказлардаги ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий-моддий таъминлаш, тарбиялаш, ўқитиш, меҳнат кўникмаларига ўргатиш тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

35. Ногиронлиги бўлган боланинг Марказ ҳудудидан ташқарига чиқиши фақат Марказ директорининг рухсати билан ходимларнинг ёки оила аъзоларининг ёхуд қонуний вакилнинг ҳамроҳлигида амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган бола ўзбошимчалик билан Марказ ташқарисига чиққан тақдирда, Марказ томонидан зудлик билан бу ҳақда унинг қонуний вакили, ички ишлар органлари, ҳудудий бошқарма ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хабардор қилинади ҳамда биргаликда уни топиш ва қайтариб олиб келиш чоралари кўрилади.

36. Ногиронлиги бўлган болага Марказ директорнинг розилиги асосида кўпи билан бир ой муддатга шифокорнинг хулосасини ҳисобга олган ҳолда Марказдан вақтинчалик кетишига рухсат берилади.

Бунда Марказ директори томонидан ногиронлиги бўлган боланинг оила аъзоларидан ёки қонуний вакилдан ногиронлиги бўлган боланинг соғлиги ва ҳаёти хавфсизлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши ҳақида ёзма шаклда тилхат олинади.

37. Ногиронлиги бўлган болани оилага доимий қайтариш мақсадида Марказдан чиқариш унинг оила аъзолари ёки қонуний вакилининг аризасига биноан, яшаш учун турар жой ва маиший шароитлар мавжуд бўлганда, ҳудудий бошқарма бошлиғининг рухсати билан, оилага қайтариш режаси асосида амалга оширилади.

38. Ногиронлиги бўлган боланинг соғлиғи ёмонлашганда ёки у вафот этганда, маъмурият бу ҳақида унинг оила аъзолари ва қонуний вакилини, улар бўлмаганда эса, боланинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини зудлик билан хабардор қилади.

Бунда вафот этган ногиронлиги бўлган болани дафн этиш билан боғлиқ харажатлар Марказларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар, шунингдек, унинг оила аъзолари, қонуний вакил ва бошқа

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

қариндошларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобига амалга оширилади.

39. Ногиронлиги бўлган боланинг оила аъзолари ёки қонуний вакил вафот этган тақдирда, ногиронлиги бўлган болага унинг физиологик имкониятлари ва соғлиғининг ҳолатига мувофиқ дафн этишда қатнашиш, оила аъзолари ёки қонуний вакиллар оғир касалликка чалинганда, уларни бориб кўришга рухсат этилади.

Бунда йўлкира харажатлари Марказларнинг қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган маблағлари ҳисобидан қопланади.

40. Ногиронлиги бўлган болаларга тиббий ёрдам Марказнинг штатдаги тиббий ходимлари томонидан, шунингдек тиббий кўрсатмага мувофиқ тегишли соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан кўрсатилади.

41. Ногиронлиги бўлган бола 18 ёшга тўлганидан сўнг улар белгиланган тартибда бўш жой мавжуд бўлган ногиронлиги бўлган шахслар учун "Ғамхўрлик" маркази (кейинги ўринларда – катталар "Ғамхўрлик" маркази)га Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиянинг хулосасига асосан ўтказилади.

Бунда катталар "Ғамхўрлик" марказида бўш жой мавжуд бўлмаганда улар катталар "Ғамхўрлик" марказига ўтказилгунга қадар Марказларда ташкил этиладиган алоҳида бўлимларда қолдирилади.

42. Ногиронлиги бўлган болалар Марказлардан чиқарилишида уларга қуйидагилар тақдим қилинади:

ногиронлиги бўлган бола Марказда бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома;

ногиронлиги бўлган боланинг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотнома;

психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосаси;

ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури;

2 тўплам ички кийимлар, кийим-бош ва пойабзал.

Марказлар томонидан ногиронлиги бўлган болаларни рўйхатдан чиқаришда (мавжуд бўлса) унинг мол-мулкка, пул маблағларига (илгари у ёки унинг ота-онаси эгаллаган) уй-жой майдонига ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, пенсия ва омонат дафтарчаси ҳамда бошқа ҳужжатлар ҳам берилади.

7-боб. "Ғамхўрлик" марказларининг филиали сифатида кичик ҳажмли уйларни ташкил этиш ва уларга ногиронлиги бўлган болаларни ўтказиш тартиби

43. Кичик ҳажмли уйлар Марказ муассислигида филиал шаклида Агентлик тизимидаги ташкилотлар балансида бўлган бино-иншоотларда, янгидан харид қилинган уй-жойларда ёки ижара асосида олинган уй-жойларда Агентлик директорининг буйруғи асосида ташкил этилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

44. Кичик ҳажмли уйларда 10–12 нафаргача ногиронлиги бўлган болалар жойлаштирилишига йўл қўйилади.

45. Кичик ҳажмли уйларга бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда, Ижтимоий-психологик комиссия томонидан ногиронлиги бўлган болаларнинг соғлиғи, руҳий ҳолатидаги бузилишларини ўрганиш натижасига кўра, Марказ директорининг буйруғи асосида Марказга жойлаштирилган ногиронлиги бўлган болалар ўтказилади.

46. Кичик ҳажмли уйлар таъминоти, шу жумладан, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

47. Кичик ҳажмли уйларни ташкил этиш учун уй-жойларни харид қилиш ва уларни ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда уй-жой учун ижара тўловлари Марказ ҳамда ижарага берувчи ўртасида тузилган ижара шартномасига асосан амалга оширилади.

48. Кичик ҳажмли уйларнинг штат бирликларини сақлаш, коммунал тўловлар, озиқ-овқат, товар-моддий бойликлар, жиҳозлар ва бошқа зарур харажатлар Марказ учун тузиладиган ва тасдиқланадиган харажатлар сметаси доирасида амалга оширилади.

49. Кичик ҳажмли уйларга жойлаштирилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг овқатланиши ва уй-жойларнинг коммунал тўловлари харажатларини қоплаш тегишли маблағларни Марказ директори томонидан тайинланган масъул ходим (кейинги ўринларда – масъул ходим) номига очилган банк картасига ўтказиш орқали амалга оширилади.

50. Кичик ҳажмли уйларга жойлаштирилган ҳар бир ногиронлиги бўлган болаларнинг озиқ-овқат харажатлари учун бир кунга базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 фоизи миқдорида маблағ ажратилади. Кичик ҳажмли уй ходимлари ўзлари тайёрлаган овқатдан бепул овқатланади.

51. Ногиронлиги бўлган болалар учун озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ҳафтасига камида бир марта (тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳафтасига камида икки марта) кичик ҳажмли уйларининг масъул ходими томонидан амалга оширилади.

52. Ушбу Низомнинг 50-бандида назарда тутилган маблағларни ҳисоблашда муассис томонидан ногиронлиги бўлган болаларга олдинги ой мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатни инобатга олган ҳолда кичик ҳажмли уйларнинг талабидан келиб чиқиб тўлаб берилади.

53. Маблағ ажратишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг овқатланишини ташкил этиш учун масъул ходимнинг банк картасидаги аввалги ойдан қолган қолдиқ маблағ миқдори инобатга олинади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

54. Маҳсулотлар чакана савдо ташкилотларидан харид қилганда тўлов чеклари сақлаб қўйилади, озиқ-овқат бозоридан нақд пулга харид қилинган маҳсулотлар учун эса масъул ходим томонидан далолатнома тузилади.

55. Озиқ-овқат маҳсулотларини ва бошқа товарларни ҳисобдан чиқариш кичик ҳажмли уйлар ходимлари томонидан тақдим этилган чеклар ва далолатномалар асосида, кичик ҳажмли уйлар муассисининг доимий ишлайдиган комиссияси томонидан амалга оширилади. Бунда доимий ишлайдиган комиссия таркиби кичик ҳажмли уйлар муассиси томонидан бир йилга белгиланади ва унинг буйруғи билан тасдиқланади.

56. Кичик ҳажмли уйларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш, шу жумладан уларга ажратилган маблағлардан фойдаланиш, ушбу жараёнда бюджет ва смета интизомига риоя қилиниши муассиснинг бухгалтерия ҳисоби хизмати томонидан амалга оширилади.

57. Кичик ҳажмли уйлар томонидан озиқ-овқат, кийим-кечак ва шахсий гигиена воситалари ва бошқаларни харид қилиш, бухгалтерия ҳисобида кирим ва чиқим қилиш тартиби қонунчиликка асосан амалга оширилади.

58. Кичик ҳажмли уйларнинг молия-хўжалик фаолияти ҳамда уларга ажратилган маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш муассис томонидан амалга оширилади.

8-боб. “Ғамхўрлик” марказларининг молия-хўжалик фаолияти

59. Марказларнинг хоналари техника хавфсизлиги қоидаларига ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ жиҳозланади ва улардан фойдаланилади.

60. Марказлар фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

61. Марказлар белгиланган тартибда тасдиқланган ва тегишли молия ва иқтисодиёт органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

62. Марказлар томонидан уларга ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни сарфлаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

63. Штатлар жадвали Агентлик томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланган намунавий штатларга мувофиқ тузилади.

64. Марказлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган молия ва статистика ҳисоботларини юритади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

9-боб. Якунловчи қоидалар

65. Марказлар фаолияти устидан назорат Агентлик ва Ижтимоий инспекция томонидан амалга оширилади.

66. Марказ ходимлари ва унга жойлаштирилган ёки унинг хизматларидан фойдаланаётган болалар ўртасидаги муносабатлар Марказлар томонидан тасдиқланадиган ички тартиб-қоидалар билан тартибга солинади.

67. Ногиронлиги бўлган болаларни озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал ва ашёвий таъминотнинг бошқа буюмлари ҳамда юмшоқ анжомлар билан таъминлаш нормалари Агентлик томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

68. Агентлик ҳамда ҳудудий бошқармалар ногиронлиги бўлган болаларни Марказларга жойлаштириш ҳамда уларни биридан иккинчисига ўтказиш жараёнида олинган болага доир маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

69. Ногиронлиги бўлган боланинг номидан қонуний вакиллар Марказларга жойлаштириш, тарбия-таълим ва реабилитация тадбирларини ташкил этиш жараёнида Агентлик, ҳудудий бошқармалар ва Марказлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

70. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Ногиронлиги бўлган болалар учун
“Ғамхўрлик” марказлари тўғрисидаги низомга
илова

НАМУНА

Ногиронлиги бўлган болаларни бир “Ғамхўрлик” марказидан бошқасига ўтказиш бўйича
СЎРОВНОМА

_____ _____
(сана) *(рақам)*

I. Мурожаат қилувчи шахс тўғрисида маълумотлар:	
1. Ф.И.О.	
2. Туғилган йили ва санаси	
3. Доимий рўйхатдан ўтган жойи	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
5. Электрон почта манзили *(мавжуд бўлганда)*	
6. Телефон рақами	
7. Бир “Ғамхўрлик” марказидан бошқасига ўтказиш сўралаётган шахснинг жойлаштирилган “Ғамхўрлик” маркази *(номи ва манзили)*	
8. Ўтказиш учун асос	❑ қонуний вакилнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилига; ❑ бошқа ҳудудга кўчиб ўтганда вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилига;
9. Ўтказиш сўралаётган “Ғамхўрлик” маркази *(номи ва манзили)*	
II. “Ғамхўрлик” марказидан бошқасига ўтказиш сўралаётган бола тўғрисида маълумотлар:	
1. Ф.И.О.	
2. Туғилган йили ва санаси	
3. Доимий рўйхатдан ўтган жойи	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
5. Электрон почта манзили *(мавжуд бўлганда)*	
6. Телефон рақами	

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “21” майдаги 271-сон қарорига
5-илова

“Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом руҳий ҳолати бузилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар (кейинги ўринларда – ногиронлиги бўлган шахслар) учун “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати (кейинги ўринларда – кундузги қараб туриш хизмати)ни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот модули – давлат-хусусий шериклик лойиҳаси асосида фаолият юритаётган кундузги қараб туриш хизмати ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттириш, бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги маълумотлар базаси;

давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, ногиронлиги бўлган шахслар учун кундузги қараб туриш хизматини кўрсатиш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим – уч йил муддатга томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ижро этишнинг бошқа шартларини белгилаб берадиган давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузилган шартнома (кейинги ўринларда – битим);

давлат шериги – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқарма);

ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссия – туман (шаҳар)лардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази) томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни кундузги қараб туриш хизматига йўналтириш учун тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ҳамда уларни ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказиш мақсадида ҳудудий бошқарма ҳузурида юридик шахс мақомисиз ташкил этиладиган доимий асосда фаолият юритувчи коллегиал орган;

оила аъзолари – ота-она, турмуш ўртоқ, фарзандлар ҳамда умумий рўзғор асосида бир уйда яшовчи бошқа шахслар;

кундузги қараб туриш хизмати – ногиронлиги бўлган шахсга кун давомида қараб туриш ва парваришлаш, ижтимоийлашувига кўмаклашиш ҳамда бошқа реабилитация тадбирларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий хизмат;

талабгор – давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдор бўлган якка тартибдаги тадбиркор (кейинги ўринларда – ЯТТ) ёки юридик шахс;

хусусий шерик – давлат шериги билан битим тузган ЯТТ ёхуд юридик шахс.

3. Қуйидагилар кундузги қараб туриш хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ногиронлиги бўлган шахсларга қараб туриш ва уларни парваришлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг мустақил ҳаётга мослаштириш ва жамиятга интеграциялашувига кўмаклашиш;

ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, уй хўжалигини юритиш, атрофдагилар билан мулоқот қилишга ўргатиш;

меҳнат кўникмаларини ривожлантириш, индивидуал имконият ва эҳтиёжларига мос меҳнат фаолиятига жалб этиш.

Хусусий шерик томонидан кундузги қараб туриш хизматида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва уларнинг ижтимоийлашувига қаратилган бошқа вазифаларни амалга ошириш бўйича тадбирлар йўлга қўйилиши мумкин.

4. Кундузги қараб туриш хизмати хусусий шерик томонидан битимнинг амал қилиш даврида ногиронлиги бўлган шахсларга қараб туриш ва парвариш қилиш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган, ёнғин хавфсизлиги, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига жавоб берадиган ЯТТ (ўзига ёхуд турмуш ўртоғига) ёки юридик шахсга мулк ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлган бино-иншоотларда ташкил этилади.

Бунда бино ёки иншоот ЯТТ (турмуш ўртоғига тегишли бўлган ҳолат бундан мустасно) ёки юридик шахсга мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлмаган тақдирда, бино ёки иншоотдан ижара ёки бошқа ҳуқуқ асосида фойдаланиш шартномасининг амал қилиш муддати битимнинг амал қилиш муддати давомида ўз кучида бўлиши таъминланиши зарур.

5. Кундузги қараб туриш хизмати беш кунлик иш ҳафтасида, қоида тариқасида, 9 соатли иш режимида ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахснинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳамда оила аъзосининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, оила аъзоси ва хизмат кўрсатувчи ўртасида мустақил равишда тузиладиган шартнома асосида ногиронлиги бўлган шахсга қўшимча хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, олти кунлик иш ҳафтаси ва кўпи билан 12 соатгача бўлган иш режими белгиланиши мумкин.

6. Кундузги қараб туриш хизмати эркаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида ташкил этилади. Эркаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида ташкил этишнинг иложи бўлмаган ҳолларда, кундузги қараб туриш хизматини битта бино ёки иншоотда лекин уларни алоҳида кириш имкониятига эга бўлган хоналарга ажратган ҳолда ташкил этилади.

7. Кундузги қараб туриш хизмати қуйидаги ташхислардан бири қўйилган ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилади:

мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71);

оғир даражадаги ақлий заифлик (F72);

чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73);

деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03).

8. Кундузги қараб туриш хизматини кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма)дан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан хусусий шерикка субсидия шаклида қоплаб берилади.

2-боб. Кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш тартиби

1-§. Давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш

9. Ҳудудий бошқарма ҳар чоракда камида бир марта ўзларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида, шунингдек, Агентликнинг расмий веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссияларнинг кўриги натижаси бўйича кундузги қараб туриш хизматига йўналтириш учун хулоса берилган ногиронлиги бўлган шахслар учун эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш бўйича эълон бериб боради.

Бунда кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш истагида бўлган талабгор ўша ҳудуддаги “Инсон” марказидан кундузги қараб туриш хизматига йўналтирилиши мумкин бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ёши, сони ва жинси, шунингдек, кундузги қараб туриш хизматини ташкил этишда давлат-хусусий шериклик шартлари ҳақида маълумот олади.

10. Талабгор кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш истагини билдирган тақдирда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузиш учун тегишли ҳудудий бошқармага ахборот модули орқали қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон шаклдаги ариза билан мурожаат қилади:

ЯТТ учун биометрик паспорт (идентификация ID-карта) маълумотлари;

юридик шахс учун солиқ тўловчининг идентификация рақами;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш даврида кундузги қараб туриш хизмати ташкил этиладиган бино ёки иншоотга бўлган мулк, ижара ёки бошқа ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги (кадастр рақами), унинг манзили, жойлашуви (геолокацияси) ва кундузги қараб туриш хизмати учун ажратиладиган майдон (квадрат метрда акс эттирилади) ҳақидаги маълумотлар;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

кундузги қараб туриш хизматида ташкил этилиши режалаштирилган гуруҳлар (аёллар ва эркаклар гуруҳи) сони;

алоқа учун электрон почта манзили ва (ёки) мобиль телефон рақами.

Талабгор ахборот модулига киритиладиган маълумотларнинг ишончлилиги учун шахсан жавобгар бўлади.

11. Ариза ахборот модули орқали шакллантирилганидан сўнг:

талабгорга аризада кўрсатилган электрон почта ва (ёки) мобил телефон рақамига аризанинг ID-рақами, ариза қабул қилинган сана ва вақти кўрсатилган ҳолда хабар жўнатилади;

кундузги қараб туриш хизматининг жойлашуви бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда – Санэпидқўмнинг туман (шаҳар) бўлимлари) ҳамда туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимларига электрон сўров жўнатилади.

12. Электрон сўров келиб тушгандан сўнг уч иш куни мобайнида:

а) Санэпидқўмнинг туман (шаҳар) бўлимлари:

кундузги қараб туриш хизмати учун ажратилган хоналар белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини;

бино ёки иншоотнинг манзили ва кундузги қараб туриш хизмати учун ажратиладиган майдоннинг (квадрат метрда акс эттирилади) аризада тўғри кўрсатилганлигини;

белгиланган меъёрларга мувофиқ кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш учун ажратилган майдонда қабул қилиниши мумкин бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг максимал сонини;

кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш учун ажратилган бино ёки иншоотлар санитария-ҳимоя зонасига эга бўлган объектлардан зарур даражадаги узоқликда жойлашганлигини ўрганади;

ўрганиш натижаси бўйича хулоса шакллантиради ва унга кундузги қараб туриш хизматининг кириш қисми, ошхонаси, ҳожатхонаси, ногиронлиги бўлган шахсларга қараб туриш учун мўлжалланган хоналарнинг фотосуратларини (камида 4 та фотосурат) илова қилади;

б) туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимлари кундузги қараб туриш хизмати ташкил этилиши режалаштирилган бино ёки иншоотлар ҳудуди ҳамда бино (иншоот) ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ёхуд мувофиқ эмаслигини белгиланган тартибда ўрганиб чиқади ҳамда фотосуратларни (камида 4 та фотосурат) илова қилган ҳолда ўрганиш натижалари бўйича хулоса беради.

Кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш учун танланган манзилда фаолиятни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосанинг ишончлилиги учун шахсий жавобгарлик уни тасдиқлаган ташкилот раҳбарига юкланади.

13. Санэпидқўмнинг туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимларининг хулосалари белгиланган тартибда тасдиқланганидан сўнг барча маълумотлар кундузги қараб туриш хизмати ташкил этиш тўғрисидаги ариза билан бирга бир иш кунида ахборот модули орқали тегишли “Инсон” марказига тақдим этилади.

14. Мазкур Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ахборот модули орқали келиб тушганидан сўнг беш иш куни мобайнида “Инсон” маркази томонидан:

талабгор жисмоний шахснинг руҳий ёки наркология касалликлари диспансерларида ҳисобда туриш-турмаслигини аниқланади;

Санэпидқўмнинг туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимларининг хулосалари ҳамда кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш режалаштирилаётган ҳудудда ушбу хизматга йўналтирилиши мумкин бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги бўйича маълумотларни ўрганади.

Мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш якуни бўйича кундузги қараб туриш хизматини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклиф тайёрланиб, “Инсон” маркази директорининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади ҳамда тегишли ҳудудий бошқармага ахборот тизими орқали юборилади.

15. Ҳудудий бошқарма беш иш куни ичида “Инсон” маркази томонидан тақдим этилган ҳужжатларни, шу жумладан, кундузги қараб туриш хизматига субсидия ажратиш учун тегишли молия йилида Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасидан (кейинги ўринларда – Жамғарма) ажратиладиган маблағлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда кундузги қараб туриш хизмати ташкил этилиши мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги бўйича хулоса тайёрлайди ва ахборот модулига киритади.

Ҳудудий бошқармалар томонидан кундузги қараб туриш хизматини ташкил этилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича ижобий хулоса ахборот модулига киритилганидан сўнг битим ахборот модулида автоматик равишда шаклланади ҳамда имзолаш учун талабгорга электрон шаклда жўнатилади.

16. Қуйидаги ҳолатларда ариза рад этилади:

Санэпидқўмнинг туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимлари томонидан кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш учун танланган манзилнинг санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса берилганида;

идоралараро электрон алмашинув орқали олинган маълумотларга асосан талабгор бино ёки иншоотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаганида ёхуд ижара (шу жумладан бошқа ҳуқуқ) асосида фойдаланиш шартномаси мавжуд бўлмаганда;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш учун ажратилиши режалаштирилган (аризада кўрсатилган) бино ёки иншоот манзили кадастр органларидан олинган маълумотларга мос эмаслиги аниқланганда;

талабгор жисмоний шахснинг руҳий ёки наркология касалликлари диспансерларида ҳисобда туриши аниқланганда;

белгиланган харажатлар кундузги қараб туриш хизматига субсидия ажратиш учун тегишли молия йилида назарда тутилган маблағлар ҳажмидан ошиб кетганда.

Ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа асосларга кўра аризани рад этиш тақиқланади.

17. Кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш тўғрисидаги ариза рад этилганда, унинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда, аризадаги электрон почта манзилига ёки мобил телефон рақамига хабар юбориш орқали талабгор хабардор қилинади.

18. Талабгор ахборот модули орқали тақдим этилган битимни ўн беш иш куни ичида кўриб чиқади ва унда белгиланган шартларга рози бўлганида, унга электрон имзо қўяди.

Талабгор ўн беш иш куни ичида битимни имзоламаса, унинг аризаси бекор қилинади, бунда битимни имзолаш зарурати мавжуд бўлганида, ариза талабгор томонидан янгидан ахборот модулига киритилиши талаб этилади.

Талабгор томонидан имзоланган битим автоматик равишда тегишли ҳудудий бошқармага имзолаш учун юборилади. Бунда ҳудудий бошқарма томонидан ушбу битимга беш иш куни мобайнида имзо қўйилиши лозим.

19. Хусусий шерик ҳудудий бошқарма билан битимни тузган кундан кейинги иш кунидан бошлаб фаолиятини бошлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда:

хусусий шерик ахборот модулига кирган ҳолда унда кўрсатилган оммавий оферта талаблари ва шартлари билан танишиб, ушбу ахборот модулидан фойдаланиш бўйича ўз розилигини билдириши ва электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаши талаб этилади;

ахборот модули орқали оферта тасдиқланганда, хусусий шерик учун ушбу ахборот модулида шахсий кабинет очилади.

20. Хусусий шерик билан битим тузилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ҳудудий бошқарма жойига чиққан ҳолда ташкил этилган кундузги қараб туриш хизмати учун мўлжалланган мебель ва бошқа анжомлар билан жиҳозланганлик ҳолати бўйича ўрганиш ўтказади ҳамда ўрганиш якуни бўйича кундузги қараб туриш хизматини кўрсатиш мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақидаги хулосани электрон шаклда ахборот модулига киритади.

Ҳудудий бошқарма томонидан салбий хулоса берилганида, аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар кундузги қараб туриш хизматини кўрсатиш вақтинча тўхтатилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

2-§. Кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш

21. Кундузги қараб туриш хизмати ЯТТ томонидан ташкил этилганда кўпи билан 2 та гуруҳ, юридик шахс томонидан ташкил этилганда ҳар бир манзилда кўпи билан 4 та гуруҳ ташкил этишга йўл қўйилади.

Кундузги қараб туриш хизматида ҳар бир гуруҳ 8 нафаргача ногиронлиги бўлган шахсдан иборат бўлади.

22. Кундузги қараб туриш хизматида ногиронлиги бўлган шахснинг овқатланиши санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари асосида ташкил этилади.

23. Кундузги қараб туриш хизматининг битта гуруҳига 1 та штат бирлигида меҳнат йўриқчиси, 1 та штат бирлигида санитарка жалб қилинади.

Кундузги қараб туриш хизматида кадрлар таркиби ҳамда уларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган маълумотлар ходимлар ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатилган кундан бошлаб бир иш куни ичида хусусий шерик томонидан ахборот модулига киритилиши шарт.

24. Кундузги қараб туриш хизматида меҳнат йўриқчиси лавозимига тегишлича олий ёки ўрта махсус педагогик ёки психологик маълумотга, санитарка вазифасига умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинади, кундузги қараб туриш хизматига қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахснинг оила аъзолари санитарка лавозимига қабул қилинган ҳолат бундан мустасно.

25. Кундузги қараб туриш хизматида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахслар Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказида мажбурий равишда уч йилда камида бир марта 36 соатдан кам бўлмаган ўқув дастури асосида онлайн ва (ёки) офлайн шаклда малака оширади.

Бунда кундузги қараб туриш хизматига биринчи марта ишга қабул қилинаётган шахслар икки ой ичида малака ошириш курсидан ўтиши лозим.

26. Кундузги қараб туриш хизматини ташкил этган хусусий шерик билан ногиронлиги бўлган шахснинг оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусий шерик ҳамда ногиронлиги бўлган шахснинг оила аъзолари ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солинади.

Шартнома ногиронлиги бўлган шахсларнинг кундузги қараб туриш хизматида бўлиш вақтини, парваришлаш жараёнини ташкил этишда томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини ўз ичига олади.

27. Кундузги қараб туриш хизмати кўрсатиладиган бинонинг кириш жойида фуқароларни кундузги қараб туриш хизмати ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилиш мақсадида хусусий шерик томонидан ахборот пешлавҳаси ўрнатилади.

Ахборот пешлавҳасида битим нусхаси, кундузги қараб туриш хизматининг иш тартиби ва бошқа ҳужжатларнинг нусхалари жойлаштирилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

3-§. Кундузги қараб туриш хизматига ногиронлиги бўлган шахсларни қабул қилиш ҳамда чиқариш

28. “Инсон” маркази:

Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиянинг текшируви натижасида кундузги қараб туриш хизматига йўналтиришга хулоса берилган ногиронлиги бўлган шахснинг оила аъзоларига кундузги қараб туриш хизматидан фойдаланишни таклиф қилади;

кундузги қараб туриш хизматидан фойдаланиш бўйича қизиқиш билдирган ногиронлиги бўлган шахснинг оила аъзосига кундузги қараб туриш хизмати ва ундан фойдаланиш шартлари тўғрисида маълумот беради.

29. Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссия томонидан кундузги қараб туриш хизматига йўналтиришга берилган хулоса асосида ногиронлиги бўлган шахснинг оила аъзоси “Инсон” марказига мурожаат қилади.

Бунда “Инсон” маркази ногиронлиги бўлган шахсни унинг оила аъзолари танлови асосида хусусий шерикни хабардор қилган ҳолда ахборот модули орқали уч иш куни ичида кундузги қараб туриш хизматига бириктиради.

30. Ногиронлиги бўлган шахслар кундузги қараб туриш хизматидан қуйидагилар асосида чиқарилади:

оила аъзоларининг аризаси;

соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг тиббий кўрсатмалари;

ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиянинг хулосасида кўрсатилган ногиронлиги бўлган шахснинг кундузги қараб туриш хизматида бўлиш муддатининг тугаши;

битимнинг бекор қилиниши;

ногиронлиги бўлган шахснинг вафот этиши.

Ушбу бандда назарда тутилган ҳолатлар юзага келганлиги ахборот модули томонидан ўрганиб борилади.

31. Мазкур Низомнинг 30-бандига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар кундузги қараб туриш хизматидан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ахборот модулида шакллантириб борилади.

Бунда ногиронлиги бўлган шахслар кундузги қараб туриш хизматидан чиқарилган ҳар бир ҳолат бўйича тегишли нодавлат ташкилотлар бир иш куни ичида уларнинг ахборот модулидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилиб борилади.

3-боб. Кундузги қараб туриш хизматини молиялаштириш

32. Хусусий шерик ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олган мол-мулкни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

33. Кундузги қараб туриш хизмати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уни ташкил этган хусусий шерикнинг маблағлари ҳамда Жамғармадан ажратиладиган субсидия, оила аъзосининг тўловлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

34. Кундузги қараб туриш хизматига қабул қилинган ҳар бир ногиронлиги бўлган шахс тўғрисидаги маълумотлар ахборот модулига киритилганида ҳисобот ойида ҳар бир ногиронлиги бўлган шахснинг ҳақиқатда қатнаган кунлари бўйича хусусий шерикка субсидия ажратилади.

35. Хусусий шерикка ногиронлиги бўлган шахсга қараб туриш хизмати кўрсатилган ҳар бир кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 31 фоизи миқдорида субсидия ажратилади.

Бунда хусусий шерикка бириктирилган ногиронлиги бўлган шахслар бир ой ичида камида ўн иш куни давомида кундузги қараб туриш хизматидан фойдаланган бўлса, уларнинг қолган етти иш кунигача хизматдан фойдаланмаган кунлари учун ҳам хусусий шерикка мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган субсидиянинг 50 фоизи миқдорида субсидия ажратилади.

36. Ушбу Низомнинг 35-бандига мувофиқ субсидия ажратишда вилоятлар марказлари ва Нукус шаҳрида ташкил этилган кундузги қараб туриш хизмати учун ажратиладиган субсидия миқдорини белгилашда 1,1 нисбатда, Тошкент шаҳрида эса 1,3 нисбатда кўпайтирувчи коэффициент қўлланади.

37. Хусусий шерикка бир нафар ногиронлиги бўлган шахсга қараб туриш хизматини кўрсатганлик учун ажратиладиган субсидиянинг ойлик миқдори ахборот модулида қуйидаги формула асосида автоматик ҳисоб-китоб қилинади:

КҚТХС = КҚТХ * ҚКС;

КҚТХС – кундузги қараб туриш хизматидаги бир нафар ногиронлиги бўлган шахс харажатларини қоплаш учун субсидиянинг ойлик суммаси;

КҚТХ – кундузги қараб туриш хизматидаги бир нафар ногиронлиги бўлган шахснинг бир кунлик харажатини қоплашга ажратиладиган субсидиянинг миқдори;

ҚКС – ҳисобот ойида ҳар бир ногиронлиги бўлган шахснинг ҳақиқатда кундузги қараб туриш хизматига қатнаган кунлари сони.

Бунда вилоятлар марказлари, Тошкент ва Нукус шаҳарларида кундузги қараб туриш хизматини ташкил этган хусусий шерикка ажратиладиган субсидиянинг ойлик миқдори КҚТХС = КҚТХ *1,1 ёки 1,3 * ҚКС формуласи орқали, мазкур Низомнинг 35-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган тартибда субсидия ажратишда эса субсидия миқдорини 50 фоизга камайтириш орқали ҳисоб-китоб қилинади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

38. Хусусий шерикка тўланадиган субсидияни ҳисоблаш ҳар бир ногиронлиги бўлган шахс тўғрисидаги маълумотлар ахборот модулига киритилган куннинг кейинги иш кунидан бошланади.

Бунда субсидиянинг миқдори кундузги қараб туриш хизматига қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахсларнинг беш кунлик иш ҳафтасидаги ҳақиқий давоматидан келиб чиққан ҳолда ахборот модули орқали автоматик равишда ҳисобланади.

39. Субсидия кундузги қараб туриш хизматида ташкил этилган гуруҳга камида 2 нафар ногиронлиги бўлган шахс қабул қилинганидан сўнг ҳисобот ойида ҳар бир ногиронлиги бўлган шахснинг ҳақиқатда хизматдан фойдаланган кунлари бўйича ажратилади.

Бироқ, кундузги қараб туриш хизматидан фойдаланувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўртача сони кетма-кет уч ой давомида 3 ва ундан кам бўлган тақдирда, субсидия тўлаш тўхтатилади. Бунда кундузги қараб туриш хизматидан фойдаланувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўртача сонини аниқлашда камида бир ойнинг учдан бир қисмида давомати белгиланган шахслар инобатга олинади.

40. Кундузги қараб туриш хизматига қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳақиқий давоматининг ҳисоби махсус қурилмалар ёрдамида жисмоний шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали юритилади.

41. Биометрик идентификация қилиш жараёни кундузги қараб туриш хизматининг раҳбари ёки ходимлари томонидан махсус қурилмалар ёрдамида ушбу ташкилотнинг жойлашуви (геолокацияси) ҳисобга олинган ҳолда ҳар иш кунида бир маротаба амалга оширилади.

42. Субсидиянинг ойлик суммалари автоматик равишда ахборот модулида қайд этилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг давомати асосида ҳисобланади ҳамда ушбу Низомга иловага мувофиқ намунадаги буюртманома шаклланади.

Бунда кундузги қараб туриш хизматининг битимда кўрсатилган манзилидан (жойлашуви бўйича геолокацияси) бошқа жойда қайд этилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг давомати ахборот модулида ҳисобга олинмайди.

43. Махсус қурилмалардан Интернет жаҳон ахборот тармоғисиз (оффлайн режимда) фойдаланилган ҳолларда ногиронлиги бўлган шахслар давомати бўйича қайд этилган маълумотлар хусусий шерик томонидан ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмасдан Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган ҳолда (онлайн режимда) оффлайн режимда киритилган маълумотларни ахборот модулига узатилишини (янгиланишини) таъминлайди.

Ахборот модулига маълумотлар ўз вақтида тақдим этилмаганда, шу жумладан, ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган тартибда узатилишини (янгиланишини) таъминламаганда хусусий шерикка субсидия ҳисобланмайди ва тўланмайди.

44. Ахборот модулида ҳисобланган субсидиянинг тўлов қайдномаси ва тўлов топшириқномаси ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар шакллантирилади ва Жамғарманинг махсус ғазна ҳисобварағидан икки иш куни ичида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимлари орқали хусусий шерикнинг тижорат банкдаги ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

45. Хусусий шерик ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги ахборот модулига киритилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги бўйича жавобгар ҳисобланади.

46. Хусусий шерик томонидан бир ногиронлиги бўлган шахснинг маълумотлари ахборот модулига киритилиб, унинг фотосурати ўрнига бошқа шахснинг фотосурати ушбу ахборот модулига жойлаштирилганлиги ва унинг асосида давомат белгилаб келинаётганлиги аниқланганда мазкур ҳолат аниқланган ойдан бошлаб уч ой давомида мазкур ногиронлиги бўлган шахс учун субсидия ҳисобланмайди ва тўланмайди.

Бундай ҳолат такроран аниқланганда, ушбу хусусий шерик билан тузилган битим давлат шериги томонидан бир томонлама бекор қилинади ва қайта тузилмайди.

47. Техник ёки бошқа сабабларга кўра ҳисобот ойида ахборот модулида субсидиянинг ортиқча ёки кам ҳисобланганлиги аниқланганда, ҳисобот ойидан кейинги ойда ушбу субсидия тегишли суммалар қўшилган ёки камайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

48. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари натижасида хусусий шерик томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг давоматини ахборот модулига киритишнинг имконияти бўлмаган ҳолларда, ойлик давоматни белгилаш учун ахборот модулида қайд этилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг сўнгги 5 кунликдаги ўртача давомат кўрсаткичи асосида ҳисоб-китоб қилинади ва тўлаб берилади.

Бунда хусусий шерик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари юз берганлигини тасдиқловчи ваколатли орган томонидан бериладиган сертификатни тегишлилиги бўйича “Инсон” марказига тақдим этиши лозим.

49. Техник носозлик сабабли ахборот модулининг мобил иловаси ёки махсус қурилмалар ёрдамида ногиронлиги бўлган шахсларни биометрик идентификация қилиш имкони бўлмаган ҳолларда, хусусий шерик мазкур ҳолат юзасидан дарҳол ўша ҳудуддаги “Инсон” марказини хабардор қилади. Бунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг уч кундан ортиқ бўлмаган муддатдаги давомати “Инсон” маркази томонидан тўлдириладиган ногиронлиги бўлган шахсларнинг қатнови далолатномаси асосида амалга оширилади.

50. “Инсон” маркази техник носозлик сабабли тўлдирилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг қатнови далолатномасини ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмасдан ахборот модулига киритиш учун тегишли ҳудудий бошқармага тақдим этади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

51. Кундузги қараб туриш хизматини бошқариш уни ташкил этган хусусий шерик томонидан амалга оширилади.

52. Кундузги қараб туриш хизматини ташкил этиш, хусусий шерик билан битим тузиш, кундузги қараб туриш хизматига ногиронлиги бўлган шахсларни қабул қилиш ҳамда чиқариш жараёнлари “Инсон” маркази, ҳудудий бошқарма ва Агентлик ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириш маркази томонидан доимий равишда мониторинг қилиб борилади. Бунда мониторинг жараёнида:

аниқланган техник хато ва камчиликларни уч иш куни ичида бартараф этиш тўғрисида хусусий шерикка ахборот модули орқали хабарнома юборилади;

мазкур Низом талабларига лозим даражада риоя этилмаётганлиги ёки Низом талаблари бузилганлиги аниқланган ҳолларда Ижтимоий инспекция ахборот модули орқали дарҳол хабардор қилинади.

53. Ушбу Низом талабларига риоя этилиши Ижтимоий инспекция ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари томонидан назорат қилиб борилади.

54. Хусусий шерик билан тузилган битим ҳудудий бошқарма томонидан қуйидаги ҳолларда бир томонлама бекор қилинади:

кундузги қараб туриш хизмати томонидан бир ногиронлиги бўлган шахснинг маълумотлари ахборот модулига киритилиб, унинг фотосурати ўрнига бошқа шахснинг фотосурати ушбу ахборот модулига жойлаштирилганлиги ва унинг асосида давомати белгиланиб келинаётганлиги такроран аниқланганда;

ЯТТ бўлган хусусий шерик озодликдан маҳрум этилганда, бедарак йўқолган деб топилганда ёки вафот этганида (вафот этган деб эълон қилинганда);

хусусий шерик – юридик шахс фаолияти тугатилганда;

хусусий шерик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилганда;

хусусий шерик ушбу Низом ҳамда битимда кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда.

55. Кундузги қараб туриш хизматини ташкил этган хусусий шерик томонидан ҳудудий бошқарма билан тузилган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уни бекор қилиш юзасидан ариза ахборот модулига электрон шаклда юборилади.

56. Битим муддатини узайтириш бўйича ариза хусусий шерик томонидан амалдаги битим муддати тугашидан камида бир ой олдин ахборот модули орқали электрон шаклда юборилади.

57. Битимнинг муддатини узайтириш, фаолият манзилини ўзгартириш, кундузги қараб туриш хизмати қувватини камайтириш ёки ошириш ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

58. Битимни бекор қилиш бўйича ариза тарафлар томонидан электрон шаклда ахборот модулига киритилади. Бунда аризага электрон рақамли имзо қўйилган битимни бекор қилиш бўйича қўшимча келишув илова қилинади.

Битимни бекор қилиш бўйича ариза ахборот модулига киритилган кундан бошлаб уч иш кунида тарафлар томонидан кўриб чиқилиши лозим.

59. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

“Янги кун” кундузги қатнов асосида қарор қурилиш хизматини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга илова

НАМУНА

20___ йил _____ ойи учун “_____” ижтимоий хизматга қабул қилинган ҳар бир шахс учун субсидия олишга
БУЮРТМАНОМА

Юридик шахс СТИРи, якка тартибдаги тадбиркор биометрик паспорт маълумоти _____
Ҳудуд номи _____
Туман (шаҳар) номи _____
МФЙ номи _____
Уй рақами _____

Т/р	Хизматдан фойдаланувчи тўғрисида маълумотлар			Ҳисобот ойида		
	Ф.И.О.	Туғилган санаси	Биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси ва рақами	Хизматдан фойдаланувчининг ижтимоий хизматга қатнаган кунлари сони	Субсидиянинг қатъий кунлик миқдори	Хизматдан фойдаланувчи учун ажратиладиган ва тўланадиган субсидия суммаси (4 уст*5 уст)
а	*1*	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*
1.						
2.						
...						
	ЖАМИ:	**X**	**X**			

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “21” майдаги 271-сон қарорига
6-илова

Уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом туғилганидан бошлаб 18 ёшгача бўлган узоқ муддат парваришга муҳтож болалар ва руҳий ҳолати бузилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар (кейинги ўринларда – хизматдан фойдаланувчилар) учун уй шароитида қараб туриш хизматини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот модули – давлат-хусусий шериклик лойиҳаси асосида фаолият юритаётган уй шароитида қараб туриш хизмати ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттириш, бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги маълумотлар базаси;

давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, хизматдан фойдаланувчилар учун уй шароитида қараб туриш хизматини кўрсатиш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим – уч йил муддатга томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ижро этишнинг бошқа шартларини белгилаб берадиган давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузилган шартнома (кейинги ўринларда – битим);

давлат шериги – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқарма);

Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссия – туман (шаҳар)лардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази) томонидан руҳий ҳолати бузилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида қараб туриш хизматига йўналтириш учун тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ҳамда уларни ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказиш мақсадида ҳудудий бошқарма ҳузурида юридик шахс мақомисиз ташкил этиладиган доимий асосда фаолият юритувчи коллегиал орган;

Психологик-тиббий-педагогик комиссия – туғилганидан бошлаб 18 ёшгача бўлган узоқ муддат парваришга муҳтож болаларни уй шароитида қараб туриш хизматига йўналтириш учун тақдим этилган ҳужжатларни

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

ўрганиб чиқиш ҳамда уларни психологик-тиббий-педагогик текширувдан ўтказиш мақсадида ҳудудий бошқарма ҳузурида юридик шахс мақомисиз ташкил этиладиган доимий асосда фаолият юритувчи коллегиал орган;

оила аъзоси – ота-она, турмуш ўртоқ, фарзандлар ҳамда умумий рўзғор асосида бир уйда яшовчи бошқа шахслар;

талабгор – давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдор бўлган якка тартибдаги тадбиркор (кейинги ўринларда – ЯТТ) ёки юридик шахс;

уй шароитида қараб туриш хизмати – хизматдан фойдаланувчиларга хусусий шерик томонидан уларнинг яшаш жойига борган ҳолда уй шароитида қараб туриш ва парваришга қаратилган ижтимоий хизмат;

хусусий шерик – давлат шериги билан битим тузган ЯТТ ёхуд юридик шахс.

3. Қуйидагилар уй шароитида қараб туриш хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) туғилганидан бошлаб 18 ёшгача бўлган узоқ муддат парваришга муҳтож болалар (кейинги ўринларда – парваришга муҳтож бола)га уй шароитида қараб туришда:

парваришга муҳтож болага қараб туриш ва парвариш қилиш;

парваришга муҳтож боланинг умумий ҳолати ва соғлиғини ҳамда дори воситалари ва овқатини ўз вақтида истеъмол қилишини назорат қилиш;

гигиена тадбирларини амалга ошириш;

парваришга муҳтож бола билан мулоқот қилиш ва қўллаб-қувватлаш;

парваришга муҳтож боланинг оила аъзоларига зарур маслаҳатларни бериб бориш;

б) руҳий ҳолати бузилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар (кейинги ўринларда – ногиронлиги бўлган шахс)га уй шароитида қараб туришда:

ногиронлиги бўлган шахсга қараб туриш (йиқилиш ва жароҳатланишларнинг олдини олиш);

ногиронлиги бўлган шахсни парваришлаш (овқатлантириш, гигиеник тадбирларни амалга ошириш);

ногиронлиги бўлган шахс билан мулоқот қилиш;

тюторлик (шахсни ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатиш ва мустақил яшаш кўникмаларини шакллантириш).

Хусусий шерик томонидан уй шароитида қараб туриш хизматида хизматдан фойдаланувчиларни реабилитация қилиш ва уларнинг ижтимоийлашувига қаратилган бошқа вазифаларни амалга ошириш бўйича тадбирлар йўлга қўйилиши мумкин.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

4. Хизматдан фойдаланувчиларга уй шароитида қараб туриш хизмати хусусий шерик томонидан битимнинг амал қилиш даврида 5 кунлик иш ҳафтасида 08:00 дан 18:00 гача бўлган вақт оралиғида кунига 3 соатгача хизматдан фойдаланувчиларнинг яшаш жойига борган ҳолда кўрсатилади.

Бунда хусусий шерикнинг бир нафар ходими томонидан бир иш куни мобайнида кўпи билан уч нафаргача хизматдан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишига йўл қўйилади.

5. Хусусий шерик жойлашган ёки унинг ходими яшайдиган манзил хизматдан фойдаланувчиларнинг яшаш манзили билан бир хил бўлишига йўл қўйилмайди.

6. Хизматдан фойдаланувчиларнинг оила аъзоси ва хусусий шерик ўртасида мустақил равишда тузиладиган шартнома асосида хизматдан фойдаланувчиларга қўшимча хизматлар, шу жумладан, дам олиш кунларида хизматлар кўрсатилиши мумкин.

7. Уй шароитида қараб туриш хизмати ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ тиббий кўрсатмаларнинг бири бўйича касаллик ташхиси қўйилган хизматдан фойдаланувчиларга кўрсатилади.

8. Уй шароитида қараб туриш хизматининг харажатлари-Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма)дан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан хусусий шерикка субсидия шаклида қоплаб берилади.

2-боб. Уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этиш тартиби

1-§. Давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш

9. Ҳудудий бошқарма ҳар чоракда камида бир марта ўзларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида, шунингдек, Агентликнинг расмий веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида парваришга муҳтож болалар ва ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар асосида эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этиш бўйича эълон бериб боради.

Бунда уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этиш истагида бўлган талабгор ўша ҳудуддаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази)дан уй шароитида қараб туриш хизматига йўналтирилиши мумкин бўлган парваришга муҳтож болалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ёши, сони ва жинси, шунингдек, уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этишда давлат-хусусий шериклик шартлари ҳақида маълумот олади.

10. Талабгор уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этиш истагини билдирган тақдирда, битимни тузиш учун тегишли ҳудудий бошқармага ахборот модули орқали қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон шаклдаги ариза билан мурожаат қилади:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

ЯТТ учун биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-карта) маълумотлари;

юридик шахс учун солиқ тўловчининг идентификация рақами;

алоқа учун электрон почта манзили ва (ёки) мобил телефон рақами.

Талабгор ахборот модулига киритиладиган маълумотларнинг ишончлилиги учун шахсан жавобгар бўлади.

11. Ариза ахборот модули орқали шакллантирилганидан сўнг талабгорга аризада кўрсатилган электрон почта ва (ёки) мобиль телефон рақамига аризанинг ID-рақами, ариза қабул қилинган сана ва вақти кўрсатилган ҳолда хабар жўнатилади.

12. Мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ахборот модули орқали келиб тушганидан сўнг беш иш куни мобайнида “Инсон” маркази томонидан:

талабгор жисмоний шахснинг руҳий ёки наркология касалликлари диспансерларида ҳисобда туриш-турмаслигини аниқланади;

уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этиш режалаштирилаётган ҳудудда ушбу хизматга йўналтирилиши мумкин бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги бўйича маълумотларни ўрганилади.

Мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш якуни бўйича уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклиф тайёрланиб, “Инсон” маркази директорининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади ҳамда тегишли ҳудудий бошқармага ахборот тизими орқали юборилади.

13. Ҳудудий бошқарма мазкур Низомнинг 10 ва 12-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар ахборот модули орқали келиб тушганидан сўнг ўн иш куни мобайнида уй шароитида қараб туриш хизматига субсидия ажратиш учун тегишли молия йилида Жамғармадан ажратиладиган маблағлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этишга эҳтиёж мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича хулоса тайёрлайди ва ахборот модулига киритади.

Ҳудудий бошқармалар томонидан уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этилишига эҳтиёж мавжудлиги бўйича ижобий хулоса ахборот модулига киритилганидан сўнг битим ахборот модулида автоматик равишда шаклланади ҳамда ушбу битим имзолаш учун талабгорга электрон шаклда жўнатилади.

14. Қуйидаги ҳолатларда ариза рад этилади:

талабгор жисмоний шахснинг руҳий ёки наркология касалликлари диспансерларида ҳисобда туриши аниқланганда;

белгиланган харажатлар уй шароитида қараб туриш хизматига субсидия ажратиш учун тегишли молия йилида назарда тутилган маблағлар ҳажмидан ошиб кетганда;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

ташкил этилиши кўзда тутилган ҳудудда уй шароитида қараб туриш хизматини кўрсатишга эҳтиёж мавжуд эмаслиги аниқланганда.

Ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа асосларга кўра аризани рад этиш тақиқланади.

15. Уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этиш тўғрисидаги ариза рад этилганда, талабгорга унинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда, аризадаги электрон почта манзилига ёки мобиль телефон рақамига хабар юбориш орқали талабгор хабардор қилинади.

16. Талабгор ахборот модули орқали тақдим этилган битимни ўн беш иш куни ичида кўриб чиқади ва унда белгиланган шартларга рози бўлганида, унга электрон имзо қўяди.

Талабгор ўн беш иш куни ичида битимни имзоламаса, унинг аризаси бекор қилинади, бунда битимни имзолаш зарурати мавжуд бўлганида, ариза талабгор томонидан янгидан ахборот модулига киритилиши талаб этилади.

Талабгор томонидан имзоланган битим автоматик равишда тегишли ҳудудий бошқармага имзолаш учун юборилади. Бунда ҳудудий бошқарма томонидан ушбу битимга беш иш куни мобайнида имзо қўйилиши лозим.

17. Хусусий шерик ҳудудий бошқарма билан битимни тузган кундан кейинги иш кунидан бошлаб фаолиятини бошлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда:

хусусий шерик ахборот модулига кирган ҳолда унда кўрсатилган оммавий оферта талаблари ва шартлари билан танишиб, ушбу ахборот модулидан фойдаланиш бўйича ўз розилигини билдириши ва электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаши талаб этилади;

ахборот модули орқали оферта тасдиқланганда, хусусий шерик учун ушбу ахборот модулида шахсий кабинет очилади.

18. Уй шароитида қараб туриш хизматида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахслар Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказида мажбурий равишда уч йилда камида бир марта 36 соатдан кам бўлмаган ўқув дастури асосида онлайн ва (ёки) офлайн шаклда малака оширади.

Бунда уй шароитида қараб туриш хизматига биринчи марта ишга қабул қилинаётган шахслар икки ой ичида малака ошириш курсидан ўтиши лозим.

2-§. Уй шароитида қараб туриш хизматига парваришга муҳтож болалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қабул қилиш ҳамда чиқариш

19. “Инсон” маркази психологик-тиббий-педагогик комиссия ёки ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиянинг текшируви натижасида уй шароитида қараб туриш хизматига йўналтиришга берилган хулосага мувофиқ хизматдан фойдаланувчиларнинг оила аъзоларига уй шароитида қараб туриш хизматидан фойдаланишни таклиф қилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Уй шароитида қараб туриш хизматидан фойдаланиш истагини билдирган хизматдан фойдаланувчиларнинг оила аъзоларига уй шароитида қараб туриш хизмати ва ундан фойдаланиш шартлари тўғрисида маълумот беради.

20. Хизматдан фойдаланувчининг оила аъзоси уй шароитида қараб туриш хизматидан фойдаланиш истагини билдирган тақдирда “Инсон” марказига мурожаат қилади.

Бунда “Инсон” маркази хизматдан фойдаланувчини унинг оила аъзоси танлови асосида хусусий шерикни хабардор қилган ҳолда ахборот модули орқали уч иш куни ичида уй шароитида қараб туриш хизматига бириктиради.

21. Уй шароитида қараб туриш хизматини кўрсатиш қуйидаги асослардан бири бўлганда тугатилади:

оила аъзоларининг аризаси;

соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг тиббий кўрсатмалари;

психологик-тиббий-педагогик комиссия ёки ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиянинг хулосасида кўрсатилган уй шароитида қараб туриш муддатининг тугаши;

битимнинг бекор қилиниши;

хизматдан фойдаланувчининг вафот этиши.

Ушбу бандда назарда тутилган ҳолатлар юзага келганлиги ахборот модули томонидан ўрганиб борилади.

22. Мазкур Низомнинг 21-бандига мувофиқ уй шароитида қараб туриш хизматини кўрсатиш тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ахборот модулида шакллантириб борилади.

Бунда хизматдан фойдаланувчилар уй шароитида қараб туриш хизматини кўрсатиш тугатилган ҳар бир ҳолат бўйича тегишли нодавлат ташкилотлар бир иш куни ичида уларнинг ахборот модулидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилиб борилади.

3-боб. Уй шароитида қараб туриш хизматини молиялаштириш

23. Хусусий шерик ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олган мол-мулкни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

24. Уй шароитида қараб туриш хизмати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уни ташкил этган хусусий шерикнинг маблағлари, Жамғармадан ажратиладиган субсидия, оила аъзоларининг тўловлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

25. Уй шароитида қараб туриш хизматига қабул қилинган ҳар бир хизматдан фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлар ахборот модулига киритилганида ҳисобот ойида ҳар бир хизматдан фойдаланувчига ҳақиқатда хизмат кўрсатилган кунлари сони ва ундаги соатлар бўйича хусусий шерикка субсидия ажратилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

26. Хусусий шерикка хизматдан фойдаланувчига уй шароитида қараб туриш хизмати кўрсатилган ҳар бир соати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида субсидия ажратилади.

27. Ушбу Низомнинг 26-бандига мувофиқ субсидия ажратишда вилоятлар марказлари ва Нукус шаҳрида ташкил этилган уй шароитида қараб туриш хизмати учун ажратиладиган субсидия миқдорини белгилашда 1,1 нисбатда, Тошкент шаҳрида эса 1,3 нисбатда кўпайтирувчи коэффициент қўлланади.

28. Хусусий шерикка бир нафар хизматдан фойдаланувчига уй шароитида қараб туриш хизматини кўрсатганлик учун ажратиладиган субсидиянинг ойлик миқдори ахборот модулида қуйидаги формула асосида автоматик ҳисоб-китоб қилинади:

УШҚТХС = УШҚТХ * ҚКССД;

УШҚТХС – уй шароитида қараб туриш хизматидаги бир нафар хизматдан фойдаланувчи харажатларини қоплаш учун субсидиянинг ойлик суммаси;

УШҚТХ – уй шароитида қараб туриш хизматидаги бир нафар хизматдан фойдаланувчига кўрсатилган хизматнинг ҳар бир соати учун белгиланган харажатни қоплашга ажратиладиган субсидиянинг миқдори;

ҚКССД – ҳисобот ойида бир нафар хизматдан фойдаланувчининг ҳақиқатда уй шароитида қараб туриш хизмати кўрсатилган кунлари сони ва ундаги соатлар давомийлиги.

Бунда вилоятлар марказлари, Тошкент ва Нукус шаҳарларида уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этган хусусий шерикка ажратиладиган субсидиянинг ойлик миқдори УШҚТХС = УШҚТХ *1,1 ёки 1,3 * ҚКССД формуласи орқали ҳисоб-китоб қилинади.

29. Хусусий шерикка тўланадиган субсидияни ҳисоблаш ҳар бир хизматдан фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлар ахборот модулига киритилган куннинг кейинги иш кунидан бошланади.

Бунда субсидиянинг миқдори уй шароитида қараб туриш хизматига қабул қилинган хизматдан фойдаланувчининг беш кунлик иш ҳафтасидаги ҳақиқий давоматидан келиб чиққан ҳолда ахборот модули орқали автоматик равишда ҳисобланади.

30. Уй шароитида қараб туриш хизматига қабул қилинган хизматдан фойдаланувчиларни ҳақиқий давоматининг ҳисоби махсус қурилмалар ёрдамида жисмоний шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали юритилади.

31. Биометрик идентификация қилиш жараёни уй шароитида қараб туриш хизматининг раҳбари ёки ходимлари томонидан махсус қурилмалар ёрдамида хизматдан фойдаланувчиларнинг яшаш манзилини (геолокацияси) ҳисобга олинган ҳолда хизмат кўрсатган кунида бир маротаба амалга оширилади.

32. Субсидиянинг ойлик суммалари автоматик равишда ахборот модулида қайд этилган хизматдан фойдаланувчиларнинг давомати асосида ҳисобланади ҳамда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ намунадаги буюртманома шаклланади.

Бунда уйда қараб туриш хизматини кўрсатиш сўровномада кўрсатилган хизматдан фойдаланувчи яшайдиган манзилидан (жойлашуви бўйича геолокацияси) бошқа жойда қайд этилган хизматдан фойдаланувчиларнинг давомати ахборот модулида ҳисобга олинмайди.

33. Махсус қурилмалардан Интернет жаҳон ахборот тармоғисиз (оффлайн режимда) фойдаланилган ҳолларда хизматдан фойдаланувчиларнинг давомати бўйича қайд этилган маълумотлар хусусий шерик томонидан ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмасдан Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган ҳолда (онлайн режимда) оффлайн режимда киритилган маълумотларни ахборот модулига узатилишини (янгиланишини) таъминлайди.

Ахборот модулига маълумотлар ўз вақтида тақдим этмаганда, шу жумладан, ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган тартибда узатилишини (янгиланишини) таъминламаганда хусусий шерикка субсидия ҳисобланмайди ва тўланмайди.

34. Ахборот модулида ҳисобланган субсидиянинг тўлов қайдномаси ва тўлов топшириқномаси ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар шакллантирилади ва Жамғарманинг махсус ғазна ҳисобварағидан икки иш куни ичида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимлари орқали хусусий шерикнинг тижорат банкдаги ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

35. Хусусий шерик томонидан бир хизматдан фойдаланувчининг маълумотлари ахборот модулига киритилиб, унинг фотосурати ўрнига бошқа шахснинг фотосурати ушбу ахборот модулига жойлаштирилганлиги ва унинг асосида давомат белгилаб келинаётганлиги аниқланганда мазкур ҳолат аниқланган ойдан бошлаб уч ой давомида мазкур хизматдан фойдаланувчи учун субсидия ҳисобланмайди ва тўланмайди.

Бундай ҳолат такроран аниқланганда, ушбу хусусий шерик билан тузилган битим давлат шериги томонидан бир томонлама бекор қилинади ва қайта тузилмайди.

36. Техник ёки бошқа сабабларга кўра ҳисобот ойида ахборот модулида субсидиянинг ортиқча ёки кам ҳисобланганлиги аниқланганда, ҳисобот ойидан кейинги ойда ушбу субсидия тегишли суммалар қўшилган ёки камайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

37. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари натижасида хусусий шерик томонидан хизматдан фойдаланувчиларнинг давоматини ахборот модулига киритишнинг имконияти бўлмаган ҳолларда, ойлик давоматни белгилаш учун ахборот модулида қайд этилган хизматдан фойдаланувчиларнинг сўнгги 5 кунликдаги ўртача давомат кўрсаткичи асосида ҳисоб-китоб қилинади ва тўлаб берилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Бунда хусусий шерик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари юз берганлигини тасдиқловчи ваколатли орган томонидан бериладиган сертификатни тегишлилиги бўйича “Инсон” марказига тақдим этиши лозим.

38. Техник носозлик сабабли ахборот модулининг мобил иловаси ёки махсус қурилмалар ёрдамида тарбияланувчиларни биометрик идентификация қилиш имкони бўлмаган ҳолларда, хусусий шерик мазкур ҳолат юзасидан дарҳол ўша ҳудуддаги “Инсон” марказини хабардор қилади. Бунда хизматдан фойдаланувчиларнинг уч кундан ортиқ бўлмаган муддатдаги давомати “Инсон” маркази томонидан тўлдириладиган хизматдан фойдаланувчиларнинг қатнови далолатномаси асосида амалга оширилади.

39. “Инсон” маркази техник носозлик сабабли тўлдирилган хизматдан фойдаланувчиларнинг қатнови далолатномасини ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмасдан ахборот модулига киритиш учун тегишли ҳудудий бошқармага тақдим этади.

4 -боб. Якунловчи қоидалар

40. Уй шароитида қараб туриш хизматини бошқариш уни ташкил этган хусусий шерик томонидан амалга оширилади.

41. Уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этиш, хусусий шерик билан битим тузиш, уй шароитида қараб туриш хизматига хизматдан фойдаланувчиларни қабул қилиш ҳамда чиқариш жараёнлари “Инсон” маркази, ҳудудий бошқарма ва Агентлик ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириш маркази томонидан доимий равишда мониторинг қилиб борилади. Бунда мониторинг жараёнида:

аниқланган техник хато ва камчиликларни уч иш куни ичида бартараф этиш тўғрисида хусусий шерикка ахборот модули орқали хабарнома юборилади;

мазкур Низом талабларига лозим даражада риоя этилмаётганлиги ёки Низом талаблари бузилганлиги аниқланган ҳолларда Ижтимоий инспекция ахборот модули орқали дарҳол хабардор қилинади.

42. Ушбу Низом талабларига риоя этилиши Ижтимоий инспекция ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари томонидан назорат қилиб борилади.

43. Хусусий шерик билан тузилган давлат-хусусий битим ҳудудий бошқарма томонидан қуйидаги ҳолларда бир томонлама бекор қилинади:

уй шароитида қараб туриш хизмати томонидан бир ногиронлиги бўлган шахснинг маълумотлари ахборот модулига киритилиб, унинг фотосурати ўрнига бошқа ногиронлиги бўлган шахснинг фотосурати ушбу ахборот модулига жойлаштирилганлиги ва унинг асосида давомати белгиланиб келинаётганлиги такроран аниқланганда;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

ЯТТ бўлган хусусий шерик озодликдан маҳрум этилганда, бедарак йўқолган деб топилганда ёки вафот этганида (вафот этган деб эълон қилинганда);

хусусий шерик – юридик шахс фаолияти тугатилганда;

хусусий шерик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилганда;

хусусий шерик ушбу Низом ҳамда битимда кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда.

44. Уй шароитида қараб туриш хизматини ташкил этган хусусий шерик томонидан ҳудудий бошқарма билан тузилган битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уни бекор қилиш юзасидан ариза ахборот модулига электрон шаклда юборилади.

45. Битим муддатини узайтириш бўйича ариза хусусий шерик томонидан амалдаги битим муддати тугашидан камида бир ой олдин ахборот модули орқали электрон шаклда юборилади.

46. Битим муддатини узайтириш ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

47. Битимни бекор қилиш бўйича ариза тарафлар томонидан электрон шаклда ахборот модулига киритилади. Бунда аризага электрон рақамли имзо қўйилган битимни бекор қилиш бўйича қўшимча келишув илова қилинади.

Битимни бекор қилиш бўйича ариза ахборот модулига киритилган кундан бошлаб уч иш кунида тарафлар томонидан кўриб чиқилиши лозим.

48. Хусусий шерик ахборот модулига ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида киритилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги бўйича жавобгар ҳисобланади.

49. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Уй шароитида қараб туриш хизматини
ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Уй шароитида қараб туриш хизматига йўналтириш учун асос бўладиган тиббий кўрсатмалар РЎЙХАТИ

Т/р	Касаллик номи	Халқаро касалликлар таснифи (ХКТ-10)	Парваришга муҳтожлик мезони
I. Узоқ муддат парваришга муҳтож болалар учун			
1. Онкологик касалликлар (хавфли ўсмалар)			
1.	Хавфли ўсмалар	C00–C97	Терминал босқичлар (IV босқич), кўплаб метастазлар, барча ўсмага қарши имкониятларнинг тугаши
2.	Қайталанувчи ва рефрактер ўсмалар	C00–C97	Терапияга жавоб бермайди, кучли оғриқ синдроми, интоксикация, ҳолдан тойиш
3.	Онкогематологик касалликлар	C81–C96	Ўткир лейкозлар, қайталанувчи лимфомалар, суяк кўмигини кўчириб ўтказа олмаслик
2. Неврологик касалликлар			
4.	Прогрессив нейродегенератив касалликлар	G30–G32, G35, G37, G60–G64	Катта мотор функцияларни, сўз ва юғириш қобилиятини йўқотиш; доимий парвариш талаб этилади
5.	Болалар церебрал фалажи (БЦФ) (жиддий шакл)	G80.0–G80.9	GMFCS V, контрактуралар, сколиоз, эпилепсия, сурункали нафас етишмовчилиги, гастростомия
6.	Постгипоксик бош мия шикастланиши	P91.*, G93.4	Вегетатив ҳолат, минимал онг, зондли озиқланиш, такрорий пневмониялар
7.	Синдром Ретта	F84.2	Кеч босқичлар, юриш ва сўз қобилиятини йўқотиш, эпилепсия, нафас етишмовчилиги
8.	Лей касаллиги, митохондриал энцефалопатиялар	G31.8, G31.9	Прогрессирловчи мушак кучсизлиги, нафас етишмовчилиги, ҳаётий марказларнинг зарарланиши
9.	Лейкодистрофиялар	E75.2	Кўриш, эшитиш, мотор ва когнитив функцияларни йўқотиш
3. Генетик ва асаб-мушак касалликлари			
10.	Орқа мия мушак атрофияси	G12.0-G12.1	I-II тури, бошни тута олмаслик, ўтира олмаслик ва юра олмаслик; нафас етишмовчилиги, ўпка сунъий нафаси; гастростомия
11.	Зўрайиб борувчи мушак дистрофиялари	G71.0-G71.9	Юриш қобилиятини йўқотиш, нафас етишмовчилиги, кардиомиопатия, ўпка сунъий нафаси
12.	Қон ивишнинг бузилишлари	D 65-68	Оғир кечиши
13.	Муковисцидоз	E84.0–E84.9	Оғир босқичлари: нафас етишмовчилиги, тез-тез учрайдиган инфекциялар, кахексия, “ўпка” юраги

T/p	Касаллик номи	Халқаро касалликлар таснифи (ХКТ-10)	Парваришга муҳтожлик мезони
14.	Буллёз эпидермолиз	Q81.0–Q81.9	Сурункали битмайдиган яралар, кучли оғриқ синдроми, сепсис, овқатланишнинг бузилиши
15.	Марказий асаб тизимининг секин кечувчи вирусли инфекциялари (Склерозланувчи ним ўткир панэнцефалит)	A81.1	Хулқ-атворнинг ўзгариши, интеллектуал қобилиятларнинг пасайиши, миоклоник тутқаноқлар (мушакларнинг кескин тортишиши), прогрессив деменция, атаксия (координациянинг бузилиши) ва кўрлик ривожланиши
4. Туғма ривожланиш нуқсонлари			
16.	Аъзоларининг кўп сонли туғма нуқсонлари	Q20-Q28 Q00-Q 07 Q35-Q37-38 Q 60- Q 64 Q 65- Q 79	Жарроҳлик йўли билан тузатилмайди, оғир юрак-нафас ва овқат ҳазм қилиш етишмовчилиги. Мустақил ҳаракат бузилиши
17.	Қисқа ичак синдроми	K91.2	Узоқ муддатли/умрбод парентерал озиқланишга боғлиқлик
18.	Хромосома аномалиялари, ўлимга олиб келадиган	Q90–Q99	Эдвардс синдроми (Q91), Патау синдроми (Q93), кутилаётган умр кўриш давомийлигининг жуда пастлиги. Уз ўзини хизматни бажара олмаслик
5. Терминал орган етишмовчилиги			
19.	Сурункали юрак етишмовчилиги	I50.0–I50.9	Тинч ҳолатда нафас қисилиши, асцит, фаолликнинг чекланиши (H 2A- H3 даражаси)
20.	Сурункали буйрак етишмовчилиги	N18.5–N18.6	Терминал босқич, диализ мумкин эмас ёки доимий, интоксикация
21.	Жигар етишмовчилиги	K72.*, K70.3,	Декомпенсацияланган цирроз, асцит, қон кетишлар, жигар энцефалопатияси
22.	Сурункали нафас етишмовчилиги	J 45; J96.0–J96.9	Оғир даража бронхиал астма, Тинч ҳолатдаги гипоксия, узоқ муддатли кислород терапияси ёки ўпка сунъий нафас аппаратида (II-III даражаси)
23.	Одам иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқариладиган касаллик	B20-B24	Оғир кечиши, юқори вирусли юклама CD 4+ лимфоцитларнинг кескин пасайиши (200 хужайра/мкл дан кам).
6. Жароҳатлар ва реанимациядан кейинги ҳолатлар			
24.	Оғир бош мия жароҳатидан сўнг асоратлари	S06.0–S06.9	Қўпол ҳаракат бузилишлари, когнитив бузилишлар, вегетатив ҳолат
25.	Узоқ муддатли ўпка сунъий нафас аппаратидан кейинги ҳолатлар	Z 93 Z99.1	Нафас олиш заифлиги, аппаратга қарамлик
26.	Вегетатив ҳолат (кома ҳолати), минимал онг	G93.4 R40.2	Парваришга тўлиқ боғлиқлик, зондли озиқлантириш, ўпка сунъий нафас аппаратида

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

T/p	Касаллик номи	Халқаро касалликлар таснифи (ХКТ-10)	Парваришга муҳтожлик мезони
II. Руҳий ҳолати бузилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун			
27.	Деменция	F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03	
28.	Чуқур ақлий заифлик	F73	Даволаш ва парвариш талаб этилади

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Уй шароитида қараб туриш хизматини
ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

20___йил _____ ойи учун “_____” ижтимоий хизматга қабул қилинган ҳар бир шахс учун субсидия олишга
БУЮРТМАНОМА

Юридик шахс СТИРи, якка тартибдаги тадбиркор биометрик паспорт маълумоти _____
Ҳудуд номи _____
Туман (шаҳар) номи _____
МФЙ номи _____
Уй рақами _____

Т/р	Хизматдан фойдаланувчи тўғрисида маълумотлар			Ҳисобот ойида		
	Ф.И.О.	Туғилган санаси	Биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси ва рақами	Хизматдан фойдаланувчининг ижтимоий хизматдан фойдаланиш давомийлиги (соати)	Субсидиянинг қатъий бир соат учун миқдори	Хизматдан фойдаланувчи учун ажратиладиган ва тўланадиган субсидия суммаси (4 уст*5 уст)
а	*1*	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*
1.						
2.						
...						
	ЖАМИ:	**Х**	**Х**			

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “21” майдаги 271-сон қарорига
7-илова

Кичик ҳажмли “Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом руҳий ҳолати бузилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар (кейинги ўринларда – ногиронлиги бўлган шахслар) учун кичик ҳажмли “Мадад” уйлари хизмати (кейинги ўринларда – “Мадад” уйлари хизмати)ни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот модули – давлат-хусусий шериклик лойиҳаси асосида фаолият юритаётган “Мадад” уйлари хизмати ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттириш, бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги маълумотлар базаси;

давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, ногиронлиги бўлган шахсларга “Мадад” уйлари хизматини кўрсатиш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим – беш йил муддатга томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ижро этишнинг бошқа шартларини белгилаб берадиган давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузилган шартнома (кейинги ўринларда – битим);

давлат шериги – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқарма);

Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссия – туман (шаҳар)лардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази) томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни “Мадад” уйлари хизматига йўналтириш учун тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ҳамда уларни ижтимоий-психиатрик-тиббий текширувдан ўтказиш мақсадида ҳудудий бошқарма ҳузурида юридик шахс мақомисиз ташкил этиладиган доимий асосда фаолият юритувчи коллегиал орган;

“Мадад” уйлари хизмати – йирик интернат уйларига муқобил равишда, шахсни жамиятдан узиб қўймасдан парвариш қилишга қаратилган ногиронлиги бўлган шахс яшайдиган, оилавий муҳитга яқин шароитда ташкил этилган ижтимоий хизмат;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

оила аъзолари – ота-она, турмуш ўртоқ, фарзандлар ҳамда умумий рўзғор асосида бир уйда яшовчи бошқа шахслар;

талабгор – давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдор бўлган бўлган якка тартибдаги тадбиркор (кейинги ўринларда – ЯТТ) ёки юридик шахс;

қонуний вакил – васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ўрнатилган тартибда тайинланган шахс;

хусусий шерик – давлат шериги билан битим тузган ЯТТ ёхуд юридик шахс.

3. Қуйидагилар “Мадад” уйлари хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ногиронлиги бўлган шахсларни бошпана билан таъминлаш (яшаши учун шароит яратиш);

ногиронлиги бўлган шахсларга қараб туриш ва уларни парваришлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг мустақил ҳаётга мослаштириш ва жамиятга интеграциялашувига кўмаклашиш;

ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, уй хўжалигини юритиш, атрофдагилар билан мулоқот қилишга ўргатиш;

меҳнат кўникмаларини ривожлантириш, индивидуал имконият ва эҳтиёжларига мос меҳнат фаолиятига жалб этиш;

“Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизматини ташкил этиш.

Хусусий шерик томонидан “Мадад” уйлари хизматида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва уларнинг ижтимоийлашувига қаратилган бошқа вазифаларни амалга ошириш бўйича тадбирлар йўлга қўйилиши мумкин.

4. “Мадад” уйлари хизмати хусусий шерик томонидан битимнинг амал қилиш даврида ногиронлиги бўлган шахсларга қараб туриш ва парвариш қилиш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган, ёнғин хавфсизлиги, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига жавоб берадиган ЯТТ (ўзига ёхуд турмуш ўртоғига) ёки юридик шахсга мулк ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлган бино ва иншоотларда ташкил этилади.

Бунда бино ёки иншоот ЯТТ (турмуш ўртоғига тегишли бўлган ҳолат бундан мустасно) ёки юридик шахсга мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлмаган тақдирда, бино ёки иншоотдан ижара ёки бошқа ҳуқуқ асосида фойдаланиш шартномасининг амал қилиш муддати битимнинг амал қилиш муддати давомида ўз кучида бўлиши таъминланиши зарур.

5. “Мадад” уйлари хизмати доимий яшаш учун мўлжалланган шаклда ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий-психитрик-тиббий комиссия хулосасида белгиланган муддат давомида кўрсатилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

6. “Мадад” уйлари хизмати эркаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида ташкил этилади. Эркаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида ташкил этишнинг иложи бўлмаган ҳолларда, битта бино ёки иншоотда лекин уларни алоҳида кириш имкониятига эга бўлган хоналарга ажратган ҳолда ташкил этилади.

7. “Мадад” уйлари хизмати қуйидаги ташхисларнинг бири қўйилган, шунингдек ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси (Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича) 62 баллгача баҳоланган ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилади:

мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71);

оғир даражадаги ақлий заифлик (F72);

чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73);

деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03).

8. Мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ташхислардан бири қўйилган, бироқ ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси 62 баллдан юқори бўлган ногиронлиги бўлган шахсларга “Мадад” уйлари хизмати қонуний вакиллар ва хусусий шерик ўртасида тузилган шартнома асосида доимий ёки қисқа муддатга пуллик хизмат шаклида кўрсатилиши мумкин.

9. Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган “Мадад” уйлари хизматининг харажатлари Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма)дан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан хусусий шерикка субсидия шаклида қоплаб берилади.

2-боб. “Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш тартиби

1-§. Давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш

10. Ҳудудий бошқарма ҳар чоракда камида бир марта ўзларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида, шунингдек, Агентликнинг расмий веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссияларнинг кўриги натижаси бўйича “Мадад” уйлари хизматига йўналтириш учун хулоса берилган ногиронлиги бўлган шахслар учун эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда “Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш бўйича эълон бериб боради.

Бунда “Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш истагида бўлган талабгор ўша ҳудуддаги “Инсон” марказидан “Мадад” уйлари хизматига йўналтирилиши мумкин бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ёши, сони ва жинси, шунингдек, “Мадад” уйлари хизматини ташкил этишда давлат-хусусий шериклик шартлари ҳақида маълумот олади.

11. Талабгор “Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш истагини билдирган тақдирда, битимни тузиш учун тегишли ҳудудий бошқармага ахборот модули орқали қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон шаклдаги ариза билан мурожаат қилади:

ЯТТ учун биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-карта) маълумотлари;

юридик шахс учун солиқ тўловчининг идентификация рақами;

битимнинг амал қилиши даврида “Мадад” уйлари хизмати ташкил этиладиган бино ёки иншоотга бўлган мулк, ижара ёки бошқа ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги (кадастр рақами), унинг манзили, жойлашуви (геолокацияси) ва “Мадад” уйлари хизмати учун ажратиладиган майдон (квадрат метрда акс эттирилади) ҳақидаги маълумотлар;

“Мадад” уйлари хизматида ташкил этилиши режалаштирилган гуруҳлар (аёллар ва эркаклар гуруҳи) сони;

алоқа учун электрон почта манзили ва (ёки) мобиль телефон рақами.

Талабгор ахборот модулига киритиладиган маълумотларнинг ишончлилиги учун шахсан жавобгар бўлади.

12. Ариза ахборот модули орқали шакллантирилганидан сўнг:

талабгорга аризада кўрсатилган электрон почта ва (ёки) мобиль телефон рақамига аризанинг ID-рақами, ариза қабул қилинган сана ва вақти кўрсатилган ҳолда хабар жўнатилади;

“Мадад” уйлари хизматининг жойлашуви бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда – Санэпидқўмнинг туман (шаҳар) бўлимлари) ҳамда туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимларига электрон сўров жўнатилади.

13. Электрон сўров келиб тушгандан сўнг уч иш куни мобайнида:

а) Санэпидқўмнинг туман (шаҳар) бўлимлари:

“Мадад” уйлари хизмати учун ажратилган хоналар белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини;

бино ёки иншоотнинг манзили ва “Мадад” уйлари хизмати учун ажратиладиган майдоннинг (квадрат метрда акс эттирилади) аризада тўғри кўрсатилганлигини;

белгиланган меъёрларга мувофиқ “Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш учун ажратилган майдонда қабул қилиниши мумкин бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг максимал сонини;

“Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш учун ажратилган бино ёки иншоотлар санитария-ҳимоя зонасига эга бўлган объектлардан зарур даражадаги узоқликда жойлашганлигини ўрганади;

ўрганиш натижаси бўйича хулоса шакллантиради ва унга “Мадад” уйлари хизматининг кириш қисми, ошхонаси, ҳожатхонаси, ногиронлиги бўлган шахсларга қараб туриш учун мўлжалланган хоналарнинг фотосуратларини (камида 4 та фотосурат) илова қилади;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

б) туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимлари “Мадад” уйлари хизмати ташкил этилиши режалаштирилган бино ёки иншоотлар ҳудуди ҳамда бино (иншоот) ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ёхуд мувофиқ эмаслигини белгиланган тартибда ўрганиб чиқади ҳамда фотосуратларни (камида 4 та фотосурат) илова қилган ҳолда ўрганиш натижалари бўйича хулоса беради.

“Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш учун танланган манзилда фаолиятни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосанинг ишончлилиги учун шахсий жавобгарлик уни тасдиқлаган ташкилот раҳбарига юкланади.

14. Санэпидқўмнинг туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимларининг хулосалари белгиланган тартибда тасдиқланганидан сўнг барча маълумотлар “Мадад” уйлари хизмати ташкил этиш тўғрисидаги ариза билан бирга бир иш кунида ахборот модули орқали тегишли “Инсон” марказига тақдим этилади.

15. Мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ахборот модули орқали келиб тушганидан сўнг беш иш куни мобайнида “Инсон” маркази томонидан:

талабгор жисмоний шахснинг руҳий ёки наркология касалликлари диспансерларида ҳисобда туриш-турмаслиги аниқланади;

Санэпидқўмнинг туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимларининг хулосалари ҳамда “Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш режалаштирилаётган ҳудудда ушбу хизматга йўналтирилиши мумкин бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги бўйича маълумотларни ўрганади.

Мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш якуни бўйича “Мадад” уйлари хизматини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклиф тайёрланиб, “Инсон” маркази директорининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади ҳамда тегишли ҳудудий бошқармага ахборот тизими орқали юборилади.

16. Ҳудудий бошқарма беш иш куни ичида “Инсон” маркази томонидан тақдим этилган ҳужжатларни, шу жумладан, “Мадад” уйлари хизматига субсидия ажратиш учун тегишли молия йилида Жамғармадан ажратиладиган маблағлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда хизмат ташкил этилиши мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги бўйича хулоса тайёрлайди ва ахборот модулига киритади.

Ҳудудий бошқармалар томонидан “Мадад” уйлари хизматини ташкил этилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича ижобий хулоса ахборот модулига киритилгандан сўнг битим ахборот модулида автоматик равишда шаклланади ҳамда имзолаш учун талабгорга электрон шаклда жўнатилади.

Ҳудудий бошқармалар томонидан “Мадад” уйлари хизматини ташкил этилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича ижобий хулоса ахборот модулига киритилганидан сўнг битим ахборот модулида автоматик равишда

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

шаклланади ҳамда ушбу битим беш иш куни мобайнида Агентлик ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириш маркази (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштириш маркази) билан келишган ҳолда имзолаш учун талабгорга электрон шаклда жўнатилади.

17. Қуйидаги ҳолатларда ариза рад этилади:

Санэпидқўмнинг туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимлари томонидан “Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш учун танланган манзилнинг санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса берилганида;

идоралараро электрон алмашинув орқали олинган маълумотларга асосан талабгор бино ёки иншоотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаганида ёхуд ижара (шу жумладан, бошқа ҳуқуқ) асосида фойдаланиш шартномаси мавжуд бўлмаганда;

“Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш учун ажратилиши режалаштирилган (аризада кўрсатилган) бино ёки иншоот манзили кадастр органларидан олинган маълумотларга мос эмаслиги аниқланганда;

талабгор жисмоний шахснинг руҳий ёки наркология касалликлари диспансерларида ҳисобда туриши аниқланганда;

белгиланган харажатлар “Мадад” уйлари хизматига субсидия ажратиш учун тегишли молия йилида назарда тутилган маблағлар ҳажмидан ошиб кетганда.

Ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа асосларга кўра аризани рад этиш тақиқланади.

18. “Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш тўғрисидаги ариза рад этилганда, унинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда, аризадаги электрон почта манзилига ёки мобиль телефон рақамига хабар юбориш орқали талабгор хабардор қилинади.

19. Талабгор ахборот модули орқали тақдим этилган битимни ўн беш иш куни ичида кўриб чиқади ва унда белгиланган шартларга рози бўлганида, унга электрон имзо қўяди.

Талабгор ўн беш иш куни ичида битимни имзоламаса, унинг аризаси бекор қилинади, бунда битимни имзолаш зарурати мавжуд бўлганида, ариза талабгор томонидан янгидан ахборот модулига киритилиши талаб этилади.

Талабгор томонидан имзоланган битим автоматик равишда тегишли ҳудудий бошқармага имзолаш учун юборилади. Бунда ҳудудий бошқарма томонидан ушбу битимга беш иш куни мобайнида имзо қўйилиши лозим.

20. Хусусий шерик ҳудудий бошқарма билан битимни тузган кундан кейинги иш кунидан бошлаб фаолиятини бошлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

хусусий шерик ахборот модулига кирган ҳолда унда кўрсатилган оммавий оферта талаблари ва шартлари билан танишиб, ушбу ахборот модулидан фойдаланиш бўйича ўз розилигини билдириши ва электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаши талаб этилади;

ахборот модули орқали оферта тасдиқланганда, хусусий шерик учун ушбу ахборот модулида шахсий кабинет очилади.

21. Хусусий шерик билан битим тузилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ҳудудий бошқарма жойига чиққан ҳолда ташкил этилган “Мадад” уйлари хизмати учун мўлжалланган мебель ва бошқа анжомлар билан жиҳозланганлик ҳолати бўйича ўрганиш ўтказади ҳамда ўрганиш якуни бўйича “Мадад” уйлари хизматини кўрсатиш мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақидаги хулосани электрон шаклда ахборот модулига киритади.

Ҳудудий бошқарма томонидан салбий хулоса берилганида, аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар “Мадад” уйлари хизматини вақтинча кўрсатиш вақтинча тўхтатилади.

2-§. “Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш

22. “Мадад” уйлари хизматида 2026 йилда 8-10 нафаргача, 2027 йил 1 январдан бошлаб 10-12 нафаргача ногиронлиги бўлган шахс жойлаштирилади.

23. “Мадад” уйлари хизматида ногиронлиги бўлган шахснинг овқатланиши санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари асосида ташкил этилади.

24. “Мадад” уйлари хизматига 1 та штат бирлигида меҳнат йўриқчиси, 3 та штат бирлигигача санитарка жалб қилинади.

“Мадад” уйлари хизматида кадрлар таркиби ҳамда уларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган маълумотлар ходимлар ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатилган кундан бошлаб бир иш куни ичида хусусий шерик томонидан ахборот модулига киритилиши шарт.

25. “Мадад” уйлари хизматида меҳнат йўриқчиси лавозимига тегишлича олий ёки ўрта махсус педагогик ёки психологик маълумотга, санитарка вазифасига умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинади, “Мадад” уйлари хизматига қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахснинг оила аъзолари санитарка лавозимига қабул қилинган ҳолат бундан мустасно.

26. “Мадад” уйлари хизматида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахслар Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказида мажбурий равишда уч йилда камида бир марта 36 соатдан кам бўлмаган ўқув дастури асосида онлайн ва (ёки) оффлайн шаклда малака оширади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Бунда “Мадад” уйлари хизматига биринчи марта ишга қабул қилинаётган шахслар икки ой ичида малака ошириш курсидан ўтиши лозим.

27. “Мадад” уйлари хизматини ташкил этган хусусий шерик билан ногиронлиги бўлган шахснинг қонуний вакили ўртасидаги муносабатлар хусусий шерик ҳамда ногиронлиги бўлган шахснинг қонуний вакили ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солинади.

Шартнома ногиронлиги бўлган шахсларнинг “Мадад” уйлари хизматида бўлиш вақтини, парваришлаш жараёнини ташкил этишда томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини ўз ичига олади.

3-§. “Мадад” уйлари хизматига ногиронлиги бўлган шахсларни қабул қилиш ҳамда чиқариш

28. “Мадад” уйлари хизматига йўналтиришга берилган қарор асосида ногиронлиги бўлган шахснинг қонуний вакили “Инсон” марказига мурожаат қилади. Бунда “Инсон” маркази:

Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиянинг “Мадад” уйлари хизматига йўналтиришга берилган хулосасига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахснинг қонуний вакилига “Мадад” уйлари хизматидан фойдаланишни таклиф қилади ҳамда ундан фойдаланиш шартлари тўғрисида маълумот беради;

ногиронлиги бўлган шахсни унинг оила аъзолари танлови асосида хусусий шерикни хабардор қилган ҳолда ахборот модули орқали уч иш куни ичида “Мадад” уйлари хизматига бириктиради.

29. Ногиронлиги бўлган шахслар “Мадад” уйлари хизматидан қуйидагилар асосида чиқарилади:

қонуний вакилнинг аризаси;

соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг тиббий кўрсатмалари;

Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссиянинг хулосасида кўрсатилган ногиронлиги бўлган шахснинг “Мадад” уйлари хизматида бўлиш муддатининг тугаши;

битимнинг бекор қилиниши;

ногиронлиги бўлган шахснинг вафот этиши.

Ушбу бандда назарда тутилган ҳолатлар юзага келганлиги ахборот модули томонидан ўрганиб борилади.

30. Мазкур Низомнинг 29-бандига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар “Мадад” уйлари хизматидан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ахборот модулида шакллантириб борилади.

Бунда ногиронлиги бўлган шахслар “Мадад” уйлари хизматидан чиқариш бўйича юзага келган ҳар бир ҳолат бўйича тегишли нодавлат ташкилотлар бир иш куни ичида уларнинг ахборот модулидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилиб борилади.

31. “Мадад” уйлари хизматидан ногиронлиги бўлган шахсларни чиқариш хусусий шерикнинг буйруғи билан амалга оширилади.

3-боб. “Мадад” уйлари хизматини молиялаштириш

32. Хусусий шерик ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олган мол-мулкни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

33. “Мадад” уйлари хизмати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уни ташкил этган хусусий шерикнинг маблағлари ҳамда Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасидан ажратиладиган субсидия, қонуний вакилнинг тўловлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

34. “Мадад” уйлари хизматига қабул қилинган ҳар бир ногиронлиги бўлган шахс тўғрисидаги маълумотлар ахборот модулига киритилганида ҳисобот ойида ҳар бир ногиронлиги бўлган шахснинг ҳақиқатда яшаган кунлари бўйича хусусий шерикка субсидия ажратилади.

35. Хусусий шерикка ногиронлиги бўлган шахсга “Мадад” уйлари хизмати кўрсатилган ҳар бир кун учун 2026 йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг 53 фоизи миқдорида, 2027 йил 1 январдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 46 фоиз миқдорида субсидия ажратилади.

36. Ушбу Низомнинг 35-бандига мувофиқ субсидия ажратишда вилоятлар марказлари ва Нукус шаҳрида ташкил этилган “Мадад” уйлари хизмати учун ажратиладиган субсидия миқдорини белгилашда 1,1 нисбатда, Тошкент шаҳрида эса 1,3 нисбатда кўпайтирувчи коэффициент қўлланади.

37. Хусусий шерикка бир нафар ногиронлиги бўлган шахсга “Мадад” уйлари хизматини кўрсатганлик учун ажратиладиган субсидиянинг ойлик миқдори ахборот модулида қуйидаги формула асосида автоматик ҳисоб-китоб қилинади:

КҲУҚТХС = КҲУҚТХ * ЯКС;

КҲУҚТХС – “Мадад” уйлари хизматидаги бир нафар ногиронлиги бўлган шахс харажатларини қоплаш учун субсидиянинг ойлик суммаси;

КҲУҚТХ – “Мадад” уйлари хизматидаги бир нафар ногиронлиги бўлган шахснинг бир кунлик харажатини қоплашга ажратиладиган субсидиянинг миқдори;

ЯКС – ҳисобот ойида ҳар бир ногиронлиги бўлган шахснинг ҳақиқатда “Мадад” уйлари хизматида яшаган кунлари сони.

Бунда вилоятлар марказлари, Тошкент ва Нукус шаҳарларида “Мадад” уйлари хизматини ташкил этган хусусий шерикка ажратиладиган субсидиянинг ойлик миқдори КҲУҚТХС = КҲУҚТХ *1,1 * ЯКС формуласи орқали ҳисоб-китоб қилинади.

38. Хусусий шерикка тўланадиган субсидияни ҳисоблаш ҳар бир ногиронлиги бўлган шахс тўғрисидаги маълумотлар ахборот модулига киритилган куннинг кейинги иш кунидан бошланади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Бунда субсидиянинг миқдори “Мадад” уйлари хизматига қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳақиқатда яшаган кунлари сони давоматидан келиб чиққан ҳолда ахборот модули орқали автоматик равишда ҳисобланади.

39. Субсидия ҳисобот ойи давомида “Мадад” уйлари хизматидан камида 3 нафар ногиронлиги бўлган шахс фойдаланган тақдирда, ушбу шахсларнинг ҳақиқатда яшаган кунлари бўйича ажратилади.

Бунда бир ой давомида “Мадад” уйлари хизмати кўрсатилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг энг кам сонини аниқлашда, ушбу ойнинг камида учдан бир қисми давомида давомати белгиланган шахслар инобатга олинади.

40. “Мадад” уйлари хизматига қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳақиқий давоматининг ҳисоби махсус қурилмалар ёрдамида жисмоний шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали юритилади.

41. Биометрик идентификация қилиш жараёни “Мадад” уйлари хизматининг раҳбари ёки ходимлари томонидан махсус қурилмалар ёрдамида ушбу ташкилотнинг жойлашуви (геолокацияси) ҳисобга олинган ҳолда ҳар куни бир маротаба амалга оширилади.

42. Субсидиянинг ойлик суммалари автоматик равишда ахборот модулида қайд этилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг давомати асосида ҳисобланади ҳамда ушбу Низомга иловага мувофиқ намунадаги буюртманома шаклланади.

Бунда “Мадад” уйлари хизматининг битимда кўрсатилган манзилидан (жойлашуви бўйича геолокацияси) бошқа жойда қайд этилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг давомати ахборот модулида ҳисобга олинмайди.

43. Махсус қурилмалардан Интернет жаҳон ахборот тармоғисиз (оффлайн режимда) фойдаланилган ҳолларда ногиронлиги бўлган шахслар давомати бўйича қайд этилган маълумотлар хусусий шерик томонидан ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмасдан Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган ҳолда (онлайн режимда) оффлайн режимда киритилган маълумотларни ахборот модулига узатилишини (янгиланишини) таъминлайди.

Ахборот модулига маълумотлар ўз вақтида тақдим этилмаганда, шу жумладан, ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган тартибда узатилишини (янгиланишини) таъминламаганда хусусий шерикка субсидия ҳисобланмайди ва тўланмайди.

44. Ахборот модулида ҳисобланган субсидиянинг тўлов қайдномаси ва тўлов топшириқномаси ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар шакллантирилади ва Жамғарманинг махсус ғазна ҳисобварағидан икки иш куни ичида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимлари орқали хусусий шерикнинг тижорат банкдаги ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

45. Хусусий шерик ахборот модулига ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида киритилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги бўйича жавобгар ҳисобланади.

46. Хусусий шерик томонидан бир ногиронлиги бўлган шахснинг маълумотлари ахборот модулига киритилиб, унинг фотосурати ўрнига бошқа шахснинг фотосурати ушбу ахборот модулига жойлаштирилганлиги ва унинг асосида давомат белгилаб келинаётганлиги аниқланганда мазкур ҳолат аниқланган ойдан бошлаб уч ой давомида мазкур ногиронлиги бўлган шахс учун субсидия ҳисобланмайди ва тўланмайди.

Бундай ҳолат такроран аниқланганда, ушбу хусусий шерик билан тузилган битим давлат шериги томонидан бир томонлама бекор қилинади ва қайта тузилмайди.

47. Техник ёки бошқа сабабларга кўра ҳисобот ойида ахборот модулида субсидиянинг ортиқча ёки кам ҳисобланганлиги аниқланганда, ҳисобот ойидан кейинги ойда ушбу субсидия тегишли суммалар қўшилган ёки камайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

48. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари натижасида хусусий шерик томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг давоматини ахборот модулига киритишнинг имконияти бўлмаган ҳолларда, ойлик давоматни белгилаш учун ахборот модулида қайд этилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг сўнгги 5 кунликдаги ўртача давомат кўрсаткичи асосида ҳисоб-китоб қилинади ва тўлаб берилади.

Бунда хусусий шерик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари юз берганлигини тасдиқловчи ваколатли орган томонидан бериладиган сертификатни тегишлилиги бўйича “Инсон” марказига тақдим этиши лозим.

49. Техник носозлик сабабли махсус қурилмалар ёрдамида ногиронлиги бўлган шахсларни биометрик идентификация қилиш имкони бўлмаган ҳолларда, хусусий шерик мазкур ҳолат юзасидан дарҳол ўша ҳудуддаги “Инсон” марказини хабардор қилади.

Бунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг уч кундан ортиқ бўлмаган муддатдаги давомати “Инсон” маркази томонидан тўлдириладиган ногиронлиги бўлган шахсларнинг яшаш далолатномаси асосида амалга оширилади.

50. “Инсон” маркази техник носозлик сабабли тўлдирилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг яшаш далолатномасини ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмасдан ахборот модулига киритиш учун тегишли ҳудудий бошқармага тақдим этади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

4-боб. “Мадад” уйларида “Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизматини ташкил этиш ва уларга ногиронлиги бўлган шахсларни жойлаштириш тартиби

51. “Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизмати (кейинги ўринларда – қисқа муддатли жойлаштириш хизмати) “Мадад” уйларида хусусий шерикка тегишли бўлган бино-иншоотларда ташкил этилади.

52. Қисқа муддатли жойлаштириш хизматига қуйидаги ташхисларнинг бири қўйилган ногиронлиги бўлган шахслар “Мадад” уйларида бўш ўринлар бўлганда жойлаштирилади:

мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71);

оғир даражадаги ақлий заифлик (F72);

чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73);

деменция (F00.0-G30, F02.0, F02.1, F02.2, F02.3, F03).

53. Қисқа муддатли жойлаштириш хизматига Ижтимоий-психиатрик-тиббий комиссия томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилган ижтимоий-психиатрик-тиббий текширув натижаларига асосан қисқа муддатли жойлаштириш хизматига йўналтирилган ногиронлиги бўлган шахслар бир календарь йили давомида ўн тўрт кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилинади.

Бунда ногиронлиги бўлган шахснинг қисқа муддатли жойлаштириш хизматидан бир календарь йили давомида ўн тўрт кундан кўп бўлмаган муддатда фойдаланилган қисми Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасидан субсидия шаклида қоплаб берилади.

54. Ногиронлиги бўлган шахслар қисқа муддатли жойлаштириш хизматига мазкур Низомнинг 53-бандида кўрсатилган муддатга қабул қилинганда, уларга кўрсатилган қисқа муддатли жойлаштириш хизматининг ҳар бир куни учун хусусий шерикка мазкур Низомнинг 5-бобида белгиланган тартибда базавий ҳисоблаш миқдорининг 53 фоизи миқдорида, 2027 йил 1 январдан бошлаб эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 46 фоизи миқдорида Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасидан субсидия ажратилади.

Бунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний вакилларига қисқа муддатли жойлаштириш хизматидан мазкур Низомнинг 53-бандида кўрсатилган муддатни тенг иккига бўлган ҳолда фойдаланиш имконияти тақдим қилинади.

55. Қисқа муддатли жойлаштириш хизматига йўналтиришга берилган хулоса асосида ногиронлиги бўлган шахснинг қонуний вакили “Инсон” марказига мурожаат қилади.

Бунда “Инсон” маркази ногиронлиги бўлган шахсни унинг қонуний вакили танлови асосида хусусий шерикни хабардор қилган ҳолда ахборот модули орқали уч иш куни ичида қисқа муддатли жойлаштириш хизматига бириктиради.

56. Қисқа муддатли жойлаштириш хизмати хусусий шерик, ҳудудий бошқарма ва ногиронлиги бўлган шахснинг қонуний вакили ўртасида имзоланадиган шартномага мувофиқ шартномада белгиланган муддатда, бироқ кўпи билан икки ҳафта муддатга кўрсатилади.

Бунда шартноманинг намунавий шакли Агентлик томонидан тасдиқланади.

Хусусий шерик ва ногиронлиги бўлган шахснинг қонуний вакили ўртасида имзоланадиган шартномага мувофиқ бир календарь йили давомида бир ойдан кўп бўлмаган муддатга қисқа муддатли жойлаштириш хизмати ҳақ эвазига кўрсатилиши мумкин.

57. Мазкур Низомнинг 56-бандида назарда тутилган шартномада белгиланган муддат тугайдиган кунда ногиронлиги бўлган шахслар қонуний вакиллари томонидан олиб кетилиши лозим.

Бунда ногиронлиги бўлган шахслар қонуний вакиллари томонидан олиб кетилмаган ҳолларда хусусий шерик, “Инсон” маркази билан биргаликда уларни қисқа муддатли жойлаштириш хизматидан чиқариш ҳамда қонуний вакилига қайтариш чораларини кўради.

5-боб. Якунловчи қоидалар

58. “Мадад” уйлари хизматини бошқариш уни ташкил этган хусусий шерик томонидан амалга оширилади.

59. “Мадад” уйлари хизматини ташкил этиш, хусусий шерик билан битим тузиш, “Мадад” уйлари хизматига ногиронлиги бўлган шахсларни қабул қилиш ҳамда чиқариш жараёнлари “Инсон” маркази, ҳудудий бошқарма ва Агентлик ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириш маркази томонидан доимий равишда мониторинг қилиб борилади. Бунда мониторинг жараёнида:

аниқланган техник хато ва камчиликларни уч иш куни ичида бартараф этиш тўғрисида хусусий шерикка ахборот модули орқали хабарнома юборилади;

мазкур Низом талабларига лозим даражада риоя этилмаётганлиги ёки Низом талаблари бузилганлиги аниқланган ҳолларда Ижтимоий инспекция ахборот модули орқали дарҳол хабардор қилинади.

60. Ушбу Низом талабларига риоя этилиши Ижтимоий инспекция ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари томонидан назорат қилиб борилади.

61. Хусусий шерик билан тузилган битим ҳудудий бошқарма томонидан қуйидаги ҳолларда бир томонлама бекор қилинади:

“Мадад” уйлари хизмати томонидан бир ногиронлиги бўлган шахснинг маълумотлари ахборот модулига киритилиб, унинг фотосурати ўрнига бошқа ногиронлиги бўлган шахснинг фотосурати ушбу ахборот модулига

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

жойлаштирилганлиги ва унинг асосида давомати белгиланиб келинаётганлиги такроран аниқланганда;

ЯТТ бўлган хусусий шерик озодликдан маҳрум этилганда, бедарак йўқолган деб топилганда ёки вафот этганида (вафот этган деб эълон қилинганда);

хусусий шерик – юридик шахс фаолияти тугатилганда;

хусусий шерик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилганда;

хусусий шерик ушбу Низом ҳамда битимда кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда.

62. “Мадад” уйлари хизматини ташкил этган хусусий шерик томонидан ҳудудий бошқарма билан тузилган битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уни бекор қилиш юзасидан ариза ахборот модулига электрон шаклда юборилади.

63. Битим муддатини узайтириш бўйича ариза хусусий шерик томонидан амалдаги битим муддати тугашидан камида бир ой олдин ахборот модули орқали электрон шаклда юборилади.

64. Битим муддатини узайтириш, фаолият манзилини ўзгартириш, “Мадад” уйлари хизмати қувватини камайтириш ёки ошириш ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

65. Битимни бекор қилиш бўйича ариза тарафлар томонидан электрон шаклда ахборот модулига киритилади. Бунда аризага электрон рақамли имзо қўйилган битимни бекор қилиш бўйича қўшимча келишув илова қилинади.

Битимни бекор қилиш бўйича ариза ахборот модулига киритилган кундан бошлаб уч иш кунида тарафлар томонидан кўриб чиқилиши лозим.

66. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Кичик ҳажмли “Мадад” уйларини 508-модда ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга илова

НАМУНА

20___йил _____ ойи учун “_____” ижтимоий хизматга қабул қилинган ҳар бир шахс учун субсидия олишга БУЮРТМАНОМА

Юридик шахс СТИРи, якка тартибдаги тадбиркор биометрик паспорт маълумоти _____
Ҳудуд номи _____
Туман (шаҳар) номи _____
МФЙ номи _____
Уй рақами _____

Т/р	Хизматдан фойдаланувчи тўғрисида маълумотлар			Ҳисобот ойида		
	Ф.И.О.	Туғилган санаси	Биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси ва рақами	Хизматдан фойдаланувчининг ижтимоий хизматга қатнаган кунлари сони	Субсидиянинг қатъий кунлик миқдори	Хизматдан фойдаланувчи учун ажратиладиган ва тўланадиган субсидия суммаси (4 уст*5 уст)
а	*1*	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*
1.						
2.						
...						
	ЖАМИ:	**X**	**X**			

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “21” майдаги 271-сон қарорига
8-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириш маркази ходимларининг ШТАТЛАР ЖАДВАЛИ

Лавозим номи	Бирликлар сони
Марказ директори	1
Ҳудудларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлими	
Бўлим бошлиғи	1
Бўлим бош мутахассиси	2
Ижтимоий хизматларни мониторинг қилиш ва ривожлантириш бўлими	
Бўлим бошлиғи	1
Бўлим бош мутахассиси	2
Ижтимоий хизматларни методик таъминлаш бўлими	
Бўлим бошлиғи	1
Бўлим бош мутахассиси	1
Жами:	**9**

Изоҳ.

1. Марказ бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 9 нафар.

2. Марказнинг хизмат вазифасини сидқидилдан ва самарали бажариб келаётган ходимларига Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори томонидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ёки Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошининг 200 фоизи миқдоридан кўп бўлмаган шахсий устамалар белгиланиши мумкин.

3. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорига Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг умумий штат бирликлари доирасида Марказнинг штатлар жадвалига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “21” майдаги 271-сон қарорига
9-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 8-бандида:

а) ўзбек тилидаги матнда иккинчи хатбошиси “кичик ҳамшираларга” сўзларидан кейин “, ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказлари санитарка энагаларига” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) рус тилидаги матнда иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Младшим сестрам по уходу за больными, работающим в реанимационных отделениях (отделениях интенсивной терапии) районных больниц и специализированных клиник, санитаркам-няням центров “Ғамхўрлик” для детей с инвалидностью, присваивается 2-й разряд по тарифной сетке”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 18-бандининг еттинчи хатбошисидаги ““Мурувват” уйлари” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг ““Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2014 йил 30 январдаги 20-сон қарорида:

1-бандниng тўртинчи хатбошисидаги ““Мурувват” интернат уйларида” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-илова 8-бандининг олтинчи хатбошисидаги ““Мурувват” интернат уйларида” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказларида” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги 53-сон қарори билан тасдиқланган Туристларнинг айрим тоифаларига пуллик хизматлар кўрсатишда имтиёзлар бериш тартибининг рус тилидаги матнида:

а) 4-бандниng саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“воспитанники домов “Меҳрибонлик” и лица, помещенные в центры “Ғамхўрлик””;

б) 6-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“для участников и инвалидов Второй мировой войны, лиц, приравненных к ним, участников трудового фронта Второй мировой войны, для опекаемых в Центрах социальной поддержки, воспитанников домов “Меҳрибонлик”, а также для лиц, помещенных в центры “Ғамхўрлик” – в размере 100% от установленного тарифа”;

в) 7-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“для воспитанников домов “Меҳрибонлик” и лиц, помещенных в центры “Ғамхўрлик” – паспорт или иной документ, подтверждающий личность и справка соответствующего образовательного или медико-социального учреждения”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 сентябрдаги 278-сон қарори билан тасдиқланган Ўрмондан фойдаланганлик учун тўловлар миқдорини ва уларни ундиришни тартибга солиш тўғрисидаги низом 12-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари ва “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштирилган шахслар”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг ““Мурувват” интернат уйлари ва Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида яшайдиган ногиронлиги бўлган шахслар ва кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 июлдаги 455-сон қарорида:

а) номидаги, муқаддимадаги, 2-банднинг учинчи хатбошисидаги, 5-банддаги, 7-банднинг иккинчи хатбошисидаги ““Мурувват” интернат уйлари” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ҳузурида “Ғамхўрлик” марказлари ва Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича эксперт кенгаши ташкил этилсин”;

в) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Белгилаб қўйилсинки, Эксперт кенгаши Агентлик ҳузуридаги “Ғамхўрлик” марказлари ва Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма)ни бошқарувчи орган ҳисобланади”;

г) 3-илованинг номидаги, 1-бандидаги, 2-бандидаги, 4-банднинг иккинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги, 6-бандидаги, 7-бандидаги, 8-бандидаги, 9-бандидаги, 10-бандидаги, 13-банднинг учинчи хатбошисидаги ““Мурувват” интернат уйлари” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги 13-сон қарори билан тасдиқланган Айрим муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда бўлиш учун тўловлар ундириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

“““Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари ва “Ғамхўрлик” марказларида жойлаштирилган шахслар”;

б) 10-бандниng биринчи хатбошисидаги “Меҳрибонлик”, “Мурувват” интернат уйлари,” сўзлари “Меҳрибонлик” уйлари, “Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-бандниng тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“““Меҳрибонлик” уйи тарбияланувчилари ва “Ғамхўрлик” марказларида жойлаштирилган шахслар учун – тегишли таълим ёки тиббий-ижтимоий муассаса маълумотномаси ёхуд муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган ташриф буюрувчилар рўйхати”.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомнинг 10-банди “в” кичик бандининг еттинчи хатбошисидаги ва 44-бандининг учинчи хатбошисидаги ““Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига” сўзлари “Ногиронлиги бўлган шахслар учун “Ғамхўрлик” марказларига” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Грипп юқтириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган аҳоли ўртасида гриппнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 23 июлдаги 567-сон қарорининг 2-бандидаги, 3-бандидаги, 4-бандининг иккинчи хатбошисидаги, иловасининг 6-бандидаги ““Мурувват” интернат уйлари” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги 646-сон қарори билан тасдиқланган Суюлтирилган углеводород газини аҳоли учун белгиланган нархлар бўйича истеъмол қилувчи ижтимоий соҳа объектлари рўйхатининг 7-бандидаги ““Мурувват” интернат-уйлари” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарори билан тасдиқланган Реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти тўғрисидаги низомда:

а) 9-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 13-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 14-бандниng иккинчи хатбошисидаги “Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси” сўзлари “Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 27-банднинг еттинчи хатбошиси “мактаб ёшига” сўзларидан олдин “боланинг” сўзи билан тўлдирилсин;

д) 29-банд “давлат талабларига мувофиқ” сўзларидан кейин “Агентлик билан келишилган ҳолда” сўзлари билан тўлдирилсин;

е) 45-банд “тиббиёт ва педагог ходимлари” сўзларидан кейин “болаларнинг қонуний вакиллари билан тузиладиган шартномада назарда тутилган талаб ва шартлар асосида” сўзлари билан тўлдирилсин;

ж) 47-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“47. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотнинг тарбияланувчиларидан ташқари реабилитация маркази мазкур ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотнинг тиббий-психологик-педагогик кенгаши кўрсатмасига кўра 2 ёшдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болаларни мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган тиббий кўрсатмалар асосида амбулатор шароитида қабул қилади ва реабилитация тадбирларини ўтказади”;

з) 59-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

и) 62-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“62. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда болаларни сақлаш учун ота-оналар тўлови ундирилмайди, бундан болаларнинг қонуний вакиллари билан тузилган шартномада назарда тутилган ҳолатлар мустасно”;

к) 70-банднинг олтинчи хатбошисидаги “Мактабгача таълим ҳудудий бошқарув органларига” сўзлари “Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 71-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

м) 72-банддаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири” сўзлари “Агентлик директори” сўзлари билан алмаштирилсин;

н) 75-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

о) 77-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “мактабгача таълим ҳудудий бошқарув органи ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

п) қуйидаги мазмундаги илова билан тўлдирилсин:

“Реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти тўғрисидаги низомга илова

Реабилитация марказига қабул қилиш учун асос бўладиган тиббий кўрсатмалар
РЎЙХАТИ

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Касаллик номи	Халқаро Касалликлар Таснифи (ХКТ-10)
Руҳий ривожланишдаги нуқсонлар (3 ёшдан)	
Психологик ривожланишнинг аралаш специфик бузилишлари	F83
Болалар аутизми	F84.0
Атипик аутизм	F84.1
Ретта синдроми	F84.2
Ақлий заифлик ва стереотип ҳаракатлар билан бирга	F84.4
Болалик ёшидаги бошқа дезинтегратив бузилиш	F84.3
Аспергер синдроми	F84.5
Ривожланишнинг бошқа умумий бузилишлари	F84.8
Ақлий ривожланишдаги нуқсонлар (3 ёшдан)	
Енгил даражадаги ақлий заифлик	F70
Мўътадил ақлий заифлик	F71
Оғир даражадаги ақлий заифлик	F72
Нутқдаги нуқсонлар (3 ёшдан)	
Экспрессив нутқнинг бузилиши (нутқ ривожланишининг биринчи ва иккинчи даражали мотор алалияси)	F80.1
Рецептив нутқнинг бузилиши (сенсор алалия)	F80.2
Ринолалия (нутқ аппаратининг коррекция бўйича операциялардан кейинги ҳолат)	R49.2
Ўртача ва оғир даражадаги дудуқлик	F98.5
Дизартрия (марказий нерв тизимининг органик шикастланиши билан)	R47.1
Кўришида нуқсонлар (2 ёшдан):	
Кўзи ожизлик (амовроз)	H54.1
Туғма нуқсонлар	Q11
Микрофтальм	
Микрокорнеа	
Анофтальм	
Ретинобластома	C69.2
Колобома	Q13.0 Q12.2 Q10.3 Q14.2 Q14.8
Преретинопатия (чала туғилган болалар ретинопатияси)	H35.1
Кўриш нервининг атрофияси	H47.2
Кўриш нерви диск ва макуласининг оғир даражадаги гипоплазияси	Q14.2
Альбинизм	E70.3
Аниридия	Q13.1
Катаракта	H26.0
Марказий зонада тўлиқ ёки қисман хиралашиш	H26.0
Артифакия	H27.0
Афакия (кўз гавҳари йўқлиги)	Q12.3 H27.0
Кўз гавҳари силжиши (жойи ўзгариши)	Q12.1 H27.1
Кўз гавҳарининг чиқиши	H27.1

Глаукома (туғма, иккиламчи)	H40 – 42
Туғма миопиянинг ўрта, юқори даражаси	H52.1
Гиперметропиянинг ўрта юқори даражаси	H52.0
Тўр парда ажралиши, унинг ёрилиши ёки йиртилишлари	H33
Нистагм	H55
Эшитишида нуқсонлар (2 ёшдан)	
Кохлеар имплантациядан кейин	H90.3 KI
Нейросенсор эшитиш заифлигининг II даражаси (эшитишнинг 41 – 55 дб гача пасайиши), (қулоқни протезлаш)	H90.3 II daraja
Нейросенсор эшитиш заифлигининг III даражаси (эшитишнинг 56 – 70 дб гача пасайиши), (қулоқни протезлаш)	H90.3 III daraja
Нейросенсор эшитиш заифлигининг IV даражаси (эшитишнинг 91 дб гача пасайиши)	H90.3 IV daraja
Карлик ёки кар-соқовлик (эшитишнинг 91 дб дан ортиқ пасайиши)	H90.3 Kar
Таянч-ҳаракат аппарати нуқсонлари (2 ёшдан)	
Кўкрак қафасининг 2, 3 ва 4 даражали гирдобсимон деформацияси	Q67.6
Кўкрак қафасининг 2,3 ва 4 даражали килсимон деформацияси	Q67.7
Артрогрипоз	Q74.3
Бошқа неврологик патологиялар оқибатида ортопедик деформациялари; туғма ва ирсий касалликлар (Даун синдроми, Шерешев-Тернер синдроми, Клайнфельтер синдроми, спинал амиотрофиялар, Корнеллии-де Ланге синдроми, Вильямс синдроми, Прадера-Вилли синдроми, Нунан синдроми)	Q90 Q96 Q98 G12 Q87.1
Спина бифида (таянч-ҳаракат аппарати бузилган ҳолда	Q05
Остеомиелит асоратлари (жарроҳлик муолажасидан кейинги ҳолатлар)	M86
Ўрта, оғир туғма маймоқлик	Q66.0 Q66.1 Q66.4
Қўл ва оёқларда жароҳатдан кейинги бўғимлар оғир даражадаги контрактураси	M24.5
Ортопедиядаги суяк скелетининг тизим касалликлари (ахондроплазия, дисхондроплазия, хондродистрофия)	Q77.4
Туғма сон суяги чиқиши	S73.0
Аниқланмаган оёқ-қўл(лар) туғма аномалиялари (туғма ривожланиш аномалияси оқибатида ампутацион чўлтоқлик (таянч-ҳаракат функционал етишмовчилигига олиб келадиган)	Q74.9
Кўпинча марказий нерв системасини шикастлантирувчи, систем атрофиялар (G10-G13) (2 ёшдан)	
Гентитгтон касаллиги	G10
Ирсий атаксия Истисно қилинган: болалар церебрал фалажи	G11
Модда алмашинуви бузилишлари, ирсий ва идиопатик невропатия	(G80.-) (E70-E90) 433 (G60.-)
Туғма прогрессияга мойил бўлмаган атаксия	G11.0
ДНК репарацияси бузилишига эга мияча атаксияси Истисно қилинган: пигментли ксеродермия (Q82.1) Коккейн синдроми (Q87.1)	G11.3
Ирсий спастик параплегия	G11.4

Бошқа ирсий атаксия	G11.8
Аниқланмаган ирсий атаксия	G11.9
Спинал мушак атрофияси ва унга яқин синдромлар	G12
Бошқа ирсий спинал мушак атрофиялари	G12.1
Ҳаракатлантирувчи неврон касаллиги	G12.2
Бошқа спинал мушак атрофиялари ва унга яқин синдромлар	G12.8
Аниқланмаган спинал мушак атрофияси	G12.9
Бошқа рукнларда таснифланган касалликларда, асосан марказий нерв системасини шикастлантирувчи, систем атрофиялар	G13*
Паранеопластик невромиопатия ва невропатия	G13.0*
Ўсма касалликларда, асосан марказий нерв системага таъсир кўрсатадиган, бошқа систем атрофиялар	G13.1*
Мекседемадаги, асосан марказий нерв системага таъсир кўрсатадиган, систем атрофия (E00.1+, E03.- +)	G13.2*
Бошқа рукнларда таснифланган, бўлак касалликларда, асосан марказий нерв системага таъсир кўрсатадиган, систем атрофия	G13.8
Экстрапирамид ва бошқа ҳаракатлар бузилишлари(G20-G26) (2 ёшдан)	
Галлерворден-Шпатц касаллиги	G23.0
[Стил-Ричардсон-Ольшевский] прогрессияга мойил ядро усти офтальмоплегияси	G23.1
Стриатониграл дегенерация	G23.2
Базал ганглийларнинг бошқа аниқланган дегенератив касалликлари	G23.8
Базал ганглийлар аниқланмаган дегенератив касаллиги	G23.9
Дистония Киритилган: дискинезия Истисно қилинган: атетоидли церебрал паралич (G80.3)	G24
Дори воситалар келтириб чиқарган, дистония	G24.0
Идиопатик оилавий дистония	G24.1
Идиопатик оилавий бўлмаган дистония	G24.2
Спастик бўйин қийшиқлиги Истисно қилинган: бўйин қийшиқлиги ҚРА (M43.6)	G24.3
Идиопатик оғиз-юз дистонияси	G24.4
Блефароспазм	G24.5
Бошқа дистониялар	G24.8
Аниқланмаган дистония	G24.9
Бошқа экстрапирамид ва ҳаракатланиш бузилишлари	G25
Эссенциал тремор Истисно қилинган: тремор ҚРА (R25.1)	G25.0
Дори восита келтириб чиқарган, тремор	G25.1
Бошқа аниқланган тремор турлари	G25.2
Миоклонус Истисно қилинган: юз миокимияси (G51.4) миоклоник эпилепсия (G40.)	G25.3
Дори восита келтириб чиқарган, хорея	G25.4
Хореянинг бошқа турлари Истисно қилинган: ревматик хорея (I02.-) юракни жалб этган хорея ҚРА (I02.0) Гентингтон хореяси (G10) Сиденхем хореяси (I02.-)	G25.5
Дори воситалар келтириб чиқарган ва бошқа органик генезли тиклар Истисно қилинган: 53.де ла Туретт синдроми (F95.2) тик ҚРА (F95.9)	G25.6

Бошқа аниқланган экстрапирамид ва ҳаракатланиш бузилишлари	G25.8
Аниқланмаган экстрапирамид ва ҳаракатланиш бузилиши G26* Бошқа рукнларда таснифланган касалликларда экстрапирамид ва ҳаракатланиш бузилишлари	G25.9
Идиопатик оилавий дистония	G24.1
Идиопатик оилавий бўлмаган дистония	G24.2
Спастик бўйин қийшиқлиги Истисно қилинган: бўйин қийшиқлиги ҚРА (M43.6)	G24.3
Модда алмашинуви касалликлари (2 ёшдан):	
Глюкозаминогликанлар алмашинуви бузилишлари	E76
Мукополисахаридоз, I тип	E76.0
Мукополисахаридоз,	E76.1
Классик фенилкетонурия II тип	E70.0
Бошқа рукнларда таснифланган касалликлардаги, энцефалит, миелит ва энцефаломиелит (9.Киритилган: бошқа рукнларда таснифланган касалликлардаги менингоэнцефалит ва менингомие)	G05
Бошқа рукнларда таснифланган бактериал касалликлардаги, энцефалит, миелит ва энцефаломиелит	G05.0
Бошқа рукнларда таснифланган вирусли касалликлардаги, энцефалит, миелит ва энцефаломиелит	G05.1
Бошқа рукнларда таснифланган бошқа инфекцион ва паразитар касалликлардаги, энцефалит, миелит ва энцефаломиелит	G05.8

”.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 816-сон қарори билан тасдиқланган “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари тўғрисидаги намунавий низомнинг 8-банди ўн тўртинчи хатбошисидаги ““Мурувват” интернат уйлари” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабаларига тўланадиган стипендиялар миқдорларини белгилаш ҳамда стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарорида:

а) 4-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“стипендиялар 2027 йил 1 январга қадар нақд пул шаклида ёки банк карталари, шу жумладан, ижтимоий карта орқали, 2027 йил 1 январдан бошлаб эса фақат ижтимоий карта орқали тўланади”;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 1-илованинг 10^2-бандида:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Талаба-қизларга махсус стипендия мазкур бандниng бешинчи–еттинчи хатбошиларида назарда тутилган миқдордаги пул маблағларини нақд пулсиз шаклда уларнинг ижтимоий карталарига ўтказиш йўли билан тўланади”;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

саккизинчи–ўн биринчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи–ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 698-сон қарори билан тасдиқланган Жиззах вилоятининг Зомин туманида маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларнинг 6-позициясида:

а) “Чора-тадбирлар номи” устунидаги ““Саховат” кекса ва ногиронлар учун интернат уйида” сўзлари “ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар “Ғамхўрлик” марказида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) “Амалга ошириш механизми” устунининг 1–3-бандларидаги ““Мурувват уйи”да” сўзлари “Зомин ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар “Ғамхўрлик” марказида” сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 21 ноябрдаги 739-сон қарорида:

а) 2-бандниng учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тўлиқ давлат таъминоти пул нафақалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар, шунингдек, транспортда юриш тўловидан иборат бўлади. Бунда таълим муассасаларида таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга пул нафақалари 2026 йил 1 декабрга қадар нақд пул шаклида ёки банк карталари, шу жумладан ижтимоий карта орқали, 2026 йил 1 декабрдан бошлаб эса фақат ижтимоий карта орқали тўланади”;

б) 1-иловада:

4-бандниng биринчи хатбошисидаги “транспортда юриш карточкаларидан” сўзлари “транспортда юриш тўловидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Агар ўқувчи (талаба)нинг яшаш жойи у таълим олаётган таълим муассасаси жойлашган жойдан 3 километрдан ортиқ масофани ташкил этса, ўқувчи (талаба)лар транспортда юриш тўловлари билан таъминланади”;

2-бобнинг номидаги “транспортда юриш карточкалари” сўзлари “транспортда юриш тўловини” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги, 11-14-бандлардаги, 16-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 17 ва 19-бандлардаги “транспортда юриш карточкалари” сўзлари “транспортда юриш тўлови” сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Ўқувчи (талаба)га ижтимоий таъминот ёрдамини бериш уларнинг ижтимоий картасига пул ўтказиш орқали амалга оширилади”;

25-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ижтимоий таъминот ёрдами ўқувчи (талаба)ларнинг ижтимоий карталарига пул ўтказиш орқали берилганда тарқатиш қайдномасига уларнинг имзосини қўйдириш талаб этилмайди”;

5-боб номидаги “транспортда юриш карточкалари” сўзлари “транспортда юриш тўлови” сўзлари билан алмаштирилсин;

27–30-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Транспортда юриш тўлови умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташиш учун йўлкира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилган ҳудудларда ойлик тариф режалари асосида ўқувчи (талаба)нинг ижтимоий картаси орқали амалга оширилади. Бунда ижтимоий картада транспорт карта функциясини фаоллаштириш бепул амалга оширилади.

Агар ўқувчи (талаба) ўқийдиган туман (шаҳар)да ёки аҳоли пунктида бу турдаги автоматлаштирилган тизим бўлмаса, у ҳолда уларга жамоат транспортида юришлари учун тегишли ойлик тариф режаси миқдоридаги пул маблағи ўқувчи (талаба)нинг ижтимоий картасига пул ўтказиш орқали берилади.

28. Транспортда юриш тўлови муассасаларнинг харажатлар сметасига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

29. Транспортда юриш тўлови муассасалар томонидан ўқувчи (талаба)нинг ижтимоий картасига пул ўтказиш йўли билан ўқиш даврида тариф амал қиладиган ойдан олдинги ой тугашига камида икки кун қолганида амалга оширилади.

30. Транспортда юриш тўлови ўқиш даври учун амалга оширилади”;

33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“33. Битирув нафақаси ҳар йили 1 сентябргача битирувчининг ижтимоий картасига пул ўтказиш орқали берилади.

Ўқишдан четлаштирилган талабаларга битирув нафақаси мазкур Низомнинг 14-бандининг “г” кичик бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этган кундан эътиборан уч ой ичида унинг ижтимоий картасига пул ўтказиш орқали берилади”;

34-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Битирув нафақаси ўқувчи (талаба)ларнинг ижтимоий карталарига пул ўтказиш орқали берилганда тарқатиш қайдномасига уларнинг имзосини қўйдириш талаб этилмайди”;

35^4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“35^4. Ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар) харид қилиш учун тегишли маблағлар ўқувчи (талаба)нинг ижтимоий картасига пул ўтказиш орқали берилади”;

7-боб номидаги ва 36–37-бандлардаги “транспортда юриш карточкалари” сўзлари “транспортда юриш тўлови” сўзлари билан алмаштирилсин;

38-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

“38. Ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш тўлови ҳамда битирув нафақалари учун сарфланадиган маблағларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тегишли таълим муассасасининг бухгалтерияси томонидан амалга оширилади”;

39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“39. Муассасалар томонидан ҳар ўқув йили якунида ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобот тайёрланади ҳамда иқтисодиёт ва молия органларига тақдим этилади.

Иқтисодиёт ва молия органлари томонидан ушбу ҳисоботлар асосида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳисобот тақдим этилади”;

40-банддаги “транспортда юриш карточкалари” сўзлари “транспортда юриш тўлови” сўзлари билан алмаштирилсин;

41-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“41. Муассасаларнинг ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш тўлови ҳамда битирув нафақаларини тўлаш билан боғлиқ фаолиятини назорат қилиш Давлат молиявий назорати инспекциясининг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади”;

42-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

“42. Шахсий жавобгарлик:

таълим муассасаси томонидан ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш тўловлари ҳамда битирув нафақаларини асосли тайинлаш ва тўлаш тартибига риоя қилинганлиги ва молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги бўйича ишчи гуруҳ раҳбарига;

ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш тўловлари ҳамда битирув нафақалари учун ажратилган маблағларнинг муассасаларга ўз вақтида ва тўлиқ ўтказиб берилиши бўйича иқтисодиёт ва молия органи раҳбарига;

таълим муассасаси томонидан ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш тўловлари ҳамда битирув нафақаларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб берилиши бўйича муассаса раҳбари ва бош бухгалтерга юклатилади”;

1-илованинг изоҳ қисми 2-бандидаги “нақд пул берилади” сўзлари “ўқувчи (талаба)ларнинг ижтимоий карталарига ўтказилади ёки нақд пул шаклида берилади” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг номидаги ва 1–3-босқичлари “Тадбирлар” устунидаги “транспортда юриш карточкалари” сўзлари “транспортда юриш тўлови” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-илованинг номидаги ва жадвалидаги “транспортда юриш карточкалари” сўзлари “транспортда юриш тўлови” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

5-илованинг номидаги, 2–4 ва 6–7-позицияларнинг “Ижтимоий таъминот ёрдами тури” устунидаги “транспортда юриш карточкалари” сўзлари “транспортда юриш тўлови” сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғинининг комиссиялари тўғрисидаги намунавий низом 6-бандининг еттинчи хатбошисидаги ““Меҳрибонлик” ва “Мурувват” уйларига” сўзлари ““Меҳрибонлик” уйлари ва “Ғамхўрлик” марказларига” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 638-сон қарори билан тасдиқланган Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомда:

а) 1 ва 2-иловаларнинг илова белгисидаги “Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари” сўзлари “Алоҳида таълим эҳтиёжлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 1-бандининг учинчи хатбошисидаги, 2-бандидаги, 3-бандидаги, 4-бандидаги, 3-бобнинг номидаги, 13-бандидаги 14-бандидаги, 15-бандидаги, 16-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 18-бандидаги, 20-бандининг биринчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги ““Мурувват” интернат уйи” сўзлари тегишли келишикдаги ““Ғамхўрлик” маркази” сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомда:

а) 2-илованинг 9-позицияси учинчи устуни қуйидаги мазмундаги “a^1” кичик банд билан тўлдирилсин:

“a^1) нодавлат таълим хизматлари кўрсатиладиган бино ва хоналарни онлайн трансляция қилиш ҳамда болаларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан онлайн кузатиш имкониятига эга бўлган, овоз ёзиш мосламалик ички ва ташқи камералар билан таъминлаш.

Бунда видеоёзув қайдлари камида олти ойгача сақлаб борилади*”;

б) 28-илованинг 10-позицияси учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Солиқ қўмитаси ва “Зарур амалиётлар маркази” ДМ. Бунда ушбу ваколатли органлар ариза тушган кундан бошлаб 5 иш куни ичида, тезлаштирилган тартибда тақдим этилган аризалар бўйича 3 иш куни ичида тегишли келишувни лицензияловчи органга тақдим этишлари лозим;

б) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан объектда шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқларсиз муҳит яратилганлиги тўғрисидаги хулоса (5 иш куни ичида)”.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарори билан тасдиқланган Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисида ягона низомга 17-илованинг 9-позицияси учинчи устуни қуйидаги мазмундаги “ж” кичик банд билан тўлдирилсин:

“ж) бинолар ва хоналар онлайн трансляция қилиш ҳамда болаларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан онлайн кузатиш имкониятига эга бўлган, овоз ёзиш мосламалик ички ва ташқи камералар билан таъминланган бўлиши.

Бунда видеоёзув қайдлари камида олти ойгача сақлаб борилади*”.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги 373-сон қарори билан тасдиқланган Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 30^{13}-банд билан тўлдирилсин:

“30^{13}. Дастурлар доирасида “давлат таъминотидаги оила” тоифасидаги оилалар учун тижорат банклари орқали 4 йилгача муддатга базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 бараваригача миқдорда кредит оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки кенгайтириш, шу жумладан, чорва моллари, парранда, қуён, балиқ ва асалари уяси, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш ёки иссиқхона қуриш учун ажратилади. Бунда:

кредит бир йиллик имтиёзли давр билан “давлат таъминотидаги оила” тоифасидаги оила аъзосининг ижтимоий картасига ўтказилади;

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун зарур бўлган чорва моллари, парранда, қуён, балиқ ва асалари уяси, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва бошқа асосий воситаларни кредит ҳисобидан олишда ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири кўмаклашади ҳамда лойиҳа даромадга киргунча ушбу оилага ҳамроҳлик қилади;

кредит фоиз ставкаси дастурлар доирасидаги фоиз ставкасида ҳисобланади;

тижорат банклари томонидан қарз олувчиларга ажратиладиган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликлар учун оширилган ва (ёки) қўшимча фоизлар ҳамда неустойка (жарима, пеня) ҳисобланмайди;

ҳисобланган фоиз бўйича устама ҳақи миқдори ҳар ойнинг якуни билан, тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредит ва унга ҳисобланадиган фоизлар бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасига рўйхат тақдим этилади;

ҳисобланган фоизлар тақдим этилган рўйхат асосида ҳисобот ойининг 10-санасига қадар Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига (ушбу банднинг тўртинчи хатбошисига мувофиқ муддати ўтган қарздорликлар юзасидан оширилган ва (ёки) қўшимча фоизлар ҳамда неустойка (жарима ва пенялар) ҳисобланмайди, шунингдек, Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасидан қоплаб берилмайди) қоплаб берилади”.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги 464-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 40-бандининг учинчи хатбошисидаги ““Мурувват” интернат уйлари” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 13 октябрдаги 592-сон қарорида:

а) қуйидаги мазмундаги 2^2-банд билан тўлдирилсин:

“2^2. Белгилансинки, 2026 йил 1 декабрдан бошлаб пенсия олувчиларга ўз хоҳишига кўра ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлиги бўйича пенсияларни ижтимоий карта орқали олиш ҳуқуқи берилади”;

б) 1-иловада:

140-бандниг иккинчи хатбошиси “банк картасига” сўзларидан кейин “ёки ижтимоий картасига” сўзлари билан тўлдирилсин;

141-бандда:

биринчи хатбошидаги “банк пластик карточкалари” сўзлари “банк карталари ва ижтимоий карталари” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ҳақиқатда молиялаштирилган маблағлар тўлов топшириқномаси ва қайднома электрон шаклда тақдим этилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан хизмат кўрсатувчи тижорат банки филиали томонидан пенсионер учун очилган 22617 – “Пенсионерларнинг банк карталари бўйича мажбуриятлари” ҳисобварағига ва ижтимоий карта бўйича уни эмиссия қилган тижорат банки филиали томонидан жисмоний шахс учун очилган 22618 – “Жисмоний шахсларнинг банк карталари бўйича мажбуриятлари” ҳисобварағига кирим қилинади”;

146-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“146. Тижорат банки филиаллари ҳар ойда пенсионерларнинг банк карталарига ва ижтимоий карталарига маблағлар ўз вақтида кирим қилинишини таъминлаши лозим.

Пенсионернинг банк карталарига ёки ижтимоий картасига маблағлар кирим қилинган сана пенсия тўланган сана деб ҳисобланади.

Бунда пенсионер вафот этган ойда, жумладан пенсия ва бошқа тўловлар тўланиши керак бўлган ойнинг биринчи санаси узоқ муддатли дам олиш ёки байрам кунларига тўғри келиши сабабли келгуси ой учун муддатидан аввал унинг банк картасига ёки ижтимоий картасига кирим қилинган маблағлар Пенсия жамғармасига қайтарилмайди.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Пенсионернинг банк картасига ёки ижтимоий картасига маблағлар пенсионер вафот этган ойдан кейинги ойларда кирим қилинган ҳолларда Пенсия жамғармаси бўлимлари маблағларни Пенсия жамғармаси ҳисобварағига вафот этган пенсионернинг ҳисобварағидаги қолдиқ маблағлар ҳисобидан қайтариш тўғрисида тегишли тижорат банклари филиалларига расмий хат юбориш орқали қайтариш чораларини кўради";

162-бандниng иккинчи хатбошисидаги "банк пластик картасига" сўзлари "банк картасига ёки ижтимоий картасига" сўзлари билан алмаштирилсин;

180-бандининг тўртинчи хатбошисидаги ""Мурувват" интернат уйларида" сўзлари ""Ғамхўрлик" марказларида" сўзлари билан алмаштирилсин;

22-иловадаги "тижорат банкининг пластик (банк) картаси," сўзлари "банк картаси, ижтимоий карта," сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва моддий ёрдамларни тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида" 2023 йил 23 мартдаги 119-сон қарорида:

а) қуйидаги мазмундаги 2^1-банд билан тўлдирилсин:

"2^1. Ёшга доир нафақа, ногиронлик нафақаси, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳар ойлик моддий ёрдам, ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақалари, парваришлаш ва боқувчисини йўқотганлик нафақаси 2027 йил 1 январдан бошлаб фақат ижтимоий карта орқали тўланади";

б) 1-иловада:

2-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"молиявий агент – нафақаларни уларни олувчиларнинг ижтимоий карталарига ўтказишга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тижорат банки";

учинчи–олтинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

60-бандниng иккинчи хатбошисидаги "банк пластик картасига" сўзлари "банк картасига, шу жумладан, ижтимоий картасига" сўзлари билан алмаштирилсин;

71-банддаги ""Меҳрибонлик", "Мурувват" уйларига" сўзлари ""Меҳрибонлик" уйларига, "Ғамхўрлик" марказларига" сўзлари билан алмаштирилсин;

76-банднинг иккинчи хатбошисидаги “банк пластик картасига” сўзлари “банк картасига ёки ижтимоий картасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-илова қуйидаги мазмундаги изоҳ қисми билан тўлдирилсин:

“Сўровномада розилик бериладиган оферталар:

1) Ижтимоий нафақа тўловларини ижтимоий карта орқали амалга оширилишига розилик бераман.

2) Менинг номимга муқаддам ижтимоий карта расмийлаштирилмаган бўлса янги ижтимоий карта эмиссия қилиниши ва тақдим этилишига розилик бераман”;

в) 2-иловада:

2-банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“молиявий агент – моддий ёрдамни уни олувчиларга тўлашга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тижорат банки”;

бешинчи–олтинчи хатбошилар тегишлича олтинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

9-банднинг “в” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) ушбу Низомга мувофиқ тайинланган моддий ёрдамни тўлаш учун тўлов қайдномалари “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали ҳар ойнинг 4 санасига қадар молиявий агентга юборади ҳамда зарур маблағларни молиявий агентга ўтказиб беради”;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Моддий ёрдам қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда молиявий агент томонидан жорий тўлов ойидан кечикмай тўланади.

2027 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий карта расмийлаштирилмаган Реестрга киритилган шахсга моддий ёрдам ижтимоий карта олингандан кейин бир йўла тўланади”;

14^1-бандда:

иккинчи хатбошидаги “АТ “Халқ банки”” сўзлари “молиявий агент” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги ““Мурувват” интернат-уйлари” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“2027 йил 1 январдан бошлаб уч ойдан ортиқ вақт мобайнида ижтимоий карта очилмаганда”;

бешинчи–саккизинчи хатбошилар тегишлича олтинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбошидаги ““Мурувват” интернат-уйлари” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

1-иловaнинг 3-босқичи “Механизм” устуни 1-бандидаги “АТ “Халқ банки”га” сўзлари “молиявий агентга” сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 14 октябрдаги 539-сон қарорида:

а) 1-илова 7 ва 13-позицияларининг “Кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар” устунидаги ““Мурувват” интернат уйларига” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-иловада:

11^1-позициясининг “Кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар” устунидаги ““Мурувват” интернат уйларига” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 26-позиция билан тўлдирилсин:

“

26.	Суднинг ҳал қилув қарори асосида алимент тўловларини ундириш	Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимлари	Талабномани қабул қилиш, ахборот бериш

”.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги 550-сон қарори билан тасдиқланган Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

а) 2-бандниng “д” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“д) тижорат банки дафн этиш учун нафақа тўловини ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома ёки ўлим қайд этилгани ҳақида QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома (ўлик туғилган бола учун туғилганлик ҳақидаги маълумотнома) асосида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига электрон сўров юбориш орқали мурожаат қилган фуқаронинг нафақага бўлган ҳуқуқини тасдиқлаган ҳолда амалга оширади”;

б) 9^1-бандниng олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ариза берувчилар ФҲДЁ бўлими томонидан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома ёки ўлим қайд этилгани ҳақида QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома (ўлик туғилган бола учун туғилганлик ҳақидаги маълумотнома) ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатган ҳолда, ўлим ҳолати қайд қилингандан бошлаб 60 кун муддат ичида дафн этиш учун нафақа пулини олиш мақсадида тижорат банкининг исталган филиалига мурожаат қилиши мумкин”;

в) 10-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

“Тижорат банки дафн этиш учун нафақа тўловини олиш мақсадида мурожаат қилган фуқаронинг нафақага бўлган ҳуқуқини ФҲДЁ бўлими томонидан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома ёки ўлим қайд этилгани ҳақида QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома (ўлик туғилган бола учун туғилганлик ҳақидаги маълумотнома) асосида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига электрон сўров юбориш орқали тасдиқлайди ҳамда олдиндан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан нафақа тўловини амалга оширади.

Дафн этиш учун нафақа ФҲДЁ бўлими томонидан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома ёки ўлим қайд этилгани ҳақида QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома (ўлик туғилган бола учун туғилганлик ҳақидаги маълумотнома) берилган жисмоний шахсларга тўланади”.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 ноябрдаги 603-сон қарори билан тасдиқланган Таълим, тарбия, болалар соғломлаштириш, спорт ва ижодий ташкилотларда ишлаши ҳамда болалар билан бевосита ишлашни назарда тутувчи фаолият турлари билан шуғулланиши тақиқланган шахслар реестрини шакллантириш ва юритиш, шунингдек, ундан ахборот олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-бандида:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар”;

олтинчи–саккизинчи хатбошилар тегишлича еттинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2023 йил 28 декабрдаги 687-сон қарорида:

а) 3-бандниng “а” кичик банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“фаолияти учун Марказ маблағлари ҳисобидан 1 та хизмат енгил автотранспорт воситасини сақлашга рухсат этилади”;

б) 1-иловaнинг 18-бандида:

иккинчи хатбошидаги ““Мурувват” интернат уйлари” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

қирқ биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари ходимларини қўллаб-қувватлаш (рағбатлантириш, шу жумладан ходимлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичини (KPI) баҳолаш асосида рағбатлантириш, мукофотлаш, устамалар тўлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш даври учун пуллик компенсация) ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек мазкур мақсадлар учун Жамғармадан ажратилган пул

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

маблағларидан ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқадиган меҳнат таътили ва бошқа тўловларни ҳам тўлаш”;

эллик бешинчи хатбошиси “кичик ҳажмли болалар уйларини” сўзларидан кейин, “шунингдек, кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларини” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 3-илованинг 5-бандида:

“а” кичик бандда:

биринчи хатбоши “2 300 та мурожаат” сўзларидан кейин “, шу жумладан, қабул қилинмаган қўнғироқлар” сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши “матнли мурожаатлар” сўзларидан кейин “, шу жумладан, қабул қилинмаган қўнғироқлар” сўзлари билан тўлдирилсин;

“б” кичик бандининг тўртинчи хатбошиси “матнли мурожаатлар” сўзларидан кейин “, шу жумладан қабул қилинмаган қўнғироқлар” сўзлари билан тўлдирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олишларини ташкил этиш ва уларни реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 25 январдаги 46-сон қарорида:

а) 3-бандда:

“а” кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ПТПК хулосасини олиш учун боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда – қонуний вакиллар) яшаш жойидаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг туман (шаҳар)лардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига ёки ҳудудга бириктирилган ижтимоий ходимга, 2026 йил 1 июндан бошлаб Давлат хизматлари маркази ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади”;

учинчи хатбошидаги “Электрон ҳукумат” сўзлари “Рақамли ҳукумат” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ПТПК хулосаси асосида ПТПК котиби томонидан бола унинг қонуний вакиллари билан келишган ҳолда, тегишли таълим муассасасига йўналтирилади”;

б) қуйидаги мазмундаги 3^1-банд билан тўлдирилсин:

“3^1. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Рақамли технологиялар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 июнга қадар ПТПК хулосасини олиш учун Давлат хизматлари маркази ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаатлар қабул қилиш ҳамда хизматлар кўрсатишнинг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин”;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

в) 6-бандниng иккинчи хатбошисидаги “50 фоизи” сўзлари “бир баравари” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-иловада:

1-банд “мактаб-интернатларга” сўзларидан кейин “, шунингдек, ижтимоий хизматларга” сўзлари билан тўлдирилсин;

3-бандда:

учинчи хатбошидаги “ихтисослаштирилган” сўзи “тегишли” сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий хизматларга юбориш учун хулоса бериш”;

5-банддаги “ихтисослаштирилган” сўзи чиқариб ташлансин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1 ёшдан 18 ёшгача алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни комплекс психологик-тиббий-педагогик текширувдан ўтказиш ҳамда давлат таълим муассасаларига, шунингдек, ижтимоий хизматларга юбориш учун хулоса бериш ПТПКнинг асосий мақсади ҳисобланади”;

7-бандда:

иккинчи хатбоши “боланинг алоҳида таълимга” сўзларидан кейин “ҳамда ижтимоий хизматларга бўлган” сўзлари билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“боланинг алоҳида таълимга бўлган эҳтиёжлари асосида уни тегишли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти, қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотларидаги ихтисослаштирилган ва инклюзив гуруҳларига, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларига, инклюзив шароитда таълим олиши учун умумтаълим ташкилотига ва умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига, ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказларига, имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус техникумларга, шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган кундузги парвариш хизматига, Илк ривожланиш марказларининг “махсус мактабгача таълим хизмати” моделига, “Эрта аралашув” хизматига, узоқ муддат парваришга муҳтож болаларни уй шароитида қараб туриш хизматига ҳамда уй шароитларида якка тартибда таълим олишга юбориш учун хулоса беради”;

еттинчи хатбошидаги ““Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйларига” сўзлари “ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандниng биринчи хатбошисидаги “аризалар” сўзлари “сўровномалар” сўзлари билан алмаштирилсин”;

4-боб ва 1-параграфнинг номларидаги “Аризаларни қабул қилиш” сўзлари “Сўровномаларни кўриб чиқиш” сўзлари билан алмаштирилсин”;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. ПТПК хулосасини олиш учун қонуний вакиллар яшаш жойидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига ёки ҳудудга бириктирилган ижтимоий ходимга, 2026 йил 1 июндан бошлаб Давлат хизматлари маркази ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали мурожаат қилади”;

қуйидаги мазмундаги 20^1–20^5-бандлар билан тўлдирилсин:

“20^1. Қонуний вакил ПТПК текширувидан ўтиш учун “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, ҳудудга бириктирилган ижтимоий ходим ёки Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёҳуд хизматдан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

Сўровнома ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда сўровнома иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари тушганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни ваколатли органга тушган ва улар томонидан қабул қилинган кун ҳисобланади.

Қонуний вакил ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходими, ҳудудга бириктирилган ижтимоий ходим ёки Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, қонуний вакил мустақил равишда ушбу Низомга 1а-иловага мувофиқ сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

20^2. Сўровномага қуйидаги ҳужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматда илова қилинади:

а) боланинг ўқиш жойидан таълим муддати, ўқув фанларини ўзлаштириши ва хулқ-атвори, болага якка тартибда кўмак бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг батафсил таҳлили акс эттирилган маълумотнома ва тавсифнома (таълим муассасаларида ўқиган болалар учун);

б) даволаш-профилактика муассасасининг бош врачи томонидан имзоланган боланинг ривожланиши тарихидан батафсил кўчирма, қуйидаги мутахассисларнинг хулосалари билан бирга:

боланинг умумий ривожланиш ҳолати тўғрисидаги педиатр хулосаси;

психоневрологик марказнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган психоневролог хулосаси (фақат нутқий, руҳий ва ақлий ривожланишда нуқсонлари бўлган болалар учун);

отоларингологнинг хулосаси (фақат эшитишида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун) ҳамда қулоқ, томоқ, бурун ва талаффуз артикуляциясида иштирок этувчи органларнинг ҳолатига тавсифи, нутқ ва шивирлаб айтилган гапни қабул қилиш ҳақидаги маълумотлар, аудиограмма маълумотлари;

офтальмологнинг хулосаси (фақат кўришида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун) ҳамда ташхиснинг кенг изоҳи билан кўриш органларининг тавсифи;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

ортопед-травматологнинг хулосаси (фақат таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлар бўлган болалар учун) ҳамда ташхиснинг кенг изоҳи билан рентгенологик тадқиқот маълумотлари;

дефектолог-логопеднинг хулосаси (фақат нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун) ҳамда тил тизимининг ҳар бир компоненти шаклланиш даражаси кўрсатилган ҳолда нутқ ривожи тавсифи;

в) болаларни ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштиришга оид сўровномага мазкур банднинг “а” ва “б” кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда мазкур Низомнинг 1б-иловасида кўрсатилган ҳужжатлар.

Қонуний вакилдан сўровномада кўрсатилмаган маълумотларни ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

20^3. Сўровномага зарур маълумотлар киритилгандан сўнг қонуний вакил маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг замонавий воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobile-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Қонуний вакил ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

20^4. ПТПК текширувини ўтказиш учун йиғим ундирилмайди.

20^5. Қонуний вакил ПТПК текширувини ўтказишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Қонуний вакил ПТПК текширувини ўтказишдан бош тортган тақдирда, унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади”;

21-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

22–24-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Сўровнома тўлдирилган вақтдан бошлаб ҳар бир бола бўйича шакллантирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилди автоматик равишда ПТПКга кўриб чиқиш учун йўналтирилади.

23. Мазкур Низомнинг 20^2-бандида кўрсатилган ҳужжатлари шакллантирилган бола ПТПКнинг навбатдаги йиғилишида текширувдан ўтказилади.

24. ПТПК котиби шакллантирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилди асосида ҳар бир болани ПТПКнинг навбатдаги йиғилишига киритади”;

27-банддаги “20-бандида” сўзлари “20^2-бандида” сўзлари билан алмаштирилсин;

30-бандда:

биринчи хатбошисидаги “2 ёшдан” сўзлари “1 ёшдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Агарда бола жорий ўқув йили давомида 7 ёшга тўлса ёки ПТПК хулосасининг амал қилиш муддати жорий ўқув йили давомида тугаса, унинг ташкилотда қолиш муддати жорий ўқув йилининг 1 августига қадар амал қилади”;

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Хулосада кўрсатилган боланинг таълим муассасасида бўлиш муддати тугаганидан кейин ушбу ташкилотда унинг бўлиш муддатини узайтириш ёки уни умумий турдаги таълим муассасасига (гуруҳ/синф) ўтказиш масаласи ПТПК томонидан мазкур Низомда белгиланган тартибда қайтадан текширувдан ўтказиш натижасида белгиланади. Бунда ПТПК хулосасининг амал қилиш муддати жорий ўқув йили давомида тугаса, боланинг ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлар, умумтаълим муассасаларининг коррекцион ёки инклюзив синфда қолиш муддати жорий ўқув йили якунига қадар амал қилади”;

32-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“32. Қуйидаги нуқсонлари мавжуд бўлган болаларга давлат мактабгача таълим ташкилотининг тўлиқ кунлик гуруҳларига юборишни рад этиш тўғрисидаги хулоса берилади”;

қуйидаги мазмундаги 35^1–35^5-бандлар билан тўлдирилсин:

“35^1. ПТПКнинг болаларни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган кундузги парвариш хизматига юбориш тўғрисидаги хулосаси ушбу Низомга 3а-иловада кўрсатилган тиббий кўрсатмалар бўйича берилади.

35^2. ПТПКнинг болаларни ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш тўғрисидаги хулосаси ногиронлиги бўлган болаларда қуйидаги ташхислардан бири бўлганида қабул қилинади:

мўътадил даражадаги ақлий заифлик (F71);

оғир даражадаги ақлий заифлик (F72);

чуқур даражадаги ақлий заифлик (F73).

35^3. Болаларни ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштиришга қуйидагилар қарши кўрсатмалар ҳисобланади:

тез-тез, ҳар ойда 5 мартадан кўп тутқаноқ хуружлари содир бўладиган эпилепсия, серияли тутқаноқ хуружларига, эпилептик статусга, намозшомсимон онг хиралашиш ҳолатларига, дисфорияларга мойиллик;

беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ва хулқий бузилишлар сабаб бўладиган руҳий касалликлар;

улар билан касалланганда болани умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқитиш мумкин бўлган ҳар қандай руҳий касалликлар;

жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;

юқумли тери ва соч касалликлари;

ўткир юқумли касалликлар;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари;

таносил касалликлари.

35[4]. ПТПКнинг уч ёшгача бўлган болаларни “Эрта аралашув” хизматига юбориш тўғрисидаги хулосаси ушбу Низомга 4-иловада кўрсатилган тиббий кўрсатмалар бўйича берилади.

35[5]. ПТПКнинг узоқ муддат парваришга муҳтож болаларни уй шароитида қараб туриш хизматига юбориш тўғрисидаги хулосаси ушбу Низомга 5-иловада кўрсатилган тиббий кўрсатмалар бўйича берилади”;

37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. ПТПКнинг хулосаси асосида ПТПК котиби томонидан:

а) бола унинг қонуний вакиллари билан келишган ҳолда бир иш кунида тегишли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти, қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти, инклюзив таълим гуруҳлари ташкил этилган умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилоти, мактаб, мактаб-интернат ёки инклюзив таълим ташкил этилган умумтаълим муассасасига йўналтирилади ҳамда бу тўғрисида алоқа воситалари, шу жумладан, “SMS” хабарнома, электрон почта ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қонуний вакиллар хабардор қилинади;

б) ногиронлиги бўлган болаларни ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш ёки уй шароитида қараб туриш хизматига йўналтиришга қаратилган ИПТКнинг хулосаси расмийлаштирилганда мазкур хулоса бир иш куни ичида ЯМИҲ АТ орқали ногиронлиги бўлган боланинг яшаш манзилидаги “Инсон” марказига юборилади ҳамда бу тўғрисида алоқа воситалари, шу жумладан, “SMS” хабарнома, электрон почта ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қонуний вакиллар хабардор қилинади.

Қонуний вакиллар хабарни олгандан сўнг, бола билан биргаликда тегишли таълим муассасасига ёки ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказларига ўн беш иш куни ичида келиши шарт”;

қуйидаги мазмундаги 37[1]-банд билан тўлдирилсин:

“37[1]. Қонуний вакиллар ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у тугаганидан сўнг болани бир инклюзив таълим ташкил этилган умумтаълим муассасасидан бошқа шу турдаги умумтаълим муассасасига ўтказиш ҳуқуқига эга.

Қонуний вакиллар болани бир инклюзив таълим ташкил этилган умумтаълим муассасасидан бошқа шу турдаги умумтаълим муассасасига ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда ушбу Низомда белгиланган тартибда мурожаат қилади. Бунда сўровномага иловалар талаб этилмайди.

Сўровнома илгари хулоса берилган ПТПК раиси томонидан икки иш кунида кўриб чиқилиб, хулосага тегишли ўзгартириш киритилади ва ушбу хулоса ўқишни давом эттириш учун танланган умумтаълим муассасасига

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

йўналтирилади ҳамда бу тўғрисида “SMS” хабарнома юбориш орқали қонуний вакиллар хабардор қилинади.”;

1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Психологик-тиббий-педагогик
комиссиялар тўғрисидаги низомга
1-илова

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни таълим муассасаларига йўллаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар	Психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасини олиш учун яшаш жойидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига ёки ҳудудга бириктирилган ижтимоий ходимга, Давлат хизматлари маркази ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади.	Хоҳишига кўра
2-босқич	1. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП	1. Сўровномани тўлдириб, уни Психологик-тиббий-педагогик комиссияга йўналтиради. 2. Электрон тўлдирилган сўровнома Психологик-тиббий-педагогик комиссияга юборилади.	Автоматик равишда
3-босқич	Психологик-тиббий-педагогик комиссия котиби	1. Психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасини олиш учун номзод бола тўғрисидаги ҳужжатларни Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг навбатдаги йиғилишига киритиш. 2. Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг йиғилиши вақти, санаси ва жойи тўғрисида боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни хабардор қилиш.	1. Ҳужжатлар тақдим этилган куни 2. ПТПК йиғилиши ўтказиладиган сана ҳақида камида уч кун олдин
4-босқич	Психологик-тиббий-педагогик комиссия	1. Болани унинг индивидуал хусусиятлари, ёши, жинси, жисмоний ва руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда комплекс текширувдан ўтказиш. 2. Текширув натижасида боланинг алоҳида таълимга бўлган эҳтиёжлари асосида тегишли таълим муассасаларига юбориш ёки юборишни	1. 1 кун ичида 2. Текшириш давомида

		рад этиш юзасидан хулоса берилади. 3. ПТПК томонидан болаларни кўрикдан ўтказиш натижасида уларни таълим муассасасига юборишни рад этиш юзасидан хулоса берилган тақдирда, ушбу хулоса уч иш кунида қонуний вакилларга тақдим этилади.	3. Уч иш куни ичида
5-босқич	Психологик-тиббий-педагогик комиссия котиби	ПТПКнинг хулосаси асосида болани унинг қонуний вакиллари билан келишган ҳолда тегишли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти, қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти, инклюзив таълим гуруҳлари ташкил этилган умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилоти, мактаб, мактаб-интернат ёки инклюзив таълим ташкил этилган умумтаълим муассасасига йўналтирилади ва бу тўғрисида алоқа воситалари, шу жумладан, “SMS” хабарнома, электрон почта ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни хабардор қилиш.	Бир иш куни ичида

”.

қуйидаги мазмундаги 1а-илова билан тўлдирилсин:

“Психологик-тиббий-педагогик
комиссиялар тўғрисидаги низомга
1а-илова

Психологик-тиббий-педагогик комиссия текширувидан ўтиш учун СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи – жисмоний шахс тўғрисида маълумот*:	
1. Фамилияси:	
2. Исми:	
3. Отасининг исми:	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):	
5. Биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси ва рақами:	
II. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган бола тўғрисида маълумот:	
1. Фамилияси:	
2. Исми:	
3. Отасининг исми:	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):	
5. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома серияси ва рақами:	
6. Ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома рақами ва санаси:	
7. Ариза берувчининг қонуний вакиллигини асословчи	

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

маълумот:	
8. Таълим ташкилоти:	

* Тутинган (фостер) оила ёки ихтисослаштирилган тарбия ва ижтимоий ҳимоя муассасаларида тарбияланаётган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар манфаатида тўлдириладиган сўровномада “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг масъул ходими маълумотлари кўрсатилади.

** Паспорт (идентификация ID-карта) ва туғилганлик ҳақидаги маълумотлар ҳамда ногиронлик тўғрисида маълумотлар мустақил равишда “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинади”.

қуйидаги мазмундаги 1б-илова билан тўлдирилсин:

“Психологик-тиббий-педагогик
комиссиялар тўғрисидаги низомга
1б-илова

“Ғамхўрлик” марказларига жойлаштириш учун талаб этиладиган ногиронлиги бўлган боланинг соғлиғи тўғрисидаги тиббий ҳужжатлар РЎЙХАТИ*

1. Тиббий муассасадаги беморнинг тиббий картасидан кўчирма (амбулатор/стационар) 027-шакл.

2. Касаллик тарихидан кўчирма (Руҳий-асаб касалликлари шифохоналарида даволанаётган шахслар учун.

3. Қоннинг умумий таҳлили.

4. Сийдик умумий таҳлили.

5. Қоннинг PW (Вассерман реакцияси) таҳлили.

6. “В” ва “С” гепатитларнинг (HBcAг, HCB) маркерларини аниқловчи қон таҳлили.

7. Қоннинг ОИВ билан зарарланиши тўғрисида таҳлили (ОИТСга қарши кураш марказидан).

8. Кўкрак қафаси аъзоларининг флюорографияси (текширилувчининг фамилияси, исми шарифи ҳамда текширувнинг тартиб рақами ва ўтказилган сана кўрсатилади).

9. Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар филиаллари Тиббий-маслаҳат комиссияси хулосаси.

10. Силга қарши курашиш диспансери хулосаси.

11. Онкологик диспансер хулосаси.

12. Тери-таносил касалликлари диспансери хулосаси.

13. ОИТСга қарши кураш марказининг хулосаси.

Изоҳ.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

1. Ушбу рўйхатда кўрсатилган ҳужжатларнинг амал қилиш муддати 3 ойни, кўкрак қафаси аъзоларининг флюорографияси 6 ойни ташкил этади.

2. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун қуйидаги ҳужжатлар қўшимча равишда талаб қилинади:

ҳомийлик ёки васийликни белгилаш тўғрисидаги қарори нусхаси;

ота-онасининг вафот этганлиги тўғрисидаги маълумот, ота-онасининг узоқ давом этган касаллиги тўғрисидаги маълумотнома ва ота-онасининг йўқлигини ёки уларнинг ўз фарзандларини тарбиялашга имконият йўқлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

ота-онасидан қолган мол-мулкининг (агар бор бўлса) рўйхати, мол-мулкнинг жойлашган манзили (уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари), уни сақлаш учун кўрилган чора-тадбирлар ва унинг сақланиши учун жавоб берадиган шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

алиментлар тўлашга оид маълумотлар (агар бор бўлса);

тижорат банкларида болаларнинг номига очиладиган омонат ҳисобварағи тўғрисидаги маълумотлар (агар бор бўлса).

3. Қуйидаги маълумот ва ҳужжатлар ""Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" ахборот тизимидан "Рақамли ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграцион платформаси орқали олинади:

ногиронлиги бўлган боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси (16 ёшдан катта болалар учун биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта) тўғрисидаги маълумот;

қонуний вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисидаги маълумот;

пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжудлиги ҳақида маълумот;

руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслигини тасдиқловчи ҳужжат;

ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома.

Мазкур бандда назарда тутилган маълумотларни "Рақамли ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграцион платформасидан олиш имкони бўлмаганда, тегишли ҳужжатлар қонуний вакилдан талаб қилиб олиниши мумкин";

2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Психологик-тиббий-педагогик
комиссиялар тўғрисидаги низомга
2-илова

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасини бериш учун асос бўладиган тиббий кўрсатмалар (мактабгача таълим ташкилотлари учун) РЎЙХАТИ

Т/р	Касаллик номи	Халқаро Касалликлар Таснифи (ХКТ-10)	Тавсия этилган мактабгача таълим ташкилотининг тури
1.	**Руҳий ривожланишдаги нуқсонлар:**		
	а) Психологик ривожланишнинг аралаш специфик бузилишлари	F83	Кўп тармоқли ихтисослаштирилган, қўшма турдаги ҳамда инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти
	б) Болалар аутизми	F84.0	
2.	**Ақлий ривожланишдаги нуқсонлар:**		
	а) Енгил даражадаги ақлий заифлик	F70	Кўп тармоқли ихтисослаштирилган, қўшма турдаги ҳамда инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти
	б) Мўътадил ақлий заифлик	F71	Кўп тармоқли ихтисослаштирилган, қўшма турдаги ҳамда инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти
3.	**Нутқдаги нуқсонлар:**		
	а) Экспрессив нутқнинг бузилиши (нутқ ривожланишининг биринчи даражали мотор алалияси)	F80.1	Кўп тармоқли ихтисослаштирилган ҳамда инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти
	б) Рецептив нутқнинг бузилиши (сенсор алалия)	F80.2	
	в) Танглай ёриғи (бўри оғиз) Танглай ва лаб ёриғи (бўри оғиз қуён лаб билан) Очиқ манқалик ва ёпиқ манқалик (нутқ аппаратининг коррекция бўйича операциялардан кейинги ҳолат)	Q35 Q37 R49.2	
	г) Ўртача ёки оғир даражадаги дудуқлик	F98.5	
	д) Дизартрия (марказий нерв тизимининг органик шикастланиши билан)	R47.1	
	е) Болалар афазияси	F80.3	
4.	**Кўришида нуқсонлар:**		
	а) Иккала кўзнинг кўрлиги	H54.0	Кўп тармоқли ихтисослаштирилган ҳамда қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти
	б) Микрофтальм (иккала кўз-OU) Микрокорнеа (иккала кўз-OU) Анофтальм (иккала кўз-OU)	Q11 Q13.4	
	в) Тўр пардасининг ривожланишидаги туғма нуқсонлар (иккала кўз-OU)	H33-35	
	г) Ретинобластома (иккала кўз-OU)	C69.2 H35.8	
	Бир кўзнинг кўрлиги, иккинчи кўз кўришининг пасайиши	H54.1	
	д) Колобома (иккала кўз-OU)	Q13.0 Q12.2	

		Q10.3 Q14.2 Q14.8	
	е) Претинопатия (чала туғилган болалар ретинопатияси) (иккала кўз-OU)	H35.1	
	ж) Кўриш нервининг атрофияси (иккала кўз-OU)	H47.2	
	з) Кўриш нерви диск ва макуласининг оғир даражадаги гипоплазияси (иккала кўз-OU)	Q14.2	
	и) Альбинизм	E70.3	
	к) Аниридия (иккала кўз-OU)	Q13.1	
	л) Катаракта (иккала кўз-OU)	H26.0 Q12.0	
	м) Кўз гавҳарининг бошқа касалликлари Афакия ёки туғма афакия (иккала кўз-OU)	H27 H27.0 Q12.3	
	н) Кўз гавҳари силжиши (иккала кўз-OU)	Q12.1	
	о) кўз гавҳарининг чиқиши (иккала кўз-OU)	H27.1	
	п) Глаукома (туғма, иккиламчи) (иккала кўз-OU)	H40 – 42	
	р) Туғма миопиянинг юқори даражаси (иккала кўз-OU)	H52.1	
	с) Гиперметропиянинг юқори даражаси (иккала кўз-OU)	H52.0	
	т) Нистагм ва кўзнинг беихтиёр ҳаракатлари	H55	
5.	**Эшитишида нуқсонлар:**		
	а) Отологик ва аудиологик имплантатларнинг борлиги (Кохлеар имплантациядан кейин)	H90.3 Z96.2	Инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти.
	б) Икки томонлама нейросенсор карлик II даражаси (эшитишнинг 41 – 55 дб гача пасайиши), (қулоқни протезлаш)	H90.3 II даража	
	в) Икки томонлама нейросенсор карлик III даражаси (эшитишнинг 56 – 70 дб гача пасайиши), (қулоқни протезлаш)	H90.3 III даража	Кўп тармоқли ихтисослаштирилган, қўшма турдаги, инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти.
	г) Икки томонлама нейросенсор карлик IV даражаси (эшитишнинг 71–90 дб гача пасайиши) (қулоқни протезлаш)	H90.3 IV даража	
	д) Икки томонлама нейросенсор карлик IV даражаси (эшитишнинг 71–90 дб гача пасайиши)	H90.3 IV даража	Кўп тармоқли ихтисослаштирилган ҳамда қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти
	е) Икки томонлама нейросенсор карлик (Карлик ёки кар-соқовлик) (эшитишнинг 91 дб дан ортиқ пасайиши)	H90.3 кар	
6.	**Таянч-ҳаракат аппарати нуқсонлари:**		
	а) 3 ёки 4 даражали сколиоз (туғма ва орттирилган)	M41	Кўп тармоқли ихтисослаштирилган, қўшма турдаги ҳамда инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти
	б) Кўкрак қафасининг 3 ёки 4 даражали гирдобсимон деформацияси	Q67.6	
	в) Кўкрак қафасининг 3 ёки 4 даражали килсимон деформацияси	Q67.7	
	г) 3 ёки 4 даражали кифоз	M40	
	д) Артрогрипоз (таянч-ҳаракат	Q74.3	

	аппарати бузилган ҳолда)		
	е) Болалар церебрал фалажи (БЦФ) (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	G80	
	ж) Бошқа неврологик патологиялар оқибатида ортопедик деформациялари туғма ва ирсий касалликлар (Даун синдроми, Шерешевский-Тернер синдроми, Клайнфельтер синдроми, Корнеллии-де Ланге синдроми, Вильямс синдроми, Прадера-Вилли синдроми, Нунан синдроми)	Q90 Q96 Q98 Q87.1	
	з) Цереброваскуляр касалликларининг оқибатлари+Бўшашган параплегия ёки Спастик параплегия (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	I69.2+ G82.0/ G82.1	
	и) Спинал мушак атрофияси ва унга яқин синдромлар (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	G12	
	к) Мушакларнинг бирламчи шикастланишлари (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	G71	
	л) Параплегия ва тетраплегия (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	G82	
	Гемиплегия (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	G81	
	м) Spina bifida (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	Q05	
	н) Остеомиелит асоратлари (жарроҳлик муолажасидан кейинги ҳолатлар)	M86	
	о) Ортопедиядаги суяк скелетининг тизим касалликлари (ахондроплазия, дисхондроплазия, хондродистрофия)	Q77.4	
	п) Болдир ва товоннинг туғма йўқлиги	Q72.2	
	р) Товон ва товон панжаларининг туғма йўқлиги	Q72.3	
	с) Қўл панжа ва бармоқ(ларнинг) туғма йўқлиги	Q71.3	
	т) Билак ва қўл панжаларнинг туғма йўқлиги	Q71.2	
	у) Товоннинг борлиги ҳолда сон ва болдир туғма йўқлиги	Q72.1	
	ф) Қўл панжаларнинг борлиги ҳолда елка ва билак суяклари (нинг) туғма йўқлиги	Q71.1	
	х) Аниқланмаган оёқ-қўл(лар) туғма аномалиялари (туғма ривожланиш аномалияси оқибатида ампутацион чўлтоқлик (таянч-ҳаракат функционал етишмовчилигига олиб келадиган).	Q74.9	

”;

3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

“Психологик-тиббий-педагогик
комиссиялар тўғрисидаги низомга
3-илова

Психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасини бериш учун асос бўладиган тиббий кўрсатмалар (мактаб, мактаб-интернатлар учун) РЎЙХАТИ

Т/р	Касаллик номи	Халқаро Касалликлар Таснифи (ХКТ-10)	Тавсия этилган умумтаълим муассасасининг тури
1.	**Руҳий ривожланишдаги нуқсонлар:**		
	а) Психологик ривожланишнинг аралаш специфик бузилишлари	F83	Бошланғич таянч коррекцион ва инклюзив таълим синфларига эга умумтаълим муассасаси
	б) Болалар аутизми	F84.0	Бошланғич таянч коррекцион ва инклюзив таълим синфларига эга умумтаълим муассасаси, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернати
2.	**Ақлий ривожланишдаги нуқсонлар:**		
	а) Енгил даражадаги ақлий заифлик;	F70	Бошланғич таянч коррекцион ва инклюзив таълим синфларига эга умумтаълим муассасаси, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернати
	б) Мўътадил ақлий заифлик.	F71	
3.	**Кўришида нуқсонлар:**		
	а) Иккала кўзнинг кўрлиги	H54.0	Ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернати
	б) Микрофтальм (иккала кўз-OU) Микрокорнеа (иккала кўз-OU) Анофтальм (иккала кўз-OU)	Q11 Q13.4	
	в) Тўр пардасининг ривожланишидаги туғма нуқсонлар (иккала кўз-OU)	H33-35	
	г) Тўр пардасининг хавфли ўсмаси (ретинобластома) (иккала кўз-OU)	C69.2 H35.8	
	д) Бир кўзнинг кўрлиги, иккинчи кўз кўришининг пасайиши	H54.1	
	д) Колобома (иккала кўз-OU)	Q13.0 Q12.2 Q10.3 Q14.2 Q14.8	
	ж) Преретинопатия (чала туғилган болалар ретинопатияси) (иккала кўз-OU)	H35.1	
	з) Кўриш нервининг атрофияси (иккала кўз-OU)	H47.2	
	и) Кўриш нерви диск ва макуласининг оғир даражадаги гипоплазияси (иккала кўз-OU)	Q14.2	
	к) Альбинизм	E70.3	

	л) Аниридия (иккала кўз-OU)	Q13.1	
	м) Катаракта (иккала кўз-OU)	H26.0 Q12.0	
	н) Кўз гавҳарининг бошқа касалликлари Афакия ёки туғма афакия (иккала кўз-OU)	H27 H27.0 Q12.3	
	о) Кўз гавҳари туғма силжиши (иккала кўз-OU)	Q12.1	
	п) Кўз гавҳарининг чиқиши (иккала кўз-OU)	H27.1	
	р) Глаукома (туғма, иккиламчи) (иккала кўз-OU)	H40 – 42	
	с) Туғма миопиянинг юқори даражаси (иккала кўз-OU)	H52.1	
	т) Гиперметропиянинг юқори даражаси (иккала кўз-OU)	H52.0	
	у) Нистагм ва кўзнинг беихтиёр ҳаракатлари	H55	
4.	**Эшитишида нуқсонлар:**		
	а) Отологик ва аудиологик имплантатларнинг борлиги (Кохлеар имплантациядан кейин)	H90.3 Z96.2	Бошланғич таянч коррекцион ва инклюзив таълим синфларига эга умумтаълим муассасаси
	б) Икки томонлама нейросенсор карлик II даражаси (эшитишнинг 41–55 ДБ гача пасайиши), (қулоқни протезлаш)	H90.3 II даража	
	в) Икки томонлама нейросенсор карлик III даражаси (эшитишнинг 56–70 ДБ гача пасайиши), (қулоқни протезлаш)	H90.3 III даража	Бошланғич таянч коррекцион ва инклюзив таълим синфларига эга умумтаълим муассасаси, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернати
	г) Икки томонлама нейросенсор карлик IV даражаси (эшитишнинг 71–90 дб гача пасайиши) (қулоқни протезлаш)	H90.3 IV даража	Бошланғич таянч коррекцион, инклюзив таълим синфларига эга умумтаълим муассасаси, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернати
	д) Икки томонлама нейросенсор карлик IV даражаси (эшитишнинг 71-90 дб гача пасайиши)	H90.3 IV даража	Бошланғич таянч коррекцион синфларига эга умумтаълим муассасаси, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернати
	е) Икки томонлама нейросенсор карлик (Карлик ёки кар-соқовлик) (эшитишнинг 91 ДБ дан ортиқ пасайиши)	H90.3 кар	
5.	**Таянч-ҳаракат аппарати нуқсонлари:**		
	а) 3 ёки 4 даражали сколиоз (туғма ва орттирилган)	M41	Бошланғич таянч коррекцион ва инклюзив таълим синфларига эга умумтаълим муассасаси, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернати
	б) Кўкрак қафасининг 3 ёки 4 даражали гирдобсимон деформацияси	Q67.6	
	в) Кўкрак қафасининг 3 ёки 4 даражали қилсимон деформацияси	Q67.7	
	г) 3 ёки 4 даражали кифоз	M40	

	д) Артрогрипоз (таянч-ҳаракат аппарати бузилган ҳолда)	Q74.3	
	е) Болалар церебрал фалажи (БЦФ) (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	G80	
	ж) Бошқа неврологик патологиялар оқибатида ортопедик деформациялари туғма ва ирсий касалликлар (Даун синдроми, Шерешевский-Тернер синдроми, Клайнфельтер синдроми, Корнеллии-де Ланге синдроми, Вильямс синдроми, Прадера-Вилли синдроми, Нунан синдроми)	Q90 Q96 Q98 Q87.1	
	з) Цереброваскуляр касалликларининг оқибатлари + (Бўшашган параплегия ёки Спастик параплегия (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	I69.2+ G82.0 G82.1	
	и) Остеомиелит асоратлари (жарроҳлик муолажасидан кейинги ҳолатлар)	M86	
	к) Спинал мушак атрофияси ва унга яқин синдромлар (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	G12	
	л) Мушакларнинг бирламчи шикастланишлари (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	G71	
	м) Параплегия ва тетраплегия (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	G82	
	н) Гемиплегия (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	G81	
	о) Spina bifida (GMFCS классификациясига кўра 3 ёки 4 даража)	Q05	
	п) Ортопедиядаги суяк скелетининг тизим касалликлари (ахондроплазия, дисхондроплазия, хондродистрофия);	Q77.4	
	р) Аниқланмаган оёқ-қўл(лар) туғма аномалиялари (туғма ривожланиш аномалияси оқибатида ампутацион чўлтоқлик (таянч-ҳаракат функционал етишмовчилигига олиб келадиган)	Q74.9	
	с) Болдир ва товоннинг туғма йўқлиги	Q72.2	
	т) Товон ва товон панжаларининг туғма йўқлиги	Q72.3	
	у) Қўл панжа ва бармоқ(ларнинг) туғма йўқлиги	Q71.3	
	ф) Билак ва қўл панжаларнинг туғма йўқлиги	Q71.2	
	х) Товоннинг борлиги ҳолда сон ва болдир туғма йўқлиги	Q72.1	
	ц) Қўл панжаларнинг борлиги ҳолда елка ва билак суяклари (нинг) туғма йўқлиги	Q 71.1	

”;

За-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

“Психологик-тиббий-педагогик
комиссиялар тўғрисидаги низомга
3а-илова

Кундузги парвариш хизматига психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасини бериш учун асос бўладиган тиббий кўрсатмалар РЎЙХАТИ

Т/р	Касаллик номи	Халқаро Касалликлар Таснифи (ХКТ-10)
1.	Болалар церебрал фалажи (БЦФ) (GMFCS классификациясига кўра 4 ёки 5 даража) + енгил даражадаги ақлий заифлик	G80+F70
2.	Цереброваскуляр касалликларининг оқибатлар+ Спастик тетраплегия ёки Бўшашган тетраплегия (GMFCS классификациясига кўра 4-5 ёки 5 -даража) + енгил даражадаги ақлий заифлик	I69.2+G82.3 /G 82.4+F70
3.	Тетраплегия (GMFCS классификациясига кўра 4-5 ёки 5 даража) + енгил даражадаги ақлий заифлик	G 82+ F70
4.	Мўътадил ақлий заифлик	F71
5.	Оғир даражадаги ақлий заифлик	F72
6.	Чуқур ақлий заифлик	F73
7.	Кўр-кар-соқовлик	H90.3+H54.0
8	Ним ўткир склерозловчи панэнцефалит (Ўткир ости склерозлашган панэнцефалит)	A81.1

”;

қуйидаги мазмундаги 4-илова билан тўлдирилсин:

“Психологик-тиббий-педагогик
комиссиялар тўғрисидаги низомга
4-илова

“Эрта аралашув” хизматига психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасини бериш учун асос бўладиган тиббий кўрсатмалар РЎЙХАТИ

Т/р	Касаллик номи	Халқаро Касалликлар Таснифи (ХКТ-10)	Изоҳ
I. Муддатидан олдин туғилган болалар (1-3 ёшгача)			
1.	Бошқа рукнларда таснифланмаган, туғилганда жисмининг кам вазн ва ҳомиладорлик муддатининг қисқарганлиги билан боғлиқ бўлган, бузилишлар	P07	Муддатдан олдин туғилган чақалоқ
2.	Бошқа рукнларда таснифланмаган, гестация ҳолатига нисбатан кам вазнда тугилганлар	P05	Туғилгандаги тана вазни 1500 г дан кам
II. Туғма, ирсий ва бошқа касалликлар (1-3 ёшгача)			
3.	Даун синдроми	Q90	
4.	Шерешевский-Тернер синдроми	Q96	

5.	Клайнфельтер синдроми	Q98	
6.	Вильямс синдроми	Q87.1	
7.	Прадера-Вилли синдроми	Q87.1	
8.	Нунан синдроми	Q87.1	
9.	Микроцефалия	Q02	
10.	Бошқа рукнларда таснифланмаган, моносомиялар ва аутосомлар бир қисмининг йўқолиши	Q93	
III. Кўришида нуқсонлар (икки кўзида) (1-3 ёшгача)			
11.	Иккала кўзнинг кўрлиги	H54.0	
12.	Микрофтальм(иккала кўз-OU)	Q11	
13.	Микрокорнеа (иккала кўз-OU)		
14.	Анофтальм (иккала кўз-OU)		
15.	Тўр пардасининг хавфли ўсмаси (ретинобластома) (иккала кўз-OU)	C69.2 H35.8	
16.	Преретинопатия (чала туғилган болалар ретинопатияси) (иккала кўз-OU)	H35.1	
17.	Альбинизм	E70.3	
18.	Нистагм ва кўзнинг беихтиёр ҳаракатлари	H55	
IV. Эшитишида нуқсонлар (1-3 ёшгача)			
19.	Отологик ва аудиологик имплантатларнинг борлиги (Кохлеар имплантациядан кейин)	H90.3 Z96.2	
20.	Икки томонлама нейросенсор карлик II даражаси (эшитишнинг 41–55 дб гача пасайиши), (қулоқни протезлаш)	H90.3 II даража	
21.	Икки томонлама нейросенсор карлик III даражаси (эшитишнинг 56–70 дб гача пасайиши), (қулоқни протезлаш)	H90.3 III даража	
22.	Икки томонлама нейросенсор карлик IV даражаси (эшитишнинг 71–90 дб гача пасайиши)	H90.3 IV даража	
23.	Икки томонлама нейросенсор карлик (Карлик ёки кар-соқовлик) (эшитишнинг 91 дб дан ортиқ пасайиши)	H90.3	
V. Нуткдаги нуқсон:(1-3 ёшгача):			
24.	Танглай ёриғи (бўри оғиз) Танглай ва лаб ёриғи (бўри оғиз қуён лаб билан) Очиқ манқалик ва ёпиқ манқалик	Q35 Q37 R49.2	
VI. Таянч-ҳаракат аппарати нуқсонлари (2 ёшдан кейин)			
25.	3 ёки 4 даражали сколиоз	M41	
26.	3 ёки 4 даражали кифоз	M40	
27.	Артрогрипоз	Q74.3	
28.	Болалар церебрал фалажи (БЦФ) (GMFCS классификациясига кўра 2 ёки 3 ёки 4 ёки 5 даража)	G80	
29.	Спинал мушак атрофияси ва унга яқин синдромлар (GMFCS классификациясига кўра 2 ёки 3 ёки 4 ёки 5 даража)	G12	
30.	Мушакларнинг бирламчи шикастланишлари (GMFCS классификациясига кўра 2 ёки 3 ёки 4 ёки 5 даража)	G71	
31.	Параплегия ва тетраплегия (GMFCS классификациясига кўра 2 ёки 3 ёки 4 ёки 5 даража)	G82	

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

32.	Spina bifida (таянч-ҳаракат аппарати бузилган ҳолда)	Q05	
33.	Туғма гидроцефалия	Q03	
34.	Гемиплегия (GMFCS классификациясига кўра 2 ёки 3 ёки 4 ёки 5 даража)	G81	
35.	Бошқа нотравматик калла суяги ичи қон қуйилиши оқибатида параплегия ва тетраплегия (GMFCS классификациясига кўра 2 ёки 3 ёки 4 ёки 5 даража)	I69.2+G82-G82.4	
36.	Болдир ва товоннинг туғма йўқлиги Товоннинг борлиги ҳолда сон ва болдир (суяклари)нинг туғма йўқлиги	Q72.2 Q72.1	
37.	Товон ва товон панжаларининг туғма йўқлиги	Q72.3	
38.	Қўл панжа ва бармоқ(ларнинг) туғма йўқлиги	Q71.3	
39.	Билак ва қўл панжаларнинг туғма йўқлиги	Q71.2	
40.	Товоннинг борлиги ҳолда сон ва болдир туғма йўқлиги	Q72.1	
41.	Оёқлар(нинг) туғма тўлиқ йўқлиги	Q72.0	
42.	Қўл (қўллар)нинг туғма тўлиқ йўқлиги	Q71.0	
43.	Қўл панжаларнинг борлиги ҳолда елка ва билак суяклари (нинг) туғма йўқлиги	Q 71.1	
VII. Психологик ривожланишнинг бузилишлари:(2-3 ёшгача)			
44.	Аутизмга хавф	F84.0	Психоневролог хулосаси
45.	Психологик ривожланишнинг аралаш специфик бузилишларига хавф	F83	

”;

қуйидаги мазмундаги 5-илова билан тўлдирилсин:

“Психологик-тиббий-педагогик
комиссиялар тўғрисидаги низомга
5-илова

Уй шароитида қараб туриш хизматига психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасини бериш учун асос бўладиган тиббий кўрсатмалар РЎЙХАТИ

Т/р	Касаллик номи	Халқаро касалликлар таснифи (ХКТ-10)	Парваришга муҳтожлик мезони
I. Онкологик касалликлар (хавфли ўсмалар)			
1.	Хавфли ўсмалар	C00–C97	Терминал босқичлар (IV босқич), кўплаб метастазлар, барча ўсмага қарши имкониятларнинг тугаши
2.	Қайталанувчи ва рефрактер ўсмалар	C00–C97	Терапияга жавоб бермайди, кучли оғриқ синдроми, интоксикация, ҳолдан тойиш
3.	Онкогематологик касалликлар	C81–C96	Ўткир лейкозлар, қайталанувчи лимфомалар, суяк кўмигини кўчириб ўтказа олмаслик

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

II. Неврологик касалликлар			
4.	Прогрессив нейродегенератив касалликлар	G30–G32 G35 G37 G60–G64	Катта мотор функцияларни сўз ва юғириш қобилиятини йўқотиш; доимий парвариш талаб этилади
5.	Болалар церебрал фалажи (БЦФ) (жиддий шакл)	G80.0–G80.9	GMFCS V, контрактуралар, сколиоз, эпилепсия, сурункали нафас етишмовчилиги, гастростомия
6.	Постгипоксик бош мия шикастланиши	P91.*, G93.4	Вегетатив ҳолат, минимал онг, зондли озиқланиш, такрорий пневмониялар
7.	Синдром Ретта	F84.2	Кеч босқичлар, юриш ва сўз қобилиятини йўқотиш, эпилепсия, нафас етишмовчилиги
8.	Лей касаллиги, митохондриал энцефалопатиялар	G31.8, G31.9	Прогрессирловчи мушак кучсизлиги, нафас етишмовчилиги, ҳаётий марказларнинг зарарланиши
9.	Лейкодистрофиялар	E75.2	Кўриш, эшитиш, мотор ва когнитив функцияларни йўқотиш
III. Генетик ва асаб-мушак касалликлари			
10.	Орқа мия мушак атрофияси	G12.0-G12.1	I-II тури, бошни тута олмаслик, ўтира олмаслик ва юра олмаслик; нафас етишмовчилиги, ўпка сунъий нафаси; гастростомия
11.	Зўрайиб борувчи мушак дистрофиялари	G71.0-G71.9	Юриш қобилиятини йўқотиш, нафас етишмовчилиги, кардиомиопатия, ўпка сунъий нафаси
12.	Қон ивишнинг бузилишлари	D 65-68	Оғир кечиши
13.	Муковисцидоз	E84.0–E84.9	Оғир босқичлари: нафас етишмовчилиги, тез-тез учрайдиган инфекциялар, кахексия, «ўпка» юраги
14.	Буллёз эпидермолиз	Q81.0–Q81.9	Сурункали битмайдиган яралар, кучли оғриқ синдроми, сепсис, овқатланишнинг бузилиши
15.	Марказий асаб тизимининг секин кечувчи вирусли инфекциялари (Склерозланувчи ним ўткир панэнцефалит)	A81.1	Хулқ-атворнинг ўзгариши, интеллектуал қобилиятларнинг пасайиши, миоклоник тутқаноқлар (мушакларнинг кескин тортишиши), прогрессив деменция, атаксия (координациянинг бузилиши) ва кўрлик ривожланиши
IV. Туғма ривожланиш нуқсонлари			
16.	Аъзоларининг кўп сонли туғма нуқсонлари	Q20-Q28 Q00-Q 07 Q35-Q37-38 Q 60- Q 64 Q 65- Q 79	Жарроҳлик йўли билан тузатилмайди, оғир юрак-нафас ва овқат ҳазм қилиш етишмовчилиги. Мустақил ҳаракат бузилиши.
17.	Қисқа ичак синдроми	K91.2	Узоқ муддатли/умрбод парентерал озиқланишга боғлиқлик
18.	Хромосома аномалиялари, ўлимга олиб келадиган	Q90–Q99	Эдвардс синдроми (Q 91), Патау синдроми (Q 93), кутилаётган умр кўриш давомийлигининг жуда пастлиги. Ўз ўзини хизматни бажара олмаслик.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

V. Терминал орган етишмовчилиги			
19.	Сурункали юрак етишмовчилиги	I50.0–I50.9	Тинч ҳолатда нафас қисилиши, асцит, фаолликнинг чекланиши (H 2A- H3 даражаси)
20.	Сурункали буйрак етишмовчилиги	N18.5–N18.6	Терминал босқич, диализ мумкин эмас ёки доимий, интоксикация
21.	Жигар етишмовчилиги	K72.*, K70.3,	Декомпенсацияланган цирроз, асцит, қон кетишлар, жигар энцефалопатияси
22.	Сурункали нафас етишмовчилиги	J 45; J96.0–J96.9	Оғир даража бронхиал астма, Тинч ҳолатдаги гипоксия, узоқ муддатли кислород терапияси ёки ўпка сунъий нафас аппаратида (II- III даражаси)
23.	Одам иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқариладиган касаллик	B20- B 24	Оғир кечиши, юқори вирусли юклама CD 4+ лимфоцитларнинг кескин пасайиши (200 хужайра/мкл дан кам).
VI. Жароҳатлар ва реанимациядан кейинги ҳолатлар			
24.	Оғир бош мия жароҳатидан сўнг асоратлари	S06.0–S06.9	Қўпол ҳаракат бузилишлари, когнитив бузилишлар, вегетатив ҳолат
25.	Узоқ муддатли ўпка сунъий нафас аппаратидан кейинги ҳолатлар	Z 93 Z99.1	Нафас олиш заифлиги, аппаратга қарамлик
26.	Вегетатив ҳолат (кома ҳолати), минимал онг	G93.4 R40.2	Парваришга тўлиқ боғлиқлик, зондли озиқлантириш, ўпка сунъий нафас аппаратида

”.

д) 2-илова қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

“**Изоҳ.** *Психологик-тиббий-педагогик комиссияларнинг таркибига тегишли соҳа вакиллари ва мутахассислар жалб этилиши мумкин*”.

29. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарорида:

а) 1-илованинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ушбу Регламент мақсадларида қуйидаги тоифадаги шахслар ўзгалар парваришига муҳтож шахслар деб эътироф этилади:

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар (кейинги ўринларда – ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар) – фарзандлари (шу жумладан, фарзандликка олинганлар), эри (хотини), ота-онаси, васийлари ёки ҳомийлари ва суд томонидан ногиронлиги бўлган шахсни парвариш қилиш мажбурияти юкланган шахслар, (вояга етмаган ёки I гуруҳ ногиронлиги бўлган ёхуд ўзгалар парваришига муҳтож руҳий касаллик бўйича II гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандлар, шунингдек ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки ўзгалар парваришига муҳтож ёшга доир

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

пенсия ёшидаги эри (хотини) ва ота-онаси бундан мустасно) бўлмаган ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар (кейинги ўринларда – ёлғиз яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар) – фарзандлари (шу жумладан, фарзандликка олинганлар), эри (хотини), ота-онаси, васийлари ёки ҳомийлари ва суд томонидан ногиронлиги бўлган шахсни парвариш қилиш мажбурияти юкланган шахслари мавжуд бўлсада ёлғиз яшовчи (вояга етмаган фарзанди бундан мустасно) ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар (кейинги ўринларда – ёлғиз кексалар) – фарзандлари (шу жумладан фарзандликка олинганлар), эри (хотини), ота-онаси, васийлари ёки ҳомийлари ва суд томонидан кексани парвариш қилиш мажбурияти юклатилган шахслар (вояга етмаган ёки I гуруҳ ногиронлиги бўлган ёхуд ўзгалар парваришига муҳтож руҳий касаллик бўйича II гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандлар, шунингдек ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки ўзгалар парваришига муҳтож ёшга доир пенсия ёшидаги эри (хотини) ва ота-онаси бундан мустасно) бўлмаган ўзгалар парваришига муҳтож ёшга доир пенсия ёшидаги шахслар;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи кексалар (кейинги ўринларда – ёлғиз яшовчи кексалар) – фарзандлари (шу жумладан, фарзандликка олинганлар), эри (хотини), ота-онаси, васийлари ёки ҳомийлари ва суд томонидан ногиронлиги бўлган шахсни парвариш қилиш мажбурияти юкланган шахслари мавжуд бўлсада ёлғиз яшовчи (вояга етмаган фарзанди бундан мустасно) ўзгалар парваришига муҳтож ёшга доир пенсия ёшидаги шахслар";

б) 3-илованинг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг "Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2024 йил 30 апрелдаги 253-сон қарорида:

а) 5-бандниng "б" кичик банди биринчи хатбошиси "ўтказиб берилади" сўзларидан кейин ", бундан муҳтож шахсларни ижтимоий карта орқали реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш мустасно" сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 1-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Мазкур Низом ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни (кейинги ўринларда – муҳтож шахслар) протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартибини белгилайди";

2-бандда:

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи–ўн учинчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи–ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“молиявий агент – реабилитация қилиш воситаларини харид қилиш учун давлат томонидан муҳтож шахсларга қоплаб бериладиган маблағлар миқдорини уларнинг ижтимоий карталарга ўтказишга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тижорат банки”;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Муҳтож шахслар ваучер асосида протез мосламаларини ёки ваучер қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз фоизидан юқори бўлган реабилитация воситаларини ўз танловига кўра мазкур Низомнинг 3-боби 1-параграфида белгиланган талабларга мувофиқ “Ижтимоий ҳимоя” АТда авторизациядан ўтган сотувчилардан электрон савдо платформаси ёки электрон савдо майдончалари (кейинги ўринларда – электрон савдо) орқали харид қилади.

Бунда муҳтож шахслар давлат томонидан қоплаб бериладиган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз фоизидан ошмайдиган реабилитация воситаларини ижтимоий карта орқали мазкур Низомнинг 3-боби 3^1-параграфида белгиланган талабларга мувофиқ ўтказиб берилган маблағлар ҳисобидан харид қилади”;

5-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Муҳтож шахсларнинг ижтимоий картасига реабилитация воситаларини харид қилиш учун маблағларни ўтказиб бериш мазкур Низомга 1^1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади”;

6-бандниг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

7–9-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. “Ижтимоий ҳимоя” АТнинг “Тиббий-ижтимоий экспертиза” модули (кейинги ўринларда – “Экспертиза” модули)да ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, ногиронлиги бўлган болаларга – тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари (кейинги ўринларда – ТИЭК) томонидан шахсни ногиронлиги бўлган шахс (ногиронлиги бўлган бола) деб топиш билан биргаликда протез мосламаси ёки реабилитация воситасига муҳтожлиги белгиланган ҳолда ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома расмийлаштирилади.

8. Протез мосламалари ёки реабилитация воситаларига муҳтожлик белгиланишида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Фуқароларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 1^1-иловага мувофиқ Фуқароларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларига йўллашдан олдин даволаниш лозим бўлган муддатлар, ногиронликка олиб келувчи асосий

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

касалликлар рўйхати ва ушбу касалликларда ногиронликни электрон белгилаш мезонларига (кейинги ўринларда – тиббий кўрсатмалар) асосланилади.

9. Ногиронлиги бўлган муҳтож шахсларга берилган ногиронлик тўғрисидаги маълумотномалар ногиронликнинг муддатидан келиб чиқиб, қайта ТИЭК кўригидан ўтиш муддатигача берилади, ногиронлик муддатсиз даврга белгиланадиган ҳолатлар бундан мустасно";

10-банддаги "ёки тиббий хулосаларнинг" сўзлари чиқариб ташлансин;

11 ва 12-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"11. "Экспертиза" модулида ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома расмийлаштирилиши билан протез мосламалари ёки реабилитация воситаларига муҳтожлиги белгиланган муҳтож шахслар ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда "Ижтимоий ҳимоя" АТда мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ шаклдаги Протез мосламалари ёки реабилитация воситаларига муҳтожлиги белгиланган муҳтож шахслар рўйхатига (кейинги ўринларда – муҳтож шахсларнинг рўйхати) киритиб борилади.

12. Муҳтож шахсларнинг биринчи марта муҳтожлик белгиланганлиги тўғрисидаги маълумотлари муҳтож шахсларнинг рўйхатига киритилгандан ёки уларнинг протез мосламалари ва реабилитация воситаларини олиш ҳуқуқи такроран вужудга келгандан сўнг "Ижтимоий ҳимоя" АТда автоматик тарзда мазкур Низомга 6-иловага мувофиқ шаклдаги Протез-ортопедия мосламалари ёки реабилитация қилишнинг техник воситаларини харид қилиш учун ваучер ҳар бир протез мосламаси ёки реабилитация воситаси учун алоҳида шаклланади, бундан мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатлар ҳамда давлат томонидан қоплаб бериладиган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз фоизидан ошмайдиган реабилитация воситалари мустасно.

Сон, чаноқ-сон бўғими экзоартикуляцияси, тизза бўғими экзоартикуляцияси, болдир, қўл (кафт), билак, елка, бионик қўл, кўз ва кўкрак бези протезлари ҳамда кўзи ожизлар ҳассаси билан таъминланган ногиронлик муддатсиз даврга белгиланган шахсларнинг тегишли протез мосламаси ёки реабилитация воситаси фойдаланиш муддати тугагандан сўнг мазкур турдаги протез мосламаси ва реабилитация воситасига ваучер уларнинг "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларига қилган мурожаати асосида бир иш кунида автоматик тарзда шакллантирилади. Бунда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари томонидан мазкур турдаги мурожаатлар рад қилинишига йўл қўйилмайди.

Бошқа турдаги протез мосламаси ёки реабилитация воситаси билан таъминланган ногиронлик муддатсиз даврга белгиланган шахсларнинг протез мосламаси ёки реабилитация воситасининг фойдаланиш муддати тугаган ҳолларда уларга протез мосламаси ёки реабилитация воситаси учун ваучер ТИЭК томонидан мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда муҳтожлик белгилангандан сўнг шакллантирилади.

Давлат томонидан қоплаб бериладиган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз фоизидан ошмайдиган реабилитация воситаларини харид қилиш учун маблағлар мазкур Низомнинг 3-боби 31-параграфида белгиланган тартибда муҳтож шахснинг ижтимоий картасига ўтказилади.

Бир жуфт бўлган ёки тўплам шаклида тақдим этиладиган протез мосламаси ёки реабилитация воситаси учун битта ваучер шакллантирилади";

13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"13. "Ижтимоий ҳимоя" АТда протез мосламаси ёки реабилитация воситасини харид қилиш ҳуқуқи вужудга келганда автоматик тарзда:

бу тўғрисида муҳтож шахслар мобил алоқа воситасига СМС-хабар юбориш орқали хабардор қилинади;

протез мосламаси ёки реабилитация воситасини харид қилиш ҳуқуқи вужудга келган муҳтож шахснинг яшаш жойи бўйича "Инсон" ижтимоий хизматлар марказининг "Ижтимоий ҳимоя" АТдаги шахсий кабинетига бу тўғрисида хабар келиб тушади";

14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"14. Муҳтож шахс томонидан бир ой ичида протез мосламаси ёки реабилитация воситасини харид қилиш учун ваучер асосида буюртма берилмаган ёхуд реабилитация воситасини харид қилиш учун ижтимоий карта орқали тўлов амалга оширилмаган (ёки ижтимоий карта олинмаган) тақдирда, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази буюртма берилмаганлиги (харид қилинмаганлиги ёки ижтимоий карта олинмаганлиги) сабабларини ўрганиб, "Ижтимоий ҳимоя" АТда мазкур Низомга 7-иловага мувофиқ шаклда протез мосламалари ёки реабилитация воситаларига муҳтожлик белгиланган шахсларнинг эҳтиёжини ўрганиш бўйича далолатномани расмийлаштиради";

15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"15. Мазкур Низомнинг 14-бандида белгиланган тартибда ўрганиш жараёнида:

муҳтож шахснинг ижтимоий карта расмийлаштиришни амалга ошира олмаганлиги аниқланганда ижтимоий ходим муҳтож шахс номидан унинг хоҳишига кўра ижтимоий картани расмийлаштириш ва фойдаланиш учун тақдим этиш бўйича аризани юборади;

муҳтож шахснинг протез мосламалари ёки реабилитация воситаларини электрон савдо орқали харид қила олмаганлиги аниқланган тақдирда ушбу Низомнинг 24-бандида белгиланган тартибда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари муҳтож шахсга протез мосламалари ёки реабилитация воситалари учун буюртмани шакллантиришда ёрдам беради;

муҳтож шахснинг қўшимча протез мосламалари ёки реабилитация воситаларига эҳтиёжи вужудга келганлиги аниқланган ҳолларда, ушбу шахслар тегишлилиги бўйича ТИЭКга қўшимча муҳтожликни белгилаш учун йўналтирилади";

20-бандниг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги "беш" сўзи "уч" сўзи билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

20[1]-бандниng биринчи хатбошисидаги “беш” сўзи “уч” сўзи билан алмаштирилсин;

24-бандда:

биринчи хатбошисидаги ““Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёки ижтимоий ходимга” сўзлари ““Инсон” ижтимоий хизматлар марказига” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги ““Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёки ижтимоий ходим” сўзлари ““Инсон” ижтимоий хизматлар маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“34. “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ижтимоий ходимлари “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги шахсий кабинетига хабар келиб тушгандан сўнг беш иш куни ичида буюртмалар муҳтож шахсларга ҳақиқатда етказиб берилганлигини, уларнинг электрон савдода эълон қилинган талабларига мувофиқлигини ҳамда муҳтож шахсларнинг буюртма тўғрисидаги фикрларини жойига чиққан ҳолда ўрганади, бундан муҳтож шахсларнинг ҳасса, тўрт оёқли ҳасса, кўзи ожизлар ҳассаси, қўлтиқ таёқ (жуфт), тирсакли қўлтиқ таёқ, юриш мосламаси (ходунок), Брайл алифбоси, Брайл алифбоси бўйича ёзув мосламаси, овозли термометр, овозли тонометр, овозли глюкометр, тиббий тувак, махсус матрас туридаги реабилитация воситалари билан таъминланганлик ҳолатлари мустасно.

Бунда Электрон савдо майдончасининг оператори томонидан мазкур бандниng биринчи хатбошисида кўрсатилган реабилитация воситалари муҳтож шахсларга етказиб берилганлиги электрон савдо майдончасида тасдиқлагандан сўнг бир кун ичида “Ижтимоий ҳимоя” АТда билдиришнома автоматик тарзда шакллантирилади.

Мазкур бандниng биринчи хатбошисида кўрсатилган реабилитация воситаларидан ташқари протез мосламалари ва реабилитация воситалари бўйича буюртмаларнинг муҳтож шахсларга ҳақиқатда етказиб берилганлигини ўрганиш натижасида:

етказиб берилган буюртманинг сифатсизлиги, нуқсонлари мавжудлиги ҳамда улар муҳтож шахсларнинг жисмоний ҳолатига мос келмаслиги аниқланган ҳолларда, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан “Ижтимоий ҳимоя” АТда мазкур Низомга 9-иловага мувофиқ шаклда Муҳтож шахслар томонидан ваучер асосида сотиб олинган протез мосламалари ёки реабилитация воситаларининг муҳтож шахсларга ҳақиқатда етказиб берилганлиги, муҳтож шахсларнинг буюртма тўғрисидаги фикрларини ўрганиш бўйича далолатнома тузилади ва сотувчиларга уни мақбул сифатлисига алмаштириш чораларини кўриш учун электрон шаклда юборилади. Бунда буюртманинг сифатсизлиги ва нуқсонларини тасдиқловчи фотосуратлар далолатномага илова қилинади;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

муҳтож шахсларнинг буюртмалари ҳақиқатда етказиб берилган ҳамда уларда нуқсонлар аниқланмаган тақдирда, ижтимоий ходимлар томонидан бир иш куни ичида “Ижтимоий ҳимоя” АТда мазкур Низомга 10-иловага мувофиқ шаклда ваучер асосида муҳтож шахсларга етказиб берилган протез мосламалари ёки реабилитация воситалари учун сотувчиларга ваучер қийматидан кўп бўлмаган миқдордаги маблағларни ўтказиш бўйича билдиришнома расмийлаштирилади ҳамда сон, болдир, қўл ва елка протезлари, бионик қўл протезлари, оёқ аппаратлари, мураккаб ортопедик пойабзаллар бўйича билдиришнома «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази томонидан тасдиқланади. Бунда муҳтож шахс буюртмани ҳақиқатда олганлигини тасдиқловчи турли ракурсдан олинган фотосуратлар билдиришномага илова қилинади”;

38-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“38. Муҳтож шахсларнинг буюртмалари уларга етказиб берилмаган ёки Электрон савдо майдончасининг оператори томонидан мазкур Низомнинг 34-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган реабилитация воситаси муҳтож шахсга етказиб берилганлиги тасдиқланмаган ҳолларда, шунингдек, буюртмаларда нуқсонлар мавжудлиги ҳамда улар муҳтож шахсларнинг жисмоний ҳолатига мос келмаслиги тўғрисида ижтимоий ходимлар томонидан далолатнома расмийлаштирилган тақдирда, маблағлар сотувчиларнинг банк ҳисобварағига ўтказилмайди”;

қуйидаги мазмундаги 3^1-параграф билан тўлдирилсин:

“3^1-§. Муҳтож шахсларнинг ижтимоий картасига реабилитация воситаларини харид қилиш учун маблағларни ўтказиб бериш тартиби

38^1. Муҳтож шахс реабилитация воситасини ижтимоий карта орқали харид қилиш ҳуқуқи вужудга келганлиги тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг “Ижтимоий ҳимоя” АТда шахсни тасдиқловчи ҳужжат (биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта) маълумотлари ва телефон рақамини киритган ҳолда рўйхатдан ўтади.

38^2. Агентликда муҳтож шахсларни реабилитация воситалари билан таъминлаш мақсадида ижтимоий картага маблағларни ўтказиб бериш учун алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағи очилади.

38^3. Муҳтож шахсларда реабилитация воситасини ижтимоий карта орқали харид қилиш ҳуқуқи вужудга келганда ва улар учун ижтимоий карта очилганда “Ижтимоий ҳимоя” АТда реабилитация воситасининг давлат томонидан қоплаб бериладиган қийматига тенг маблағни ўтказиб бериш учун электрон тўлов топшириқнома ва қайдномалари автоматик равишда шаклланади.

38^4. “Ижтимоий ҳимоя” АТда реабилитация воситасини харид қилиш учун маблағларни тўлаш бўйича электрон тўлов топшириқнома ва қайдномаларини ДМБАТга йўналтиради. Бунда тегишли маблағлар ДМБАТ томонидан автоматик равишда молиявий агентнинг банк ҳисоб варағига ўтказилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Молиявий агент бир иш куни ичида тегишли пул маблағларини муҳтож шахснинг ижтимоий картасига ўтказиб беради.

38[5]. Муҳтож шахсларнинг ижтимоий картасига маблағлар ўтказиб берилганда бу тўғрисида уларнинг мобил телефон рақамига СМС-хабар юборилади.

38[6]. Муҳтож шахсларнинг ижтимоий карта орқали реабилитация воситаларини харид қилишига оид маълумотлар “Ижтимоий ҳимоя” АТда шакллантириб борилади.

38[7]. Муҳтож шахслар ижтимоий картасига келиб тушган маблағлардан фақат тегишли реабилитация воситасини харид қилиш мақсадида фойдаланилади.

Муҳтож шахслар томонидан маблағлар фойдаланилмаган ёки бошқа мақсадларда фойдаланилганда уларга тегишли реабилитация воситасининг белгиланган фойдаланиш муддати мобайнида мазкур турдаги реабилитация воситасига муҳтожлик белгиланмайди”;

42-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“42. Протез мосламалари ёки реабилитация воситаларининг фойдаланиш муддати тугагандан сўнг такроран протез мосламалари ёки реабилитация воситалари билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлган муҳтож шахслар учун электрон шаклдаги ваучер тиббий кўрсатмалар ҳамда ногиронлик тўғрисидаги маълумотномадан келиб чиқиб, муҳтож шахсларнинг рўйхати асосида мазкур Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда шаклланади, бундан давлат томонидан қоплаб бериладиган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз фоизидан ошмайдиган реабилитация воситалари мустасно.

Давлат томонидан қоплаб бериладиган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз фоизидан ошмайдиган реабилитация воситаларини харид қилиш учун маблағлар муҳтож шахснинг ижтимоий картасига ўтказилади”;

43-бандда:

биринчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги “ёки ВМК” сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги “ТИЭК ёки ВМКга” сўзлари “ТИЭКга” сўзи билан алмаштирилсин;

44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“44. Муҳтож шахслар ногиронлик тўғрисидаги маълумотномада белгиланган муддатларда тиббий кўрсатмага асосан такроран протез мосламалари ёки реабилитация воситалари билан таъминланадиган ҳамда ТИЭК томонидан қайта муҳтожлик белгиланмайдиган ҳолатларда уларга электрон шаклдаги ваучерни шакллантириш ёки реабилитация воситаларини харид қилиш учун маблағларни ижтимоий картага ўтказиш муҳтож шахсларнинг рўйхати асосида мазкур Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда автоматик равишда амалга оширилади”;

46-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“46. Муҳтож шахслар ушбу Низомнинг 45-бандида назарда тутилган ҳолатлар вужудга келганда “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали ёки бевосита “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёхуд ТИЭКга мурожаат қилиши лозим.

Бунда мурожаатлар қабул қилингандан сўнг муҳтож шахслар ўн кун муддат ичида тегишли ТИЭКларда кўрикдан ўтказилади ҳамда кўрик натижалари асосида “Экспертиза” модулида уларга янги турдаги протез мосламалари ёки реабилитация воситаларини олиш учун муҳтожлик белгиланади ёки муҳтожлик белгилаш рад этилади.

Янги турдаги протез мосламалари ёки реабилитация воситаларини олиш учун муҳтожлик белгиланган муҳтож шахсларга электрон шаклдаги ваучерни шакллантириш ёки реабилитация воситаларини харид қилиш учун маблағларни ижтимоий картага ўтказиш муҳтож шахсларнинг рўйхати асосида мазкур Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда амалга оширилади.”;

47-бандning учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Протез мосламаси ёки реабилитация воситаси унинг фойдаланиш муддати давомида яроқсиз бўлиб қолганлиги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида ташкил этиладиган комиссияда ўз тасдиғини топса, ижтимоий ходимнинг далолатномасига мувофиқ бу тўғрисидаги маълумотлар муҳтож шахсларнинг рўйхатига киритилади ҳамда муҳтож шахсларга электрон шаклдаги ваучерни шакллантириш ёки реабилитация воситаларини харид қилиш учун маблағларни ижтимоий картага ўтказиш мазкур Низомга мувофиқ умумий асосларда амалга оширилади”;

51-бандning иккинчи хатбошисидаги “Агентлик томонидан амалга оширилади” сўзлари “чоралари кўрилади” сўзлари билан алмаштирилсин;

53-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи–учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Муҳтож шахс реабилитация воситасини харид қилиш учун маблағ ижтимоий картасига ўтказилишидан олдин вафот этган тақдирда, тегишли маблағ ижтимоий картага ўтказилмайди.

Муҳтож шахс ижтимоий картасига реабилитация воситасини харид қилиш учун маблағ ўтказилгандан кейин вафот этганда мазкур маблағ реабилитация воситаси харид қилинганлиги ёки харид қилинмаганлигидан қатъи назар қайтарилмайди”;

55-банддаги “Муҳтож шахслар ваучер” сўзлардан кейин “ёки ижтимоий карта” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-илованинг “1-босқич” қаторида:

“Субъектлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари”;

“Тадбирлар” устунидаги ““Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимида” сўзлари ““Экспертиза” модулида” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

“Муддатлар” устунидаги “ёки тиббий хулоса” сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 1[1]-илова билан тўлдирилсин:

“Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга 1[1]-илова

Реабилитация қилишнинг техник воситалари харид қилиш учун маблағларни муҳтож шахсларнинг ижтимоий картага ўтказиб бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	“Ижтимоий ҳимоя” АТ	1. Реабилитация воситаларини харид қилиш ҳуқуқи вужудга келганда бу ҳақида муҳтож шахс СМС-хабар юбориш орқали хабардор қилади ҳамда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги шахсий кабинетига хабар юборади. 2. Муҳтож шахснинг ижтимоий картаси мавжудлиги бўйича “Ижтимоий карта” АТга сўров юборади.	Реабилитация воситасини ижтимоий карта орқали харид қилиш ҳуқуқи вужудга келгандан сўнг ўн дақиқа мобайнида
2-босқич	Муҳтож шахс	Реабилитация воситасини ижтимоий карта орқали харид қилиш ҳуқуқи вужудга келганлиги тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг “Ижтимоий ҳимоя” АТда маълумотлари ва телефон рақамини киритган ҳолда рўйхатдан ўтади. Ижтимоий карта бўлмаган ҳолларда, белгиланган тартибда ижтимоий карта очади.	Хоҳишига кўра
3-босқич	“Ижтимоий ҳимоя” АТ	1. Реабилитация воситасини ижтимоий карта орқали харид қилиш ҳуқуқи вужудга келганда ва улар учун ижтимоий карта очилганда электрон тўлов топшириқнома ва қайдномасини шакллантиради ва тегишли молиявий агентга юборади. 2. Реабилитация воситасини харид қилиш учун маблағларни тўлаш бўйича электрон ҳужжатларни ДМБАТга йўналтиради. Бунда ДМБАТ томонидан автоматик равишда тегишли маблағлар молиявий агентнинг банк ҳисоб варағига ўтказилади.	Автоматик равишда

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

4-босқич	Молиявий агент	1. Тўлов қайдномасига асосан маблағларни муҳтож шахснинг ижтимоий картасига ўтказиб беради. 2. Тўланган маблағлар бўйича “Ижтимоий ҳимоя” АТга маълумот юборади. 3. Муҳтож шахснинг мобил телефон рақамига ижтимоий картага зарур маблағ ўтказиб берилганлиги тўғрисида қисқа матнли СМС-хабар юборади.	Бир иш куни ичида Маблағ ўтказиб берилгандан кейин бир дақиқа ичида

”;

2, 3 ва 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

5-иловада:

7-банд устуни номидаги “ёки пенсия ёшидаги муҳтож шахс” сўзлари чиқариб ташлансин;

8-банд устуни номидаги “ёки тиббий хулоса” сўзлари чиқариб ташлансин;

9-банд устуни номидаги “Ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома ёки тиббий хулосанинг” сўзлари “Ногиронлик тўғрисидаги маълумотноманинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

25 ва 26-бандлар устунлари номидаги “ТИЭК, ПТИЭК ва ВМКга” сўзлари “ТИЭКга” сўзи билан алмаштирилсин;

6-илованинг 6-бандидаги “ёки ВМК тиббий хулосаси” сўзлари чиқариб ташлансин;

7-иловада:

тўртинчи хатбошидаги “ёки тиббий хулоса” сўзлари чиқариб ташлансин;

“в” кичик банддаги “ТИЭК ёки ВМКга” сўзлари “ТИЭКга” сўзи билан алмаштирилсин;

изоҳ қисмидаги “ТИЭК ёки ВМКга” сўзлари “ТИЭКга” сўзи билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 313-сон қарори билан тасдиқланган “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 12-бандниng биринчи хатбошисидаги “1–12-иловаларига” сўзлари “1–13-иловаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги 12^1-банд билан тўлдирилсин:

“12^1. Уй-жойни таъмирлаш, шунингдек, ёнғин, сув тошқини, зилзила ва бошқа техноген ҳодисалар оқибатида зарар кўрган уй-жойларни тиклаш ва таъмирлаш харажатларини қоплаш тарзидаги ёрдамлар истисно тариқасида туман (шаҳар) ҳокимликларининг сўровига асосан ҳам “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўрсатилиши мумкин. Бунда:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

а) ёрдамлар Ижтимоий реестрга киритилган ёки ойлик ўртача жами даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваригача бўлган оилаларга турар жойга нисбатан ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатлари мавжуд бўлган, кадастр органлари томонидан ҳисобга олинган ҳамда солиқ органлари ахборот тизимига солиқ тўловчи сифатида киритилган уй-жой учун қуйидаги миқдорда кўрсатилади:

уй-жойни таъмирлаш ёрдами мазкур ёрдамни олганига икки йилдан ортган оилаларга БҲМнинг 50 бараваригача бўлган миқдорда;

ёнғин, сув тошқини, зилзила ва бошқа техноген ҳодисалар оқибатида зарар кўрган уй-жойларни тиклаш ва таъмирлаш харажатларини қоплаш ёрдами заруратга кўра, чекланмаган маротаба БҲМнинг 150 бараваригача бўлган миқдорда;

б) туман (шаҳар) ҳокимликлари “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларидан фойдаланиш учун унинг асосларини ҳамда ёрдам кўрсатиладиган фуқароларнинг рўйхатини илова қилган ҳолда тегишлича Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларига сўровнома киритади;

в) Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан сўровнома ушбу Низомнинг 5 ва 9-иловаларига мувофиқ паспортларда назарда тутилган талаб ва шартларга мувофиқ бўлган тақдирда туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармасига “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур маблағлар ўтказиб берилади. Бунда:

маблағлар ҳар ойнинг 30 санасига қадар “Саховат ва кўмак” жамғармасининг туман (шаҳар)га тақсимланган тушумлари ҳисобидан ажратилади;

“Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармасига ўтказиладиган маблағларнинг йиллик миқдори ўтган календар йил давомида “Саховат ва кўмак” жамғармасига келиб тушган маблағларнинг ўттиз фоизидан ошмаслиги лозим”.

в) 16-бандда:

биринчи хатбошисидаги “2–12-иловаларига” сўзлари “1–13-иловаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги “3–12-иловаларида” сўзлари “1–13-иловаларида” сўзлари билан алмаштирилсин

г) 21-банддаги “1–12-иловаларига” сўзлари “1–13-иловаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 4-иловада:

2-позициянинг учинчи устини қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижара тўловининг 50 фоизи, бироқ БҲМнинг 2 бараваригача (Тошкент шаҳрида БҲМнинг 4 бараваригача, Нукус шаҳри ҳамда вилоятлар марказларида БҲМнинг 3 бараваригача)”;

7-позициянинг учинчи устини “ёрдам олувчининг” сўларидан кейин “ижтимоий картаси ёки” сўзлари билан тўлдирилсин;

е) 5-илова 5-позициясининг учинчи устини қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) уй-жойни таъмирлаш учун:

оила аъзоларининг Ижтимоий реестрда туриши;

ойлик ўртача жами даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оиланинг аъзоси бўлиши. Бунда оиланинг ойлик ўртача жами даромади Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган оилани “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасига киритиш жараёнида баҳолашдан ўтказиш тартибига мувофиқ аниқланади.

Бунда, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромади минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан ошмаслиги лозим.

б) яшаш шароитини мослаштириш учун Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестрига киритилган оила аъзоларининг Ижтимоий реестрда туриши ёки ойлик ўртача жами даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оиланинг аъзоси бўлиши лозим. Бунда:

оиланинг ойлик ўртача жами даромади Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 29 январдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ аниқланди;

оиланинг бир ойлик жами ўртача даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваригача бўлган пенсия ва бошқа даромадлари ҳисобга олинмайди;

даромадни расмий маълумотлар орқали тасдиқлаш имкони бўлмаганда шартли равишда норматив даромад қўлланилмайди”;

ж) қуйидаги мазмундаги 13-илова билан тўлдирилсин:

“““Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари
ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби
тўғрисидаги низомга
13-илова

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларидан чиқарилган хотин-қизларнинг турар жой ижараси учун компенсация ёрдамини кўрсатиш
ПАСПОРТИ

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

1.	Ижтимоий ёрдам номи:	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларидан чиқарилган хотин-қизларнинг турар жой ижараси учун компенсация
2.	Ижтимоий ёрдам миқдори:	Ижара тўловининг 100 фоизи, бироқ БҲМнинг 4 бараваригача (Тошкент шаҳрида БҲМнинг 8 бараваригача, Нукус шаҳри ҳамда вилоятлар марказларида БҲМнинг 6 бараваригача)
3.	Ижтимоий ёрдам олувчининг тоифаси:	Уч ой давомида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларида бўлган ҳамда ушбу муассасалардан чиқарилганига бир ойдан ошмаган хотин-қизлар.
4.	Ижтимоий ёрдамни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	Ижара шартномаси нусхаси ва ижара шартномасининг солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги билдиришнома.
5.	Ижтимоий ёрдамни тақдим этиш талаблари ва шартлари:	Уч ой давомида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларида бўлган хотин-қизларнинг ушбу муассасалардан чиқарилганига бир ойдан ошмаганлиги ҳамда ойлик ўртача жами даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оиланинг аъзоси бўлиши. Бунда: а) оиланинг ойлик ўртача жами даромади Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 29 январдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ аниқланди; б) оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромади минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан ошмаслиги лозим; в) оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромади аниқланишида қуйидагилар: тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс оила таркибига киритилмайди ҳамда унинг мол-мулклари ва даромади инобатга олинмайди; тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар даромадини расмий маълумотлар орқали тасдиқлаш имкони бўлмаганда шартли равишда норматив даромад қўлланилмайди.
6.	Ижтимоий ёрдам кўрсатиш даврийлиги:	Ўн икки ой давомида ҳар ойда
7.	Ижтимоий ёрдам кўрсатиш шакли:	Мазкур компенсация солиқ органларида ҳисобга қўйилган ижара шартномасига мувофиқ ёрдам олувчининг ижтимоий картаси ёки банк пластик картасига ўтказиб берилади.
8.	Изоҳ:	1. Мазкур ижтимоий ёрдам тури бўйича компенсация яқин қариндошлар ўртасида тузилган ижара шартномаси учун тўлаб берилмайди. 2. Мазкур ижтимоий ёрдам ижара шартномаси солиқ органларида ҳисобга қўйилган туман (шаҳар) бўйича “Саховат ва кўмак” жамғармасининг ушбу туман

		(шаҳар)га тақсимланган маблағлари доирасида молиялаштирилади. 3. Мазкур ижтимоий ёрдам турини тақдим этиш қуйидагича амалга оширилади: биринчи босқичда – Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари томонидан хотин-қизларнинг ҳолатини баҳолаш натижалари бўйича ишлаб чиқилган якка тартибдаги ижтимоий реабилитация дастурига “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш бўйича тавсия киритилади; иккинчи босқичда – хотин-қизларнинг компенсация тўлаш мезонларига мослиги ўрганилиб, “Ижтимоий ҳимоя” АТда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарор шакллантирилади; учинчи босқичда – “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали шакллантирилган қарор асосида Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан “Саховат ва кўмак” жамғармасининг туман (шаҳар)га тақсимланган тушумлари ҳисобидан тегишли маблағлар ажратилади.

”.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган айрим шахсларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 17-бандининг бешинчи хатбошисидаги ва 22-бандининг учинчи хатбошисидаги ““Мурувват” интернат уйига” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказига” сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 6 августдаги 484-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий хизматлар классификатори 2-бобида:

а) 2–4 ва 30–32-позицияларнинг “Ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари шаклида ташкил этилган ижтимоий хизматлар” устунидаги ““Мурувват” интернат-уйлари” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 32-позициянинг “Ижтимоий хизмат тури” устунидан “кундузги парваришлаш” сўзлари чиқариб ташлансин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг “Фаол нуронийларни Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга бириктириш ҳамда маҳаллада соғлом турмуш тарзи ва ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга жалб этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 27 декабрдаги 892-сон қарорида:

а) қуйидаги таҳрирдаги 2^1-банд билан тўлдирилсин:

“2^1. Белгилансинки, 2027 йил 1 январдан бошлаб Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг фарзандларини ўқув жиҳозлари ва қуроллари ҳамда спорт кийимлари билан таъминлаш уларнинг қийматини фуқаронинг ижтимоий картасига ўтказиб бериш орқали амалга оширилади”;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

б) иловада:

2-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“молиявий агент – ўқув жиҳозлари ва қуроллари ҳамда спорт кийимлари харид қилиш учун маблағларни Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг фарзандларининг ижтимоий карталарига ўтказишга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тижорат банки”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3-боб 2-параграфининг номи “спорт кийимларини харид қилиш” сўзларидан кейин “харажатларини қоплаш” сўзлари билан тўлдирилсин;

12-бандниng тўртинчи хатбошисидаги “камбағал оила” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оила” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. “Нуроний” жамғармасининг ҳудудий бўлинмаси буйруқ расмийлаштирилгандан кейин ўн иш куни ичида буйруқда кўрсатилган ўқув жиҳозлари ва қуроллари ҳамда спорт кийимларини қонунчиликда белгиланган тартибда харид қилади. Бунда 2027 йил 1 январдан бошлаб ҳудудий бўлинма ўқув жиҳозлари ва қуроллари ҳамда спорт кийимларининг қийматини фуқаронинг ижтимоий картасига ўтказиб беради”;

15-банд “ишлар натижадорлиги” сўзларидан кейин “, шунингдек, ўқув жиҳозлари, қуроллари, спорт кийимлари харид қилинганлиги” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-иловада:

1-босқичнинг “Муддатлар” устунидаги “камбағал оила” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оила” сўзлари билан тўлдирилсин;

3-босқичнинг “Тадбирлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Буйруқда кўрсатилган шахслар бўйича тўлов қайдномаларини молиявий агентга тақдим этади.

2. Зарур маблағларни молиявий агентнинг махсус ҳисобварағига ўтказиб беради”;

4-босқичда:

“Субъектлар” устунидаги “Нуроний” жамғармасининг ҳудудий бўлимлари” сўзлари “Молиявий агент” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Тадбирлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тўлов рўйхатига асосан маблағларни фуқаронинг ижтимоий картасига ўтказиб беради”;

5-босқичнинг “Тадбирлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўқув жиҳозлари ва қуроллари ҳамда спорт кийимларининг харид қилинганлигини мониторинг қилади”.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

35. Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги 893-сон қарорида:

а) 2-илованинг 8-банди “в” кичик банди бешинчи хатбошиси “болани вақтинча жойлаштиришнинг муқобил шаклига” сўзларидан кейин “, шунингдек, профессионал тутинган оилага ёки кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 8-иловада:

17-банддаги ““Мурувват” болалар интернат-уйига” сўзлари “ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказига” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-бандниг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги ““Мурувват” болалар интернат-уйларига” сўзлари “ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 9-илованинг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Меҳрибонлик уйи Агентлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда ташкил этилади”;

г) 10-иловада:

2-бандниг тўртинчи хатбошисидаги “, зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар” сўзлари чиқариб ташлансин;

3-бандниг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

5-бандда:

олтинчи ва еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

13-бандниг иккинчи хатбошисидаги “, зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ваколатли органнинг қарори билан бир йилгача бўлган муддатга” сўзлари чиқариб ташлансин;

иловада:

3-позициясида:

“Штат бирлиги сони” усунидаги “4” рақами “3*” рақами билан алмаштирилсин;

“Меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари” устунидаги ““Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар интернат уйларининг” сўзлари “Ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

*Кичик ҳажмли болалар уйида тарбияланувчилар сони 6 нафаргача бўлганда 3 та штат бирлиги, тарбияланувчилар сони 7 ва ундан ортиқ бўлганда қўшимча равишда 1 та штат бирлиги ажратилади”.

36. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда “ижтимоий карта” тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги 897-сон қарорида:

а) 2-бандда:

“в” кичик бандниng иккинчи хатбошисидаги “уч иш куни” сўзлари “беш иш куни” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги йигирма биринчи-йигирма иккинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ижтимоий картани муомалага чиқаришда молиявий агент ёки Агентлик айби билан нотўғри ёки ноаниқ маълумотлар жойлаштирилганда ижтимоий карта бепул асосда қайта муомалага чиқарилади ва фойдаланишга тақдим этилади ҳамда мазкур бандниng “г” кичик бандида назарда тутилган шахслар учун бепул етказиб берилади.

Ижтимоий тўлов тайинланган ва ижтимоий картаси бўлмаган мазкур қарорга 1-иловада назарда тутилган шахсларга ижтимоий карталар қўшимча ариза талаб этмаган ҳолда уларнинг нафақа тайинлаш тўғрисидаги мурожаати ҳамда электрон маълумотлар алмашинуви орқали олинган маълумотлар асосида шакллантирилган электрон рўйхат бўйича муомалага чиқарилиши ва фойдаланишга тақдим этилиши мумкин”;

б) 3-бандда:

“в” кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги “ЯИДХП ва мобил иловада” сўзлари “мобил иловада” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“рақамли сервисларнинг қоғоз нусхалари банкларда, нотариал идораларда, аэропортларда ички рейсларни рўйхатдан ўтказишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи поездларга чиқишда, давлат, корпоратив ва бошқа юклатилган вазифаларини бажариш ва хизматларни кўрсатиш, шу жумладан, электрон хизмат кўрсатишда ҳамда фуқароларни қабул қилишда тегишли ҳужжатларни тақдим этишни талаб қиладиган давлат органларида, ички ишлар органлари ходимлари томонидан ва бошқа ташкилотларда талаб этилмайди”;

ўн тўртинчи хатбоши “ҳуқуқига эга” сўзларидан кейин “, бундан ҳужжатларнинг қоғоз шаклини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда алмаштириш ва олиб қўйиш ҳолатлари мустасно” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 4-бандда:

қуйидаги мазмундаги “$б^1$” кичик банд билан тўлдирилсин:

“б[1]) 2026 йил 1 ноябрдан бошлаб реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтожлик белгиланган шахсларни мазкур воситалар билан таъминлаш уларнинг ижтимоий карталарига харид қилиш учун маблағларни ўтказиб бериш орқали амалга оширилади”;

“в” кичик бандининг биринчи хатбошисидаги “2025 йил 1 апрелдан” сўзлари “2026 йил 1 июндан” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-бандда:

“а” кичик бандининг учинчи хатбошисидаги “тажриба-синов тариқасида жорий этилган ҳудудларда” сўзлари “республиканинг барча ҳудудларида тўлиқ жорий этилгунга қадар” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) қуйидагиларга “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотларни бепул олишга:

“Ўзбекистон темир йўллари” ва “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятларига – мактаб ўқувчилари, талабалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва пенсионерларга (нафақа олувчиларга) имтиёзли чипталарни сотишда;

молиявий агентга – ижтимоий карталарни муомалага чиқаришда”;

д) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Агентлик:

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 июлга қадар “Ишонч телефони”ни мазкур қарорнинг 3-банди “а” кичик бандида назарда тутилган тўлов ташкилотининг техник қўллаб-қувватлаш хизмати билан интеграция қилинишини таъминласин;

Солиқ қўмитаси билан биргаликда 2026 йил 1 июлга қадар ижтимоий карталар орқали амалга оширилган харидлар (фискал чеклар) ҳамда қайтарилган қўшилган қиймат солиғи суммалари тўғрисидаги тегишли ахборот тизимидаги маълумотлар “Ижтимоий карта” АТга тақдим этиб борилишини йўлга қўйсин”;

е) 1-иловада:

12-банд “Пенсионерлар” сўзидан кейин “ва ижтимоий нафақа олувчилар” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги 16–17-бандлар билан тўлдирилсин:

“16. “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилалар (шахслар)

17. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўлов олувчилар”;

изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Шахснинг тегишли тоифага кириши ахборот тизимларидаги маълумотлар асосида реал вақт режимида аниқланади”;

ж) 2-иловада:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

қуйидаги мазмундаги 18-банд билан тўлдирилсин:

“18. Саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган касалликлар бўйича тиббий маълумотнома”;

қуйидаги мазмундаги изоҳ қисми билан тўлдирилсин;

“Изоҳ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–157-сон Фармони билан тасдиқланган Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жисмоний шахснинг ўзига тегишли бўлган ва реал вақт режимида тақдим этиладиган шахсга доир маълумотлар рўйхатига киритилган маълумотларни реал вақт режимида тақдим этиш “Ижтимоий карта” мобил иловасида ҳам жорий этилади”;

з) 4-иловада:

6-бандда:

иккинчи хатбошидаги “ҳолати бўйича” сўзларидан кейин “айни вақтда” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ушбу Низомда белгиланган тартибда ижтимоий карта эмиссия қилинган шахсга бошқа молиявий агент томонидан ижтимоий карта эмиссия қилинмайди”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

8-бандда:

биринчи хатбоши “мурожаат қилинади” сўзларидан кейин “, бундан мазкур банднинг еттинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар мустасно” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ижтимоий карта бепул муомалага чиқариладиган ва фойдаланиш учун тақдим этиладиган шахслар тоифаларининг рўйхатига киритилган шахсларга ижтимоий карталар қўшимча ариза талаб этмаган ҳолда уларнинг нафақа тайинлаш тўғрисидаги мурожаати ҳамда электрон маълумотлар алмашинуви орқали олинган маълумотлар асосида шакллантирилган электрон рўйхат бўйича муомалага чиқарилиши ва фойдаланишга тақдим этилиши мумкин”;

13-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “ҳамда ариза берувчига оммавий оферта бир нусхаси чоп этилган ҳолда берилади” сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

1-илованинг 4-банди “б” кичик банди қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“паспорт ёки ID карта (болалар учун туғилганлик гувоҳномаси) серияси ва рақами”;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

еттинчи–ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи–ўн бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 27 февралдаги 126-сон қарорида:

а) 1-иловада:

5-бандда:

иккинчи хатбоши “ЯТТ” сўзидан кейин “(ўзига ёхуд турмуш ўртоғига)” сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда бино ёки иншоот ЯТТ (турмуш ўртоғига тегишли бўлган ҳолат бундан мустасно) ёки юридик шахсга мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлмаган тақдирда, бино ёки иншоотдан ижара ёки бошқа ҳуқуқ асосида фойдаланиш шартномасининг амал қилиш муддати давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати давомида ўз кучида бўлиши таъминланиши зарур”;

6-банддан “Ижтимоий реестрга киритилган ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Кундузги парвариш хизматида тарбиячи лавозимига олий ёки ўрта махсус педагогик ёхуд психологик, тарбиячи ёрдамчиси лавозимига умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинади”;

33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“33. Кундузги парвариш хизмати қуйидаги ҳолларда вақтинча тўхтатиб турилади:

тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғдириши мумкин бўлган техник носозликлар, авария ҳолатлари ёки табиий ёки бошқа офатлар, карантин ва одамлар учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг тарқалиши натижасида муайян ҳудудда юзага келган вазиятларда;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилганлиги аниқланганда;

ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилмаганлиги аниқланганда;

ҳудудий бошқарма томонидан ўтказилган ўрганиш натижасида аниқланган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаганда;

енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари юзага келганда;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларини бажариш билан боғлиқ техник ёки ташкилий сабаблар мавжуд бўлганда”;

қуйидаги мазмундаги 33^1 – 33^3-бандлар билан тўлдирилсин:

33^1. Кундузги парвариш хизмати мазкур Низомнинг 33-бандида назарда тутилган ҳолатлардан бири юзага келганда хусусий шерик ҳамда

ҳудудий бошқарма томонидан улар бартараф этилгунга қадар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган тартибда вақтинча тўхтатиб турилади.

Бунда кундузги парвариш хизмати вақтинча тўхтатиб турилган даврда:

янги тарбияланувчилар қабул қилинмайди;

тарбияланувчиларнинг давомати ҳисобга олинмайди;

хусусий шерикка субсидия ва компенсация ҳисобланмайди ҳамда тўланмайди.

33^2. Кундузги парвариш хизмати вақтинча тўхтатиб турилган тақдирда тарбияланувчиларнинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) камида бир иш куни олдин хабардор қилинади.

33^3. Кундузги парвариш хизматини вақтинча тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг кундузги парвариш хизмати фаолияти давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган тартибда қайта тикланади;

36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“36. Субсидия гуруҳга камида 2 нафар тарбияланувчи қабул қилинганидан сўнг ҳисобот ойида ҳар бир тарбияланувчининг ҳақиқатда қатнаган кунлари бўйича ажратилади. Бунда тарбияланувчиларнинг энг кам сонини аниқлашда бир ойнинг камида учдан бири қисмида давомати белгиланган тарбияланувчилар инобатга олинади”;

б) 2-иловада:

4-банд “а” кичик бандидаги “4” рақами “2” рақами билан алмаштирилсин;

5-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда хусусий шерикка бириктирилган ногиронлиги бўлган болалар кундузги парвариш хизматидан бир ой давомида камида ўн иш куни қатнаган, бироқ етти иш кунигача фойдаланмаган кунлари учун ҳам хусусий шерикка мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган субсидиянинг 50 фоизи миқдорида субсидия ажратилади”;

7-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда вилоятлар марказлари, Тошкент ва Нукус шаҳарларида кундузги парвариш хизматини ташкил этган хусусий шерикка ажратиладиган субсидиянинг ойлик миқдори КПХС = КПХ *1,1 * ҚКС формуласи орқали, мазкур Низомнинг 5-банди тўртинчи хатбошисида назарда тутилган субсидия ажратилишида эса субсидиянинг миқдорини 50 фоизга камайтириш орқали ҳисоб-китоб қилинади”;

в) 4-илова изоҳ қисмининг 4-бандидаги ““Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи” сўзлари “ногиронлиги бўлган шахслар учун “Ғамхўрлик” маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-илованинг 3-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

38. Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали кўриш ва ҳаракатланиш билан боғлиқ касалликларга чалинган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун таълим олиш шароитларини яхшилаш тўғрисида” 2025 йил 28 февралдаги 132-сон қарорида:

а) 2-банд қуйидаги мазмундаги “б[1]” кичик банд билан тўлдирилсин:

“б[1]) 2027 йил 1 январдан бошлаб нодавлат таълим ташкилотларининг коррекцион синфларида таълим олаётган ўқувчиларга уларнинг касаллик туридан қатъи назар транспорт хизматини кўрсатиш;

б) иловада:

2-бандда:

биринчи хатбоши “муассасалари ва ташкилотлари,” сўзидан кейин “коррекцион синфлар ташкил этилган нодавлат таълим ташкилотлари,” сўзлари билан тўлдирилсин;

“б” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) транспорт хизмати мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ касалликларга чалинган ва “Ижтимоий ҳимоя” АТнинг Психологик-тиббий-педагогик комиссия ёки Тиббий-ижтимоий-эксперт комиссия электрон модулларида рўйхатда турган ўқувчиларга кўрсатилади;”;

4-банддаги “иловада” сўзи “2-иловада” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Ўқувчининг қонуний вакили транспорт хизматидан фойдаланиш мақсадида Транспорт хизматидан фойдаланувчилар рўйхатига кириш учун яшаш манзили бўйича маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим орқали ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ёки давлат хизматлари марказига келиб ёки давлат хизматидан электрон тарзда мустақил фойдаланиш учун “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП), “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтиб мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги сўровнома асосида мурожаат қилади”;

10-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Ўқувчининг қонуний вакили яшаш манзили бўйича маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходимга ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ёки давлат хизматлари марказига мурожаат қилган тақдирда, маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ёки давлат хизматлари маркази масъул ходими ариза берувчи номидан бевосита уларнинг розилиги билан “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда сўровномани электрон шаклда мустақил тўлдиради”;

11-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

“11. Ижтимоий ходим, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказидаги ижтимоий ходим ёки Давлат хизматлари маркази ходими ўқувчи қонуний вакилининг мурожаатини “Ижтимоий ҳимоя” АТда рўйхатдан ўтказади. Бунда мурожаатда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:”;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мурожаат ЯИДХП орқали келиб тушганда ўқувчи яшаш манзилининг харитадаги жойлашуви (геолокацияси) “Ижтимоий ҳимоя” АТда ўқувчининг қонуний вакили яшаш манзили бўйича маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар марказидаги ижтимоий ходим томонидан белгиланади”;

12-бандниng тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ўқувчи ўқийдиган таълим ташкилоти, шу жумладан, коррекцион синфда ўқиётган нодавлат таълим ташкилоти ёки кундузги парвариш хизмати”;

14-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“мазкур Низомга 1-иловада белгиланган касалликларга чалинмаганлиги аниқланганда”;

19-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ўқувчи таълим ташкилотини тугатганда, коррекцион синфдан чиқарилганида ёки кундузги парвариш хизматидан чиқарилганида”;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ўқувчи соғломлаштирилиб мазкур Низомга 1-иловада белгиланган касалликларнинг бири бўйича реабилитация қилинганида”;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

20-бандниng учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ўқувчининг қонуний вакили томонидан транспорт хизматидан фойдаланишни тўхтатиб туриш ҳақида мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ ариза берилганда;”;

қуйидаги мазмундаги 1-илова билан тўлдирилсин:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

“Ижтимоий аҳамиятга эга транспорт хизматини кўрсатиш ва ушбу хизматдан фойдаланиш харажатларини субсидия шаклида қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Транспорт хизмати татбиқ этиладиган касалликлар РЎЙХАТИ

Т/р	Касаллик турининг номланиши ва коди
1.	Иккала кўзнинг кўрлиги (амовроз) (иккала кўзи – OU) (H54.0)
2.	Анофтальм (бир ёки иккала кўзи – OU) (Q11)
3.	Кўриш нервининг атрофияси (иккала кўзи – OU) (H47.2)
4.	Кўриш нерви диски туғма аномалияси (оғир даражадаги) (иккала кўзи – OU) – кўзи ожиз бўлган болалар кўриш ўткирлиги 0,01 – 0,04 доирасида коррекциядан сўнг 0,01 дан 0,05 гача (Q14.2)
5.	Преретинопатия (иккала кўзи – OU) – кўзи ожиз бўлган болалар кўриш ўткирлиги 0,01 – 0,04 доирасида коррекциядан сўнг 0,01 дан 0,05гача (H35.1)
6.	Тўр парданинг ажралиши, ёрилиши ёки йиртилиши билан (иккала кўзи – OU) (H33.0)
7.	Оғир даражали ақлий заифлик (F72)
8.	Чуқур ақлий заифлик (F73)
9.	Болалар аутизми (ақлий заифлик стереотип ҳаракатлар билан бирга келувчи гиперактив бузилиш) (F84.4)
10.	Болалар церебрал фалажи (БЦФ) (GMFCS классификациясига кўра 3-4-5 даража) ва бошқа неврологик патологиялар оқибатида ортопедик деформациялари – G80
11.	Дюшен миопатияси (мустақил юрмайди) (G71)
12.	Спинал мушак атрофияси ва унга яқин синдромлар (мустақил юрмайди) (G12.0)
13.	Spina bifida (умуртқа каналининг тўлиқсиз ёпилиши (Q05)), жароҳатлар ва бошқа касалликлар натижасида келиб чиққан пастки параплегия (мустақил юрмайди)
14.	Кўзи ожизлик (амовроз) – H54.1
15.	Колобома (Q 12,2 Q 13,0), преретинопатия (Q 35,1) (чала туғилган болалар ретинопатияси)
16.	Кўриш нерви диск(Q 14,2) ва макуласининг оғир даражадаги гипоплазияси (Q 14,8 Q 14,9)
17.	Альбинизм – E 70.3 кўриш ўткирлиги коррекция билан 0 дан -0,04 гача яхши кўрадиган кўзда
18.	Ретинобластома C 69.2 кўриш ўткирлиги коррекция билан 0 дан -0,04 гача яхши кўрадиган кўзда

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

19.	Скелетнинг тизимли касалликлари (ахондроплазия, дисхондроплазия, хондродистрофия) Q 77 Q 78
20.	Диализга муҳтожлик Z 49 Z 99,2 N 18,0
21.	Қўл ва оёқларнинг йирик бўғимларида 2 ва ундан ортиқ функционал ноқулай ҳолатдаги анкилоз (M 24,6) ва кучли ифодаланган контрактуралар (M 24,5) ҳисобига статодинамик функцияларининг кучли ифодаланган бузилишлари

”;

илова 2-илова деб ҳисоблансин;

2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий аҳамиятга эга транспорт хизматини кўрсатиш ва ушбу хизматдан фойдаланиш харажатларини субсидия шаклида қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ижтимоий аҳамиятга эга транспорт хизматини кўрсатиш ва ушбу хизматдан фойдаланиш харажатларини субсидия шаклида қоплаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи (ўқувчининг қонуний вакили)	Ижтимоий аҳамиятга эга транспорт хизматидан фойдаланувчилар рўйхатига (кейинги ўринларда – Транспорт хизматидан фойдаланувчилар рўйхати) кириш учун маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходимга, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёки давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилади ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Ижтимоий ҳимоя” АТ), “Ижтимоий карта” мобил иловаси орқали ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) рўйхатдан ўтади ёхуд мурожаат қилади.	Хоҳишига кўра
2-босқич	1. Ижтимоий ходим, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёки Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП, Ижтимоий ҳимоя АТ, Ижтимоий карта	1. Мурожаатни “Ижтимоий ҳимоя” АТда рўйхатдан ўтказади. 2. Тўлдирилган сўровнома автоматик тарзда “Ижтимоий ҳимоя” АТ рўйхатдан ўтказилади.	1. Ўн дақиқада. 2. Реал вақт режимида.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

3-босқич	“Ижтимоий ҳимоя” АТ	1. Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида ўқувчига тегишли маълумотлар тизим орқали аниқланади. 2. Ўқувчи ҳамда унинг қонуний вакили тўғрисидаги маълумотлар Транспорт хизматидан фойдаланувчилар рўйхатига киритилади ва бу тўғрисида мурожаат муаллифига СМС-хабарнома юборилади.	Уч иш кунида
4-босқич	Транспорт хизматидан фойдаланувчилар рўйхатига киритилган ўқувчининг қонуний вакили	Транспорт хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари реестрига киритилган йўналишсиз таксида йўловчи ташувчиларга мижозларни излаш бўйича интерактив хизматларни кўрсатувчи агрегаторнинг (кейинги ўринларда – агрегатор) мобил иловаси орқали буюртма беради.	Хоҳишига кўра
5-босқич	Агрегатор	1. Ўқувчини буюртмани қабул қилган автотранспорт воситаси ҳайдовчиси орқали буюртмада кўрсатилган манзилга олиб боради. 2. Ўқувчи буюртмада кўрсатилган манзилга етиб боргач, ҳайдовчи томонидан буюртма бажарилганлигини мобил илова орқали тасдиқлайди. 3. Буюртма бажарилганлиги тўғрисидаги маълумот (мобил илова орқали “Ижтимоий ҳимоя”АТга юборилади.	1. Реал вақт режимида. 2. Кўрсатилган манзилга етиб боргач дарҳол. 3. Автоматик равишда.
6-босқич	“Ижтимоий ҳимоя” АТ”	Буюртма бажарилганлиги тўғрисида маълумот келиб тушганидан сўнг субсидия агрегаторга ўтказиб беради.	Автоматик равишда

”;

қуйидаги мазмундаги 3 ва 4-иловалар билан тўлдирилсин:

“Ижтимоий аҳамиятга эга транспорт хизматини кўрсатиш ва ушбу хизматдан фойдаланиш харажатларини субсидия шаклида қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Транспорт хизматидан фойдаланиш бўйича
СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар	
1. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
2. Фамилияси:	Автоматик тарзда
3. Исми:	

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

4. Отасининг исми:	шаклланади
5. Туғилган санаси:	
6. Паспорт (идентификация ID-карта) серияси ва рақами:	
7. Маҳалла фуқаролар йиғини номи:	
8. Телефон рақами:	
9. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	
II. Бола тўғрисида маълумотлар *(бола тўғрисидаги қонуний вакил томонидан берилганида тўлдирилади)*	
1. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
2. Фамилияси:	Автоматик тарзда шаклланади
3. Исми:	
4. Отасининг исми:	
5. Туғилган санаси:	
6. Паспорт (идентификация ID-карта) серияси ва рақами:	
7. Маҳалла фуқаролар йиғини номи:	
8. Телефон рақами:	
9. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

сана: 20 __ “___” _____

Ижтимоий аҳамиятга эга транспорт хизматини кўрсатиш ва ушбу хизматдан фойдаланиш харажатларини субсидия шаклида қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

Транспорт хизматидан фойдаланишни тўхтатиб туриш ҳақида
СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар	
1. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
2. Фамилияси:	Автоматик тарзда шаклланади
3. Исми:	
4. Отасининг исми:	
5. Туғилган санаси:	
6. Паспорт (идентификация ID-карта) серияси ва рақами:	
7. Маҳалла фуқаролар йиғини номи:	
8. Телефон рақами:	
9. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

II. Бола тўғрисида маълумотлар ***(бола тўғрисидаги қонуний вакил томонидан берилганида тўлдирилади)***	
1. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
2. Фамилияси:	Автоматик тарзда шаклланади
3. Исми:	
4. Отасининг исми:	
5. Туғилган санаси:	
6. Паспорт (идентификация ID-карта) серияси ва рақами:	
7. Маҳалла фуқаролар йиғини номи:	
8. Телефон рақами:	
9. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

сана: 20 __ “___” _____
”.

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 5 майдаги 294-сон қарори билан тасдиқланган Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга 11-илованинг 10-позициясининг учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур ёрдам уни олувчилар учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ:

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхатига мувофиқ йўлланмалар асосида;

Тиббий ёрдам харажатлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ҳисобидан қопланмаган ҳолатларда кўрсатилади.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тиббиёт ташкилотларига ўтказилган маблағлар бўйича алоҳида ҳисоб-китоб юритилади”.

40. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарорида:

а) 3-бандниng “а” кичик бандида:

иккинчи хатбоши “Агентликнинг тизим ташкилотлари ходимлари” сўзларидан кейин “ҳамда Ижтимоий реестрга киритилган оиланинг ўзини ўзи банд қилган аъзоси” сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши “Бунда” сўзидан кейин “2026 йил 1 июндан бошлаб” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 1-иловада:

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

2а-илованинг 11-позицияси учинчи устунининг учинчи хатбошисидаги ““Мурувват” интернат-уйига” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказига” сўзлари билан алмаштирилсин;

2г-иловада:

2-позиция учинчи устунининг “г” банди чиқариб ташлансин;

4-позиция учинчи устунининг “б” банди чиқариб ташлансин;

7-позиция учинчи устунининг “б” банди чиқариб ташлансин;

8-позиция учинчи устунининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

11-позициянинг учинчи устунида қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий хизмат кўрсатилишини ташкил этишда ҳар 7 нафар хизматдан фойдаланувчига қараб туриш учун камида 1 нафар ходим бириктирилиши тавсия этилади.

Хизмат марказ типида ташкил этилганда камида 1 нафар ҳамшира фаолияти йўлга қўйилади.

Кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати марказ типида ташкил этилган ҳолларда уйда тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати доирасида кўрсатиладиган тадбирлар ҳам ушбу муассасада кўрсатилиши мумкин.

Кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини кўрсатиш марказ типида йўлга қўйилган вақтдан бошлаб тегишлилиги бўйича Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, унинг ҳудудий марказлари, шунингдек марказ мавжуд бўлмаган ҳудудларда Агентликнинг ҳудудий бошқармаларидаги тиббий-ижтимоий реабилитация хизматини ривожлантириш бўйича масъул ходими томонидан ҳар 3 ойда бир маротаба марказ ишининг минимал талабларга мувофиқлиги ва хизмат кўрсатиш ҳолати мониторинг қилинади”;

5-илова 3-бобининг 13 ва 14-бандлари чиқариб ташлансин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 октябрдаги 630-сон қарори билан тасдиқланган Паралимпия спорт турлари бўйича спорт терма жамоаларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банддаги, 11-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги ““Мурувват” интернат уйлари” сўзлари тегишли келишикдаги ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловадаги ““Мурувват” интернат уйлари” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 октябрдаги 637-сон қарори билан тасдиқланган Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхати 3-1920-позициясининг “Касблар” устунидаги ““Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйлари” сўзлари “ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 ноябрдаги 694-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди “о” кичик бандидан “ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси” сўзлари чиқариб ташлансин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги ташкилотларда айрим хизматларни кўрсатишни аутсорсинг асосида ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 22 декабрдаги 810-сон қарорида:

а) 1-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Белгилансинки, 2026 йил 1 июлдан бошлаб босқичма-босқич Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимидаги ташкилотларда айрим хизматларни кўрсатишни аутсорсинг асосида ташкил этишнинг қуйидаги тартиби жорий этилади:”;

иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимидаги ташкилотларда” сўзлари “Агентлик тизимидаги ташкилотларда” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-бандниng учинчи хатбошисидаги “1 апрелга” сўзлари “1 июлга” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-бандниng иккинчи хатбошисидаги “1 майдан” сўзлари “1 июлдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-иловада:

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Аутсорсинг хизматларига ҳақ тўлаш миқдорлари буюртмачи томонидан тегишли хизмат таннархида (солиқлар, иш ҳақи, моддий харажатлар, билвосита харажатлар) аутсорсернинг харажатларини қоплаш мақсадида 30 фоизгача устама ҳақни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Бунда:

ушбу бандга асосан устама ҳақи 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади;

аутсорсинг хизматларига хақ тўлаш миқдорлари ушбу хизматларни кўрсатиш учун Агентлик томонидан тизим ташкилотларига ажратилган маблағлар миқдоридан ошиб кетмаслиги керак”;

9-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда давлат харидларини ўтказиш жараёнида талабгорнинг таклифлари балл усулидан фойдаланган ҳолда баҳоланади”;

11-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи–ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“аутсорсинг хизматларини, шу жумладан, овқатлантириш хизматларини сифатли, хавфсиз ва узлуксиз кўрсатиш имконияти, мазкур йўналиш бўйича амалий тажрибаси, аввал тузилган шартномалар мажбуриятлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги. Бунда талабгорларнинг таклифларини баҳолашда ушбу талабга мос келадиган талабгорларга устунлик берилади;

аутсорсинг хизматлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда халқаро тажриба ва ҳамкорлик имкониятларидан фойдаланиш, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифат менежменти соҳасидаги миллий ҳамда халқаро стандартлар асосида ишлаш имкониятининг мавжудлиги”;

тўққизинчи–ўн биринчи хатбошилар тегишлича ўн биринчи–ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Буюртмачи томонидан аутсорсинг хизматининг тури, тизим ташкилотининг ихтисослашуви ҳамда хизматдан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Агентлик билан келишилган ҳолда талабгорга қўшимча талаблар белгиланиши мумкин”;

қуйидаги мазмундаги 19^1-банд билан тўлдирилсин:

“19^1. Аутсорсер томонидан шартнома ва инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганда, ўз фаолияти санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ амалга оширилганда, мониторинг комиссияси хулосасига кўра аутсорсинг шартномаси узайтирилиши мумкин. Бунда:

аутсорсер томонидан таклиф этилган устама ҳақ миқдори ўзгартиришсиз қолдирилади;

аутсорсер билан шартномани икки йилдан ортиқ узайтириш мумкин эмас”;

д) 2-иловада:

9-бандниng “б” кичик банди еттинчи хатбошиси “озиқ-овқат маҳсулотларининг” сўзларидан кейин “қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинган” сўзлари билан тўлдирилсин;

21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Тизим ташкилотини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи ташкилотлар ёки аутсорсер келтирган озиқ-овқат маҳсулотлари бракераж комиссияси томонидан кўриб чиқилганидан кейин тизим ташкилотига қабул қилинади.

Бунда бракераж комиссияси томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилишда маҳсулотларнинг сифатини кафолатловчи ҳужжатлар

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

(сертификат, ишлаб чиқарилган санаси, маҳсулотнинг яроқлик муддати, маркировка ва бошқалар) мавжудлиги кўриб чиқилади.

Қабул қилинган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳисоб-фактураси, чек, тўлов топшириқномалари ва бошқалар) тегишли ахборот тизимлари орқали Ахборот тизимида шаклланади".

45. Вазирлар Маҳкамасининг "Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга сифатли таълим олиш имкониятини яратиш, уларни жамиятга интеграция қилиш ва индивидуал ривожланишини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2025 йил 24 декабрдаги 818-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликларининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Тошкент шаҳрида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги Кўп функционал инклюзив-ресурс маркази (кейинги ўринларда – Инклюзив марказ) ва Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда биттадан алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ёки мактаб-интернатлар (кейинги ўринларда – махсус мактаблар) негизида Кўп функционал инклюзив-ресурс мактаблари (кейинги ўринларда – Инклюзив мактаблар) ташкил этиш;

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги махсус мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларининг раҳбар, педагог ва мутахассис ходимларини Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ёки лицензияга эга нодавлат таълим ташкилотларида малакасини ошириш тартибини йўлга қўйиш";

б) 3-банд қуйидаги мазмундаги "з" кичик банд билан тўлдирилсин:

"з) 2026 йил 15 майдан бошлаб махсус мактабларнинг, 2026 йил 2 октябрдан бошлаб Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги мактабгача таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – мактабгача таълим ташкилотлари)нинг раҳбар, педагог ва мутахассис ходимлари учун беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда ўтказиладиган малака ошириш курслари жорий қилинади. Бунда:

махсус мактаблар ҳамда мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ва мутахассис ходимлари учун малака ошириш курсининг давомийлиги камида 100 соат, раҳбар ходимлари учун камида 144 соат этиб белгиланади;

малака ошириш курсларидаги ўқув жараёни гуруҳларнинг тўлдирилишига боғлиқ ҳолда, тингловчилар сони 25 нафардан кам бўлмаган ва 30 нафардан кўп бўлмаган академик гуруҳларда ташкил этилади;

малака ошириш курслари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг буюртмасига биноан Мактабгача ва мактаб таълими ходимларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланадиган касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари реестрига киритилган нодавлат таълим ташкилотлари ёки педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда – малака ошириш ташкилотлари) томонидан амалга оширилади;

малака ошириш курслари учун тўловлар малака ошириш ташкилотлари ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ўртасида тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида (тузилган шартнома суммасининг 30 фоизини олдиндан тўлашни назарда тутган ҳолда) ҳар бир тингловчи учун белгиланган миқдордан келиб чиқиб Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

бир нафар тингловчи учун тўланадиган маблағ миқдори Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва малака ошириш ташкилоти томонидан белгиланади. Бунда бир нафар раҳбар тингловчи учун тўланадиган маблағ миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан, педагог ва мутахассис ходимлар учун уч бараваридан ошмаслиги лозим;

малака ошириш курслари малака ошириш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ўқув режа ва дастурлари бўйича онлайн ёки офлайн шаклда амалга оширилади;

малака ошириш даврида тингловчиларнинг асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолади, ўқув юкламалари эса бошқа педагог ходимлар ўртасида тақсимланади”.

46. Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий реестрга киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 29 январдаги 35-сон қарорида:

а) 1-иловада:

18-бандниng учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий иқтисодий ҳолати ўрганилаётган даврда умумий рўзғор асосида яшаётган турмуш ўртоғи бўлмаган боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олаётган ёхуд боласи учун алимент олаётган она (ота)нинг оиласи боқувчисини йўқотган ёки боласини ёлғиз тарбиялаётган оила сифатида қабул қилинади”;

33-бандниng “к” кичик бандидаги ““Мурувват” интернат уйларига” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-иловадаги “Мурувват уйида” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-илова 6-позициясининг “Маълумотлар тўплами таркиби” устуни 4-бандидаги ““Мурувват” интернат уйларига” сўзлари ““Ғамхўрлик” марказларига” сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

47. Вазирлар Маҳкамасининг ““Фаол ҳаётга қадам” дастури жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2026 йил 29 январдаги 36-сон қарорининг 2-банди чиқариб ташлансин.

48. Вазирлар Маҳкамасининг “Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 9 февралдаги 48-сон қарори:

а) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари фаолиятини ташкил этиш, молиялаштириш, мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва методик қўллаб-қувватлаш”;

еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 6-бандда:

бешинчи хатбошидаги “тасдиқлансин” сўзи чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари тўғрисидаги низом 3^1-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

в) 1-илова изоҳ қисмининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган нормативлар асосида белгиланади”;

г) қуйидаги мазмундаги 3^1-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 9 февралдаги 48-сон қарорига
3^1-илова

Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларининг мақоми, фаолиятини ташкил этиш, унга зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларни (кейинги ўринларда – тарбияланувчилар) жойлаштириш, тарбияланувчиларга комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш, шунингдек, молиялаштириш ва мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

2. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари тарбияланувчиларга индивидуал ёндашув асосида оилага яқин муҳитда комплекс ижтимоий

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

ва реабилитация хизматларини кўрсатиш орқали оилавий ҳаёт шароитига қайтариш мақсадида ташкил этилади.

3. Қуйидагилар кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

тарбияланувчиларнинг ақлий, эмоционал ва жисмоний ривожланишига кўмаклашувчи оилавий муҳитни яратиш;

тарбияланувчиларни оилавий, миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш;

тарбияланувчиларга комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш;

тарбияланувчиларнинг ўзлари томонидан хулқ-атворни бошқаришни ўргатиш, уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан бузилган муносабатларини тиклаш ва ижтимоийлашувига кўмаклашиш;

тарбияланувчиларда оилавий-маиший ҳаёт кўникмаларини шакллантириш, меҳнат ва касб танлаши учун шарт-шароитлар яратиш, мустақил ҳаётга тайёрлаш.

2-боб. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларини ташкил этиш, тарбияланувчиларни қабул қилиш ва чиқариш

1-§. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларини ташкил этиш тартиби

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) ҳузуридаги Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази (кейинги ўринларда – Интеграция маркази) кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларининг муассиси ҳисобланади ва улар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан келишган ҳолда юридик шахс мақомисиз Интеграция маркази директорининг буйруғи билан, қоида тариқасида, маҳаллаларда ташкил этилади.

5. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар, Интеграция маркази балансида бўлган тураржойларда, янгидан харид қилинган уй-жойларда ҳамда ижара асосида олинган тураржойларда ташкил этилиши мумкин.

Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари учун уй-жойларни харид қилиш Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг буйруғига асосан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Интеграция маркази, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ҳамда тегишли ҳудудий бошқармаси ходимларидан иборат ташкил этиладиган комиссия хулосасига кўра Интеграция маркази томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари ташкил этиладиган бино-иншоотлар, уларни жиҳозлаш, таъмирлаш ва моддий-техника базаси учун

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

минимал талаблар кичик ҳажмли болалар уйлари бўйича минимал талаблар асосида белгиланади.

Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларида ташвиш тугмаси ўрнатилади.

6. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари фаолияти, шу жумладан жиҳозлаш ва ташвиш тугмаси билан боғлиқ харажатлар Интеграция маркази томонидан Жамғармадан ажратилган маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари нодавлат ташкилотлар томонидан ҳам ташкил этилиши мумкин.

8. Нодавлат ташкилотлар томонидан ташкил этилган кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари томонидан тарбияланувчиларни комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш ҳамда бошқа йўналишда кўрсатиладиган хизматлар Интеграция маркази ва нодавлат ташкилотлар ўртасида тузиладиган давлат ижтимоий буюртмаси, аутсорсинг ва бошқа турдаги шартномалар асосида қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Нодавлат ташкилотлар томонидан ташкил этилган кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига тарбияланувчиларни жойлаштириш ва улардан чиқариш “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази (кейинги ўринларда – ваколатли орган)нинг қарори асосида амалга оширилади.

10. Нодавлат ташкилотлар томонидан ташкил этилган кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига жойлаштирилган тарбияланувчиларнинг таъминоти Жамғарма маблағлари ҳисобидан ушбу Низомнинг 35-бандида назарда тутилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

2-§. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига тарбияланувчиларни қабул қилиш ва чиқариш тартиби

11. Тарбияланувчиларни кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига жойлаштириш уларни оиласида сақлаб қолиш ёки муқобил жойлаштириш шаклларига бериш имконияти бўлмаган тақдирда, сўнгги чора сифатида амалга оширилади.

12. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига 18 ёшгача бўлган 10 нафаргача тарбияланувчи қабул қилинади.

Тарбияланувчилар кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига яшаш жойи ва турган жойи, агар улар муайян яшаш жойига эга бўлмаса, аниқланган жойдаги ваколатли органнинг қарори билан тарбияланувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) розилиги асосида бир йилгача бўлган муддатга жойлаштирилади.

Агар 3 ой мобайнида кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларидаги тарбияланувчиларнинг сони 2 ва ундан кам бўлган тақдирда, ушбу кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказининг фаолияти Ижтимоий ҳимоя миллий

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

агентлигининг тегишли ҳудудий бошқармасининг хулосасига кўра Интеграция маркази директорининг буйруғига асосан тўхтатилади ҳамда тарбияланувчилар вақтинчалик яқин ҳудуддаги бошқа бир кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказига жойлаштирилади. Бунда, фаолияти тўхтатилган кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказига қўшимча равишда жойлаштирилиши мумкин бўлган тарбияланувчи(лар) аниқланганда, унинг фаолияти Интеграция маркази директорининг буйруғи билан қайта тикланади ва вақтинчалик бошқа бир кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказига жойлаштирилган тарбияланувчилар қайтарилади.

13. Тарбияланувчиларни кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига жойлаштиришда уларнинг этник жиҳатдан келиб чиқиши, муайян динга ва маданиятга мансублиги ҳисобга олиниши лозим.

14. Тарбияланувчилар кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига қабул қилинганидан сўнг, икки иш кунида ушбу ҳудуддаги ваколатли орган сўровига асосан улар соғлиқни сақлаш муассасаларида белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтказилади, бундан вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан олиб келинган тарбияланувчилар мустасно.

Тиббий текширув хулосасига кўра тарбияланувчиларнинг даволанишга муҳтожлиги (тан жароҳати ва бошқа касалликлар) ёки ушбу Низомнинг 15-банди “а” кичик бандида назарда тутилган касалликлар аниқланган ҳолларда, улар даволаниш учун тегишли соғлиқни сақлаш муассасасига жойлаштирилади.

Бунда, тарбияланувчилар соғлиқни сақлаш муассасаларидан чиқарилгунга қадар, бироқ 1 ойгача бўлган муддатда кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларида ҳисобда туради ва ваколатли орган томонидан зарур ҳолларда масофадан туриб хизматлар кўрсатилади.

15. Қуйидагилар кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига қабул қилинмайди:

а) болаларда қуйидаги ташхислардан бири мавжуд бўлганда:

тез-тез, ҳар ойда 5 мартадан кўп тутқаноқ хуружлари содир бўладиган эпилепсия, серияли тутқаноқ хуружларига, эпилептик статусга, намозшомсимон онг хиралашиш ҳолатларига, дисфорияларга мойиллик;

беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ва хулқий бузилишлар сабаб бўладиган руҳий касалликлар;

жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;

юқумли тери ва соч касалликлари;

ўткир юқумли касалликлар;

салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган ўсма касалликлари ва рецидивлари;

таносил касалликлари (ОИВ инфекцияси бундан мустасно);

юрак-қон томир, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш тизимининг хуруж ва декомпенсация босқичи.

Бунда, мазкур бандда назарда тутилган касалликлар аниқланган болалар тегишли даволаш-профилактика муассасаларига юборилганда, ваколатли орган томонидан зарур ҳолларда масофадан туриб хизматлар кўрсатилади ҳамда ушбу муассасалардан чиқарилгандан сўнг ижтимоий ходим уларни розилик асосида ҳудудий марказларга жойлаштириш чораларини кўради.

б) ҳуқуқбузарликлар ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган болалар.

16. Қуйидаги ҳолатларда тарбияланувчилар кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларидан чиқарилади:

тарбияланувчилар учун ишлаб чиқилган ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасида белгиланган ижтимоий хизматларнинг кўрсатилиши натижасида уларнинг психоижтимоий ҳолати барқарорлашганлиги;

тарбияланувчининг ўн саккиз ёшга тўлганлиги;

ушбу Низомнинг 12-банди иккинчи хатбошисида ёки 14-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган муддатнинг тугаганлиги;

кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларининг ички тартиб-қоидаларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузганлиги;

кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларини такроран ўзбошимчалик билан тарк этганлиги;

тарбияланувчиларнинг бошқа муқобил жойлаштириш шаклларига берилганлиги;

тарбияланувчиларнинг қонуний вакилларининг уларни кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларидан чиқариш бўйича аризаси;

тарбияланувчиларнинг вафот этиши.

Тарбияланувчиларни кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларидан чиқариш уларни жойлаштирган ваколатли органнинг қарори асосида амалга оширилади.

Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари учун ички тартиб-қоидалар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан келишилган ҳолда Интеграция маркази томонидан белгиланади.

17. Тарбияланувчилар ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га қайтарилганидан сўнг, олти ой мобайнида ваколатли орган (ҳар ойда) ва Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмалари (ҳар икки ойда) томонидан мониторинг қилиб борилади.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

3-боб. Тарбияланувчиларга комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш

18. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларида тарбияланувчиларга комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматлари ҳар бир тарбияланувчи учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасига мувофиқ ижтимоий хизматлар кўрсатиш стандарти асосида кўрсатилади.

19. Ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасида тарбияланувчига кўрсатиладиган ғамхўрлик қилиш, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, таълим, тиббий ёрдам кўрсатиш, касб танлаш ва меҳнат қилиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятга интеграция қилишга қаратилган хизматлар назарда тутилади.

20. Ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасига мувофиқ тарбияланувчиларни таълим билан қамраб олишда ҳар бир тарбияланувчининг ёши, қизиқишлари, салоҳияти ҳамда соғлиғининг ҳолати ҳисобга олинади.

Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак маркази ходимлари томонидан тарбияланувчиларга таълим олиши учун ўрта-махсус, касбий таълим, олий таълим ташкилотларини танлаш ва уларга кириш учун тайёрланишда кўмаклашиб борилади ҳамда ушбу тадбирларни самарали амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

21. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларида тарбияланувчилар она тилида ёки улар тушунадиган тилда муомала қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилади ҳамда уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғлиғини тиклаш ишлари ҳамда таълим, спорт, маиший ва санъат соҳаларига оид қўшимча машғулотлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ташкил этилади.

22. Ногиронлиги бўлган тарбияланувчиларнинг ижтимоий реабилитацияси учун зарур хизматлардан фойдаланишига шароит яратилади.

23. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига жойлаштирилган тарбияланувчилар озиқ-овқат, шахсий гигиена воситалари ва кийим-кечак билан бепул таъминланади. Бунда тарбияланувчилар мавсумий кийим-кечакка муҳтож бўлган тақдирда, кийим-кечак билан таъминланади.

24. Тарбияланувчилар учун озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ҳафтасига камида бир марта (тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳафтасига камида икки марта) кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказининг тарбиячилари томонидан амалга оширилади.

Тарбиячи тарбияланувчиларни уларнинг ёшига мувофиқ равишда балансланган овқатланишини таъминлайди.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

25. Тарбиячи овқат пишириш учун зарур бўлган маҳсулотлардан сарфланган маҳсулотларни кейинчалик таомнома бўйича ҳисобдан чиқармасдан фойдаланади.

26. Маҳсулотлар чакана савдо ташкилотларидан харид қилганда тўлов чеклари сақлаб қўйилади, озиқ-овқат бозоридан нақд пулга харид қилинган маҳсулотлар учун эса далолатнома тузилади.

27. Озиқ-овқат маҳсулотларини ва бошқа товарларни ҳисобдан чиқариш тарбиячилар томонидан тақдим этилган чеклар ва далолатномалар асосида, Интеграция марказининг доимий ишлайдиган комиссияси томонидан амалга оширилади.

Доимий ишлайдиган комиссия таркиби Интеграция маркази томонидан бир йилга белгиланади ва буйруқ билан тасдиқланади.

28. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари ходимлари тарбияланувчилар билан ишлашда:

тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига, уларнинг ахлоқий ривожланишига зарар етказишга ҳақли эмас;

тарбиялаш усуллари тарбияланувчиларнинг қадр-қимматини таҳқирловчи менсимаслик, шафқатсизлик, қўполлик муносабатларидан ҳоли бўлиши керак;

тарбияланувчиларнинг ака-укалари ва опа-сингилларини, бошқа қариндошлари билан муносабатларини тиклашга ва қўллаб-қувватлашга кўмаклашишлари шарт, бундан тарбияланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган ҳолатлар мустасно;

тарбияланувчиларнинг ўз оилаларига қайтарилиши ёки муқобил жойлаштириш шаклларига берилишини ташкил этишда кўмаклашиши лозим;

тарбияланувчиларнинг ота-оналари билан учрашувига ва уларнинг ота-оналик ҳуқуқлари тикланган тақдирда, уларни оилага қайтаришга қаршилик кўрсатмаслиги керак, бундан тарбияланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган ҳолатлар мустасно.

4-боб. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари ходимлари

29. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак маркази ходимлари Интеграция марказининг директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда уларнинг сони ушбу Низомга иловада келтирилган намунавий штат бирликларига мувофиқ белгиланади.

30. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказига бевосита раҳбарлик мазкур Низомга мувофиқ фаолият юритадиган менежер томонидан амалга оширилади.

31. Менежер:

Интеграция маркази томонидан берилган ваколатлар доирасида кичик ҳажмли ижтимоий кўмак маркази номидан иш кўради ва уни бошқаради;

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

тарбияланувчиларнинг тарбияси ва парваришида ҳамда ҳар олти ойда тиббий диспансер кўригидан ўтказилишида иштирок этади;

тарбияланувчига тегишли ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди;

тарбияланувчига тегишли алимент, боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия (нафақа) ёки ҳомийлик пул маблағларини тегишли тижорат банкларида тарбияланувчиларнинг номига очилган ҳисоб рақамларида жамғариб борилишини таъминлашда ваколатли органга кўмаклашади;

тарбияланувчиларнинг ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасининг амалга оширилиши, ҳаёти муҳофаза қилиниши ва соғлиғи мустаҳкамланиши, ўқув-тарбия, реабилитация жараёнининг ҳолати, молия-хўжалик фаолияти, моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши ва моддий бойликларнинг сақланиши учун жавоб беради.

32. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак маркази ходимлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси асосида ишга жалб қилинади.

Ходимлар Интеграция маркази томонидан тасдиқланган лавозим йўриқномаларига мувофиқ фаолият олиб боради.

33. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак маркази тарбиячилари Интеграция маркази томонидан олий ёки ўрта махсус педагогик, психологик ва ижтимоий иш кўникмасига эга бўлган шахслар орасидан қонунчиликда белгиланган тартибда танлаб олинади.

34. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак маркази тарбияланувчиларига овқат пишириш ушбу уйларнинг тарбиячилари томонидан тарбияланувчилар (бундан ногиронлиги бўлган тарбияланувчилар мустасно) билан биргаликда амалга оширилади.

Тарбиячилар (тарбиячи ёрдамчилари) ўзлари тайёрлаган овқатдан бепул овқатланади.

5-боб. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари таъминоти. Молия-хўжалик фаолияти

35. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига:

ҳар бир тарбияланувчининг озиқ-овқат харажатлари учун бир кунга 7 ёшгача бўлган тарбияланувчига базавий ҳисоблаш миқдори (кейинги ўринларда – БҲМ)нинг 6 фоизи миқдорида, 7 ёшдан катта бўлган тарбияланувчиларга БҲМнинг 8 фоизи миқдорида;

ҳар бир тарбияланувчига кийим-бош ва пойабзал харид қилиш учун уч ойгача бўлган муддатда яшайдиган тарбияланувчига БҲМнинг 3 бараваригача, уч ойдан тўққиз ойгача бўлган муддатда яшайдиган тарбияланувчига БҲМнинг 6 бараваригача ҳамда тўққиз ойдан ортиқ бўлган муддатда яшайдиган тарбияланувчига БҲМнинг 9 бараваригача миқдорида;

тарбияланувчиларни дори воситалари, тиббиёт буюмлари, шахсий гигиена воситалари, канцелярия моллари ва бошқалар билан таъминлаш учун

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

бир ойда БҲМнинг 2 баравари миқдорида, бунда, ҳисобот ойида тарбияланувчиларнинг сони 4 ва ундан кам бўлган ҳолларда, БҲМнинг 1 баравари миқдорида;

тарбияланувчиларни тиббий муассасалар, дам олиш ва кўнгилочар ҳамда савдо маиший хизмат кўрсатиш масканлари, шунингдек дарсдан ташқари машғулотларга бориб келиш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш учун ҳар ойда БҲМнинг 2 баравари миқдорида, бунда, ҳисобот ойида тарбияланувчиларнинг сони 4 ва ундан кам бўлган ҳолларда, БҲМнинг 1 баравари миқдорида қўшимча маблағ ажратилади.

36. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларининг таълим ташкилотларида ўқиётган ҳар бир тарбияланувчисининг енгил тамадди ва йўл кира ҳақи учун бир ойга БҲМнинг 1 баравари миқдорида нақд пул шаклида пул берилади.

37. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар ҳамда Интеграция маркази балансида бўлган турар жойлар учун коммунал тўловлар ҳисоблагичларнинг кўрсаткичлари, интернет тармоғи, чиқинди учун тўловлар белгиланган тарифларга асосан, ижарага олинган тураржой учун тўловлар (ижара, коммунал, интернет тармоғи, чиқинди учун тўловлар) ижара шартномасига мувофиқ Интеграция маркази томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

38. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига жойлаштирилган тарбияланувчиларнинг овқатланишини ташкил этиш тарбиячи томонидан амалга оширилади.

39. Мазкур Низомнинг 35 ва 36-бандларида назарда тутилган пул маблағлари кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари менежери номига очилган банк картасига Интеграция маркази томонидан ўтказиб берилади.

40. Тарбияланувчиларнинг сифатли ва тўлақонли овқатланишининг ташкил этилганлиги, уларни мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказилиши, умумий ривожланиши, ўсиши, вазнини мониторинг қилиш Интеграция маркази, шунингдек Ижтимоий инспекция томонидан ўтказилган ўрганиш натижаларига кўра аниқланади.

41. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказининг моддий-техник базаси зарур жиҳозлар ва тарбияланувчиларни ўқитишда, тарбиялашда ҳамда таълим-тарбия соҳасидаги бошқа вазифаларни ҳал этишда фойдаланиладиган бошқа мол-мулкдан иборат бўлади.

Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак маркази жойлашган бино техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ жиҳозланади ва улардан фойдаланилади.

42. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари:

зарур бўлган асосий воситалар Интеграция маркази томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда харид

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

қилинади. Зарур бўлган асосий воситалар рўйхати Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан белгиланади;

фаолияти билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, штат бирликларини сақлаш, тураржой ижараси, коммунал, санитария-гигиена, озиқ-овқат, жиҳозлар ва бошқа товар-моддий бойликларни харид қилиш ҳамда бошқа зарур харажатлар Интеграция маркази томонидан амалга оширилади.

43. Ушбу Низомнинг 35-бандида назарда тутилган маблағлар Интеграция маркази тарбияланувчиларга олдинги ой мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатни инобатга олган ҳолда кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказининг талабидан келиб чиқиб ажратилади.

Маблағ ажратишда кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари менежери номига очилган банк картасидаги аввалги ойдан қолган қолдиқ маблағ миқдори инобатга олинади.

44. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари таъминоти, шу жумладан моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун харажатлари мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

45. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш қонунчиликка мувофиқ тузиладиган ва тасдиқланадиган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

46. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш, шу жумладан уларга ажратилган маблағлардан фойдаланиш, ушбу жараёнда бюджет ва смета интизомига риоя қилиниши Интеграция марказининг бухгалтерия ҳисоби хизмати томонидан амалга оширилади.

47. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари томонидан озиқ-овқат, кийим-кечак ва шахсий гигиена воситалари ва бошқаларни харид қилиш, бухгалтерия ҳисобида кирим ва чиқим қилиш тартиби қонунчиликка асосан амалга оширилади.

48. Менежер кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказини сақлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланганлик тўғрисидаги ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни белгиланган тартиб ва муддатларда Интеграция марказига тақдим этиб боради.

Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказининг молия-хўжалик фаолияти, ажратилган маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланилиши Интеграция маркази томонидан назорат қилинади.

6-боб. Тарбияланувчиларга кўрсатиладиган комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларининг мониторинги

49. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига жойлаштирилган тарбияланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш,

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

уларнинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини, ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасининг амалга оширилишини ҳамда уларнинг кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказига мослашганлигини мониторинг қилиш кичик ҳажмли ижтимоий кўмак маркази жойлашган ҳудуддаги ваколатли орган томонидан ҳар ойда, Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмалари томонидан заруратга кўра амалга оширилади.

50. Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказларига жойлаштирилган тарбияланувчиларни мониторинг қилишда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилади:

тарбияланувчининг ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасининг амалга оширилиши ҳолати;

тарбияланувчиларнинг психоижтимоий ҳолати, кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари муҳитига мослашганлиги;

тарбияланувчилар ва кичик ҳажмли ижтимоий кўмак маркази ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабат;

кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари ташкил этилган турар жойнинг маиший-хўжалик шароитлари ва санитария ҳолати;

тарбияланувчиларнинг тарбияси, таълим олиши, ақлий ривожланиши, соғлиғи ҳолати, хулқи, эмоционал ҳамда жисмоний ривожланиши;

тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун уларнинг қизиқиш ва қобилиятлари асосида таълим, спорт, маиший ва санъат соҳаларига оид қўшимча машғулотларга жалб этилганлиги.

51. Мониторинг давомида тарбияланувчиларнинг тарбияси, ривожланиши, ҳуқуқлари таъминланиши билан боғлиқ муаммо ёки камчиликлар аниқланган тақдирда, ваколатли орган тегишли давлат ва нодавлат ташкилотларини жалб қилган ҳолда, муаммони бартараф этишга қаратилган маслаҳат, психологик-педагогик, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа ижтимоий хизматлар ташкил этилишини таъминлайди. Бунда, зарур ҳолларда, ваколатли орган, Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмалари томонидан ҳимоя қилиш режаси ёхуд индивидуал интеграция режасига тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

52. Мониторинг натижалари “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимига киритилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

53. Ушбу Низомни қўллаш жараёнида юзага келган низоларни ҳал қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

54. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари тўғрисидаги низомга илова

Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказининг НАМУНАВИЙ ШТАТ БИРЛИКЛАРИ

Т/р	Лавозим номи	Штат бирлиги сони	Меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари
1.	Менежер	0,5	“Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг бош мутахассиси учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади
2.	Психолог	0,5	“Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг психологи учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади
3.	Тарбиячи	Бола сони 7 нафаргача бўлганда 3 та штат бирлиги, бола сони 7 ва ундан ортиқ бўлганда қўшимча равишда 1 та штат бирлиги миқдорида*	Меҳрибонлик уйи тарбиячиси учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади
4.	Тарбиячи ёрдамчиси	5 ёшдан кичик бола қабул қилинган тақдирда ҳар бир кичик ҳажмли ижтимоий кўмак маркази учун 1 та штат бирлиги миқдорида*	Меҳрибонлик уйи тарбиячиси учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади

* **Изоҳ**. *Ҳар ойнинг якуни бўйича тарбияланувчилар қатновининг ўртача миқдори ҳисоб-китоб қилинади ҳамда кейинги ойдан бошлаб штатлар жадвалига тегишли ўзгартириш киритилиши мумкин”.*

Изоҳ. Ушбу илованинг 30-бандида назарда тутилган муҳтож шахсларни ижтимоий карта орқали реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби 2026 йил 1 ноябрдан, илованинг 35-банди “а” кичик банди ва “г” кичик бандининг биринчи–еттинчи хатбошилари ҳамда 48-банд 2026 йил 1 июндан кучга киради.

QMMB: 09/26/271/0529-son
22.05.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “10” майдаги 271-сон қарорига
10-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйлар ҳамда бошқа тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 17 октябрдаги 347-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги айрим тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини тартибга солувчи низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 17 сентябрдаги 575-сон қарорининг 1-бандининг “б” ва “в” кичик бандлари, 2 ва 3-иловалари ҳамда 7-илованинг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарорига 12-илованинг 59-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023 йил 15 декабрдаги 665-сон қарорига 1-илованинг 18-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарорига 2-илованинг 10-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 5 октябрдаги 640-сон қарорига илованинг 4-банди.





БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

QMMB: 10/26/2257-7/0499-son
19.05.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2257-7
2026 - yil 18 - May

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI
O‘ZBESKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASI HUZURIDAGI IQTISODIY JINOYATLARGA QARSHI KURASHISH DEPARTAMENTINING
QARORI

Rieltorlik tashkilotlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish boʻyicha ichki nazorat qoidalariga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 28-iyundagi PF–6252-son “Oʻzbekiston Respublikasining jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish milliy tizimini rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi Farmoniga muvofiq Oʻzbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi va Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti qaror qiladi:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qoʻmitasi hamda Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamentining 2011-yil 8-avgustdagi 01/19-18/04 va 27-son qarori (roʻyxat raqami 2257, 2011-yil 24-avgust) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2011-y., 34-35-son, 357-modda) bilan tasdiqlangan Rieltorlik tashkilotlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish boʻyicha ichki nazorat qoidalariga ilovaga muvofiq oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran uch oydan soʻng kuchga kiradi.

QMMB: 10/26/2257-7/0499-son
19.05.2026-y.

Direktor
2026-yil 10-aprel
01/11-2 son

MURODOV SOHIBJON
G‘OFURJONOVICH

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurorining o'rinbosari - Departament boshlig'i
2026-yil 9-aprel
14-son

XATAMOV JAXONGIR
JURAYEVICH

QMMB: 10/26/2257-7/0499-son
19.05.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi
Davlat aktivlarini boshqarish agentligining
2026-yil 10-apreldagi 01/11-2-son,
O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi
huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi
kurashish departamentining 2026-yil
9-apreldagi 14-son qaroriga
ILOVA

Rieltorlik tashkilotlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar rieltorlik tashkilotlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish maqsadida ichki nazoratni tashkil etish va amalga oshirish tartibini belgilaydi.”.

2. 4-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“4. Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish uchun ichki nazoratini tashkil etish maqsadida rieltorlik tashkilotlarda ushbu Qoidalarga rioya etilishi uchun rahbar yoki uning o‘rinbosari darajasida mas’ul shaxs (bundan buyon matnda mas’ul shaxs deb yuritiladi) tayinlanadi.

Rahbar o‘rinbosari darajasidagi mas’ul shaxs bevosita rahbarga hisobdor hamda o‘z harakatlarini amalga oshirishda tashkilotning boshqa bo‘linmalaridan mustaqil hisoblanadi.

Mas’ul shaxs O‘zbekiston Respublikasining rieltorlik faoliyati to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlarini, shuningdek jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasidagi qonunchilikni hamda xalqaro standartlarni bilishi lozim.”.

3. 4^1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

QMMB: 10/26/2257-7/0499-son
19.05.2026-y.

“4[1]. Har bir rieltorlik tashkiloti qonunchilikka hamda ushbu Qoidalarga asosan quyidagilarni o‘z ichiga olgan ichki qoidalarni ishlab chiqishi, tasdiqlashi va amalga kiritishi lozim:

mas’ul shaxsga qo‘yiladigan talablar, uning maqsadi va vazifalari;

mas’ul shaxsning rieltorlik tashkilotining boshqa xodimlaridan mustaqilligini ta’minlash usullari;

mas’ul shaxsning rahbariyat bilan, shu jumladan xorijdagi filial va vakolatxonalar (agar bo‘lsa) bilan o‘zaro munosabatlari;

mas’ul shaxsning funksiyalarini amalga oshirish uchun zarur axborotni olish huquqi, shuningdek rieltorlik tashkiloti, shu jumladan chet eldagi filiallar va vakolatxonalar (agar bo‘lsa) xodimlarining bunday axborotni taqdim etish masalalari bo‘yicha hamkorlik qilish majburiyati;

mas’ul shaxsning qonunchilik va ichki hujjatlar talablari buzilishlarini o‘rganish huquqi;

mas’ul shaxsning malakasini oshirib borish bo‘yicha talablar;

maxsus vakolatli davlat organining qo‘shimcha ma’lumotlarni taqdim etish haqidagi so‘rovlarni va mijozlarning pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyalarni to‘xtatib turish haqidagi talabnomasini o‘z vaqtida bajarish bo‘yicha choralar;

mas’ul shaxs tomonidan maxsus vakolatli davlat organining rasmiy veb-saytidagi shaxsiy kabinetni yuritish tartibi;

tavakkalchiliklarni aniqlash, baholash, monitoring qilish, boshqarish, kamaytirish va hujjatlashtirish bo‘yicha tegishli choralarni ko‘rish tartibi;

mijozlarni lozim darajada tekshirish, shu jumladan, mijozlarni va ularning benefitsiar mulkdorlarini identifikatsiyalash tartibi;

shubhali operatsiyalarni aniqlash hamda shubhali operatsiyalar to‘g‘risidagi xabarlarni tayyorlash va ularni maxsus vakolatli davlat organiga yuborish tartibi;

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va (yoki) ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish maqsadida texnologik yutuqlardan foydalanilishining oldini olishga qaratilgan choralar;

yuqori mansabdor shaxslar, ularning oila a’zolari hamda yuqori mansabdor shaxslarga yaqin bo‘lgan shaxslar amalga oshirayotgan operatsiyalarini chuqur monitoring qilish tartibi;

tavakkalchilikning yuqori darajasi toifasiga kiritilgan mijozlarning hisobini yuritish va monitoring qilish hamda bunday mijozlar operatsiyalarini monitoring qilish tartibi;

QMMB: 10/26/2257-7/0499-son
19.05.2026-y.

qonunchilik hujjatlariga zid bo‘lmagan boshqa qoidalar.

Ichki qoidalar mazkur Qoidalar va boshqa qonunchilik hujjatlarining talablariga muvofiq bo‘lishi hamda aniqlangan tavakkalchiliklar va ularning bahosidan kelib chiqib tuzilishi kerak. Ichki qoidalar, ularga kiritilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar rieltorlik tashkiloti rahbari tomonidan tasdiqlanadi.”.

4. Quyidagi mazmundagi 4^3 va 4^4-bandlar bilan to‘ldirilsin:

“4^3. Rieltorlik tashkilotlarining nazorati ostida yoki ahamiyatli ta’siri doirasida bitta yoki bir nechta pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyalarni amalga oshiruvchi tashkilotlar bo‘lgan taqdirda, ichki qoidalar ushbu tashkilotlar tomonidan guruhiy yondashuv asosida ishlab chiqilishi va quyidagilarni o‘z ichiga olishi kerak:

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va (yoki) ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish bilan bog‘liq tavakkalchiliklarni boshqarish va mijozlarni lozim darajada tekshirish uchun zarur bo‘lgan ma’lumotlarni almashish qoidalari va tartib-taomillari;

komplayens nazoratni, auditni va (yoki) jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va (yoki) ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish funksiyalarini guruh darajasida ta’minlash, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va (yoki) ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish maqsadlari uchun zarur bo‘lgan hollarda filiallardan va shu’ba korxonalardan ularning mijozlari, moliyaviy hujjatlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarning olinishini ta’minlash;

maxfiylik va ma’lumotlardan foydalanishni yetarli darajada himoya qilish.

4^4. Quyidagi shaxslar rieltorlik tashkilotining rahbari, ta’sischisi, benefitsiar mulkdori bo‘lishi mumkin emas:

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurollarini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasidagi xalqaro hamkorlikda ishtirok etmayotgan davlatlarda doimiy yashovchi, vaqtincha turgan yoki ro‘yxatdan o‘tgan shaxslar;

iqtisodiy jinoyatlar, shuningdek, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurollarini tarqatishni moliyalashtirish, uyushgan jinoyatchilik, korrupsiya va boshqaruv tartibiga qarshi jinoyatlar sodir etganlik uchun sudlanganlik holati tugallanmagan yoki sudlanganligi olib tashlanmagan shaxslar.”.

QMMB: 10/26/2257-7/0499-son
19.05.2026-y.

5. 6-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. Rieltorlik tashkilotlari har yili 10-yanvarga qadar pochta aloqasi vositalari yoki elektron shaklda mazkur Qoidalarning 1-ilovasiga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligiga (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) tayinlangan mas’ul shaxs haqida va ushbu Qoidalar talablariga rioya etilishi to‘g‘risida ma’lumotlarni taqdim etishlari shart.”.

6. Quyidagi mazmundagi 11^1-band bilan to‘ldirilsin:

“11^1. Rieltorlik tashkilotlari mijozlarga ko‘chmas mulkni sotish va (yoki) sotib olish bilan bog‘liq to‘lovlarni bank kartalari va (yoki) elektron to‘lov tizimlaridan foydalangan holda naqdsiz shaklda amalga oshirish maqsadga muvofiqligi to‘g‘risida axborot beradi, shuningdek, boshqa hisob-kitob shakllaridan foydalanish bilan bog‘liq xavflar haqida ogohlantiradi.”.

7. 14^3-band quyidagi mazmundagi beshinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Rieltorlik tashkiloti mijoz bilan ish munosabatlariga kirishish to‘g‘risidagi qarorni o‘z tavakkalchiliklaridan kelib chiqib, mustaqil ravishda qabul qiladi hamda foydalanuvchini lozim darajada tekshirish bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirishga haqli.”.

8. 17^1-banddagi “ilovasida” degan so‘z “2-ilovasida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

9. Quyidagi mazmundagi 20^5 va 20^6-bandlar bilan to‘ldirilsin:

“20^5. Chet el rieltorlik tashkilotlarining alohida bo‘linmalari (agar mavjud bo‘lganda) jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish borasidagi chora-tadbirlarni amalga oshirishda ular joylashgan mamlakat talablariga rioya qilishlari lozim, mazkur talablar O‘zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlari talablaridan farq qilgan taqdirda, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasidagi xalqaro standartlarni qo‘llashi lozim.

Rieltorlik tashkilotlari o‘zlarining xorijdagi alohida bo‘linmalaridan mazkur ajratilgan bo‘linmalar joylashgan mamlakat qonunchilik hujjatlaridagi taqiqlar tufayli jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha tegishli tadbirlarni amalga oshirish mumkin bo‘lmagan holatlar to‘g‘risida Agentlikka va maxsus vakolatli davlat organiga xabar berishi shart.

QMMB: 10/26/2257-7/0499-son
19.05.2026-y.

Rieltorlik tashkilotlari o‘zlarining chet eldagi alohida bo‘linmalari agarda ular joylashgan mamlakatning qonunchilik hujjatlarida rieltorlik tashkilotining ichki qoidalariga nisbatan yengilroq ichki nazorat choralari belgilangan bo‘lsa, ular jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish borasidagi chora-tadbirlarni amalga oshirishda rieltorlik tashkilotining ichki qoidalariga rioya qilishlari kerak.

20^6. Agentlik yiliga kamida bir marta, shuningdek, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga yoki ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasidagi qonunchilik o‘zgargan taqdirda, rieltorlik tashkilotlari faoliyatida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan tavakkalchilik darajasini o‘rganadi.”.

10. 21-band quyidagi mazmundagi o‘n to‘qqizinchi – yigirmanchi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“Ichki qoidalar bilan shubhali operatsiyalarni qo‘shimcha mezonlari belgilanishi mumkin.

Rieltorlik tashkilotlari maxsus vakolatli davlat organi bilan kelishilgan holda Agentlik tomonidan ishlab chiqiladigan va tavsiyaviy xarakterga ega bo‘lgan uslubiy qo‘llanmalar asosida shubhali operatsiyalarni dastlabki aniqlash indikatorlari tizimini yo‘lga qo‘yishlari mumkin.”.

11. Quyidagi mazmundagi 29^3-band bilan to‘ldirilsin:

“29^3. Mijozlarni lozim darajada tekshirish natijasida olingan ma’lumotlar ahamiyati va tavakkalchiliklardan kelib chiqqan holda hamda mijoz ma’lumotlarida o‘zgarishlar bo‘lganda, biroq mijoz tomonidan jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirishni va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishni amalga oshirish tavakkalchiligi rieltorlik tashkilotlar tomonidan yuqori baholanganda yiliga kamida bir marotaba, boshqa hollarda ikki yilda kamida bir marotaba yangilanishi lozim.”.

12. Ilova mazkur o‘zgartirish va qo‘shimchalarning 1-ilovasiga muvofiq tahrirda bayon etilsin.

13. Mazkur o‘zgartirish va qo‘shimchalarning 2-ilovasiga muvofiq tahrirdagi 2-ilova bilan to‘ldirilsin.

QMMB: 10/26/2257-7/0499-son
19.05.2026-y.

Rieltorlik tashkilotlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga kiritilayotgan o‘zgartish va qo‘shimchalarga
1-ILOVA

“Rieltorlik tashkilotlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga
1-ILOVA

Rieltorlik tashkiloti mas’ul xodimi va ichki qoidalarning amalga oshirilishi to‘g‘risidagi MA’LUMOTLAR

_____

(rieltorlik tashkiloti nomi)

1.	Mas’ul shaxsning familiyasi, ismi, otasining ismi, lavozimi, telefon raqami	
2.	Mas’ul shaxs etib tayinlanganligi to‘g‘risidagi buyruq sanasi va raqami	
3.	Sudlanganligi yoki sudlanmaganligi to‘g‘risida ma’lumot	
4.	Rieltorlik tashkiloti tomonidan o‘tgan yil uchun ko‘rsatilgan xizmatlar summasi to‘g‘risida ma’lumot	
5.	Rieltorlik tashkiloti tomonidan o‘tgan yil uchun ko‘rsatilgan xizmatlar bo‘yicha tuzilgan shartnomalar soni to‘g‘risida ma’lumot	
6.	Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazoratni ta’minlash bo‘yicha rieltorlik tashkiloti tomonidan tasdiqlangan hujjat nomi va sanasi	
7.	Rieltorlik tashkilotining mas’ul shaxsi va xodimlarining doimiy ravishda qayta tayyorgarlikdan o‘tkazilishini amalga oshirish to‘g‘risidagi ma’lumot	
8.	Maxsus vakolatli davlat organiga yuborilgan xabarlar soni	
9.	Rieltorlik xizmatlarini ko‘rsatish rad etilgan mijozlar soni (rad etish sababi)	

”.

QMMB: 10/26/2257-7/0499-son
19.05.2026-y.

Rieltorlik tashkilotlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga kiritilayotgan o‘zgartish va qo‘shimchalarga
2-ILOVA

“Rieltorlik tashkilotlari uchun jinoiy faolivatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga
2-ILOVA

Mijoz va uning benefitsiar mulkdorini identifikatsiyalashda zarur bo‘lgan MA’LUMOTLAR

1.	To‘liq, shuningdek davlat ro‘yxatidan o‘tganligi to‘g‘risidagi guvohnomasida ko‘rsatilgan bo‘lsa, qisqartirilgan nomi	
2.	Davlat ro‘yxatidan o‘tganligi to‘g‘risidagi guvohnomada ko‘rsatilgan ma’lumotlar (sana, raqam, ro‘yxatga oluvchi organ nomi)	
3.	Soliq to‘lovchining identifikatsiya raqami	
4.	Joylashgan joyi (pochta manzili, filiallar va vakolatxonalar mavjudligi to‘g‘risidagi ma’lumotlar)	
5.	Mijoz va benefitsiar mulkdorni amaliy ish munosabatlari to‘g‘risidagi ma’lumotlar	
6.	Litsenziyalanishi lozim bo‘lgan faoliyat turlarini amalga oshirish uchun mavjud bo‘lgan litsenziyalar to‘g‘risida ma’lumotlar (faoliyat turi, litsenziyaning raqami va berilgan sanasi, kim tomonidan berilganligi, amal qilish muddati)	
7.	Mijoz vakili shaxsining identifikatsiyasi (pasport, ID-karta yoki unga tenglashtirilgan hujjatlar asosida) hamda vakolatlarini tekshirish to‘g‘risidagi ma’lumotlar	
8.	Mijozning ta’sischilari (aksiyadorlari, ishtirokchilari) haqidagi hamda ularning ustav fondi (kapitali)dagi ulushlari, benefitsiar mulkdorini identifikatsiyalash (shaxsini va yashash joyini aniqlash, yuqori mansabdor shaxs, uning oila a’zosi yoki unga yaqin shaxs ekanligi to‘g‘risida belgi) to‘g‘risidagi ma’lumotlar	
9.	Ro‘yxatga olingan va to‘langan ustav fondi (kapitali) miqdori to‘g‘risidagi ma’lumotlar	
10.	Mijozning boshqaruv organlari (yuridik shaxsning boshqaruv organlarining tuzilmasi va shaxsiy tarkibi) to‘g‘risidagi ma’lumotlar	
11.	Bog‘lanish ma’lumotlari (telefon raqamlari, elektron pochta, veb-sayt (agar mavjud bo‘lsa)	
12.	Ichki qoidalar bilan aniqlangan boshqa ma’lumotlar	

”.

QMMB: 10/26/3545-1/0500-son
19.05.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3545-1
2026 - yil 18 - May

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

Shaharsozlik normalari va qoidalari, fitosanitariya talablari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari, ekologik normalar va qoidalar, veterinariya, veterinariya-sanitariya qoidalari va normalarini tayyorlash, huquqiy ekspertizadan o'tkazish va hisobga olish qoidalariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 19-maydagi PF–5997-son "Davlat huquqiy siyosatini amalga oshirishda adliya organlari va muassasalari faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi hamda 2025-yil 14-iyuldagi PF–111-son "Davlat boshqaruvi tizimida samaradorlik, proaktivlik va natijadorlikni oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmonlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 29-iyuldagi 17-mh-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3545, 2024-yil 6-avgust) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 07.08.2024-y., 10/24/3545/0590-son) bilan tasdiqlangan Shaharsozlik normalari va qoidalari, fitosanitariya talablari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari, ekologik normalar va qoidalar, veterinariya, veterinariya-sanitariya qoidalari va normalarini tayyorlash, huquqiy ekspertizadan o'tkazish va hisobga olish qoidalariga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir
18-May 2026-yil
19-mh-son

TASHKULOV AKBAR
DJURABAYEVICH

QMMB: 10/26/3545-1/0500-son
19.05.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi adliya
vazirining 2026-yil 18-maydagi
19-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

Shaharsozlik normalari va qoidalari, fitosanitariya talablari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari, ekologik normalar va qoidalar, veterinariya, veterinariya-sanitariya qoidalari va normalarini tayyorlash, huquqiy ekspertizadan o‘tkazish va hisobga olish qoidalariga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. 6-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. Texnik hujjatlarga huquqiy normalar kiritilishiga yo‘l qo‘yilmaydi, bundan mazkur bandning ikkinchi xatboshisi mustasno.

Sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari, fitosanitariya talablari, ekologik normalar va qoidalar, veterinariya hamda veterinariya-sanitariya qoidalari va normalarini xalqaro standartlarga moslashtirish jarayonida ularga huquqiy normalarni kiritishga yo‘l qo‘yiladi.”.

2. 12-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Texnik hujjatlarning amal qilish muddati butun hujjat yoki uning qismlari uchun belgilanishi mumkin. Bunday holda texnik hujjat yoxud uning bir qismi qaysi muddatga yoki qanday hodisa yuz berguniga qadar o‘z kuchini saqlab qolishi ko‘rsatilishi kerak.”.

3. 20-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Muqaddimada texnik hujjatni qabul qilishning sabablari, maqsadlari va vazifalari, shuningdek qonun hujjatlari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari hamda Vazirlar Mahkamasining qarorlarini (ularning moddalari yoki bandlarini) bajarish yuzasidan yoki ular asosida qabul qilinayotganligi ko‘rsatiladi.”.

4. 21-band quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“Texnik hujjatda quyidagilarga:

ikkitalik raqamlar va (yoki) harflarni ishlatishga (masalan, “1.1”, “5.1.1”, “1.a”, “a.a” va h.k.);

bir vaqtning o‘zida kichik bandlarni va mustaqil (kichik bandlar bilan bog‘lanmagan) xatboshilarni bayon etishga;

xatboshilar boshlanishida defis yoki boshqa belgilar ishlatishga yo‘l qo‘yilmaydi.”.

5. 22-band quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“Quyidagi tuzilmaviy birliklar:

agar texnik hujjatda boblar bo‘lmasa, bo‘lim;

agar texnik hujjatda band bo‘lmasa, kichik band va xatboshi kiritilishiga yo‘l qo‘yilmaydi.”.

6. 41-banddagi “standartlar” hamda “standartlar va boshqa hujjatlar” degan so‘zlar tegishli ravishda “shaharsozlik normalari va qoidalari” hamda “shaharsozlik normalari va qoidalari hamda boshqa hujjatlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. 48-bandda:

quyidagi mazmundagi uchinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

QMMB: 10/26/3545-1/0500-son
19.05.2026-y.

“texnik hujjatning o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilgan tegishli tuzilmaviy birligining taklif etilayotgan tahriri;”;

uchinchi xatboshi to‘rtinchi xatboshi deb hisoblansin.

8. 49-bandning ikkinchi – to‘rtinchi xatboshilaridagi “polujirniy” degan so‘z “yarim qora” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

9. 4-bobning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“4-bob. Texnik hujjatni rasmiylashtirish, kelishish, jamoatchilik muhokamasi va uni qabul qilish”.

10. 55-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Texnik hujjat loyihasi qonunchilikka muvofiq bo‘lsa, shuningdek unda huquqiy normalar mavjud bo‘lmasa (bundan sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari, fitosanitariya talablari, ekologik normalar va qoidalar, veterinariya hamda veterinariya-sanitariya qoidalari va normalarini xalqaro standartlarga moslashtirish jarayoni mustasno), yuridik xizmat rahbari tomonidan imzolanadi va xulosa tayyorlanadi.”.

11. 57-bandda:

quyidagi mazmundagi to‘qqizinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“texnik hujjat loyihasi Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasi portaliga jamoatchilik muhokamasi o‘tkazilishi uchun joylashtirilgan bo‘lsa, uning natijalari haqidagi ma’lumotlar, bunda qoida tariqasida, yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan takliflarni ko‘rib chiqish natijalari ko‘rsatiladi;”;

to‘qqizinchi xatboshi o‘ninchi xatboshi deb hisoblansin.

12. Quyidagi mazmundagi 60^1 va 60^2-bandlar bilan to‘ldirilsin:

“60^1.Vazirlik va idoralar tomonidan texnik hujjatlarning loyihalari Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasi portalida jamoatchilik muhokamasini o‘tkazish uchun joylashtirilishi mumkin, bundan yangi qabul qilingan qonunchilik hujjatlari talablariga muvofiqlashtirishni nazarda tutuvchi hamda davlat siri hisoblangan ma’lumotlar va maxfiy ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan texnik hujjatlar loyihalari mustasno.

Texnik hujjat loyihasini Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasi portaliga joylashtirish texnik hujjat qabul qilinishidan oldin amalga oshiriladi.

Texnik hujjat loyihasini Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasi portaliga joylashtirish muddati loyihani ishlab chiquvchi vazirlik va idoralar tomonidan belgilanadi.

60^2. Texnik hujjat loyihasi bo‘yicha jamoatchilik muhokamasi ishtirokchilaridan kelib tushgan fikr-mulohazalar va (yoki) takliflarni hisobga olish loyihani qabul qilingan fikr-mulohazalar va (yoki) takliflarga muvofiq maromiga yetkazish yo‘li bilan amalga oshiriladi.

Kelib tushgan fikr-mulohazalar va (yoki) takliflar rad etilgan taqdirda loyihani ishlab chiquvchi ularni rad etish sababini asoslashi shart.”.

13. 64-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“64. O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligiga huquqiy ekspertizadan o‘tkazish va hisobga olish uchun texnik hujjat tasdiqlangan holda uni qabul qilgan organ tomonidan ushbu texnik hujjat qabul qilingan kunning o‘zida yagona elektron tizim orqali taqdim etiladi (bundan davlat siri hisoblangan ma’lumotlar va maxfiy ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan texnik hujjatlar mustasno).”.

QMMB: 10/26/3545-1/0500-son
19.05.2026-y.

14. 71-bandning “g” kichik bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“g) hujjatda huquqiy normalar qo‘llanilgan bo‘lsa (bundan sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari, fitosanitariya talablari, ekologik normalar va qoidalar, veterinariya hamda veterinariya-sanitariya qoidalari va normalarini xalqaro standartlarga moslashtirish jarayoni mustasno);”.

15. 72 va 73-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“72. Yagona elektron tizim orqali taqdim etilgan texnik hujjatni huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijasida unda texnik ko‘rinishdagi, shu jumladan hujjat mazmunining o‘zgarishiga olib kelmaydigan xatoliklar mavjudligi aniqlangan taqdirda mazkur xatoliklar O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan yagona elektron tizim orqali bartaraf etilishi mumkin. Bunda texnik hujjatda aniqlangan texnik ko‘rinishdagi, shu jumladan mazmun o‘zgarishiga olib kelmaydigan xatoliklar ushbu hujjatni qabul qilgan vazirlik yoki idoraning birinchi rahbari tomonidan yozma yoki elektron tizim orqali rozilik berilgan taqdirda bartaraf etiladi.

Bunda xatoliklar bartaraf etilgan texnik hujjat uni qabul qilgan vazirlik yoki idora birinchi rahbarining roziligini olish uchun O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan hujjatni qabul qilgan vazirlik yoki idoraga beriladi.

Texnik hujjatni huquqiy ekspertizadan o‘tkazish muddati ushbu hujjat vazirlik yoki idoraning birinchi rahbariga rozilik olish uchun yuborilgan kundan rozilik olingan kunga qadar to‘xtatib turiladi.

73. O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan hisobga olish rad etilgan texnik hujjatlar rad etilgan vaqtdan e’tiboran bekor qilingan hisoblanadi hamda vazirlik va idoralar tomonidan ularni bekor qilish uchun alohida hujjat qabul qilish talab etilmaydi.

Bunda O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining hisobga olishni rad etish to‘g‘risidagi xulosasi imzolangan vaqtdan texnik hujjatda uning bekor qilinganligi haqidagi belgi avtomatik tarzda elektron tizimda qayd etiladi.

Hisobga olish rad etilgan texnik hujjat O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi xulosasini e’tiborga olgan holda qayta ishlab chiqilishi va hisobga olish uchun takroran taqdim etilishi mumkin.

Mazkur Qoidalarning 71-bandi “b” va “v” kichik bandlarida ko‘rsatilgan asoslar bo‘yicha hisobga olish rad etilganda, vazirlik va idoralar bir oy ichida rad etish sabablarini bartaraf etishga va ushbu texnik hujjatni hisobga olish uchun takroran taqdim etishga majburdirlar.”.

16. 75-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“75. Texnik hujjatni hisobga olish yagona elektron tizim orqali texnik hujjatni hisobga olish to‘g‘risida O‘zbekiston Respublikasi adliya vaziri tomonidan tasdiqlanadigan xulosa bilan rasmiylashtiriladi.

Davlat siri hisoblangan ma’lumotlar va maxfiy ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan texnik hujjatni hisobga olish O‘zbekiston Respublikasi adliya vaziri tomonidan, istisno tariqasida, qog‘oz shaklida tasdiqlanadigan texnik hujjatni hisobga olish to‘g‘risidagi xulosa bilan rasmiylashtiriladi.

QMMB: 10/26/3545-1/0500-son
19.05.2026-y.

Texnik hujjatni hisobga olish to‘g‘risidagi xulosa asosida hisobga olish raqami berilgan holda Davlat reyestriga tegishli ma’lumot kiritiladi.

Texnik hujjatlar reyestri elektron shaklda yuritiladi.

Texnik hujjatni hisobga olish to‘g‘risidagi belgi (texnik hujjatni o‘tkazish raqami va sanasi, shuningdek davlat siri hisoblangan ma’lumotlar va maxfiy ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan texnik hujjatlar uchun qo‘shimcha ravishda O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining gerbli muhri) buyruq yoki qarorning yuqori qismiga qo‘yiladi.

Davlat siri hisoblangan ma’lumotlar va maxfiy ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan texnik hujjatlarning rasmiylashtirilgan asl nusxasi texnik hujjatni huquqiy ekspertizadan o‘tkazish va hisobga olish uchun taqdim etgan vazirlik yoki idoraga belgilangan tartibda yuboriladi.

Vazirlik va idoralar hisobga olingan texnik hujjatni O‘zbekiston Respublikasi Qonunchilik hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasidan elektron ko‘rinishda yuklab olishlari mumkin.”.

17. 6-bob quyidagi mazmundagi paragraf bilan to‘ldirilsin:

“1^1-§. Texnik hujjatlar amal qilishining to‘xtatib turilishi

86^1. Texnik hujjatning yoki uning tuzilmaviy birligining amal qilishi uni qabul qilgan organ yoxud uning yuqori turuvchi organi tomonidan muayyan muddatga yoki muayyan hodisa yuz berguniga qadar to‘xtatib turilishi mumkin. Bunda texnik hujjatning yoki uning tuzilmaviy birligining amal qilishi muayyan hodisa yuz berguniga qadar to‘xtatib turilgan holda, qanday hodisa yuz berishi lozimligi aniq ko‘rsatilishi hamda ushbu hodisa barchaga ma’lum bo‘lishi lozim.

Texnik hujjatning yoki uning tuzilmaviy birligining amal qilishini to‘xtatib turish yoki qayta tiklash tegishli texnik hujjat bilan amalga oshiriladi.

Muayyan muddatga to‘xtatilgan texnik hujjatning yoki uning tuzilmaviy birligining amal qilishini to‘xtatib turish muddati tugagandan so‘ng avtomatik ravishda qayta tiklangan hisoblanadi. Bunda amal qilishni qayta tiklash to‘g‘risidagi texnik hujjat qabul qilinishi talab etilmaydi.

Muayyan hodisa yuz berguniga qadar to‘xtatib turilgan texnik hujjatning yoki uning tuzilmaviy birligining amal qilishi tegishli texnik hujjat bilan qayta tiklanadi.”.

18. 1-ilova mazkur o‘zgartirish va qo‘shimchalarning 1-ilovasiga muvofiq tahrirda bayon etilsin.

QMMB: 10/26/3545-1/0500-son
19.05.2026-y.

Shaharsozlik normalari va qoidalari, fitosanitariya talablari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari, ekologik normalar va qoidalar, veterinariya, veterinariya-sanitariya qoidalari va normalarini tayyorlash, huquqiy ekspertizadan o‘tkazish va hisobga olish qoidalariga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalarga
ILOVA

“Shaharsozlik normalari va qoidalari, fitosanitariya talablari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari, ekologik normalar va qoidalar, veterinariya, veterinariya-sanitariya qoidalari va normalarini tayyorlash, huquqiy ekspertizadan o‘tkazish va hisobga olish qoidalariga
1-ILOVA

NAMUNA

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI HUZURIDAGI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK VA JAMOAT SALOMATLIGI QO‘MITASINING QARORI

O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta’lim tashkilotlarida tarbiyalanayotgan bolalarning xavfsiz va sifatli ovqatlanishining tashkil etilishiga oid sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlarini (0016-21-son SanQvaN) tasdiqlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining “Aholining sanitariya-epidemiologik osoyishtaligi to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 10-noyabrdagi PQ–4887-son “Aholining sog‘lom ovqatlanishini ta’minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta’lim tashkilotlarida tarbiyalanayotgan bolalarning xavfsiz va sifatli ovqatlanishining tashkil etilishiga oid sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari (0016-21-son SanQvaN) ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Bosh davlat sanitariya vrachi tomonidan 2017-yil 14-fevralda tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta’lim muassasalarida tarbiyalanayotgan bolalarni xavfsiz va sifatli ovqatlanishini tashkil etilishiga oid gigiyenik talablar” (0348-17-son SanQvaN) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi raisi — O‘zbekiston Respublikasi Bosh davlat sanitariya vrachi *(электрон рақамли имзо)* **X. Xxxxxxxx**

Toshkent sh.,
2026-yil 9-yanvar,
92-son

QMMB: 10/26/3545-1/0500-son
19.05.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi
huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik
va jamoat salomatligi qo‘mitasining 2026-yil
9-yanvardagi 92-son qaroriga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta’lim tashkilotlarida tarbiyalanayotgan bolalarning xavfsiz va sifatli ovqatlanishining tashkil etilishiga oid sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari (0016-21-son SanQvaN)

Mazkur sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari (bundan buyon matnda sanitariya qoidalari deb yuritiladi) maktabgacha ta’lim tashkilotlarida tarbiyalanayotgan bolalarning xavfsiz va sog‘lom ovqatlanishini tashkil etish, yuqumli va yuqumli bo‘lmagan kasalliklar profilaktikasi hamda ovqatdan zaharlanishlarning oldini olish choralarini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur sanitariya qoidalari tashkiliy-huquqiy va mulkchilik shaklidan qat’iy nazar barcha maktabgacha ta’lim tashkilotlariga nisbatan tatbiq etiladi.

…

5. Taomnomalarga kiritilgan taomlarning maxsus ishlab chiqilgan texnologik xaritalari bo‘lishi shart. Ushbu texnologik xaritalarda taomlarning tarkibiy qismlari, energetik qiymati, oqsil, yog‘ va uglevodlarning miqdori hamda tayyorlangan taomning hajmi ko‘rsatilgan bo‘lishi kerak.

Ba’zi mahsulotlar bo‘lmaganda ular boshqa mahsulotlar bilan almashtiriladi. Bunda mazkur sanitariya qoidalarining ilovasiga muvofiq mahsulotlarni almashtirish jadvalidan foydalaniladi.

Yagona mavsumiy taomnoma asosida faoliyat yuritayotgan davlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarida oziq-ovqat ta’minotida keskin uzilishlar yuzaga kelgan hollarda taomnomadagi taom boshqa bir taom bilan almashtirilishi lozim. Bunda almashtiriluvchi taomning tarkibi va energetik qiymati to‘liq hisob-kitob qilingan holda amalga oshiriladi.

6. Taomni to‘g‘ri tayyorlash va tayyor taomning hajmi normaga muvofiq kelishi uchun mazkur sanitariya qoidalarining 5-ilovasiga muvofiq oziq-ovqat mahsulotlarining dastlabki va issiqlik ishlovini berishda og‘irlik yo‘qotish miqdori jadvalidan foydalanilishi lozim.

…

2-bob. Bolalarning maktabgacha ta’lim tashkilotida bo‘lishiga muvofiq ovqatlanishni tashkil qilish

11. Bolalarning maktabgacha ta’lim tashkilotlarida (guruhlarda) bo‘ladigan vaqti quyidagicha bo‘lishi mumkin:

bolalar 3-4 soat bo‘ladigan guruhlarida – kunduzgi uyqu tashkil etilmaydi va bir martalik ovqatlantirish tashkil etilishi mumkin;

bolalar 9 – 10,5 soat bo‘ladigan guruhlarida – to‘rt martalik ovqatlantirish tashkil etilishi va kunduzgi uyqu uchun sharoitlar yaratilgan bo‘lishi kerak;

bolalar 12 soat bo‘ladigan guruhlarida – to‘rt martalik ovqatlantirish tashkil etilishi, kunduzgi uyqu uchun sharoitlar yaratilgan bo‘lishi kerak;

Maktabgacha ta’lim tashkilotlarining bolalar kecha-yu kunduz bo‘ladigan guruhlarida kunduzgi va tungi uyqu hamda besh martalik ovqatlantirish tashkil etilishi uchun sharoitlar yaratilgan bo‘lishi kerak.

QMMB: 10/26/3545-1/0500-son
19.05.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta’lim tashkilotlarida tarbiyalanayotgan bolalarning xavfsiz va sifatli ovqatlanishining tashkil etilishiga oid sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlariga
ILOVA

Ayrim oziq-ovqat mahsulotlarni almashtirilishi jadvali

Mahsulot nomi	Og‘irligi (g)	Almashtiriladigan mahsulot	Og‘irligi (g)
1-navli bug‘doy unidan yopilgan oq non	100	1-navli bug‘doy uni	75
1-kategoriyali mol go‘shti	100	Quyon go‘shti	98
		1-toifa tovuq va kurka go‘shti	110
		Tozalangan baliq	125
		Tvorog	120
		Tuxum	145
Yog‘i olinmagan sut	100	Germetik o‘ramdagi quruq sut	12
		Quyultirilgan shakarli sut	38
		Tvorog	17
		Yog‘li qatiq	103
		Pishloq	12,5
		1-kategoriyali mol go‘shti	15
		Tovuq go‘shti	22
		Tozalangan baliq	20
Parranda tuxumi (1 dona)		Tvorog	31
		Mol go‘shti	72
		Tozalangan baliq	30

”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3834
2026 - yil 18 - May

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG‘I

O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 14-iyuldagi PF–111-son “Davlat boshqaruvi tizimida samaradorlik, proaktivlik va natijadorlikni oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son “Mehnatni muhofaza qilish sohasiga oid ayrim nizomlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 5-may
16-2026/B-son

ZAXIDOV BOTIR
ERKINOVICH

O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish
va bandlik vazirining 2026-yil 5-maydagi 16-2026/B-son
buyrug‘iga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan qo‘shimcha va o‘zgartirishlar

1. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 28-dekabrdagi 84-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2076, 2010-yil 3-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 5-son, 46-modda, 51-son, 495-modda) bilan tasdiqlangan Ijtimoiy ta’minot muassasalari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) quyidagi mazmundagi 3^1-band bilan to‘ldirilsin:

“3^1. Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha nazorat O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.”;

2) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish borasidagi ishlarni tashkil qilish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

3) quyidagi mazmundagi 7^1-band bilan to‘ldirilsin:

“7^1. Muassasalarda quyidagi asosiy hujjatlar ishlab chiqiladi (tasdiqlanadi) va yuritiladi:

mehnat sharoitlari va mehnatni muhofaza qilish ishlarini yaxshilash, sanitariya-sog‘lomlashtirish chora-tadbirlari bo‘yicha bo‘limni o‘z ichiga olgan jamoaviy shartnoma;

tasdiqlangan mehnat sharoitlarini baholash va ish o‘rinlarini attestatsiya qilish uslubiga muvofiq ish o‘rinlarini attestatsiya qilish kartalari;

mehnatni muhofaza qilish xizmatining choraklik ish rejalari;

xodimlarni o‘qitish, yo‘l-yo‘riq berish va bilimlarini sinovdan o‘tkazish dasturlari;

mehnatni muhofaza qilish boʻyicha maʼmuriy-jamoatchilik nazoratini yuritish jurnali (uch bosqichli nazorat);

xodimlar bilan yongʻinga qarshi yoʻl-yoʻriq berish va yongʻin-texnikaviy minimum mashgʻulotlarini oʻtkazish dasturi;

har bir kasb va ish turlari boʻyicha mehnatni muhofaza qilish yoʻriqnomalari.”;

4) quyidagi mazmundagi 11^1-band bilan toʻldirilsin:

“11^1. Xodimlarning mehnatni muhofaza qilish boʻyicha bilimlarini sinovdan oʻtkazish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha yoʻl-yoʻriqdan oʻtkazish, oʻqitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

5) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Ishlarni texnologik reglament boʻyicha xavfsiz yuritish yoʻriqnomalari Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha yoʻriqnomalarni ishlab chiqish toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq ishlab chiqiladi va tashkilot xodimlarini hamda ish joylarini ushbu yoʻriqnomalar bilan taʼminlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”.

2. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 22-yanvardagi 91-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2083, 2010-yil 27-fevral) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2010-y., 9-son, 70-modda) bilan tasdiqlangan Karlar jamiyatining oʻquv-ishlab chiqarish tashkilotlari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) quyidagi mazmundagi 3^1-band bilan toʻldirilsin:

“3^1. Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha nazorat Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.”;

2) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish borasidagi ishlarni tashkil qilish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

3) quyidagi mazmundagi 7^1-band bilan toʻldirilsin:

“7[1]. Tashkilotlarda quyidagi asosiy hujjatlar ishlab chiqiladi (tasdiqlanadi) va yuritiladi:

mehnat sharoitlari va mehnatni muhofaza qilish ishlarini yaxshilash, sanitariya-sog‘lomlashtirish chora-tadbirlari bo‘yicha bo‘limni o‘z ichiga olgan jamoaviy shartnoma;

tasdiqlangan mehnat sharoitlarini baholash va ish o‘rinlarini attestatsiya qilish uslubiga muvofiq ish o‘rinlarini attestatsiya qilish kartalari;

mehnatni muhofaza qilish xizmatining choraklik ish rejalari;

mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha ma’muriy-jamoatchilik nazoratini yuritish jurnali (uch bosqichli nazorat);

xodimlar bilan yong‘inga qarshi yo‘l-yo‘riq berish va yong‘in-texnikaviy minimum mashg‘ulotlarini o‘tkazish dasturi;

har bir kasb va ish turlari bo‘yicha mehnatni muhofaza qilish yo‘riqnomalari.”;

4) quyidagi mazmundagi 11[1]-band bilan to‘ldirilsin:

“11[1]. Xodimlarning mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha bilimlarini sinovdan o‘tkazish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘l-yo‘riqdan o‘tkazish, o‘qitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

5) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Ishlarni texnologik reglament bo‘yicha xavfsiz yuritish yo‘riqnomalari O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘riqnomalarni ishlab chiqish to‘g‘risidagi nizomga muvofiq ishlab chiqiladi va tashkilot xodimlarini hamda ish joylarini ushbu yo‘riqnomalar bilan ta’minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”.

3. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 18-fevraldagi 98-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2087, 2010-yil 19-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 10-11-son, 82-modda) bilan tasdiqlangan Qurilish keramikasi ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) quyidagi mazmundagi 3[1]-band bilan to‘ldirilsin:

“3[1]. Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha nazorat O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish

xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.”;

2) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish borasidagi ishlarni tashkil qilish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

3) quyidagi mazmundagi 7^1-band bilan toʻldirilsin:

“7^1. Tashkilotlarda quyidagi asosiy hujjatlar ishlab chiqiladi (tasdiqlanadi) va yuritiladi:

mehnat sharoitlari va mehnatni muhofaza qilish ishlarini yaxshilash;

sanitariya-sogʻlomlashtirish chora-tadbirlarini oʻz ichiga olgan jamoaviy shartnoma;

tasdiqlangan mehnat sharoitlarini baholash va ish oʻrinlarini attestatsiya qilish uslubiga muvofiq ish oʻrinlarini attestatsiya qilish kartalari;

mehnatni muhofaza qilish xizmatining choraklik ish rejalari;

xodimlarni oʻqitish, yoʻl-yoʻriq berish va bilimlarini sinovdan oʻtkazish dasturlari;

mehnatni muhofaza qilish boʻyicha maʼmuriy-jamoatchilik nazoratini yuritish jurnali (uch bosqichli nazorat);

xodimlarga yongʻin xavfsizligi boʻyicha yoʻl-yoʻriq berish va ular bilan yongʻin xavfsizligi boʻyicha mashgʻulotlarni oʻtkazish dasturi;

har bir kasb va ish turlari boʻyicha mehnatni muhofaza qilish yoʻriqnomalari.”;

4) quyidagi mazmundagi 13^1-band bilan toʻldirilsin:

“13^1. Xodimlarning mehnatni muhofaza qilish boʻyicha bilimlarini sinovdan oʻtkazish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha yoʻl-yoʻriqdan oʻtkazish, oʻqitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

5) 15-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“15. Ishlarni texnologik reglament boʻyicha xavfsiz yuritish yoʻriqnomalari Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha yoʻriqnomalarni ishlab

chiqish toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq ishlab chiqiladi va tashkilot xodimlarini hamda ish joylarini ushbu yoʻriqnomalar bilan taʼminlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”.

4. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 10-martdagi 102-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2091, 2010-yil 30-mart) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2010-y., 13-son, 100-modda) bilan tasdiqlangan Detallarni gidroqumpurkash va maydalab purkash va kimyoviy ishlov berish usullari bilan tozalashda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) quyidagi mazmundagi 3^1-band bilan toʻldirilsin:

“3^1. Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha nazorat Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.”;

2) quyidagi mazmundagi 5^1-band bilan toʻldirilsin:

“5^1. Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish borasidagi ishlarni tashkil qilish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

3) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Ishlarni texnologik reglament boʻyicha xavfsiz yuritish yoʻriqnomalari Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha yoʻriqnomalarni ishlab chiqish toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq ishlab chiqiladi va tashkilot xodimlarini hamda ish joylarini ushbu yoʻriqnomalar bilan taʼminlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”.

5. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 9-martdagi 101-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2092, 2010-yil 8-aprel) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2010-y., 14-15-son, 115-modda) bilan tasdiqlangan Koʻzi ojizlar jamiyatining oʻquv-ishlab chiqarish tashkilotlari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) quyidagi mazmundagi 3^1-band bilan toʻldirilsin:

“3^1. Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha nazorat Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish

xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.”;

2) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish borasidagi ishlarni tashkil qilish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

3) quyidagi mazmundagi 7^1-band bilan toʻldirilsin:

“7^1. Tashkilotlarda quyidagi asosiy hujjatlar ishlab chiqiladi (tasdiqlanadi) va yuritiladi:

mehnat sharoitlari va mehnatni muhofaza qilish ishlarini yaxshilash, sanitariya-sogʻlomlashtirish chora-tadbirlari boʻyicha boʻlimni oʻz ichiga olgan jamoaviy shartnoma;

tasdiqlangan mehnat sharoitlarini baholash va ish oʻrinlarini attestatsiya qilish uslubiga muvofiq ish oʻrinlarini attestatsiya qilish kartalari;

mehnatni muhofaza qilish xizmatining choraklik ish rejalari;

xodimlarni oʻqitish, yoʻl-yoʻriq berish va bilimlarini sinovdan oʻtkazish dasturlari;

mehnatni muhofaza qilish boʻyicha maʼmuriy-jamoatchilik nazoratini yuritish jurnali (uch bosqichli nazorat);

xodimlar bilan yongʻinga qarshi yoʻl-yoʻriq berish va yongʻin-texnikaviy minimum mashgʻulotlarini oʻtkazish dasturi;

har bir kasb va ish turlari boʻyicha mehnatni muhofaza qilish yoʻriqnomalari.”;

4) quyidagi mazmundagi 11^1-band bilan toʻldirilsin:

“11^1. Xodimlarning mehnatni muhofaza qilish boʻyicha bilimlarini sinovdan oʻtkazish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha yoʻl-yoʻriqdan oʻtkazish, oʻqitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

5) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Ishlarni texnologik reglament boʻyicha xavfsiz yuritish yoʻriqnomalari Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son

qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha yoʻriqnomalarni ishlab chiqish toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq ishlab chiqiladi va tashkilot xodimlarini hamda ish joylarini ushbu yoʻriqnomalar bilan taʼminlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3835
2026 - yil 18 - May

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

Davlat organlari va tashkilotlarining korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalari xodimlarining malakasini oshirish, ularni stajirovka va attestatsiyadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 21-apreldagi PQ–147-son “Davlat organlari va tashkilotlarining korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalari mustaqilligini ta’minlash hamda faoliyati samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Davlat organlari va tashkilotlarining korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalari xodimlarining malakasini oshirish, ularni stajirovka va attestatsiyadan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Boshqaruv samaradorligi agentligi va O‘zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq 2026-yil 1-iyuldan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor
2026-yil 15-aprel
90-son

BURXANOV AKMAL
ESHONDEDAYEVICH

Kelishildi:

Vazir 2026-yil 15-aprel		ZAXIDOV BOTIR ERKINOVICH
Direktor v.b. 2026-yil 14-aprel		XUSAINOV ULUG‘BEK SHUXRATJONOVICH
Rais 2026-yil 10-aprel		RAFIKOV KUDRATULLA MIRSAGATOVICH

Oʻzbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi
kurashish agentligi direktorining 2026-yil
15-apreldagi 90-son buyrugʻiga
ILOVA

Davlat organlari va tashkilotlarining korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarining malakasini oshirish, ularni stajirovka va attestatsiyadan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi NIZOM

Mazkur Nizom davlat organlari va tashkilotlari, ustav fondida (ustav kapitalida) davlat ulushi 50 foiz va undan ortiq boʻlgan xoʻjalik jamiyatlaridagi (bundan buyon matnda davlat organlari va tashkilotlari deb yuritiladi) korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmalari rahbarlari va xodimlarining (bundan buyon matnda ichki nazorat boʻlinmalari xodimlari deb yuritiladi) malakasini oshirish, ularni stajirovka va attestatsiyadan oʻtkazish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarining malakasini oshirish ularning korrupsiya holatlarining oldini olish va manfaatlar toʻqnashuvini boshqarish sohalaridagi bilimlarini mustahkamlash va yangilash hamda ularning kasbiy tayyorligi zimmasiga yuklangan vazifalari va funksiyalariga muvofiqligini taʼminlash maqsadida amalga oshiriladi.

2. Ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarini stajirovkadan oʻtkazish stajyorning tayinlanayotgan lavozimda oʻz vazifalari va funksiyalarini sifatli bajarishi, ushbu lavozimda samarali faoliyat yuritishi uchun zarur boʻlgan kasbiy bilim, koʻnikma va malakalarni shakllantirish hamda mustahkamlash maqsadida amalga oshiriladi.

3. Ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarini attestatsiyadan oʻtkazish ularning kasbiga munosibligi darajasini xolisona baholash, qonunchilikda belgilangan malaka talablariga muvofiqligini aniqlash, zimmasiga yuklangan vazifa va funksiyalarni bajarish yuzasidan mas’uliyatini oshirish maqsadida amalga oshiriladi.

4. Ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarining malakasini oshirish, ularni stajirovka va attestatsiyadan oʻtkazish qonuniylik, tenglik, ochiqlik, xolislik, malakalilik va davriylik tamoyillari asosida tashkil etiladi.

2-bob Ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarining malakasini oshirish

5. Ichki nazorat boʻlinmalari xodimlari har yili korrupsiyaga qarshi kurashish va komplayens nazorat boʻyicha qisqa muddatli malaka oshirish kurslarida oʻqitiladi.

Ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarining malakasini oshirish “Korrupsiyaga qarshi kurashish virtual akademiyasi” elektron platformasida oʻqitishni tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomda (roʻyxat raqami 3565, 2024-yil 30-oktabr) belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

Bunda davlat organlari va tashkilotlari ichki nazorat boʻlinmalari oʻz xodimlarining “Korrupsiyaga qarshi kurashish virtual akademiyasi” elektron platformasida malaka oshirish kurslarida qatnashishi uchun masʼul hisoblanadi.

6. Ichki nazorat boʻlinmalari xodimlari davlat organlari va tashkilotlarining oʻz mablagʻlari hisobidan Oʻzbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) tomonidan tasdiqlanadigan reja-jadvalga asosan “Korrupsiyaga qarshi kurashish virtual akademiyasi” elektron platformasida tashkil etiladigan maxsus oʻquv kurslarida oʻqitiladi.

3-bob. Ichki nazorat boʻlinmalarining birinchi marta lavozimga tayinlangan xodimlarining stajirovka oʻtashi

7. Davlat organlari va tashkilotlari ichki nazorat boʻlinmasi xodimi lavozimiga birinchi marta tayinlangan shaxsni stajirovkadan oʻtkazishni soʻrab, u lavozimga tayinlangan kundan e’tiboran oʻn kun ichida Agentlikka yozma yoki elektron shaklda murojaat qiladi.

Agentlik murojaat kelib tushgandan soʻng, bir oy muddat ichida stajirovkani tashkil qilishi va uni oʻtash boʻyicha aniq muddatni koʻrsatgan holda davlat organi yoki tashkilotining rahbarini stajirovka boshlanishidan kamida bir hafta oldin yozma yoki elektron ravishda xabardor qilishi kerak.

8. Stajyorni belgilangan muddatda stajirovkadan oʻtish uchun yuborish majburiyati davlat organlari va tashkilotlarining rahbari zimmasiga yuklatiladi.

9. Stajirovkani tashkil qilish boʻyicha Agentlikning “Komplayens-nazorat” tizimini joriy etish va ichki nazorat boʻlinmalari faoliyatini tartibga solish boshqarmasi va Kadrlar boʻlimi (bundan buyon matnda stajirovka boʻyicha ishchi organ deb yuritiladi) ishchi organ hisoblanadi.

Bunda davlat organlari va tashkilotlarining hududiy boʻlinma va tarkibiy tashkilotlaridagi ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarining stajirovkadan oʻtishini tashkil qilish boʻyicha davlat organlari va tashkilotlarining markaziy apparatidagi korrupsiyaga qarshi ichki nazorat va kadrlar boʻlinmalari stajirovka boʻyicha ishchi organ hisoblanadi.

10. Davlat organlari va tashkilotlari ichki nazorat boʻlinmalarining birinchi marta lavozimga tayinlangan xodimlari quyidagi tartibda stajirovkadan oʻtadi:

davlat organlari va tashkilotlarining markaziy apparatidagi ichki nazorat boʻlinmalarining xodimlari – Agentlikda;

hududiy boʻlinma va tarkibiy tashkilotlardagi ichki nazorat boʻlinmalarining xodimlari – davlat organlari va tashkilotlarining markaziy apparatidagi korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmalarida.

Davlat organlari va tashkilotlarining ichki nazorat boʻlinmasi xodimi lavozimiga tayinlangan shaxslarning kelgusida ushbu tashkilotning ichki nazorat boʻlinmasidagi lavozimi oʻzgarganda (hududiy boʻlinma va tarkibiy tashkilotlardan davlat organlari va tashkilotlarining markaziy apparatidagi ichki nazorat boʻlinmalariga ishga oʻtganda), shu jumladan, ushbu xodimlar davlat organlari va tashkilotlari qayta tashkil etilishi yoki tashkiliy boʻysunuvi oʻzgarishi munosabati bilan ichki nazorat boʻlinmasi mas’ul lavozimlariga tayinlanganda yoxud boshqa davlat organi yoki tashkilotining ichki nazorat boʻlinmasi xodimi lavozimiga ishga oʻtganida qayta stajirovkadan oʻtishi talab etilmaydi.

11. Stajyorga metodik yordam koʻrsatish hamda uning amaliy koʻnikmalarini shakllantirish maqsadida davlat organlari va tashkilotlarining markaziy apparatidagi ichki nazorat boʻlinmalarining xodimlari uchun Agentlikning malakali va tajribali mutaxassislari orasidan stajirovka rahbari tayinlanadi.

Hududiy boʻlinma va tarkibiy tashkilotlardagi ichki nazorat boʻlinmalarining xodimlari uchun davlat organlari va tashkilotlarining markaziy apparatidagi ichki nazorat boʻlinmalarining malakali va tajribali xodimlari orasidan stajirovka rahbari tayinlanadi.

12. Stajirovka rahbari kamida ikki yillik ish stajiga ega boʻlishi kerak.

13. Stajirovka rahbari tomonidan har bir stajyor uchun bajariladigan ishlar mazmuni va muddati koʻrsatilgan stajirovkadan oʻtish rejasi ishlab chiqiladi.

Stajirovkadan oʻtish rejasi stajirovka boʻyicha ishchi organ tomonidan tasdiqlanadi.

14. Stajirovkadan oʻtish rejasi ISO 37001:2025 “Korrupsiyaga qarshi xalqaro standart” talablari asosida ishlab chiqilib, unda quyidagilar nazarda tutiladi:

korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tizimini joriy etish va takomillashtirishning normativ-huquqiy asoslari;

korrupsiyaviy xavf-xatarlarni aniqlash, baholash va ularni kamaytirish mexanizmlari;

manfaatlar toʻqnashuvini boshqarish (aniqlash va bartaraf etish) mexanizmlari;

korrupsiyaviy huquqbuzarliklarning oldini olish va bartaraf etish choralari, sud va huquqni muhofaza qiluvchi organlar bilan o‘zaro hamkorlik qilish tartibi;

korrupsiyaga qarshi kurashish ishlari samaradorligini reyting baholash ishlarini tashkil etish va amalga oshirish.

15. Stajirovkadan o‘tish muddati ikki haftani tashkil etadi va stajirovkadan oʻtishdan ozod qilishga yoʻl qoʻyilmaydi.

16. Stajirovkadan oʻtishning birinchi kunida stajirovka rahbari stajyorni stajirovkadan oʻtish rejasi, muddatlari, ichki mehnat tartibi va kasb etikasi hamda texnika va yongʻin xavfsizligi qoidalari, shuningdek ish rejimining xususiyatlari bilan tanishtiradi hamda stajyorga stajirovkadan oʻtishi uchun zarur sharoitlarni yaratadi.

17. Stajirovka rahbari stajirovka davomida:

stajyorga stajirovkadan oʻtish rejasida belgilangan tadbirlarni bajarish bilan bogʻliq materiallardan foydalanish imkoniyatini taʼminlaydi;

stajyorning kasbiy bilimi va amaliy koʻnikmalarini shakllantirish uchun unga tegishli tavsiyalar beradi;

stajirovkadan oʻtish rejasida belgilangan tadbirlarning bajarilishi va sifatini muntazam ravishda nazorat qilib boradi;

stajyorning ish vaqtidan samarali foydalanishini taʼminlaydi.

18. Stajyor stajirovkadan oʻtish davomida:

stajirovka boʻyicha uslubiy va koʻrsatma materiallar bilan tanishishi;

stajirovkani tashkil etish va undan oʻtish bilan bogʻliq tadbirlarda ishtirok etishi;

stajirovkadan oʻtish rejasida nazarda tutilgan barcha tadbirlarni stajirovka uchun belgilangan muddat ichida, toʻliq hajmda va sifatli bajarishi;

stajirovkadan oʻtish yakunlari boʻyicha hisobot tayyorlashi;

Agentlik hamda tegishli davlat organlari va tashkilotlarida oʻrnatilgan tartib-qoidalarga rioya qilishi shart.

19. Stajirovka bo‘yicha ishchi organ xodimlari hamda stajirovka rahbari tomonidan stajyorga stajirovkadan oʻtish rejasi bilan bogʻliq boʻlmagan vazifa va topshiriqlar berilishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

20. Stajyor stajirovkadan oʻtish rejasida belgilangan tadbirlarni bajarib boʻlgach, u boʻyicha yozma yoki elektron hisobot tayyorlaydi. Hisobot stajyor tomonidan imzolanadi hamda stajirovka rahbari tomonidan qabul qilinadi va tasdiqlanadi.

21. Stajirovka rahbari tomonidan hisobotni qabul qilishda stajyorning kasbiy bilim va amaliy koʻnikmalarini baholash uchun u bilan stajirovka boʻyicha ishchi organ xodimlari ishtirokida suhbat oʻtkaziladi va uning hisoboti muhokama qilinadi. Muhokama jarayonida stajyorga uning kasbi bilan bogʻliq boʻlgan vazifalarni amaliyotda qoʻllashga doir tavsiyalar beriladi.

Muhokama natijasi stajirovka boʻyicha ishchi organ tomonidan rasmiylashtiriladigan bayonnomada aks ettiriladi.

22. Stajirovka muddati tugaganidan keyin stajirovka rahbari tomonidan stajyorga nisbatan tavsifnoma tuziladi va unda stajyorning stajirovkadan oʻtish rejasida nazarda tutilgan tadbirlarni qanchalik oʻzlashtirganligi, tartib-intizomi, stajirovka davomida u tomonidan egallangan kasbiy bilim va amaliy koʻnikmalar aks ettiriladi.

Tavsifnomada stajyorning Agentlik yoki tegishli davlat organlari va tashkilotlarining markaziy apparatida belgilangan tartib-qoidalarga rioya qilmaganligi, stajirovkadan oʻtish rejasida koʻrsatilgan tadbirlarni toʻliq bajarmaganligi hamda stajirovkaga uzrli sabablarsiz kelmaganligi ham aks ettiriladi.

23. Tavsifnoma stajirovka boʻyicha ishchi organ rahbari tomonidan imzolanadi hamda Agentlik yoki tegishli davlat organlari va tashkilotlari markaziy apparati tomonidan stajyorni yuborgan davlat organi yoki tashkilotiga elektron shaklda joʻnatiladi.

24. Stajyor stajirovkadan oʻtkazish masalalari yuzasidan yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishi mumkin.

4-bob. Ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarini attestatsiyadan oʻtkazish

1-§. Attestatsiyani tashkil etish

25. Ichki nazorat boʻlinmalari xodimlari Agentlikda har uch yilda bir marta attestatsiyadan oʻtkaziladi.

Ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarining ular ishlayotgan davlat organlari va tashkilotlari tomonidan attestatsiyadan oʻtkazilishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

26. Ichki nazorat boʻlinmasi xodimi lavozimiga qabul qilingan shaxslar ishga qabul qilingan kundan boshlab bir yil mobaynida attestatsiyadan oʻtkazilishi kerak.

Ichki nazorat boʻlinmasi xodimi lavozimiga qabul qilingan va mazkur Nizomda belgilangan tartibda attestatsiyadan oʻtkazilgan hamda attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnomaga (bundan buyon matnda guvohnoma deb yuritiladi) ega boʻlgan shaxslar mazkur guvohnomaning amal qilish muddati tugagungacha ikki oy mobaynida attestatsiyadan oʻtishi kerak.

Quyidagilar attestatsiyadan o‘tkazilmaydi:

homilador ayollar, shuningdek uch yoshgacha bolasi bor ayol yoki uch yoshgacha bo‘lgan bolani yolg‘iz tarbiyalayotgan ota (vasiy) hamda o‘n olti yoshga to‘lmagan nogironligi bo‘lgan bolani yolg‘iz tarbiyalayotgan ota-ona (ularning o‘rnini bosuvchi shaxs) (ushbu toifadagi xodimlar mazkur imtiyozli davr tugagandan so‘ng olti oydan keyin attestatsiyadan o‘tkaziladi);

bir oydan ortiq vaqt davomida davolanayotgan yoki harbiy yoxud muqobil xizmatni o‘tayotgan xodimlar (ushbu toifadagi xodimlar xizmat vazifalarini bajarishga kirishganidan so‘ng olti oydan keyin attestatsiyadan o‘tkaziladi);

xizmat tekshiruvi o‘tkazilayotgan yoki bir oygacha bo‘lgan muddatda mehnatga layoqatsizlik davrida bo‘lgan xodimlar (ushbu toifadagi xodimlar xizmat tekshiruvi yoki vaqtincha mehnatga layoqatsizlik davri tugaganidan keyin attestatsiyadan umumiy tartibda o‘tkaziladi);

korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalarida ma’muriy-texnik lavozimda (boshqaruv xodimlaridan tashqari) ishlayotgan shaxslar.

Mazkur Nizomda nazarda tutilgan muddatlarda ichki nazorat bo‘linmalari xodimlarini attestatsiyadan o‘tkazish uchun yuborish vazifasi davlat organlari va tashkilotlari rahbari zimmasiga yuklanadi.

27. Ichki nazorat bo‘linmalari xodimlarini attestatsiyadan o‘tkazish uchun Agentlik direktorining buyrug‘i bilan uch yil muddatga attestatsiya komissiyasi shakllantiriladi hamda uning tarkibi kamida yetti nafar a’zo va bir nafar komissiya kotibidan iborat bo‘ladi.

28. Attestatsiya komissiyasiga Agentlik direktorining tegishli o‘rinbosari raislik qiladi hamda uning tarkibiga Agentlikning tegishli tarkibiy bo‘linmalari xodimlari kiritiladi.

Attestatsiya komissiyasi tarkibiga, kelishuvga ko‘ra, huquqni muhofaza qiluvchi organlar, ilmiy va oliy ta’lim muassasalari vakillari hamda korrupsiyaning oldini olish va unga qarshi kurashish sohasida bilim, ko‘nikma va tajribaga ega bo‘lgan ekspert va mutaxassislar kiritilishi mumkin.

29. Attestatsiya komissiyasi raisi:

attestatsiya komissiyasi majlislarida raislik qiladi;

attestatsiyani o‘tkazish joyi va muddatlarini belgilaydi;

ichki nazorat bo‘linmalarining attestatsiyadan o‘tishga talabgor bo‘lgan xodimlarining (bundan buyon matnda talabgor deb yuritiladi) ro‘yxat bo‘yicha tarkibini belgilaydi;

attestatsiyani o‘tkazish bo‘yicha boshqa tashkiliy masalalarni hal qiladi.

Attestatsiya komissiyasi raisi boʻlmagan taqdirda uning vazifalarini rais oʻrinbosari amalga oshiradi.

30. Agentlikning “Komplayens-nazorat” tizimini joriy etish va ichki nazorat boʻlinmalari faoliyatini tartibga solish boshqarmasi attestatsiya komissiyasining ishchi organi hisoblanadi va u:

attestatsiyani oʻtkazish jadvalini tuzadi va uni tasdiqlash uchun attestatsiya komissiyasi raisiga taqdim etadi;

attestatsiyani oʻtkazish sanasi va joyi toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni attestatsiya komissiyasi aʼzolariga hamda talabgorlarga yetkazadi;

attestatsiya komissiyasi faoliyatini tashkil etishga doir boshqa funksiyalarni amalga oshiradi.

2-§. Talabgorlarning hujjatlarini koʻrib chiqish tartibi

31. Davlat organlari va tashkilotlari ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarini attestatsiyadan oʻtkazish toʻgʻrisidagi yozma yoki elektron shakldagi xatni mazkur Nizomning 26-bandida belgilangan muddatlardan kamida bir oy oldin Agentlikka yuboradi.

“Elektron hukumat” tizimi idoralararo integratsiyalashuv platformasi orqali olinishi mumkin boʻlgan hujjatlardan tashqari xatga Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmalari faoliyati toʻgʻrisidagi namunaviy nizomda (roʻyxat raqami 3829, 2026-yil 6-may) ichki nazorat boʻlinmalari xodimlariga nisbatan belgilangan minimal malaka talablariga muvofiqlikni tasdiqlovchi hujjatlar ilova qilinadi.

32. Ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarini attestatsiyadan oʻtkazish toʻgʻrisidagi xat kelib tushgan kundan boshlab besh kun ichida Agentlik tomonidan koʻrib chiqiladi.

Talabgor korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida tegishli malaka oshirish kurslarida oʻqiganligi toʻgʻrisida belgilangan namunadagi sertifikatga ega boʻlishi lozim.

33. Talabgorning korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida tegishli malaka oshirish kurslarida malaka oshirmaganligi uni attestatsiyadan oʻtkazishning rad etilishi uchun asos hisoblanadi. Bunda attestatsiya komissiyasining ishchi organi tomonidan talabgorni attestatsiyadan oʻtkazishni rad etish toʻgʻrisida qaror qabul qilinadi.

Attestatsiyadan oʻtkazishni boshqa asoslar boʻyicha rad etishga yoʻl qoʻyilmaydi.

34. Attestatsiyadan oʻtkazishning rad etilishiga asos boʻlgan mazkur Nizomning 33-bandida belgilangan kamchilik bir oy muddatda bartaraf etilgan taqdirda talabgorni attestatsiyadan oʻtkazish toʻgʻrisidagi xat takroran koʻrib chiqish uchun yuboriladi.

35. Attestatsiyadan oʻtkazishning rad etilishi uchun asos boʻlmagan taqdirda talabgor davlat organi yoki tashkilotining xati kelib tushgan kundan boshlab ikki oy muddat ichida attestatsiyadan oʻtkazilishi kerak.

3-§. Attestatsiyani oʻtkazish tartibi

36. Agentlik tomonidan attestatsiyaning oʻtkazilish joyi va vaqti toʻgʻrisida talabgorning ish joyi boʻyicha davlat organi yoki tashkilotiga attestatsiya oʻtkaziladigan sanadan kamida oʻn besh kun oldin bildirishnoma yuboriladi.

Bunda davlat organlari va tashkilotlarining ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarining attestatsiyadan oʻtkazilishida ortiqcha vaqt va xarajatlarning oldini olish maqsadida ular Agentlik tomonidan maxsus elektron platforma orqali masofaviy shaklda attestatsiyadan oʻtkazilishi mumkin.

37. Hujjatlari attestatsiyadan oʻtishga taqdim etilgan hamda attestatsiyaga uzrli sababga koʻra (kasalligi, yaqin qarindoshlarining vafoti, mehnat taʼtili, Oʻzbekiston Respublikasidan tashqarida boʻlishi sababli) kelmagan talabgorlar attestatsiya komissiyasining navbatdagi majlisida attestatsiyadan oʻtkaziladi.

Attestatsiyaga uzrsiz sababga koʻra kelmagan talabgorlar boʻyicha ular ishlayotgan davlat organlari va tashkilotlari rahbarlariga bildirishnoma yuboriladi. Talabgor attestatsiyaga uzrsiz sabab bilan takroran kelmagan taqdirda attestatsiya komissiyasi taqdim etilgan hujjatlar (materiallar) asosida talabgorni attestatsiyadan oʻtmagan deb hisoblash haqida qaror chiqarishga haqli.

38. Attestatsiya komissiyasi, agar uning majlisida komissiya aʼzolarining yarmidan koʻpi qatnashsa, vakolatli hisoblanadi.

Talabgor ishlaydigan davlat organi yoki tashkilotining vakili attestatsiya komissiyasi majlisida maslahat ovozi bilan qatnashishi mumkin. Attestatsiya tugagandan keyin vakilning fikr-mulohazalari eshitiladi.

39. Attestatsiya komissiyasi majlisi komissiya aʼzolariga talabgorning hujjatlarini tanishtirishdan boshlanadi.

40. Attestatsiya ikki bosqichda – test sinovi va suhbat shaklida oʻtkaziladi.

41. Talabgor bilan uning kasb faoliyatiga bogʻliq boʻlgan faoliyat yoʻnalishlari, milliy qonunchilik va sohaga oid xalqaro standartlar, korrupsiyaga qarshi kurashishga doir bilim va koʻnikmalar, shu jumladan, korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholash, manfaatlar toʻqnashuvini boshqarish, korrupsiyaga oid huquqbuzarlikka doir

murojaatlar bilan ishlash kabi yo‘nalishlar bo‘yicha test sinovi va suhbat o‘tkaziladi.

42. Test sinovi 25 ta savoldan iborat bo‘lib, har bir savol 2 ball bilan baholanadi.

Test sinovini topshirish uchun talabgorlarga 60 daqiqa vaqt beriladi.

43. Suhbat jarayoni umumiy 50 ballik tizim asosida baholanadi.

Bunda suhbat savollari beshta savoldan iborat bo‘lib, har bir savol komissiya a’zolari tomonidan alohida baholanadi. Har bir komissiya a’zosi tomonidan bir savol uchun eng ko‘pi bilan 10 ball qo‘yilishi mumkin.

Talabgorning suhbat jarayonida to‘plagan umumiy bali komissiya a’zolari tomonidan qo‘yilgan ballar yig‘indisini komissiya a’zolari soniga bo‘lish orqali aniqlanadi.

Suhbat jarayonida talabgorga korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalari xodimlari uchun ularning kasbiy kompetensiyasiga hamda korrupsiyaga qarshi kurashish sohasiga doir bo‘lmagan savollar berilishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

44. Suhbat savollari talabgor tomonidan axborot texnologiyalaridan foydalangan holda elektron dastur orqali tasodifiy ravishda tanlanadi.

Talabgor tomonidan tasodifiy ravishda tanlangan suhbat savollari komissiya kotibi tomonidan printerda chop etiladi va (yoki elektron shaklda) talabgorga taqdim qilinadi.

45. Talabgorlarga javob berishga tayyorgarlik ko‘rishlari uchun 5 daqiqa vaqt ajratiladi.

Attestatsiya komissiyasi a’zolari tomonidan talabgorga suhbat savollari yuzasidan aniqlashtiruvchi qo‘shimcha savollar berilishi mumkin.

46. Talabgor to‘plashi mumkin bo‘lgan eng yuqori ko‘rsatkich 100 ballni tashkil etadi. Talabgor attestatsiyadan muvaffaqiyatli o‘tgan deb hisoblanishi uchun umumiy hisobda kamida 56 ball natija qayd etishi lozim.

Test sinovi va suhbat jarayoni Internet jahon axborot tarmog‘i orqali real vaqt rejimida kuzatish imkoniyatini yaratgan holda o‘tkaziladi.

Attestatsiya shaffofligi va xolisligini ta’minlash maqsadida uni o‘tkazish jarayoni uzluksiz ravishda videoyozuvga tushiriladi hamda ushbu videotasvir Agentlikda uch yil mobaynida saqlanadi.

47. Test va suhbat savollarining taxminiy ro‘yxati va attestatsiya komissiyasining ish reglamenti Agentlik tomonidan tasdiqlanadi va uning rasmiy veb-saytida attestatsiya boshlanishidan kamida bir oy oldin e’lon qilinadi.

48. Attestatsiya komissiyasi talabgorning bilimlari va ish tajribasini hisobga olib, attestatsiyadan o‘tkazish yakuni bo‘yicha quyidagi qarorlardan birini qabul qiladi:

talabgorni attestatsiyadan o‘tgan deb e’tirof etish va unga guvohnoma berish haqida;

talabgorni attestatsiyadan o‘tmagan deb e’tirof etish haqida.

49. Attestatsiya komissiyasining qarorlari attestatsiya komissiyasining raisi hamda komissiya a’zolari tomonidan imzolanadigan bayonnoma bilan rasmiylashtiriladi.

Attestatsiya natijalari ball qo‘yish jarayoni tamom bo‘lgandan keyin darhol e’lon qilinadi.

50. Ichki nazorat bo‘linmasining attestatsiyadan o‘tgan xodimiga uch kun muddatda ushbu Nizomning ilovasiga muvofiq shaklda guvohnoma beriladi.

Guvohnomaning amal qilish muddati – uch yil.

Guvohnoma blankalari qat’iy hisobot beriladigan hujjatlar hisoblanadi hamda himoyalanganlik darajasiga, hisobga olish seriyasiga va tartib raqamiga ega bo‘ladi.

Guvohnoma uni identifikatsiya qilish imkoniyatini yaratish maqsadida QR-kod (matritsali shtrix kod) qo‘yilgan holatda rasmiylashtiriladi. Guvohnomalar reyestri Agentlik tomonidan ularning seriyasi, tartib raqami va amal qilish muddati ko‘rsatilgan holda “E-anticor.uz” elektron platformasida avtomatik ravishda yuritiladi.

51. Ichki nazorat bo‘linmasi xodimi attestatsiyadan o‘tmagan deb e’tirof etilgan taqdirda davlat organi yoki tashkiloti mazkur xodimni takroriy attestatsiyadan o‘tkazish uchun dastlabki attestatsiya o‘tkazilgan kundan kamida uch oy o‘tgach, biroq olti oydan kechikmay murojaat qiladi.

Agar talabgor takroriy attestatsiyadan o‘ta olmasa yoki ko‘rsatilgan muddatda takroriy attestatsiyadan o‘tish uchun murojaat qilmasa, attestatsiya komissiyasi uning ish joyiga bildirishnoma yuboradi.

Davlat organi yoki tashkiloti rahbari bildirishnoma olingan kundan boshlab o‘n besh kun mobaynida xodimni mehnat qonunchiligiga muvofiq egallab turgan lavozimidan ozod qilish yoxud boshqa ishga o‘tkazish to‘g‘risidagi masalani ko‘rib chiqishi va ko‘rilgan choralar to‘g‘risida uch kun muddatda Agentlikni yozma yoki elektron ravishda xabardor qilishi shart.

52. Guvohnomaning amal qilishi attestatsiya komissiyasining qaroriga ko‘ra, quyidagi asoslar bo‘yicha muddatidan avval tugatilishi mumkin:

xodim korrupsiyaga oid jinoyatlarni, shuningdek, og‘ir va o‘ta og‘ir jinoyatlarni sodir etishda sud tomonidan aybdor deb topilganda;

guvohnoma qalbaki hujjatlardan foydalanib olinganligi aniqlanganda.

Ichki nazorat boʻlinmasi xodimi unga berilgan guvohnomaning amal qilishini tugatish masalasini koʻrib chiqishda attestatsiya komissiyasi majlisida ishtirok etishi mumkin. Majlis oʻtkaziladigan joy va vaqt toʻgʻrisida ichki nazorat boʻlinmasi xodimiga majlis oʻtkazilishidan kamida oʻn kun oldin Agentlik tomonidan xabar beriladi.

Ichki nazorat boʻlinmasi xodimining attestatsiya komissiyasi majlisida qatnashmasligi guvohnomaning amal qilishini tugatish toʻgʻrisida qaror qabul qilishga toʻsqinlik qilmaydi. Qabul qilingan qaror toʻgʻrisida ichki nazorat boʻlinmasi xodimiga Agentlik tomonidan uch kun muddatda xabar beriladi.

53. Attestatsiya komissiyasining qarorlari yuzasidan qonunchilikda belgilangan tartibda sudga shikoyat qilish mumkin.

4-§. Guvohnomani qayta rasmiylashtirish

54. Guvohnomani qayta rasmiylashtirish Agentlik tomonidan ichki nazorat boʻlinmasi xodimining familiyasi, ismi yoki otasining ismi oʻzgargan taqdirda uning arizasi asosida amalga oshiriladi.

Guvohnoma qayta rasmiylashtirilgunga qadar ichki nazorat boʻlinmasi xodimi oʻz faoliyatini ilgari berilgan guvohnoma asosida amalga oshiradi.

55. Agentlik tomonidan qayta rasmiylashtirish vaqtida attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi yangi guvohnoma beriladi, ushbu guvohnomada oldingi guvohnomada koʻrsatilgan amal qilish muddati qayd etilgan boʻlishi lozim, bunda attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisida oldin berilgan guvohnoma bekor qilinadi.

56. Guvohnoma yoʻqolgan yoki yaroqsiz holga kelgan taqdirda ichki nazorat boʻlinmasi xodimining arizasiga koʻra, ushbu ariza berilgan kundan boshlab oʻn kun ichida uning dublikati beriladi.

57. Dublikatni berishda ichki nazorat boʻlinmasi xodimiga Agentlik tomonidan “DUBLIKAT” belgisi qoʻyilgan attestatsiyadan oʻtganlik toʻgʻrisidagi yangi guvohnoma beriladi, ushbu guvohnomada oldingi guvohnomada koʻrsatilgan amal qilish muddati qayd etilgan boʻlishi kerak.

58. Guvohnomaning qayta rasmiylashtirilishi va dublikati berilishi uchun attestatsiyadan oʻtish talab qilinmaydi.

59. Ichki nazorat boʻlinmasi xodimi boshqa davlat organi yoki tashkilotiga oʻtgan taqdirda agar uning guvohnomasi amal qilish muddati tugamagan boʻlsa, u qayta attestatsiyadan oʻtmasdan faoliyatini davom ettirishi mumkin.

5-bob. Yakuniy qoida

60. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar boʻladilar.

Davlat organlari va tashkilotlarining korrupsiyaga qarshi
ichki nazorat boʻlinmalari xodimlarining malakasini oshirish,
ularni stajirovka va attestatsiyadan oʻtkazish
tartibi maydagi nizomga
ILOVA

Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat boʻlinmasi xodimining attestatsiyadan oʻtganligi toʻgʻrisidagi GUVOHNOMA

_____ № _____
(seriyasi)

Ushbu bilan _____
(davlat organi yoki tashkiloti xodimining familiyasi, ismi, otasining ismi)

_____

Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligida attestatsiyadan oʻtganligi tasdiqlanadi va u davlat organlari va tashkilotlari, ustav fondida (ustav kapitalida) davlat ulushi 50 foiz va undan ortiq boʻlgan xoʻjalik jamiyatlarida ichki nazorat tuzilmasida ishlashi mumkin.

(yil, kun va oy)

Attestatsiya komissiyasi raisi: **QR kod** _____
(imzo) *(familiyasi, ismi, otasining ismi)*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3836
2026 - yil 18 - May

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ, НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Давлат тили ҳақида”ги қонунларига мувофиқ буюраман:

1. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Инспекция бошлиги
2026 йил 3 апрель
17-son

ISAQULOV DADAJON
AYNAQULOVICH

Келишилди:

Қўмита раиси
2026 йил 3 апрель

RAFIQOV ABDUVAQQOS
VOHIDOVICH

Вазир
2026 йил 13 март

XIDOYATOV SHERZOD
SAIDJANOVICH

Директор
2026 йил 13 март

JUMANAZAROV AKMAL
RUZIKULOVICH

Вазир
2026 йил 16 январь

MIRZAMAHMUDOV JO‘RABEK
TURSUNPULATOVICH

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси,
нефть маҳсулотлари ва газдан
фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси
бошлиғининг 2026 йил 3 апрелдаги 17-сон
буйруғига
ИЛОВА

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу Қоидаларнинг талаблари иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, иссиқлик энергиясининг узатилишини, тақсимланишини амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар, ушбу ташкилотларга тааллуқли ишларни (таъмирлаш, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж, созлаш ва синаш) бажарувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар иссиқликдан фойдаланувчи истеъмолчилар (аҳолидан ташқари) учун мажбурий ҳисобланади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

авария – иссиқлик таъминотининг тўхтатилишига ёхуд ҳажмининг пасайишига ва иссиқлик таъминоти хизматлари сифатига таъсир кўрсатишга олиб келган иссиқлик таъминоти тизимларининг бузилиши ёки ишдан чиқиши;

амалиёт – назарий машғулотдан сўнг ёки у билан бир вақтда мутахассисликни амалий эгаллаш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув объектларига мослашиш, иш жойига тез мослашиш кўникмаларига ва бошқа иш усулларига эга бўлиш мақсадида машғулотларга масъул шахснинг раҳбарлиги остида ходимларни иш жойида ўргатиш;

айланадиган механизмлар – электр, механик ёки бошқа юритмали насослар, вентиляторлар ва бошқалар;

баландликдаги ишлар – ишларни бажариш жараёнида ишчи ер сатҳидан, бостирмадан ёки ишчи тўшама юзасидан 1,3 метр ва ундан юқори баландликда ва баландлик бўйича фарқ чегарасидан 2 метрдан кам масофада бажариладиган ишлар;

бригада – таркибида иш бажарувчи билан бирга икки ёки ундан ортиқ аъзолари бўлган ишчи жамоа;

дублёрлик қилиш (дублёрлик) – дублёрни тайёрлашга масъул шахс кузатуви остида иш жойида иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини бошқариш ва бошқа функцияларни бажариш;

ижозат (рухсат) – иш жойи тўғри тайёрланганлигини, иш бажариш учун зарур бўлган хавфсизлик чораларининг етарлилигини ва улар фармойиш ёки топшириқ (наряд) бўйича ишнинг хусусияти ва жойига мослигини таъминлайдиган тадбир;

иссиқлик (иссиқлик энергияси) манбаи – иссиқлик (иссиқлик энергияси) ишлаб чиқаришга мўлжалланган энергетика қурилмаси;

иссиқлик таъминоти – истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш;

иссиқлик таъминоти корхонаси – иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномаси бўйича иссиқлик энергиясини сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс, шу жумладан улгуржи истеъмолчи-қайта сотувчи;

иссиқлик таъминоти тизими – умумий иссиқлик тармоғига уланган иссиқлик энергияси манбалари, иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилиш учун мўлжалланган ускуналар мажмуаси;

иссиқлик таъминотининг ёпиқ тизими – иссиқлик таъминоти тизимининг тури бўлиб, бунда иситиш суви иссиқлик тармоқларидаги сирқиб тўкилишлардан ташқари истеъмолчи тизимларида иссиқликни бериб, иссиқлик энергияси манбаига қайтади;

иссиқлик таъминотининг очиқ тизими – иссиқлик таъминоти тизимининг тури бўлиб, бунда иссиқлик таъминоти тармоқларидан олинган иситиш сувининг бир қисми тўғридан-тўғри коммунал-маиший эҳтиёжлар учун иссиқ сув сифатида фойдаланилади ва иссиқлик энергияси манбаига қайтарилмайди;

иссиқлик истеъмоли тизимлари – иссиқлик юкламасининг бир ёки бир нечта кўринишини (иситиш, шамоллатиш, иссиқ сув таъминоти, технологик эҳтиёжларни) қондириш учун мўлжалланган, иссиқликдан фойдаланадиган қурилмалар билан уловчи қувур ўтказгичлар ёки иситиш тармоқлари мажмуи;

иссиқлик тармоғи – иссиқлик энергиясини истеъмолчиларга узатиш учун мўлжалланган қурилмалар тўплами;

иссиқлик пункти – иссиқликни истеъмол қилиш (иситиш, вентиляция, иссиқ сув таъминоти) турларига қараб иссиқлик элтувчисини тақсимлаш, иссиқлик элтувчиси параметрларини, иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш режимини назорат қилиш ва тезкор қайта улашларни амалга ошириш учун мўлжалланган боғлама;

иссиқлик узели – иссиқлик энергиясини истеъмолчиларга тарқатиш учун мўлжалланган қурилмалар тўплами;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилма – иссиқликдан иситиш, шамоллатиш, иссиқ сув таъминоти ва технологик эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган қурилмалар мажмуи;

иссиқлик энергияси истеъмолчиси (истеъмолчи) – иссиқлик таъминоти корхонасининг (ташкилотининг) иссиқлик тармоқларига иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ёки иссиқлик тармоқлари бевосита уланган корхоналар, ташкилотлар, алоҳида жойлашган цехлар, қурилиш майдонлари ва бошқа муассасалар;

иш жойи – ходимлар ишларни бажариши учун ижозат (рухсат) бериладиган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг қисми;

иш жойини тайёрлаш – ишлар хавфсиз бажарилишини таъминлайдиган ускунани ўчириш, бўшатиш, совутиш, ювиш, шамоллатиш, ускунанинг хатолик билан

ишга киритилишини олдини олиш бўйича зарур операцияларни амалга ошириш, ортиқча босим ва зарарли моддаларнинг йўқлигини текшириш, тўсиқларни ўрнатиш ва ушбу иш жойида хавфсизлик белгиларини ўрнатиш;

маъмурий-техник ходимлар – корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, цех, бўлим, лаборатория бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, муҳандислар ва техниклар, эксплуатация ва таъмирлаш хизматлари билан шуғулланувчи усталар; (ташкилотларнинг раҳбарлари, бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, зиммасига маъмурий вазифалар юклатилган муҳандислар, техниклар ва усталар);

марказий иссиқлик пункти (бундан буён матнда МИП деб юритилади) – бир ёки бир нечта иссиқлик пунктларининг функцияларини бажарадиган узел;

навбатчи ходимлар – сменада навбатчилик қилаётган, ускуналарни тезкор бошқариш ёки тезкор алмашлаб-улашни амалга оширишга рухсат этилган ходимлар (иссиқлик пунктлари, конденсат станциялари ва энерготаъминот диспетчерлари, иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатувчи технологик цехларнинг ходимлари ва бошқалар);

топшириқ (наряд) – белгиланган шаклдаги махсус бланкада расмийлаштирилган ҳамда иш мазмуни ва жойини, уни бошлаш ва тамомлаш вақтини, хавфсиз бажарилиш шартларини, бригада таркибини, хавфсиз бажарилиши учун масъул шахсларни ва бошқаларни белгилаб берувчи топшириқ;

рад этиш – объектнинг ишлаш қобилияти ҳолати бузилганлиги акс этилган ҳодиса;

сақлаш клапанлари – қозон, ускуна, қувур ўтказгич ва бошқа ортиқча босимдан сақлаш учун мўлжалланган қурилмалар;

таъмирлаш – қурилманинг (ускунанинг) ишлаш қобилияти ёки созлигини тиклаш ва унинг ресурсини ёки таркибий қисмларини тиклаш бўйича операциялар мажмуи;

таъмирлаш ходимлари – иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини таъмирлаш билан шуғулланувчи муҳандис, техник, уста ва ишчилар;

техник хизмат кўрсатиш бўйича йўриқнома – қурилмага (ускунага) техник хизмат кўрсатиш тартиби ва қоидаларини белгиловчи ҳужжат;

тезкор-таъмирловчи ходимлар – тасдиқланган ҳажмда ўзига бириктирилган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига тезкор хизмат кўрсатиш учун махсус тайёрланган ва ўргатилган, таъмирловчи ходимлар тоифасига кирувчи хизматчилар;

техник хизмат кўрсатиш – иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва ташиш жараёнида қурилманинг (ускунанинг) созлигини ёки хизмат кўрсатиш муддатини сақлаш бўйича операциялар мажмуи;

қурилма (ускуналарга) хизмат кўрсатиш – ускуналарни эксплуатация қилиш, таъмирлаш, ишга тушириш ва синовдан ўтказиш, шунингдек, уларда ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш;

эксплуатация – иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларидан мунтазам фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;

эксплуатация қилиш бўйича йўриқнома – қурилмани (ускунани) тўғри эксплуатация қилиш (фойдаланиш, ташиш, сақлаш ва техник хизмат кўрсатиш) ва уни доимо ишлашга тайёрлигини таъминлаш учун зарур бўлган маълумотлар келтирилган ҳужжат;

эксплуатация қилишга топшириш – иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларидан мақсадли фойдаланиш учун уларнинг тайёрлигини белгиловчи ва белгиланган тартибда ҳужжатлаштириладиган жараён;

энергия таъминоти ташкилоти – ихтиёрида иссиқлик энергиясини генерация қилувчи ускуналар бўлган, иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилувчи ва шартнома асосида истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан таъминловчи юридик шахс.

2. Мазкур Қоидаларда назарда тутилмаган, алоҳида ишлаб чиқариш шароитларига ёки махсус иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларга эга бўлган корхоналарда (ташкилотларда) ушбу шароитлар ва қурилмаларнинг алоҳида хусусиятлари ва ишлаб чиқариш характери инобатга олинган ҳолда эксплуатация қилиш бўйича маҳаллий йўриқномалар ишлаб чиқилиб, корхона ёки ташкилот раҳбари ёки унинг юқори турувчи ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак.

3. Корхона раҳбарининг буйруғи ёки фармойиши билан ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳамда энергия хизмати ўртасида иссиқлик тармоқлари ва иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни эксплуатация қилиш бўйича уларнинг функционал жавобгарлиги чегаралари белгиланиши керак.

4. Истеъмолчи ва иссиқлик таъминоти корхонаси ўртасида иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича жавобгарлик тақсимоти иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланади.

5. Фойдаланишга топширилган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари техник шартларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиши ва амалдаги стандарт талабларига жавоб бериши керак.

Амалдаги хизмат муддати ёки ҳисобланган ресурси тугаган хавфли ишлаб чиқариш объектидаги иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосаси асосида эксплуатация қилиниши мумкин.

6. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, бино ва иншоотларнинг тузилиши, эксплуатация қилиниши ва таъмирланиши, шунингдек хавфсизлик техникаси бўйича ишларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси

қоидалари (рўйхат рақами 3809, 2026 йил 8 апрель) (бундан буён матнда ХТҚ деб юритилади) талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

7. Янги ва реконструкция қилинаётган ишлаб чиқариш лойиҳаларининг техник-иқтисодий қисмига иссиқлик энергиясини солиштирма сарфи кўрсаткичлари, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) учун ушбу соҳада юқори кўрсатгичларга мос келадиган умумий энергия сарфи кўрсаткичлари киритилиши керак.

2-боб. Эксплуатация қилишни ташкил этиш

1-§. Ходимларнинг вазифалари, масъулияти ва мазкур Қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш

8. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатувчи ходимлар ўз корхонаси (ташкилоти) технологик хусусиятларини аниқ тушунишлари, мазкур Қоидалар, ХТҚ ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларини билиши ва уларга риоя қилишлари, шунингдек, қуйидагиларни:

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари техник соз ҳолатда бўлишини;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари хавфсиз эксплуатация қилинишини;

иссиқлик энергиясини истеъмолчиларга ишончли етказиб берилишини таъминлаши;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларда ҳаракат қилиш тартибини билишлари шарт.

9. Иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқлари ҳамда иссиқлик хўжалигининг, шунингдек, технологик цехларнинг техник ҳолати ва хавфсиз ишлаши учун раҳбар буйруғи билан корхона муҳандис-техник ходимлари (бундан буён матнда МТХ деб юритилади) орасидан масъул шахслар тайинланади.

Иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг қолган ходимлари ўз фаолиятларини ушбу Қоидалар ва лавозим йўриқномаларига мувофиқ олиб боришга масъул ҳисобланади.

10. Иссиқлик энергиясидан фақат иситиш, шамоллатиш ва иссиқ сув таъминоти учун фойдаланилганда корхонанинг (ташкилотнинг) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқларининг техник соз ҳолати ҳамда хавфсиз ишлаши учун жавобгарлик иссиқлик техникаси бўйича маълумотга эга бўлмаган, аммо махсус курсларда ўқитилган ва тегишли назорат қилувчи органлар вакили иштирокида корхона комиссиясида билимлар синовидан ўтган мутахассисга берилиши мумкин.

Цехлар ва бўлимлар бўйича масъул шахсларни тайинлаш зарурати корхона (ташкилот) раҳбарияти томонидан ҳар бир муайян ҳолатда корхонанинг

(ташкилотнинг) энергетика хизмати тузилмаси, иссиқлик элтувчиларнинг параметрлари, иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг қуввати ҳамда цехлар ва бўлимларнинг иссиқлик истеъмоли ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Иссиқлик хўжалиги учун масъул қилиб тайинланаётган шахс Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 январдаги 26-сон қарори билан тасдиқланган Хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг раҳбар ва муҳандис-техник ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ саноат хавфсизлиги талаблари бўйича тайёргарликдан ва аттестациядан ўтган ҳамда тиббий талабларга мувофиқ бўлиши шарт.

11. Иссиқлик энергияси истеъмолчиси томонидан иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига техник хизмат кўрсатишни шартнома асосида иссиқлик техникаси бўйича малакага эга ходимлари бўлган ихтисослаштирилган корхонага (ташкилотга) ёки бошқа корхонанинг ходимларига беришга рухсат этилади. Бунда мазкур Қоидалар ва шартнома шартларига риоя қилиш бўйича жавобгарлик иссиқлик энергияси истеъмолчиси зиммасида сақланади.

12. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига техник хизмат кўрсатиш учун ходимлари бўлмаган иссиқлик энергиясидан фойдаланадиган кичик корхона ва ташкилотлар (мактаб, касалхона, дўкон, меҳмонхона, цех, ошхона ва бошқалар) эксплуатация ишларини амалга оширишни иссиқлик техникаси малакасига эга ходимлари бўлган махсус ихтисослаштирилган корхоналарга (ташкилотларга) шартнома асосида топшириши ёки малакали ходимларни ўзида сақлаши керак. Бунда малакали ходимларни ўзида сақлаш бошқа кичик корхоналар (ташкилотлар) билан биргаликда амалга оширилиши мумкин.

Иссиқлик энергиясидан фойдаланадиган кичик корхона ва ташкилотларнинг буйруғи билан ушбу Қоидаларнинг бажарилишини таъминлаш учун иссиқлик хўжалигига масъул шахс тайинланиши лозим.

Кичик корхона ва ташкилотларда МТХ лавозими кўзда тутилмаганда иссиқлик хўжалиги учун юқори ташкилотнинг МТХларидан бири масъул шахс сифатида белгиланиши мумкин. Агар юқори турувчи ташкилот мавжуд бўлмаса, жавобгарлик корхона раҳбари ёки унинг ўринбосарига юклатилади.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларидан тегишли тайёргарликдан ўтган ходимларсиз фойдаланиш тақиқланади.

13. Иссиқлик энергияси истеъмолчилари қуйидагиларни таъминлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари, ХТҚ ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига ва ушбу Қоидаларга мувофиқ иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини ишончли, тежамкор ва хавфсиз эксплуатация қилинишини;

иссиқлик таъминоти ташкилоти билан иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган иссиқлик энергиясини истеъмол қилишнинг гидравлик ва иссиқлик режимларига риоя этилишини;

корхона (ташкилот) томонидан иссиқлик юкламаси жадвалига риоя этилиши ва белгиланган иссиқлик истеъмоли режими сақланишини;

иссиқлик энергиясини истеъмол қилишнинг илмий асосланган стандартлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши, уни тежаш чоралари кўрилиши, конденсатнинг иссиқлик энергияси манбасига қайтиши кўпайишини, иссиқлик таъминоти схемасини такомиллаштириш ва хўжалик ёки технологик мақсадлар учун паст даражали иссиқликдан фойдаланиш йўли билан қайтиб келадиган сувнинг ҳароратини пасайтиришни;

меҳнат унумдорлигини ошириш учун янги ускуналар ва технологияларни жорий этишни;

гидравлик ва иссиқлик режимларини назорат қилиш, шунингдек, иссиқлик энергияси истеъмолини ҳисобга олиш учун автоматлаштирилган тизимлар ва ускуналар жорий этилишини;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини мукаммал ва режали таъмирлаш ишлари ташкил этилишини ва ўз вақтида ўтказилишини, шунингдек, иссиқлик ускуналарининг узлуксиз ишлаши учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлари ва материаллари билан таъминланишини;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 январдаги 26-сон қарори билан тасдиқланган Хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг раҳбар ва муҳандис-техник ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ саноат хавфсизлиги талаблари бўйича тайёргарликдан ва аттестациядан ўтганлиги;

иссиқлик манбасига қайтариладиган конденсатнинг миқдори ва сифати бўйича иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича шартнома меъёрлари бажарилишини;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига ўз вақтида сифатли техник хизмат кўрсатилиши ва таъмирланишини;

корхонанинг энергия балансларини ишлаб чиқилиши ва уларнинг таҳлил қилинишини;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (бундан буён матнда Ўзэнергоинспекция деб юритилади) ва иссиқлик таъминоти ташкилотининг кўрсатмалари ўз вақтида бажарилишини;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ишидаги носозликлар, шунингдек, уларни эксплуатацияси билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ўз вақтида ўрганиб чиқилишини;

ишлаб чиқарувчи корхоналарга бут бўлмаган, сифатсиз ёки буюртма таснифлари, давлат стандартлари ва техник шартларга мос келмайдиган асбоб-ускуналар етказиб берилганда эътирозлар юборилишини;

монтаж ташкилотларига сифатсиз монтаж қилинганда, лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқилганда ва монтаж жараёнларида ускуналар шикастланганда эътирознома юборилишини;

иссиқлик таъминоти ташкилоти билан биргаликда иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхоналарининг иссиқлик манбаларида иссиқлик энергияси ва қуввати вақтинча етишмовчилиги кузатилганда иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни чеклаш ҳамда ўчириш жадвалларини ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини;

технологик ва бошқа бўлимлар, шунингдек, ихтисослаштирилган лойиҳалаштириш ва фойдаланишга топшириш ташкилотлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда маҳсулот бирлигига иссиқлик энергиясининг солиштирма сарфи меъёрлари ва маҳсулот энергия сиғими камайишига йўналтирилган узоқ муддатли режалар ишлаб чиқилишини;

иссиқликни иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланган ҳолда энергия тежайдиган ва экологик тоза технологиялар асосида жорий этилишини;

энергия тежашни иқтисодий рағбатлантиришнинг прогрессив шаклларидан фойдаланишни;

янги ва реконструкция қилинган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни ва иссиқлик тармоқларини амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги текширилиши ва эксплуатацияга қабул қилинишини.

14. Корхона ва ташкилотлар томонидан иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ишлашидаги авария ва носозликларнинг ҳар бир ҳолати текширилиши ва ҳисобга олиниши керак.

Текшириш маълумотлари асосида мазкур авариялар ва носозликларни олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим. Бунда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар корхона ёки ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланиши ва ўз вақтида бажарилиши керак.

15. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларидаги авариялар ва рад этишлар учун қуйидагилар шахсан масъул ҳисобланади:

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига бевосита хизмат кўрсатаётган ходимлар (тезкор, тезкор-таъмирлаш ва технологик ходимлар) – уларнинг айби билан содир бўлган ҳар бир авария ва рад этиш, шунингдек, улар хизмат кўрсатаётган участкада ҳар қандай авария ва ишлашни рад этиш нотўғри бартараф этилиши учун;

қурилмаларни (ускуналарни) таъмирловчи ходимлар – таъмирлаш ишларини сифатсиз бажарганлиги туфайли келиб чиққан авария ва носозлик учун, корхонанинг муҳандислик-техник ходимлари эса – уларнинг айби билан қурилмаларни

(ускуналарни) ўз вақтида таъмирланмаганлиги ва таъмирлашдан сўнг сифатсиз қабул қилинганлиги учун;

катта тезкор ходимлар – қўл остидаги ходимлар ҳамда ўзларининг айблари билан содир бўлган авариялар ва рад этишлар учун;

раҳбарлар (ёки бош муҳандислар), бош энергетиклар (механиклар), иссиқлик ва энергетика цехлари бошлиқлари, иссиқлик техникаси усталари ва бошқа МТХлар – қўл остидаги ходимларининг ва ўзларининг айблари, шунингдек, таъмирлаш ишлари қониқарсиз ташкил этилганлиги ва аварияга қарши чоралар кўрилмаганлиги туфайли авариялар ва ишлашни рад этишлар содир бўлганлиги учун.

16. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда юз берган бахтсиз ҳодисалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низом асосида текширилиши ва ҳисобга олиниши лозим.

17. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар учун жавобгарлик бевосита Қоидаларни бузган ва бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш имконияти истисно этиладиган ташкилий-техник чоралар бажарилишини (иш жойи хавфсизлик техникаси талабларига мувофиқлигини, ишларни хавфсиз олиб борилишига ўқитишлар ўтказилганлигини ва бошқаларни) таъминламаган шахслар зиммасига юкланади.

18. Корхона (ташкилот) иссиқлик хўжалигига хизмат кўрсатувчи ходимларнинг штати корхона (ташкилот) раҳбари томонидан мазкур Қоидалар талабларини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни эксплуатация қилиш бўйича ходимлар ўртасида жавобгарлик тақсимоти корхона (ташкилот) раҳбарияти томонидан лавозим йўриқномаларида белгиланади.

19. Мазкур Қоидалар ва ХТҚ талаблари бажарилиши устидан давлат назорати Ўзэнергоинспекция томонидан амалга оширилади.

20. Корхоналарда (ташкилотларда) ХТҚ қоидалари талабларига риоя этилишини назорат қилиш, корхоналарнинг (ташкилотларнинг) хавфсизлик техникаси бўлимлари ва уларнинг юқори турувчи ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

2-§. Ходимларни тайёрлаш

21. Корхонанинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишни махсус тайёрланган ходимлар амалга ошириши керак. Бунда, мутахассислар ўзларининг лавозимларига мувофиқ маълумотга, ишчилар эса малака тавсифи талаблари доирасида тайёргарликка эга бўлишлари керак.

22. Корхонада ходимларнинг ишлаб чиқариш малакасини ошириш, бахтсиз ҳодисалар ва шикастланишларнинг олдини олишга қаратилган ишлар тизимли равишда олиб борилиши керак.

23. Навбатчи ва тезкор таъмирлаш гуруҳи билан ишлаш қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

янги лавозимга тайёрлаш ва тажриба муддатини (стажировкани) ўташ;

мазкур Қоидалар, ХТҚ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 711-сон қарори билан тасдиқланган Энергетика ташкилотлари учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларида (бундан буён матнда ЁХҚ деб юритилади), белгиланган лавозим йўриқномалари ва бошқа норматив ҳужжатлар бўйича билимларини синовдан ўтказиш;

дублёрлик қилишни (тажрибали ходимнинг раҳбарлиги остида иш жойида вазифаларини бажариш);

меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқдан ўтказиш;

авария ва ёнғинга қарши машқлар ўтказиш;

касбий ва иқтисодий ўқитиш.

24. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига техник хизмат кўрсатиш, созлаш ва синовдан ўтказиш билан боғлиқ ходимлар билан ишлаш қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

янги лавозимга тайёрлаш ва тажриба муддатини (стажировкани) ўташ;

малака тавсифлари талаблари ҳажмида билимлар синовидан ўтказиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқдан ўтказиш;

касбий тайёргарлик.

25. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини бошқаришда ёки уларга техник хизмат кўрсатишда бевосита иштирок этмайдиган мутахассислар билан ишлаш янги лавозимга тайёрлашдан, лавозим йўриқномаларида назарда тутилган ҳажмда билимларни текширишдан, шунингдек касбий ва иқтисодий ўқитишдан иборат бўлиши керак.

26. Давлат органларининг назорати остидаги объектларга хизмат кўрсатадиган ходимларни билимлар синовидан ўтказиш ушбу органларнинг талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

27. Ходимга мустақил ишга тайинлангунга қадар ёки иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ишга (лавозимга) ўтганда, шунингдек, ушбу ишда (лавозимда) 6 ойдан ортиқ меҳнат фаолиятини олиб бормаганда, иш жойида ишлаб чиқаришни ўрганиши шарт.

Ходимлар ишлаб чиқариш машғулотларидан ўтиш, амалий кўникмаларни эгаллаш, асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан танишиш билан бир вақтда, ушбу лавозим учун зарур ҳажмда қуйидагиларни:

мазкур Қоидалар ва ХТҚни;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилиш хусусиятларини, техник паспортларини, тузилишини, схемаларини;

ишлаб чиқариш йўриқномаларини;

бажарилган ишларга қараб қўшимча қоидалар ва йўриқномаларни ўзлаштириш учун етарли вақт ажратилишини билиши лозим.

Ўрганаётган ходимга корхона, цех ёки бўлим буйруғи (фармойиши) билан малакали ўргатувчи ходим бириктирилади.

28. Ўқув муддати тугаши билан ўрганаётган ходим ушбу Қоидаларнинг 24–27-бандлари талабларига мувофиқ махсус комиссияда билимлар синовидан ўтиши керак.

Билимлар синовидан муваффақиятли ўтган ходимга комиссия томонидан белгиланган муддатга дублёрлик қилишга рухсат этилади.

Таъмирловчи ходимлар учун дублёрлик қилиш талаб этилмайди.

29. Янги лавозимга тайёрлаш ва амалиёт жараёнида навбатчилар ва тезкор таъмирловчи ходимлар:

ушбу Қоидалар, ХТҚ, ЁХҚни ўзлаштириши ва уларни амалий қўлланилишини ўрганиши;

ушбу лавозимда ишлаш учун зарур бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш йўриқномаларини, схемаларни ўрганиши;

ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўлган амалий кўникмаларни эгаллаши;

хизмат кўрсатадиган иссиқликдан фойдаланувчи қурилма ва иссиқлик тармоқларининг хавфсиз, ишончли, тежамкор ишлаши усулларини ҳамда шартларини ўрганиши шарт.

30. Ходимларни бевосита корхонанинг ўзида тайёрлаш ва қайта тайёрлашда, уларнинг иккинчи мутахассисликни эгаллашида хавфсиз ишлаш усулларига ўқитиш, ушбу вазифалар зиммасига юкланган ходим томонидан, зарурат туғилганда, корхонанинг энергия хизматининг тегишли мутахассисларини жалб этган ҳолда ташкил этилиши керак.

31. Ходимларни бевосита корхонанинг ўзида тайёрлаш ва қайта тайёрлашда, уларнинг иккинчи мутахассисликни эгаллашида хавфсиз ишлаш усулларига ўқитиш олиб бориладиган ишлар ва касбларнинг рўйхати, шунингдек, ўқитиш тартиби, шакли, даврийлиги ва давомийлиги корхона раҳбари томонидан, касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда соҳа талабларидан келиб чиқиб, касбнинг хусусиятлари, иш тури, ишлаб чиқариш хусусиятлари ва меҳнат шароитлари инобатга олинган холда белгиланади.

Бунда ўқитиш учун соҳа бўйича намунавий дастурлар асосида ўқув режалари ишлаб чиқилиб, раҳбар (ёки бош муҳандис) томонидан тасдиқланиши ва хавфсизлик техникаси бўлими (муҳандиси) билан келишилиши керак. Ўқув дастурлари назарий ва ишлаб чиқариш тайёргарлигини, шу жумладан, амалиёт ўташни ўз ичига олиши керак.

32. Назарий машғулотлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ёки махсус технологияларнинг тегишли бўлими бўйича ишлаб чиқилган 20 соатдан кам бўлмаган ҳажмдаги дастур бўйича ўтказилиши керак.

33. Хавфсиз меҳнат усуллари ва йўналишлари бўйича ишлаб чиқариш машғулотлари корхонада махсус тайёрланган иш жойларида, цехларда, устахоналарда ишлаб чиқариш таълими устаси ёки юқори малакали ишчи раҳбарлиги остида ўтказилиши керак.

Тажриба муддатини ўташ давомийлиги ўрганувчининг тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолда индивидуал равишда белгиланиши ва иккидан йигирма сменагача бўлиши керак.

Тажриба муддатини ўташга ижозат (рухсат) маъмурий ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Тажриба муддатини ўташ охирида ўрганувчи дастлабки билимлар синовидан ўтиши керак, шундан сўнг унга дублёрлик қилиш учун рухсат берилади.

34. Ходимнинг дублёрлик қилишига рухсат бериш буйруқ (фармойиш) билан расмийлаштирилади, унда дублёрлик қилиш муддати ва дублёрни тайёрлаш учун масъул шахс кўрсатилади. Дублёрни тайёрлаш дастури ва дублёрлик қилиш муддати хизмат кўрсатиладиган ускунанинг мураккаблигига боғлиқ. Дублёрлик қилишнинг муддати икки иш сменасидан кам бўлмаслиги керак. Иш жойида дублёрнинг барча хатти-ҳаракатлари учун асосий ишчи ва дублёр тенг масъулдир.

Иш жойида дублёрликни амалга оширишда ўрганувчи ходим, иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни кўрикдан ўтказиш, текзор ўчириш-ёқиш ёки бошқа ишларни фақат ўргатувчининг назорати остида амалга ошириши мумкин.

Ўрганувчи ходим, унинг тўғри ҳаракати, унинг ушбу Қоидаларга, шунингдек, ХТҚга мувофиқлиги бўйича жавобгарлик ўргатувчи ва ўрганувчининг ўзига юкланади.

Агар дублёрлик даврида ходимнинг ушбу фаолият учун касбий салоҳияти етмаслиги аниқланса, уни ўқитиш тўхтатилади. Бундай ходимни келгусида ишни давом эттириш масаласи корхона маъмурияти томонидан ҳал қилинади.

35. Муайян турдаги ишда, касбда ва мансабда уч йилдан ортиқ ёки юқори хавф билан боғлиқ ишда бир йилдан ортиқ танаффус бўлганда, мустақил ишни бошлашдан олдин барча ишчилар ишнинг хавфсиз усуллари ва йўналишлари бўйича машғулотлардан ўтишлари шарт.

36. Билимлар синовида қониқарсиз баҳо олган ходимга мустақил ишлашга рухсат берилмайди ва у бир ой ичида қайта билимлар синовидан ўтиши керак. Қайта билимлар синовидан қониқарсиз баҳо олган тақдирда, ушбу шахснинг мазкур лавозимда ишлашига рухсат берилмайди. Мазкур шахснинг келгусида ишлаш масаласи корхона маъмурияти томонидан ҳал этилади.

37. Тезкор ва тезкор таъмирловчи ходим ишда уч ҳафтадан икки ойгача танаффус қилган бўлса 1-2 смена, икки ойдан олти ойгача танаффус қилган бўлса 6 сменагача ўз иш жойида дублёрлик қилиши керак.

38. Янгидан ишга қабул қилинган ёки ишда олти ойдан кўпроқ танаффус қилган тезкор ва тезкор таъмирловчи ходимлар йўриқдан, стажировкадан, билимлар синовидан ва дублёрлик қилишдан сўнг, таъмирлаш ва созлаш ходимлари эса фақат йўриқдан, стажировкадан, билимлар синовидан ўтганидан сўнг мустақил ишлашига рухсат берилади.

Ишда уч ҳафтадан олти ойгача танаффус қилган ходимларни ишлашига рухсат бериш шартлари ушбу танаффуснинг давомийлиги билан белгиланади.

39. Ходимларни мустақил ишлашга рухсат этиш корхона ёки таркибий бўлинма раҳбарининг буйруқ (фармойиш) билан расмийлаштирилиши керак.

40. Ишда уч ҳафтадан олти ойгача танаффус қилган тезкор ва тезкор таъмирловчи ходимлар мустақил ишлашдан аввал иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар, иссиқлик тармоқлари иш режимлари ва схемалари, қурилмалардаги қуйида келтирилган ўзгаришлар билан танишиши керак:

йўриқномаларга киритилган ўзгартиришлар;

янги қабул қилинган норматив ҳужжатлар;

эгаллаган лавозими бўйича янги буйруқлар, техник фармойишлар ва бошқа ҳужжатлар.

41. Билимлар синови мажбурий бўлган шахсларнинг мустақил иш бажаришлари учун ижозат (рухсат) муддати кейинги билимлар синовигача сақланади. Агар улар ишлаб чиқариш ёки лавозим йўриқномаларида белгиланган қоидаларни бузсалар, корхона ва таркибий бўлинма раҳбарияти ёки давлат назорати органининг қарорига биноан ижозат (рухсат) муддати тўхтатилиши мумкин.

42. Ишда бир ойдан икки ойгача танаффус қилган таъмирловчи ва созловчи ходимларнинг ишлашига ижозат (рухсат) беришдан аввал улар режадан ташқари йўриқдан, ишда икки ойдан олти ойгача танаффус қилганда йўриқ ва бир ёки икки смена стажировкадан, ишда олти ойдан ортиқ танаффус қилганда йўриқ, стажировка ва билимлар синовидан ўтишлари керак.

43. Ходимларнинг ушбу Қоидалар, ХТҚ ва ишлаб чиқариш йўриқномалари бўйича билимлар синовидан ўтишлари қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига бевосита хизмат кўрсатувчи ёки уларни монтаж қилиш, созлаш ва таъмирлаш ишларини бажарувчи ходимлар бир йилда бир марта;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган муҳандис-техник ходимлар ҳар уч йилда бир марта;

тезкор ходимлар тоифасига кирувчи муҳандис-техник ходимлар бир йилда бир марта.

44. Билимлар синови ушбу Қоидалар, ХТҚ, ЁХҚ, ишлаб чиқариш ва лавозим йўриқномалари бўйича қуйидаги ҳолатларда ўтказилиши керак:

бирламчи – ўқитилгандан ва янги лавозимга тайёрлангандан сўнг мустақил ишлашга ижозат беришдан аввал ва бошқа ишга (лавозимга) ўтганда;

даврий – мазкур Қоидаларнинг 43-бандида кўрсатилган муддатларда;

навбатдан ташқари – мазкур Қоидалар, ХТҚ ёки ишлаб чиқариш йўриқномаларини бузган ходимлар;

Ўзэнергоинспекция, Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси (бундан буён матнда Контехназорат деб юритилади), Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ва Давлат меҳнат инспекцияси (бундан буён матнда назорат қилувчи органлар деб юритилади), шунингдек, касаба уюшмаларининг инспекциялари талабига биноан;

қоидабузарликни ўрганиш ёки текшириш комиссияларининг хулосаси бўйича ва юқори турувчи ташкилотларнинг қарорига биноан;

нормал ва авария ҳолатларида ходимнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари ёки билимлари етарли даражада эмаслиги аниқланганда;

меҳнат муҳофазаси ва эксплуатация қилиш бўйича янги қоидалар ёки норматив ҳужжатлар кучга кирганда;

янги технологик ускуналар татбиқ этилганда;

ишда бир йилдан ортиқ танаффус бўлганда;

ходим меҳнат муҳофазаси ва эксплуатация қилиш бўйича қўшимча билим талаб этадиган бошқа иш жойига ўтказилганда ёки бошқа лавозимга тайинланганда.

45. Навбатдан ташқари билимлар синовини ўтказиш даврий билимлар синовидан ўтказиш муддатларини бекор қилмайди (янги қоидалар кучга кирган ҳолатлар бундан мустасно).

46. Ҳар бир лавозим, иш жойи бўйича билимлар ҳажмига қўйиладиган талаблар лавозим йўриқномаларида белгиланиши керак.

Барча тоифадаги ходимлар учун хавфсизлик техникаси бўйича билиши зарур бўлган талаблар меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларда белгиланади.

47. Ҳар бир ходимнинг билимини синаш якка тартибда амалга оширилиши керак. Бунда қуйидагилар текширилади:

ушбу Қоидалар, хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари;

лавозим ва ишлаб чиқариш йўриқномалари ва схемалари;

лавозим йўриқномаларида ходим билиши назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

48. Корхонада (ташкилотларда) ушбу Қоидалар, шунингдек ТЭҚ ва ХТҚ бўйича билимлар синови камида уч кишидан иборат таркибдаги малака комиссиялари томонидан амалга оширилиши лозим. Бунда:

корхона (ташкилот) иссиқлик хўжалигига масъул шахс, унинг ўринбосари, хавфсизлик техникаси муҳандиси учун – корхонанинг бош муҳандиси ёки директори (комиссия раиси), тегишли назорат қилувчи органлар ва касаба уюшмаларининг инспекциясининг вакили иштирокида;

иссиқликдан фойдаланувчи ускуналар ва иссиқлик тармоқларининг техник ҳолати ва хавфсиз ишлаши учун масъул иссиқлик цехлари раҳбарлари учун – иссиқлик хўжалигига масъул шахс ёки унинг ўринбосари (комиссия раиси), хавфсизлик

техникаси бўлими вакили, бош энергетик (механик) бўлими вакили таркибидан иборат комиссия томонидан;

қолган МТХлар учун – мазкур банднинг учинчи хатбошисига мувофиқ комиссияда билимлар синовидан ўтган шахс (раис) ва бош энергетик бўлими, хавфсизлик техникаси бўлими ва корхонанинг (ташкилотнинг) касаба уюшмасининг вакилидан иборат комиссия томонидан ўтказилади;

қолган эксплуатация қилувчи ходимлар учун – таркиби, бош энергетик ёки иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари учун масъул шахс томонидан белгиланган бир неча комиссия тузилиши мумкин;

иссиқлик ва иссиқ сув таъминотига кунига 15 Гкал дан кам иссиқлик энергияси истеъмол қиладиган кичик корхоналар ходимлари билимлар синовидан ўтказилмайди. Бунда кичик корхоналардаги иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш бўйича масъул шахс тегишли назорат қилувчи органларда иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси бўйича йўриқдан ўтказилади ва алоҳида истеъмолчилар журналида расмийлаштирилади.

Назорат қилувчи органлар ва касаба уюшмаси инспекцияси вакиллари ўз хоҳишларига кўра мазкур Қоидаларнинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган билимлар синовидан ўтказиш бўйича малака комиссияларида иштирок этишлари мумкин. Бунда назорат қилувчи органлар ва касаба уюшмаси инспекцияси вакиллари малака комиссияси иш бошлашидан камида ўн кун олдин корхона (ташкилот) томонидан хабардор қилиниши керак.

49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг назорати остидаги хавфли ишлаб чиқариш объектларида хизмат кўрсатадиган ишчилар ва айрим тоифадаги мутахассисларни билимлар синовидан ўтказиш белгиланган тартибда ушбу Қўмита вакиллари иштирокида амалга оширилади.

50. Мазкур Қоидаларнинг 48-бандида назарда тутилган малака комиссиялари билимлар синовидан ўтаётган ходим ишлаётган корхонада (ташкилотда) ўтказилиши керак (хизмат сафаридаги ва мазкур Қоидаларнинг 48-банднинг олтинчи хатбошисидаги ходимлар бундан мустасно).

Билимлар синови натижалари ушбу Қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган шаклдаги журналда қайд этилади.

Билимлар синовидан муваффақиятли ўтган ҳар бир ходимга мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида келтирилган шаклда гувоҳнома берилади.

51. Хавфсизлик техникаси бўйича йўриқлардан иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини бошқариш, бевосита уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи барча ходимлар ва раҳбарлар ўтишлари керак.

52. Йўриқлар қуйидагиларга бўлинади:

кириш йўриғи;

иш жойида бирламчи йўриқ;

такрорий (даврий) йўриқ;

режадан ташқари йўриқ;

мақсадли (жорий) йўриқ.

53. Йўриқларнинг мақсади ходимлар ва раҳбарларга ХТҚга риоя этиш ва хавфсиз иш шароитларини ташкил этишдаги асосий талабларни етказишдан, иш жойида юзага келган ёки юзага келиш эҳтимоли бўлган хатоларни таҳлил қилиш, хавфсиз ишлаш бўйича билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича билимларни ўзлаштириш ва чуқурлаштиришдан иборатдир.

Йўриқлар бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 октябрдаги 608-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергетикаси объектларида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Йўриқлар берилиши тегишли журналда қайд этилиши керак.

54. Аварияга қарши машғулотлар иш жойларида ёки тренажёр қурилмаларида ўтказилади. Аварияга қарши ва ёнғинга қарши машғулотлар натижалари махсус журналларда қайд этилади.

55. Аварияга қарши машғулотлар ёнғинга қарши машғулотлар билан биргаликда ўтказилишига рухсат берилади.

Машғулотлар ўтказиш даврийлиги маҳаллий шароитларга қараб корхонанинг бош энергетиги томонидан белгиланади. Машғулотлар махсус дастурлар бўйича ўтказилади.

56. Янги ишга қабул қилинган раҳбар ходимлар ва мутахассислар, кириш йўриғидан ташқари, юқори турувчи мансабдор шахслар томонидан:

унга бириктирилаётган объектда (цех, бўлим ва бошқалар) иш шароитлари ва иш муҳити ҳолати;

ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари таъсиридан ишчиларни ҳимоя қилиш воситаларининг ҳолати;

ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касбий касалликлар;

меҳнат муҳофазаси ва иш шароитларини яхшилаш бўйича зарур чоралар;

меҳнат муҳофазаси бўйича лавозим мажбуриятлари ва раҳбарий ҳужжатлар билан таништирилиши керак.

3-§. Навбатчи ходимларнинг мажбуриятлари

57. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатиш қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

тезкор ходимлар томонидан (корхоналарнинг тезкор ходимларига иссиқлик пунктлари ва конденсат станцияларига хизмат кўрсатувчи барча ходимлар ҳамда энергия таъминоти бўйича диспетчерлар киради);

тезкор-таъмирловчи ходимлар томонидан (ички ва ташқи қувур ўтказгичларга, иссиқлик таъминоти тизимларига хизмат кўрсатувчи технологик, механика ва бошқа цехларнинг навбатчи ходимлари тезкор-таъмирловчи ходимларига киради);

технологик ходимлар томонидан (технологик ходимларга иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларга хизмат кўрсатувчи технологик цехлар ходимлари киради).

Цехлар, шунингдек, цех ва бош энергетик (механик) бўлими ўртасидаги иссиқлик ўтказгичларига хизмат кўрсатиш ва техник ҳолати бўйича жавобгарлик чегаралари мазкур Қоидаларнинг 142-банди талабларига мувофиқ белгиланади.

58. Навбатчи ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари лавозим йўриқномасида белгиланади. Лавозим йўриқномаларидан ташқари қуйидаги йўриқнома ва ҳужжатлар ишлаб чиқариш бўлинмасининг жавобгар шахси томонидан тузилиши ва корхона иссиқлик хўжалигига жавобгар шахс ёки бош муҳандис томонидан тасдиқланиши лозим:

эксплуатация қилиш бўйича йўриқнома;

хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома;

аварияларни бартараф этиш бўйича йўриқнома;

технологик хариталар ва иссиқлик схемалари;

меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар.

Навбатчи ходимлар қуйидаги тезкор журналларни юритишлари керак:

тезкор журнал (сменаларни топшириш-қабул қилиш, топшириқ (наряд) бўйича ишларни ёзиб бориш, иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини таъмирга чиқариш ҳамда таъмирдан кейин қабул қилиб олиш ва бошқалар);

носозликлар ва бажарилган таъмирлаш ишлари, иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларидаги носозликлар журнали.

Ушбу журналда ёзув киритилган сана, носозлик характери ва кимга тегишлилиги кўрсатилади. Масъул шахс носозликлар билан таништирилганлиги ва ушбу носозликлар бартараф этилганлиги хақида ёзувлар киритилади.

59. Навбатчи ходим цех (бўлим) бошлиғи томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ ишлаши керак. Зарур ҳолларда, навбатчи ходимни иккинчисига алмаштиришга фақат цех (бўлим) бошлиғи ёки унинг ўринбосарининг рухсати билан йўл қўйилади. Кетма-кет икки смена давомида ишлаш тақиқланади.

60. Навбатчи ходимлар тоифасидан бўлган ҳар бир ходим ишга киришаётганда ўзидан олдин ишлаган ходимдан сменани қабул қилиб олиши, ишни тугатганидан сўнг эса жадвал бўйича ўзидан кейинги ходимга топшириши шарт. Сменани топширмасдан навбатчиликдан кетиш тақиқланади.

61. Навбатчи ходим сменани қабул қилишда қуйидагиларни бажариши шарт:

ўзининг участкасидаги иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, арматура ва қурилмаларнинг ҳолати, схемаси ва ишлаш режими билан танишиши ва шахсан лавозим йўриқномасида белгиланган ҳажмда кўрикдан ўтказиши;

сменани топширувчидан ишда аварияга ва бузилишга олиб келиши мумкин бўлган, алоҳида кузатиш талаб этиладиган ускуналар, захира ва таъмирдаги ускуналар ҳақида маълумотларни олиши;

иш жойи, хона ва ускуналарнинг (қурилмалар) тозалигини текшириши;

ускуналар (қурилмалар), материаллар, хоналарнинг калитлари, тезкор журналлар ва иш жойининг ҳужжатларини текшириши ва қабул қилиб олиши;

ўзининг охирги навбатчилигидан кейинги барча ёзувлар ва фармойишлар билан танишиб чиқиши;

сменани қабул қилиш-топширишни журналга ёзиб, уни қабул қилувчи ва топширувчи имзоси билан расмийлаштириши. Лавозим йўриқномасида навбатчиликни қабул қилувчи ва топширувчи навбатчи ходимларнинг вазифалари доираси, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўрсатилиши;

бевосита сменадаги бошлиққа навбатчиликни қабул қилганлигини ва сменани қабул қилишда аниқланган барча камчиликлар тўғрисида хабар бериши;

ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари мавжудлигини текшириб кўриши ва қабул қилиб олиши.

62. Аварияни бартараф этиш пайтида сменани қабул қилиш ва топшириш, шунингдек иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни ишга тушириш ва тўхтатиш тақиқланади.

63. Ускуналар (қурилмалар) ишдан чиққанда сменани қабул қилиш ва топширишга фақат цех (бўлим) бошлиғи, ўринбосари ёки корхонанинг бош энергетиги (механиги) ижозати билан рухсат этилади.

64. Сменадаги навбатчи ходим унга бириктирилган участкада жойлашган барча ускуналарга (қурилмаларга) тўғри хизмат кўрсатиши ва уларнинг авариясиз ишлаши учун масъул ҳисобланади.

Навбатчи ходим ўзидан юқори турувчи навбатчи ходимларнинг тезкор топшириқларига ва тасдиқланган технологик режимларга мувофиқ ускунанинг тежамкор ва ишончли ишлашини таъминлаши керак.

65. Ҳар бир навбатчи ходим ишлаш режимлари, ишлаб чиқаришдаги алмашлаб улашлар, иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини ишга тушириш ва ўчиришлар, ишлашни рад этилиши, топшириқнинг (наряднинг) рақами ва иш мазмунини кўрсатган ҳолда топшириқ (наряд) бўйича ишлашга рухсат этишни ва ишнинг тугалланиши вақтини кўрсатиб тезкор журналга ёзувлар киритиб бориши керак.

66. Иш режимлари бузилганда ёки ускуна шикастланганда навбатчи, унга бўйсунувчи ходимлардан фойдаланиб, зудлик билан ускунанинг (қурилманинг) нормал иш режимини тиклаш ёки аварияни бартараф этиш ва технологик бузилишларнинг ривожланишини олдини олиш чораларини кўриши ва бу ҳақида смена бошлиғига ёки бошқа, уни алмаштирувчи шахсга хабар бериши керак.

67. Навбатчи эксплуатация қилувчи ходимнинг нотўғри хатти-ҳаракатларида, маъмурий-техник шахслар тезкор журналга тегишли ёзувлар киритган ҳолда масъул

навбатчини четлатишгача чора кўриб, аварияни бартараф этишга раҳбарлик қилишга ва жавобгарликни ўзларига олган ҳолда аварияни бартараф этишга аралашишга мажбур.

68. Ҳар бир технологик бузилиш синчковлик билан ўрганилиши керак. Технологик бузилишни текширишда махсус тузилган комиссия ёки масъул ходим томонидан қуйидагилар аниқланиши керак:

технологик бузилишнинг келиб чиқиши ва ривожланиши сабаблари;

технологик бузилишнинг содир бўлиши ва ривожланишига айбдор шахслар;

ходимлар хатти-ҳаракатларининг тўғрилиги;

ускуналар (қурилмалар) нуқсонлари ва шикастланиш характери;

келгусида шу каби технологик бузилишларни олдини олиш имкониятлари.

Аварияга қарши чора-тадбирлар корхона (ташкилот) раҳбари (ёки бош муҳандиси) томонидан тасдиқланади, шундан сўнг уларнинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

69. Технологик бузилишларнинг классификацияси “Истеъмолчилар энергетика хўжалиги объектлари ишида авариялар, номувофиқ ва бошқа бузилишларни текшириш бўйича намунавий йўриқнома”га мувофиқ белгиланади.

4-§. Техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва техник ҳисобот

70. Кунлик иссиқлик энергияси истеъмоли ўртача 15 Гкал ва ундан ортиқ бўлган барча корхоналар (ташкилотлар) кун, ой, йил мобайнида қуйидагиларни аниқлаш имконини берадиган назорат-ўлчаш воситалари (қурилмалари) билан жиҳозланган бўлиши керак:

корхона (ташкилот) бўйича, корхонанинг (ташкилотнинг) ҳар бир цехи бўйича, иситиш, иссиқ сув таъминоти ва технологик эҳтиёжлар учун харажатларни ажратган ҳолда буғ, иссиқ сув сарфи ва конденсатнинг қайтарилишини;

ўзининг қозонхонасидан ва иссиқлик таъминоти манбаидан олинган иссиқлик энергияси миқдорини;

буғ, иссиқ сув ва қайтаётган конденсат параметрларини (ҳарорат ва босимни);

тўғридан-тўғри ва қайтиб келаётган иситиш суви ҳароратини;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларида иситиш сувининг сизиб чиқиш миқдорини.

71. Корхонада қуйидагилар ташкил этилиши керак:

корхона (ташкилот) бўйича, корхонанинг (ташкилотнинг) технологик ва ёрдамчи цехлари бўйича, меъёрлашнинг қисмлар ва бошқа истеъмоллар бўйича иссиқлик элтувчиси ва иссиқлик энергияси сарфини ҳисобга олиш;

иссиқлик энергиясининг солиштирма сарфларини меъёрлаш, назорат ва таҳлил қилиш;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ҳолати ва иш режимларини баҳолаш учун уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш;

энергияни тежаш бўйича амалга оширилаётган ташкилий-техник тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш;

иссиқлик элтувчиси ва иссиқлик энергиясини тежаш учун ходимларни иқтисодий рағбатлантириш;

иссиқлик энергиясидан фойдаланиш натижалари бўйича ҳисоботни юритиш.

72. Иссиқлик таъминоти ташкилоти билан, шунингдек, корхонанинг иссиқлик энергияси истеъмолчилари билан ҳисоб-китоб қилиш учун иссиқлик ташувчи ва иссиқлик энергияси сарфининг тижорий ҳисоби Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

73. Иссиқлик элтувчиси ва иссиқлик энергияси сарфларини меъёрлаш, уларнинг амалдаги солиштирма сарфи ва энергияни тежаш бўйича тадбирларнинг самарадорлиги энергияни тежаш ва меъёрлаш бўйича идоравий норматив ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак.

74. Корхонада иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг энергетика синовлари ўтказилиши ва уларнинг натижалари бўйича Саноат корхонасининг энергетика қуввати 10 МВт ва ундан юқори бўлган ҳар бир иссиқлик электр станциясида, қуввати 30 МВт ва ундан юқори бўлган гидроэлектр станцияларда, иссиқлик ишлаб чиқариш унумдорлиги 50 Гкал/соат (209,5 ГДж/соат) ва ундан юқори бўлган қозонхонада, ускуналар ишининг техник-иқтисодий кўрсаткичларининг мутлақ ёки нисбий ҳисобланган электр ва иссиқлик юкламаларига боғлиқлигини белгиловчи энергетик характеристикалари ишлаб чиқилган бўлиши шарт.

Бунда энергетика синовлари ўтказилиши керак бўлган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар рўйхати корхона раҳбари ёки бош муҳандиси томонидан тасдиқланиши керак.

Энергетика тавсифлари ва алоҳида кўрсаткичлар нормалари режим хариталари, жадваллар, графиклар шаклида эксплуатация қилиш бўйича йўриқномаларда келтирилиши ёки эксплуатация қилувчи ходимларга етказилиши керак.

75. Корхоналар (ташкилотлар) ҳар йили мазкур Қоидаларга 3-иловада келтирилган шаклда буғ-конденсат балансини тузишлари шарт.

76. Саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган корхоналар энергетика кўрсаткичлари бўйича ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатларда ва шаклларда тақдим этадилар.

77. Кунлик иссиқлик энергияси истеъмоли 5,0 Гкал/соат ва ундан ортиқ бўлган саноат корхоналарида фойдаланилмаётган иккиламчи энергия ресурслари аниқланганда, Ўзэнергоинспекция талабига биноан, лекин камида 5 йилда бир марта иссиқлик баланси тузилиши керак.

78. Корхонанинг иссиқлик хўжалигига масъул шахс ҳар ойда бутун корхонанинг ва унинг алоҳида цехларининг иссиқлик ва буғ-конденсат балансини таҳлил қилиши, иссиқлик энергиясидан фойдаланиш самарадорлиги ва конденсат қайтишини ошириш бўйича зарур чораларни кўриши керак.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг иссиқлик балансини кўриб чиқишда ҳар бир иссиқликдан фойдаланувчи қурилма ҳамда унинг алоҳида элементларининг иссиқлик самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлил қилиниши керак.

79. Ҳар бир корхонада иссиқлик энергияси, ёқилғи ва конденсат қайтарилиши тежалганлиги учун амалдаги намунавий низомларга мувофиқ мукофотлаш тизими ишлаб чиқилиши керак.

5-§. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш

80. Корхонада (ташкилотда) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ташкил этилиши керак.

81. Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга тайёрлаш;

ускунани (қурилмани) таъмирлашга чиқариш;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг техник ҳолатини баҳолаш ҳамда нуқсонлар рўйхатини тузиш;

техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;

ускунани (қурилмани) таъмирдан қабул қилиш;

техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш амалга оширилиши юзасидан назорат ва ҳисобот.

82. Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича жавобгарлик, корхона (ташкилот) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига масъул бўлган маъмурий-техник ходимларга юкланади.

83. Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳажми иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ишлаш қобилияти ҳолатига қараб белгиланиши керак.

84. Техник хизмат кўрсатиш жараёнида назорат хусусиятига эга бўлган операциялар (кўрикдан ўтказиш, эксплуатация бўйича йўриқномаларга риоя этилишини назорат қилиш, техник синовлар ва техник ҳолатни текшириш) ҳамда тиклаш хусусиятига эга айрим технологик операциялар (созлаш ва қайта созлаш, тозалаш, мойлаш, катта ҳажмда ажратмасдан ишдан чиққан қисмларни алмаштириш, турли майда нуқсонларни бартараф этиш) амалга оширилиши лозим.

85. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва ускуналарни таъмирлаш бўйича барча турдаги йиллик ва ойлик режалаштирилган профилактик таъмирлашлар

жадваллари тузилиши, корхона раҳбари (ёки бош муҳандиси) томонидан тасдиқланиши керак. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва ускуналарни таъмирлаш жадваллари энергия таъминоти ташкилотининг (цехнинг) тегишли ишлаб чиқариш ускуналарини таъмирлаш жадвалларига мувофиқ бўлиши керак.

86. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини таъмирлашнинг асосий турлари мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳисобланади.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни мукаммал таъмирлаш ўтказилганда ускуна ва жиҳозларнинг узлуксиз ишлаш муддатини кўпайтириш ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, эскирган бутловчи қисмларни тиклаш ва алмаштириш, шунингдек, зарурат бўлганда, эксплуатация қилишнинг илғор тажрибаларини ва янги техника жорий этишни инобатга олган ҳолда уларни модернизация қилиш чоралари кўрилиши керак.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни жорий таъмирлашда унинг кейинги таъмиргача номинал қувват, унумдорлик ва самарадорлик билан ишлашини таъминлайдиган кўрикдан ўтказиш, тозалаш ва таъмирлаш бўйича ишлар амалга оширилади.

87. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини мукаммал ва жорий таъмирлаш ўтказилишида, бир пайтнинг ўзида унга тегишли ёрдамчи қурилмаларни ҳам таъмирлаши ўтказилади.

Ёрдамчи иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалалар захираси мавжуд бўлганда, уларни асосий иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни мукаммал таъмирлаш оралиғида таъмирлаш мумкин.

88. Ҳар бир иссиқликдан фойдаланувчи қурилма ва бошқа ускуналарини (қурилмаларни) мукаммал таъмирлашга чиқаришдан аввал қуйидаги тайёргарлик чоралари кўрилиши керак:

ускунани (қурилмани) очиш ва текширишдан кейин аниқлиқ киритиладиган нуқсонлар ва ишлар ҳажми рўйхатлари тузилиши;

таъмирлаш ишларини ўтказиш жадвали тузилиши;

нуқсонлар ва ишлар ҳажми рўйхатларига мувофиқ зарур материаллар ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари тайёрланиши;

ускуналар (қурилмалар), мосламалар, маҳкамлаш ускуналари, кўтариш-транспорт механизмлари тўлиқ жиҳозланган ҳамда фойдаланишга тайёр бўлиши;

таъмирлаш учун иш жойлари тайёр бўлиши, қисмлар ва деталларнинг жойлашуви кўрсатилган ҳолда майдон режалаштирилиши;

бутун иш ҳажмини ўз вақтида бажарилишини таъминлайдиган таъмирлаш бригадалари ташкил этилиши.

89. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини мукаммал таъмирлаш бўйича ҳужжатлар белгиланган тартибда тузилиши ва корхона (ташкилот) раҳбари (ёки бош муҳандиси) томонидан тасдиқланиши керак.

Мукаммал таъмирлаш пайтида иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларда ва иссиқлик тармоқларида конструктив ўзгаришлар киритиш ва принципиал иссиқлик

схемаларини ўзгартириш фақат тасдиқланган лойиҳага мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

90. Мукаммал ва жорий таъмирлаш жадвали ушбу участкадаги бошқа цехларнинг таъмирлаш ишлари билан келишилган бўлиши керак. Жадвалда участкалар бўйича ишчи гуруҳлар ва масъул раҳбарлар ўртасида иш тақсимоти кўрсатилиши керак.

91. Мукаммал ва жорий таъмирлашни ташкил этиш ва уни бажарилишини назорат қилиш таъмирланаётган ускунага (қурилмага) бириктирилган шахс томонидан амалга оширилиши керак.

92. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини таъмирлаш учун корхонада (ташкилотда) ушбу корхона (ташкилот) раҳбари (ёки бош муҳандис) томонидан тасдиқланган номенклатурага мувофиқ зарур эҳтиёт қисмлар ва материаллар тайёрланган бўлиши керак.

93. Корхонада (ташкилотда) эҳтиёт қисмлар, эҳтиёт ускуналар ва авария материаллари мавжудлигининг аниқ ҳисоби юритилиши керак, улар таъмирлаш ишларида сарфланишига қараб ўз вақтида тўлдириб борилиши лозим.

94. Эҳтиёт қисмлар ва эҳтиёт ускуналарни сақлашда уларни бузилиш ва коррозиядан сақланиши таъминланиши шарт.

Намликда ўз хусусиятларини йўқотадиган иссиқлик изоляцияси ва бошқа материаллар ёпиқ омборлар ёки айвонларда сақланиши керак.

95. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини мукаммал таъмирлашдан қабул қилиш корхона (ташкилот) буйруғи билан тайинланган ишчи комиссия томонидан амалга оширилади.

Жорий таъмирлашдан қабул қилиш ушбу иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг таъмирланиши, техник ҳолати ва хавфсиз ишлаши учун масъул бўлган шахслар томонидан амалга оширилади.

96. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини мукаммал ва жорий таъмирлашдан сўнг қабул қилишда нуқсонлар рўйхатида кўрсатилган барча ишлар бажарилган бўлиши ва қабул синовлари ўтказилиши керак, шундан сўнг таъмирлаш сифатига баҳо берилади.

97. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини мукаммал таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар далолатнома асосида қабул қилинади. Қабул қилиш далолатномаларига таъмирлаш бўйича барча техник ҳужжатлар (эскизлар, фотосуратлар, индивидуал компонентлар учун оралиқ қабул қилиш далолатномалари ва оралиқ синовлар баённомаси, таъмирлашни бажариш жадвали ва бошқалар) илова қилиниши керак.

98. Қурилмалар ва жиҳозларни таъмирдан қабул қилиш далолатномалари барча техник ҳужжатлар паспортлари билан бирга сақланиши керак.

Мукаммал ва жорий таъмирлаш вақтида аниқланган ва киритилган барча ўзгаришлар паспортлар, схемалар ва чизмаларга киритилиши керак.

99. Мукаммал ва жорий таъмирлашни ташкил этиш, таъмирлаш ишларининг технологияси, таъмирлашга тайёргарлик кўриш ва таъмирга чиқариш тартиби, шунингдек, таъмирланган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини қабул қилиш ва баҳолаш белгиланган норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

6-§. Техник ҳужжатлар

100. Ҳар бир иссиқликдан фойдаланувчи қурилма учун қуйидагилар бўлиши керак:

белгиланган шаклдаги паспорти, синов, текширув ва таъмирлаш баённомалари ва далолатномалари;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг ишчи чизмалари;

тегишли сертификатлар ва янги ўрнатиладиган электротехник мослама ва ускуналарни электрмагнит мослашувчанлиги талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи синов баённомаси;

барча қувур ўтказгичларнинг арматураси рақамланган ва назорат-ўлчаш приборлари жойлаштирилган ижро схемалари;

эксплуатация қилиш ва таъмирлаш бўйича йўриқномалар;

ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низом;

яширин ишлар бўйича кўрик далолатномалари, иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни, технологик қувур ўтказгичларни, иссиқ сув таъминоти, иситиш ва вентиляция тизимларини, иссиқлик тармоқларини якка тартибда синовдан ўтказиш далолатномалари;

оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда ишчи ва давлат комиссиялари томонидан иссиқлик тармоқлари, иссиқлик пунктлари, насос станциялари ва иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни эксплуатацияга қабул қилиш далолатномалари.

101. Корхона (ташкилот) раҳбарияти навбатчи ва тезкор таъмирловчи ходимлар учун зарур техник ҳужжатларни белгилаши ҳамда мазкур ҳужжатларни иш жойида бўлишини таъминлаши керак.

102. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг схемалари ва чизмаларининг тўлиқ тўплами техник архивда сақланиши керак. Қурилмаларнинг тезкор схемалари ва чизмалари цех (участка) бошлиғида ва навбатчи ходимларнинг иш жойида бўлиши керак.

Зарур иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг схемалари навбатчи ходимларнинг хоналарида кўринадиган жойларда жойлаштирилиши керак. Схемалардаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар барча ходимларга етказилиши керак, ходимлар учун ушбу схемаларни билиш мажбурийдир.

Ҳар уч йилда камида бир марта ишчи схемаларнинг корхона (ташкилот) иссиқлик таъминоти тизимидаги барча элементларнинг ҳақиқий ҳолатига

мувофиқлиги объектнинг бош муҳандиси ёки иссиқлик хўжалигига жавобгар шахс томонидан текширилади.

103. Схемалар ва чизмалар мавжуд шароитларга (амалдаги ҳолатга) мос келиши керак. Қурилма, ускуна, жихоз ва ҳоказолардаги ҳар қандай ўзгариш дарҳол чизма ёки схемада, ким томонидан, қачон ва нима сабабдан киритилгани келтирилган ҳолда кўрсатилиши шарт.

104. Ҳар бир иш жойи учун лавозим йўриқномасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ходимлар билиши мажбурий бўлган йўриқномалар ва бошқа норматив ҳужжатлар рўйхати, қурилмалар (ускуналар) схемалари рўйхати;

ходимларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

ходимнинг юқори турувчи, унга бўйсунувчи ва бошқа тегишли ходимлар билан муносабатлари.

105. Ҳар бир иш жойида эксплуатация қилиш бўйича йўриқномалар ва хизмат кўрсатиладиган қурилманинг (ускунанинг) асосий тавсифлари кўрсатилган яққол кўринадиган ҳолда жойлаштирилган схемаси бўлиши керак.

106. Эксплуатация қилиш бўйича йўриқномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

қурилмани (ускунани) ишга тушириш ва тўхтатиш бўйича операциялар кетма-кетлиги;

нормал иш ҳолатида қурилмани (ускунани) эксплуатация қилиш тартиби ва авария содир бўлганида кўриладиган чоралар;

қурилмани (ускунани) таъмирлашга ижозат (рухсат) бериш тартиби;

хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги чоралари.

Агар мазкур Қоидаларнинг 3-бандида белгиланган алоҳида ишлаб чиқариш шароитларига ёки махсус иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларга эга бўлган корхоналардаги (ташкилотлардаги) хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ўзаро муносабатлари ва жавобгарлиги эксплуатация қилиш бўйича йўриқномаларида қўшимча равишда кўрсатилади.

Ускуналарга (қурилмаларга) хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномалар ушбу ускуналарни эксплуатация қилиш бўйича намунавий йўриқномаларга мувофиқ, завод маълумотлари ва йўриқномалари, эксплуатация ва аварияга қарши циркулярлар ҳамда бошқа директив ҳужжатлар асосида, шунингдек маҳаллий шароитлар ва ускунанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда эксплуатация тажрибаси асосида тузилиши керак.

Маъмуриятнинг қарорига кўра, ускунанинг (қурилманинг) мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, қўшимча равишда унинг техник хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномалари ва техник тавсифи ишлаб чиқилиши мумкин.

107. Йўриқномалар цех бошлиғи томонидан имзоланиши, бош энергетик (механик) билан келишилиши ва корхона (ташкилот) раҳбари (ёки бош муҳандис) томонидан тасдиқланиши керак.

Йўриқномалар уч йилда камида бир марта эксплуатация шароитлари ўзгариши, янги технологияларнинг жорий этилиши, шунингдек, чиқарилаётган раҳбарий ҳужжатлар инобатга олинган ҳолда қайта кўриб чиқилиши ва қайта тасдиқланиши керак.

Амалдаги йўриқномаларга киритилган барча муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар, уларни билиши зарур бўлган ходимларга фармойишлар журналига ёзиб қўйиш ёки бошқа усуллар билан етказилиши керак.

108. Йўриқномада корхонанинг (ташкилотнинг) бош энергетик (механик) бўлими ва ишлаб чиқариш цехлари ходимлари ўртасида ускунага (қурилмага) техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича аниқ чегаралар белгиланиши ва ушбу йўриқномани билиши мажбурий бўлган ходимлар рўйхати кўрсатилиши керак.

109. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларда умумий хавфсизлик талаблари, иш бошланишидан аввал, иш бажариш вақтида, авария ҳолатларида ва иш тугаганида хавфсизлик талаблари кўрсатилган бўлиши керак.

110. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасида рўйхатга олинадиган ва рўйхатга олинмайдиган барча иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар (идишлар), босим остида ишлайдиган ускуналарнинг тузилиши ва уларни хавфсиз эксплуатация қилиш талабларига мувофиқ, эгалари томонидан корхонадаги ускуналарни (идишларни) назорат қилувчи ёки иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг техник ҳолати ва хавфсиз ишлаши учун масъул шахсда сақланадиган ускуналарни қайд этиш ва текширишдан ўтказиш махсус китобида ҳисобга олиниши керак.

111. Қувур ўтказгичлар учун, унинг паспортига қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тузилиши керак:

қувурларнинг диаметрларини;

таянчлар, компенсаторлар, арматуралар, дренаж қурилмалари ва назорат ўлчаш воситалари жойлашишини кўрсатган ҳолда қувур ўтказгичларнинг ижро схемалари;

қувур ўтказгичлар ишлаб чиқарилиши ва ўрнатилиши сифати тўғрисида гувоҳномалар;

қувур ўтказгичларнинг эгаси томонидан монтаж ташкилотидан фойдаланишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома.

иссиқлик тармоқларининг ажралмас қисми бўлган ускуналар учун паспортлар ва бошқа ҳужжатлар (сув ажратгичлар, лой коллекторлари ва бошқалар).

112. Навбатчи ходимлар қуйидаги рўйхатга мувофиқ тезкор ҳужжатларни юритишлари керак:

тезкор журнал унда иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг (иссиқлик тармоқларининг белгиланган режимини таъминлаш учун амалга оширилаётган тезкор ҳаракатлар ва юқори турувчи ва маъмурий-техник ходимлар фармойишларини хронологик тартибда (бир дақиқагача аниқлик билан) рўйхатга олишлар, ускуналарнинг (қурилмаларнинг) носозликлари ва рад этишлари ҳамда нормал режимни тиклаш бўйича чоралар тўғрисида ёзувлар, топшириқ (наряд) ва

фармойишлар бўйича ишлашга дастлабки ва кунлик ижозат бериш тўғрисида маълумотлар, ускуналар ҳолати қайд этилган ҳолда (ишда, таъмирлашда, захирада) сменани қабул қилиш ва топшириш тўғрисида ва навбатчилик билан боғлиқ бошқа ёзувлар қайд этилади);

иситиш (сув, буғ, конденсат) тармоқларининг тезкор схемаси – қувур ўтказгичларнинг диаметри ва рақами, арматураси, тушириш, пуфлаш ва дренаж қурилмалари кўрсатилган иситиш тармоқларининг схемаси;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг тезкор схемаси – иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни тушириш, пуфлаш ва дренаж қурилмалари кўрсатилган схемаси, кирувчи ва чиқувчи қувур ўтказгичлари билан;

фармойишлар журнали – корхона (ташкилот) раҳбарияти, энергия хизмати раҳбар ходимларининг фармойишлари ёзуви;

наряд ва фармойишлар бўйича ишларни қайд этиш журнали – ХТҚга мувофиқ;

ускуналарни (қурилмаларни) ишлашдан чиқариш талабномалари журнали – ускуналарни ишлашдан чиқаришга цехларнинг (бўлимларнинг) ускуна (қурилма) номи, уни ишлашдан чиқариш сабаби ва вақти, шунингдек, ўчириладиган ускунанинг (қурилманинг) иссиқлик истеъмоли ҳажми кўрсатилган талабномаларини рўйхатга олиш журнали;

нуқсонлар журнали – иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар (иситиш тармоқлари) носозликлари тўғрисидаги ёзувлар. Бунда ёзув санаси, носозлик характери ва қурилма кимга тегишлилиги қайд этилади. Техник ҳолат ва хавфсиз эксплуатация учун масъул шахс таништирилганлиги тўғрисида ва нуқсонларнинг бартараф этилиши бўйича ёзувлар;

алмашлаб улаш бланки – алмашлаб улашлар ҳажми, уларнинг бошлаш ва тугаш вақти, ўтказиш шароитлари, алмашлаб улашни амалга оширадиган ходимлар тўғрисида маълумотлар, алмашлаб улаш кетма-кетлиги, улар тугаганидан сўнг беркитиш ва бошқариш арматураларининг ҳолати ёзилган бланк ҳамда алмашлаб улаш жараёнини назорат қиладиган ва улар учун масъул бўлган ходимнинг фамилияси;

иссиқлик таъминоти тизимини марказий тартибга солишнинг ҳарорат жадвали – иситиш тармоғининг етказиб бериш ва қайтариш иссиқлик тармоқларида тармоқ суви ҳароратининг ташқи ҳароратга боғлиқлиги графиги;

режим харитаси – иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ишончли ва самарали ишлашига эришиш учун параметрларнинг мақбул қийматлари рўйхатини ўз ичига олган ҳужжат.

Маҳаллий шароитга қараб, тезкор ҳужжатлар рўйхати корхона (ташкилот) раҳбари ёки бош муҳандиси қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

113. МТХ томонидан ҳар куни эксплуатация ҳужжатлари текширилиши ва корхонанинг (ташкилотнинг) иссиқлик таъминоти тизимидаги ускуналар (қурилмалар) камчиликлари ва ходимлар томонидан содир этилган носозликларни бартараф этиш чоралари кўрилиши лозим.

7-§. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишга ижозат бериш

114. Қурилиш ва монтаж ишлари тугалланган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан қабул қилинади ва фойдаланишга топширилади.

Истеъмолчиларнинг барча янгидан монтаж қилинган, реконструкция ва модернизация қилинган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари, иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ўлчаш воситалари амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва давлат стандартларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик энергиясини ўлчаш воситалари мувофиқлик сертификатига эга бўлиши керак.

115. Эксплуатацияга қабул қилинаётган барча иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар иссиқлик таъминоти лойиҳасига мувофиқ амалга оширилиши ва мазкур Қоидалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси томонидан қабул қилинган қоидалар, саноат хавфсизлиги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари талабларига жавоб бериши шарт.

Иссиқлик таъминоти лойиҳаси бўлмаган ва амалдаги қоидаларни бузган ҳолда ўрнатилган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни эксплуатация қилишга ижозат (рухсат) берилмайди.

116. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасида рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган янгидан ўрнатилган иссиқликдан фойдаланувчи ускуналарни (идишларни) эксплуатацияга киритиш ушбу қўмита инспектори кўригидан сўнг амалга оширилади.

117. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасида рўйхатдан ўтказилиши керак бўлмаган ускуналар ва тармоқларни эксплуатацияга қабул қилиш буғ ва сув иситиш қозонлари, босим остида ишлайдиган ускуналар ва иссиқлик тармоқларининг техник ҳолати ва хавфсиз ишлаши учун масъул шахс томонидан ҳужжатларни текшириш ва паспортга тегишли ёзувларни қайд этиш натижалари асосида амалга оширилади.

118. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатацияга киритишдан аввал:

қабул комиссияси ҳамда Ўзэнергоинспекция томонидан белгиланган нуқсонлар ва камчиликлар бартараф этилиши;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини тўлиқ қувват билан ишончли ишлашини аниқлаш учун, улар синалиши ва кафолат ҳамда лойиҳа маълумотларига мувофиқлиги текширилиши керак.

119. Қурилиш ёки реконструкция ишлари тугалланган сўнг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан қурилиши тугалланган объектни соҳа талабларига мувофиқ эксплуатацияга қабул қилинади.

120. Қурилиш-монтаж ишлари тугалланган сўнг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ишга туширилишидан аввал, якка тартибда ва комплекс синовлари амалга оширилиши керак.

Қурилиш ва монтаж қилиш давомида йўл қўйилган нуқсонлар ва камчиликлар, шунингдек, якка тартибда ва комплекс синовлари жараёнида аниқланган ускуналарнинг (қурилмаларнинг) нуқсонлари қурилиш-монтаж ташкилотлари ва ишлаб чиқарувчи заводлар томонидан комплекс синовлар бошлангунга қадар бартараф этилган бўлиши шарт.

121. Иссиқ сув таъминоти, иситиш, шамоллатиш тизимларининг ҳамда иссиқликдан фойдаланувчи технологик ускуналарнинг якка тартибдаги синовлари ШНҚ 2.04.05-22 “Иситиш, вентиляция ва кондициялаш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ҳисоб рақами 287, 2024 йил 11 сентябрь) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

122. Комплекс синашда асосий агрегатлар ва уларнинг ёрдамчи ускуналарини биргаликда юклама остида ишлаши текширилиши керак.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг комплекс технологик синовлари, ушбу қурилмалар юклама остида ишлаган ҳолда лойиҳа қуввати ўзлаштирилишини бошланғич даври учун ўрнатилган ҳажмдаги маҳсулотнинг биринчи партияси ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган лойиҳавий технологик режимга чиққанда, ўтказилган ҳисобланади.

Комплекс синовларнинг давомийлиги соҳанинг қабул қилиш қоидалари билан белгиланади.

Иссиқлик тармоқларининг комплекс синови, ускуналар (қурилмалар) лойиҳада кўзда тутилган номинал босим билан 24 соат давомида узлуксиз ва нормал ишлаганда, ўтказилган ҳисобланади.

Бино ва цехларни (шу жумладан, улар ичида мавжуд бўлган иссиқликдан фойдаланувчи иситиш-шамоллатиш қурилмаларини), шунингдек, ушбу бинолар ва цехларни таъминлайдиган иссиқлик тармоқларини ишга туширилиши иситиш мавсумлари орасидаги даврга тўғри келганда, иссиқлик истеъмоли тизими ва иссиқлик тармоқларини комплекс синовдан ўтказиш муддатини иситиш мавсуми бошланишига қадар қолдиришга рухсат берилади.

123. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг қабул қилиш синовлари бошланишига қадар ходимлар ўқитилган ва билимлар синовидан ўтказилган, шунингдек, иссиқликдан фойдаланувчи ускуналар ва иссиқлик

тармоқларининг тегишли техник ҳолати ва хавфсиз ишлаши учун масъул шахслар тайинланган бўлиши керак.

124. Саноат хавфсизлиги қоидалари талабларига мувофиқ барча босим остида ишловчи буғ ва иссиқ сув қувур ўтказгичларини эксплуатацияга қабул қилишдан олдин, уларнинг тоифасидан келиб чиқиб, Қўмитанинг ҳудудий бошқармаларида ёки эгалик қилаётган корхонанинг ўзида рўйхатга олиниши лозим.

125. Иссиқлик истеъмоли тизимларини иссиқлик энергияси манбаларига улаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

8-§. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ташкилий тузилиши ва бошқаруви

126. Ҳар бир корхона (ташкилот):

белгиланган иш режимларини олиб бориш;

иш режимини қайта тиклаш ҳамда ишдаги бузилишлар ва носозликларни маҳаллийлаштириш ҳамда бартараф этиш;

таъмирлаш ишлари учун алмашлаб улашларни амалга ошириш, иш жойларини тайёрлаш, ишга тушириш ва тўхтатишлардан иборат бўлган иссиқликдан фойдалананувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ишлаш режимини кечаю-кундуз бошқаруви ташкил этилиши керак.

127. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини бошқариш қурилмаси маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда корхона (ташкилот) раҳбарияти томонидан белгиланади. Бунда тезкор назорат ва бошқарувнинг алоҳида даражалари ўртасида бошқарув функцияларининг тақсимланиши, шунингдек, бошқарувнинг қуйи даражаларини юқори даражаларига бўйсунуви назарда тутилиши керак.

128. Корхонанинг (ташкилотнинг) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини бошқаруви икки даражага (икки тоифага): корхона (ташкилот) бўйича навбатчининг (диспетчернинг) тезкор бошқаруви ва тезкор юритувига эга бўлиши керак.

Корхона (ташкилот) бўйича навбатчининг (диспетчернинг) тезкор бошқаруви остида операциялар бажарилишида қуйи диспетчер ходимларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш талаб қилинадиган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари бўлиши керак. Кўрсатилган ускуналар (қурилмалар) ва иссиқлик тармоқлари билан операциялар фақат корхона (ташкилот) бўйича навбатчи (диспетчер) раҳбарлиги остида амалга оширилиши керак.

Корхона (ташкилот) бўйича навбатчининг (диспетчернинг) тезкор юритувида ҳолати ва ишлаш режими корхона (ташкилот) иситиш тармоқларининг ишлашига ва ишончлилигига таъсир қиладиган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва алоҳида

иссиқлик тармоқлари бўлиши керак. Ушбу қурилмалар билан операциялар корхона (ташкилот) бўйича навбатчининг (диспетчернинг) рухсати билан амалга оширилиши керак.

129. Барча иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари корхона (ташкилот) раҳбари (ёки бош муҳандиси) томонидан бошқарув даражалари бўйича тақсимланиши керак. Турли хил бошқарув даражасидаги мутахассисларнинг ўзаро муносабатлари маҳаллий йўриқномалар билан тартибга солинади.

Корхонада (ташкилотда) энергия таъминоти ташкилоти билан мулоқотлар олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати тузилиши ва раҳбар (ёки бош муҳандис) томонидан тасдиқланиши керак. Ушбу рўйхат энергия таъминоти ташкилотига тақдим этилиши керак.

130. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари тезкор навбатчи ёки тезкор таъмирловчи ходимлар томонидан бошқарилиши керак. Навбатчи ходимнинг хонаси (иш жойи) алоқа, техник ҳужжатлар, ёнғинга қарши воситалар, ускуналар, эҳтиёт қисмлари ва материаллар билан таъминланиши керак.

131. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ёки иссиқлик тармоқларини зудлик билан ўчириш керак бўлганда, ушбу ўчириш навбатчи ёки тезкор-таъмирловчи ходим томонидан, ишлаб чиқариш йўриқномаси талабларига мувофиқ, олдиндан юқори турувчи тезкор ходимни огоҳлантириб (агар бунинг иложи бўлса), ёки кейинчалик зудлик билан уни хабардор қилган ҳолда амалга оширилиши керак.

132. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг иссиқлик схемаларидаги барча алмашлаб улашлар эксплуатация қилиш бўйича йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилиши керак. Мураккаб алмашлаб улашлар, шунингдек, икки ёки ундан ортиқ ижрочи томонидан амалга оширилиши керак бўлган алмашлаб улашлар, алмашлаб улаш бланклари бўйича амалга оширилиши керак. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг иссиқлик схемаларидаги мураккаб алмашлаб улашлар, шунингдек, ўчириш мосламаларини бошқаришга ваколатли шахслар рўйхати корхона (ташкилот) раҳбари ёки бош муҳандиси томонидан тасдиқланиши керак.

9-§. Ёнғин хавфсизлиги

133. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, бино ва иншоотларнинг тузилиши, эксплуатация қилиниши ва таъмирланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 711-сон қарори билан тасдиқланган Энергетика ташкилотлари учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига жавоб бериши керак.

134. Ҳар бир ходим ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини билиши ва уларга риоя қилиши, шунингдек, ёнғин келиб чиқиши мумкин бўлган ҳаракатларга йўл қўймаслиги шарт.

135. Ходим ёнғинга қарши йўриқдан ўтиши, малакасини оширишда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича билимларини тўлдирилиши, ёнғинга қарши машқларда иштирок этиши ва даврий равишда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича билимлар синовидан ўтиши керак.

136. Ҳар бир корхонада (ташкилотда) ёнғинга қарши режим ўрнатилиши ҳамда ишлаб чиқариш хусусиятлари ва соҳа нормаларидан келиб чиқиб ёнғинга қарши чоралар кўрилиши керак.

137. Объект ҳудуди, хона, бино ва иншоотлар ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига мувофиқ ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан таъминланиши керак.

138. Пайвандлаш ва бошқа очиқ оловдан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

139. Корхоналарда (ташкилотларда) ёнғинга қарши режимни ташкил этиш, ёнғинга қарши режим учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги, ёнғин ҳамда ёнғинга олиб келувчи ҳолатларини текшириш ва қайд этиш тартиби мазкур соҳадаги қоидалар ва йўриқномаларга мувофиқ бўлиши керак.

140. Ёнғин ва ўт олишнинг ҳар бир ҳолати ёнғин сабабларини бартараф этиш ва ёнғинга қарши чоралар ишлаб чиқиш учун текширилиши керак.

3-боб. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишга талаблар

1-§. Иссиқлик тармоқлари

141. Иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилувчи ходимларнинг асосий вазифаси иссиқлик узатилишидаги йўқотишларни камайтирган ҳолда иссиқлик энергияси истеъмолчиларини белгиланган параметрлардаги иссиқ сув ва буғ билан узлуксиз таъминлашдан иборат.

142. Саноат корхонасининг барча иситиш тармоқлари ва кириш қисмлари корхонанинг бош энергетик (механик) бўлими бошқарувида бўлиши керак, одатда цехлар томонидан эксплуатация қилинадиган цехларнинг ички тармоқлари бундан мустасно. Цехлар (участкалар) ўртасидаги иссиқлик қувурларининг мансублик чегараси беркитиш арматураси билан белгиланади.

Иссиқлик қувурларини цехлар ўртасида тақсимланиши корхона (ташкилот) раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

Масъул ходимга бириктирилмаган иссиқлик тармоқлари ва участкаларини эксплуатация қилиш тақиқланади.

143. Иссиқлик тармоқларини ўтказиш, қувур ўтказгичлар конструкцияси ва иссиқлик изоляцияси ШНҚ 2.04.07-22 “Иссиқлик тармоқлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ҳисоб рақами 125, 2022 йил 19 декабрь) талабларига жавоб бериши керак.

144. Корхоналар ҳудуди бўйлаб иссиқлик тармоқларини ер устидан алоҳида устунлар ва эстакадаларда ўтказилиши назарда тутилиши керак.

145. Иссиқлик тармоқларининг трассалари бўйича ер юзаси ер усти сувларининг каналларга тушишига йўл қўймайдиган тарзда режалаштирилиши керак.

146. Иссиқлик тармоқлари учун материаллар, қувурлар ва арматуралар амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ қўлланилиши лозим.

147. Иссиқлик тармоқларининг хизмат кўрсатиш мумкин бўлган жойларига ётқизилган ва металл қопламага эга бўлмаган барча иссиқлик қувурлари ушбу Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ ташқи рангга ёки рангли учларга ва ёзувларга эга бўлиши керак.

148. Саноат хавфсизлиги қоидалари талабларига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектларида фойдаланиладиган босим остида ишловчи барча қувур ўтказгичлар ишга туширилишидан аввал, уларнинг тоифасига қараб, Қўмитанинг ҳудудий бошқармаларида ёки қувур ўтказгич эгаси бўлган корхонада рўйхатга олинган бўлиши керак.

149. Иссиқлик тармоқларининг ҳолатини назорат қилиш учун корхонанинг (ташкилотнинг) эксплуатация қилувчи ходимлари томонидан иссиқлик киришлари, ўтиш каналлари, камералар ва барча тармоқлар тизимли равишда айланиб чиқилиши керак. Айланиб чиқиш ҳафтада камида бир марта корхонанинг цех бошлиғи, бош энергетик (механик) томонидан тасдиқланган жадвал бўйича амалга оширилади.

Айланиб чиқиш пайтида ускуналарнинг ҳолати, ишлаш режими ҳамда тармоқлар, киришлар ва ички тизимларнинг зичлиги текширилиши керак. Айланиб чиқиш натижалари айланиб чиқиш журналида қайд этилиши керак.

Аниқланган нуқсонлар дарҳол ёки имкон қадар тезроқ бартараф этилиши керак.

Ускуна ишдан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган камчилик ва нуқсонлар дарҳол тузатилиши керак. Қувур ўтказгичларни беркитмасдан бартараф этиб бўлмайдиган, ишдан чиқиш даражасида хавф туғдирмайдиган нуқсонлар тўғрисидаги маълумотлар қувурларни кейинги беркитишда ёки таъмирлаш пайтида ушбу нуқсонларни бартараф этиш учун таъмирлаш журналига киритилиши керак.

150. Иссиқлик тармоқларининг эксплуатацияси мазкур Қоидаларга 5-иловада кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

2-§. Иссиқлик пунктлари

151. Ўз иссиқлик манбаларига эга корхоналарда (ташкилотларида) иссиқлик пункти ушбу Қоидаларнинг талабларига жавоб берадиган алоҳида хонада ёки қозонхонада жиҳозланиши мумкин.

152. Корхоналарнинг (ташкилотларнинг) исссиқлик пунктлари марказий иссиқлик пунктларига (МИП) ва индивидуал иссиқлик пунктларига (ИИП) га бўлинади.

Иссиқлик пунктлари хоналарининг қурилиш қисми ШНҚ талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Иссиқлик пунктлари хонаси киритиш-чиқариш вентиляцияси билан жиҳозланган бўлиши керак.

153. Барча иссиқлик пунктлари, уларнинг баланс бўйича мансублигидан қатъий назар, иссиқлик таъминоти ташкилоти (иссиқлик энергияси манбаи) назорати остида бўлиши керак.

154. Иссиқлик пунктларида буғ ва сув тармоғининг схемаси, конденсат йиғиш ва қайтариш схемаси, иссиқлик элтувчиси сарфининг белгиланган меъёрлари ҳамда хизмат кўрсатиш йўриқномалари ва режим жадвали бўлиши керак.

155. Иссиқлик пунктидаги барча беркитиш ва бошқариш арматуралари схема бўйича рақамланиши керак.

Қувур ўтказгичлар ва сиғимлар мазкур Қоидаларга 4-иловага мувофиқ фарқланадиган рангга эга бўлиши керак.

156. Сув иситкичлари орқали иситиш тармоқларига уланган иссиқ сув таъминоти тизимларининг ускуналари ва қувурларини чўкиндилардан ва коррозиядан ҳимоя қилиш учун сувга ишлов бериш одатда МИПда амалга оширилиши керак. Бунда унинг сифати санитария меъёрларига мос келиши керак.

157. Иссиқлик пунктларини эксплуатацияси навбатчилар ёки тезкор таъмирловчи ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

Иссиқлик пунктларида ходимни навбатчилик қилиши ва унинг давомийлиги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ маҳаллий шароитга қараб корхона (ташкилот) раҳбарияти томонидан белгиланади.

158. Иссиқлик пунктлари вақти-вақти билан ҳафтасига камида бир марта корхонанинг (ташкилотнинг) маъмурий-техник ходимлари томонидан кўздан кечирилиши керак. Кўздан кечириш натижалари тезкор журналда акс эттирилиши керак.

159. Иссиқлик энергиясини истеъмол қилишнинг шартномавий режимларига риоя этилишини назорат қилиш энергия таъминоти ташкилоти ва Ўзэнергоинспекция вакили томонидан амалга оширилади.

160. Иссиқлик пунктларини, иссиқлик истеъмоли тизимларини ёқиш ва ўчириш ҳамда иссиқлик элтувчиси сарфини ўрнатиш корхонанинг (ташкилотнинг) иссиқлик пунктларига хизмат кўрсатувчи ходимлари томонидан, энергия таъминоти ташкилоти диспетчерининг рухсати ва истеъмолчининг масъул ходими назорати остида амалга оширилади.

161. Корхонанинг (ташкилотнинг) иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик истеъмоли тизимларида авария ҳолатлари юзага келганда, корхона (ташкилот) бўйича навбатчи энергия таъминоти ташкилотининг диспетчерини хабардор қилиши ва ишдаги носозликларни локаллаштириш ва бартараф этиш чораларини кўриши керак.

162. Ўлчаш натижаларини автоматик тарзда қайта ишлайдиган ўлчаш тизимлари метрологик қиёслашдан ўтганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлиши шарт.

163. Иссиқлик пунктларининг эксплуатацияси мазкур Қоидаларга 6-иловада кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

3-§. Иссиқликни аккумуляцияловчи (йиғувчи) баклар

164. Иссиқликни аккумуляцияловчи (йиғувчи) баклар (бундан буён матнда Бак-Аккумуляторлар деб юритилади) техник шартлар асосида алоҳида ишлаб чиқилган лойиҳалар бўйича тайёрланиши керак.

Янги ишга тушириладиган ва эксплуатация қилинаётган барча Бак-Аккумуляторларда уларнинг бузилишини олдини олиш учун ташқи мустаҳкамловчи конструкциялар ўрнатилиши керак.

165. Бак-Аккумуляторларнинг ишчи ҳажми, уларнинг иссиқлик тармоқларида ва иссиқлик манбаларида жойлашиши ШНҚда келтирилган биноларнинг ички сув таъминоти ва канализациясига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

166. Мавжуд нефть маҳсулотлари учун ишлатиладиган бакларни Бак-Аккумуляторларни алмаштириш учун қўллаш тақиқланади.

167. Бак-Аккумуляторларни коррозиядан ҳимоя қилиш корхона (ташкилот) раҳбари томонидан тасдиқланадиган Аккумулятор бакларини коррозия ва улардаги сувнинг аэрациясидан ҳимоя қилиш бўйича методик кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилади.

168. Бак-Аккумуляторлар ўрнатилган хоналар шамоллатилиши ва ёритилиши керак. Хонанинг асосий конструкциялари ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши зарур. Баклар остида тагликлар ўрнатилиши керак.

169. Баклар ёки алоҳида ўрнатилган бак, камида 0,5 метр баландликдаги ва кенглиги камида 0,5 метр бўлган тупроқли уюм билан ўралган бўлиши, бак атрофида отмостка қилиниши керак. Баклар ва тўсиқлар орасидаги бўшлиқда сувни канализация тизимига қуйилиши ташкил этилиши зарур. Корхона (ташкилот) ёки иссиқлик манбаи ҳудудидан ташқарида жойлашган баклар атрофида камида 2,5 метр баландликдаги тўсиқ бўлиши ва тақиқлаш белгилари ўрнатилиши керак.

170. Бак-Аккумуляторларни монтаж ва таъмирлаш ишлари тугатилгандан кейин, ишга туширишдан олдин уларнинг синовлари норматив ҳужжатлар талаблари ҳисобга олинган ҳолда ўтказилиши керак. Эксплуатацияга қабул қилинадиган ҳар бир бакнинг паспорти бўлиши керак.

171. Бак-Аккумуляторларни эксплуатация қилишга бевосита алоқаси бўлмаган шахсларнинг Бак-Аккумуляторлар муҳофаза зонасида бўлишлари тақиқланади.

172. Бак-Аккумуляторларнинг ҳолатини аниқлаш ва уларнинг кейинги эксплуатация қилишга яроқлилиги тўғрисида хулоса ҳар йили ишлаб турган бакнинг кириш ва чиқиш қувурлари, таъминот қувурларини компенсациялаш қурилмалари, асослари, уларнинг конструкцияларини кўз билан кўриш орқали берилади. Кўрик натижалари бўйича далолатнома тузилади ва уни бакни эксплуатация қилишга масъул ходим имзолайди.

Коррозияга қарши герметик билан ҳимояланган Бак-Аккумуляторларни кўрикдан ўтказиш уларни алмаштиришда амалга оширилади.

173. Бак-Аккумуляторлар атрофида муҳофаза зоналари ўрнатилиши ва уларни эксплуатация қилишга бевосита алоқаси бўлмаган шахсларнинг ушбу зонада бўлишини тақиқловчи белги ўрнатилиши керак.

174. Бак-Аккумуляторларнинг эксплуатацияси мазкур Қоидаларга 7-иловада кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

4-§. Сув иситиш қурилмалари

175. Ҳар бир сув иситиш қурилмаси учун лойиҳа ҳужжатлари ва синовлар асосида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича техник тавсиф белгиланиши керак:

иссиқлик ишлаб чиқариш қобилияти ва унинг иссиқлик элтувчи параметрларига мувофиқлиги;

иситилган сувнинг юқори ҳарорати;

иссиқлик элтувчиларнинг номинал сарфи;

бирламчи ва иккиламчи иссиқлик элтувчилар томонидан максимал рухсат этилган босим.

176. Иссиқ сув таъминоти тизимида (очиқ ёки ёпиқ схема бўйича) сувнинг сифати санитария меъёрларига жавоб бериши керак.

Технологик мақсадлар учун сувнинг сифати сув иситиш қурилмаси нормал эксплуатация қилинишини таъминлаши керак.

Агар сувнинг сифати қониқарсиз бўлса, тиндириш фильтрлари, сув юмшатгичлар ва бошқаларни ўрнатиш орқали қўшимча ишлов берилиши керак.

177. Сув иситиш қурилмаларининг эксплуатацияси мазкур Қоидаларга 8-иловада кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

5-§. Конденсат йиғиш ва қайтариш тизими

178. Буғ ишлатадиган қурилмаларга эга бўлган иссиқлик энергияси истеъмолчилари конденсат йиғиш ва қайтаришнинг ёпиқ тизимига эга бўлиши, шунингдек, улар конденсат сифатини назорат қилишлари керак.

Конденсат йиғадиган бакларда ортиқча босим камида 0,005 MPa (0,05 kgf/cm^2) бўлиши керак. Конденсат миқдори 10 t/s дан кам ва иссиқлик манбаидан 0,5 km гача масофада бўлса, конденсат йиғиш ва қайтаришнинг очиқ тизимларига рухсат берилади. Агар истеъмолчининг конденсат қайтариши мақсадга мувофиқ эмаслиги Ўзэнергоинспекция билан келишилган техник-иқтисодий асосланган ҳолда, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун конденсатдан тўлиқ фойдаланиш шарти билан истеъмолчи конденсатни қайтаришдан озод этилади.

179. Конденсатни йиғиш ва қайтариш тизимлари конденсат иссиқлигидан корхонанинг ўз эҳтиёжи учун фойдаланилиши керак.

180. Конденсат қайтарилишини ошириш учун саноат корхонаси қуйидаги асосий чора-тадбирларни амалга ошириши керак:

буғ ишлатадиган қурилмаларда ва буғ ўтказгичларнинг пастки нуқталарида энг самарали конденсат ажратгичларни ўрнатиш ва буғ ўтказгичлар ва йўлдошларнинг доимий ишлаб турадиган дренажларидан конденсатни ажратиш учун улар ҳамроҳ конденсат ўтказгичларга уланган бўлиши керак;

аралаштириш иситкичларини сирт иситкичларига алмаштириш;

учиб ўтаётган буғдан ва иккиламчи қайнаш буғидан иссиқлик алмашинувчилар, сепараторлар, иссиқлик компрессорлари ва бошқаларни ўрнатиш йўли билан максимал даражада фойдаланиш;

буғ юритмасини электрлисига ўтказиш;

конденсатни мой ва бошқа аралашмалардан тозалаш;

технологик ёки бошқа эҳтиёжлар учун конденсат истеъмолини максимал камайтириш;

ишлаб чиқариш конденсати сифатини доимий назорат қилишни ташкил этиш.

Иссиқлик таъминоти ташкилоти иссиқлик энергияси билан боғлиқ бундай тадбирларни рўйхатини истеъмолчига тақдим этишга ва улар билан биргаликда бундай тадбирларни амалга ошириш муддатларини белгилашга ҳақлидир.

181. Ўз иссиқлик манбаига қайтарилган конденсат миқдори лойиҳа ёки корхонанинг буғ-конденсат баланси асосида белгиланади. Бегона иссиқлик манбаидан буғ оладиган корхоналар учун конденсатнинг қайтарилиш даражаси (истеъмол қилинадиган буғ миқдорига нисбатан фоизда) ва унинг миқдори буғ-конденсат баланси лойиҳасига мувофиқ белгиланади ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида қайд этилади. Конденсатнинг қайтариб бериш миқдорини ҳар йили қайтарилган конденсат миқдорини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижаларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш керак.

182. Вақти-вақти билан, лекин камида олти ойда бир марта барча конденсат тўплагичлар текширувдан (кўрик) ўтказилиши керак.

Шунингдек, (тескари) клапанларининг зичлиги маҳаллий йўриқномаларда белгиланган муддат ичида назорат қилиниши керак.

Корхоналарда (ташкилотларда) конденсат тўплагичларнинг ишлашини текшириш ва созлаш учун доимий стенд ўрнатилиши керак.

183. Йил давомида мавсумий танаффусларсиз ишлайдиган конденсат йиғиш ва қайтариш тизимларининг ускуналари (қувур ўтказгичлар, арматура, баклар, насослар, электр моторлари ва бошқалар) учун икки йилда камида бир марта мукаммал таъмир амалга оширилиши керак.

Танаффус билан ишлайдиган ускуналар ҳар йили таъмирланади. Жорий таъмир йилига камида бир марта амалга оширилади.

Конденсат йиғиш ва қайтариш тизимидаги ускуналарни (қурилмаларни) таъмирлаш тегишли иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни ва иссиқлик таъминоти манбаларини таъмирлаш билан бирлаштирилиши керак.

184. Конденсат йиғиш ва қайтариш тизимининг эксплуатацияси мазкур Қоидаларга 9-иловада кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

6-§. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар

185. Ҳар бир иссиқликдан фойдаланувчи қурилманинг тузилиши иложи борича иккиламчи энергия ресурслари чиқаришни истисно қиладиган, илғор энергия тежайдиган ва экологик тоза технологияларни ҳисобга олган ҳолда бажарилган бўлиши керак. Бунда, ҳосил бўладиган иккиламчи энергия ресурсларидан техник имкониятлар ва иқтисодий самарадорлик чегаралари доирасида максимал фойдаланиш лозим.

Иссиқликни утилизация қилиш қурилмаси иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар гуруҳида кўзда тутилиши мумкин. Иссиқликни утилизация қилиш қурилмаларининг сони технологик иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг иш тартиби билан белгиланади. Иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланишни рад этиш техник ва иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асосланиши керак.

Янги шамоллатиш тизимларини лойиҳалаш ва қуриш, шунингдек, уларни реконструкция жараёнида шамоллатиш чиқиндиларининг иссиқлигидан фойдаланиш кўзда тутилиши керак.

186. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг конструкцияси ишончли бўлиши, хавфсиз эксплуатация қилиш, кўрикдан ўтказиш, тозалаш, ювиш ва таъмирлаш имкониятини таъминлаши керак.

187. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар, қувур ўтказгичлар ва уларга ёрдамчи ускуналар ушбу Қоидаларга 4-иловага мувофиқ ускуналар ўрнатиладиган хонада чиқадиган буғ ва газларга чидамли лаклар ёки бўёқлар билан бўялган бўлиши керак. Бўяш икки йилда камида бир марта амалга оширилиши керак.

188. Босим остида ишлайдиган ускуналар (қурилмалар) ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган муддатларда ва саноат хавфсизлиги бўйича қоидалар ҳамда маҳаллий эксплуатация қилиш йўриқномаларига мувофиқ ташқи ва ички кўрикдан, гидравлик синовлардан ўтказилади.

189. Қуйидаги ҳолларда иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни ишлатиш тақиқланади:

қурилманинг хизмат қилиш муддати тугаганида;

Қўмита томонидан рўйхатдан ўтказилмаган қурилмалар (рўйхатдан ўтказилиши керак бўлса);

эксплуатация қилиш бўйича йўриқномаларда кўрсатилган барча талабларга риоя қилинишига қарамай, босим рухсат этилганидан юқори бўлганида;

хавфсизлик клапанлари носоз бўлса;

агар манометр ишламаётган бўлса, ва бошқа ускуналардан фойдаланиб босимни аниқлаш имконияти бўлмаганда;

қопқоқлар ва люкларнинг маҳкамлаш деталлари носоз бўлганда ёки умуман бўлмаганда;

сақловчи блокировка қилувчи қурилмалар носозлигида;

лойиҳада кўзда тутилган назорат-ўлчаш воситалари ва автоматика воситалари носоз бўлса;

техник паспорти бўлмаганда.

190. Автоматик ростлагич таъсир қиладиган беркитиш ва бошқариш арматураларининг электр юритмаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (электр двигателларни қайта ўрашдан ташқари) ва профилактик синаш иссиқлик назорати ускуналарига хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

Электр юритмаларга ҳамда бошқа беркитиш-бошқариш арматураларига техник хизмат кўрсатиш электротехник ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

191. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни эксплуатацияси мазкур Қоидаларга 10-илова талабларига мувофиқ амалга оширилади.

7-§. Буғ болғалари

192. Тушаётган қисмининг вазни 250 кгдан ортиқ бўлган болғаловчи ва штампловчи буғ болғаларини эксплуатация қилишда ушбу параграф талабларига амал қилиш керак.

193. Ҳар бир корхонада (ташкилотда) буғ болғаларида ишлатиладиган буғдан фойдаланишнинг иқтисодий асосланган схемаси тузилиши ва раҳбар ёки бош муҳандис томонидан тасдиқланиши керак.

194. Ҳар бир цехда, ҳар бир болғанинг ишлаш соати, ҳар ойда ва сменада ҳар бир болға учун зарблар оғирлиги ҳисобга олиниши ташкил этилиши, шунингдек, болғалар сарфлаган умумий буғ аниқланиши керак.

195. Буғ болғаларининг эксплуатацияси мазкур Қоидаларга 11-иловада кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

8-§. Қуритиш қурилмалари

196. Атмосфера босими ёки вакуум остида доимий ёки даврий ишлайдиган барча қуритиш қурилмаларини (қуриткичларни) ишлатишда мазкур параграф талабларига амал қилиниши керак.

197. Корхона (ташкилот) ёки цех лабораториясида электр қуритиш шкафи мавжуд бўлганида, қуритилган материаллар намлигини аниқлаш учун аналитик ва техник тарозилар ҳамда камида иккита эксикаторлар амалда бўлиши керак.

198. Қуритиш ускуналарининг эксплуатацияси мазкур Қоидаларга 12-иловада кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

9-§. Буғлатиш қурилмалари

199. Босим ёки вакуум остида доимий ва даврий ишлайдиган буғлатиш қурилмаларини эксплуатация қилишда мазкур параграф талабларига риоя қилиш керак**.**

200. Буғлатиш қурилмаларининг эксплуатацияси мазкур Қоидаларга 13-иловада кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

10-§. Ректификация қурилмалари

201. Босим ёки вакуум остида доимий ва даврий ишлайдиган ректификация қурилмаларини эксплуатация қилишда мазкур параграф талабларига риоя қилиш керак**.**

202. Спирт ёки бошқа ёнадиган маҳсулотларни ректификацияси жараёнида ректификация қурилмаларининг эксплуатацияси ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган махсус йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

203. Ректификация ускуналарининг эксплуатацияси мазкур Қоидаларга 14-иловага мувофиқ амалга оширилади.

11-§. Темир-бетон буюмларига термик-намлаш ишлови берадиган қурилмалар

204. Иссиқлик элтувчиси сифатида буғ ёки иссиқ сувдан фойдаланган ҳолда, атмосфера босими ёки вакуум остида ишлайдиган темир-бетон буюмларига термик-намлаш ишлови берадиган қурилмаларнинг эксплуатациясида ушбу параграф талабларига риоя қилиш керак.

205. Ҳар бир қурилма учун технологик йўриқнома, шу жумладан, иссиқлик схемаси, иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш нормалари ишлаб чиқилиши ва уларнинг бажарилиши назорат қилиниши керак.

206. Темир-бетон маҳсулотларига термик-намлаш билан ишлов бериш ускуналарининг эксплуатацияси мазкур Қоидаларга 15-илованинг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

12-§. Иситиш, шамоллатиш ва иссиқ сув тизимлари

207. Бинолари буғли иситиш, шамоллатиш ва иссиқ сув тизимига эга корхоналарни (ташкилотларни) реконструкция қилиш ёки кенгайтириш пайтида мавжуд тизимларни буғдан иссиқ сувга ўтказишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги текширилиши керак.

208. Қувур ўтказгичлар ва иситиш тармоқлари мойли бўёқ билан бўялган бўлиши керак. Улар темирни оксидловчи буғ ёки газлар чиқадиган хоналарда кислотага чидамли рангга бўялиши, намлиги юқори бўлган хоналарда барча сув

ўтказгичлар ва иситиш мосламалари икки марта мойли бўёқ билан қопланган бўлиши зарур.

209. Иситилмайдиган хоналарда жойлашган барча иссиқлик ўтказувчилар ва арматуралар изоляция қилиниши керак.

210. Иситиш мосламаларига бемалол кириш таъминланиши зарур.

Арматура техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш қулай бўлган жойда ўрнатилиши керак.

211. Эксплуатация қилиш ва иситиш тизимини текшириш пайтида аниқланган камчиликлар нуқсонлар рўйхатига ёзилиши ва таъмирлаш режасини тузишда ҳисобга олиниши керак. Тизимни бўшатишни талаб қилмайдиган нуқсонлар дарҳол тузатилиши керак.

212. Иссиқлик тизимларини жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари жадвали иситиладиган хоналарни таъмирлаш жадвалига мувофиқ бўлиши ва барча ишлар иситиш мавсуми бошланишидан камида 15 кун олдин тўлиқ бажарилиши таъминланиши керак.

213. Иситиш, шамоллатиш ва иссиқ сув тизимларининг ишлаши мазкур Қоидаларга 16-илова талабларига мувофиқ амалга оширилади.

13-§. Ҳавони иситиш ва вентиляция тизимларининг агрегатлари

214. Корхоналарнинг (ташкилотларнинг) барча ҳаво иситиш ва вентиляция тизимларини эксплуатация қилишда ушбу параграф талабларига амал қилиш керак.

215. Корхоналарда (ташкилотларда) иситиш ва вентиляция ускуналарининг эксплуатациясини техник бошқариш учун шамоллатиш хўжалиги ҳажмига қараб, бош энергетик (механик) бўлимида вентиляция бюроси ёки масъул ходим ажратилиши керак. Цехдаги вентиляция тизимларининг эксплуатацияси учун одатда цех раҳбари жавоб беради.

Цех раҳбари вентиляция тизимларининг ҳолатини назорат қилишга мажбурдир.

216. Смена раҳбари ўз сменасида вентиляция қурилмаларининг эксплуатацияси учун масъулдир. Авария содир бўлганида ёки цехда вентиляция мосламасининг тўхтатилишига сабаб бўлган бошқа ҳолатлар бўлса, у эксплуатация журналида ўзининг имзоси билан вентиляция мосламаларида узилишларнинг сабаби ва давомийлигини тасдиқлаши керак.

217. Ҳар бир ҳаво киритадиган вентиляция ускунаси ва ҳаво иситиш тизими учун техник тавсиф ва ўрнатиш схемаси бўлган паспорт тузилиши керак.

Вентиляция ускуналарига киритилган ўзгаришлар, шунингдек, синов натижалари эксплуатация журналида ва паспортда қайд этилиши керак.

218. Ҳафтада камида бир маротаба эксплуатация қилувчи ходимлар ҳаво иситиш ва вентиляция ускуналарининг кириш ва чиқишининг белгиланган режимига, қопқоқларнинг ҳолатига, ҳаво иситкичларида ҳаво иситилишига, иссиқлик

тармоқларининг ҳолатига ва ҳоказоларга қараб синчковлик билан текширишлари керак.

Навбатчи слесарлар вентиляция ускуналарини ҳар куни кўрикдан ўтказиш керак.

219. Вентиляция ускуналарини таъмирлаш технологик жараён билан боғлиқ технологик ускуналарни таъмирлаш билан бир вақтда амалга оширилади.

220. Ҳавони иситиш ва вентиляция тизимлари агрегатларининг ишлаши мазкур Қоидаларга 17-илова талабларига мувофиқ амалга оширилади.

14-§. Иссиқлик алмашуви аппаратлари

221. Иссиқлик элтувчилари сув буғи ёки иссиқ сув бўлган рекуператив ишлайдиган иссиқлик алмашуви аппаратларини эксплуатация қилишда ушбу параграф талабларига амал қилиниши керак.

222. Иссиқлик алмашуви аппаратларини эксплуатация қилиш мазкур Қоидаларга 18-илова талабларига мувофиқ амалга оширилади.

15-§. Иссиқлик ўлчаш воситалари ва иссиқлик жараёнларининг автоматик ростлагичлари

223. Технологик режимнинг тўғрилиги, ускуналарнинг хавфсиз ишлаши ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олишни таъминлайдиган барча иссиқлик ўлчаш воситалари ва иссиқлик жараёнларининг автоматик ростлагичларини эксплуатация қилишда ушбу параграф талабларига амал қилиш керак.

224. Корхоналарда (ташкилотларда) иссиқлик ўлчаш воситаларини эксплуатация қилиш ўлчаш воситаларининг эксплуатация ва техник ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Иссиқлик энергиясини ўлчаш воситалари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда метрология хизматлари томонидан қиёслашдан ўтказилиши лозим.

225. Корхоналарда (ташкилотларда) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг мажбурий талаблари, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши ва тўғрилиги таъминланиши, мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига амал қилиниши юзасидан давлат назоратини ташкил этиш Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон миллий метрология институти давлат муассасаси томонидан амалга оширилади.

Иссиқлик назорати ва автоматикаси лабораторияси ёки цехининг фаолиятига қуйидагилар киради:

иссиқлик ўлчаш воситасининг калибрлаш схемаларини ва калибрлаш жадвалларини ишлаб чиқиш, уларни Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон миллий метрология институти давлат муассасаси билан келишиш ва тасдиқлаш учун корхона (ташкилот) раҳбариятига тақдим этиш;

иссиқлик ўлчаш воситаларини белгиланган муддатларда калибрлашни ўтказиш ва ўлчаш ускунасини қиёслашдан ўтказиш учун ўз вақтида Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон миллий метрология институти давлат муассасасига топшириш;

иссиқлик ўлчаш воситасини таъмирлаш, созлаш ва тўғри ишлашини ташкил этиш;

иссиқлик ўлчаш воситаси тўғри ишлаши ва ишончлилигини таъминлаш учун уларнинг тўғри монтаж қилинишини назорат қилиш;

номувофиқ ёки нотўғри ишлайдиган иссиқлик ўлчаш воситаларидан фойдаланиш натижасида ишдаги номувофиқ ва бошқа йўқотишларни аниқлашда, шунингдек, ушбу йўқотишларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

ўзининг ходимларини ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш ва ўлчаш воситаларидан бевосита фойдаланадиган шахсларнинг малакасини ошириш бўйича тадбирларда иштирок этиш;

мавжуд иссиқлик ўлчаш воситаларининг ҳисобини юритиш, уларга эҳтиёжларни аниқлаш ва етишмаётган ўлчаш воситаларига талабномаларни тузиш, корхонада ўлчаш воситаларини тақсимлаш;

қайд этувчи асбоблар ўрнатилиши, улардан диаграммалар олиниши ва кўрсатгичлар ёзувлари қайта ишланиши устидан назорат қилиш.

226. Метрологик хизматнинг махсус бўлинмалари мавжуд бўлмаган корхоналарда иссиқликни ўлчаш учун масъул шахс тайинланади ва унга қуйидаги вазифалар юкланади:

иссиқлик ўлчаш ускунасининг тўғри қўлланиши ва сақланишини назорат қилиш;

эксплуатация қилинаётган ўлчаш ускунасини қиёслашдан ўтказиш жадвалларини тузиш, уларни Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон миллий метрология институти давлат муассасаси билан келишиш ва корхона раҳбариятига тасдиқлаш учун тақдим этиш;

ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш ва таъмирлаш учун топшириш;

техник талабларга жавоб бермайдиган ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилаётган ўлчаш воситаларини мажбурий равишда олиб қўйиш.

227. Иссиқлик ўлчаш воситаларини қиёслаганда иссиқлик ўлчаш воситаларининг белгилаб қўйилган метрологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш бажариладиган операциялар кетма-кетлигини белгиловчи ўлчаш воситаларини қиёслаш услубиёти асосида амалга оширилади.

228. Барча корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикасида қўлланишга рухсат берилган катталик бирликлари ва Ўзбекистон Республикаси ўлчаш воситалари давлат реестрига киритилган ҳамда амалдаги метрология текширувидан ўтган иссиқлик ўлчаш воситалари қўлланилиши мумкин.

229. Барча иссиқлик ўлчаш воситалари учун метрология текширувлари бўйича белгилар ва хулосалар бўлган паспортлар тузилиши керак.

Иссиқлик назорати ва автоматика лабораторияси ускуналар ва автоматик ростлагичларнинг барча калибрлаш ва таъмирлаш натижаларини қайд этиш учун журналлар юритиши керак.

230. Иссиқлик ўлчаш воситалари ва автоматик ростлагичларнинг бутлиги ва ташқи ҳолати учун улар ўрнатилган цехларнинг ходимлари масъул бўлади.

231. Ҳарорат, оқим, босим, сатҳ, шўрланиш ва вакуумни ўлчаш учун белгиланган аниқлик классига мос келадиган иссиқлик ўлчаш воситаларидан фойдаланиш керак.

232. Иссиқлик ўлчаш воситалари ва иссиқлик жараёнларини автоматик ростлагичларини эксплуатация қилиш мазкур Қоидаларга 19-иловага асосан амалга оширилади.

4-боб. Якуний қоида

233. Мазкур Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларига
1-ИЛОВА

ТЭҚҚ ва ХТҚ бўйича билимлар синовидан ўтиш
ЖУРНАЛИ

Корхона _____

Цех (бўлим) _____

Фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими ва ушбу лавозимдаги иш стажи	Аввалги билимлар синови санаси ва баҳоси	Билимлар синови санаси ва сабаби	Билимларини умумий баҳоси ва хулоса	Билимлар синовидан ўтаётган шахснинг имзоси	Кейинги билимлар синови санаси

Комиссия раиси
(мансаби, имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

Комиссия аъзолари
(мансаби, имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
2-ИЛОВА

Билимлар синовидан ўтганлик тўғрисида
гувоҳноманинг шакли

Ташкилот, корхона
_____

- сон гувоҳнома

Ф.И.О. _____
_____ сифатида хизмат
кўрсатишга ижозат берилди

Асос: Малака комиссиясининг баённомаси

20___ йил “_____” _____, _____-сон

_____ Комиссия раиси _____
(имзо)

(Орқа
томонида)

ТЭҚҚ, ХТҚ ва йўриқномалар бўйича билимлар синови
натижаси

Сана	Билимлар синови сабаби	Баённома рақами ва санаси	Умумий баҳо	Комиссия раисининг имзоси

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
3-ИЛОВА

Буғ конденсати баланси

Корхона (ташкилот) 20__ йил _____

Агрегат, цех номи	Иссиқлик жараёнининг хусусияти	Агрегатлар сони	Технология бўйича лойиҳа параметрлари		Бир пайтда ишлаш коэффициенти	Истеъмол қилинадиган буғ миқдори, t/ h			Конденсатнинг қайтарилиши				изоҳ
						Битта агрегат билан	Барча агрегатлар билан		қишда		ёзда		
			kg/sm^2	^{O}C			қишда	ёзда	t/h	%	t/h	%	

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
4-ИЛОВА

Қувур ўтказгичлар учун ранглар ва ёзувлар

Иссиқлик элтувчи номи	Шартли белги	Бўёқ ранги	
		Асосий	Халқа ёки чизиқлар
Иссиқ қизиган буғ (39 kgf/cm^2 гача)	П.П. с.д.	қизил	халқасиз
Тўйинган буғ		қизил	сариқ
Қарши босим ва танланган буғ		қизил	яшил
Тозаланган кимёвий сув		яшил	оқ
Конденсат		яшил	кўк
Дренаж ва пуфлаш		яшил	қизил
Таъминловчи сув		яшил	халқасиз
Техник сув		қора	халқасиз
Ўт ўчириш қувур ўтказгичи		тўқ сариқ	халқасиз
Иситиш тармоғи:	О.С.		
а) узатувчи тармоқ		қизил	сариқ
б) ортга қайтиш тармоғи		сариқ	жигарранг

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
5-ИЛОВА

Иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Қувур ўтказгичларнинг элементлари (деталлари) ихтисослашган завод ва корхона (ташкилот) томонидан ишлаб чиқарилган бўлиши керак. Электр пайвандланган спирал чокли қувурлардан ясалган деталларни қўллаш тақиқланади.

2. Қувур ўтказгичлар элементларининг барча уланишлари пайвандланган бўлиши керак. Фланецли бирикмалардан фойдаланишда қувур ўтказгичларни арматурага ва ускуналарнинг фланецли деталларига улаш учун рухсат берилади. Фланецли арматурани тўғридан-тўғри қувур ўтказгичларга пайвандлашга рухсат берилади.

3. Иситиш тизимини лойиҳалаштиришда иссиқлик тармоқларининг барча қувур ўтказгичлари учун ташқи ҳаво ҳарорати минус 10°С дан паст бўлган жойларда кулранг чўяндан фойдаланиш тақиқланади, иссиқлик пунктлари ва иссиқ сув таъминоти бундан истисно.

Чиқариб ташлаш ва дренаж қурилмаларда кулранг чўян арматуралардан фойдаланиш тақиқланади.

4. Диаметри 500 миллиметр ва ундан ортиқ ва шартли босими 1,6 MPa (16 kgs/cm^2) ёки ундан ортиқ ҳамда диаметри 300 миллиметр ва ундан ортиқ ва шартли босими 2,5 MPa (25 kgs/cm^2) ёки ундан ортиқ сувли иссиқлик тармоқларида, шунингдек, диаметри 200 миллиметр ва ундан ортиқ ва шартли босими 1,6 MPa (16 kgs/cm^2) ёки ундан ортиқ бўлган буғ тармоқларида сурилма қопқоқлар ва очиб-ёпувчи механизмлар олдида ёпувчи арматурали айланиб ўтувчи қувур ўтказгичлар (байпаслар) ўрнатилиши керак.

5. Фланецли бирикмалар учун қистирмалар паранитдан тайёрланиши керак, салниклар учун эса графитланган асбест тўлдирма ёки иссиққа чидамли резина тўлдирма қўлланилиши керак.

Фланецли бирикмаларда картон ва каучук қистирмалардан, шунингдек, пахтақоғозли ва кўпикли тўлдирмалардан фойдаланиш тақиқланади.

6. Иссиқлик қувурларининг вентиллари ва сурилма қопқоқлари қуйидагиларга эга бўлиши керак:

а) иссиқлик қувурларидаги вентиллари, сурилма қопқоқларининг тезкор схемаси ва йўриқномаларга (паспорт ҳужжатларига) мувофиқ номланиши ҳамда рақамланиш ёзувларига;

б) иссиқлик элтувчининг йўналиши ва маховикнинг айланиш кўрсаткичларига;

в) бевосита хизмат кўрсатиш қийин ёки ходимлар учун хавфли бўлган ҳолларда масофадан туриб механик ёки электр бошқарувга;

г) диаметри 500 мм ва ундан ортиқ бўлган сурилма қопқоқлар қўлда ишлатиладиган юритмадан ташқари, механизациялашган (электр ёки гидравлик) юритмага эга бўлиши керак.

500 мм ва ундан ортиқ диаметрли сурилма қопқоқлар ва тамбалар электр юритмага эга бўлиши керак. Иссиқлик тармоқлари ер устидан ўтганда, атмосфера ёғингарчилигидан сақлаш мақсадида электр юритмали сурилма қопқоқлар хоналарда ўрнатилиши ёки бегона кишилар унга тегишини олдини олиш учун ғилофга жойлаштирилиши керак.

7. Иссиқлик тармоқларида беркитиш арматуралари қуйидагиларда ўрнатилиши керак:

иссиқлик элтувчиларининг параметрлари ва қувур ўтказгичларнинг диаметрларидан қатъи назар иссиқлик манбаларидан иссиқлик тармоқларининг барча қувур ўтказгичларида;

бир-биридан 1000 м дан ортиқ бўлмаган масофадаги диаметри 100 мм ва ундан ортиқ сувли иссиқлик тармоқларининг қувур ўтказгичларида (секцияловчи задвижкаларда);

сувли ва буғли иссиқлик тармоқларининг диаметри 100 мм ва ундан ортиқ бўлган, шунингдек, алоҳида биноларга шаҳобчаланиш узелларида.

8. Сувли иссиқлик тармоқлари ва конденсат ўтказгичларнинг пастки нуқталарида, шунингдек, секцияловчи участкаларида, сувни тўкиш учун беркитувчи арматурали штуцерлар (тушириш ускуналари) ўрнатилиши керак.

9. Ер ости сувли қувур ўтказгичлардан сувни оқизиш ўзи оқиб кетадиган сув ташлаш қудуқларига ёки кўчма насослар ёрдамида оқова сувни чиқариш тизимларида амалга оширилиши керак. Қудуқлардан оқизиб юбориладиган сувнинг ҳарорати 40°С дан юқори бўлмаслиги керак. Оқова сувларни чиқариб юбориш тизими сув оқизилганда оқиб кетадиган қувур ўтказгичда гидроберкитгич – агар сувнинг тескари оқими бўлиши мумкин бўлса, қўшимча ўчирадиган (тескари) клапан ўрнатилиши керак.

10. Буғ ўтказгичнинг доимий дренажларидан конденсат йиғиш, конденсат йиғувчи тизимда амалга оширилиши керак. Агар дренаж конденсат ўтказгичдаги босим, қувур ўтказгичдаги босимдан камида 0,1 МРа дан (1 kgs/cm^2 дан) юқори бўлса, уни босим конденсат ўтказгичга қуйишга рухсат берилади.

11. Иссиқлик тармоқлари қувур ўтказгичларининг энг юқори нуқталарида, шу жумладан ҳар бир секцияловчи участкасида ҳавони чиқариш учун штуцерли беркитиш арматураси ўрнатилиши керак.

12. Иссиқлик тармоқларида қувур ўтказгичларнинг иссиқликдан узайишини ишончли компенсацияси таъминланиши керак.

13. Иссиқлик тармоқларида қуйидаги мазмундаги ёзувлар бўлиши керак:

а) магистрал линияларда – магистрал рақами (рим рақамлари билан) ва ишчи муҳитнинг ҳаракат йўналишини кўрсатувчи стрелка. Агар нормал режимда у ҳар

иккала йўналишда ҳам ҳаракатланиши мумкин бўлса, иккала йўналишда иккита стрелка кўрсатилади;

б) магистрал яқинидаги асосий (масъул) шахобчаларда – магистралнинг рақами (рим рақамлари билан), агрегатларнинг (қурилмаларнинг) ҳарфли белгилари, агрегатлар рақамлари (араб рақамлари билан) ва ишчи муҳитининг ҳаракат йўналишини кўрсатувчи стрелкалар;

в) агрегатлар яқинидаги магистраллардан тармоқланган шахобчаларда – магистрал рақами (рим рақамлари билан) ва ишчи муҳитининг ҳаракат йўналишини кўрсатувчи стрелкалар.

14. Агрегатлар қуйидагича ҳарфлар билан белгиланади:

Насос	Н		Турбонасос		ТН
Турбина	Т		Электронасос		ЭН
Буғ машинаси	БМ		Деаэратор		Д
Конденсатор	Кр		Парлагич (Буғлагич)		П
Иситиш тизими	Ит		Регенератив тизим иситкичи		И
Шамоллатиш	Вт				
Технология	Тх				
Иссиқ сув таъминоти	ИСТ		Бошқалар		Б
Кимёвий сув тозалаш	КСТ				
Бойлер	Бр				

15. Ҳарфлар ва рақамларнинг ўлчамлари қувур ўтказгичнинг ташқи диаметрига қараб, 150 миллиметрдан 300 миллиметргача белгиланади, ҳарфларнинг баландлиги 100 миллиметр бўлиши керак.

300 миллиметрдан ортиқ бўлса – 150 миллиметр бўлиши лозим, агар 5 метр масофада кучсиз ёруғликда ёзувнинг кўриниши шарти таъминланмаса, ҳарфлар ва рақамларнинг баландлиги оширилади.

16. Ташқи изоляциясининг диаметри 150 миллиметрдан кам бўлган қувур ўтказгичларга ёзувлар қувур ўтказгичларга осиб қўйилган ёрлиқларда ёзилади. Ёзув ва белгилар учун ёрлиқларнинг тахминий ўлчамлари қуйидагича белгиланади:

Ёзувнинг (ҳарфлар) баландлиги, миллимитер (mm)	**Ёрлиқ ўлчамлари, миллимитер (mm)**	
	баландлиги	**узунлиги**
100	200	350 дан 400 гача
150	250	400 дан 700 гача

225	350	700 дан 800 гача

17. Иссиқлик тармоқлари изолациясининг сирти бўялиши билан бир қаторда рангли ҳалқалар белгиланиши керак. Халқаларнинг ранги мазкур Қоидаларга 4-иловада келтирилган.

Маҳаллий шароитларга қараб ҳалқалар орасидаги масофа 1 миллиметрдан 5 миллиметргача бўлиши керак. Қулайлик учун ҳалқалар деворга киришдан олдин ва девордан чиқишдан кейин, шунингдек, сурилма қопқоқ ва вентилларнинг иккала томонида қўлланилиши керак. Ўтиш мумкин бўлмаган каналларда ва каналсиз ўтишларда қувур ўтказгичлар фақат камералар доирасида бўялади.

Ҳалқа ўлчамлари қуйидагича белгиланади:

Иссиқлик тармоқлари ёки изоляциянинг ташқи диаметри, миллимитер (mm)	**Рангли халқанинг кенглиги, миллимитер (mm)**
150 гача	50
150 дан 300 гача	70
300 дан ортиқ	100

18. Қувур ўтказгич изоляцияси юзаси металл қоплама (алюминий, цинкланган темир ва бошқа коррозияга чидамли металлар) билан қопланганда, қоплама бутун узунлиги бўйлаб бўялмаслиги мумкин. Бунда узатилаётган муҳитга қараб, мазкур Илованинг 13-банди талабларига мувофиқ, қувур ўтказгичларнинг текис участкаларида камида 50 миллиметрдан кам бўлмаган масофада, деворга киришдан олдин ва девордан чиқишдан кейин, ўлчаш воситалари, сурилма қопқоқлар ва бошқа арматуралар олдида шартли белгилар ва ҳалқалар қўлланилиши керак.

19. Иссиқлик ўтказгичларнинг горизонтал участкалари 0,002 дан кам бўлмаган қиялик билан ётқизилиши ва пастки нуқталарида вентилли дренажларга эга бўлиши шарт.

20. Иссиқлик тармоқларида иссиқлик ўтказувчиларининг ҳароратдан узайиши компенсацияси участкалари қимирламайдиган таянчлар билан бўлинган ҳолда ишончли компенсация билан таъминланиши шарт. Сальникли компенсаторлар, компенсатор стаканининг совуқ ва қайноқ ҳолатини чегараловчи реперларга эга бўлиши шарт.

21. Диаметри 150 миллиметр ва ундан ортиқ, буғ ҳарорати 300°С ва ундан юқори бўлган буғ иссиқлик тармоқларида буғ қувурининг кенгайишини ва таянчларнинг тўғри ишлашини кузатиб бориш учун индикаторлар ўрнатилиши керак.

22. Иссиқлик элтувчининг параметрларини назорат қилиш учун сувли иссиқлик тармоғи асосий магистралининг узатувчи ва қайтаётган қувур ўтказгичлари барча диаметр ўзгарган нуқталарда, шунингдек, шахобчаланиш диаметри 150 миллиметрдан ортиқ бўлган йирик узелли нуқталарда термометрлар учун гилзалар

ва манометрлар учун штуцерлар ёки замонавий электрон қурилмалар билан жиҳозланиши керак.

Иссиқлик элтувчининг параметрларини назорат қилиш учун иссиқлик тармоғи қуйидагиларни ўлчаш учун намуна олувчи қурилмалар билан жиҳозланиши керак:

узатувчи ва қайтаётган қувур ўтказгичлардаги ҳароратни, секцияловчи сурилма қопқоқлар олдида ва диаметри 300 миллиметр ва ундан ортиқ шахобчалар қайтаётган қувур ўтказгич сурилма қопқоғи олдида (сув йўли бўйлаб);

узатувчи ва қайтаётган қувур ўтказгичлардаги босимни, секцияловчи сурилма қопқоқлар ва ростловчи қурилмалардан олдин ва кейин, шахобчаланишларнинг узатувчи ва қайтаётган қувур ўтказгичларида, сурилма қопқоқлар олдида;

шахобчалар қувур ўтказгичларидаги буғ босимини (сурилма қопқоқдан олдин).

23. Иссиқлик тармоқларининг камераларида қувур ўтказгичдаги ҳарорат ва босимни ўлчаш учун маҳаллий кўрсатувчи назорат-ўлчаш воситалари ўрнатилиши керак.

24. Иссиқлик элтувчининг ҳарорати 45^0Сдан юқори бўлган хона ичида ёки хона ташқарисида жойлашган қувур ўтказгичлар, шунингдек, уларнинг фланецли бирикмалари ва арматуралари иссиқлик изоляциясига эга бўлиши шарт. Иссиқлик элтувчисининг ҳарорати 60^0Сдан юқори бўлган хона ташқарисида жойлашган қувур ўтказгичлар ҳам иссиқлик изоляциясига эга бўлиши шарт.

Фланецли бирикмаларнинг ва арматураларнинг иссиқлик изоляциясини конструкцияси ечиладиган бўлиши керак.

Очиқ иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва уларга келган иссиқлик ўтказгичлари изоляцияси устидан дюралюминий ғилофларга ёки уларни алмаштирувчи етарли даражада механик жиҳатдан мустаҳкам бошқа қопламаларга эга бўлиши керак.

Ёнғинга хавфли, чиришдиган, ўзидан кислота ёки кучли ишқор чиқарадиган материалларни қўллаш тақиқланади.

Иссиқлик тармоқларини металл конструкцияларини (балкалар, қопламалар, таянчлар, эстакадалар, мачталар ва бошқалар) коррозиядан сақлаш учун иложи бор жойларда бўялиши керак.

Бўяш даврийлиги маҳаллий шароитларга қараб белгиланади.

Техник-иқтисодий асосланган иссиқлик ўтказгичларини қуйидаги ҳолларда иссиқлик изоляцияси қопламасисиз ишлатишга рухсат берилади:

иссиқлик тармоғининг қайтаётган қувур ўтказгични корхона цехи ичидан ўтган иссиқлик оқими иситиш мақсадида фойдаланилганда;

конденсат тармоқлари ўтиб бўлмайдиган каналларда буғ тармоқлари билан биргаликда ётқизилганда.

Даврий назорат қилинадиган фланецли бирикмалар, арматуралар, қувур ўтказгичлар участкалари, шунингдек, компенсаторларнинг иссиқлик изоляцияси ечиладиган бўлиши керак.

Хоналардан ташқарида ётқизилган иссиқлик тармоқлари, ётқизиш усулидан қатъий назар, намлик таъсиридан ҳимояга эга бўлиши керак.

25. Иссиқлик тармоқлари қувур ўтказгичлари ва металл конструкцияларининг (балкалар, таянчлар, мачталар, эстакадалар ва бошқалар) ташқи юзаси коррозияга қарши қопламалар билан ҳимояланган бўлиши шарт.

Иссиқлик тармоқларининг қурилиши ёки капитал таъмирланиши тугагандан кейин қувурлар ва металл конструкцияларни ташқи коррозияга қарши қопламасиз эксплуатация қилиш тақиқланади.

26. Иссиқлик тармоқларининг қувур ўтказгичларини ер остида ётқизилишида, улар қувур ўтказгич метали ва нам изоляцияни ўзаро таъсиридаги ташқи коррозиядан ёки тупроқ ва дайди токларнинг юқори коррозиявий фаоллигидан ҳимояланган бўлиши керак.

27. 2,5 метрдан ортиқ баландликда ўрнатилган ва хизмат кўрсатилиши ёки даврий назорат қилиниши талаб этиладиган ускуналар элементлари ўрнатилган мачталарда, эстакадалар участкаларида, шунингдек, кронштейнлар остида ушлагичи бор стационар нарвонли майдончалар ўрнатилиши керак.

28. Даврий хизмат кўрсатиладиган ва кўрикдан ўтказиладиган ер ости иссиқлик ўтказгичларининг ускуналари элементлари, арматураси ва иссиқлик назорати ускуналари хизмат кўрсатилиши осон бўлган махсус камераларда ёки ертўлаларда жойлаштирилиши керак.

29. Ер ости қистирмаларига хизмат кўрсатиш камераларида иккита нарвонли ёки илгакли камида иккита қопқоқ (люк) бўлиши керак. Ички майдончаси 2,5 квадрат метргача бўлган камераларда битта қопқоқ (люк) ўрнатилишига рухсат этилади.

Ўтиладиган ва ярим ўтиладиган каналлар трассаси бўйлаб бундай қопқоқ (люк) камида ҳар 300 метрда ўрнатилиши керак. Камералар қопқоқ (люк) лари ишончли беркитилиши ва сиртдаги сувларни ўтказмаслиги керак.

Авария қопқоқ (люк) лари ичкаридан осон очилиши керак.

Ўтиладиган ва ярим ўтиладиган каналлар (тунеллар) қопқоқларининг (люк) ёпилиш конструкцияси қопқоқ (люк) ларни ичкаридан осон очилишини таъминлаши керак.

30. Электр қурилмалар ўрнатилган ўтиш каналлари, шунингдек, йирик узеллар камералари Электр қурилмаларнинг тузилиши қоидаларига мувофиқ ўта намлик ва ҳавонинг юқори ҳарорати учун жиҳозланган доимий сунъий ёритишга эга бўлиши керак.

Ушбу хоналарга портловчи газлар кириши имконияти бўлса, ёритиш учун портлашдан ҳимояланган арматура қўлланилиши керак.

Электр қурилмалар ўрнатиладиган жойлар (насос хоналари, иссиқлик пунктлари, туннеллар, камералар), шунингдек, электр юритмалар арматуралари, ростлагичлар ва назорат-ўлчаш воситалари ўрнатиладиган жойлар Электр қурилмаларнинг тузилиши қоидаларига мувофиқ электр ёритишга эга бўлиши керак.

31. Тўкиб юборадиган ва ҳаво штуцерларининг диаметри қувур ўтказгичларнинг бўшатилиши шартига қараб, 300 миллиметргача суюқлик бўлганда икки соатдан, 500 миллиметргача суюқлик бўлганда эса тўрт соатдан ортмаслиги керак.

Транзит магистралларда секцияловчи сурилма қопқоқлар орасидаги масофа, қувур ўтказгич участкаларидан юқорида келтирилган муддатларда сув тушириб юборилиши шартлигидан келиб чиқиб, узайтирилиши мумкин.

32. Буғўтказгичлар трассасини барча пастки нуқталарида ва вертикал учаскалари олдида ҳаво билан ҳайдаш (пуфлаш) учун дренаж қурилмалар кўзда тутилиши керак.

Буғўтказгичнинг оқим томонга қиялигида тўкувчи дренаж қурилмалар ҳар 400-500 метрда, қарама-қарши қияликда эса – ҳар 200-300 метрда ўрнатилиши керак.

Тўйинтирилган буғ узатиладиган буғ тармоқлари учун тўкиб юборувчи дренажлар тўғри участкаларда оқим томон қияликда ҳар 250-300 метрда, қарама-қарши қияликда эса – ҳар 200 метрда ўрнатилиши керак.

33. Буғ ўтказгичнинг эксплуатация жараёнида буғнинг ҳолати тўйинганга яқинлашадиган участкаларини барча пастки нуқталарида автоматик конденсат чиқарувчилар ўрнатилиши керак.

34. Каналлар ва тунелларнинг дренажи учун иссиқлик ўтказгич трассаси бўйлаб канал туби 0,003 дан кам бўлмаган қияликка эга бўлиши керак. Трассанинг паст нуқталарида сув чиқариб ташлаш учун қурилма кўзда тутилиши керак. Сувнинг ўзи оқиб чиқиб кетиш имконияти бўлмаса, даврий равишда унинг чиқариб ташланиши таъминланиши керак. Каналлардаги сувнинг сатҳи иссиқлик ўтказгич изоляциясини остигача кўтарилишига рухсат этилмайди.

35. Иссиқлик ўтказгичнинг канализация билан бирикиши узилиш билан (раковина, воронка ёки гидроқулф орқали) бажарилиши шарт.

Сув қувурининг иссиқлик ўтказгичга барча уланишлари сгонларда бажарилиши шарт, улар нормал эксплуатация шароитида ажратилган бўлиши керак.

36. Иссиқлик тармоқларини бошқа қувур ўтказгичлар билан бирга умумий каналда ўтказишга рухсат этилади, енгил ёниб кетадиган, кимёвий ўювчан ва заҳарли моддалар қувур ўтказгичлари бундан истисно. Уларни иссиқлик тармоқларининг қувур ўтказгичлари билан бирга умумий каналда ўтказилиши қатъиян ман этилади.

37. Иссиқлик тармоқларини каналсиз ётқизишда қурилиш конструкцияларидан ёки қувурларни изоляциялаш қобиғидан иншоотлар ва муҳандислик тармоқларигача бўлган масофа, ШНҚ 2.04.07-22 “Иссиқлик тармоқлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг (ҳисоб рақами 125, 2022 йил 19 декабрь) 8-иловасига мувофиқ бўлиши керак.

Эксплуатация қилувчи ташкилотнинг олдиндан рухсатисиз иссиқлик қувурлари йўналишларида бинолар қуриш, материалларни сақлаш, ахлат ташлаш, дарахт ва буталар экиш, шунингдек хандақ (траншея) қазишга йўл қўйилмайди.

38. Иссиқлик ўтказгичлари кўчалар ва транспорт юрадиган йўллар устидан ҳавода ўтказилганда ер сатҳидан қувур ўтказгичлар изоляциясини ташқи юзасигача масофа 4,5 метрдан кам бўлмаслиги керак, темир йўллар устидан ўтишлар бундан мустасно. Иссиқлик ўтказгичлар темир йўл полотноси устидан ўтганда рельс устки сатҳидан изоляция ташқи юзасигача масофа 6,4 метрдан, электрлаштирилган темир йўллар учун эса – 7,0 метрдан кам бўлмаслиги керак.

39. Иссиқлик ўтказгич изоляцияси пастки нуқтасидан ер сатҳигача масофа 2 метрдан кам бўлганда, ўтиш жойлари махсус ўтиш қурилмалари билан таъминланиши керак.

40. Барча иссиқлик тармоқлари доимий эксплуатацияга қабул қилишдан аввал қуйидагиларга синалиши керак:

зичликка (опрессовка) – узатувчи қувурлар ва арматураларнинг механик мустаҳкамлигини текшириш учун;

иссиқлик элтувчининг ҳисобланган ҳароратига – иссиқлик элтувчининг ҳарорати ҳисобланган қийматгача кўтарилганда, ҳарорат деформацияси шароитларида, тармоқнинг мустаҳкамлигини ва компенсациялаш қобилиятини текшириш учун;

гидравлик синовларига – қувур ўтказгичларнинг гидравлик тавсифларини билиш учун;

иссиқлик синовларига – тармоқнинг амалдаги иссиқлик йўқотишларини аниқлаш учун.

Иссиқлик тармоғини эксплуатацияга топширишдаги синовлар маълумотлари асосида иссиқлик йўқотишларининг меъёрлари белгиланади ва корхона раҳбари (ёки бош муҳандиси) томонидан тасдиқланади. Қувур ўтказгичларнинг иссиқлик йўқотишлари ва гидравлик тавсифларини назорат ўлчашлари ҳар 5 йилда бир марта ўтказилади ҳамда техник ҳисобот тузилиши шарт.

41. Иссиқлик тармоқларининг қувур ўтказгичлари монтаж ёки капитал таъмирдан кейин, уларни эксплуатацияга киритишдан аввал тозаланиши шарт:

буғ ўтказгичлар – буғни босим остида атмосферага чиқариб ташлаш билан;

иссиқлик таъминоти ёпиқ тизимларидаги сув тармоқлари ва конденсатўтказгичлар – гидропневматик ювиш билан;

иссиқлик таъминоти очиқ тизимларидаги сув тармоқлари – гидропневматик ювиш ва кейинчалик ичимлик суви билан ювган ҳолда дезинфекциялаш билан.

Дезинфекциядан сўнг қайта ювиш, тушириб юборилаётган сув сифат кўрсатгичлари ичимлик суви санитар нормаларига эришишга қадар амалга оширилади.

42. Гидравлик опрессовка 1,25 ишчи синов босими, лекин ишчи босим плюс 3105 Па (3 kgs/cm^2) дан кам бўлмаган босим билан амалга оширилади. Қувур ўтказгичлар синов босими остида беш дақиқа ушлаб турилади, шундан сўнг босим ишчи босим даражасигача пасайтирилади. Ишчи босим бўлганида қувур ўтказгич бутун узунлиги бўйлаб синчиклаб кўрикдан ўтказилади. Агар опрессовка вақтида босим тушиши ва узилиш кузатилмаса, арматуранинг сальникларида, фланецли

бирикмалар ва ҳ.к. ларда сув оқиши ёки сув босиши аниқланмаган бўлса, унинг натижалари қониқарли ҳисобланади.

43. Монтаж, таъмирлаш ёки вақтинчалик тўхтатилгандан кейин иссиқлик тармоқларини ишга тушириш олдиндан тузилган, иссиқлик таъминоти ташкилоти билан келишилган дастур бўйича амалга оширилади.

44. Буғ тармоқларини ишга тушириш қуйидаги операциялардан ташкил топиши керак:

буғ тармоқларини қиздириш ва сиқилган ҳаво билан пуфлашдан;

конденсат ўтказгичларни тўлдириш ва ювишдан;

истеъмолчиларни улаш ва тармоқни ростлашдан.

Қиздириш бошланишидан аввал қиздирилаётган участкадан барча шахобчалардаги сурилма қопқоқлар зич беркитилган бўлиши шарт.

Аввал асосий магистрал, кейин навбатма-навбат унинг шахобчалари қиздирилиши керак. Унча узун бўлмаган (200 метрдан ортмаган) буғ ўтказгичлар учун қиздиришни асосий буғ ўтказгич ва унинг шахобчаларида бир пайтда ўтказиш мумкин.

45. Сувли иссиқлик тармоқларини ишга тушириш қуйидаги асосий операцияларни ўтказишдан иборат:

сувли иссиқлик тармоғини сув билан тўлдириш;

сувли иссиқлик тармоғини ювишдан;

циркуляцияни ўрнатишдан;

сувли иссиқлик тармоғи зичлигини текширишдан;

истеъмолчиларни улаш ва сувли иссиқлик тармоғини ростлашдан иборат.

Монтаждан кейин сувли иссиқлик тармоғини ишга туширишда уни ювиш, сув оқими бўйлаб иссиқлик ўтказгичлар бошида ва охирида ўрнатиладиган вақтинчалик лойқаушлагичлар орқали амалга оширилади. Лойқаушлагичлар бир йилдан сўнг, иккинчи ювишдан кейин олиб ташланади.

Иссиқлик истеъмоли тизими ўчиқлигида иссиқлик тармоқларининг иссиқлик ўтказгичлари ҳарорати 70 ^{0}С дан юқори бўлмаган сув билан тўлдирилиши керак.

46. Ишга туширилиши пайтида қувур ўтказгичларнинг тўлдирилиши ва қиздирилиши, беркитувчи арматуралар, сальникли компенсаторлар ва дренаж қурилмалар ҳолати устидан назорат ўрнатилиши зарур.

Ишга тушириш операцияларининг кетма-кетлиги ва тезлиги шундай бўлиши керакки, бунда иссиқлик ўтказгичларини ортиқча иссиқлик деформацияси истисно этилиши керак. Ишга тушириш қувур ўтказгичларини ёки улар билан боғлиқ ускуналарни шикастланиши содир бўлса, ушбу шикастланишларни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак.

47. Беркитиш арматураси билан иссиқлик элтувчиси сарфини ростлаш тақиқланади.

48. Ҳар йили иситиш мавсуми тугаганидан сўнг, мукаммал таъмирлаш пайтида бартараф этилиши керак бўлган нуқсонларни аниқлаш учун иссиқлик тармоқлари ва

киритмаларининг гидравлик опрессовкаси амалга оширилиши керак. Таъмирлашдан сўнг иссиқлик тармоқлари яна опрессовка қилиниши керак.

Иссиқлик тармоқларини ҳавода ўтказилишида, Ўзэнергоинспекция билан келишилган ҳолда, гидравлик синовлар заруриятга қараб, лекин беш йилда камида бир марта ўтказилиши керак.

49. Иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилувчи корхоналарда (ташкилотларда) уларни иссиқлик элтувчиси ҳароратига, иссиқлик ва гидравлик йўқотишларга ва дайди токлар потенциали мавжудлигига синовлари ўтказилиши керак.

Ушбу кўринишдаги синовлар зарурияти ва даврийлигини корхона (ташкилот) раҳбари (бош муҳандиси) белгилайди.

Дайди токлар потенциали мавжудлигига синовларни Иссиқлик тармоқларини электркимё коррозиядан ҳимоя қилиш бўйича йўриқнома билан белгиланган даврийликда ўтказилади.

Алоҳида ҳолатларда иссиқлик тармоқларини назорат очишлари амалга оширилиши мумкин, унинг заруриятини корхонанинг (ташкилотнинг) иссиқлик тармоқлари техник ҳолатига масъул шахс белгилайди.

Иссиқлик тармоқларининг барча синовлари алоҳида:

Сувли иссиқлик тармоқлари иссиқлик элтувчисини ҳисобланган ҳароратга синовлари бўйича методик кўрсатмаларга;

Сувли иссиқлик тармоқларини гидравлик йўқотишларга синовлари бўйича методик кўрсатмаларга;

Сувли ва буғли иссиқлик тармоқларида иссиқлик йўқотишларини аниқлаш бўйича методик кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

50. Ер ости иссиқлик ўтказгичларининг ҳолатини назорат қилиш учун икки йилда камида бир марта, трассанинг ҳар 2 км ида камида битта, ташқи коррозияга ва иссиқлик изоляцияси намланишига учраши мумкин бўлган жойларда иссиқлик тармоғи, қурилиш конструкцияси ва иссиқлик изоляциясини очиш (бундан буён матнда шурфовка деб юритилади) бажарилиши керак. Шурфовка амалга ошириш бўйича барча ишлар иссиқлик тармоғи эксплуатациясининг учинчи йилидан бошлаб амалга оширилади.

Ҳар бир очишга далолатнома тузилиб, унда тупроқ, қурилиш конструкциялари ва қувурларнинг изоляцияси ҳолати ҳамда конструкцияларни тиклаш усули белгиланиши керак.

51. Иссиқлик тармоқларини жорий эксплуатация қилиш жараёнида қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

иссиқлик тармоқларининг барча ускуналарини, қурилиш ва бошқа конструкцияларини ўз вақтида кўриклари ва таъмирлашларини ўтказиб, ишга яроқли ҳолда ушлаб туриш;

компенсаторлар, таянчлар, арматуралар, дренажлар, назорат ўлчаш воситалари ва ускуналарнинг бошқа элементлари ишлашини кузатиб, аниқланган носозликларни ўз вақтида бартараф этиб бориш;

тармоқнинг ишламаётган участкаларини ўчириш, каналлар ва камераларда тўпланган сувни йўқотиш, у ерга сув киришини олдини олиш, бузилган изоляцияни аниқлаш ва бартараф қилиш йўли билан иссиқлик энергияси ва иссиқлик элтувчининг меъёрдан ортиқ йўқотилишига йўл қўймаслик;

иссиқлик ўтказгичларидан ҳавони ўз вақтида тортиб олиш, иссиқлик тармоқларига ҳавонинг сўрилиб киришига йўл қўймаслик, тармоқ ва иссиқлик истеъмолчилари тизимидаги барча нуқталарда доимий зарур ортиқча босимни ушлаб туриш;

камералар ва ўтиш каналларида тозаликни ушлаб туриш, уларда бегона кишиларнинг бўлишига йўл қўймаслик;

иссиқлик тармоғи ишидаги носозликлар ва ишламай қолишларнинг олдини олиш, тарқалишини чеклаш ва бартараф этиш чораларини кўриш.

52. Тармоқ суви ва конденсатини таҳлилларини олиш, шунингдек, характерли нуқталарга коррозия индикаторларини ўрнатиш йўли билан сувли иссиқлик тармоқларининг ички коррозияси устидан тизимли назорат олиб борилиши керак.

Иссиқлик тармоғини тўлдириб туриш юмшатилган деаэрацияланган сув билан амалга оширилиши керак.

Тармоқнинг барча уланган тизимларининг исталган нуқтасидаги ортиқча босим, иссиқлик элтувчиси циркуляциясида ҳам, циркуляция вақтинча тўхтатилганда ҳам 0,05 MPa (0,5 kgs/cm^2) дан паст бўлмаслиги керак.

53. Қувур ўтказгичларнинг дайди токлар ташқи коррозияси устидан назорат қилиш учун иссиқлик тармоғи ҳар уч йилда камида бир марта электроразведка билан текширилиши керак. Электрокоррозия аниқланганда, дайди токлардан ҳимоялаш бўйича чоралар кўрилиши керак. Коррозия аниқланган участкаларнинг назорат текшируви йилига камида бир марта ўтказилиши керак.

54. Иссиқлик тармоқлари ва иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни гидравлик ва ҳарорат режимларини назорат қилиш учун режали кўрикдан ўтказишларда тармоқнинг шахобчаланиш нуқталаридаги босим ва ҳароратни манометр ва термометрлар бўйича текшириш зарур.

55. Иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик элтувчининг ўртача йиллик сизиб кетиши, ишлаётган тармоқ ва унга уланган маҳаллий тизимдаги сув ҳажмининг 0,25 % дан ошмаслиги шарт.

Иссиқлик таъминоти ташкилоти томонидан ҳар бир иссиқлик тармоғи учун ушбу норма доирасида иссиқлик элтувчиси сизилишининг мавсумий нормаси ўрнатилади.

Иссиқлик элтувчисининг ўрнатилган нормадан ортиқ сизилишида, сизилаётган жойни аниқлаш ва бартараф этиш чоралари кўрилиши керак. Сувнинг ортиқча сизилиб

кетиши иссиқлик манбаида тўлдирилаёган сув сарфи ортишидан ва (ёки) қувур ўтказгичларда берилаётган ва қайтарилаётган сув фарқи ортишидан аниқланади.

56. Қувур ўтказгичлар кўрикдан ўтказилишида, зич бўлмаган ҳолатларни ва ифлосланишларни бартараф этган, шунингдек, вақти-вақти билан қувур ўтказгичларда йиғилиб қолган ҳавони чиқариб ташлаган ҳолда дренаж ва ҳаво кранлари ҳамда вентилларининг ҳолати текширилиши керак.

57. Иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилиш жараёнида вақти-вақти билан ўрнатилган сарфўлчагичлар, манометрлар, термометрлар ва бошқа назорат-ўлчаш воситалари кўрсатгичларининг тўғрилигини эталон назорат ускуналари бўйича текшириб туриш керак. Носоз назорат-ўлчаш воситалари алмаштирилиши керак.

58. Ҳар йили иситиш мавсуми бошланмасдан олдин барча насос станциялари таъмирлаш сифатини аниқлаш, барча иссиқлик механика ва электротехника ускуналарини, назорат воситалари, автоматика, телемеханика, иссиқлик тизими ускуналарининг ҳимояси тўғри ишлашини ва иситиш мавсумига тайёрлик даражасини аниқлаш учун комплекс синовдан ўтказилиши зарур.

59. Автоматлаштирилган насос станциялари ускуналарини жорий кўрикдан ўтказиш, электр ускуна юкламасини, подшипниклар ҳароратини, мойлар мавжудлигини, сальниклар ҳолатини, совутиш тизимини текширган ҳолда ҳар ойда амалга ошириш лозим.

60. Автоматлаштирилмаган насос станциялар ускуналарига ҳар сменада хизмат кўрсатиш ташкил этилган бўлиши керак.

61. Насосларни ишга туширишдан аввал, агар улар суткада бир марта ишласа, насос ва унга боғлиқ ускуналар ҳолати текширилиши зарур.

62. Автоматик ростлагичларни эксплуатация қилишда вақти-вақти билан уларнинг ҳолатини кўрикдан ўтказиш, ишлашини текшириш, ҳаракатланувчи қисмларини тозалаш ва мойлаш, бошқарув органларини созлаш амалга оширилиши керак. Иссиқлик тармоқларининг автоматлаштириш ва технологик ҳимоя қурилмаларини ишлашдан чиқариб қўйиш, фақат бош энергетик фармойиши бўйича амалга оширилиши мумкин, маҳаллий йўриқномада кўзда тутилган ускуна ишга туширилишида айрим ҳимояларни ўчириб туриш ҳолатлари бундан мустасно.

63. Иссиқлик тармоқларини ва иссиқлик тизимларини таъминловчи қурилмалар (насослар, баклар) ўрнатилади. Иссиқлик таъминотини ёпиқ тизимидаги таъминловчи қурилмалар ва сувни тайёрлашнинг унумдорлиги, иссиқлик тармоғи ва тизимлар ҳажмининг 0,5 % миқдоридаги суви сизиб чиқишини қоплаши керак.

Иссиқ сув таъминотига бевосита сув олишда таъминлаш қурилмалари ва сув тайёрлаш унумдорлиги бак-аккумуляторлар мавжуд бўлганда ўртача соатлик сарф бўйича, улар мавжуд бўлмаганда эса максимал сарф бўйича қўшимча сув беришни таъминланиши керак.

64. Иссиқлик тармоқларини мукаммал ва жорий таъмирлаш, иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилиш жараёнида, иссиқлик тармоқларини босим билан

текшириш ва синовларда аниқланган носозликлар асосида тузиладиган режалар бўйича ўтказилиши лозим.

65. Ишлашида мавсумий танаффусга эга иссиқлик тармоқларида мукаммал таъмир йилига бир марта ўтказилади. Иссиқлик тармоқларининг мукаммал таъмирланиши орасида ишлаши даврини икки йилгача узайтириш мумкин.

66. Йил мобайнида узлуксиз ишлайдиган иссиқлик тармоқларида таъмирлаш ҳар икки-уч йилда бир марта, иситиш ускуналарини таъмирлаш билан бир пайтда амалга оширилади.

Иссиқлик тармоқларининг жорий таъмирлаш йилига камида бир марта амалга оширилиши керак.

67. Магистрал иссиқлик ўтказгичларини таъмирлаш билан бир пайтда, улардан барча шахобчаланишларни, иссиқлик киритмаларини, бошқарув узелларини, маҳаллий тизимлари ва назорат-ўлчаш воситаларини таъмирланиши амалга оширилиши керак.

68. Таъмирлаш тугаганидан сўнг иссиқлик тармоқлари сув тиниқлашгунга қадар ювилиши ва 1,25 ишчи синов босими, лекин ишчи босими плюс 0,3 МРа (3 kgs/ cm^2) дан паст бўлмаган босимда синовдан ўтказилиши керак. Қувурлар камида беш дақиқа синов босими остида ушлаб турилади, шундан сўнг босим ишчи босимгача пасайтирилади.

Ишчи босим сифатида қуйидагилар қабул қилинади:

магистрал иссиқлик қувур ўтказгичлари ва иссиқлик пунктларига шахобчалар учун – ИЭМ ёки қозонхона коллекторидаги босим (лойиҳага мувофиқ);

ички иссиқлик ўтказгичлар учун – иссиқлик пунктини узатувчи қувур ўтказгичидаги (коллектордаги) босим (лойиҳага мувофиқ). Иссиқлик тармоқларини таъмирдан қабул қилиш мазкур Қоидаларнинг 96-бандига мувофиқ амалга оширилади.

69. Иссиқлик тармоқларини таъмирлашдан сўнг эксплуатацияга киритиш зарурияти мавжуд бўлмаганида, мавсумий консервациялаш учун иссиқлик тармоқлари юмшатилган деаэрацияланган сув ёки конденсат билан тўлдириб қўйилиши керак.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
6-ИЛОВА

Исиқлик пунктларини эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Иссиқлик пунктида қуйидагиларни амалга оширадиган ускуна (қурилма), арматура, назорат қилиш, бошқариш ва автоматлаштириш ускуналари жойлаштирилиши лозим:

иссиқлик элтувчининг кўринишини айлантириш ёки унинг параметрларини ўлчаш;

иссиқлик элтувчининг параметрларини назорат қилиш;

иссиқлик энергиясини, иссиқлик элтувчиси ва конденсат сарфини ҳисобга олиш;

иссиқлик элтувчининг сарфини ростлаш ва уни иссиқлик таъминоти тизимлари бўйича тақсимлаш;

маҳаллий тизимларни иссиқлик элтувчининг параметрларининг авариявий кўтарилишидан ҳимоя қилиш;

иссиқлик таъминоти тизимларини тўлдириш ва таъминлаб туриш;

конденсатни йиғиш, совутиш, қайтариш ва унинг сифатини назорат қилиш;

иссиқлик энергиясини аккумуляциялаш;

иссиқ сув таъминоти учун сув тайёрлаш.

Эксплуатацияга киритилаётган барча иссиқлик пунктлари (ИИП, МИП, иссиқлик таъминотининг буғ тизими) иссиқлик энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган ускуналари билан жиҳозланиши шарт.

2. Иситиш хоналарининг сони биттадан ортиқ бўлган корхоналарда (ташкилотларда) МИП қурилмасини бўлиши шарт. Ўзининг иссиқлик манбаига эга бўлган корхоналарда (ташкилотларда), МИП иссиқлик манбаида жиҳозланган бўлиши мумкин.

Ҳар бир бино учун ИИП бўлиши шарт, бунда уни иссиқлик тармоғига улаш учун ускуна, шунингдек, МИПда бўлмаган (ўрнатилмаган) ускуна монтаж қилинган бўлиши шарт.

3. Иссиқлик энергияси истеъмолчиларини сувли иссиқлик тармоқларига иссиқлик пунктларда улаш схемалари, тармоқ сувининг минимал солиштирма сарфини ва иссиқлик энергиясини тежашни таъминлаши шарт.

4. Иссиқлик пункти қуйидагилар билан жиҳозланиши шарт:

а) сув тармоғининг узатувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичларида, шунингдек буғ ва конденсат қувур ўтказгичларида беркитувчи арматура билан;

б) юқори нуқталарда ҳавони чиқариш ва пастки нуқталарда дренаж қилиш қурилмалари билан;

в) иссиқлик тармоғининг узатувчи ва қайтувчи қувурўтказувчиларида, шунингдек, буғ ўтказгичларда ва магистрал конденсат ўтказгичларда босимни, иссиқ сувнинг ҳароратини ва сарфини ўлчаш учун ўзи ёзувчи ускуналар билан;

г) узатувчи ва қайтувчи иссиқликни ўтказувчининг атрофидаги асосий сурилма клапанда сувли иссиқлик тармоғининг зичлигини назорат қилиш учун сув ўлчагичи билан;

д) босимни ўлчаш учун кўрсатувчи ускуналар билан:

узатувчи ва қайтувчи қувурли ўтказгичларда кириш сурилма клапанларгача, ҳар бир қувурли ўтказгичларда сурилма клапанлардан кейин тақсимловчи коллекторда;

ҳар бир насоснинг сўрувчи ва ҳайдовчи патрубкаларида;

е) кўрсатувчи термометрлар билан:

сув тармоғининг барча қайтувчи қувур ўтказгичларда;

йиғма қайтувчи коллектор олдида;

умумий узатувчи ва қайтувчи иссиқликни ўтказгичларда;

конденсат ўтказгичларда.

Иссиқлик пунктларида иссиқлик тармоқларини иссиқлик пунктларидан ажратувчи қувур ўтказгичларда ва ҳар бир тақсимловчи ва йиғувчи коллекторлардан шахобчада сурилмали клапанлар ўрнатилган бўлиши шарт.

5. Иссиқлик пунктлари қуйидагиларни таминловчи автоматлаштириш воситалари билан жиҳозланиши лозим:

иссиқликни истеъмол қилиш тизимларида (технологик қурилмаларда ҳавони иситиш, вентиляция ва кондесациялаш) иссиқлик энергияси сарфини ростлашни;

истеъмолчиларда тармоқ сувининг максимал сарфини чегаралашни;

иссиқ сув таъминоти тизимида сувнинг берилган ҳароратини;

иссиқликни истеъмол тизимларини мустақил уланишларида талаб этилаётган босимини; қайтувчи қувурли ўтказгичда берилган босимни ёки иссиқлик тармоқларнинг узатувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичларидаги босимлар фарқини;

иссиқликни ташувчининг ижозат этилган параметрлари чегара қийматидан ошгандаги сувнинг юқори босими ва ҳароратидан иссиқликни истеъмол қилувчи тизимларни ҳимоясини;

ишчи насослари узилганда захирадаги насосни улашни;

бак-аккумуляторда сувнинг сатҳи юқори бўлганда, уни узатишни ва пастки сатҳга етганда сув олишни тўхтатишни;

иссиқлик таъминоти тизими бўшаб қолишини олдини олишни.

6. Сувли иссиқлик тармоғининг иссиқлик пунктларида ҳамма қувур ўтказгичларнинг юқори нуқталаридан ҳавони чиқарувчи ва сув ҳамда конденсат қувурли ўтказгичларнинг пастки нуқталаридан сув чиқариш қурилмалари монтаж қилинган бўлиши шарт.

7. Иссиқлик пунктининг киришидаги ва чиқишидаги қувурўткагичларда сув сарфини ва иссиқлик энергиясини ростловчи қурилма ва ҳисобга олиш ускуналари

олдида сувни муаллақ заррачалардан механик тозаловчи (лойдан тозаловчи) қурилмалар монтаж қилинган бўлиши шарт.

8. Иссиқлик пунктларидаги элеваторларнинг узатувчи ва қайтувчи ҳамда айланиб ўтувчи қувур ўтказгичлари, ростловчи клапанлари, лойдан тозаловчи қурилмалар ҳамда иссиқлик энергияси ва иссиқлик элтувчи сарфини ҳисобга олиш учун ускуналари орасида кашаклар бўлмаслиги керак.

9. МИПнинг ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимида қайтувчи қувур ўтказгичнинг сурилма клапанининг айланмасида иссиқлик тармоғи зичлигини назорати учун сув ўлчагич ўрнатишга рухсат этилади.

10. Иссиқлик шахобланишлари иссиқлик таъминоти тизимини ювиш ва бўшатиш учун сув ўтказгич ва сиқилган ҳаво линияси уланиши мумкин бўлган вентилли штуцерлар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Дренаж қурилмасини канализация билан уланиши кўринадиган узилиш билан бажарилиши шарт.

11. Буғнинг ҳисобланган босими буғ ўтказгичдагидан кам бўлган иссиқлик таъминотининг буғли тизими иссиқлик истеъмоли тизимининг иссиқлик пунктлари босим ростлагичлари (редукцион клапан) билан жиҳозланган бўлиши шарт. Буғ ўтказгичда редукцион клапандан кейин сақлаш клапани ўрнатилиши керак.

12. Буғли иссиқлик истеъмоли тизимининг иссиқлик пунктида ишга тушириш ва эксплуатация дренаж қурилмалари жиҳозланиши шарт.

13. Сувли иссиқлик истеъмоли тизимининг МИП қуйидаги назорат-ўлчаш воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак:

узатувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичларда кириш сурилма клапанигача ва ундан кейин, тақсимловчи коллектордаги ҳар бир узатувчи қувур ўтказгичлардаги сурилма клапанлардан кейин, ҳар бир насоснинг сўрувчи ва ҳайдовчи патрубкаларида, кўрсатувчи манометрлар билан;

умумий узатувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичларда, йиғувчи ва қайтувчи коллекторларнинг олдидаги барча қайтувчи қувур ўтказгичларда, кўрсатувчи термометрлар билан;

узатувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичларда, қайд этувчи сарфўлчагичлар ва термометрлар билан;

иссиқлик энергияси сарфини ўлчаш воситалари билан.

14. Сувли иссиқлик истеъмоли тизимнинг ИИП қуйидаги назорат-ўлчаш воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак:

узатувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичларда, кириш сурилма клапанидан кейин, кўрсатувчи манометрлар билан;

узатувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичларда, кириш сурилма клапанидан кейин, аралашган сув узатувчи қувур ўтказгичда, элеватордан ёки аралаштирувчи насосдан кейин, кўрсатувчи термометрлар билан;

иссиқ сув таъминоти тизимига сув узатувчи қувур ўтказгичда ва циркуляция линиясида (очиқ иссиқликни таъминловчи тизимларда), сарфўлчагичлар билан.

Бундан ташқари, сувли иссиқлик истеъмоли тизими ИИП қуйидагилар:

узатувчи ва қайтувчи қувур ўтказгичларда сурилма клапанларгача ва узатувчи қувур ўтказгичнинг барча шахобланишларида сурилма клапанларидан ва аралаштирувчи қурилмадан кейин манометрлар учун штуцерлар;

иссиқликдан фойдаланувчи тизимлардан ёки ушбу тизимнинг алоҳида қисмидан барча қайтувчи қувур ўтказгичларида термометрлар учун гильзалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

15. Буғли иссиқлик истеъмоли тизимларининг иссиқлик пунктлари қуйидаги назорат-ўлчаш воситалари билан жихозланган бўлиши керак:

қайд этувчи ва қўшувчи сарфўлчагичлар билан;

буғ ўтказгичларнинг киришларида, қайд этувчи ва қўшувчи манометрлар ва термометрлар билан;

конденсат ўтказгичларда, қўшувчи сарфўлчагичлар, кўрсатувчи манометрлар ва термометрлар билан;

редукцион клапанлардан олдин ва кейин, кўрсатувчи манометрлар ва термометрлар билан.

16. МИП техник паспортга эга бўлиши шарт, унда ускуна, уланиш схемаси ва иссиқлик энергияси истеъмолчисининг юкламаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
7-ИЛОВА

Бак-аккумуляторларни эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Бак-аккумуляторлар қуйидагилар билан жихозланган бўлиши керак:

қалқи клапанли бакка сув берувчи қувур ўтказгич билан. Ҳар бир қалқи клапаннинг олдига беркитувчи арматура ўрнатилиши керак;

чиқарувчи қувур ўтказгич билан, тубдан сув чиқариш учун;

циркуляцияловчи қувур ўтказгич билан;

ҳаво қувури билан. Қувурнинг кўндаланг кесими ҳаво ва буғни эркин кириши ва чиқиб кетишини таъминлаши керак;

сув сатҳини назорати учун аппаратлар, навбатчи ходим доимий бўладиган хонага сигнал берувчи энг юқори сатҳнинг сигнализацияси билан. Улар қуйидагиларни таъминлашлари керак:

сув энг юқори сатҳга етганда бакка сув беришни тўхтатиш, ишчи насослар ўчганда захирадаги насосларни улаш, бак-аккумуляторлар билан боғлиқ бўлган асосий электр манбаида кучланиш йўқолишида захира кучланиш манбаи уланишини;

бакларда сув ҳароратини ҳамда узатувчи ва чиқарувчи қувур ўтказгичлардаги босимни ўчлаш учун назорат-ўлчаш воситалари мавжудлигини;

атмосфера факторлари таъсиридан ҳимояланган иссиқлик изоляциясини.

2. Дренаж қувур ўтказгичдан ташқари, барча бошқа қувур ўтказгичлар, аккумулятор бакларининг тик деворларига компенсацияловчи қурилмалар ўрнатилган ҳолда уланишлари шарт. Бакка, қувурли ўтказгичларни улашнинг конструктив ечими бу қувурли ўтказгичлардаги зўриқишларни, унинг деворига ва тагига берилиш имконини йўқ қилиши шарт.

3. Ҳар бир бакка сув узатувчи қувур ўтказгичдаги сурилма клапанлар ва баклар орасидаги сурилма клапанлар электр юритмаларга эга бўлиши шарт. Сурилма клапанларнинг электр юритмалари юз бериши мумкин бўлган сув босиши зонасидан ташқарида шундай жойлашиши керакки, бунда баклардан бирида авария содир бўлганда, бошқа параллел ишловчи бакларни ундан тезкор узишни таъминлаш керак.

4. Бакларнинг қумли асоси нотекис чўкиши олдини олиш учун сиртдаги ва лойли сувларни чиқариш қурилмаси назарда тутилиши керак.

5. Бак-аккумуляторни гидравлик синаш, уларда лойиҳада кўрсатилган сатҳгача сувни тўлдириш йўли билан, амалга оширилади. Сув тўлдирилаётган пайтда унинг конструкциясини ва пайвандланган уланиш жойларини кузатиб туриш керак. Таглик тагидан сувнинг сизиб чиқиши аниқланганда синашни тўхтатиш, сувни тўкиб ташлаш, сизиб чиқиш сабабини аниқлаш ва бартараф этиш керак. 24 соат ўтгандан кейин унинг юзасида ёки тагликнинг қирралари атрофида сувнинг сизиб чиқиши ва бакдаги сатҳнинг камайиши кузатилмаса, бак синовдан ўтган деб ҳисобланади.

6. Бак-аккумуляторлар ҳарорати 95°С дан юқори бўлмаган деаэрацияланган сув билан тўлдирилиши шарт. Янги монтаж қилинган, шунингдек, таъмирдан ва ички кўриб чиқишдан кейин баклар ташқи ҳавонинг ҳарорати -10°С дан паст бўлмаганда, ҳарорати +45°Сдан ошмаган сув билан тўлдирилиши керак.

Бакни сув билан тўлдириш тезлиги тўлдирувчи қувурнинг ўтказиш қобилиятига мос келиши шарт.

7. Ички юзаси коррозияга қарши ҳимояга эга бўлмаган бак-аккумуляторларни эксплуатация қилишга ижозат берилмайди.

8. Аккумулятор бакларини ташқи кўриб чиқиш ҳар куни ўтказилиши шарт. Бунда узатувчи ва чиқарувчи қувур ўтказгичларнинг иссиқлик изоляцияси, компенсация қилувчи қурилмалар ва сизиб чиқишнинг йўқлигига эътибор бериш керак. Аниқланган носозлик зудлик билан бартараф этилиши шарт, агар буни иложи бўлмаса, бакнинг ишлатилиши тўхтатилиши керак.

Бакдаги сигнализациянинг электр схемаси тезкор журналга ёзилган ҳолда ҳар сменада ишлатилиб кўрилиши керак.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
8-ИЛОВА

Сув иситиш қурилмаларини эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Иситгичлардан чиққан конденсат ўтказгичларда конденсат тарқатувчилардан кейин конденсатнинг сифатини текшириш учун намуна олиш нуқталари ўрнатилган бўлиши, шунингдек, конденсатнинг сифати қониқарсиз бўлганда, иситгични умумий конденсат йиғиш схемасидан узиш кўзда тутилган бўлиши керак.

2. Сув иситиш қурилмалари қайта ҳайдовчи насосларининг умумий унумдорлиги ёзги иш режимини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган гидравлик режим ва унумдорликни таъминлаши шарт. Насослар сони иккитадан кам бўлмаслиги шарт. Бир вақтнинг ўзида бир неча насос ишлаганда, уларнинг тавсифлари параллел ишлаш имкониятига эга бўлиши керак.

Ҳайдаш тарафидаги насослар беркитувчи сурилма қопқоқлар ва тескари клапанларга эга бўлиши керак.

3. Сув иситиш қурилмаси қуйидаги асосий назорат-ўлчаш воситалари билан жиҳозланган бўлиши шарт:

буғ ўтказгичларда, насосларнинг сўрувчи ва ҳайдовчи линияларида, исиган ва иситилаётган сувнинг кириш ва чиқиш узатувчи қувурларида – манометрлар билан;

буғ ўтказгичларда ва конденсат ўтказгичларда, ҳар бир исиган ва иситилаётган сувнинг кириш ва чиқиш узатувчи қувурларида, совуқ ва иссиқ сувнинг умумий узатувчи қувурларида – термометрлар билан;

қувур ўтказгичларнинг бирламчи ва иккиламчи иссиқлик элтувчиларида - сарфлагичлар ёки сув ўлчагичлар билан;

Қўмита талабларига мувофиқ – сақловчи клапанлар билан;

ҳавони дренажлаб чиқариб юбориш учун – дренаж қурилмалар билан;

конденсацияловчи иссиқлик элтувчи тарафида сув кўрсатувчи шиша билан.

4. Иссиқлик алмаштиргич юзасида ҳисобланган иссиқлик узатиш коэффициентини ушлаб туриш учун, уни мунтазам равишда кимёвий ёки механик тозалаб туриш керак.

5. Иситгичлар мукаммал ва жорий таъмирлашдан кейин гидравлик синаш йўли билан зичликка текширилиши шарт.

6. Иситгичлар, уларни эксплуатация қилиш даврида мунтазам равишда, лекин уч ойда камида бир марта зичликка сув узатувчи ёки иссиқлик элтувчининг босими остида текширувдан ўтказилиши керак. Бунда зичлик сувнинг (конденсатнинг) кимёвий таҳлили ёки манометр, термометр кўрсатгичлари бўйича аниқланади.

Текширув натижалари таъмирлаш журналида қайд қилиниши лозим.

7. Вальцовка қилганда ёки қувурларнинг ўзида оқиш пайқалса сувиситгич ишдан таъмирлашга тўхтатилиши шарт.

Қувурнинг бузилган жойига тиқин ўрнатишга фақат истисно тариқасида ва вақтинчалик чора сифатида рухсат берилиши мумкин.

8. Барча иситгичлар зичликка текширишдан ташқари, беш йилда камида бир марта унумдорликка иссиқлик синовларидан ўтказилиши шарт.

9. Сув иситувчи қурилма берилган режимга мос равишда сувнинг ҳароратини таъминловчи автоматик ҳарорат ростлагич билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Иссиқ сув таъминоти тизими учун сувнинг ҳарорати 60 – 75°C чегарасида бўлиши керак.

10. Сув иситиш қурилмалари ва уларнинг барча ёрдамчи қурилмаларини таъмирлаш, ҳар йили иссиқлик билан таъминловчи тизимнинг иссиқлик элтувчилари ва иссиқлик ускуналарини таъмирлаш жадвали билан боғланган ҳолда ўтказилади.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
9-ИЛОВА

Конденсат йиғиш ва қайтариш тизимларини эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Қозонларни таъминлаш учун ишлатиладиган ишлаб чиқариш конденсатининг сифати шундай бўлиши керакки, бунда унинг бошқа таркибий қисмлар билан аралашмаси мазкур иссиқлик билан таъминловчи манбанинг таъминловчи сувнинг меъёрига мос келиши керак.

Электр станциялар ва қозонхоналарга қайтарилаётган конденсатда ишлаб чиқариш маҳсулотлари бўлмаслиги шарт.

2. Конденсатни йиғиш ва қайтаришнинг берк тизимларидаги конденсатни йиғиш бакларида ортиқча босим 0,005 MPa (0,05 kgs/cm^2) дан кам бўлмаслиги керак.

3. Катта ҳудудда тарқалган буғ қабул қилгичларнинг сони кўп бўлганда марказий конденсатни йиғиш станциясидан ташқари, махсус конденсатни йиғиш подстанциялари қурилиши мумкин.

Ҳар бир станция ва подстанцияда иккитадан кам бўлмаган конденсат баклари ўрнатилиши керак. Конденсатни йиғиш станциялари ва подстанцияларидаги конденсатли бакларнинг сиғими ўттиз дақиқа ичида келиб тушадиган конденсат миқдори билан аниқланади. Конденсатни насос билан тортиб олиш автоматлаштирилганда, унинг сиғими ўн беш дақиқа ичида келиб тушадиган конденсат миқдорига камайтирилиши мумкин. Конденсатни йиғиш тизими баклари туби доирадан иборат цилиндр шаклида бўлиши керак. Конденсатни йиғиш бакларининг ички юзаси коррозияга қарши қопламага эга бўлиши шарт.

Конденсат йиғувчи сифатида тўғри бурчак шаклидаги бакларни қўллаш ман қилинади. Бундай бакларни қўллашга, фақат конденсатни тиндириш учун ишлатишда рухсат берилади.

Мойли конденсат бакларининг сиғими унинг сифатли тинишини таъминлаши шарт.

4. Йиғма конденсат баклари қуйидагилар билан жиҳозланган бўлиши шарт:

а) сувни кўрсатувчи ускуналар билан;

б) паст ёки юқори сатҳ сигнализацияси ёки сатҳни масофавий кўрсатгичлар билан;

в) бакдаги конденсат ҳароратини ўлчаш учун термометрлар билан;

г) бакдаги ортиқча босимни ушлаб туришни назорат қилиш учун мановакуумметрлар билан;

д) конденсатни намуна олиш учун жўмракли штуцерлар ва совуткичлар билан;

е) бак ичидаги босимнинг ортишидан сақловчи қурилмалар билан;

ж) ташқарида стационар металл зиналар билан, бак баландлиги 1500 миллиметрдан ортиқ бўлганда эса – бакнинг ичида стационар зиналар билан.

Очиқ тизимда конденсат баклари уларни атмосфера билан боғлаш учун қурилмалар билан жиҳозланиши шарт.

Эксплуатацияга янгидан қабул қилинаётган корхоналарда, шунингдек, реконструкциядан кейин конденсатни йиғиш тизимлари берк кўринишда бўлиши шарт.

5. Конденсатни йиғиш тизимлари бакни, иссиқликдан фойдаланувчи қурилманинг нормал эксплуатациясига ҳалақит бермасдан, ўчиришни назарда тутиши керак.

6. Конденсатни йиғиш станциялари ва подстанцияларидаги насослар сони иккитадан кам бўлмаслиги шарт. Насосларнинг тавсифи уларнинг параллел ишлашига имкон бериши керак.

Буғ иситишга ва вентиляцияга истеъмол қилинганда, ҳар бир насос қайтарилаётган конденсатнинг 60% дан, технологик истеъмолчилар учун 100 % дан келиб чиқиб танланади.

7. Конденсатни йиғиш ва қайтариб бериш тизимининг тортиб олувчи насослари тартиб рақамига эга бўлиши шарт ва бир нечта подстанциялар бўлганда рақамлар такрорланмаслиги шарт.

Йиғиш бакидаги конденсатнинг сатҳи ва насослар ўқи ўртасидаги белгилар фарқи конденсатнинг максимал ҳароратида тортувчи қисқа қувурда муҳит қайнаб кетишининг олдини олиш учун етарли (0,5 метрдан кам эмас) бўлиши шарт.

8. Умумий конденсат узатувчи қувурга ишлаётган конденсатли насосларнинг тортувчи линиясида сурилма қопқоқлар, ҳайдаш томонида эса – сурилма қопқоқлар ва тескари клапанлар ўрнатилиши шарт. Тескари клапанлар носоз ёки ўчирилган бўлганида, насосларнинг ишлашига рухсат берилмайди.

9. Конденсат станциялари амалдаги меъёрлар ва Қоидаларга мувофиқ лойиҳа бўйича бажарилган хоналарда жойлашиши шарт.

Ҳар бир станция ва подстанция электр ёритишга ҳамда вентиляцияга эга бўлиши, станциянинг хонаси қулфланиши шарт.

Конденсат йиғиш станциялари ёки подстанциялари ертўлаларда ёки тупроқ ёҳуд оқова сувлар чўкиши мумкин бўлган жойларда қурилганда, ишончли гидроизоляция ва мос дренаж қурилмалари бажарилиши шарт.

Конденсат станциялари ёки подстанцияларининг конденсат баклари, конденсат узатувчилари, бошқа иссиқлик ускуналари иссиқлик изоляциясига эга бўлиши шарт.

10. Конденсатни йиғиш тизими эксплуатациясини кузатиш учун мунтазам равишда қайтиб келаётган конденсатнинг миқдори, сифати, босими ва ҳарорати устидан назорат ўтказилиши шарт.

Назоратнинг ва конденсатни таҳлил қилишнинг даврийлиги ҳар бир ҳолда энергия билан таъминловчи ташкилот (цех) билан келишилади.

Даврийлик шундай бўлиши керакки, бунда иссиқлик энергияси манбаига сифатсиз конденсат тушиш имконияти истисно этилган бўлиши керак.

11. Конденсатни йиғиш тизими ишлашини назорат қилиш учун конденсатни насос ёрдамида тортиб олувчи қурилмалар қуйидагилар билан жиҳозланиши шарт:

йиғма конденсат ўтказгичда, тортувчи насосдан олдинги ва кейинги босимни ўлчаш учун, манометрлар билан;

тортиб олинаётган конденсатнинг ҳароратини ўлчаш учун, ускуналар билан;

тортиб олинаётган конденсатнинг миқдорини ўлчаш учун, оқим ўлчагич ёки сув ўлчаш воситалари билан;

конденсат намуналарини олиш учун - жўмракли штуцерлар ва совутгичлар билан;

энергия билан таъминловчи ташкилот (цех) томонидан мазкур истеъмолчига қўйилган талабларини бажариш учун - автоматик ускуналар билан.

12. Конденсатни йиғиш ва қайтиш тизимини коррозиядан ҳимоялаш учун:

конденсат йиғишнинг ёпиқ тизимлари;

конденсатни йиғувчи бакларнинг тагидан киритиш;

конденсатни узлуксиз сўриб олиш;

конденсат узатувчи қувур кесимини доимо бутунлай тўлдириш;

конденсат йиғувчида ортиқча босим ушлаб туриш амалга оширилиши керак.

Конденсатни йиғиш ва қайтиш тизимини эксплуатация қилишни яхшилаш мақсадида, буғ ўтказгичлардан ва иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалардан конденсатни йўқотиш, йиғиш бакларидан конденсатни тортиб олиш ва конденсат ўтказгичларни ҳимоялашни автоматлаштириш лозим.

13. Умумий конденсат ўтказгичдан параллел ишлаётган истеъмолчиларнинг йиғма бакларига конденсат тушишини бартараф этиш учун ҳар бир истеъмолчининг конденсат ўтказгичи тескари клапанлар билан жиҳозланиши шарт.

14. Конденсатни йиғиш ва қайтиш тизимини эксплуатация қилиш, уни гидравлик синашлардан ва ювишлардан кейин ўтказилиши шарт.

Конденсат ўтказгични ювиш, кимёвий таҳлил тасдиқланган конденсатнинг қониқарли сифати олингандан кейин, тугаган ҳисобланади. Конденсатни таҳлил қилиш учун у текширишга йиғма баклардан ва конденсатни дренажга тушириш жойидан олиниши шарт.

15. Конденсатнинг йиғма баклари зичликка ҳаво, мустаҳкамликка эса сув билан синалади.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
10-ИЛОВА

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар қуйидагиларга эга бўлиши шарт:

хизмат кўрсатиш ва мунтазам кўрикдан ўтказиш талаб қилинадиган асосий элементлар ва назорат ўлчаш воситаларига хизмат кўрсатишни таъминлайдиган зиналар ва майдончаларга;

иситадиган ва иситиладиган муҳитнинг кириш ва чиқиш линияларида беркитувчи арматурага;

саноат хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ сақловчи клапанларга;

қурилмадаги суюқликнинг сатҳи ёки ҳолати, массаси устидан кўрик ўтказиш зарур бўлган ҳолларда кўрик майдончалари ва сув кўрсатгичли ойналарга;

ҳаво, газ, технологик маҳсулот, конденсатдан намуна олиш ва чиқариб юбориш учун қурилмаларга;

иссиқлик элтувчи ва иситилаётган муҳитнинг босими ҳамда ҳароратини ўлчаш учун манометрлар ва термометрларга;

иссиқлик элтувчи ва иссиқлик энергияси сарфини ҳисобга олиш ускуналарига;

лойиҳада кўзда тутилган бошқа ускуна ва автоматикага.

2. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилманинг босими иссиқлик билан таъминловчи манбанинг босимидан паст босимга ҳисобланган бўлган ҳолларда, босимни, зарур бўлганда ҳароратни камайтирувчи қурилма кўзда тутилиши керак.

3. Буғдан фойдаланувчи юза турдаги қурилмалардан конденсатни қайтариш автоматик конденсат қайтаргичлар орқали амалга оширилиши лозим.

4. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмага берилаётган иссиқлик элтувчининг босими ва ҳарорати технологик режимларда белгиланган қийматларга мос келиши керак. Иссиқлик элтувчининг параметри чегаралари эксплуатация бўйича йўриқномада келтирилиши шарт.

5. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмага нам буғ келганда, уни қуритиш зарурияти бўлса, қурилманинг олдига сепараторлар ўрнатилади.

6. Ҳар бир иссиқликдан фойдаланувчи қурилма аниқ кўринадиган тартиб рақамига эга бўлиши шарт.

Беркитувчи ва ростловчи арматурада, шунингдек, иссиқлик узатувчи қувурлар ва технологик қувурларнинг атрофидаги участкаларда стрелка билан иссиқлик элтувчининг ва технологик аралашманинг ҳаракат йўналиши кўрсатилиши, уларнинг шартли белгиланиши, арматурани очиш ва ёпиш кўрсатгичлари аниқ кўрсатилиши шарт.

7. Барча иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик ўтказгичларнинг ташқи қисмлари шундай изоляцияланган бўлиши керакки, бунда изоляция юзасидаги ҳарорат атрофдаги муҳит ҳарорати 25^0C бўлганда 45^0C дан ошмаслиги шарт. Маҳаллий шароитларга кўра иссиқликдан фойдаланувчи қурилма изоляцияси остидаги металл емириладиган бўлса, изоляция ечиладиган бўлиши шарт.

8. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар очиқ ҳавода (хоналардан ташқарида) ўрнатилса, иссиқлик изоляцияси гидроизоляцияловчи қопламага эга бўлиши керак.

9. Электр двигателлар, вентиляторлар, калориферлар ва бошқа ёрдамчи ускуналар технологик жараёнлар бўйича улар боғлиқ бўлган қурилманинг рақамига эга бўлиши шарт. Агар иссиқликдан фойдаланувчи қурилма бир нечта электр двигателлар, вентиляторлар ва бошқа ёрдамчи ускуналарга эга бўлса, уларнинг ҳар бири иссиқликдан фойдаланувчи қурилма рақамига қўшимча тартиб индекси қўшиш билан рақамланади.

10. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар гидравлик синовлардан ўтказилиши бирга, уларга тегишли арматура, узатувчи қувур ва ёрдамчи ускуналар ҳам гидравлик синовлардан ўтказилиши керак.

11. 0,07 MPa (0,5 kgs/cm^2) дан кам босим ёки сийраклашган босим остида ишлашга мўлжалланган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ёки уларнинг қисмлари, мустаҳкамликка 0,2 MPa (2 kgs/cm^2) босим ва зичликка 0,15 MPa (1,5 kgs/cm^2) босим билан синалади.

12. Кимёвий муҳит таъсирида металлининг ҳолати ўзгарадиган ва механик хусусиятлари ёмонлашадиган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар, шунингдек, қаттиқ коррозия муҳитига эга ёки девордаги ҳарорат 475 ^{0}C дан ортиқ иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар махсус йўриқномага мувофиқ қўшимча кўриклардан ўтказилиши шарт.

13. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларнинг навбатдан ташқари гидравлик синовлари ва ички кўриклари, мукаммал ёки жорий таъмирлашдан ёки реконструкциядан кейин, шунингдек, қурилма бир йилдан ортиқ ишламай турганида ўтказилади.

14. Иссиқлик элтувчининг параметрлари камайганда ёки кўпайганда авария содир бўлиши ёки одамларнинг ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган, хавфи юқори иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар, қурилмаларни ва уларнинг элементларини авариясиз ишлашини таъминлайдиган хавфсизлик ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак.

15. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларда:

пломбаси ёки тамғаси (металл муҳр, штамп) йўқ бўлган;

қиёслаш муддати ўтган;

ойнаси синган;

рухсат этилган чегаравий ишчи босимни кўрсатувчи қизил чизиқ ёки назорат пластинаси йўқ бўлган;

манометр стрелкаси ўчирилганда шкаланинг ноль кўрсаткичига ушбу манометр учун рухсат этилган хатоликнинг ярмидан ортиқ катталигига қайтмаган манометрларни қўллаш ман қилинади.

16. Ҳар бир манометр яхши ёритилган бўлиши, иссиқлик нури ва музлаш таъсиридан ҳимояланган бўлиши шарт. Манометрга келувчи линияда муҳитни намуна олиш учун улашни бажариш ман қилинади.

17. Босим остида ишлаётган ҳар бир иссиқликдан фойдаланувчи қурилма ўрнатилганидан ва рўйхатдан ўтганидан кейин, махсус тахтачада формати 200-150 миллиметрдан кам бўлмаган шрифтда қуйидагилар ёзилиши шарт:

рўйхат рақами;

рухсат этилган босим;

кейинги ички синашлар ва гидравлик синашлар санаси (ойи ва йили).

Ҳарорат бўйича маълумот ёзилади, агар у 250 ^{0}C дан ортиқ бўлса.

18. Ишга тушириш қурилмаларининг конструкцияси ва ҳолати (ишга туширувчи тугмалар, қўл билан бошқариш ричаги ва бошқалар) ускуналарни ва иссиқлик ўтказгичларнинг участкаларини тез ва ишончли улаш ва узишни ҳамда ўз ўзидан ишлаб кетиш имкониятини бартараф қилишни таъминлаши шарт.

19. Авария узгичлари ва масофавий бошқариш тугмаларининг конструкцияси ва жойлашиши турли ишчи ҳолатларда улардан фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт.

20. Барча ишга тушириш қурилмалари уларнинг вазифалари кўрсатилган ёзувларга эга бўлиши шарт. Асосий тезкор ва авариявий сурилма қопқоқлар ва вентилларнинг маховикларида уларнинг очиш ва ёпиш йўналишини кўрсатувчи чизиқлар бўлиши керак.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
11-ИЛОВА

Буғ болғаларини эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Эксплуатацияда бўлган буғ болғалари, қуйидаги асосий шароитларни қониқтириши шарт:

цилиндрдан буғ ажралиб чиқмаслиги;

цилиндрнинг ички бўшлиғи конденсат тарқатувчи билан жиҳозланган трубкалар ёрдамида дренаж қилиниши;

буғ беркитувчи арматура зич бўлиши, шунингдек, ёпиқ ҳолатда буғни ўтказмаслиги;

поршен ва цилиндр орасидаги, поршен ҳалқалари ва поршен арикчаларининг деворлари, золотник ва золотник втулкаси, дроссель ва втулка орасидаги тирқишлар йиғиш ва таъмир бўйича йўриқномаларда кўрсатилган қийматларга мос келиши;

буғ беркитувчи вентил очиқ бўлганда ва золотник тўсиб қўйилганда чиқарувчи қувурдан буғланиш чиқмаслиги;

сальник ёғланган ва графитланган зичланиш билан зич тўлдирилган, нормал тортилган ва буғланмаган бўлиши;

тепки ва бошқариш дастагининг ҳаракати ишчи томонидан катта куч талаб этмай амалга оширилиши;

болға, буғнинг берилган босимида нормал зарб кучини таъминлаши;

болғанинг ҳамма қисмлари қийшиқ ва бўш маҳкамланмасдан йиғилиши;

мойлаш ускуналари соз ҳолда ишлаши;

конденсатни чиқариб ташловчи қурилма ва сақлагич мосламаси доимо соз ҳолатда бўлиши;

шиббани рухсат этилган четки ҳолатини қайд қилган белгилар, золотникнинг четки ҳолатига мос келувчи дастакниниг кўрсатгичлари, текширилган ва аниқ белгиланган бўлиши.

2 Болғанинг ишлаши қисқа вақтга тўхташида буғни узиш учун айлантириб бурувчи ясси сурилма клапанлар ўрнатилиши керак.

3. Буғ болғасини буғни ташқарига чиқариб юбориш билан ишлашига рухсат этилмайди.

4. Буғнинг соатлик ва солиштирма сарфини ҳамда сизиб чиқиш қийматини аниқлаш учун тўқмоқни синаш ҳар уч йилда бир марта, даврий равишда олиб борилиши шарт.

5. Буғ тақсимловчи механизмни ташқи кўриб чиқиш ва ишлатиб кўриш, тўқмоқда ишлаётган ходимнинг ҳар бир сменани қабул қилишида ва топширишида ва

қўшимча сменада камида бир марта навбатчи слесар томонидан амалга оширилиши керак.

6. Сув ўтказгичларга борувчи ишлатилган буғ буғўтказгичларда, буғ машиналарида (тўқмоқ, пресс ва бошқалар) берилган қаршибосимни ушлаб турувчи (чиқариб ташловчи) қурилмалар ҳамда буғ ўтказгичларни тозалаш учун қопқоқ (люк) кўзда тутилиши керак.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмани ишончли ишлашини таъминловчи ишлатилган буғни 10 мг/кг гача ёғдан механик тозалаш кўзда тутилиши керак.

7. Золотникларни, буғ тақсимловчи клапанларни, дросселларни, сурилма клапанларни ва поршенни зичловчи ҳалқаларини ташқи қўриб чиқиш ҳамда қисман текшириш ҳар ойда камида бир марта амалга оширилиши керак.

8. Цилиндр ичига қопқоқнинг тешиги орқали мой тўлдириш йўли билан цилиндрнинг ички қисмини мойлаш ман этилади.

9. Буғ болғалари учун қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда техник шартларда кўзда тутилган мойловчи материаллар қўлланиши шарт.

10. Болғани мойловчи тизим ҳафтада камида бир марта кўриб чиқилиши, тозаланиши ва пуфланиши керак.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
12-ИЛОВА

Қуритиш қурилмаларини эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Қуритиш қурилмаларининг камералари зич ёпилган бўлиши шарт. Камеранинг эшикларида, эшикни зич ёпувчи ричагли, понали, винтли ёки бошқа қурилмалар ўрнатилган бўлиши шарт.

2. Агар конвейерли қуритиш қурилмаларида эксплуатация шароити бўйича эшикларни қуриш иложи бўлмаса ёки қуритиш қурилмасининг конструкцияси нолли босим зонасини таъминлай олмаса, қуритиш қурилмасининг киришида ва чиқишида иссиқ (ҳаво) парда ўрнатилиши лозим.

3. Қуритиш қурилмалари иссиқликнинг минимал йўқолишини таъминловчи иссиқлик изоляциясига эга бўлиши, қуритиш қурилмаси очиқ ҳавога ўрнатилганда иссиқлик изоляцияси намга чидамли бўлиши керак.

4. Материални ёки маҳсулотни буғлаб димланадиган қуритиш қурилмаларида ҳамма тўсиқлар гидроизоляция қатлами билан қопланиши керак.

5. Портлайдиган материаллар учун қуритиш қурилмалари портловчи клапанлар билан таъминланиши шарт. Клапанларнинг қувурлари ташқарига, цех ташқарисига чиқарилган бўлиши шарт.

6. Ўткир заҳарли материаллар учун қуритиш қурилмалари махсус изоляция қилинган хоналарга ўрнатилиши керак. Уларни юклаш ва бўшатиш, одатда механизациялаштирилган бўлиши шарт.

7. Барча қуритиш қурилмалари (конденсацион қуритиш қурилмаларидан ташқари) сўриб олувчи шамоллатиш (вентиляция) билан таъминланиши керак.

8. Қуритиш қурилмасида битта ўқда бир нечта вентилятор ўрнатилганда, ҳавони текис циркуляцияси учун ўқнинг бир томонига ўнг томонга айланувчи, бошқа томонига – чапга айланувчи вентиляторлар ўрнатилиши ёки реверсив юритма бўлиши керак.

9. Ҳаво мажбурий циркуляция қилинадиган қуритиш қурилмаларида қовурғали ёки силлиқ қувурли иситгичлар ёки пластинкали калориферлар ўрнатилиши керак. Конденсатни яхши оқишини таъминлаш учун пластинкали калориферлар вертикал ўрнатилиши шарт.

10. Қуритиш қурилмасининг камерасида ҳавони текис тақсимланишини таъминлаш учун йўналтирувчи экранлар, тўрлар ва бошқа қурилмалар ўрнатилиши лозим. Қуритиш қурилмаларининг камераларида баландлик бўйича тўлиқ габаритга эга бўлмаган материалларни қуритишга рухсат этилмайди.

11. Кукунсимон ёки майдаланган материалларни қуритишда, чанг тиндирувчи, қуруқ ёки нам циклонлар, мультициклонлар, мато фильтрлари ёки электр фильтрларни

ўрнатиш йўли билан қуритиш қурилмасидан чиқаётган ҳавони тозалаш шарт. Ушбу қуритиш қурилмаларида ҳавонинг рециркуляцияси қўлланилиши лозим.

12. Қуритиш қурилмасига хизмат кўрсатишда, технологик ходимнинг иш жойида режим картаси бўлиши шарт. Қуритиш қурилмасини эксплуатация қилиш жараёнида, зона бўйича ҳарорат аниқ белгиланган иссиқлик элтувчининг параметр кўрсатгичлари тезкор журналда қайд этилиб, қуритилаётган материалнинг сифати назорат қилиб борилиши керак.

13. Қуритиш қурилмасининг ишлаш режими ҳамда асосий ва ёрдамчи ускуналарнинг тавсифлари эксплуатацион синовлар билан аниқланади. Улар:

қуриткичлар мукаммал таъмирлангандан сўнг;

тасдиқлашни талаб қиладиган конструктив ўзгартиришлар киритилгандан ёки рационализация чораларидан сўнг;

маҳсулот бузилиши билан боғлиқ ҳолда, қуритишнинг нотекислигини бартараф этиш учун амалга оширилади.

14. Қуритиш қурилмасини синаш пайтида, қиздирувчи иссиқлик элтувчининг миқдори ва параметрлари, камеранинг турли нуқталарида қуритилган ҳавонинг намлиги, ҳарорати, қиздириш юзаларининг иссиқлик узатиш коэффициенти, вентилятор ва электр двигателларнинг (ҳавони мажбурий циркуляция қиладиган қуритиш қурилмаларида) унумдорлиги аниқланиши керак.

15. Қуритиш қурилмалари калориферларининг қиздириш юзаси даврий тозаланиб туриши шарт.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
13-ИЛОВА

Буғ қурилмаларини эксплуатация қилиш учун техник талаблар

1. Биринчи корпусга тушувчи қоришмани қайнашга яқин ҳароратигача иситиш учун конденсат ёки ширали буғ билан иситиладиган махсус қиздиргичлар ўрнатилиши лозим.

2. Қиздиргичларнинг коммуникацияси, ўчириш учун беркитиш қурилмасига, ҳар бир иситгичда айланма линияга, шунингдек биринчи корпус узлуксиз иситилган қоришмани қабул қила олмаган даврда, оралиқ бакка (қиздиргич орқали қоришма циркуляциясини амалга ошириш учун) қиздирилган қоришмани оралиқ бакка қайтариш учун линияга эга бўлиши шарт.

3. Конденсат узлуксиз чиқариб юборилишини, шунингдек, унинг сифатини назорат қилиш учун конденсат чиқарувчилардан кейин линияда кўриш ойнаси ва намуна олиш крани ўрнатилади.

Конденсатнинг сифатига қараб (кимёвий таркиби бўйича ва аралашмани борлиги) у алоҳида ёки бирга барча буғ қурилмаларидан йиғилиши лозим.

Конденсатнинг сифатини узлуксиз назорат қилиш учун сигнал берувчи туз ўлчагичлар ва башқа ускуналар ўрнатилиши керак.

4. Буғ қурилмаларида қоришманинг сатҳини кузатиш учун кўрувчи ойна ўрнатилиши керак.

5. Буғ қурилмалари қуйидаги назорат-ўлчаш ёки ростловчи ускуналар билан жихозланиши керак:

биринчи корпусга кирувчи буғ босимини автоматик ростлагич;

цехга буғ берувчи линияда, қайд этувчи манометр;

биринчи корпуснинг иситувчи камерасида ва буғли муҳитда манометрлар билан, кейинги корпусларнинг иситувчи камералари ва буғли муҳитларида, манометрлар ва вакуумметрлар;

қоришма сатҳини автоматик ростлагичлар;

барометрик ёки юзали конденсаторлардан келувчи қувур ўтказгичларда, кўрсатувчи ва сигнал берувчи вакуумметрлар;

барча буғловчи аппаратларда, иситгичларда ва барометрик ёки юзали конденсатларда, симобли ёки қаршиликли термометрлар;

цехга кирувчи сув сарфини ҳисобга олиш учун, сарфўлчагич;

буғлашга кирувчи қоришмани ҳисобга олиш учун, сарфўлчагич;

ҳар бир буғловчи аппаратдан кейин, концентратомерлар.

6. Буғ қурилмаларининг нормал иш режимини таъминлаш учун қуйидагилар шарт:

иситувчи буғни биринчи корпусга берилишини кузатиш ва қиздирувчи буғ босимининг чегарасига тушишига ва кўтарилишига йўл қўймаслик (0,01 MPa (0.1 kgs/cm^2) чегарасида ўзгаришга рухсат этилади);

буғ қурилмасининг корпуси бўйича кўзда тутилган ҳарорат ва босим тақсимланиши жараёнини ушлаб туриш;

буғ қурилмасининг иситиш камераларида конденсатларни узлуксиз тармоғланишини кузатиш, шунингдек конденсат сифатини тизимли текшириш;

буғга айлантирувчи қурилмани қайнаш ҳароратига яқин бўлган ҳароратгача иситилган қоришма билан тизимли равишда таъминланишини таъминлаш;

буғ қурилмасида қоришмани корпусдан корпусга нормал ўтказилишини кузатиш ва қоришманинг ўрнатилган сатҳини ушлаб туриб ва иситувчи камераларни бўшаб қолишига йўл қўймаслик, охирги корпусдан тайёр маҳсулотни тизимли чиқариб туриш;

қоришмалар, концентраторлар ва иссиқлик элтувчиларнинг минимал йўқотишини таъминлаш;

режимда кўзда тутилган сатҳда вакуум остида ишловчи буғга айлантирувчи қурилмаларида сийракланишни ушлаб туриш ва вакуум тушганида дарҳол сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш, барометрик конденсатордан тармоқланувчи сувнинг ҳароратини ушлаб туриш;

сменада камида бир марта иситувчи камералардан ҳавони махсус вентиллар орқали чиқариш;

буғ қурилмаларида кўзда тутилган ювиш жадвали ва тартибига риоя қилиш, зарурат бўлганда навбатдан ташқари ювишни ва уларни тозалашни ўтказиш;

автоматик ускуналарни, иссиқликни ўлчаш ва ростловчи ускуналарни, арматураларни, шунингдек, буғловчи станциянинг ёрдамчи ускуналарини узлуксиз ва соз ишлашини таъминлаш.

7. Буғ қурилмалари қувур ўтказгичлари схемаси бирламчи ва иккиламчи қиздирувчи буғнинг оқимлари, шунингдек, уларнинг конденсатлари аралашиб кетиш имкониятини истисно этиши шарт.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
14-ИЛОВА

Ректификация қурилмаларини эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Ректификация қурилмалари колонкага кирувчи суюқликни иситиш учун иссиқлик алмаштирувчилар (қиздирувчи қурилмалар) билан жиҳозланган бўлиши шарт. Қиздиргичларни бурама найчаларининг чўлғамлари, конденсат тармоқланишини осонлаштириш учун иложи борича қисқа бўлиши шарт.

2. Ректификация қурилмалари ажралиб чиқаётган буғни конденсация қилиш учун мосламалар (конденсаторлар, дефлегматорлар) билан жиҳозланишлари керак. Иссиқлик узатиш коэффициентини кўпайтириш учун бир йўлли конденсаторларни кўп йўлли конденсаторлар билан алмаштирилади.

3. Ректификация қурилмалари, кирувчи ва чиқувчи маҳсулот миқдорини ўлчаш учун ўлчагич ёки сатҳўлчагич билан жиҳозланган бўлиши шарт.

4. Ректификация қурилмаларида ўтаётган маҳсулотни кузатиш ва сарфини ростлаш учун кўрсатувчи ойна ўрнатилган бўлиши керак.

5. Ректификация қурилмалари қуйидаги назорат-ўлчаш ускуналар:

буғ бериш линиясида қайд этувчи ва қўшувчи буғ ўлчагич;

қайд этувчи манометрлар;

ректификация қурилмаларида босим ва ҳароратни ўлчаш учун манометрлар, вакуумметрлар ва термометрлар;

ректификация қурилмалари сувни киритувчи ва чиқариб ташловчи линияларида термометрлар;

ҳайдалаётган аралашмани ҳароратини ўлчаш учун назорат фонарида ўрнатилган термометрлар;

автоматик назорат қилиш ҳамда ҳарорат ва босимни (биринчи навбатда узлуксиз таъсир этувчи аппаратлар) масофавий ўлчаш воситалари;

чиқаётган конденсат ўтказгичлар совутгичлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

6. Вакуум остида ишловчи дистиллаш қурилмалари, мазкур Қоидаларнинг 14-иловасининг 5-бандида кўрсатилган ускуналардан ташқари қуйидагилар:

тизимни кескин ўзгариб туришидан ҳимоя қилиш учун, вакуум ростлагич;

вакуум-насосни унга суюқлик киришидан ҳимоя қилиш оралиқ цилиндр;

буғ таркибидаги дистиллят томчисини ушлаб қолиш учун томчи ушлагич билан жиҳозланган бўлиши керак.

7. Ректификация қурилмасининг нормал режимини таъминлаш учун қуйидагилар лозим:

иситувчи буғ босими ўзгариши 0,02-0,03 MPa (0,2-0,3 kgs/cm^2)дан ортиқ бўлишига йўл қўймасдан буғ ростлагичларнинг ишини назоратини таъминлаш;

конденсаторлар, дифлегматорлар ва совутгичларга ҳайдалаётган маҳсулот кириб қолишига йўл қўймасдан, уларга совитувчи сув киришини ва унинг ҳароратини кузатиш;

дистиллаш қурилмасида технологик режим билан ўрнатилган ҳароратлар ва босимлар тақсимланишини ушлаб туриш;

ўрнатилган технологик йўриқномаларга мос равишда дистиллаш қурилмасидан навли маҳсулотларни танлаб олишни амалга ошириш;

дистиллаш қурилмасининг иситувчи юзасидан конденсатни чиқариб олишни таъминлаш, тизимли равишда конденсат сифатини текшириш (кимёвий таҳлил билан);

дистиллаш қурилмаси аппарати ва арматурасини герметиклигини кузатиш, ҳайдалаётган аралашмани ёки ҳайдаш маҳсулотини зичланмаган арматуралар, уланишлар ва бошқалар орқали йўқотилишига йўл қўймаслик. Иситувчи камераларга, юзали конденсаторларга ва бошқаларга ҳайдаш маҳсулотлари кириб қолишини олдини олиш учун улардан чиқарилаётган сув ҳарорати ва сифатининг назоратини ўрнатиш;

дистиллаш қурилмасининг автоматик ростлагичлари, арматуралари, назорат-ўлчаш воситалари ва ёрдамчи ускуналарнинг ҳолати ҳамда иши устидан назорат ўрнатиш.

8. Ректификация қурилмаларида турли параметрли буғлардан (ўткир буғ, ишлатилган буғ ва бошқалар) фойдаланилганда, алоҳида конденсат тармоқловчилар ўрнатилиши шарт. Турли параметрли буғлар конденсатини умумий конденсация тувагига чиқаришга йўл қўйилмайди.

Турли параметрли буғлар конденсатини, унинг сифати ва фойдаланиш имконятига боғлиқ равишда умумий ёки алоҳида конденсат йиғувчи бакларга йўналтириш лозим.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
15-ИЛОВА

Темир-бетон маҳсулотларини термал намлик билан ишлов бериш қурилмаларини эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Маҳсулотларни қиздириш учун, электр энергияси, табиий газ, иссиқ ҳаво ва бошқалар қўлланилганда қурилмаларни эксплуатацияси ўрнатилган тартибда тасдиқланган йўриқномалар бўйича амалга оширилади.

2. Қурилманинг деворлари иссиқлик сиғими ва иссиқлик ўтказувчанлиги паст бўлган материаллардан бўлиши шарт. Материални танлаш ва деворнинг қалинлиги иссиқлик - техник ҳисоб-китоб билан асосланиши керак. Иссиқлик ўтказувчи материал (пўлат ва бошқалар) қўлланилганда иссиқлик изоляциясини қўллаш лозим.

3. Қурилмаларнинг бетон поли иссиқ қатлам устида гидроизоляцияга ва конденсатни гидроқулф орқали канализацияга оқиши учун 0,005 дан кам бўлмаган қияликка эга бўлиши шарт.

4. Буғловчи камералар қопқоқлари, гидроқулфлаш ёки бошқа махсус конструкциялар билан герметизация қилинган бўлиши шарт. Копқоқлар статик ва динамик юкламаларни қабул қилиши шарт. Полигонда эксплуатация қилинувчи камералар қопқоқларининг юқори қатлами сув ўтказмайдиган бўлиши шарт.

Буғлаб турувчи камеранинг қопқоқлари, гидроқулфлаш ёки бошқа махсус конструкцияли қурилма билан тўлиқ герметизацияни таъминлаши шарт.

Гидроқулфлар ўзгартирилганда қуйидагилар тавсия этилади:

буғлаб турадиган камера қопқоғи қаттиқ пўлат каркасдан ва қопламаси иссиқлик изоляциясидан (минералли момиқ пахтадан) бажарилиши керак. Буюмга томчилар тушмаслиги ва гидроқулфни ўз вақтида сув (конденсат) билан тўлдириш учун қопқоқнинг пастки юзаси ён томонга қия қилиб бажарилиши мақсадга мувофиқ. Гидроқулфга конденсатни тушиши етарли бўлмаганда, гидроқулф сув билан тўлдириш қурилмасига эга бўлиши керак;

қопқоқ ва девор оралиғидаги гидравлик оралиқ, деворнинг юқори четида ётувчи швеллердан бажарилади, унга тепадан қопқоқга пайвандланган контурли тик қовурға туширилади;

гидроқулф швеллери остидан буғ ўтиб кетишини олдини олиш учун, деворни тешигини бекитиш учун унга деворларга тик қовурға пайвандланади;

гидроқулфни қум ёки қипиқ билан тўлғизиш ман этилади.

5. Алоҳида қурилмаларнинг магистрал вентиляция каналидан ажратувчи клапанлар камераларнинг герметик узилишини таъминлаши керак.

6. Маҳсулотлар даврий ва узлуксиз кириб турадиган узлуксиз ишлайдиган қурилмалар маҳсулотнинг кириш ва чиқишида, зич, осон очиладиган ва ёпиладиган заслонка ва юмшоқ пардаларга эга бўлиши керак.

7. Буғ қурилмаларга диаметри 5-6 мм дан кам бўлмаган, камера полининг периметри бўйича жойлашган қувурлар орқали берилиши керак. Қувурлар конденсатни оқиши учун қиялик билан ва пастки нуқталарда дренаж билан ўрнатилиши шарт.

8. Темирбетон буюмларга термонамлик билан ишлов берувчи қурилмалар қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

буғ ўтказгичлар ва конденсат ўтказгичлар, беркитувчи ва ростловчи арматуралар, шунингдек, автоматлаштирилган бошқариш тизимларининг датчиклари камера бўйлаб ўтувчи тунелларда жойлаштирилиши керак. Камераларга хизмат кўрсатиш учун ўтувчи тунеллар чиқарувчи - сўрувчи вентиляция ва стационар электр ёритишнинг тармоғи билан жиҳозланган бўлиши шарт;

кириш ва чиқишдаги камералар механик юритмали эшиклар ёки иссиққа чидамли резина лентадан бўлган пардалар билан жиҳозланиши керак. Камераларнинг эшиклари юкланишда ва юксизланишда навбатма - навбат очилиши ва ёпилиши шарт;

актив ишлов бериш зонаси билан совутиш зонаси орасида тўрт қатор иссиққа чидамли резина лентадан пардалар бўлиши шарт;

актив иссиқ ишлов бериш зонасида буюмларни иситиш ва уларга ишлов бериш, буғли пўлат регистрлар билан қиздирилган иссиқ ҳаво билан амалга оширилиши керак. Регистрлар полга ва шип остига ўрнатилади ҳамда деталлар турган тагликлар сонига қараб гуруҳларга бирлаштирилади. Камерадаги ҳавони циркуляция қилиш вентиляторлар билан амалга оширилади.

9. 0,07 MPa (0,7 kgs/cm^2) ортиқча босим остида ишловчи қурилмалар ва автоклавлар қуйидагилар:

буғ сарфини ўлчагичлар;

босим ростлагичлари ва сақловчи клапанлар;

автоклав ичидаги ҳароратни ўлчаш учун пастки ва юқори зоналарда ўрнатилган термометрлар;

манометрлар (ишчи ва назорат);

конденсат тарқатувчилар;

қопқоқлар тўлиқ ёпилмаганда ва автоклавда босим қолганда автоклавга буғ киришини истисно этадиган блокировкали сақлагич қурилмалари;

автоклав қопқоқлари зич ёпилишининг ёруғлик сигнализацияси;

автоклавда ортиқча босим борлигини текшириш учун вентилли назорат трубкаси билан жиҳозланиши керак.

10. Автоклавнинг нормал иш режимини таъминлаш учун қуйидагилар зарур:

автоклавни 50 ^{0}C/мин дан юқори бўлмаган тезлик билан қиздириш ва совутиш;

қурилмада ҳарорат тақсимлашининг ўрнатилган режим картасини сақлаб туриш;

технологик жараёнларнинг тугашидан кейин ишлатиб бўлинган буғни иссиқлик алмашувчида фойдаланишни назарда тутиш;

қопқоқни, фақат босим бутунлай тушганидан кейин очиш.

11. Катта бўшлиқли йирик буюмларга буғни бериш уларнинг ўқи бўйлаб сопло орқали таклиф этилади.

12. Қурилма самарадорлигини ошириш ва иссиқлик энергияси сарфини камайтириш мақсадида юклаш ва бўшатиш вақтларини қисқартириш чораларини кўриш, маҳсулотнинг юқори сифатини сақлаган ҳолда иссиқлик алмашиш интенсификацияси юқори чегарасига эришиши, буюм шакли ва бетон аралашмасининг энг фойдалисини танлаб олиш лозим.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
16-ИЛОВА

Иситиш, шамоллатиш ва иссиқ сув тизимларини эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Битта иссиқлик бошқаруви узелига турли характердаги юкламаларни маиший хоналарнинг иссиқлик ускуналарини, шамоллатиш вентилятор қурилмалари ва ҳаво иситиш агрегатларини, цехлардаги иситиш ускуналарини, иссиқ сув таъминоти қурилмаларини, иссиқликдан фойдаланувчи технологик қурилмаларни улашда, ушбу кўринишдаги юкламаларнинг ҳар бирини бошқарув узелини коллекторига алоҳида уланган мустақил шахобча бўйича таъминлаш лозим.

2. Бошқарув узели қуйидагилар:

тизимни бошқариш узелини ташқи иссиқлик тармоғидан ажратувчи сурилма клапанлар;

барча узатувчи ва қайтувчи қувурўтказгичларнинг шахобчаларида ўрнатилган сурилма клапанлар;

буғли иситишнинг маҳаллий тизими босимига ростланган редукцияли клапанлар;

редукция қилинган буғ линиясида ўрнатиладиган сақловчи клапанлар;

сув тизимининг узатувчи ва қайтувчи иссиқлик ўтказгичларида ўрнатиладиган лойқаушлагичлар;

тизимни бўшатиш ва тўлдириш учун қурилма;

маиший хоналарнинг сувли иситиш тизими учун, агар узатувчи иссиқлик ўтказгичлардаги сувнинг ҳарорати ушбу хоналар учун ҳисобланган қийматдан ошса, элеватор ёки бошқа аралаштирувчи қурилмалар;

тармоқ суви бевосита иссиқ сув таъминотига олинганда, олинаётган линиядаги чегараловчи шайба;

иссиқ сув таъминоти тизимида ҳароратни ва сарфни автоматик ростлагичлар билан ва иситиш тизимида сарфни ростлагич;

ишга тушириш ва эксплуатация дренажлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

3. Сувли иссиқлик тармоғининг бошқариш узели қуйидаги назорат-ўлчаш воситалари билан жиҳозланиши керак:

узатувчи ва қайтувчи иссиқлик ўтказгичлар асосий сурилма клапанларидан кейин манометрлар билан ва асосий сурилма клапанлардан олдин манометрлар учун штуцерлар билан;

узатувчи ва қайтувчи кириш иссиқлик ўтказгичларда термометрлар билан ҳамда барча қайтарувчи иссиқлик ўтказгичларда термометрлар учун гильзалар билан;

уланган қуввати 5 MPa (0,7 kgs/cm^2) ҳамда ундан ортиқ бўлган узатувчи ва қайтувчи иссиқлик ўтказгичларда ўрнатиладиган сарф ўлчагичлар билан, иссиқ сув таъминотига сув олиш линиясида эса - сув ўлчагичлар билан;

аралашган сув узатиш линиясида манометр учун штуцер ва термометр учун гильза билан.

4. Буғли тармоқнинг бошқариш узели қуйидаги назорат-ўлчаш воситалари билан жиҳозланиши керак:

буғ ўтказгичларнинг киришида асосий сурилма клапанлардан сўнг - манометр ва термометр билан;

редукцион клапандан олдин ва ундан кейин - манометрлар билан;

конденсат ўтказгичда - манометр билан;

редукцияланган буғ линияларида ва конденсат ўтказгичда термометрлар билан;

уланган қуввати 2 Гкал/с (8,4 GJ/h) бўлган буғ ўтказгичда – сарфўлчагичлар билан.

5. Тарқатувчи иссиқлик ўтказгичларнинг барча юқори нуқталари ҳаво чиқарувчи қурилмалар, ҳамма пастки нуқталари эса – сувни оқизиш ва конденсатни чиқариб ташлаш учун кранлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

6. Қувурўтказгичлар ҳаво қопларини ва конденсатни тўпланишини ҳосил бўлишини бартараф этувчи қияликка эга бўлиши шарт.

7. Цех ичидаги иссиқлик ўтказгичларнинг шахобланиш нуқталари, алоҳида участкаларни барча тизимдан узиш имконини берувчи секцияли сурилма клапанлар (вентиллар) билан жиҳозланиши керак.

8. Иситиш ускуналарининг юзасидаги максимал ҳарорат иситилаётган хонанинг қўлланишига боғлиқ ҳолда, санитар меъёрларга мувофиқ қабул қилиниши лозим.

9. Иситиш ускуналари, ускуналарнинг иссиқлик беришини ростлаш учун кранлар ва вентилларга эга бўлиши шарт.

10. Корхонада буғли иситиш тизимининг эксплуатацияси қуйидагиларни таъминлаши шарт:

барча иситиш ускуналари бир хил исишини;

иситувчи ускуналарга кирувчи буғ учиб ўтиб кетмасдан, тўлиқ конденсацияланишини;

тизимдан олинган конденсатнинг тўлиқ қайтишини.

11. Корхонада сувли иситиш тизимининг эксплуатацияси қуйидагиларни таъминлаши шарт:

барча иситиш ускуналари бир хил исишини;

тизимдан қайтаётган сувнинг ҳарорати ҳисобланган (график бўйича) қийматдан четга чиқиши 2^0C дан ошмаслигини;

тизимнинг юқори нуқталари қуйилишни;

тизимдаги босим иситиш ускуналари учун рухсат этилган қийматдан ошмаслигини;

иссиқлик элтувчининг маҳаллий тизимдан ўртача йиллик силқиб чиқиши ишлаётган тизим суви ҳажмининг 0,25% дан ошмаслигини;

силжиш коэффициентини ҳисобланганидан кам бўлмаслигини.

12. Сувли иситиш тизимларини тўлдириш ва таъминлаб туриш иссиқлик тармоғидан олинган юмшатилган деаэрацияланган сув билан амалга оширилиши шарт. Тўлдиришнинг тезлиги ва тартиби иссиқлик энергияси билан таъминловчи ташкилот билан келишилиши шарт.

13. Сувли ва буғли иситиш тизимини эксплуатацияси жараёнларида қуйидагилар бажарилиши лозим:

доимий кўзга ташланмайдиган тизим элементларини ойида камида 1 марта синчиклаб кўриб чиқиш;

асосий тизим элементларини (насослар, беркитувчи магистрал арматура, назорат-ўлчаш аппаратлари, автоматик қурилмалар) ҳафтада камида 1 марта синчиклаб кўриб чиқиш;

иситиш тизимидан йўриқнома бўйича ҳавони чиқариб юбориш;

иситиш ускуналарининг ташқи юзасини чангдан ва лойдан ҳафтада камида 1 марта тозалаш;

ўрнатилган лойқаушлагичларни ювиш. Ювиш муддатлари лойқаушлагичлардан олдин ва кейин ўрнатилган манометрлар кўрсатгичлари фарқидан, лойқаланиш даражасидан келиб чиқиб ўрнатилади;

иссиқлик элтувчининг босими ва ҳарорати, иситиш ускуналарининг қизиши ва назорат нуқталари ҳарорати, шунингдек, иситилаётган хоналар иситилишини (фрамугалар, эшиклар, деразалар ва ш.ў.) ҳолатини кунлик назорати.

14. Иситиш мавсуми тугагандан сўнг, иситиш тизимларини нормал сарфи босимидан 4-5 марта ортиқ босимдаги сиқилган ҳаво ёки сув билан, то сув тўлиқ тинишига қадар ювилиши керак.

Тизимни коррозиядан ҳимоялаш учун, таъмирлаш давридан ташқари, уни деаэрацияланган сув билан тўлдириш шарт.

15. Иситиш мавсуми бошланмасдан олдин барча иситиш тизимлари гидравлик босим билан текширилиши шарт. Гидравлик босим билан текшириш тизим таъмирланган ёки таъмирланмаганлигидан қатъий назар, ўтказилиши шарт.

Гидравлик босим билан текшириш мустаҳкамликка ва зичликка қуйидагиларда ўтказилади:

бошқариш (кириш) узелларида 1,25 ишчи босимга тенг босим билан. Ишчи босим деб, тармоқ томондаги кириш сурилма қопқоғи олдидаги босим қабул қилинади;

элеватор узелларида, калориферларда ҳамда иситиш ва иссиқ сув таъминотининг сув иситгичларида - 1,25 ишчи босимга тенг босим билан, лекин 1 MPa (10 kgs/cm^2) дан кам эмас;

чўян иситиш ускуналарига эга иситиш тизимларида - 1,25 ишчи босимга тенг босим билан, лекин 0,6 MPa (6 kgs/cm^2) дан кўп эмас;

панелли ва конвекторли иситиш тизимларида – 1 MPa (10 kgs/cm^2) босим билан;

иссиқ сув билан таъминлаш тизимларида – тизимдаги ишчи босим плюс 0,5 МРа (5 kgs/cm^2) га тенг босим билан, лекин 1 МРа (10 kgs/cm^2) дан кўп эмас.

Гидравлик босим билан текшириш атрофдаги ҳаво ҳарорати мусбат бўлганда ўтказилади. Атрофдаги ҳаво ҳарорати нолдан паст бўлганда истисно тариқасида зичликка текшириш мумкин.

16. Барча янгидан уланаётган иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари ёки таъмирдан сўнг уланаётган тизимлар зичликка ишчи босим плюс 5 kgs/cm^{2}га тенг, лекин 10 kgs/cm^2 дан ортиқ бўлмаган босим билан текширилиши шарт.

Иссиқ сув билан таъминлаш тизимларини зичликка текшириш албатта бу тизимни эксплуатацияга қабул қилаётган энергия билан таъминловчи ташкилот (цех) вакили иштирокида ўтказилади.

17. Ҳисоблаш шайбалари ва элеваторларнинг соплолари пламбаланиши шарт.

18. Ишчи босими 0,07 МРа (0,7 kgs/cm^2) гача бўлган иситишнинг буғли тизимлари 0,25 МРа (2,5 kgs/cm^2) босим билан тизимнинг пастки нуқтасида синалиши керак. 0,07 МРа дан ортиқ ишчи босимли тизимлар эса тизимнинг юқори нуқтасида ишчи босим плюс 0,1 МРа (1 kgs/cm^2) га тенг босим билан, лекин 0,3 МРа (3 kgs/cm^2) дан кам бўлмаган босим билан синалиши керак.

19. Тизимлар қуйидаги ҳолларда синовдан ўтган ҳисобланади:

иситиш ускуналари, арматуралар ва бошқа ускуналарнинг пайвандланган чокларида “терлаш” ёки оқиш пайқалмаса;

иссиқлик билан таъминловчи сувли ва буғли тизим босим билан текширилганда беш дақиқа давомида босимнинг пасайиши 0,02 МРа (0,2 kgs/cm^2) дан ортмаса;

панелли иситиш тизимини босим билан текширилганда ўн беш дақиқа давомида босимнинг пасайиши 0,01 МРа (0,1 kgs/cm^2) дан ортмаса;

иссиқ сув билан таъминлаш тизими босим билан текширилганда ўн дақиқа давомида босимнинг пасайиши 0,05 МРа (0,5 kgs/cm^2) дан ортмаса.

Текшириш натижалари босим билан текширишни ўтказиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Агар босим билан текшириш натижалари берилган шартларга жавоб бермаса, сизилишларни аниқлаш ва бартараф қилиш зарур, ундан кейин тизим қайта зичликка текширилади.

Гидравлик синовларда аниқлик синфи 1,5 дан кам бўлмаган, корпус диаметри 160 миллиметрдан кам бўлмаган, шкаласи ўлчанаётган 4/3 номинал босимига, бўлиниши 0,01 МРа (0,1 kgs/cm^2), текширувлардан ўтган ва пломбаланган пружинали манометрларни қўллаш шарт.

20. Иссиқ сув билан таъминлаш тизимларининг узатувчи қувурларини одатда, рухланган пўлат қувурлардан ўтказиш зарур. Иссиқ сув билан таъминлаш тизимларининг узатувчи қувурлари учун иситилаётган сув емириш хоссасига эга бўлмаса рухланмаган пўлат қувурлардан, шунингдек, иссиқлик билан таъминлашнинг очиқ тизимларида пластмассали қувурлардан ёки қўллашга рухсат этилган ички юзаси

иссиқликка чидамли материаллар билан қопланган пўлат қувурлардан фойдаланишга рухсат берилади.

21. Ёпиқ схема бўйича бажарилган иссиқ сув билан таъминлаш тизимида талаб қилинган босимни ушлаб туриш учун совуқ сувни узатувчи қувурда бир даражали сув иситгичдан олдин “ўзидан кейин” босимни ростловчи қурилма ўрнатиш мажбурийдир.

22. Иссиқ сув билан таъминлаш тизимининг узатувчи қувурлари тармоғида, мос қувур диаметрларини танлаш йўли билан, босимни ростлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, тизимнинг циркуляцион қувурўтказгичларида диафрагмаларни ўрнатишни кўзда тутиш зарур. Тешик диаметри 5 миллиметрдан кам бўлмаслиги шарт. Ҳисоб бўйича диафрагма диаметри 5 миллиметрдан кам бўлса, диафрагмалар ўрнига босимни ростлаш учун кранлар ўрнатишга рухсат берилади.

23. Саноат корхоналарида иссиқ сув билан таъминлашга сарфлар даврий ва қисқа вақтли, лекин катта сарфлар бўлганда, бак-аккумуляторлар ёки катта сиғимли сув иситгичларни қўллаш лозим.

24. Иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун иссиқлик манбаи сифатида иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалардан кейин конденсатни совутиш қурилмаси ёки бак-аккумуляторларни ўрнатиш орқали иложи борича иккиламчи қайнаш буғи ишлатилиши керак.

25. Иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун очиқ бак-аккумуляторлар ўрнатилганда баклар сатҳ ростлагичлари, сатҳ кўрсатгичлари, бакни атмосфера билан боғловчи сигналли, тўкадиган ва чиқиш қувурлари билан жиҳозланиши шарт. Сигнал ва тўкиш қувурларида беркитувчи арматурани ўрнатишга рухсат берилмайди.

Бак корпуси коррозияга қарши қопламага ва иссиқлик изоляциясига эга бўлиши шарт.

26. Бевосита сув олишда иссиқлик ва сувни ҳисобга олиш учун иссиқлик пункти ёки бошқариш узели узатувчи ва тескари узатувчи қувурларида ўрнатилган иккита сарф ўлчагич (сув ўлчагич) билан жиҳозланиши шарт.

27. Иситиш тизимини таъмирлашдан кейин эксплуатацияга улашдан олдин унинг иссиқлик синовларини ўтказиш керак.

Иссиқлик синовлари иссиқлик элтувчининг синов давридаги ташқи ҳароратга мос ҳароратида ўтказилиши шарт.

Термал синовлар пайтида тизимни созлаш керак. Синов натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
17-ИЛОВА

Ҳавони иситиш мосламалари ва шамоллатиш тизимларининг эксплуатацияси учун техник талаблар

1. Шамоллатиш вентиляцияси ва ҳавони иситиш тизимларининг калорифер қурилмалари хона ичида берилган ҳароратни, ҳисобланган ташқи ҳаво ҳарорати ва иситиш сувининг берилган ҳарорат жадвалини автоматик ростлаш йўли билан таъминлаши шарт.

Вентилятор ўчирилганда автоматик блокировка амалга оширилиши шарт, бунда иситиш қурилмаларининг қувурчалари музлашининг олдини олишни ҳисобга олиб, иссиқлик элтувчини беришни таъминлайди.

2. Ҳаво иситиш ва унинг шамоллатиш вентиляцияси камераларининг тузилиши калорифер секциялари, шунингдек, калориферлар, вентиляторлар ва ташқи тўсиқлар орасида тўлиқ герметикликни, шунингдек, ёзги режимлар учун зарур бўлган айланма каналларни беркитиш зичлигини таъминлаши шарт.

3. Ҳаво иситиш ва унинг шамоллатиш вентиляцияси калориферлари буғли иссиқлик тармоқларига уланганда параллел уланади, сувли иссиқлик тармоқларидан иссиқлик билан таъминланганда эса одатда кетма-кет ёки параллел–кетма-кет уланади. Қандай уланиш қурилма лойиҳасида асосланиб берилган бўлиши керак.

Сувли тармоқларга уланаётган калорифер қурилмаларида тармоқнинг сувли оқими ҳаво оқимига нисбатан тескари бўлиши шарт.

4. Ҳар бир калорифер қурилмаси иссиқлик элтувчининг кириш ва чиқишларида ўчирувчи арматура билан, шунингдек, узатувчи ва тескари қувурўтказгичларда термометрлар учун гильзалар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Жуфтликда ишлаётган калорифер қурилмалари қўшимча конденсат тарқатувчи билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Унумдорлиги 0,25 Гкал/с ва ундан юқори бўлган калорифер қурилмалари ўлчаш диафрагмалари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

5. Калориферларда эзилган ёки букилган қирралар сони 10% дан ошмаслиги, бир йўлли калориферларда сўндирувчи қувурлар 5% дан ошмаслиги шарт. Кўп йўлли калориферларда сўндирувчи қувурлар сони 1%дан ошмаслигига рухсат берилади.

6. Иситиш ва вентиляция камералари сунъий ёритишга, шунингдек, ундаги ўрнатилган ускуналарга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун яқинлашиш имкониятига эга бўлиши шарт.

Камералар қулфланиши шарт.

7. Ҳаво сарфини ростлаш учун хизмат қиладиган тўсиқлар ва дросселли клапанлар осон очилиши ва ёпилиши ҳамда хизмат қилишга қулай ҳавоўтказгич

участкаларида жойлашиши лозим. Тўсиқлар ва клапанларга эркин яқинлашиш имконияти бўлмаса, дистанцион юритма ўрнатилиши шарт.

Ҳар бир юритма клапаннинг оралиқ ва охирги ҳолати кўрсатилган секторга эга бўлиши шарт. Ҳаво ўтказувчи тармоқнинг алоҳида шахобчалари бўйича ҳавонинг тўғри тақсимланиши учун шиберлар ўрнатилиши керак.

8. Ҳаво ўтказгич билан бирлашмаган вентиляторларнинг сўрувчи бўшлиғининг ўлчами 15 дан 25 миллиметргача бўлган ячейкали ҳимоя тўрлари билан беркитилган бўлиши керак.

9. Юритмали узатувчи валлар ва механизмларнинг (шкифлар, муфталар, тишли ғилдираклар, тасмалар) айланувчи қисмлари амалдаги хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ ишончли тўсилган ёки қўзғалмас маҳкамланган қобиқларга беркитилган бўлиши шарт.

10. Полдан 3 метр юқорида жойлашган ҳавонинг ростланишини амалга оширадиган фонар ва ойналарнинг табақалари қўл ёки электр юритмали ростловчи механизмлар гуруҳи билан жиҳозланиши керак.

11. Барча ҳаво ўтказгичлар мойли ёки махсус бўёқлар билан бўялиши шарт. Бўёқлар мунтазам янгиланиши керак.

12. Вентилятор ғилофида ва электр моторнинг корпусида ёрқин бўёқ билан роторнинг айланиш йўналишини кўрсатувчи стрелка чизилиши шарт. Ўқли вентиляторларда стрелка ҳаво ўтказгичга чизилади.

13. Монтаж ёки реконструкциядан кейин вентиляция тизимининг ҳаволи иситиш қурилмаларини эксплуатацияга қабул қилишдан олдин қурилманинг самарали ишлашини аниқлайдиган синовлар ўтказилиши ва унинг паспортдаги ҳамда лойиҳавий маълумотларга мослиги текширилиши шарт.

Синов жараёнида қуйидагилар аниқланиши керак:

унумдорлик, вентиляторнинг тўлиқ ва статик босими;

вентилятор ва электр моторлар айланишлари сони;

электр моторнинг ўрнатилган қуввати ва ҳақиқий юкламаси;

ҳаво ўтказувчи тармоқнинг алоҳида шахобчалари бўйлаб, шунингдек, барча участкаларнинг охирги нуқталарида ҳаво ҳажми ва босимининг тақсимланиши;

кириб келаётган ва чиқариб юборилаётган ҳавонинг ҳарорати ҳамда солиштирма намлиги;

иссиқлик бўйича калориферларнинг унумдорлиги;

сувнинг калориферларгача ва ундан кейинги ҳарорати;

намлаш камераларигача ва ундан кейин ҳаво ҳарорати ҳамда намлиги;

фильтрларнинг тозалаш коэффициенти;

қурилманинг алоҳида элементлари бўйича (ҳаво ўтказгич, фланецлар, камералар, фильтлар ва бошқалар) ҳаво сўриб олиш ёки сизиб кетиши мавжудлиги;

иссиқлик элтувчининг ҳисобланган сарфида калориферларнинг гидравлик қаршилиги.

14. Синовлар ташқи ҳароратга мос иссиқлик элтувчининг ҳаводаги ҳарорати бўйича ҳисобланган юкламада ўтказилиши шарт.

15. Синовлар бошланишидан аввал кўрикларда аниқланган носозликларни бартараф қилиш шарт.

Вентиляция тизимини синаш ва созлаш вақтида аниқланган етишмовчиликлар носозликлар қайдномасига киритилиши ва кейинчалик бартараф этилиши шарт.

16. Вентиляция қурилмаларини улаш ва узиш тартиби маҳаллий йўриқномалар билан аниқланади.

Навбатчи иситиш мавжуд бўлган тақдирда ишдан ташқари вақтда ва дам олиш кунлари иситиш вентиляцияси қурилмалари ўчирилиши керак.

17. Ҳавони иситиш ва шамоллатиш вентиляцияси калориферларнинг ифлосланишига қараб, лекин ҳар кварталда камида 1 марта, сиқилган ҳаво ёки буғ билан пуфлаб тозаланиши шарт.

Иситиш мавсумидан олдин пуфлаб тозалаш мажбурийдир. Эксплуатация даврида мунтазам равишда ҳаво фильтрларининг чангланиш даражасини текшириш ва уни тозалаш (регенерация қилиш) керак.

18. Ёз вақтида барча калориферлар ифлосланишнинг олдини олиш учун ҳаво кириш тарафидан беркитилиши керак.

Ҳаво ўтказгичлар чангдан йилда камида 2 марта тозаланиши шарт, агар эксплуатация шароити бўйича ундан кўпроқ тозалаш талаб қилинмаса.

Вентилятор олдидаги ҳимоя тўрлари ҳамда жалюзалар чанг ва ифлослардан чоракда камида 1 марта тозаланиши шарт.

19. Металл ҳаво қабул қилгичлар ва ташлама шахталар, шунингдек, ташқи жалюзали панжаралар коррозияга қарши қопламага эга бўлиши шарт. Уларнинг ҳолати ҳар йили текширилиши ва тикланиши шарт.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
18-ИЛОВА

Иссиқлик алмашув аппаратларини эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Ҳар бир иссиқлик алмашув аппарати қуйидагилар кўрсатилган завод паспорт маълумоти билан таъминланиши шарт, унда:

ишлаб чиқарган завод номи;

маҳсулотнинг номи ва унинг белгиланиши;

иситилаётган ва иситилган муҳит учун рухсат этилган синов босими, МРа (kgs/cm^2);

иситилаётган муҳитнинг максимал ҳарорати, ^oC;

завод рақами, ишлаб чиқарилган йил.

2. Буғда ишлайдиган иссиқлик алмашув аппаратларидан кейин конденсатнинг сифатини текшириш учун музлатгичли намуна олиш қурилмалари ўрнатилиши, шунингдек, сифат қониқарсиз бўлганда конденсатни йиғиш умумий схемасидан ва унинг дренажидан иссиқлик алмашинув аппаратини узиб қўйиш имконияти бўлиши керак.

3. Иссиқлик алмашув аппаратлари қуйидаги назорат ўлчаш воситалари билан жиҳозланиши керак:

манометрлар билан – иситилаётган ва иситилган муҳитнинг (буғ, иссиқ сув, технологик маҳсулотлар) кириш ва чиқиш қувур ўтказгичларида;

термометрлар билан – иситилаётган ва иситилган муҳитнинг кириш ва чиқиш қувур ўтказгичларида;

Саноат хавфсизлиги қоидалари талабларига мувофиқ сақловчи клапанлар билан;

дренаж қурилмалари билан;

конденсацияланган иссиқлик элтувчи томонидан - сув кўрсатувчи ойналар билан.

4. Иссиқлик алмашув қурилмалари даврий равишда кимёвий ёки механик йўл билан тозаланиши шарт.

5. Иссиқлик алмашув қурилмаларини иссиқлик унумдорлигига синовлардан беш йилда камида бир марта ўтиши шарт.

6. Иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш тизимининг сув-сувли иситгичлари зичликка синалиши шарт. Сув-сувли иссиқлик алмашувчининг қувур тизими емирилиши ёки вальцовканинг зич эмаслиги сабабли, иссиқ сув билан таъминлаш тизимининг узутувчи қувурларида тармоқ сувининг йўқотишларини аниқлаш ёки иссиқлик тармоқларидаги узатувчи қувурда ва сув ўтказгичдан сувнинг оқиб кетишини

аниқлаш учун барча иссиқлик алмашувчиларни зичликка иссиқлик тармоғи ёки сув ўтказгич босимига тенг босим билан 4 ойда камида 1 марта текширилиши керак.

Агар сув ўтказгичдаги босим иссиқлик тармоғининг тескари узатувчи қувуридаги босимдан ортиқ бўлса, эксплуатация шароитида иситгичларнинг зичлигини иситишдан кейин тескари узатувчи қувурда тармоқ сувини кимёвий таҳлил қилиш йўли билан текширишга рухсат берилади.

7. Сув иситгичнинг вальцовкасида ёки қувурида оқиш пайқалса, улар таъмирлаш учун тўхтатилиши шарт.

Шикастланган қувурга тиқин ўрнатишга оқишни бартараф қилиш учун вақтинчалик чора сифатида рухсат берилади.

8. Иссиқлик алмашув аппаратлари ҳароратни автоматик росталгичлар билан жиҳозланган бўлиши шарт, улар жадвалга мувофиқ иситиш муҳитининг белгиланган ҳароратини таъминлайди. Тармоқ сувида ишлаётган иссиқлик алмашув аппаратлари тармоқ сувини ҳарорат жадвалига мос бўлган ҳарорат билан тармоққа қайтариши шарт.

Иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари учун иссиқ сувнинг ҳарорати 55-75°С чегарасида бўлиши шарт.

9. Иссиқлик алмашув аппаратларини қисқа вақтга тўхташга мажбур бўлганда ва тизим дренажланганда, иссиқлик алмашувчиларни сув билан тўлдириш фақат қувур панжаралари совутилганидан кейин амалга оширилиши лозим.

Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар
ва иссиқлик тармоқларини техник
эксплуатация қилиш қоидаларига
19-ИЛОВА

Иссиқликни ўлчаш воситалари ва иссиқлик жараёнларининг автоматик ростлагичларини эксплуатация қилишда техник талаблар

1. Назорат ўлчаш воситалари, автоматика ва иссиқликни техник назорат қилиш аппаратуралари техник шартлар бўйича рухсат этилган қийматдан ортиқ вибрацияга дучор бўлмаслиги шарт. Иссиқликни техник назорат қилиш ускуналари кўрсаткичлари ҳар бир ускунанинг аниқлик синфи учун белгиланганига мос келиши шарт. Иссиқлик жараёнларини автоматик ростлагичларнинг ҳолати агрегатларнинг тежамкорлик билан ишлашини, технологик ҳимоя қурилмаларининг ҳолати эса ускунанинг нормал ишлаш режими бузилганда унинг ишончли ишлашини таъминлаши шарт.

2. Буғ ва сув сарфини ростловчи клапанлар доимо зич ушлаб турилиши шарт.

Ростловчи клапанларнинг ўтиш кесими агрегатнинг ҳисобланган тавсифларига мос келиши шарт.

3. Агрегатлар ишини назорат қилувчи ускуналар, шунингдек, техник ҳисобга олиш ускуналари қулфланиши ва пломбаланиши шарт.

4. Иссиқлик чиқарувчи юзалар бўйлаб ва бевосита уларнинг яқинида кабелларни ўтказишга рухсат берилмайди.

5. Ускуналар ва аппаратура ўрнатилган жойларда атрофдаги ҳаво ҳарорати, намлиги, вибрация, чангланганлик шу аппаратурага стандартлар, техник шартлар ва паспортида рухсат берилган чегарада бўлиши шарт.

6. Автоматик ростлагичлар ва масофавий бошқарув схемаларини электр таъминоти захирадаги таъминлаш манбаидан амалга оширилиши керак. Кучланишни назорат қилиш учун ёруғлик ва товуш сигнализацияси кўзда тутилган бўлиши шарт.

Захирадаги электр таъминотни автоматик улаш воситаларининг ишга яроқлилиги корхона бош муҳандиси (энергетиги) тасдиқлаган жадвал бўйича даврий равишда текширилиши шарт. Ростловчи арматуранинг гидро ёки пневмоюритмасининг мойли насослари ва компрессор қурилмалари захираланган, захира механизмларини автоматик улаш билан бажарилган бўлиши шарт.

7. Иссиқликни назорат қилувчи ва автоматика лабораторияси ёки цехи симоб билан тўлдирилган ускуналарни таъминлаш учун саноат санитарияси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ махсус изоляция қилинган хоналар, ускуналарга эга бўлиши шарт.

8. Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш қонунчиликда белгиланган муддатларда амалга оширилиши зарур.

9. Иссиқлик жараёнларини автоматик ростлагичлари ускуналарнинг режим карталарига мос оптимал шароитга мўлжалланган ва агрегатнинг ишлаш вақтида доимо ёқилган бўлиши керак.

10. Ускуна ўлчаётган максимал ишчи босими текис юкламада шкаласининг 2/3 қисми ва тебранувчи юкламада ярим шкаласи чегарасидан чиқмаслиги керак. Минимал босимни ўлчаш шкаласининг 1/3 дан кам бўлмаган қисмида тавсия этилади.

Қайд этувчи ва кўрсатувчи термометрлар шкаласининг юқори чегараси ўлчаш муҳитининг максимал ҳароратига тенг бўлиши шарт. Ўзи ёзадиган манометрлар шкаласининг юқори чегараси ўлчаш муҳитининг 1,5 ишчи босимига мос келиши лозим.

11. Иссиқлик ўтказгичлардаги ҳароратни ўлчашда термометрлар оқимга қарши қувур ўқига қия қилиб ёки бурилишларда – қувур ўқи бўйича ўрнатилиши шарт.

12. Рухсат этилган максимал босимни белгилаш учун ускуна шкаласида қизил чизиқ чизилган бўлиши ёки ускуна ишчи стрелкасининг ҳаракатланишига боғлиқ бўлмаган, қўшимча қизил стрелкасига эга бўлиши шарт. Ускунанинг ойнасига қизил чизиқ тортиш ман этилади.

13. Пружинали манометрларни буғ ўтказгичларга бирлаштириш сифонли қувур орқали амалга оширилиши керак.

14. Манометрлар қувурўтказгичларга ва аппаратларга назорат ускуналарини улаш учун уч йўлли фланецли кранлар орқали бирлаштирилиши шарт.

15. Сарф ўлчагичларнинг диафрагмалари ва тезкор сув ўлчагичлар амалдаги қоидаларга мувофиқ иссиқлик ўтказгичнинг тўғри чизиқли участкаларида ўрнатилиши керак.

16. Ҳар бир ўлчаш диафрагмасининг қувурдан чиқиб турган юзасида диафрагма ва иссиқлик ўтказгичнинг диаметри, иссиқлик элтувчи йўналишини кўрсатувчи стрелка ва ўлчаш воситаларига улаш учун “плюс” ва “минус” белгилари кўрсатилиши шарт.

17. Автоматик ростлагичлар ва масофавий бошқариш қурилмаларини таъмирлаш асосий ускуналарни таъмирлаш вақтида ўтказилиши керак.

18. Ускуналарни даврий қиёслашдан ўтказишда яроқсиз деб топилган симобли ёки суюқлик термометрларни ихтисослаштирилган корхоналарга утилизация қилиш учун топширилиши шарт.

QMMB: 10/26/1734-10/0513-son
20.05.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1734-10
2026 - yil 19 - May

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
FUQARO AVIATSIYASI AGENTLIGI
BUYRUG'I

“Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари”га (ЎзР АҚ-160) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сон буйруғи (рўйхат рақами 1734, 2007 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 44-сон, 448-модда) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари”га (ЎзР АҚ–160) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Direktor o'rinbosari
2026-yil 27-aprel
2-n-son

LIM OLEG NIKOLAYEVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil 2026-yil 22-aprel		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH
Vazir 2026-yil 15-Aprel		MAXKAMOV ILXOM RUSTAMOVICH
Rais 2026-yil 13-Aprel		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

QMMB: 10/26/1734-10/0513-son
20.05.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги
ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг
2026 йил 27 апрелдаги 2-н-сон буйруғига
ИЛОВА

“Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари”га (ЎзР АҚ–160) киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Фуқаро ва экспериментал авиация ҳаво кемалари парвозлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларида назарда тутилган талаблар мазкур Қоидалар мақсадлари учун сертификатлаш талаблари ҳисобланади ҳамда мазкур талаблар “Ўзавиация” агентлигининг расмий сайтига жойлаштириб борилади.”.

2. 22-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда, ариза берувчи мазкур Қоидаларнинг 4-иловасида келтирилган шакл бўйича парвоз хавфсизлигининг мос равишдаги даражасини таъминлаши ҳақидаги хулосасини тайёрлайди, шунингдек парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хавфлар таҳлилини ишлаб чиқади ва “Ўзавиация” агентлиги билан келишилган холда тасдиқлайди.”.

3. Қуйидаги мазмундаги 32^1-банд билан тўлдирилсин:

“32^1. Асословчи ҳужжатларнинг экспертизаси ва сертификатлаш текшируви натижалари бўйича камчиликлар аниқланганда, камчиликлар тоифаланган холда қуйидагича белгиланади:

биринчи тоифа – сертификатнинг муддатини узайтиришга (беришга) тўсқинлик қиладиган ҳамда аэродром эксплуатанти томонидан комплекс хулосани расмийлаштиришдан олдин бартараф қилиниши мажбурий бўлган парвозлар хавфсизлигига бевосита салбий таъсир кўрсатувчи камчилик;

иккинчи тоифа – сертификат муддатини узайтиришга (беришга) тўсқинлик қилмайдиган, шунингдек аэродром эксплуатанти томонидан ишлаб чиқилган ҳамда “Ўзавиация” агентлиги билан келишилган тегишли чора-тадбирларга мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган камчилик.

Бунда, сертификатлаш текшируви натижасида биринчи тоифа камчиликлар аниқланган тақдирда, “Ўзавиация” агентлиги аэродромга сертификат бериш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади, иккинчи тоифа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, сертификат бериш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниб, камчиликлар

QMMB: 10/26/1734-10/0513-son
20.05.2026-y.

“Ўзавиация” агентлиги билан келишилган тегишли чора-тадбирларда белгиланган муддатларда бартараф этилиши лозим бўлади.”.

4. 58-бандниng “е” кичик бандидаги “ўзгаришлар” деган сўз “ўзгартириш ва қўшимчалар” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 1-иловaнинг матнидаги “Аэродром класси” деган сўзлар “Аэродром код белгиси” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 2-иловада:

1) 4-банддаги “ўзгартириш” деган сўз “ўзгартириш ва қўшимчалар” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги 6-банд билан тўлдирилсин:

“6. Аэродром эксплуатанти томонидан ишлаб чиқилган ва “Ўзавиация” агентлиги билан келишилган ўқув дастурлари асосида аэродром эксплуатацияси ва парвозлар хавфсизлигига жалб этилган мутахассисларнинг малакаси ошириб борилишини таъминлаш.”.

7. 3-иловада:

1) 1-қисмда:

“а” кичик банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “ўқув юрти” деган сўзлар “таълим ташкилоти” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

“е” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“е) учиш-қўниш йўлаги, ҳаракатланиш йўлаги ва тўхтаб туриш жойларидаги сунъий қопламаларнинг мустаҳкамлиги ва текислиги тўғрисидаги илмий ташкилотларининг хулосаси (беш йилда камида бир маротаба олинади).”;

“ж” кичик банддаги “аэродром класси” деган сўзлар “аэродром код белгиси” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги “л” кичик банд билан тўлдирилсин:

“л) аэродром назорат нуқтасидан 46 км радиусда жойлашган баланд тўсиқларни ҳисоблаш (суратга олиш) бўйича геодезия ташкилотининг ҳисоботи. Бунда, ушбу ҳисоботлар беш йилда камида бир маротаба амалга оширилади.”;

2) 2-қисмнинг “а” кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги “шарифи” деган сўз “отасининг исми” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “ўқув юрти, диплом №, тугалланган вақти, малакаси” деган сўзлар “таълим ташкилоти, диплом маълумотлари, малакаси” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 3-қисмнинг “а” кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги “шарифи” деган сўз “отасининг исми” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 10/26/1734-10/0513-son
20.05.2026-y.

учинчи хатбошидаги “ўқув юрти, диплом №, тугалланган вақти, малакаси” деган сўзлар “таълим ташкилоти, диплом маълумотлари, малакаси” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 4-қисмда:

“б” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) Штатлар жадвали ва ходимлар бўйича маълумотлар:

фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаган лавозими;

маълумоти (таълим ташкилоти, диплом маълумотлари, малакаси);

тайёргарлиги (малака ошириш ўқув курслари);”;

қуйидаги мазмундаги “з” кичик банд билан тўлдирилсин:

“з) Сертификатлашлар оралиғидаги давр мобайнида метеорологик асбоб-ускуналарнинг ишдан чиққанлиги тўғрисидаги маълумотнома.”;

5) қуйидаги мазмундаги 6-қисм билан тўлдирилсин:

“6-қисм. Парвозларга хизмат кўрсатувчи махсус транспорт воситалари билан таъминлаш

а) Махсус транспорт хизмати ходимлари тўғрисида қуйидаги маълумотлар (лавозимидан келиб чиқиб):

фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаган лавозими;

маълумоти (таълим ташкилоти, диплом маълумотлари, малакаси);

малака оширганлиги (сана, таълим ташкилоти);

б) Махсус транспорт хизмати тўғрисидаги низом;

в) Махсус транспорт хизмати ташкилий тузилмаси;

г) Махсус транспорт хизматидаги мавжуд техникалар рўйхати;

д) Махсус транспорт хизматида аэродром элементларида (учиш-қўниш йўлаги, ҳаракатланиш йўлаги ва перрон) ҳаракат қиладиган ва ҳаво кемасига хизмат кўрсатадиган махсус транспорт воситалари милтилловчи чироқлар ва радиоалоқа воситаси билан таъминланганлиги тўғрисида далолатнома;

е) Аэродром эксплуатантлари томонидан аэродромнинг қабул қилиш ва ўтказувчанлик қобилиятидан келиб чиқиб махсус техникаларнинг зарурий миқдори тўғрисидаги маълумотнома.

Бунда, маҳаллий парвозларга мўлжалланган аэродромларга зарурий махсус техника воситаларини жалб қилиш бошқа маҳаллий ташкилотлардан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.”.

QMMB: 10/26/2552-1/0506-son
19.05.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2552-1
2026 - yil 19 - May

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI FUQARO AVIATSIYASI AGENTLIGI DIREKTORINING

BUYRUG‘I

Havo transportida yuk tashish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta’minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas’uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2013-yil 6-dekabrdagi 36-N-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2552, 2014-yil 8-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014-y., 2-son, 28-modda) bilan tasdiqlangan Havo transportida yuk tashish qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direkor
13-May 2026-yil
4-n-son

NAZAROV TAXIR
ALIMJANOVICH

Kelishildi:

Vazir 29-Aprel 2026-yil		MAXKAMOV ILXOM RUSTAMOVICH
Rais 28-Aprel 2026-yil		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH
Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil 28-Aprel 2026-yil		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

QMMB: 10/26/2552-1/0506-son
19.05.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi
Fuqaro aviatsiyasi agentligi direktorining 2026-yil 19-maydagi
4-n-son buyrugʻiga
ILOVA

Havo transportida yuk tashish qoidalariga kiritilayotgan oʻzgartirishlar

1. 1-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“**aviatsiya xavfsizligi** – fuqaro aviatsiyasini noqonuniy aralashish harakatlaridan himoya qilishga qaratilgan chora-tadbirlar kompleksi, shuningdek, jalb qilinadigan inson va moddiy resurslar;”;

oʻn ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“**kuzatib borilmaydigan bagaj** – egasi hisoblangan shaxs joylashgan havo kemasida yoki boshqa havo kemasida yuk sifatida tashiladigan bagaj;”.

2. 42-banddagi “Vazirlar Mahkamasining 2000-yil 5-iyuldagi 256-sonli qarori bilan tasdiqlangan Oʻzbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasi faoliyatiga gʻayriqonuniy aralashuvlardan himoya qilishning milliy dasturi” degan soʻzlar “Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 10-martdagi 152-son qarori bilan tasdiqlangan Oʻzbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasining noqonuniy aralashish harakatlaridan aviatsiya xavfsizligini ta’minlash milliy dasturi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

QMMB: 10/26/2995-3/0505-son
19.05.2026-y.

20 (1248)-son
516-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2995-3
2026 - yil 19 - May

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига “Чақириққача ҳарбий таълим” йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 5 декабрдаги 34 ва 27-2017-сон қарори (рўйхат рақами 2995, 2018 йил 5 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., 10/18/2995/1020-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига “Чақириққача ҳарбий таълим” йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

QMMB: 10/26/2995-3/0505-son
19.05.2026-y.

Mudofaa vaziri
6-May 2026-yil
12-сон

XALMUXAMEDOV SHUXRAT GAYRATDJANOVICH

Vazir
5-May 2026-yil
30-Қ/Қ-сон

SHARIPOV KONGRATBAY AVEZIMBETOVICH

QMMB: 10/26/2995-3/0505-son
19.05.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг
2026 йил 6 майдаги 12-сон ҳамда Олий таълим, фан
ва инновациялар вазирлигининг 2026 йил 5 майдаги
30-Қ/Қ-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига “Чақириққача ҳарбий таълим” йўналиши бўйича қабул қилишда касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 6-банддаги “давлат тест синовлари ўтказилишига қадар 11 июлдан 25 июлгача” деган сўзлар “ҳар йили абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш якунлангандан бошлаб 20 июлга қадар (20 июль куни ҳам)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 17-банддаги “30” рақами “25” рақами билан алмаштирилсин.

3. 19-банддаги “72” рақами “24” рақами билан алмаштирилсин.

4. 21-банддаги “48 соат” деган сўзлар “уч кун муддат” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3034-2
2026 - yil 19 - May

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRINING
BUYRUG‘I

Davlat ilmiy dasturlari doirasida yaratilgan intellektual mulk huquqlari (patentlar)ni xorijda roʻyxatdan oʻtkazish va qoʻllab-quvvatlash xarajatlarini toʻlash tartibi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirishlar kiritish haqida

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 25-noyabrdagi PF–231-son “Qonunchilikdagi huquqiy boʻshliqlarni bartaraf etish va tartibga solish yukini kamaytirish toʻgʻrisida”gi Farmoniga muvofiq buyuraman:

1. Oʻzbekiston Respublikasi innovatsion rivojlanish vazirining 2018-yil 4-iyundagi 14/6-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 3034, 2018-yil 5-iyul) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 06.07.2018-y., 10/18/3034/1474-son) bilan tasdiqlangan Davlat ilmiy dasturlari doirasida yaratilgan intellektual mulk huquqlari (patentlar)ni xorijda roʻyxatdan oʻtkazish va qoʻllab-quvvatlash xarajatlarini toʻlash tartibi toʻgʻrisidagi nizomga ilovaga muvofiq oʻzgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq Oʻzbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

Vazir
13-May 2026-yil
201-son

SHARIPOV KONGRATBAY
AVEZIMBETOVICH

Kelishildi:

Fanlar akademiyasi prezidenti

12-May 2026-yil

AYUPOV SHAVKAT
ABDULLAYEVICH

Oʻzbekiston Respublikasi oliy taʼlim, fan va innovatsiyalar
vazirining 2026-yil 19-maydagi 12-son buyrugʻiga
ILOVA

Davlat ilmiy dasturlari doirasida yaratilgan intellektual mulk huquqlari (patentlar)ni xorijda roʻyxatdan oʻtkazish va qoʻllab-quvvatlash xarajatlarini toʻlash tartibi toʻgʻrisidagi nizomga kiritilayotgan oʻzgartirishlar

1. 1-banddagi “Innovatsion rivojlanish va novatorlik gʻoyalarini qoʻllab-quvvatlash jamgʻarmasining” degan soʻzlar “Ilm-fanni moliyalashtirish va innovatsiyalarni qoʻllab-quvvatlash jamgʻarmasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

2. 3-band, 5-bandning ikkinchi xatboshisi hamda 9-banddagi “ilmiy-tadqiqot” degan soʻzlar “ilmiy” degan soʻz bilan almashtirilsin.

3. 4-bandning beshinchi va oltinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“tabiiy resurslarni tejash va ulardan oqilona foydalanish hamda tabiatni muhofaza qilish qobiliyati;

ijtimoiy muammolar yechimining taʼminlanganligi va eksportga moʻljallanganligi.”.

20 (1248)-сон
518-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3632-2
2026 - yil 19 - May

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ–311-сон “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 9 июндаги 7-сон буйруғи (рўйхат рақами 3632, 2025 йил 19 июнь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2025 й., 10/25/3632/0535-сон) билан тасдиқланган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхатининг матни иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда Давлат тиббий суғурта жамғармаси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Вазир
2026 йил 10 апрель
17-сон



XUDAYAROV ASILBEK ANVAROVICH

Келишилди:

Вазир
2026 йил 7 апрель



KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

Ижро этувчи директор
2026 йил 27 март



ERMATOV ZOXID SHAVKATOVICH

Раис
2025 йил 5 декабрь



TURAXUJAYEV HALILILLO SOBIRJONOVICH

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг
2026 йил 10 апрелдаги
17–сон буйруғига
ИЛОВА

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар РЎЙХАТИ

Йўлланма (госпитализация) учун асос	Уникал коди	КХТ–10	Имтиёзли тоифадаги шахсларга касалликнинг оғирлик даражасига кўра муассасаларда даволаниши		
			Ҳудудий даражадаги тиббиёт ташкилотида (A)	Республика даражасидаги тиббиёт ташкилотида (B)	Давлат тиббиёт олий таълим ташкилотлари клиникаларида (C)
1–боб. Урология йўналиши					
Буйракнинг ягона, кўп сонли ва маржонсимон буйрак тошлари					
Буйракнинг ягона тоши (асоратсиз кечиши)	0.1	N20.0	+	–	+
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.2		+	–	+

Кўп сонли ва маржонсимон буйрак тошлари жарроҳлик йўли билан даволаниш учун. Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.3		–	+	–
Буйрак ва сийдик найлари тошлари					
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	N20.2	+	–	+
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.2		–	+	–
Сийдик найи тошлари					
5 мм дан кичик сийдик найи тошлари	0.1	N20.1	+	–	+
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.2		+	–	+
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.3		–	+	–
Аниқланмаган сийдик тошлари					
Асоратсиз кечиши	0.1	N20.9	+	–	+
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.2		+	–	+

Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.3		–	+	–
Қовуқ тошлари					
Асоратсиз кечиши	0.1	N21.0	+	–	–
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.2		+	–	+
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.3		–	+	–
Уретра тошлари					
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	N21.1	+	–	+
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.2		–	+	–
Простата безининг хавфсиз гиперплазияси					
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	N40.0	+	–	+
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун	0.2		–	+	–

Эркак жинсий аъзоларининг касалликлари артериялар эмболизацияси учун	0.3		–	+	–
Эректил дисфункция (органик келиб чиқишли импотенция)					
Касаллик асоратларида консерватив, касалликнинг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун	0.1	N48.4	+	–	+
Органик эректил дисфункция (учинчи қатор терапия–жинсий олатни протезлаш учун)	0.2		–	+	–
Эректил дисфункция (генитал реакция етишмовчилиги)					
Касаллик асоратларида консерватив, касалликнинг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун	0.1	F52.2	+	–	+
Органик эректил дисфункция (учинчи қатор терапия–жинсий олатни протезлаш учун)	0.2		–	+	–
Пейрони касаллиги					
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	N48.6	+	–	+
Касаллик асоратларининг қайталанишида жарроҳлик амалиётини бажариш учун	0.2		–	+	–
Аниқланмаган жинсий олат касалликлари					
18 ёшгача бўлган болаларда консерватив ва жарроҳлик амалиёти учун	0.1	N48.9	+	–	+

18 ёшгача бўлган болаларда касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун	0.2		–	+	–
Варикоцеле					
II ва III даражали варикоцеледа жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	I86.1	+	–	+
II ва III даражали варикоцеледа жарроҳлик йўли билан даволаниш учун (фақат рецидив ҳолатларда). Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.2		–	+	–
Буйракнинг туғма ягона оддий кистаси					
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	Q61.0	+	–	+
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.2		–	+	–
Буйракнинг орттирилган ягона оддий кистаси					
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	N28.1	+	–	+
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.2		–	+	–

Аутосом–доминант буйрак поликистоз касаллиги					
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	Q61.2	+	–	+
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун	0.2		–	+	–
Туташ, паллали ва тақасимон буйрак					
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	Q63.1	+	–	+
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.2		–	+	–
Эктопик буйрак					
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	Q63.2	+	–	+
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.2		–	+	–
Буйрак ва сийдик найининг бошқа аниқланган касалликлари					
Нефроптоз (симптоматик, асоратсиз)	0.1	N28.8	+	–	–
Асоратланган шакллари	0.2		–	+	+

Жом–сийдик най сегменти стриктураси					
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	N13.0	+	–	–
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.2		–	+	+
Сийдик най стриктураси					
Жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	N13.1	+	–	–
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.2		+	–	–
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.3		–	+	+
Қовуқ–сийдик най рефлюкси					
Касалликнинг асоратланишида консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволаниш учун	0.1	N13.7	+	–	–
Касаллик асоратларининг қайталаниши ёки иккиламчи жарроҳлик амалиётини бажариш учун. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг бирламчи асоратсиз кечишида юқори технологик диагностика ва жарроҳлик амалиёти учун	0.2		–	+	+
Буйрак жоми ва сийдик най ўтказувчанлигининг бошқа туғма бузилишлари					
